


Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

ИЖТИМОИЙ ОДОБЛАР




www.islom.uz



Шайх
Мухаммад Содик
Мухаммад Юсуф

ИЖТИМОИЙ ОДОБЛАР



«HILOL-NASHR»
ТОШКЕНТ
2023

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ

«Сизлар учун Расулulloҳда гўзал ўрнак бор»
(Аҳзоб сураси, 21-оят)

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:
«...وَخَالِيَ النَّاسَ بِخُلُقِي حَسَنًا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:
«...одамларга ҳусни хулқ ила муомала қил», дедилар».
(Термизий ривоят қилган)

Шпориғиз:

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Ислоғга инти-
лиш, Куръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи
солиҳ – улуг мужтаҳидларга эргашин, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарка-
тиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фиркачиликка барҳам бериш, му-
таассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитанинг
2023 йил 06 июндаги 02-07/4530-рақамли
хулосаси асосида тайёрланди.

М 96 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
Ижтимоий одоблар. – Тошкент: «Hilol-Nashr», 2023. – 456 б.

УЎК 297.1 177
КБК 86.38

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

СЎЗБОШИ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ўзининг охирги китоби Куръони Каримни одобларнинг бош китоби, Ўзининг охирги дини Исломни одоблар дини, Ўзининг охирги набийси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни одоблар набийси қилган Аллоҳ таолога Ўзининг жалолига муносиб ҳамду санолар бўлсин!

Роббидан гўзал одобларни қабул қилиб олиб, умматларига омонатдорлик ила топширган, одобли умматни тарбиялаб, камолга етказган одоблар пайғамбари Муҳаммад Мустафога, у зотнинг аҳли байтига ва саҳобаларига мукаммал, батамом салавоту саломлар бўлсин!

Кишиларга исломий одоблар ҳақидаги маълумотларни етказиш йўлида хизмат қилган барча уламоларимизга Аллоҳ таолонинг доимий раҳмати бўлсин!

Мухтарам ўқувчиларимиз! Сизлар билан ушбу сатрлар орқали Ислом динидаги ижтимоий одоблар борасида суҳбат юриштиш ниятидамиз. Аллоҳ таолодан ишимизнинг осон кўчишида ёрдам сўраган ҳолда бунинг барчамизга фойдали бўлишини тилаб дуолар ҳам қиламиз.

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги дини Исломни мукаммал қилгани, бандаларига берган неъматини батамом этгани, уни бандаларига Қиёмат қоим бўлгунича дин деб рози бўлгани сиз билан бизга икки дунёнинг бахти-саодатидир. Аллоҳ таоло Моида сурасида марҳамат қилади:

الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمْ

الْإِسْلَامَ دِينًا

«Бу кун сизга динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим ва сизга Исломи дин деб рози бўлдим» (3-оят).

Диннинг мукаммал қилингани, неъматнинг батамом этиб берилгани ва Исломи дин деб рози бўлингани тўғрисидаги хабар фақат ўша замон мусулмонлари ёки умуман, мусулмон уммати учунгина эмас, балки бутун инсоният учун катта шараф ва башорат эди. Бу улкан хурсандчилик хабари инсониятнинг узок тарихи давомида саодат излаб қилган ҳаракат ва уринишларига тож кийдириб, гўзал натижалар берган эди.

Инсонларни яратган холиқи Аллоҳ таоло уни аста-секин тарбия ҳам қилиб борди. Барча авлодларга Исломи дин қилиб берган бўлса ҳам, ҳар замон ва маконга ўзига хос шариат берди. Илк пайғамбар Одам Атога берилган шариат ўша даврдаги содда ҳаётга мос ва ўша замон воқеълигини ҳисобга олган содда шариат эди. Кейинги даврларда ҳам Аллоҳ таоло худди шу қоида асосида ҳар замоннинг, маконнинг ва жамиятнинг ўзига хос ҳолатларини эътиборга олган ҳолда шариатлар юбориб турди. Табиийки, кейин келган шариат олдингисидан мукаммалроқ бўлар эди. Аввалги пайғамбарлар ўз қавмларигагина юбориларди. Уларнинг пайғамбарликлари, шариатлари маълум муддатга, маълум маконга ва маълум жамият ёки қавмга хос эди. Шу тариха кўплаб пайғамбарлар, шариатлар юборилди. Ниҳоят, инсоният айна камолга етган пайтида Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг охиригиси Муҳаммад алайҳиссаломга самовий китобларининг сўнгисини Куръони Каримни нозил қилди ва у орқали жамики инсоният учун ҳар замон ва ҳар маконга салоҳиятли Ислам шариатини жорий этди. Бу эса инсоният учун улўф шараф эди.

Ана шу охириги шариатнинг мукаммал таълими ва татбиқи йиғирма уч йил давом этди. Маккаи Мукаррама яқинидаги Ҳиро ғорида бошланган бу оламшумул таълим Мадинаи Мунаввара ва унинг атрофларида давом этди, видолашув ҳақи чоғида – ушбу биз ўрганаётган оятнинг нозил қилиниши билан мукаммал бўлди. Ва ниҳоят, оламларнинг Робби Ўзининг мўмин-мусулмон бандаларига «Бугунги кунда сизга динингизни мукаммал қилиб бердим», деб хитоб қилди. Ушбу хитоб Ислам дини инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи шо-

мил низом эканини кўрсатади. Дин эътиқод масалаларини ҳам, шу билан бирга, одоб-ахлоқ, муомала, маънавиятлар, таълим-тарбия, ижтимоий масалалар, ибодатлар, ҳалол-ҳаром ва бошқа муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Мазкур ишларда шариат ҳукмига амал қилганлар Аллоҳнинг амрига итоат этган бўлишади. Ким Ислому шариатини ўз ҳаётига дастур қилиб олса, илоҳий дастурни, баркамол дастурни қўллаётган бўлади. Унинг ақийдаси комил, маънавий ҳаёти баркамол бўлади. Таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, ижтимоий ҳаёти, турли алоқалари камолига етган бўлади. Икки дунёдаги бахт-саодати тўқис бўлади.

Борлиқни яратган Қодиру Зулжалол шу борлиқнинг халифаси этиб инсонни ҳам яратган. У Ўзи яратган борлиқда Ўзи яратган одам қандай дастурга амал қилиб яшаса, икки дунё саодатига эришишини ҳам Ўзи яхши билади. Азалий ва чегарасиз илми ила бандалари учун рия қилиниши лозим бўлган одобларни ҳам жорий қилган. Биз ушбу китобимизда мазкур одобларнинг бир йўналиши бўлмиш ижтимоий одоблар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Асосий мавзуга киришдан олдин одоб, унинг таърифи ва Исломининг унга бўлган муносабати борасида қисқача сўз юритиб олиш фойдадан холи бўлмас, деган умиддамиз.

ОДОБНИНГ ТАЪРИФИ

Тилимизда «одоб» тарзида талаффуз қилинишга одатланиб қолинган арабча «адаб» сўзи аслида яхшиликка чақиришни англатади, у «маъдаба» ўзагидан олинган. Маъдаба эса одамларни яхшиликка, маънавий зиёфатга чақиришни англатади. Одоб ҳам одамлар доимо даъват қилинадиган маънавий «маъдаба», яъни зиёфат бўлгани учун шу номни олган. Демак, одоб яхшилик демакдир. «Фалон киши одобли экан» дейилгани ўша одамнинг яхшилиги кўп экан, деганидир. «Кийиниш одоби» деганда яхшилаб кийиниш тушунилади. «Сухбат одоби» деганда сухбатни энг яхши савияда олиб бориш кўзда тутилади. «Ижтимоий одоблар» ижтимоий муомалаларни энг яхши тарзда олиб бориш деганидир.

Абу Муҳаммад «Китобул Воъий» асарида: «Одоб одамларни мақталган нарсаларга чақиргани учун одоб деб номланган», дейди. Абу Зайд раҳматуллоҳи алайҳи: «Одоб фазилатлардан бирига элтувчи яхши уринишга ишлатиладиган ном», деган.

Одобнинг қуйидагича таърифлари ҳам келган: «Мақтовга сазовор сўз ва амални ишлатиш, қилиш одобдир»; «Карамли ахлоқларни ушлаш одобдир»; «Ўзингдан каттани улуғлаб, ўзингдан кичикка меҳр кўрсатишинг одобдир». Шу ва шунга ўхшаш таърифлар тўпланганида, Исломда кўзланган «одоб» маъноси юзага келади.

Муҳаммад Зеҳний айтади: «Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан топилади».

«Ҳар бир киши касб-корни мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-одоб, фазилатларга эга бўлмоғи керак», дейди Абу Наср Форобий.

Ҳозирги кунда ғарб маданияти таъсирида «одоб»ни маданият дейиш ҳам жорий бўлган. Мисол учун, «овқатланиш одоби» дейиш ўрнига «овқатланиш маданияти» дейилади. Баъзида ижтимоий одоблар деган маънони ифода этиш учун французча «этикет» сўзи ҳам ишлатилади.

ОДОБНИНГ АҲАМИЯТИ

Одоб масаласи Исломда ўта муҳим ўрин тутади. Чунки Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишда одобнинг ўрни жуда муҳим. Беодоблик барча нарсани, жумладан, амални ҳам, қалбни ҳам, тилни ҳам, бошқа барча уринишларни ҳам бузади. Одобсиз одам бирор нарсага эришиши, жамиятда яхши ўрин топиши мумкин эмас. Одобсиз киши ҳатто бошқалар билан алоқаси, муносабатларини ҳам яхшилаёт олмайди.

Шунинг учун ҳам тасаввуф аҳлининг қоидаларидан бирида: «Одоб бўлмагунича, Ҳақ ва халқ билан сайри сулук бўлмас», дейилган. Шунинг учун ҳам машойихлар: «Ким нимага эришса, фақат одоб билан эришади. Ким нима билан қуласа, фақат беодоблик билан қулайди», деганлар.

Яхши одоб аслида нафснинг камолотга етгани, унинг интизомлилиги, жиловлангани ва яхшиликда эканининг аломатидир. Аксинча, беодоблик нафснинг ҳали покланмагани, жиловланмагани ва интизомда эмаслиги аломатидир.

Одоб иккига: назарий ва амалий жиҳатга бўлинади. Одоб олдин назарий жиҳатдан ўрганилади ва кейин унга амал қилинади. Фикр юритиб кўрадиган бўлсак, одобнинг доираси шу даражада кенги, оддий нарсаларга нисбатан бўлган одобдан бошлаб, то барча нарсаларнинг Роббига нисбатан бўладиган одобгача бор. Исломда одобнинг яхшиликка чақириш маъноси инсонга боғланган барча нарсаларда намоён бўлади, яъни мусулмон инсоннинг ўзи билан боғлиқ барча нарсага одоб билан – яхшилик юзасидан муомала қилиши йўлга қўйилган. Бу муомалалар жамодот – жонсиз нарсалардан бошланади. Кейин наботот оламига, сўнгра ҳайвонот оламига ўтади, сўнгра эса инсоният олами, фаришталар олами ва ҳоказо оламларни қамраб олади. Исломдаги одоблар мусулмон инсоннинг ўз Набийси ва Роббига кўрсатадиган одоби ила тож кияди, камолга етади.

Мана шундай кенг доирадаги шарафли одобларга амал қилиш аввало кишининг ўзи учун фойдалидир. Мисол учун, чой ичадиган пиёламизни олиб кўрайлик. Киши одобли бўлса, ўша пиёлани авайлаб ишлатади, тоза тутади. Натижада пиёла узок

вакт унга кўнгилдагидек хизмат қилади. Агар ўша одам пиёлага нисбатан беодоблик қилса, унинг лаби учади, кир бўлади, дарз кетади ва охири синади.

Мана шу ҳолатни бошқа ҳар бир катта-кичик нарсаларда ҳам кўриб, мулоҳаза қилишимиз мумкин. Ҳар бир нарсада динимиз кўрсатган одобга амал қилсак, аввало бу дунёмиз учун, асосий-си, охиратимиз учун яхшилик касб қилган бўламиз.

ОДОБНИНГ МАНБАИ

Одоб масаласини инсоният тарихида илк бор Исломгина тўлақонли равишда бошлаган, унга катта аҳамият берган десак, муболага қилмаган бўламиз. Исломда инсон ҳаётидаги ҳар бир нарсанинг ўз одоби бор. «Ҳар бир нарсага одоб билан муомала қилиш керак бўлса, бунча одобни қандай қилиб ўрганиб бўлади», деган ҳаёлга бормаслик керак. Бу гапни бошқа диндагилар ёки миллатлар айтса бўлар, аммо биз, мусулмонлар зинхор бундай дея олмаймиз. Чунки Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарада ҳамма нарсанинг муомаласидаги одоблар кенг баён қилинган. Тафсир, ҳадис ва фикҳ китобларимиз бу каби одоблар билан тўла. Ислом адабиётининг асосини ҳам одоб ташкил қилади.

Энг аввало Қуръони Каримдаги одобга оид оятлардан намуналар келтиришга ижозат бергайсиз.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبْلُغَنَّ
عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا آفٍ وَلَا نَهْرَهُمَا
وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар хузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, уларга «Уфф» дема, уларга зажр қилма ва уларга карамли сўз айт!» (23-оят).

Бу ояти қаримада ягона маъбудга – Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга амр қилинганидан сўнг, бевосита ота-

онага яхшилик қилиш буюрилмоқда. Аллоҳга тоат, ибодатдан кейин келадиган яна бир муҳим иш ота-онага яхшилик қилишдир. Бу ҳам Аллоҳнинг амри. Аллоҳ таоло Ўзига ибодат қилишга буюрганидан кейинок шу жумланинг давомида ота-онага яхшилик қилишни таъкидламоқда. Бу икки ҳукмнинг бир оятдаги бир жумлада баён қилинишининг ўзиёқ Исломда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улуғ эканини кўрсатади.

«Агар ҳузурингда уларнинг бири ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, уларга «Уфф», дема».

Бу жумладаги «уфф» сўзига боғлиқ икки хил маъно бор. Бир маъноси – ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилма, дегани бўлса, иккинчи маъноси – ота-онанг олдида «Уфф», дема, улар «Болам оғир ҳолга тушибди», дея озорланадилар, деганидир.

«...уларга зажр қилма ва уларга яхши сўз айт!»

Ота-онангга ҳеч бир озор етказма, уларга бирор озорни раво кўрма! Қандай яхши сўз бўлса, ўшани ота-онангга муносиб кўр, ёмон, кўпол сўзлар, жеркишлар билан дилларини оғритма!

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّى تَسْتَأْذِنُوا وَتُسَلِّمُوا عَلَىٰ أَهْلِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ

«Эй иймон келтирганлар! Ўз уйлариингиздан бошқа уйларга то изи сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки, эслатма олсангиз» (27-оят).

Жоҳилият давридаги арабларда кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, уларнинг шахсий, оилавий сир-асрорларини эҳтиром қилиш, ҳурматлаш маданияти йўқ эди. Бировнинг уйига рухсат ҳам сўрамай, «Эрталабки салом», «Кечки салом», деб тўғри кириб боришаварди. Уйда аёллар борлиги, уй эгаларининг турли ҳолатларда бўлиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўришмас, бунга эътибор ҳам беришмас эди. Бу эса ўтакетган беодоблик бўлиб, турли ёмонликларга, шубҳа-гумонларга, гап-сўзларга сабаб бўларди. Шунинг учун ҳам Исломда ушбу ояти карима орқали ҳар бир кишининг шахсий ҳурмати, уйининг дахлсизлиги ҳаққига риоя

килиш жорий этилди. Исломда, ким бўлишидан қатъи назар, бир кишининг биров яшаб турган жойга эгасининг изнисиз киришга ҳаққи йўқ. Бу эса ижтимоий одобларнинг гўзал намунасидир.

Аллоҳ таоло Лукмон сурасида марҳамат қилади:

وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمَسْ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ ﴿١٨﴾

«Одамлардан такаббур-ла юз ўгирма ва ер юзида кибр-хаво ила юрма. Аллоҳ ҳеч бир димоғдор ва мақтанчоқни севмас» (18-оят).

Бу ояти каримада бир неча ижтимоий одоблар ҳақида сўз юритилмоқда. Ҳа, мусулмон киши учун одамларни камситиш, уларни паст санаш, такаббурлик қилиш жуда ёмон иллатлардандир. Ҳатто юриш-туришда ҳам кибру хаводан, такаббурликдан сақланиш керак.

«...ва ер юзида кибр-хаво ила юрма».

Кибрга бориш, мутакаббирлик қилиш жуда ёмон иллатлардан. Бу жуда ёмон нарса. Кибру хаво бошқаларга оғир бо-тади, уларни камситади, мусулмонлар биродарлигига раҳна солади. Шу боис, «Аллоҳ ҳеч бир димоғдор ва мақтанчоқни севмас».

Кибрнинг мазаммати ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бир неча ҳадиси шарифлар ворид бўлган. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан нақл қилинган ривоятда: «Кимнинг қалбида заррача мутакаббирлик бўлса, Аллоҳ уни дўзахга юзтубан ташлайди», дейилган. Шунингдек, Ибн Абу Лайло ривоят қилган ҳадисда: «Ким кийимини кўз-кўз қилиб, мақтанчоқлик ила судраб юрса, Аллоҳ таоло унга назар солмайди», дейилган.

Яна Лукмон сурасида марҳамат этилади:

وَأَقْصِدْ فِي مَسْيِكَ وَاعْضُضْ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ ﴿١١﴾

«Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» (19-оят).

Яъни, юришинг ўртача ва мақсадли бўлсин. Бекорчи, сохта ҳаракатлар билан куч-қувватни исроф қилиб, кибру ҳаво билан ҳам юрма, жуда лапашанг бўлиб, судралма ҳам. «...**ва овозингни пасайтир**». Баланд овозда бақир-чақир қилиб, ҳамма ёкни бошингга кўтарма. Бақир-чақир қилиш, ҳаддан зиёд баланд овозда гапириш ёмон нарса, суҳбатдошингга малол келади. Билиб қўй: «...**овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир**».

Эшак бекордан-бекорга бор овози билан ханграб, ҳамманинг тинчини бузади. Ҳеч бир сабабсиз баланд кўтарилган овознинг нақадар хунуклиги ва ёкимсизлигини ифодалаш учун унинг эшакниқига ўхшатилишининг ўзи етарли. Оятда бу энг ёмон овоз экани ҳам таъкидланмоқда.

Юриш-туриш, одамлар билан муомала, муносабатлар ва одам ўзини жамиятда қандай тутиши кераклиги борасидаги олий ва ибратли мисол Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларидир. У зотнинг бутун ахлоқлари, фазилат ва хислатлари Қуръони Каримга асосланган эди. У зот инсонларнинг энг одоблиси, энг гўзал хулқлиси эдилар. Барча билан муомалада ўта одобли, марҳаматли ва самимий бўлганлар, ҳеч кимга қаттиқ гапирмаганлар, ўзганинг дилини оғритмаганлар, бировга ғазаб қилмаганлар. Шаҳдам қадамлар билан мўътадил юрганлар ва овозларини баланд кўтармай, дона-дона гапирганлар, кулганда қаҳ-қаҳ отмай, овозсиз табассум қилганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одоб ҳақидаги ҳадисларидан баъзи намуналар:

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رضي الله عنه، أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «لَأَنْ يُؤَدَّبَ الرَّجُلُ وَلَدَهُ أَوْ أَحَدُكُمْ وَلَدَهُ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَتَّصَدَّقَ كُلَّ يَوْمٍ بِبِنَصْفِ صَاعٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши фарзандини ёки бирингиз фарзандини одобли этиб тарбиялаши унинг учун ҳар куни ярим соъ садақа қилишидан яхшироқдир», дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилган.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «أَكْرَمُوا أَوْلَادَكُمْ وَأَحْسِنُوا أَدَبَهُمْ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Фарзандларингизни хурмат қилинглар, уларнинг одобини гўзал қилинглар», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Бола ота-онаси ҳузурдаги омонат бўлиб, унинг қалби покиза бир гавҳардир. У ҳар қандай нақшни қабул қилаверади. Агар яхшиликка ўргатилса, яхши, одобли бўлиб ўсади. Бунинг савобига эса ота-онаси ва устоз-мураббийлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка ўргатилса, ёмон, бадхулқ бўлиб ўсади. Бунинг гуноҳига ота-онаси ва мураббийлари ҳам шерик бўладилар. Боланинг тарбиясига мутасадди киши (ота-она, валий) уни турли ёмонликлардан, ахлоқсизликлардан сақлаши, унга муносиб таълим-тарбия бериши лозим. Унга яхши ахлоқларни ўргатишсин, уни ёмон болалар таъсиридан сақлашсин, ўткинчи, ҳавойи лаззатларга қизиқишга одатлантиришмасин, уни зебу зийнатга ружу қўйишга қизиқтиришмасин. Токи, катта бўлганида зебу зийнат ортидан юриб, умрини зое қилмасин.

Мусулмон фақиҳлар «Шаръий одобларга оид китоблар» дея аталган алоҳида йўналишда ҳам кўплаб асарлар ёзишган. Бу йўналишдаги китобларда ҳар бир мўмин-мусулмон риоя қилиши лозим бўлган шаръий одоблар ҳақида атрофлича сўз юритилади. Ҳанафий олимлардан Абу Саъид Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мустафо Ходимий раҳматуллоҳи алайҳининг «Барийқан маҳмудия фии шаръи торийқан Муҳаммадия» китоби диёримизда авваллари кенг тарқалган эди. Дунёдаги одобга бағишланган асарларнинг аксарияти ва кўпчилиги Ислом халқлари вакиллари томонидан ёзилган, деган гапда заррача муболага йўқ.

Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларини жамловчи китобларнинг ҳар бирида алоҳида «Китобул адаб» номли ички «китоб»лар бор. Уларда одобга оид ҳадиси шарифлар келтирилади. Бундан ташқари, муҳаддисларимиз одобга ба-

ғишланган алоҳида китоблар ҳам таълиф қилишган. Бунга мисол қилиб буюк ватандошимиз, мўминларнинг ҳадис бўйича амири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий раҳматуллоҳи алайҳининг «Адабул муфрад» китобларини келтириш мумкин. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи шоҳ асарлари «Жомеъус-саҳиҳ»да «Китобул адаб»га ўрин берганларига қарамай, бу масалани ўта аҳамиятли билганларидан алоҳида китоб тузишга киришганлар. У киши «Адабул муфрад» китобида турли одобларга оид бир минг уч юз йигирма иккита ҳадиси шарифни олти юз қирқ тўрт бобда келтирганлар.

Тасаввуф шайхларининг ёзган барча китоблари одобнинг олий намуналарига оиддир десак, хато қилмаган бўламиз. Хусусан, имом Ғаззолийнинг «Ихёу улумид-дин» китоблари, имом Ҳорис Муҳосибийнинг «Рисолатул мустаршидийн» китоби, имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Китобуз-зуҳд» асарлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу масала бўйича мусулмон адиблар ҳам кўплаб асарлар битишган. Уларнинг ичида машҳурларидан бири имом Мовардийнинг «Адабуд-дунё вад-дин» китобидир. Бу борадаги китобларнинг саноғига етишнинг ўзи мушкулдир.

ОДОБНИНГ ҒОЯСИ

Илоҳий манбалардан олинган исломий одобларнинг ғояси ҳам илоҳий таълимот, мақсад ва ғоялар билан чамбарчас боғлиқдир. Одобнинг асосий ғояси инсон зотининг икки дунё саодатига эришишни таъминлашдир. Муеулмон инсон ўзининг одоблари ила бу дунёда барча мавжудотлар билан уйғунликда, ҳамкорликда ва яхши муносабатлар билан яшайди. Охират дунёсида эса амал қилган одоблари савобидан баҳраманд бўлади. Бу ҳақиқатни англаб етиш учун Аллоҳ таолонинг инсонни яратишдан муроди ва иродаси ҳақидаги Қуръони Карим оятлари мазмунини яхшилаб тушунишнинг ўзи кифоя.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً

«Эсла, вақтики Роббинг фаришталарга: «Мен ер юзида халифа яратаман», деди» (30-оят).

Ушбу оятдан Аллоҳ таоло Одамни Ўзининг ер юзидаги ўринбосари – халифаси бўлишини ирода этгани маълум бўляпти. Демак, инсонга улкан ишонч билдирилган, у улуғ Аллоҳнинг халифаси бўлишдек олий мақомга лойиқ кўрилган. Ислом таълимоти бўйича, дунё ва охират саодатига эришишни хоҳлаган одам Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси бўлишдек улуғ мақомга муносиб бўлиши лозим. Ер юзидаги халифалик эса уни обод қилишни талаб этади. Бу иш ҳалоллик-поклик, адолат, ҳақиқат, тўлақонли хамда мукамал одоб ва яхшилик ила амалга оширилади.

Исломда одоб ҳақида сўз кетар экан, бунда Аллоҳ таолонинг ер юзидаги халифаси бўлиш мақомига сазовор бўлган, олиймақом ғояларнинг ер юзида қарор топишида хизмат қилиши лозим бўлган зот тушунилади.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا

«Бану Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризклантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўн нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик» (70-оят).

Аллоҳ таоло борликдаги турли-туман мавжудотларни бири-биридан афзал қилиб яратган. Мана шундай яратувчи Зот ушбу ояти каримада одам боласини борликдаги ҳамма нарсадан азизу мукаррам қилиб яратганининг хабарини бермоқда:

«Бану Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик».

Аввало одамнинг шакли-шамойили, киёфаси, барча аъзоларининг тузилиши азизу мукаррамликдан далолат бериб туради. Бошқа махлуқотларда бу шакл, бу мутаносиблик ва бу каби аъзолар йўқ. Сўнгра Аллоҳ таоло Одамни Ўз қўли билан яратиб, мукаррам қилди. Ўз рухидан жон пуфлаб, улуғлади. Бундай шарафга ҳеч бир махлуқот муяссар бўлган эмас. Шу боисдан ҳам инсон азизу мукаррамдир. Аллоҳ таоло яна одам боласини Ўзи берган ақл билан мукаррам, азиз қилиб қўйди. Ақли билан инсон бошқа ҳамма махлуқотлардан устун туради. У Аллоҳ берган ақл ила турли иш-тадбирлар қилади, нарсалар ишлаб чиқаради, бошқа махлуқотларни ўз фойдасига ишлатади. Буларнинг барчаси Аллоҳ инсонни азизу мукаррам қилиб қўйганининг кўринишларидир.

Аллоҳ таоло яна инсонга вахийлар туширади, улар ичидан пайғамбарлар танлаб олади, пайғамбарларга эса илоҳий китоблар нозил этади, шариат ҳукмларини юборади. Буларнинг барчаси Аллоҳ инсонни азизу мукаррам қилганига далолатдир. Аллоҳ таоло охирги индирган китоби Куръони Каримда: **«Бану Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик»**, деб эълон қилишининг ўзи ҳам инсон учун катта шараф ва обрў-эътибордир.

«...ва уларни қуруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик...»

Аллоҳ таоло қуруқликда ҳам, денгизда ҳам инсон боласини учун туя, от, автомобиль, кема, самолёт каби турли уловларни яратиб, шунга яраша қонун-қоидаларни ҳам жорий қилиб қўйди. Инсон қуруқликда турли ҳайвонлар ва нақлиёт воситаларида юриб, оғир ишларини осонгина бажаради. Одамларни кўтарадиган, унга улов бўлиб хизмат қиладиган маркаблар Аллоҳ таолонинг махлуқлари бўлиб, улар Жаноби Ҳақ жорий этган

қонун-қоида асосида уловлик вазифасини бажаради. Бу ҳам Аллоҳ одам боласини азизу муқаррам қилганидандир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло инсон учун сувда чўқмайдиган турли жисмларни яратиб, уларга маълум шаклларни беришни илҳом этган, яъни денгизларда сузиб юрадиган кема ва қайиқларни Ўзи жорий қилган қонун-қоидалар асосида ҳаракатландирган этиб қўйган. Бу ҳам Аллоҳнинг одам боласини азизу муқаррам қилганидандир.

«...ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик...»

Аллоҳ таоло одам боласига барча пок нарсаларни ризқ қилиб берган. Буларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Одам боласи ушбу пок ризқлардан тўғри фойдаланиб, уларни берган Зотга шукр қилса, ҳаққини адо этган бўлади. Ана шу беҳисоб покиза ризқларнинг берилиши ҳам Аллоҳ таоло одам боласини азизу муқаррам қилиб қўйганидандир.

«...ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик».

Яъни одам бошқа махлуқотлардан мутлақо афзал саналади. Афзалликда унга яқин кела оладиган махлуқот оламда йўқ. Барча махлуқотлар одам боласи учун беминнат хизматқордир.

Исломда инсон одоби ҳақида сўз кетар экан, Аллоҳ таоло азизу муқаррам қилиб қўйган ва уни қуруқлигу денгизда кўтарган ҳамда уни пок нарсалар ила ризқлантирган ва уни Ўзи яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйган зот ҳақида сўз кетади. Аллоҳ таоло томонидан азизу муқаррам қилиб қўйилган ўша одам боласини зийнатлаб турадиган одоб ҳақида сўз кетади. Бу борада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўплаб ҳадиси шарифлари бор.

عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْعَاصِ رضي الله عنه: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «مَا نُحِلُّ وَالِدًا وَلَا ابْنًا مِنْ نُحْلٍ أَفْضَلَ مِنْ آدَبٍ حَسَنٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Саъид ибн Осс розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ота-она фарзандига гўзал одобдан афзал ато бера олмайди», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Ота-она фарзанди учун ҳар нарсага ҳамиша тайёр туради. Дунёда ўзидан ўзганинг афзал бўлишини фақат ота ва онагина истайди. Ҳар бир ота-она фарзандининг ўзидан ҳам иқтидорли, салоҳиятли ва олий мартабали бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун ота-она ўз фарзандига дунёнинг бор бойлигини-ю, яхшиликларини ҳадя қилишга доимо шай туради.

Аммо ушбу ҳадисда ота-она фарзандига одобдан афзалроқ, одобдан қимматлироқ бошқа бирор нарсани ҳадя қила олмаслиги таъкидланмоқда. Бундан одоб фарзанд учун дунёнинг барча мол-мулкидан ҳам афзалдир, деган хулоса чиқариш мумкин. Чунки ота-она боласига дунёнинг бор сарвати ва мол-мулкни бериб қўйса-ю, боланинг одоби бўлмаса, у ўша мулкни ўзи ва ота-онасининг бошига катта ташвиш, тузалмас балога айлан-тириши ҳеч гап эмас. Агар ота-она боласига чиройли одоб ҳадя қилса, фарзанди мазкур одоб ила ота-онасига ва ўзига керакли обрўни ҳам, бойлик ва мол-мулкни ҳам топиб келтиради.

Исломий одоб ҳақида сўз кетар экан, дунёдаги жамики мол-дунёдан-да афзал саналган одоб ҳақида, ота-она боласига ундан кўра афзалроқ нарса ҳадя қила олмайдиган гўзал, ибратли одоб ҳақида сўз юритилган бўлади.

ИСЛОМИЙ ОДОБЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Исломий одобларнинг бош хусусияти уларнинг илоҳий маънадан экани ҳақидаги маълумотларни юқорида кўриб ўтдик. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, бу одобларнинг қуйидаги яна бир қанча ўзига хос хусусиятлари борлигини таъкидлашимиз лозим:

– *Биринчидан*, одоб билан одобнинг фарқи борлигини айтиб ўтишимиз лозим. Кишининг бирор одобни ўзига сифат қилиб олиши яхши иш саналади. Аммо ўша сифат доимий ёки вақтинча бўлиши ҳам мумкин. Агар сифат собит бўлиб туриб қолса, «мақом» деб аталади. Агар вақтинчалик ва тез заволга учрайдиган бўлса, бундай сифат «ҳол» дейилади.

Исломи дини ҳар бир кишининг чиройли одоблари унинг «мақом»ига айланиши ҳақида қайғуради. Чунки сифат вақтинчалик ҳол бўлгани учун, кўзланган мақсадга тўла эришиб бўлмайди. Одам иккиюзламачи бўлиб қолиши хавфи ҳам бор. Бунга мисол қилиб, баъзи кишилар ўзини бир масала бўйича маълум вазиятда бир хил, бошқа вазиятда эса бошқача тутишини олишимиз мумкин. Бир тоифа одамлар кўпчилик ҳузурида одоб қоидаларига амал қилади. Аммо ўша кўпчиликдан узилиб, йироқлашган заҳоти мазкур одоб қоидаларига амал қилмай қўяди. Баъзи кишилар одамлар билан юзма-юз турганда одобни жойига қўйишади, лекин орқаваротда туриб ёки интернетга кирганда бошқа исм ортига яшириниб олиб, кўнглига ёкқан беодобликни қилаверади. Демак, унинг одобни доимий сифатига айланмаган. У одобга амал қиладиган бўлса, хўжақўрсинга қилади, одамларга одобли бўлиб кўринишгагина уринади.

– *Иккинчидан*, исломий одоблар ҳаётнинг барча жабҳалари ила чамбарчас боғлиқдир. Инсон ҳаётининг бирор жабҳаси тўла-тўқис исломий одобдан холи эмас.

– *Учинчидан*, Исломда одоб инсоннинг зийнати даражасига кўтарилган. Шунинг учун ҳам ота-оналарга, ишбошиларга фарзандлари ва қўл остидагиларига одобдан таълим бериш вазифа қилиб юклатилган.

– *Тўртинчидан*, Исломда одоб масаласи нймон-эътиқодга, ақийдага боғланган.

– *Бешинчидан*, Исломда одоб масаласи ибодат даражасига кўтарилган. Шаръий одобларга амал қилган кишиларга ажр-савоб ваъда қилинган ва ибодатларни адо этишда ҳам одоблар жорий этилган.

Барча замонларда, ҳамма ўлкаларда яхши хулқли, олийжаноб, ширинсўз, ҳалим инсонлар жамиятнинг кўрки, одамларнинг аълоси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Айниқса, Шарқ олами бу борада бутун инсониятга ибрат-намуна бўлган. Олий хулқ соҳиби бўлмиш Пайғамбар алай-хиссаломга эргашган инсонлар Яратганнинг ҳукмларига бўйсуниб, хулқларини тузатишган, яхши фазилатлар соҳиби бўлишган. Оилада, яқинлар даврасида, одамлар билан муносабатларда комил одобларини намойиш қилишган.

Хусни хулққа (яхши, чиройли хулққа) қандай қилиб эришилади? Нима қилса инсонларнинг гултожи бўлиб, икки дунё саодати кўлга киритилади? Бу ҳақда одоб китобларимизда жуда кўп тавсия-маслаҳатлар келган:

«Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин! Кичикни хурмат қилмаган, кексанинг қадрига етмаганлар биздан эмас».

«Одамларга таом беринглар ва ширинсўз бўлинглар».

«Яхшиликни чехралари очик, хушрўй одамлардан кутинглар».

«Дин – чиройли хулқ ва ғазаб қилмасликдир».

«Сизларнинг энг яхшиларингиз хулқ-атвори яхши бўлгани ва хотинларига яхши муомала қилганидир».

«Дўст-биродарларига қовоғини солиб қарайдиган кишиларни Аллоҳ ёқтирмайди, У ҳар ишда мулойимликни яхши кўради».

«Яхши инсонлар гўзал хулқлари билан кечаси ибодат қилганлар ва кундузи рўзадор бўлганлар даражасига эришишади».

«Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига севимли бўлган икки хислат бор: булар мулойимлик ва вазминликдир».

«Одамлар билан хушмуомалада бўлинглар, уларга қаттиққўллик қилиб, беҳаё сўзламанглар».

«Ўзини камтарин олиб юрувчи, ҳалол касб қилувчи, қалби пок, кўриниши ёқимли, одамларга зарар етказмайдиган, хайр-эҳсон қиладиган, беҳуда гапдан ўзини тиядиган кишилар инсонларнинг энг яхшиларидир».

Яхши хулқ инсонларни бир-бирига улфат қилади, ёмон хулқ уларни ажратиб ташлайди. Яхши хулқ муҳаббатни, ҳамкорлик

ва муросани тақозо этса, ёмон хулқ нафрат, ҳасад ва келишмовчиликларга сабаб бўлади.

Анас ибн Молик бундай деганлар: «Инсон чиройли хулқи билан жаннатда олий даражага эришади – гарчи у ибодатгўй бўлмаса ҳам. Ва ёмон хулқи билан жаҳаннамнинг энг тубига етиб қолади – гарчи у ибодатгўй бўлса ҳам».

Ваҳб ибн Мунаббах айтади: «Ёмон хулқнинг мисоли худди синган сопол идишга ўхшайди, уни ямаб ҳам, лойга қайтариб ҳам бўлмайди».

Фузайл ибн Иёз эса: «Чиройли хулқли фожир (ярамас) кимсанинг менга ҳамсуҳбат бўлиши ёмон хулқли обид (ибодатли) киши суҳбатидан яхшироқдир», деган.

Умар ибн Хаттоб: «Инсонларга чиройли хулқлар билан аралашинглар. Улардан яхши амаллар билан ажралиб туринглар», деб айтганлар.

Али ибн Абу Толиб: «Хусни хулқ уч хислатда бўлади: ҳаромлардан сақланишда, ҳалолни исташда ва оилани фаровон қилиб қўйишда», деганлар.

Ҳасан Басрийнинг бундай сўзлари бор: «Хусни хулқ очик юзли бўлиш, молни сарфлаш ва азият беришдан ўзини тийишдир».

Саҳл Тустарий айтадики: «Хусни хулқнинг энг ози азиятларни кўтариш, товон(пули)ни тарк этиш, золимга раҳм қилиш ва унга истиғфор айтишдир».

Хусайн Воиз Кошифий бундай ёзади: «Гўзал феъл-атвор, яхши хулқ нишонаси ўнтадир: яхшилик қилиш, инсофли бўлиш, бошқа одамдан айб кидирмаслик, ножўя ҳаракат қилаётганини тўғри йўлга бошлаш, айбига иқроқ бўлганнинг узрини қабул қилиш, бошқалар машаққатини зиммага олиш, фақат ўз манфаатини кўзламаслик, очик юзли ва ширин сўзли бўлиш, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, мулоим ва тавозели бўлиш».

Луқмони ҳакимдан: «Сен ўзинг кўрган иллатлар ва айблардан қай бирига даво топа олмадинг?» деб сўрашибди. У: «Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво топдим, аммо даволай олмаганим бадфеъллик бўлди», дея жавоб қайтарган экан.

«Тўғри йўлдан оғмаслик, инсофли-адолатли бўлиш, нафснинг орзусига қарши бориш, олим-фозиллар билан суҳбат қуриш, катталарга ҳурмат ва кичикларга шафқат қилиш, самимий дўстлар маслаҳати билан иш тутиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш эзгуликнинг маъданидир», деган улуғ ҳакимимиз Абу Али ибн Сино.

Юсуф ибн Асботнинг айтишича, «Хусни хулкнинг аломати ўн хислатдадир: ўзгалар билан ихтилофга бормаслик, чиройли инсоф, бировларнинг тойилиб кетишини истамаслик, бошқаларнинг билинган камчилигини яхшиликка йўйиш, узр сўрай олиш, азиятларга чидаш, нафсини тергов қилиб туриш, ўзганинг эмас, ўз айбини билиш, каттаю кичикка бирдай очиқ юзли бўлиш, ўздан юқори ёки паст кишига ҳам мулоийм сўзлаш».

Куйида хусни хулк асоси бўлган муомала одобининг айрим қирралари билан танишинг:

Одамлар билан муомала қилишда ширинсўз, мулоийм, босиқ, ҳалим ва камтар бўлишга ҳаракат қилинг.

Ғазаб келганида ва жаҳл чикқанида уни ичга ютиб, ташқарига чиқармаслик мардлик ва кучлилиқ белгисидир.

Кичикларни иззат-иқром, катталарни хурмат-эҳтиром қилиш хушхулқликнинг бир кўринишидир.

Одамлар билан яхши муносабат ўрнатинг, уларга кўпол ва беҳаёларча сўзлаб, дилларини оғритманг.

Инсонларнинг энг яхшиси муроасага осон келадиган, қалби пок, ортикча гап-сўзлардан ўзини тиядиган кишилардир.

Оила аъзоларига, бола-чақасига, ҳамкасблари ва яқинларига чиройли муомала қилиш, ковоқни уйиб, зарда билан, кесатик, киноя йўсинида гаплашмаслик ҳам одоблилиқ белгисидир.

Чиройли хулқли бўлиш учун нафсингизни жиловлай олинг, ўзгалардан айб-нуқсон кидирманг, бировда ёмонлик содир бўлса, яхшиликка йўйиб, сабр қилинг, бошқалар ғамини енг.

Одамлар хурсандчилигини баҳам кўриш, ғам-андухидан қайғуриш, мол-мулкига хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариш хусни хулк эгаларига хос фазилатлардандир.

Ўзгалар билан муомала чоғида уларни ғийбат қилиш, ҳасадгўйлик, суҳбатдошини камситиб, камчилигини юзига солиш, бошқаларни менсимай, паст назар билан қараш, обрўси, бойлиги ёки мансабига қараб муомала қилиш одобсизликдир.

Ёши улуғ кишилар, устозлар, илм аҳллари билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб қайтариш, амрларини сўзсиз бажариш, хизматларига шай туриш ҳам ярашиқли одобдандир.

ОДОБНИНГ ВАТАНИМИЗДАГИ ҲОЛАТИ

Аллоҳ таоло ватанимиз заминини Ўзининг охирги ва мукамал дини бўлмиш Ислом нури билан мунаввар қилганидан буён халқимиз исломий одобларни ўзига сингдириб, уларга ихлос билан амал қила бошлади ва шундан буён улардан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Имом Замахшарий, имом Абу Мансур Мотуридий, имом Насафий, имом Абу Лайс Самарқандий каби тафсирчи алломаларимиз Қуръони Каримни тафсир қилганларида одобга оид оятларни ҳам ўзига хос тафсир қилиб, бу борадаги адабиётга муносиб ҳисса қўшишган.

Имом Бухорий, имом Термизий, имом Насайй, имом Доримий Самарқандий, имом Ибн Ҳиббон Самарқандий каби улуғ муҳаддисларимиз ҳам ўзларининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадисларини жамловчи китобларида алоҳида боблар очиб, уларда одобга бағишланган набавий ҳадисларни келтиришган.

Шунингдек, имом Бурҳониддин Марғиноний, имом Косоний, имом Сарахсий ва дунёга донғи кетган бошқа кўплаб фақиҳларимизнинг китобларида ҳам одоб масаласи ўзининг муносиб ўрнини топган.

Имом Баҳоуддин Нақшбанд, шайх Хожа Аҳрор Валий, Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний ва бошқа тасаввуф машойихларининг фаолиятлари ва асарлари асосан кишилар орасида одобни кенг тарқатишга қаратилган.

Бунинг устига, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Сақокий ва бошқа адиб-шоирларимизнинг асарларида ҳам одоб мавзуси бош масалалардан бири бўлган.

Ҳаммага маълум ва машҳур бўлган диндан узоклашиш даврида ҳам одоб бутунлай нутилгани йўқ. Кишиларимиз оилаларида болаларининг одоби ҳақида бош қотиришган, бу муҳим ишни ҳамиша назорат қилишган, бу борада қўлдан келган барча чораларни кўришган.

Мазкур дахрийлик давридан кейинги йилларда одоб ҳақидаги асарлар яна китоб жавонларидан жой ола бошлади. Кишила-

римиз динларини ўрганиш жараёнида исломий одоблар билан ҳам қизиқиб, уларга амал қилишга ва одобни кенг ёйишга ўтишди. Бу мавзуда битилган асарлар кўламининг қанчалик катталигини биргина камина ходимингиз қаламига мансуб асарларнинг ўзи ҳам яққол исботлаб турибди.

Қуръони Каримнинг «Ҳилол» тафсирини ёзиш жараёнида одобга тегишли оятларни шарҳлаш орқали халқимизга ўз тилимизда одоб ҳақида қўлдан келган маълумотларни тақдим қилиш имкони туғилди. Кўплаб ҳадиси шарифларни шарҳ қилиш жараёнида ҳам, фикҳий асарларда ҳам бу иш давом этди. Тасаввуфга оид китобларимизда ҳам одоб масаласига кенг ўрин ажратилгани ўз-ўзидан маълум. Шу билан бирга ушбу сатрлар муаллифи томонидан бевосита одобга тааллуқли бир неча китоблар ҳам таълиф қилинди:

- «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг ўттиз тўртинчи жузи – «Яхшилик ва ахлоқ китоби».

- «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг ўттиз еттинчи жузи – «Адаб китоби».

- «Одоблар хазинаси» – Имом Бухорийнинг «Адабул муфрад» китобининг тўрт жузли шарҳи.

- «Яхшилик ва силаи раҳм» китоби шарҳи, икки жузли.

- «Руҳий тарбия», уч жузли.

Ижтимоий одоблар ҳақида алоҳида бир асар ёзиш нияти анчадан буён ҳаёлимни банд этиб келаётган эди. Чунки инсон ижтимоий табиат ила яратилган, одамлар жамиятидан айри яшолмайди. Аллоҳ таоло уни ўзига ўхшаш бошқа инсонлар жамоасида яшашга мойил этиб яратган. Унинг ўзи ҳам бошқалардан ажраб, яққа ҳолда, ўз қобиғида яшашни истамайди. Одам ўз жинсидаги кишилар жамиятида яшар экан, доимий равишда улар билан мулоқотда бўлиши, бошқа одамлар билан муносабат ўрнатиши зарур бўлади. Бундай инсоний алоқаларни тартибга солиш ҳам керак бўлади. Инсонларнинг бир-бирлари билан бўладиган муомала-муносабатларида риоя қилишлари зарур бўлган қоидалар «ижтимоий одоблар» дейилади.

Ҳозиргача ижтимоий одоблар ҳақида она тилимизда, динимиз таълимотлари асосида алоҳида бир китоб ёзилгани маълум эмас. Аммо бу ишни амалга оширишга бўлган эҳтиёж аллақачон вужуд-

га келган, етилган. Баъзи ижтимоий одоблар ҳақида одоб ҳақидаги китоб ва бобларда ёзилган бўлса ҳам, улар тарқоқ ҳамда умумий йўналиш асосида бўлган. Шу билан бирга, мазкур битиклар эски услубда баён этилган бўлиб, уларда янги ўзгаришлар ҳисобга олинмаган. Ушбу асаримизда инсоннинг ижтимоий ҳаёти ривожланиши жараёнида янгидан пайдо бўлган ўзгаришларга ҳолис баҳо беришни ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ ва муфассалроқ баён этишни ният қилиб турибмиз.

Шу билан бирга кишилик жамиятида олдинлари мутлако кузатилмаган, аввал кўрилмаган янги ижтимоий муомалалар ҳам пайдо бўлди. Уларнинг ҳам ўзига яраша одоблари бўлиши табиий. Уларни ҳам динимиз таълимотлари асосида тадқиқ қилиш, зарурий ҳулосалар чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлди. Ушбу китобда бу масалага ҳам алоҳида эътибор бериш ниятидамиз.

Аллоҳ таоло бизларнинг яхши ният билан, Ўзидан ёрдам сўраган ҳолда амалга ошираётган ушбу хайрли ишимизни осон қилсин! У Зот барчамизга ижтимоий одобларга ихлос билан амал қилиш, улардан кўпроқ фойда олишимизни насиб этсин!

Сиз, мухтарам ўқувчиларимиздан ўтинчимиз шуки, ёзувларимиз сагрларидан яхшилик ва манфаат топсангиз, Аллоҳ таолодан деб, нуқсон ва камчилик топсангиз, камина ходимингиздан деб билсангиз, ходимингизга комил одоб сабоғини ўргатиб кетган марҳум падари бузрукворимиз ва волидаи меҳрибонимизни дуоларингизда ёдга олсангиз!

ИЖТИМОЙ ОДОБЛАР ШИОРИ

Аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек, мусулмон инсон ҳаётининг барча соҳаларида динининг кўрсатмаларига амал қилиб яшайди. Жумладан, ижтимоий одобларни ҳаётга татбиқ қилишда ҳам. Мазкур одобларни тартиб билан ва батафсил ўрганишга киришишдан олдин Исломда уларни йўлга қўйишдаги асос ва шiorлар билан қисқача танишиб олсак, яхши бўлади.

Гўзал дин ва гўзаллик дини бўлган Ислом инсоннинг ҳамма нарсаси, жумладан, ижтимоий алоқалари ҳам гўзал бўлишини йўлга қўйган. Бунда Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг куйидаги ҳадиси шарифлари шior бўлган.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloху алайхи васаллам: «Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни севадир», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилган.

Ҳа, аввало мусулмон инсоннинг ўзи гўзал бўлиши керак, кейин сўзи гўзал бўлиши керак, ташки кўринишию, ички кўриниши, ботинию, зоҳири гўзал бўлиши керак. Ўзини тутиши, муомаласи, қўйинги, ҳар бир нарсаси гўзал бўлиши керак. Шундагина у Ўзи гўзал бўлган, гўзалликни севган Аллоҳ таолога курбат ҳосил қилган бўлади.

عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ، عَنْ أَبِيهِ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ يُحِبُّ الطَّيِّبَ، نَظِيفٌ يُحِبُّ النَّظَافَةَ، كَرِيمٌ يُحِبُّ الْكِرَمَ، جَوَادٌ يُحِبُّ الْجُودَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ أَبِي عَسَى.

Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққос отасидан ривоят қилади:

«Набий соллalloху алайхи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ покдир, покликни севади; покизадир, покизаликни

севади; карамлидир, карамлиликни севади; сахийдир, сахийликни севади».

Термизий, Баззор ва Абу Яъло ривоят қилган.

Одамларнинг бир-бирлари билан бўладиган ижтимоий алоқаларида ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган, Аллоҳ таолонинг Ўзида бўлган ва бунинг бандаларида ҳам бўлишини севадиган сифатлар инсоният учун жуда ҳам аҳамиятлидир. Ушбу сифатларни ўзида мужассам қилган кишилар инсонлар жамиятидаги энг яхшилар бўлишади. Бунинг юзага чиқиши учун эса Ислом жорий қилган ижтимоий одоблар йўлга қўйилиши лозим.

Мусулмон инсон ҳар бир нарсада энг кўзга кўримли шахсга айланиши лозим. У шундагина ўзининг бу дунёдаги ҳидоятчиси ва охирагдаги шафоатчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги кўрсатмаларига амал қилиб яшаган бўлади.

عَنْ سَهْلِ بْنِ الْحَنْظَلِيِّ، قَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّكُمْ قَادِمُونَ عَلَى إِخْوَانِكُمْ، فَأَصْلِحُوا لِبِأْسِكُمْ، وَأَصْلِحُوا رِحَالَكُمْ، حَتَّى تَكُونُوا كَأَنْتُمْ شَامَةٌ فِي النَّاسِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَأَبُو دَاوُدَ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالْحَاكِمُ.

Саҳл ибн Ҳанзалийядан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: «Сизлар биродарларингиз хузурига борурсизлар. Либосингизни тузатинг, эгар-юкларингизни тузатинг, одамлар ичида худди холдек бўлинг», дедилар».

Аҳмад, Абу Довуд, Тобароний ва Ҳоким ривоят қилган.

Маълумки, кишининг юзидаги холи унинг энг кўзга кўринган ва чиройли нарсаси бўлади. Барча халқларда хол гўзаллик рамзи бўлиб келган. Мусулмон инсон ҳам жамият юзидаги энг кўркем ва гўзал хол бўлиши лозим. У инсон зотининг чиройини очиб турувчи омил бўлиши керак. Бу эса ижтимоий одоблар орқалигина юзага чиқади.

Мўмин кишининг ҳар бир ишни яхшилаб ва пухта қилиши макбулдир. Бу барча инсонларга севикли Набийнинг Ислом умматига амри, фармони, тавсияси ва насихатидир.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : قَالَ النَّبِيُّ ﷺ : «إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ إِذَا عَمِلَ أَحَدُكُمْ عَمَلًا أَنْ يُتْقِنَهُ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Ошша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ сизлардан бирингиз иш қилганда, уни яхшилаб, пухта қилишни севади», дедилар».

Байҳақий ривоят қилган.

Аллоҳ таолонинг севгисига сазовор бўлай деган инсон катта-кичик ҳар бир ишни фақат ва фақат яхшилаб, чин дилдан, пухта бажаришга уринади. Бу сифат эса ижтимоий одобларни ўрнига қўйиш билан юзага чиқади.

Бунинг учун эса аввало ўша ижтимоий одобларни кунт билан ўрганишимиз керак бўлади. Иншааллоҳ, ушбу китобимиз мазкур мақсадга эришишимизда оз бўлса-да, кўмаклашади, деб умид қиламиз.

КАЛОМ ОДОБИ

Аллоҳ таоло Ўзи яратган инсонга нутқни – гапиришни ўргатди. Нутқ, сўзлашиш ва баён қилиш қобилияти Аллоҳ таолонинг инсонга берган улкан неъматларидан биридир. Айнан ушбу неъмат билан инсон ўзга жонзотлардан ажралиб туради, уларнинг устидан ўз ҳукмини ўтказади. Инсон Аллоҳ ерда яратган жонзотлар ичида нутқ ато этилган, мукаммал овоз чиқарадиган ягона жонзотдир.

Бошқа жонзотларнинг овози асосан тақлид қилишдан иборат ва бу ҳеч қандай фикр юритишга асосланмаган. Инсон турли товушлардан сўз, сўзлардан жумлалар тузади ва жумлалардан нутқ ижод қилади. Дунё халқлари минглаб турли тилларда сўзлашиб, бир-бири билан мулоқот қилади ва тил воситасида ўзаро ижтимоий муносабатлар ўрнатади. Баён қилиш неъматининг оний ҳис-туйғуларини, ўй-хотираларини, таассуротларини сўз орқали ифода этиш қобилиятидир. Тил сўзлашув куролидир, сўзлашдан мурад англатишдир.

Биз ҳар куни, ҳар лаҳзада гапирамиз ва бунга одатий бир нарсайиш ўрганиб ҳам қолганмиз. Лекин тафаккур қилиб кўрсак, нутқ, овоз чиқариш ниҳоятда мураккаб, нозик бир жараён экани маълум бўлади. Бу жараёнда инсоннинг ақлино руҳидан тортиб, кичик пай ёки томирларигача иштирок этади. Шулардан бирортаси ўз вазифасини бажара олмай қолса ёки сустлашиб қолса, нутқ мукаммал бўлмайди. Овознинг хилма-хиллиги, баён қилиш, гапиришнинг турли-туманлиги – буларнинг бари улкан мўъжизадир. Бундай неъматни улуғ Аллоҳдан ўзга ҳеч ким бера олмайди. Шунинг учун бошқа неъматлар қатори нутқ неъматига, баён орқали ўз фикрини изҳор эта олиш неъматига ҳам шукр қилишимиз лозим бўлади.

Аллоҳ таоло Одамни Ўзининг ер юзидаги халифаси қилаётган пайтда унга улуғ бир сирни берган. Бу ҳам бўлса, Одамга турли нарсаларнинг номларини ўргатишидир. Яъни инсон ўзини ўраб турган барча ашёларнинг белгиси сифатида уларнинг номларини идрок этади ва бу номларни ўз маъносидан ишлатади. Ҳис қилинадиган, жисмга эга бўлган нарсаларни фаҳмлаш

учун нутқий рамзларни ишлатиш қудрати инсон ҳаётида энг улуғ имкониятлардан бири ҳисобланади. Акс ҳолда, бировга тоғнинг нималигини тушунтирмақчи бўлсанг, уни тоғ олдига олиб бориб, атрофидан айлантириб кўрсатишдан ўзга чора қолмаган бўлур эди. Агар Аллоҳ таоло инсонга ушбу қобилиятни бермаганида, ер юзидаги ҳаётни ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин бўларди.

Исломда ҳар қандай сўзнинг ўз ўрни, аҳамияти, салмоғи бор. Инсон бир сўз билан мўмин бўлиб, бир сўз билан иймондан чиқади. Никоҳ ақди пайтида келин-куёв бир оғиз сўз билан эр-хотинга айланишади. Улар ийжоб ва қабулда айтиладиган «рози-ман» ва «қабул килдим» сўзлари билан бир-бирларига ҳалол бўлишади. Шунингдек, биргина «талок» сўзи билан бир неча йил бирга яшаган эр-хотин ажрашиб, бутунлай бегоналашиб кетиши ҳам мумкин. Демак, сўзга эътиборли бўлиш, унинг қимматини тўғри англаш, оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзга жиддий муносабатда бўлиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

Исломда инсоннинг каломига, унинг сўзлашув одобига катта эътибор берилган, нутқ фасоҳатига ва тил маданиятига алоҳида аҳамият қаратилган. Уламоларимиз бу соҳага оид зарур кўрсатмаларни Қуръони Карим оятлари ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари асосида тақдим этишган. Улар олдин каломнинг яхши ва ёмон бўлишини баён қилиб, сўнг яхшисини олишни, ёмонини тарк этишни тавсия қилишган.

Каломнинг (сўзнинг) ёмони келтирадиган турли зарарларни уламолар «тил офатлари» деб номлашган. Ҳақиқатан, тилдан чиққан ёмон сўзлар ўз эгасига ҳам, ўзгаларга ҳам офат келтириши аниқ. Шунинг учун ҳам яхшилик дини бўлган Ислом кишиларни барча офатлардан, жумладан, тил офатларидан ҳимоя қилиш чораларини кўради. Тил офатлари кўп: бемаъни, бефойда сўзларни гапириш, ботил, гуноҳ ишларни сўзлаш, сергаплик ва одамларга ёкиш учун сўзамоллик қилиш, фаҳш, сўкиш, одобсиз, ахлоқсиз ва шунга ўхшаш сўзларни айтиш, ўзгаларни мазахлаш ва устидан кулиш, сирни ошкор қилиш, ёлғон сўзлаш, ғийбат ва бошқалар тил офатларидир. Буларнинг ҳаммаси қораланган ва инсонлар улардан қайтарилган. Чунки бу сўзларнинг манбаи ёмонлик ва

маломатдир. Қуйида мазкур тил офатларидан баъзилари ҳақида атрофлича сўз юритишга ҳаракат қиламиз:

• **Ёлғон.**

Тил офатларининг энг ёмони ёлғон гапириш, ёлғон гувоҳликка ўтишдир. Ёлғончилик барча разилликларнинг онаси, кулфатларнинг боши, инсонни қабих ишларга бошловчи, обрўсини тўқувчи иллатдир. Шу сабабдан Ислом одобида ёлғон гапиришдан қайтарилган. Ёлғон ростнинг зидди бўлиб, хабарнинг воқеъликка тўғри келмаслиги, ҳақиқатнинг хилофи маъноларини англатади. Бундай ҳолатларни хоҳ қасддан, хоҳ қасд қилмай баён этиш, гапириш ёлғон саналади. Ёлғон гапириш, ёлғон гувоҳлик бериш шариатимизда қаттиқ қораланган ва бу нарса улкан гуноҳга (гуноҳи кабирага) тенглаштирилган.

Ёлғонда асли йўқ нарсани тўқиш, бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада қўшимча қўшиш ёки нуқсон етказиш, бор нарсани гапираётганда маънони ўзгартириб юборадиган даражада ибораларни ўзгартириш каби ҳолатлар бўлади. Аллоҳ таолога ва Расулulloҳ алайҳиссаломга қасддан ёлғон тўқиш куфрдир. Узрсиз ёлғон гуноҳи кабирадир.

Қуръони Каримда ёлғон ҳақида бир юз олтмиш еттита оят бор. Аллоҳ таоло Наҳл сурасида:

إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَاذِبُ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأُولَئِكَ هُمُ

الْكَاذِبُونَ ﴿١٠٥﴾

«Ёлғонни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқирлар. Ана ўшалар – ўзлари ёлғончилардир», деган (105-оят).

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ ﴿٢٨﴾

«Аллоҳ ҳаддидан ошган, каззоб шахсни хидоят қилмас» (Ғофир сураси, 28-оят).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أُؤْتِيَ حَانَ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: «Мунофиқнинг аломати учтадир: гапирса ёлғон гапиради, ваъда берса устидан чиқмайди ва омонат ишониб топширилса, хиёнат қилади».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Ёлғончиликнинг турлари кўп. Хиёнат – ёлғончиликнинг энг ёмон кўринишидир. Ёлғондан гувоҳлик бериш эса жамиятни бузишга, одамларга зулм, жафо етказишга, улар ўртасида адоват ва хусумат туғилишига сабаб бўлади. Бир инсоннинг мартаба-амалига, обрў-номига путур етказишга ҳаракат қилиб, бўхтон уюштириш ва чақимчилик қилиш ҳам ёлғоннинг турларидан бўлиб, энг ёмон иллатлардан саналади. Одамларни кулдириш учун ёлғон тўқиш, кўрмаган тушини кўрдим, деб бошқаларга сўзлаш, фарзандга бирор нарса олиб бераман, деб алдаш, эшитган ҳар бир гапни суриштирмай тарқатиш, ёлғон қасам билан ўзганинг молини ўзлаштириб олиш ёлғоннинг энг хатарли кўринишларидир.

Мўминлар ёлғонни катта гуноҳ деб билишади. Улар ёлғон гапиришлари туфайли охиратда қаттиқ азобга гирифтор бўлишларидан кўрқиб, ёлғонни тарк этишади.

• Ғийбат.

Инсоннинг бор айбларини унинг йўқлигида зикр қилиш ғийбатдир. Ғийбатнинг ҳаром, гуноҳи кабиралардан эканини барча уламолар бир овоздан таъкидлашган.

Аллоҳ таоло Хужурот сурасида марҳамат қилади:

وَلَا يَغْتَبَ بَعْضُكُم بَعْضًا أَيُّبٌ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا
فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَحِيمٌ ﴿١٢﴾

«Бир-бирингизни ғийбат қилманг. Ёки бирортангиз ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимиз? Ҳа, албатта ёмон кўради. Аллоҳдан қўрқинглар! Аллоҳ – тавбани кўплаб қабул қилувчидир, раҳмлидир» (12-оят).

Ахлоқимиз талабларига кўра, бир биродарингиз ордидан ундаги нуқсон ва камчиликларни гапириш ғийбат саналади, бордию, унда бу камчиликлар бўлмаса, унга нисбатан бўхтон ҳисобланади. Абу Ҳомид Ғаззолий: «Одамларни ўзлари йўғида ёмонлаш – қалбларга қилинган хиёнатдир», деган. Хусайн Воиз Кошифий айтади: «Ғийбатнинг гуноҳи зинонинг гуноҳидан ҳам улкандир». «Бўшамаса тили ғийбатдан, бўшамайди дил укубатдан», деб ёзади Фаридиддин Аттор.

Ғийбатчига кулоқ солган киши ғийбатга шерик ҳисобланади. Фақат унинг гапини тили билан инкор қилсагина, гуноҳидан қутулади. Ғийбат қилиш ўлган биродарининг гўштини ейиш кабидир.

Али ибн Хусайн (ҳазрат Алининг набиралари) розияллоху анху айтдилар: «Ғийбат қилишдан эҳтиёт бўл, зеро, у одамлар итининг нонхуришидир».

Атоқли муҳаддис, фақих, обид ва зоҳид Имом Ибн Ваҳб айтади: «Ғийбат балосидан қутулиш учун, агар бирор кишини ғийбат қилсам, бир кун рўза тутиб бераман, деб қарор қилдим. Бора-бора бу ҳам осон кўринди, иллатни батамом тарк эта олмадим. Шунда кимни ғийбат қилсам, бир динор садақа қилишга киришдим ва шу йўл билан ғийбатдан батамом қутулдим». Бу ҳақда машҳур ҳадислар ва саҳобалару солиҳ салафлардан ривоят қилинган асарлар кўп.

• Чақимчилик.

Чақимчилик деганда бузгунчилик йўли билан одамларнинг гапини бир-бирига етказиш тушунилади.

Аллоҳ таоло Қалам сурасида марҳамат қилади:

وَلَا تَطْعَمْ كُلَّ حَلَاْفٍ مَّهِينٍ ﴿١٠﴾ هَمَّازٍ مَّشَاءٍ بِنَبِيٍّ ﴿١١﴾ مَتَاعٍ لِلْخَيْرِ مُعْتَدٍ أَسْمٍ ﴿١٢﴾

«Итоат қилма ҳар бир қасамхўр, ҳақирга, айбловчи, чақимчилик қилиб юрувчига, яхшиликни ман қилувчи, тажовузкор, сергуноҳга» (10–12-оятлар).

Чақимчиликнинг ҳаромлигига мусулмонлар ижмо қилишган. Баъзилар «Чақимчилик гуноҳи кабирадир», дейишган.

عَنْ هَمَّامٍ، فَقَالَ لَهُ حَدِيثَهُ ﷺ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ ﷺ يَقُولُ: «لَا يَدْخُلُ
الْجَنَّةَ قَتَاتٌ».

Ҳаммамдан ривоят қилинади:

«Хузайфа менга: «Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг «Чақимчи жаннатга кирмайди», деганларини эшитганман», деди».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ؛ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «إِنَّ شَرَّ النَّاسِ ذُو الْوَجْهَيْنِ
الَّذِي يَأْتِي هَوْلًا بِوَجْهِهِ وَهَوْلًا بِوَجْهِهِ». زَوَاهِمَا الشَّيْخَانِ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг «Одамларнинг (энг) ёмони бировга бир юз билан, бировга (бошқа) бир юз билан келадиган иккиюзламачидир», деганларини эшитганман».

Иккисини Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Чақимчиликнинг моҳияти сирни фош қилиш ва ошкор этилиши ёқтирилмаган нарсани эълон қилишдир. Ҳар бир кўрган нарсасини бошқаларга бориб, гапиравериш чақимчиликдир. Муслмонлар бундай иллатдан тийилишлари лозим. Ҳасан Басрий мана шу хусусда шундай деганлар: «Ким сенга бир гапни етказса, билки, у сенинг гапингни ҳам бошқаларга етказди».

Сўйилган ҳайвоннинг аъзолари парчаланиб, бўлингани каби, чақимчилик ҳам жамият аъзоларини парчалаб, бир-биридан ажратиб, бўлиб ташлайди. Чақимчилик тарқалган жамиятда бирлик, ҳамкорлик йўқолиб боради. Бу эса ҳар қандай жамият учун ўта хатарлидир. Айтишларича, чақимчининг амали шайтоннинг шарридан ҳам зарарлироқдир, чунки шайтоннинг амали васваса билан бўлса, чақимчининг амали бевосита бўлади.

• Ботил сўзга киришиш.

«Ботил сўз» ичкиликбозлик мажлислари ва фосикларнинг қилмишларига ўхшаш нарсалар ҳақидаги гаплардир. Жанжал ва тортишувлар ҳам ботил гапга яқин туради. Уларда одатда би-

ровнинг хатосини исботлаш учун низолашилади. Бунга эса асосан бировдан устун келиш истаги сабаб бўлади.

Агар масала динга тегишли бўлса, мункар нарсани инкор қилиш ва тўғриси баён қилиб бериш зарур. Аммо гап дунё тўғрисида бўлса, талашиб-тортишиб ўтиришнинг кераги ҳам, фойдаси ҳам йўқ. Бу офатнинг давоси ўз фазлини изҳор қилишга сабаб бўлган кибрни синдиришдан иборат.

Жанжал ва тортишувлардан ҳам каттароқ офат хусумат қилишдир. Айниқса, ботил йўл билан ва илмсиз равишда хусумат қилиш жуда ёмон иш саналади. Чунки хусумат қалбларни ҳасадга тўлдирди, ғазабни кўзгатади ва бировларнинг обрўсини тўкиш, шаънига тил теккизишгача олиб боради. Шунинг учун ҳақ эгаси ҳам, иложи борича, хусуматдан ўзини олиб қочгани афзал.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «كَفَى بِكَ إِثْمًا أَلَّا تَرَأَى مُخَاصِمًا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Хусуматчи бўлиб туришинг сенга гуноҳ учун кифоядир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

• Уятсиз сўзларни сўзлаш.

Соғлом табиат нафратланадиган ва мустақим ақл нуқсон санайдиган сўзларни гапириш улкан қабихликдир. Бундай сўзларнинг барча-барчасини Аллоҳ ҳаром қилган.

Фаҳш сўзларни гапириш, шармсиз сўзларни тилга олиш чиркинликлар манбаи ва ёмонликлар уяси бўлиб, уларни қўллаган киши энг одобсиз киши саналади. Шариатимизда бу нарсалар бутунлай ман қилинган.

عَنْ عَائِشَةَ رضي الله عنها، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «...فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْفُحْشَ وَلَا التَّفَحُّشَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «...Аллоҳ фаҳш ва сўкишни хуш кўрмайди», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Фаҳш ва уятсизлик кўп ҳолларда беҳаё гапларни очик-ойдин айтиш билан бўлади. Одатда, бу нарсалар жинсий алоқага оид гапларни шармсизлик ила гапириш орқали юзага чиқади. Солиҳ инсонлар бундай ибораларни умуман ишлатишмайди. Бефойда, бемаъни гап-сўзлар қайнайдиган, сафсата ва ғийбат тўлиб-тошган, шариатимизда ман этилган қимор, ичкиликбозлик, масхараомуз ёки беҳаё суҳбатлар учунгина тўпланиладиган давралардан узоқда юриш лозим.

• **Сўкиш ва аччиқ-тизиқ гапириш.**

Рост бўлса ҳам аччиқ-тизиқ ва уятсиз гапларни гапириш, сўкиниш ҳам шариатимизда қаттиқ қораланган. Сўкиш қабих саналган нарсани очик-ойдин сўзлар билан ифодалашдир. Аччиқ-тизиқ ва кесатиш сўзлари рост бўлса ҳам, нутқдаги фаҳш ва қабихликдан бошқа нарса эмас.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رضي الله عنه، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «سِبَابُ الْمُسْلِمِ كَالْمُشْرِفِ عَلَى الْمَلَكََةِ». رَوَاهُ الْبَرْزَالِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонни сўкиш ҳалокат жари ёқасига келган қабидир», дедилар».

Баззор ривоят қилган.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «سِبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ وَقِتَالُهُ كُفْرٌ». رَوَاهُ الشَّيْحَانِ وَالزِّرْمَذِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонни сўкиш фосиқликдир. У билан урушиш куфрдир», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.

Шунинг учун ҳам мусулмон киши зинҳор ва зинҳор бировни сўкмаслиги, хунук сўзларни оғзига олмаслиги керак. Бундай шармандалик ва одобсизликнинг яқинига ҳам йўламаслик зарур.

• Масхара ва истехзо.

Масхара бировни паст санаш ва хор билишдир. Масхара маънавий жиҳатдан ақлни паст санаш ва ҳиссий жиҳатдан ишни хор санашдир. Бу нарса масхара эгаси учун арзийдиган ва масхара қилувчи учун арзимайдиган нарсадир.

Масхара қилиш бировни пастга уриш ва хорлаш йўли ила кулги-га олишдир. Гоҳида гап ва амалга таклид қилиш, имо-ишора билан ёки лақаб қўйиш билан ҳам масхара юзага келиши мумкин.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида марҳамат қилади:

وَلَقَدْ أَسْتَهْزَيْتُمْ بُرْسُلَ مِنْ قَبْلِكُمْ فَحَاقَ بِالَّذِينَ سَخِرُوا مِنْهُمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٤١﴾

«Сендан олдинги расулларга ҳам истехзо қилишган. Уларни масхара қилганларни ўзлари истехзо қилиб юрган нарса ўраб олди» (41-оят).

Бошқа бир ояти қаримада бундай зикр этилади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا يَسْخَرُونَ مِنْ قَوْمٍ عَسَىٰ أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا مِنْهُمْ وَلَا نِسَاءً مِنْ نِسَاءِ عَسَىٰ أَنْ يَكُنَّ خَيْرًا مِنْهُنَّ وَلَا نَلْمِزُوا أَنْفُسَكُمْ وَلَا تَنَابَرُوا بِالْأَلْقَابِ ۚ يَبْسُ الْإِتْمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَانِ وَمَنْ لَمْ يَتُبْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿١١﴾

«Эй пиймон келтирганлар, бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасинлар), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг» (Ҳужурот сураси, 11-оят).

Албатта, ўзгаларни масхара қилиш, одамларга истехзо билан сўзлаб, уларга озор бериш ёмон одат бўлиб, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлади.

• Маддохлик.

Ортиқча ва ноўрин мактов маддохликдир. Бирор мансаб ёки манфаат илинжида одамларни юзига мактовчи, асли йўқ, ҳақи-

қатга зид ва ботил нарсаларни тарғиб қилувчи маддоҳ деб аталади. Ҳадисда келишича, бир киши Усмон розияллоху анхуни мақтаганида, саҳоба Миқдод ибн Асвад розияллоху анху унинг юзига тупроқ сочиб юборган. Усмон: «Бу нима қилганингиз?» деб сўраганида, Миқдод бундай деган:

«Расули акрам соллаллоху алайҳи васалламнинг «Агар маддоҳларни (мақтовчиларни) кўрсангиз, юзига тупроқ сочинлар», деганларини эшитганман» (Имом Муслим ривоят қилган). Бу иш мақталган кишининг кибрга берилиб кетишига ва босар-тусарини билмай, ахлоқан бузилишига олиб боради. Натижада бундай одам халокатга учрайди ва бора-бора одамгарчиликдан чиқади. Шунинг учун шариятимизда маддоҳликдан тийилиш буюрилган.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعَ النَّبِيَّ ﷺ رَجُلًا يُثْنِي عَلَى رَجُلٍ وَيُطْرِبُهُ فِي الْمِدْحَةِ، فَقَالَ: «أَهْلَكْتُمْ أَوْ قَطَعْتُمْ ظَهْرَ الرَّجُلِ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир кишининг бошқа бировни мақтаб, маддоҳлик қилаётганини эшитиб қолдилар ва: «Ўша одамни халок қилдиларинг ёки белини уздиларинг», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Кишини юзига мақташнинг фойдаси ҳам, хатари ҳам бор: агар мақталаётган киши комил иймонли, ишончли, риёзатли, маърифатли бўлса ва мақтовдан фитналанмаса ёки ғурурга кетмаса, мақтов ҳаром ҳам, макруҳ ҳам бўлмайди. Аксинча бўлса, кишини юзига мақташ қаттиқ макруҳ бўлади. Суннатга кўра, агар бир кишини мақташга тўғри келиб қолса, «у шундай фазилатларга эга бўлса керак, деб ўйлайман, агар у шу сифатларга эга бўлса, «Унинг кифоячиси Аллоҳдир, Аллоҳ олдида бирор киши айбсиз эмас», дейиш керак.

Одамлар даражаларига қараб мақтовни турлича қабул қилишади. Авом кишилар мақтовдан яйраб, хурсанд бўлишади, маддоҳ айтаётган фазилатлар ўзларида мавжудлигидан фахрланиб, кибрланишади, мақтовчини ўзларига дўст тутишади. Обидлар мақтовдан иложи борица қочишга ҳаракат қилишади, у эгал-

лаб қолмаслиги учун қалбларини ихоталаб олишади. Орифлар эса бундай ҳолларда «Агар Аллоҳ айбларимни беркитмаганида, одамлар фақат фазилатларимни кўриб, мени мақташмасди, демак, бу мақтовлар Аллоҳга тегишлидир» деб фикрлайди ва барча мақтовларни Парвардигорига хавола этади.

• Сўзга эътиборсизлик.

Аллоҳ таолога, эътиқодга, диний таълимотларга оид сўз ва гапларни эътиборсизлик билан бузиб гапириш ҳам катта офатдир. Бунда куфр, ширк ва гуноҳ бўладиган гаплар айтилиб қолиши мумкин. Уламолар наздида инсонларнинг кўп сўзлари куфрдан иборатдир. Мисол учун, Аллоҳнинг исмларидан бирортасини, ёки Унинг буйруғини, ёки ваъдасини, ёки таҳдидини масхара қилиш куфрга олиб боради. Яна айрим сўзлар борки, улар айнан куфр калимаси бўлмаса-да, ўзи ҳаром саналиб, айтган киши кофир бўлиб қолиш эҳтимоли бор. Масалан, бир кишига «Таомни ўнг қўлингда е, бу суннат», дейилса, «Суннат бўлса ҳам, ўнг қўлда емайман» дейиш каби. Мусулмонларга қарата «Динсиз, иймонсиз, эътиқодсизсан, сен фожирсан, фосиксан, мунофиксан» дейиш туфайли ҳам кишининг иймонига завољ етиб қолиши мумкин.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه: أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ ﷺ فَكَلَّمَهُ فِي بَعْضِ الْأُمْرِ، فَقَالَ: مَا شَاءَ اللَّهُ وَشِئْتِ. فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «أَجَعَلْتَنِي لِلَّهِ عَدْلًا؟! قُلْ: مَا شَاءَ اللَّهُ وَحْدَهُ». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Бир одам келиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга баъзи ишлар ҳақида гапириб: «Аллоҳ ва сиз истасангиз», деди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Сен мени Аллоҳга тенг қилиб қўйдинг-ку! «Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи истаса», дегин», дедилар».

Насай ривоят қилган.

• Илмсиз кишиларнинг илмий суҳбатга аралашуви ва ноўрин саволлар бериши.

Олим бўлмаган кишиларнинг илмий гапларга аралаштишлари, илмнинг нозик тарафларидан сўрашлари ва сўз юритишлари

ри ҳам катта офатдир. Айниқса, эътиқод масалаларининг нозик жойларидан сўз юритиш улар учун кони зарар бўлиб, бундан уларга заррача фойда йўқдир.

Аллоҳ таоло Моида сурасида марҳамат қилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءٰمَنُوْا لَا تَسْـَٔلُوْا عَنۡ اَشْيَآءٍ اِنۡ تُبَدَّلَ لَكُمْ تَسْوِكُمْ وَاِنۡ
تَسْـَٔلُوْا عَنْهَا حِيْنَ يُنۡزَلِ الْقُرْءَانُ اُنۡ تُبَدَّلَ لَكُمْ عَفَا اللّٰهُ عَنْهَا وَاللّٰهُ غَفُوْرٌ حَلِيْمٌ ﴿١٠١﴾

«Эй иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар сизга изҳор қилинса, ўзингизга ёмон бўлади. Агар улар ҳақида Қуръон нозил қилиниб турган чоғда сўрасангиз, сизга изҳор қилинади. Аллоҳ уларни афв қилди. Аллоҳ ғофурдир, ҳалимдир» (101-оят).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «الْمِرَاءُ فِي الْقُرْآنِ كُفْرٌ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ حِبَّانَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуръон хусусида талашиб-тортишиш куфрдир», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

عَنْ جَابِرِ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «...وَإِنَّ أَبْعَضَكُمْ إِلَيَّ وَأَبْعَدُكُمْ مِنِّي مَجْلِسًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ التَّرْتَارُونَ وَالْمُتَشَدِّقُونَ وَالْمُتَفَيِّهُونَ»، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَدْ عَلِمْنَا التَّرْتَارُونَ وَالْمُتَشَدِّقُونَ، فَمَا الْمُتَفَيِّهُونَ؟ قَالَ: «الْمُتَكَبِّرُونَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «...Сизлардан менга энг ёқмайдиганингиз, Қиёмат кунида мандан энг узок ўтирадиганингиз – сергап, тили узун ва мутафайҳиқлардир», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, сергап ва тили узун-

ни биламиз, мутафайҳиқлар кимлар?» дейишан эди, «Мутакаббирлар», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

«Маҳзанул улум»да бундай ёзилган: «Мажлисда бўлаётган музокара ва мунозарага дахлинг бўлмаса, асло аралашма, катталарга кинояли сўз қилма, тушунилиши қийин сўзларни мисоллар билан ойдинлаштир, мунозарада чегарадан ташқари чикма». Ноўрин саволлар сўраш ҳам тил офатларидан биридир. Бу борада ҳам асл коидаларни билиб олиб, уларга амал қилиш лозим.

• **Беҳуда сўз.**

Вақтнинг кадрига етган одам уни фойдасиз нарсага сарфламайди. Чунки Аллоҳ таолонинг зикрини қўйиб, кераксиз гап-сўзлар билан машғул бўлган одам гавҳарни қўйиб, тезакни олган билан баробардир. Бу эса умрни бекорга, бефойда ўтказишдир. Инсонлар ортиқча сўзлашдан, беҳуда ва фиск сўзларни айтишдан қайтарилган. Пайғамбар алайҳиссалом умматни қийлу қол (ортиқча, бемаъни сўзлар)дан қайтарганлар (Имом Бухорий).

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رضي الله عنه: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم قَالَ: مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَعْنِيهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам: «Киши Исломининг хусни беҳуда нарсаларни тарк қилишидадир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ فَلْيُكَلِّمْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloху алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охираат қунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоят қилган.

Ўтмишдошларимиз оз сўзлашни, кўп фикрлашни, сўзлаганда ҳам, фақат зарур, рост, фойдали сўзларни гапиришни одат қилганлар, бошқаларни ҳам шунга чорлаганлар. Молнинг, вақт-

нинг, неъматнинг исрофи бўлгани каби, сўзнинг ҳам исрофи бор. Агар ақл кишиларнинг гап-сўзлари миқдорига кўра ўлчанганида, одамларнинг энг ақллиси уларнинг энг сергаплари бўлар эди. Илк мусулмонларда тортишув кам, амал кўп бўлган. Улар сўзга бахил, молга сахий эдилар. Кейингиларда эса тортишув кўп, амал оз бўлди. Сўзда сахий, молда бахилга айландилар.

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху: «Тилдан кўра камокда туришга ҳожатлироқ нарса йўк», деган.

Абу Дардо розияллоху анху айтади: «Оғзингдан кўра кулоқларингни кўпроқ ишлат. Оз гапириб, кўп тинглашинг учун сенга битта оғиз, иккита кулоқ берилган».

Юқорида зикр этилган тил офатларидан сақланиш ҳар бир мусулмон учун жуда ҳам зарурдир. Зеро, сўз – фикрни етказиш қуроли, мақсад эса кўнгилни забт этишдир. «Тил фақат тўғри сўзни айтиш ва Аллохни зикр қилиш учундир», деган Абулҳасан Занжоний.

КАЛОМГА ОИД ОДОБЛАР

Ҳар нарсанинг асли – сўз, яъни калом бўлиб, у ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир. Сўз Одам алайҳиссалом билан баробар яратилган. У барча илмларнинг асоси, инсонларнинг ўзаро алоқа ва муносабат воситаси қилиб танланган. Оламдаги барча нарсалар сўзловчи гувоҳлардир. Аллоҳнинг китоблари сўз-калом воситасида туширилган. Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрлидир ва Аллоҳ таоло сўзга эътиборли, муҳаббатли бўлишни, фасоҳатли ва балоғатли сўзлашни буюрган.

• *Сўзламоқчи бўлган инсон чиройли ва тўғри сўзларни танлаб гапиришига ҳаракат қилиши керак.*

Унинг гапини эшитган киши сўзларнинг гўзаллигидан, гапларнинг ҳақлигидан завқланадиган бўлиши учун ҳаракат қилиш жуда ҳам яхши. Айниқса, илм мажлисларида одобга қаттиқ риоя қилиш, уларда бефойда баҳс-мунозаралардан, илмда устунликни намойиш қилишдан, сўзамолликдан тийилиш зарур. Сергаплик ва сўзамоллик фазилат эмас, қусурдир. Айрим нотиклар сўзларни сохта қофиялар билан безаб, ёдлаб олинган сўзларни аямай ишлатиб, одамларга ёқмоқчи бўлишади. Инсоний муносабатларда ва илм мажлисларида бу «донолик»нинг сири тезда фош бўлади. Аммо хатибларнинг хутба чоғида кишилар диққатини тортиш учун фасоҳат ва балоғат билан сўзлаши сохтакорлик ва қофиябозликка кирмайди.

• *Гапни тил қондалари асосида олиб бориши керак.*

Инсоннинг ташқи кўриниши чиройли бўлиши ниҳоятда муҳим экани ҳаммага яхши маълум. Унинг гапириш одоби чиройли бўлиши бундан ҳам яхши. Бир киши билан сўзлашган инсон унинг сўзларидан, гапиришидан завқланиши унга бўлган муҳаббати ва эҳтиромини ҳам кучайтиради. Ўзини бошқалардан яхши ва доно кўрсатишга тиришилмайди, билимдонлиги, китоб ўқиш, масала айтишдаги устун имкониятлари мажлис аҳлидан пинҳон тугилади.

• *Барча нарсалардаги каби, гапиришда ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барчага ўрнак эканликларини унутмаслик керак.*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзлаганда мутлако шошилмас, олдиларида ўтирган одам ёдлаб оладиган даражада дона-дона қилиб, бўлиб-бўлиб гапирар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай гапирар эдиларки, агар сановчи муборак оғизларидан чиқаётган сўзларни санаса, санаб улгурарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак чехраларини кўрган бир аъробий Исломи қабул этганини эълон қилиб, бунга шундай изоҳ берган эди: «Гувоҳлик бераман, бу юз ёлғончининг юзи эмас».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сукутлари узун бўларди. Агар гапирсалар, орқама-орқа сўзламасдилар, балки тўхтаб-тўхтаб ва яхши фахмланиши учун такрор-такрор гапирардилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг каломлари энг муфассал калом бўлиб, уни эшитган ҳар қандай шахс бемалол фахмлаб олар эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушунарли бўлиши учун сўзни уч марта такрорлар эдилар. Албатта, буни керак бўлган чоғларда қилардилар.

• *Ёшда, илмда ва обрўда ўзидан юқори бўлган кишилардан олдин гап бошламаслик ҳам каломга оид одоблардандир.*

Ҳар бир мажлисни олим ёки фозил киши, адолатли ҳоким ёки кози бошқаради. Унинг изнисиз мажлисда сўз айтиш, бундай кишилардан олдин сўз бошлаш, бошқаларни оғзига қаратишга уриниш, каттиқ овозда қулиш, ёнидагилар билан гаплашиб ўтириш одобсизлик саналади.

عَنْ زَافِعِ بْنِ حَدِيحٍ وَسَهْلِ بْنِ أَبِي حَثْمَةَ، أَنَّهُمَا حَدَّثَا أَوْ حَدَّثَاهُ؛
 أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ سَهْلٍ وَمُحَيِّصَةَ بْنَ مَسْعُودٍ أَتَيَا حَيِّبَ بْنَ فَتْرَقَةَ فِي النَّحْلِ،
 فَقَتِلَ عَبْدُ اللَّهِ بْنَ سَهْلٍ، فَجَاءَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنَ سَهْلٍ وَحُوَيْصَةُ وَمُحَيِّصَةُ ابْنَا
 مَسْعُودٍ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَتَكَلَّمُوا فِي أَمْرِ صَاحِبِهِمْ، فَبَدَأَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ، وَكَانَ
 أَصْغَرَ الْقَوْمِ، فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ ﷺ: «كَبِيرَ الْكَبِيرِ» - قَالَ يَحْيَى: «لِيَلِي الْكَلَامَ
 الْأَكْبَرُ» - فَتَكَلَّمُوا فِي أَمْرِ صَاحِبِهِمْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Рофеъ ибн Ходийж ва Саҳл ибн Абу Ҳасмалардан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Саҳл ва Муҳаййисо ибн Масъуд Хайбарга келиб, хурмозор ичига тарқалиб кетишди. Ўшанда Абдуллоҳ ибн Саҳлни ўлдириб кетишди. Кейин Абдурраҳмон ибн Саҳл, Масъуднинг ўғиллари Хуваййисо ва Муҳаййисолар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб, шу ҳақда ҳақда гапиришди. Абдурраҳмон уларнинг энг кичиги эди. У гап бошлаган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Катталардан», дедилар.

Яҳё: «Гапни катталар бошласин», деб ривоят қилган.

Сўнг улар шеригининг ўлими ҳақида гаплашишди».

Бухорий ривоят қилган.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган воқеа бундай содир бўлган эди: Катта жойни эгаллаган Хайбар хурмозорлари яҳудийларга тегишли эди. Ўша икки киши қандайдир сабаб билан хурмозорга кириб кетишибди. Икковлари бир-бирларидан ажраб, хурмозор ичида юришганда, улардан бири – Абдуллоҳ ибн Саҳлни кимдир ўлдириб кетди. Бу хабарни эшитиб, унинг укаси Абдурраҳмон ибн Саҳл келди. Муҳаййисо ибн Масъуднинг Хуваййисо исмли укаси ҳам етиб келди. Ҳаммалари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб, бўлган воқеани айтмоқчи бўлишди. Гапни Абдурраҳмон ибн Саҳл бошлади. У келганлар ичида энг кичиги экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қараб, «Катталарга йўл бер», дедилар. Яҳё исмли ровий тушунтириш учун: «Гапни катталар бошлайди», деб шарҳ қилган. Демак, бундай шароитда бошлиқ тайинланмаган бўлса, гапни ёши катта-роқ одам бошлаши керак экан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларида ўтирганларнинг ичида кичикроғи бўлган киши воқеани айта бошлаши билан уни тўхтатиб, ёши каттага сўз беришни буюрдилар.

• *Бир одам гапирётганда, унинг гапини кесмасдан, охиригача диққат билан тинглаш лозим.*

Бировнинг гапини кесиш, сўзини бўлиб юбориш унга нисбатан беҳурматлик бўлиши билан бирга, унинг фикрини чалғитиб юборади, натижада у айтмоқчи бўлиб турган сўзларини унутиб қўяди.

• *Тўғри сўзни сўзлаган одамни тасдиқлаш ҳам одобдандир.*

Бунда тўғрилиқка хизмат қилиш, яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилиш намунаси бордир. Арасту айтади: «Тўғрилиқ учун қурбон бўлиш – ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан яхшидир».

• Гапнинг мақомига қараб, вазият тақозо қилган равишда овозни кўтариш ёки пасайтириш ҳам одобдандир.

Мисол учун, кўпчиликка қаратилган гапни баланд овоз билан, яқинда турган шахсга паст овоз билан гапириш лозим. Муҳими, гап кимга қаратилган бўлса, ўша одам бемалол эшитсин. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шундай қилар эдилар.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا حَظَبَ أَحْمَرْت عَيْنَاهُ، وَعَلَا صَوْتَهُ، وَاشْتَدَّ غَضَبُهُ حَتَّى كَأَنَّهُ مُنْذِرٌ جَيْشٍ يَقُولُ: صَبَّحَكُمْ وَمَسَّاكُمْ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتَّسَائِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам хутба қилсалар, икки кўзлари қизариб, овозлари олий ва ғазаблари шиддатли бўлиб, худди «Душман сизга эрталаб ё кечқурун келиб қолди!» деб лашкарни огоҳлантирувчи кишига ўхшаб қолар эдилар».

Муслим, Насайй ривоят қилган.

• Муҳим гапларни гапирганда, бир неча кишига алоҳида хитоб қилганда, аввал «бисмиллаҳ», ҳамд ва Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга салават ва саломни айтиб туриб, сўнгра гап бошлаш лозим.

Бирор кавм бир мажлисда ўтирса-ю, аммо унда Аллоҳ номи зикр қилинмаса, Унга ҳамд айтилмаса, Унинг элчисига салават айтилмаса, бу мажлисга ноқислик етади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «كُلُّ أَمْرٍ ذِي بَالٍ لَا يُبْدَأُ فِيهِ بِبِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ أَقْطَعُ». رَوَاهُ عَبْدُ الْقَادِرِ الرَّهَوِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «Эътиборли ҳар бир иш «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» билан бошланмас экан, у кесикдир», дедилар».

Абдулқодир Раҳовий ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «كُلُّ كَلَامٍ لَا يُبْدَأُ فِيهِ بِالْحَمْدِ لِلَّهِ فَهُوَ أَجْدَمٌ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллalloху алайхи васаллам: «Алҳамдулиллах» билан бошланмаган ҳар бир калом кесикдир», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

• **Тингловчи тушуна оладиган, унинг савиясига мос гапларни гапириш лозим.**

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхудан қилган ривоятда «Бир қавмга уларнинг ақли етмайдиган гапни гапирсанг, баъзиларига фитна бўлиб қолади», дейилган. Ҳазрати Али розияллоху анху: «Одамларга улар тушунадиган гапни гапиринглар», деганлар.

• **Ўзи яхши билмайдиган, тўғрилигини текишириб кўрмаган гапни гапирмаслик керак.**

Бундай зарарли иллат кўпчиликка одат бўлиб қолган. Айримлар аллакимлардан эшитган миш-миш, асоссиз гапларни худди ўзи гувоҳ бўлгандай, бемалол ҳаммага тарқатиб юришади. Бу ҳам одобсизлик саналади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «كَفَى بِالْمَرْءِ كَذِبًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloху алайхи васаллам: «Ҳар бир эшитган нарсасини гапираверини кишининг ёлғончилигига кифоя қилади», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

• **Ҳар бир гапни гапирганда, оқибати нима бўлишини ҳисобга олиб гапириш лозим.**

Оқибати қандай бўлишини ўйламай гапириш сўзловчининг ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар келтириши мумкин. Гапириб кўйиб, кейин афсус қилгандан кўра гапирмаган афзал. Сухбат

мутасаддиси ёки ёши улуғ киши сўрамагунча гапирмаслик, сўз берилганида, баланд овозда, ғаразли ёки кинояли қилиб пала-партиш сўзламаслик, қаттиқ гапирмаслик, бетгачопар бўлмаслик, мулоҳаза қилмасдан бирон сўз айтмаслик ва қўп гапирмаслик ҳам одобнинг гўзал намуналаридандир. Имом Заҳабийнинг «Кабоир» деган китобида келтирилишича, бир кишидан «Одам боласининг қанча айби бор?» деб сўрашса, шундай жавоб берган экан: «Бу айбларнинг саноғига етиб бўлмайди. Ўзим санаганимда саккиз мингта чиккан. Аммо бир хислат борки, у барча айбларни беркитиб туради: тилни тийишдир».

• **Бошқалар гапини тугатмасидан гапирмаслик керак.**

Зотан, бир жойда икки киши бараварига гапириши мумкин эмас. Бунинг устига, биров гапириб турганда гапириш унга нисбатан ўта ҳурматсизлик бўлади, унинг фикрини чалғитади, сўзининг таъсирини кетказади.

• **Гапираётган одамга юзланиб, унинг сўзларини диққат билан эшитиш лозим.**

Икки киши суҳбатлашаётганида, эшитувчи киши сўзлаётганининг юзига боқиб, унинг гапларини диққат ва эътибор билан тинглаши, зарурат туғилмаса, унинг сўзини бўлмаслиги ҳам суҳбат одобларидандир. Бир одам гапираётганида, бошқа ёққа қараб туриш сўзловчига нисбатан ҳурматсизлик, одобсизлик бўлади.

• **Учинчи одам ҳузурида икки киши ундан яшириб гаплашмаслиги керак.**

Мажлис-давраларда икки киши бир-бирининг қулоғига шивирлаб, пинҳона гаплашмайди, мажлис аҳлининг баъзилари билиб, бошқалари билмайдиган тилда сўзлашилмайди. Икки киши бир-бирига сир айтса, уларнинг ўртасига кириб, гапига қулоқ солинмайди.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِذَا كَانُوا ثَلَاثَةً، فَلَا يَتَنَاجَى اثْنَانِ دُونَ الثَّلَاثِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч киши бор жойда уларнинг иккитаси учинчини қўйиб, ўзаро пичирлашмайди», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Учинчи кишидан яшириб, унга эшиттирмаслик мақсадида гапирилган гапдан ўша кишининг кўнглига озор етади. Шайтон васваса қилиб, унинг хаёлига турли бўлмағур фикрларни солади. Натижада мўмин кишига озор етади, мўминга озор бериш эса ҳаромдир.

• **Бировнинг гапи сир бўлса, бошқаларга айтмаслик керак.**

Гапнинг сирлиги унинг эгаси «Ҳеч кимга айтманг», дейиши ёки ишора қилиш билан билинади. Мисол учун, гапни гапираётганга ёки гапириб бўлгач, атрофга қараб қўйишига ўхшаш ҳолатларда эшитилган гаплар сир бўлгани учун бошқага айтилмайди.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا حَدَّثَ الرَّجُلُ بِالْحَدِيثِ ثُمَّ التَفَتَ فَهِيَ أَمَانَةٌ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Бир одам бир гапни айтаётганда, у ёқ-бу ёққа қараб қўйса, ўша гап омонатдир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Бундай пайтда ўша гап соҳибининг «Гапимни бировга айтма», деб таъкидлашининг кераги йўқ. Ўша, биров эшитиб қолмадимиз, деган маънода аланглаб қараб қўйишининг ўзи етади. Ким мазкур ҳолдаги гапни бошқаларга айтса, омонатга хиёнат қилган бўлади.

• **Сўзлаётган пайтда ортиқча ҳаракатлар қилмаслик керак.**

Бунга кўз, кош, қўл ва бошқа аъзоларнинг ҳаракати ҳам кирди. Сухбатлашаётганда, сухбатдошини туртиб, кўлидан тутиб ёки кийимидан тортқилаб гапирадиганлар ҳам бор. Ушбу нарсалар ҳам одобсизликка кирди ва бу ишлар киши одобдаги нуқсонлардир.

• **Имкони борича чиройли, маънодор ва хушҳолликка далолат қиладиган сўз ва жумлаларни ишлатиб, кўпол, маъносиз ва нохушликка сабаб бўладиган сўз ва жумлалардан четланиш керак.**

Бу борада мумтоз адабиётимизда бир ҳикоя келган: Подшоҳ туш кўрибди. Тушида тишлари битта қолмай тўкилиб кетган эмиш. Аъёнларини чақириб, бу тушининг таъбирини сўрабди.

Биров: «Барча қариндошларингиз ўлиб, ёлғиз ўзингиз қолар экансиз», дебди. Бу гап подшоҳни маҳзун қилибди. Бошқа биров: «Йўқ, ундай эмас, подшоҳим. Сиз барча қариндошларингиздан кўра кўп умр кўрар экансиз», дебди. Бу гап подшоҳга маъқул келиб, жуда хурсанд бўлибди.

Тилни ихтиёрига қўйиб юбориш инсонни ёлғон, ғийбат, чақимчилик, риё, ихтилоф, душманлашув, ахлоқсизлик, фахш ишлар ва бошқа турли ёмонликларга олиб боради. Шунинг учун «Ким тилини тийса, нажот топади» дейилган. Тил офатларидан сақланишнинг энг яхши йўли турли бемаъни ўтириш-зиёфатлар, ғийбат-хусумат мажлислари, нодон, ахлоқсиз кишилар суҳбати кабилардан узоқроқ юришдир.

САЛОМЛАШИШ ОДОБЛАРИ

Ҳақиқатан, ҳар бир ота-она фарзандига тарбия-одоб берар экан, энг аввало саломлашишни ўргатади. Жаҳонда одобнинг бу жиҳатига эътибор бермайдиган бирор миллат ёки халқ йўқ. Бежизга доно халқимиз «Гапнинг боши – калом, одоб боши – салом», демаган.

Бирор нотаниш киши билан кўришиб-танишмоқчи бўлсангиз, салом беришингиз билан гап-гапга қовушади, ўртадаги бегонасираш, ноқулайлик барҳам топади. Ҳатто муҳолифингизнинг ҳузурига «Ассалому алайкум», (Сизга тинчлик-омонлик бўлсин) деб кирсангиз, у жаҳлидан тушади, кеки йўқолади, кўнгли сизга мойиллашади. Саломлашишнинг савоби, бунга бериладиган ажр-мукофотлар-ку, ҳаммасини босиб кетади.

Абдуллоҳ ибн Аббос: «Ҳар бир нарсанинг ниҳояси бор, саломнинг ниҳояси баракотдир», деганлар. Хабарларда келишича, энг яхши амал очларни тўйдириш ва таниган-танимаган кишига салом беришдир.

Хусайн Воиз Кошифий бундай ёзади: «Агар «Саломга жавоб бериш одоби қайси?» деб сўрасалар, «Бунинг етти шarti бор», деб айт. Биринчидан, саломга хурсанд бўлиб алик олиш. Иккинчидан, салом берганга «Раҳмат», дейиш. Учинчидан, Ислом миллатига мансуб бўлмаган одам салом берса ҳам алик олиш. Тўртинчидан, саломга алик олувчининг ҳам таҳоратли, пок бўлиши. Бешинчидан, кўп киши турган бўлса, ораларидан

бир одам саломга жавоб қайтарса кифоялиги. Олтинчидан, саломга ишорат ёки имо билан эмас, овоз чиқариб алик олиш. Еттинчидан, саломга алик олганда салом берган кишининг эшитиши зарурлиги».

Салом бериш ва алик олиш хусусида ахлоқ-одобимизнинг куйидаги бир қанча кўрсатмалари бор:

«Аввал салом, кейин калом» (яъни бошқа гап-сўзлар).

«Салом бермагунича, бировни таомга чақирманглар».

«Оила аъзоларингиз ҳузурига, яъни уйингизга салом билан кинринг, шунда сизга ҳам, оилангиз аъзоларига ҳам барака ёғилади».

«Одамларнинг Яратганга энг яқини бошқаларга энг аввал салом берганидир».

«Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар, шунда ўрталарингизда меҳр-муҳаббат уйғонади».

«Одамларнинг бир-бирларида олтига ҳақлари бор: салом бериш; чақирса, бориш; маслаҳат сўраса, жавоб қайтариш; аксирса, соғлиқ ва шифо тилаш; бемор бўлса, бориб кўриш; вафот этса, жанозасида қатнашиш».

«Саломга алик олиш шарт, бордию алик олинмаса, салом берувчига зарари йўқ».

«Йўлдан ўтиб бораётган одам кўпчиликдан бир кишига салом берса кифоя қилади, ўтирганлардан бир киши алик олса етади».

Ҳар бир халқнинг ўзига хос саломлашиш одоби бор. Аммо куйидагича шарқона саломлашиш буларнинг энг гўзали ва чуқур маънолисидир:

Оқил ва одобли киши дўстлари ва яқинлари билан учрашганда, одамлар олдидан ўтаётиб, бирор мажлис ёки жамоат жойинга кирганда, «Ассалому алайкум», деб салом бериши зарур.

Саломни янада тўлиқ ва маънодор қилиш учун «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ», яъни «Сизга тинчлик-омонлик, Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин», дейилади. Алик олиш ҳам саломга яраша чиройли ва мукамал бўлиши керак.

Салом бериш Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўрсатмалари (суннат), унга алик олиш эса Аллоҳ таолонинг буйруғидир (фарздир).

Ҳар бир киши ўз хонадонига кирганда ҳам оила аъзоларига салом беради.

Салом тўлиқ, сўзларини бузмай, одоб билан берилади, у «салом», «сомалайкум» (маъноси: сизга ўлим бўлсин), «салом бердик», «привет», «хайрли кун» каби бузук шаклларда бўлмаслиги лозим.

Улов(от, эшак, машина кабилар)даги киши – пиёдага, пиёда кетаётган одам – ўтирганга, озчилик – кўпчиликка, кичиклар – катталарга, юкори мавқедаги киши пастроқ мавқедаги одамга биринчи бўлиб салом беради.

Кўпчилик ўтирган жой ёки издиҳомга кириб борган киши бир одамни хосламай, ҳаммага салом беради, аммо ўтирганларнинг ичидан бир киши алик олса кифоя қилади. Салом берилсаю, аммо бирор киши ҳам алик олмаса, ўтирганларнинг ҳаммаси фарзни тарк қилган гуноҳкорлардан бўлади.

Бошни қимирлатиб, овозсиз, фақат кўлни кўксига қўйиш билангина салом бериб ҳам, алик олиб ҳам бўлмайди. Салом-алик баралла, эшиттириб айтилиши керак.

Ҳаддан ташқари энгашиб, ерга букилиб салом бериш одобимизда ман этилган. Хиёл эгилиб салом бериш мумкин.

Нотаниш кишиларга, ёш болаларга ҳам салом берилади.

Учрашганда қандай салом берилса, хайрлашаётганда ҳам шундай салом билан ажрашилади. Ҳеч ким йўқ уйга кирганда ҳам салом берилади.

Агар бирор киши биров орқали сизга салом айтиб юборган бўлса, бунинг жавобини («Ассалому алайка ва алайҳи», деб) дарҳол қайтаришингиз лозим. Салом мактуб орқали юборилган бўлса, дилингизда ёки хат орқали ёзма равишда «Ваалайкум ассалом», дейилади.

Чиройли аёлларга, шунингдек, бидъатчи, беҳаё, фосиқ ва кофир кимсаларга салом берилмайди ва алик олинмайди.

Саломга алик олиш макбул бўлмаган ўринларда салом бериш макруҳ саналади. Куръон ўқиётганга, намоз ўқиётганга, азон ёки такбир айтаётганга, ҳаммомда ювинаётган кишига, хожатхонада ўтирганга, номахрам аёлларга, оғзида таоми бўлган кишига, ухлаётганга, дуо, хутба ўқиётганга, ҳажда «Лаббайка» айтаётган эҳромли кишига салом бериб бўлмайди.

Қўл бериб кўришганда, кафтни кафтга қўйиб, икки қўллаб кўришилади, узрли ҳолатлардагина бир қўллаб кўришса бўлади.

Узоқ кўришмаганда ёки яқин кишиларникига меҳмонга борганда, эркакларнинг кучоқлашиб кўришишлари мақбул. Бунда бир-бирини аввал ўнг кўкракка, кейин чап кўкракка босилади. Сўнгра қўл беришиб, ҳол-аҳвол сўралади.

Аммо айрим кишилар ўртасида урфга кирганидек, оғиз-бурун ўпишиб кўришиш одобимизга мутлақо зиддир. Кўп замонлар кўришмаганда пешона ёки бошдан ўпса бўлади.

Олимлар, фазилатли кишилар, улуғ устозларнинг қўлидан ўпиш мумкин. Ёш болаларни бағрига босиб, эркалатиб, пешона ёки бошидан ўпса бўлади.

Номаҳрам аёллар билан қўл бериб кўришилмайди.

Кўпчилик тўпланган жойларда кўришиш учун ҳаммани безовта қилиш шарт эмас, салом берилгач, қўлни кўксига қўйиб, «Кўришганимиз – сўрашганимиз», дейилса кифоя.

МАСКАН ОДОБЛАРИ

«Маскан» сўзи «сокинлик топиш жойи» деган маънони англатади. Бизда инсоннинг ўз оиласи билан бирга яшайдиган жойи «маскан», яъни турар жой, ҳовли, ҳарам дейилади. Инсон ҳаётида хавфу хатардан омонлик топиш, иссиқ-совуқдан пана топиш, молу мулкани дахлсиз саклаш, аҳли аёли билан фароғатда яшаш, ҳаётдаги машаққатлар ва чарчоқлардан дам олиб, роҳат топиш учун, қиска қилиб айтганда, барча нарсалардан сокинлик топиш учун бир масканга муҳтож бўлади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кенг маскан мусулмон кишининг саодати омилларидан бири эканини ўз ҳадисларида эълон қилганлар.

عَنْ نَافِعِ بْنِ عَبْدِ الْحَارِثِ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مِنْ سَعَادَةِ الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ الْمَسْكَنُ الْوَاسِعُ، وَالْجَارُ الصَّالِحُ، وَالْمَرْكَبُ الْهَيِّئُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Нофеъ ибн Абдулҳорисдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кенг маскан, солих кўшни ва яхши маркаб мусулмон кишининг саодатидандир», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан мусулмон кишининг саодатига омил бўладиган нарсалар ҳақида бир қанча ривоятлар собит бўлган. Ушбу ҳадиси шариф ўшалардан биридир.

Кенг маскан киши саодати омилларидан бири бўлиши бежизга эмас. Албатта, маскан – турар жой одам боласи умрининг кўп қисмини ўтказадиган жойдир. Умрининг энг нозик ва масъулиятли қисми одамнинг шахсий масканида ўтади.

Масканнинг кенг бўлиши яшаш шароитининг қулайлиги маъносидадир. Киши ўз уйида яшаш учун барча шароитларга эга бўлса, саодатли бўлиши турган гап. Умрининг кўп қисми ўтадиган масканда ўзи учун керак бўлган барча қулайликлар мавжуд бўлса, албатта, бу нарса ҳам саодат омилларидан бири бўлади.

Инсон дунё ҳаётида яшар экан, турли ҳолатларга дуч келади: чарчайди, асабийлашади, дам олгиси келади, ухлайди ва хоказолар. Шундай пайтларда унинг ўз уйи ўлан тўшагига айлана-

ди. Жамоатчилик жойлари, сафарда, меҳмонхона ёки ижарага турган ерида керакли сокинликни топа олмайди. Ўз уйига эса бемалол кириб боради, ечинади, ором топади, ҳордиқ чиқаради... Шунинг учун ҳам кенг маскан Исломда киши саодатининг омилларидан бирига киёсланган.

Ислом инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олгани ва бузилишдан ислоҳ қилгани каби, маскан соҳасини ҳам қойиллатиб қўйган. Масканларни қуриш ва уларни тутишнинг гўзал намуналарини бутун дунёга намойиш қилган. Мусулмонлар қурган масканлар қулайлиги, гўзаллиги ва бошқа имтиёзлари ила барчанинг таҳсинига сазовор бўлган. Самарқанду Бухорога келган бир ғарблик сайёҳ: «Бу мусулмонларнинг бошқа нарсалари каби, қурган бинолари ҳам кишига хотиржамлик бағишлайди-я!» дея ажабланган экан. Масканларнинг моддий тарафи билан бирга маънавий тарафига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Исломда ҳар бир шахснинг маскани дахлсизлиги кафолатланган. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг турар жойи, ундаги оилавий сирлари ҳимоя қилинади. Ўзининг розилигисиз ҳеч ким унинг масканига кира олмайди, назар солиб қарай олмайди, у ердаги гапларга қулоқ солиб, эшита олмайди. Ким бирор хонадон эшиги олдида туриб, ҳовли ичига соҳибларининг изнисиз назар солса, ҳатто унга нисбатан энг оғир танбеҳ ва жазо чораларини қўллашга ижозат берилган.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّى تَسْتَأْذِنُوا
وَسَلِّمُوا عَلَىٰ أَهْلِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٢٧﴾

«Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча кирманглар. Ана шундай қилмоғингиз сизлар учун яхшидир, шоядки, эсласангиз» (27-оят).

Ушбу ояти кариманинг ҳукмига биноан, ҳеч ким бировнинг масканига унинг изнисиз кириши мумкин эмас. Ким бу ишни қилса, инсон ҳуқуқларидан энг муҳим бир ҳақни поймол қилган, катта гуноҳ ишни содир этган бўлади. Чунки ҳар бир киши фақат ўз масканидагина ўзини тўла эркин ҳис этади. Бировнинг бехос-

дан кириб қолишидан ҳадиксирамай, бемалол ҳолатда юришни ўзига эп кўради. Кийим-кечак, юриш-туриш ва аҳли аёл билан муомалада ҳам ўзига эрк беришни раво кўради. Шунингдек, ўзгаларга билдиришни хоҳламаган сирли нарсалар билан ҳам фақат ўз масканидагина машғул бўлишни хоҳлайди. Агар маскан дахлсизлиги бузилса, бу дахлсизликка хуруж қилинса, инсоннинг тинчи бузилади. Ҳар лаҳзада бировнинг кириб қолишидан ҳадиксираб, хотиржамлигини йўқотади, жамоатчилик жойида тургандек, хавотир ичра изтироб чекади.

Бировнинг масканига изнисиз кириш ман қилингани унинг сирасрори, аврати каби биров билишини ўзи хоҳламаган нарсаларни бегона кишилардан ҳимоялаш, асраш учун жорий этилган. Шу боис, бегона одам масканга кирмай туриб ҳам мазкур нарсалардан огоҳ бўлиши мумкин эмас. Мисол учун, бировнинг масканига унинг изнисиз назар солиш мутлақо ярамайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ اطَّلَعَ فِي بَيْتِ قَوْمٍ بِغَيْرِ إِذْنِهِمْ فَقَفَّئُوا عَيْنَهُ فَلَا دِيَّةَ لَهُ وَلَا قِصَاصَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким бир қавмнинг уйига уларнинг изнисиз қараса, улар унинг кўзини ўйиб олсалар, хун тўлаш ҳам, қасос ҳам йўқ», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан Ислолда шахсий дахлсизлик қанчалар юқори даражада ҳимоя қилиниши яққол кўриниб турибди. Ҳеч ким унинг масканига яширин равишда назар солиб турмаганини тўла ҳис қилгандагина, инсон ўзини эркин ҳис қилиши, маскан дахлсизлиги ҳаққидан тўла фойдаланиши мумкин.

Уламоларимиз бировнинг уйига яширин назар солиш ҳаромлиги ҳақидаги ҳадисга киёс қилиб, бировнинг гап-сўзларини яширинча тинглаш ҳам ҳаромлигига ҳукм чиқарганлар. Ҳеч ким бировнинг изнисиз унинг гап-сўзларига яширинча кулоқ солиши мумкин эмас. Ким бу ишни қилса, инсон ҳуқуқларидан катта бир ҳақни поймол қилган бўлади.

Масканнинг инсон ҳаётидаги улкан аҳамияти ва зарурати эътиборидан шариат мусулмон инсонларга бу борада ўзига хос одобларни жорий қилган. Мазкур одоблар инсоннинг ўз масканида бахт-саодат, хузур-ҳаловат ила яшадини тўла таъминлайди.

МАСКАНДА МЎЪТАДИЛ БЎЛИШ ВА ШАРОИТНИ ЯХШИЛАШ

Барча нарсаларда мўътадиллик дини бўлган Ислом маскан масаласида ҳам мўътадил бўлишга чақиради. Бир тарафдан маскан масаласида ҳаддан ошиб, дабдаба ва фахрланишга ўтиб кетишдан қайтарса, иккинчи тарафдан тарки дунё қилиб, масканга эътиборсиз қарашдан қайтаради. Маскан инсон ва унинг оиласи учун қароргоҳ бўлганидан кейин, уларга фаровон ва хотиржам ҳаёт кечириш воситаси бўлиши ҳам керак. Турмуш ўтказиш учун зарур бўлган барча шароит инсоннинг масканида муҳайё бўлиши матлуб саналади.

Мусулмонларнинг қурган масканларида юқорида айtilган мулоҳазалар ўз аксини топган. Уларда маскан эгаси, унинг аёли, болалари ва бирга яшайдиган яқинларининг ором олишлари, овқатланишлари, таҳорат ва ғусл қилишлари, меҳмон кутишлари ва бошқа зарур фаолиятларни олиб боришлари учун керак бўладиган барча шароитлар яратилган бўлади.

Уларнинг масканларида дин таълимоти асосида ҳаёт кечиришга керак бўлган шароитлар ўз ифодасини топган бўлади. Мисол учун, аввалги мусулмон меъморчилигида уйларнинг энг ҳурматли жойлари – уйнинг тўри меҳроб деб аталган ва қиблага қараган тарафда бўлган. Уйга ташриф буюрган меҳмон ҳам ҳеч кимдан сўрамай, қибла қаёқда эканини билиб, ибодатини адо этган.

Уй қуришда унинг ичига бегона кўз тушишини ман қилиш омили ҳам эътиборга олинган. Кўча-кўйдан ўтганларнинг назари хонадон ичига тушмайдиган қилиб режалаштирилган. Ота-оналарнинг ётоқхоналари фарзандларнинг кўз ўнгида бўлмаслиги таъминланган. Шунингдек, эркаклар учун тайёрланган меҳмонхоналар ҳам аҳли-аёлга ҳалақит бермайдиган даражада четда бўлишига алоҳида эътибор берилган.

Ҳозирги уй қуриш режаларида ҳам юқорида айtilган гўзал одатларга амал қилиш мавжуд. Аммо баъзи ҳолатларда билимсизлик ёки эътиборсизлик оқибатида одамлар ўзларига баъзи ноқулайликлар туғдириб олишади ёки масканда етарли шароит яра-

тишга эътибор беришмайди. Мисол учун, баъзи қишлоқ жойларда таҳоратхоналар мутлақо талабга жавоб бермайди. Болаларни чўмилтириш учун, катталарнинг ғусл қилишлари учун ҳам алоҳида шароит йўқ. Биз, мусулмонлар бу каби нуксонларга барҳам беришга ҳаракат қилишимиз лозим.

МАСКАНДАГИ МОДДИЙ ОДОБЛАР

• *Маскан қуришда ҳаддан ошиб, дабдабага берилмаслик ва кимўзарга беҳуда нарсаларни қурмаслик.*

Мусулмон киши барча соҳалардаги каби маскан қуришда ҳам исломий одобларга риоя қилиши, масканини ҳаддан ортик мухташам ва серҳашам қилмаслиги керак.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «لَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّى يَتَطَاوَلَ النَّاسُ فِي الْبُنْيَانِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Одамлар бинода кимўзарга киришмагунча, Қиёмат қоим бўлмайди», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Демак, бино қуришда кимўзарга бориш, ким баландроқ ва дабдабалироқ қуриши маъносида мусобақалашиб Қиёматнинг аломатларидан бири экан. Ўша пайтларда ҳамма ертўла ва капаларда яшаб юрган шароитда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бу гапларни айтишлари катта бир жасорат, бу гапнинг орадан ўн беш аср ўтиб, ўз тасдиғини топиши эса у зотнинг мўъжизалари ҳисобланади.

• *Маскан қуришда оила аъзоларининг сокинлик топилларини кўзлаш.*

Зотан, «маскан» сўзининг маъноси сокинлик жойини ифодалагани учун ҳам шуни тақозо қилади. Мусулмонларнинг масканлари бегона кўзлардан пана, чинакам хотиржамлик ва осойишталик маконлари бўлиши лозим.

• *Масканни динимиздаги эҳтишом, эҳтиром ва бегона кўзлардан сақланиш борасидаги таълимотларга мослаб қуришга ҳаракат қилиш.*

Бунда оила аъзоларини кўча-кўйдагиларнинг ўғринча бўлса ҳам назаридан сақланиши, ҳатто кўни-қўшниларнинг ҳам ичкарига кўзлари тушмаслиги ҳисобга олинади. Оиланинг ичида ҳам ота-онанинг ётоқхонаси болалар кўз ўнғидан четроқда бўлишига алоҳида эътибор берилади.

• *Масканни оиланинг барча аъзолари ҳузур ила яшашилари ҳамда ибодатларини бемалол адо этиишларига хизмат қиладиган этиб қуриш.*

Бунда инсоннинг ҳузур ила яшашига, хусусан, таҳоратхона ва ҳаммомларга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Бизда, баъзи жойларда турар жойлар яхшилаб қурилган бўлса ҳам, таҳоратхона ноқулай бўлиши, алоҳида ҳаммом умуман бўлмаслиги бу борадаги камчиликларимиздир.

• *Маскан, ҳовли-ҳарамни чиройли, кўркем ва покиза тутиш лозим.*

Мусулмонларнинг хонадонлари ҳамма жиҳатдан намунали: тоза, покиза, тартибли, кўркем ва файзли бўлиши даркор.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ يُحِبُّ الطَّيِّبَ، تَطَيَّفُ يُحِبُّ النَّظَافَةَ، كَرِيمٌ يُحِبُّ الْكَرَمَ، جَوَادٌ يُحِبُّ الْجُودَ، فَتَطَفُّوا أَفْيَتَكُمْ، وَلَا تَشَبَّهُوا بِالْيَهُودِ».
رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ بِسَنَدٍ حَسَنٍ.

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ хушҳолдир – хушҳолликни суяди, озодадир – озодаликни суяди, карамлидир – карамни суяди, сахийдир – сахийликни суяди. Ҳовлиларингизни озода тутинг! Яхудийларга ўхшаманг!» дедилар».

Термизий ҳасан санад ила ривоят қилган.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ушбу чақириклари ҳар бир мусулмоннинг доимо ёдида турмоғи лозим. Ҳовли-жойларимиз, кўча-кўйларимиз, турар жой ва майдонларимиз – ҳамма жойимизни озода ва покиза тутишимиз лозим. Токи кўрган одам хавас қилсин. Бошқалар озода жойни кўрганда, «Бу жойда мусулмонлар яшайди шекилли», дейдиган бўлсин.

МАСКАНДАГИ МАЪНАВИЙ ОДОБЛАР

Исломда масканларнинг моддий одобларига эътибор бериш билан бирга, уларнинг маънавий одобларига ҳам катта аҳамият берилган. Балки маънавий одобларга бирламчи омиллар сифатида қаралган. Қуйида мазкур одоблардан баъзиларини тақдим этишга ижозат бергайсиз.

• **Бировникига муносиб вақтда бориш одобдандир.**

Бу одобга рия қилишга катта аҳамият бериш керак. Одатда кишилар дам оладиган, уйқуда бўладиган ва шунга ўхшаш уй эгаси учун ноқулай пайтларда бировникига чакириб бориш одобдан эмас. Иложи бўлса, олдин телефон орқали гаплашиб, вақтини келишиб олиб борилса, яхши бўлади. Ноқулай пайтда бориш хонадон соҳибига катта машаққат туғдиришидан ташқари, борган кишини ҳам хижолатда қолдириши, ҳатто кўзлаган иши битмай қолишини келтириб чиқаради.

• **Бировнинг масканига унинг рухсатисиз кирмаслик.**

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّى تَسْتَأْنَسُوا
وَتَسَلِّمُوا عَلَىٰ أَهْلِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٢٧﴾

«Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки, эсласангиз» (27-оят).

Ушбу ояти каримага биноан, бировнинг уйига кирмоқчи бўлган одам уй эгасининг изни билангина ва у ердагиларга салом бериб кириши лозим.

Ушбу оятга амал қилинса, бировнинг хонадонига изн сўраб, салом бериб кирилади, шундагина турли ноқулай ҳолатларнинг олди олинади. Изн сўрамай кирган одам уй эгаларининг ноқулай ҳолда турганларини кўриб қолса, гуноҳ бўлади. Икки томон ҳам хижолатга тушади. Балки, хусумат, уруш-жанжал чиқиши ҳам мумкин. Бордию, сизга таниш ёхуд кадрдон одамнинг хонадонига рухсат сўрамай кирсангиз, фитна ёки бўҳтонга учраб қоли-

шингиз, ҳатто айрим ҳолларда ўша оиланинг бузилиб кетишига сабабчи бўлишингиз, энг оддий ҳолатда қаттиқ хижолатликда қолишингиз мумкин. Чунки эркак киши бировникига келса-ю, уйда эркаги бўлмаса ёки аёл киши келса-ю, уйнинг аёли йўқ бўлса, шундай ҳолатларда бехосдан уйига кириб келган эр ёки хотин ножўя хаёлларга бориши мумкин. Бундай фитнага сабаб бўлувчи ҳолатлардан доимо узоқ бўлиш керак.

• *Бировнинг олдига кириш учун уч марта изн сўралади, рухсат бўлмаса, қайтиб кетилади.*

Бирор кишини йўқлаб борсангиз, кўча эшиги олдида икки-уч дақиқадан вақт ўтказиб, уч марта тақиллатасиз ёки эшик қўнғироғини чаласиз. Шунда ҳам жавоб бўлмаса, қайтиб кетиш керак бўлади. Агар бировникига кирмокчи бўлсангиз, салом бериб, уч мартагача киришга ижозат сўрайсиз. Уй эгаси алик олиб, ичкарига таклиф қилсагина, уйига кирасиз.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا اسْتَأْذَنَ أَحَدُكُمْ ثَلَاثًا فَلَمْ يُؤَدَّنْ لَهُ فَلْيَرْجِعْ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Саъид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Қай бирингиз уч марта изн сўраса-ю, унга изн берилмаса, ортига қайтсин», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Чунки уй эгалари бировни қабул қила олмайдиган ҳолатда бўлишлари ёки айнан изн сўраётган шахсни қабул қилиш имконлари йўқ бўлиши мумкин. «Изн» деганда уй эгасининг ёки у томондан вакил қилинган шахснинг изни кўзда тутилади. Уйга эга бўлмаган ёки уй эгаси томонидан вакил қилинмаган одамнинг изни ҳисобга ўтмайди.

Изн сўровчи тихирлик қилмаслиги, одоб билан уч мартагача изн сўраши, жавоб бўлмаса, қайтиб кетиши лозим. Изн сўраш авваллари овоз чиқариб чақириш билан бўлган, ҳозирда махсус қўнғирокни чалиш ёки уй телефони орқали бўлиши мумкин.

• *Изн сўраётган одам ҳовлига, уй ичига назар солмасдан, бошиқа томонга қараб туриб изн сўрайди.*

وَجَاءَ رَجُلٌ يَسْتَأْذِنُ عَلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَقَامَ عَلَى الْبَابِ مُسْتَقْبِلَ الْبَابِ، فَخَرَجَ لَهُ النَّبِيُّ ﷺ فَقَالَ: «هَكَذَا عَنْكَ وَهَكَذَا، فَإِنَّمَا الْإِسْتِذَانُ مِنَ النَّظَرِ».

«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ху-
зурларига изн сўраш учун келди ва эшикнинг тўғрисида ту-
риб олди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унинг олдига
чиқиб: «Бундай турма! Мана бундай тур. Изн сўраш назар
тушмаслиги учун жорий қилинган», дедилар».

Яъни изн сўровчи ҳовлига ёки хона ичига назари тушмайди-
ган бўлиб, эшикнинг ёнида туриши керак. Токи, ичкаридан эшик
очилганда, уй эгаларининг ҳолига унинг назари тушмасин.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا أَتَى بَابَ قَوْمٍ لَمْ
يَسْتَقْبِلِ الْبَابَ مِنْ تَلْقَاءِ وَجْهِهِ، وَلَكِنْ مِنْ رُكْنِهِ الْأَيْمَنِ أَوْ الْأَيْسَرِ. رَوَاهُمَا
أَبُو دَاوُدَ.

Абдуллоҳ ибн Бишр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир қавамнинг эши-
ги олдига келсалар, эшикнинг тўғрисида эмас, балки унинг
ўнг ёки чап тарафида турар эдилар».

Икки ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.

Ана шунда изн сўровчининг назари ичкарига тушмайди.

• *Изн сўралганда уй эгалари жавоб берса, изн сўровчи са-
лом бериб, сўнг мақсадини аниқ билдириши керак.*

وَاسْتَأْذَنَ رَجُلٌ عَلَى النَّبِيِّ ﷺ وَهُوَ فِي بَيْتٍ، فَقَالَ: أَلَيْحُ؟ فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ
لِحَادِمِهِ: «اخْرُجْ إِلَى هَذَا فَعَلِمَهُ الْإِسْتِذَانُ، فَقُلْ لَهُ: قُلِ السَّلَامَ عَلَيْكُمْ،
أَدْخُلْ»، فَسَمِعَهُ الرَّجُلُ فَقَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ، أَدْخُلْ؟ فَأَذِنَ لَهُ النَّبِيُّ ﷺ
فَدَخَلَ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

«Бир одам уй ичида турган Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун изн сўрамоқчи бўлиб: «Кираверайми?!» деди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам хизматчисига: «Анавнинг олдига чиқиб, изн сўрашни ўргатгин, «Ассалому алайкум. Кираверайми?» дегин деб айт», дедилар». Буни эшитиб турган ҳалиги одам: «Ассалому алайкум. Кираверайми?» деди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга изн бердилар ва у кирди».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ فِي دَيْنٍ كَانَ عَلَى أَبِي فَدَقَّقْتُ الْبَابَ، فَقَالَ: «مَنْ ذَا؟» فَقُلْتُ: أَنَا، فَقَالَ: «أَنَا، أَنَا»، كَأَنَّهُ كَرِهَهَا. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Отанининг қарзи хусусида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, эшикни тақиллатдим. Шунда у зот: «Бу ким?» дедилар. «Менман!» дедим. У зот норози оҳангда: «Меен, меен...» дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилган.

«Мен», дейиш билан иш ойдинлашмайди. Унинг ўрнига «Мен фалончиман», деб ўзини аниқ танитиш лозим. Бунда ўз исми, отасининг исми ёки маълум сифати айтилса, яхши бўлади.

• *Одоб бўйича, изн сўровчи исмини аниқ айтиб, изн сўраши ва салом бериб кириши лозим.*

Калда ибн Ҳанбал исмли киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, салом бермасдан кирганида, у зот соллаллоху алайҳи васаллам унга: «Орқангга қайт! «Ассалому алайкум», дегин», дедилар.

Имом Абу Довуд қилган ривоятда айтилишинча, ҳазрати Умар розияллоху анху қачон Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келсалар: «Ассалому алайка, ё Расулуллох, Умар кираверсинми?» дер эдилар.

• *Агар изн сўровчи уйда ҳеч кимни топа олмаса, қайтиб кетади. Шунингдек, ичкарига киришга рухсат берилмаса ҳам, қайтиб кетади.*

Чунки эгаси бўлмаган ёки киришингизга рухсат берилмаган уйга кириб боришдан кўра каттароқ одобсизлик бўлмаса керак?!

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

فَإِن لَّمْ تَجِدُوا فِيهَا أَحَدًا فَلَا تَدْخُلُوهَا حَتَّىٰ يُؤْذَنَ لَكُمْ وَإِن قِيلَ لَكُمْ

أَرْجِعُوا فَأَرْجِعُوا هُوَ أَزْكَىٰ لَكُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿٢٨﴾

«Агар у(уй)ларда ҳеч кимни топмасангиз, то сизга изн берилмагунча, уларга кирманглар. Агар сизга: «Қайтинг», дейилса, қайтинг, ўша сиз учун покдир. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни билувчидир» (28-оят).

Ушбу ояти каримадаги биринчи жумладан икки хил маъно келиб чиқади. Биринчиси – сиз чакирганингизда биров жавоб бермаса, уларга кирманг, яъни уйда одам борлиги билиниб турса ҳам, жавоб бермаяптими, то изн бермагунча уйга кирманг, дегани. Иккинчи маъно шуки, уйнинг эгаси ёки у вакил қилган одам йўқ бўлса, ўшалар биров орқали бўлса ҳам, изн бермагунча кирманг, дегани.

Агар уйда умуман одам бўлмаса, шубҳасиз, кириш мутлако мумкин эмас.

«Агар сизга: «Қайтинг», дейилса, қайтинг, ўша сиз учун покдир». Яъни, сиз киришга изн сўраган пайтингизда ичкаридан «Қайтинг», деган жавоб бўлса, дарров қайтинг, ўша қайтишингиз сиз учун пок ишдир.

Шу билан бирга, бундай пайтда қайтувчи кўнглига олмаслиги, хафа бўлмаслиги, уй эгалари мени ҳурмат қилмади, деган хаёлга бормаслиги керак. Чунки ҳар бир одам хоҳлаганини уйига киритиш ёки киритмаслик ҳаққига эга. Бирор иш билан машғул бўлиши ёки кайфияти кўтармаслиги мумкин. Яна уй эгасининг ўзигагина маълум бошқа узрли сабаблар бўлиши мумкин.

Ушбу ояти каримага биноан изн берилмагач, эшик олдида турмасдан, қайтиб кетиш зарур.

• *Рухсат берилгач, уйга кирган одам уй эгаси кўрсатган жойга ўтиради.*

Уйнинг эгаси ўз уйида нима қилишини ўзи яхши билади. Меҳмонга қайси жой қулайлигини ҳам у белгилайди. Меҳмондорчилик тартибларини Қайюм Носирий бундай таърифлайди:

«Меҳмонга борсанг, уй эгаси кўрсатган жойга ўтир. Нимани келтирса, индамай е. Меэбзон ташқарига чикса, ўрнингдан турма, рухсатсиз нарса кидирма. Гоҳ у нарсани, гоҳ бу нарсани ушлайверма. Аммо хонада китоблар бўлса, кўриш мумкин».

• **Бировнинг уйидаги одам унга имомлик қилмайди.**

Бирор кишиникига келган меҳмон намоз ўқиладиганда, хонадон соҳибининг имомлик қилишига йўл беради. Чунки Пайгамбаримиз бировнинг хонадоида унга имомлик қилишдан кайтарганлар.

• **Бировнинг уйига кирган одам уй эгасининг ўзига хос жоийга – тўшаги ёки курсисига ўтирмайди.**

Меҳмон бировнинг уйига киришда меэбзондан олдин юрмайди, уй ёки ховлига «бисмиллаҳ»ни айтиб, салом бериб, ўнг оёғи билан киради. Меэбзон қайси жойни кўрсатса, ўша жойга ўтиради, унинг рухсати билангина туради. Яна у хонадон соҳибининг ўзи ўтирадиган жойига, курсиси ёки кўрпачасига ўтирмайди.

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «...وَلَا يُؤَمِّنُ الرَّجُلُ الرَّجُلَ فِي سُلْطَانِهِ، وَلَا يَقْعُدُ فِي بَيْتِهِ عَلَى تَكْرِمَتِهِ إِلَّا بِإِذْنِهِ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Абу Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: «Бир одам ҳеч қачон бошқа бировга унинг мулкида имомлик қилмасин, унинг уйидаги ўзи учун тайёрланган жойга ўтирмасин, фақат ўзининг изни билан бўлса, муэасно».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• **Бировнинг уйига кирган одам атрофга аланглаб қарамайди.**

Беҳосдан бўлса ҳам, кўзи номаҳрамларга тушиб қолмаслиги керак. Шунингдек, меҳмон чор тарафга аланглаб қарайверса, меэбзонга ноқулай бўлиши бор. Шу боис ўнгу сўлига, паст-баландга, ташқарига алангламай, одоб билан ўтириши лозим.

• **Бировнинг уйига кирган одамнинг кўзи беихтиёр шариатда қараш мумкин бўлмаган бирор нарсага тушиб қолса, дарҳол бошқа тарафга қарайди.**

Бу мусулмонлар учун барча жойларда ҳам умумий коидадир. Беихтиёр кўз тушганда айб ва гуноҳ йўқ. Аммо ундан кейин ҳам назарни тиймаслик гуноҳдир.

عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَا عَلِيُّ، لَا تُتَّبِعِ النَّظْرَةَ النَّظْرَةَ، فَإِنَّ لَكَ الْأُولَى وَلَيْسَتْ لَكَ الْآخِرَةُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй Али, назарга назарни эргаштирма. Биринчиси сен учун безарар бўлса ҳам, бошқаси ундай эмас», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Биринчи назар тўсатдан тушгани учун зарарсиз ҳисобланади, гуноҳ бўлмайди. Аммо ундан кейин яна қайта назар солишни «тўсатдан» деб бўлмайди, буниси қасддан бўлади ва гуноҳ ҳисобланади.

Ушбу таълимотлар ҳам Ислому жамиятини пок сақлаш, йигит-киз ва эркак-аёлларни турли ношаръий ишлардан, улардан келиб чиқадиган нохуш оқибатлардан асраш учун келгандир.

• Бировнинг уйига кирган одам унинг изнисиз бирор нарса қилмайди.

Меҳмон ўз ўрнини ва мақомини билиши керак. Ўзгаларнинг уйида ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёқларни кавлаштириш, ховлига назар солиш, хонадаги буюм ва жиҳозларга тегиш мутлақо ярамайди. Бировнинг уйида ўзича, уй эгасидан сўрамай қилинган иш ҳар икки томонга ҳам ноқулайлик туғдириши мумкин.

• Бировнинг уйига кирган одам уй эгасининг хонадон ишларига аралашмайди.

Агар меҳмон мезбоннинг хонадон ишларига аралашса, ўтакетган беодоблик қилган бўлади. Бу нарса кераксиз хижолатпазлик ва нохушликларни келтириб чиқаради. Меҳмон келтирилган таомдан рози бўлиб, мезбонни хурсанд қиладиган даражада ейди, уни у ёқдан-бу ёққа олиб-қўявермайди, таомга шукрона айтиб, хонадон аҳлини дуо қилиб, хайрлашади.

Бировнинг уйига кирган одам керагидан ортиқ ўтириб қолмасликка ҳаракат қилади. Уй эгасининг иши, турли зарур

юмушлари бўлиши мумкин. Мисол учун, бошқа меҳмонга ваъда берган бўлиши, яна турли ҳолатлар ва узрлар бўлиши мумкин. Шунинг учун кирган одам узоқ қолиб кетмасдан, тезроқ ишини битириб чиқишга ҳаракат қилиши лозим.

• **Бировнинг уйига кирган одам у ердан уй эгасининг изни билан чиқади.**

Албатта, мезбоннинг изнисиз уйдан чиқиш уни нокулай аҳволга солиб қўйиши мумкин, яъни ҳовлида хотин-халаж юрган бўлиши ёки бирор бошқа ҳолатга кўз тушиши мумкин. Шунинг учун меҳмон ташқарига чиқиш учун ҳам мезбондан изн сўраши керак. Мезбон эса меҳмоннинг чиқишига шароитни тўғрилаб изн беради.

• **Бировнинг уйи ва ҳовлиси ичига унинг рухсатисиз кўз тикиб ҳам бўлмайди.**

حَدَّثَنَا أَبُو هُرَيْرَةَ؛ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «مَنْ اطَّلَعَ فِي دَارِ قَوْمٍ بَعِيرٍ إِذْ هُمْ فَمَقَّأُوا عَيْنَهُ فَقَدْ هَدَرَتْ عَيْنُهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

«Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким бир қавмнинг ҳовлисига уларнинг изнисиз қараса, улар унинг кўзини ўйиб олишса, кўзи зое бўлибди», деганларини эшитганини айтиб берди».

Абу Довуд ривоят қилган.

• **Уламоларимиз назар солишга оид ҳукми эшитишга, қулоқ солишга ҳам қиёс қилишган.**

Яъни бировнинг ҳовлисига, мактубига изнисиз назар солиш канчалик ҳаром бўлса, ўша ҳовли ва уйдаги овозларга, гап-сўзларга яширинча қулоқ солиш ҳам шунчалик ҳаромдир.

МАСКАН ЭГАЛАРИНИНГ ЎЗARO ОДОБЛАРИ

Албатта, ҳар бир масканда яшайдиган оила аъзолари, яъни ота-оналар, болалар, набиралар, келин-куёвларнинг ҳаммалари биргалликда кичик бир жамиятни ташкил этишади. Демак, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам тартибга солиниши лозим. Оила ичидаги муносабатларга оид одоблар ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу муносабатларга динимизда алоҳида аҳамият берилган. Қуйида мазкур одоблардан баъзиларини келтириб ўтмоқчимиз.

• *Кўчадан келиб, ўз уйига кираётган шахс ичкарига кириш дуосини ўқиб, салом бериб киради.*

Бу дуонинг маъноси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ушбу ҳадисда баён этилади:

عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا وَجَّحَ الرَّجُلُ بَيْتَهُ فَلْيَقُلْ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَ الْمَوْلِجِ وَخَيْرَ الْمَخْرَجِ، بِسْمِ اللَّهِ وَجَنَّا، وَبِسْمِ اللَّهِ حَرَجْنَا، وَعَلَى اللَّهِ رَبَّنَا تَوَكَّلْنَا، ثُمَّ لِيُسَلِّمْ عَلَيَّ أَهْلِيهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِسْنَدٍ صَالِحٍ.

Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши уйига кирганда: «Аллоҳумма! Инни асъалука хойрол мавлижи ва хойрол махрожи. Бисмиллаҳи валажна ва бисмиллаҳи хорожна ва алаллоҳи роббина таваккална», десин, сўнгра аҳлига салом берсин», дедилар».

Абу Довуд солиҳ санад ила ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Мен Сендан яхши кириш ва яхши чиқишни сўрайман. Аллоҳнинг исми ила кирдик. Аллоҳнинг исми ила чиқдик. Роббимиз Аллоҳга таваккул қилдик».

Дуонинг мазмунига эътибор биринг-а, кандай яхши! Уйига кираётган одам яхшиликни тилаб, Аллоҳ таолога боғланиб киради. Хонага кирганда оила аъзоларига салом бериб, улардан ҳол-аҳвол сўрайди ва хушҳол сўзлар ила уларнинг кайфиятини кўтаришга уринади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «يَا بُنَيَّ، إِذَا دَخَلْتَ عَلَى أَهْلِكَ، فَسَلِّمْ، يَكُنْ بَرَكَةً عَلَيْكَ، وَعَلَى أَهْلِ بَيْتِكَ». رَوَاهُ الرَّزْمِيُّ بِسَنَدٍ حَسَنٍ.

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга: «Болагинам, аҳлингнинг олдига кирсанг, салом бергин, бу сенга ҳам, аҳли байтингга ҳам барака бўлади», дедилар».

Термизий ҳасан санад ила ривоят қилган.

• *Кўчага чиқишдан олдин оила аъзоларига хабар бериб, уларга яхши тилаклар билдиради ва дуоларини сўрайди. Ота-онаси бўлса, улардан алоҳида дуо олади.*

Бундай қилиш кишининг юсак одобига далолат қилади. Ота-онадан, яқинлардан, аҳли-оиласидан дуо олиб, юмушига жўнаган кишининг куни хайрли, ишлари баракали, ҳар бир ҳаракати унумли бўлади.

Довуд ибн Қайсдан ривоят қилинади:

«Бир одам менга хабар берди. Абу Ҳурайра эрталаб уйидан чиқмоқчи бўлса, кийимларини кийиб, онасининг олдига келар: «Ассалому алайкум, онажон ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Мени кичкиналимда тарбия қилганингиз учун Сизни Аллоҳ яхши мукофотласин!» дер эди. У эса: «Сени ҳам, ўғлим, кексайганимда менга яхшилик қилганинг учун Аллоҳ яхши мукофотласин!» дер эди. Кейин (кўчага) чиқарди. Қайтганида ҳам шунга ўхшаш гапни айтарди» (Ҳасан Марвазий ривоят қилган).

Бир масканда бирга яшаётган оила аъзолари тақво асосида хушвақтлик, хузур-ҳаловат, ўзаро эхтиром асосида, шариатда кўрсатилган одобларга амал қилган ҳолда яшашни йўлга қўйишда ҳамкорлик қиладилар.

Аллоҳ таоло Моида сурасида марҳамат қилади:

وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالتَّقْوَىٰ ۗ وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِثْمِ وَالْعُدْوَانِ

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг» (2-оят).

• *Оила аъзолари бир-бирларининг олдига киришда изи сўрашлари лозим.*

Бу борадаги шарият кўрсатмалари Нур сурасининг уч оятида келган. Ушбу оятларни ҳар бир оила аъзолари тез-тез, қайта-қайта ўрганиб туришлари керак.

Мазкур ояти карималарда уй ичидаги баъзи муомалалар, хизматчилар ва кичик ёшдаги болаларнинг хонадон соҳиблари хузурига киришга изн сўраши борасида нималар қилишлари лозимлиги ва шунга ўхшаш бошқа масалаларга ҳам тўхтаб ўтилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لِيَسْتَعِذَّ بِكُمْ الَّذِينَ مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ وَالَّذِينَ لَمْ يَبْلُغُوا
 الْحُلُمَ مِنْكُمْ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ مِّن قَبْلِ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُمْ مِّنَ الظَّهِيرَةِ
 وَمِن بَعْدِ صَلَاةِ الْعِشَاءِ ثَلَاثُ عَوْرَاتٍ لَّكُمْ لَيْسَ عَلَيْكُمْ وَلَا عَلَيْهِمْ
 جُنَاحٌ بَعْدَهُنَّ طَوَفَاتٌ عَلَيْكُمْ بَعْضُكُمْ عَلَى بَعْضٍ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ
 لَكُمْ الْآيَاتِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ

«Эй иймон келтирганлар! Қўлингизда мулк бўлганлар ва ўзингиздан балоғатга етмаганлар сиздан уч вақтда изн сўрасинлар: бомдод намозидан олдин, пешинда, кийимларингизни ечадиган пайтингизда ва хуфтон намозидан сўнг. (Ушбу) уч вақт сиз учун авратдир. Улардан кейин сизга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқ, бир-бирингизнинг ёнингизга кириб чиқаверишингиз мумкин. Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир» (58-оят).

Ушбу ояти каримада уй ичидаги бир оила аъзолари ҳам бир-бирларининг олдига кириш учун изн сўрашлари кераклиги ҳақида сўз юритилмоқда.

Олдинлари кул ва чўрилар, ҳозирда эса уй хизматчилари, одатда хонадон ичида аралашиб юришади. Шунингдек, кичик ёшдаги болалар ҳам хоналарга кириб-чикиб туришади. Кўпчилик бундай ҳолатларга беписандлик билан қарашади. Аслида «бу ўзимизнинг хизматчимиз-ку», ёхуд «бу ўзимизнинг балоғатга етмаган кичик боламиз-ку», демасдан, муносабатларда ҳушёр бўлиш керак. Хизматчилардан ҳам авратни эҳтиёт қилиш фарз. Болаларнинг эса одоб-ахлоқ доирасида тарбия топишля-

рига аҳамият бериш, уларнинг катталар турган жойга берухсат киришларига йўл қўймаслик керак. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бу ишга алоҳида эътибор қаратган, Куръони Каримда оятлар тушириб, унинг ҳукмини баён қилиб берган.

«Эй иймон келтирганлар! Қўлингизда мулк бўлганлар ва ўзингиздан балоғатга етмаганлар сиздан уч вақтда изн сўрасинлар».

Яъни қул ва чўриларингиз ҳамда балоғатга етмаган кичик ёшдаги болаларингиз сиз турган хос жойга киришдан олдин уч вақтда изн сўрасинлар.

Ўша вақтларнинг биринчиси **«...бомдод намозидан олдин...»**

Чунки бу вақтда одам ҳали ўринда ётган, жойи йиғиштирилмаган бўлади. Агар улар изн сўрамай киришса, ноқулай ҳолат юзага келиши мумкин.

Иккинчиси эса **«...пешинда, кийимларингизни ечадиган пайтингизда...»**

Айниқса, Куръон нозил бўлган иссиқ ўлкаларда пешин вақтида ечиниб, салқинлаб дам олмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Бу пайтда ҳам изнсиз кириш ноқулай ва гуноҳ ишга сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур вақтларнинг учинчиси **«...хуфтон намозидан сўнг».**

Бу вақтда ҳам кишилар ечиниб, дам олаётган бўлади.

«(Ушбу) уч вақт сиз учун авратдир».

Яъни авратлар очиладиган вақтдир. Шунинг учун хизматчилар ҳам, балоғатга етмаган ёш болалар ҳам изн сўраб кирсинлар.

«Улардан кейин сизга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқ».

Яъни ўша вақтлардан бошқа пайт хизматчиларингиз ва балоғатга етмаган ёш болаларингиз изн сўрамай киришса, ҳеч бирингизга гуноҳ йўқ, **«бир-бирингизнинг ёнингизга кириб чиқаверишингиз мумкин».**

Одатда, хизматчилар ва ёш болаларнинг хона ва уйларга кириб-чиқишлари кўп бўлади. Уларга ҳар киришда изн сўраш жорий қилинса, кийинчилик туғилади. Шунинг учун мазкур аврат вақтларидан бошқасида изн сўрамай киришларига рухсат берилди.

«Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир».

Аллоҳ таолонинг ҳар бир ояти, ҳар бир ҳукми илмга, ҳикматга асосланган.

Балоғатга етган болаларнинг изн сўраш ҳукми келгуси оятда баён қилинади:

وَإِذَا بَلَغَ الْأَطْفَالُ مِنْكُمُ الْحُلُمَ فَلْيَسْتَأْذِنُوا كَمَا اسْتَأْذَنَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٩﴾

«Ёш болаларингиз балоғатга етсалар, улардан олдингилар изн сўраганларидек, изн сўрасинлар. Аллоҳ Ўз оятларини сизга ана шундай баён қилур. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир» (59-оят).

Авваллари ота-оналарининг, катталарнинг ҳузурига изнсиз кириб-чикиб юрган ёш болалар балоғатга етганларидан кейин, энди ўзларидан катталар каби уларнинг ҳузурларига изн сўраб киришга одатланишлари керак.

Ривоятларда келишича, саҳобаи киромлардан бири ушбу оят нозил бўлганидан кейин, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг онам қариб қолган, унинг хизматини қилиб тураман, ҳар кирганимда рухсат сўрашим керакми?» деганида, Расули Акрам соллalloҳу алайҳи васаллам: «Нима, бўлмаса онангни кийимсиз ҳолда кўрмоқчимисан?!» деганлар.

Айнан шу мулоҳаза туфайли, балоғатга етган болалар бир оила аъзолари бўлишса ҳам, бир-бирларининг ҳузурларига киришдан олдин изн сўрашлари жорий қилинган. Энди келадиган оятда эса ўта қари аёллар бу ҳукмдан мустасно қилинадилар:

وَالْقَوَاعِدُ مِنَ النِّسَاءِ الَّتِي لَا يَرْجُونَ نِكَاحًا فَلَيْسَ عَلَيْهِنَّ جُنَاحٌ أَنْ يَضَعْنَ ثِيَابَهُنَّ غَيْرَ مُتَبَرِّجَاتٍ بِزِينَةٍ وَأَنْ يَسْتَعْفِفْنَ خَيْرٌ لَهُنَّ ۗ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٦٠﴾

«(кексайиб) ўтириб қолган, никоҳни умид қилмайдиган аёллар зийнатларини кўз-кўз қилмаган ҳолда кийимларини ечишларида гуноҳ йўқ. Ифбатларини сақласалар, ўзлари учун яхшидир. Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир» (60-оят).

Ушбу оятдаги «кийимлари»дан мурод бошқа кийимларнинг устидан кийиладиган ридодир. Аёл киши ўта қариб, никоҳдан умуман умидсиз бўлиб қолганда, ўта ўраниб-чирманиб юрмаслигига рухсат бор. Лекин, шундай бўлса ҳам, ифбатларини сақлаганлари ўзлари учун яхшидир.

• *Маскан эгалари ўзлари учун маскан Аллоҳ таолонинг катта неъматини эканини бир зум ҳам унутмасликлари лозим.*

Маскан Аллоҳ таолонинг неъматини англаб етиш учун маскани йўқларнинг ҳолига назар солиш керак. Уй-жой топа олмай юрганларга, бировникида ижарада ўтирганларга эътиборни қаратиш, уларнинг ҳолига тушмаганига, маскан топиш машаққатига дучор бўлмаганига шукр айтиш лозим.

• *Улар маскан неъматини учун Аллоҳ таолога доимо шукр келтириб туришлари керак.*

Маскан неъматига ҳақиқий ва тўлақонли шукр келтириш эса мазкур масканда Аллоҳ таолони рози қиладиган тарзда яшаш билан юзага чиқади. Маскан неъматига шукр ўлароқ, маскан эгалари унда Аллоҳ таолонинг зикрини, ибодатини кўпроқ қилишлари шарт.

• *Маскан неъматига куфр бўлмаслиги учун маскан эгалари унда гуноҳ ишларни содир этмасликлари вожиб.*

Масканда содир этилган ҳар бир гуноҳ, шариатга хилоф ҳар бир иш маскан неъматига нисбатан куфрони неъмат экани бир зум ҳам маскан сохибларининг ёдидан кўтарилмаслиги лозим.

ЭР-ХОТИН ОДОБЛАРИ

Аллоҳ таолонинг номи билан ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ никоҳ ришталари орқали ҳаётларини бир-бирига боғлаган эр-хотин ўзаро ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, чинакам одобга риоя қилганларида, турмушлари саодатли кечади, оилалари ҳақиқий фароғат қасрига айланади. Хабарларда: «Дунё хузурбахш нарсадир, ундаги энг яхши хузурбахш нарса солиҳа аёлдир», дейилган.

Эр ва хотин муносабатлари, бахтли, тотув ҳаёт кечириш йўллари, қандай қилса оиладаги келишмовчилик ва ихтилофларга барҳам бериш мумкинлиги ҳақида китоб ёзмаган, насиҳат қилмаган одам қолмаган ҳисоб. Шундай бўлса-да, бу масала ҳамиша долзарблиги, муҳимлигича қолиб келяпти. Чунки ҳар икки томон ҳам икки айрим жинсдаги, икки айрича феъл-атворли шахслар бўлгани учун, оила тинчлиги, тотувлиги ва муносабатлар уйғунлигини таъминлаш учун икковлари ҳам «мен»ларини, шахсий манфаатларини, худбинликларини бир четга суриб туришлари лозим. Оила саодатига эришиш учун муросага ўтишлари, эр-хотинлик одобларига қаттиқ риоя қилишлари зарур бўлади.

Пайғамбар алайҳиссалом суюкли кизлари Фотимаи Заҳрони турмушга бергач, уни ҳазрати Али хонадонига кузатаётганларида, бундай насиҳат қилганлар:

«Қизим, ўзингни ҳамиша озода тут, Роббингни зикр қил ва вужудингни сув билан покла. Эринг сенга боққанда хурсанд бўлсин. Кўзларингга сурма кўй, чунки у аёлларга зийнатдир. Бошингга зайтун мойидан сурт, чунки зайтун мойи суртган аёлга шайтон яқинлашмайди.

Эй Фотима, эринг сенга қараганида, кўзларингни юмма, токи муҳаббатинг кучайсин. Эринг бошқа тарафга қараган пайтда унинг юзига боқ, бу билан бир ой рўза тутганлик савобини оласан.

Эй Фотима, эринг сени ётоққа чақирганида рад этма. Бундай қилсанг, Аллоҳнинг лаънатига қоласан. Эй Фотима, яқинлик пайтида қувноқ бўл, токи эрингнинг муҳаббати ортиб, бошқага кўнгил қўймасин.

Эй Фотима, эрингнинг камчиликларини, айбини бировга айтма, бундай қилсанг, Аллоҳнинг, Пайғамбарнинг, фаришта-

ларнинг ва эрингнинг нафратига учрайсан. Сен уй юмушларини бажар, эринг эса уйдан ташқаридаги ишларни қилсин. Эй Фоти-ма, бу ўғитларни менга Жаброил сўзлади».

Эрнинг бурчлари. Эр ва хотин аҳил, тотув, бахтли ва фароғатли ҳаёт кечириш учун бир-бирларидаги ҳақларини яхши билиб олишлари ва бунга катъий амал қилишлари за-рур бўлади.

Хотиннинг эрдаги ҳақлари қуйидагилар:

– Хотиннинг эр зиммасидаги ҳаққи эринг ўзига ҳам, моли-га ҳам тегишлидир. Хотиннинг эри зиммасидаги маҳр, нафақа сингари молиявий ва шахсий ҳақларини эр хурсандлик билан адо этиши лозим.

– Эр хотинига хушфезлли бўлиши, у билан яхши муомала қилиши, бирга фаровон ҳаёт кечириши, унга озор етказмаслиги керак. Чунки ҳадисда: «Сизларнинг энг яхшиларингиз хотинла-рига яхши муомала қилганингиздир», дейилган.

– Эр хотинининг озорларини кўтариши, у ғазабланганида ва жаҳли чиққанида, мулоҳимлик кўрсатиши, унинг хатоларини кечириши керак.

– Эр хотини билан ўз қадрини туширмайдиган даражада ҳа-зил-хузул қилиши, чақчақлашиши, ўйнамоғи керак. Бу ишлар аёл қалбига сурур бағишлайди, уни масъуд қилади.

– Эр аёлини қизғаниши (рашк қилиши), унинг ор-номуси-ни сақлаши даркор. Оқибати бузук бўладиган ҳар қандай ҳолга бепарво бўлмаслиги керак. Аммо ёмон ўй, ўта талабчанлик ва ични билишда ҳаддан ошиш дуруст эмас.

– Эр хотинига алоҳида маскан (уй) қилиб бериши, унда эр-нинг яқинларидан ҳеч ким бўлмаслиги лозим.

– Эр хотинга бериши лозим бўлган маҳрни, у қанча бўлиши-дан катъи назар, тўла бериши керак. Маҳр фақатгина хотиннинг ҳаққидир.

– Эр хотинининг озиқ-овқат, кийим-кечак каби эҳтиёжлари-ни исрофга йўл қўймаган ҳолда етарли таъминлаши зарур. У бунга сарфлаган харажатлари учун ажр-савобга эришади.

– Эр хотинига диний масалаларни, шаръий ҳукмларни ўрга-тиши, ибодатга тарғиб қилиб туриши керак.

– Агар хотини исён ёки ахлоқсизлик қилса, эр уни тўғри йўлга солиш учун одоб ўргатиши лозим. Бу иш босқичма-босқич олиб борилади: аввал панд-насихат қилинади, огоҳлантирилади, тарғиб қилинади, кўрқитилади. Булар фойда бермаса, тўшакда унга орқа қилиб ётилади, сўнг бир кечадан уч кечагача бир хонада жойини алоҳида қилиб ётади. Аммо ўзини хонада ёлғиз қолдирилмайди. Агар бу ҳам фойда бермаса, хотинини ранжитадиган даражада, аммо танасига зарар етказмай, бирор жойини қонатмай урилади. Бироқ унинг юзига, бошига, қорнига, белига, баданининг зарарланадиган қисмига уриш мумкин эмас.

– Эр хотинининг иффатини сақлаши, уни ҳаромдан ҳимоя қилиши керак. Айниқса қўшилиш чоғида хотинининг хоҳишини инобатга олиши лозим.

– Эр хотинини на сўз билан, на феъли билан сўкиб, айблаб, ҳақоратлаб, ёмонлаб, пастга урмаслиги, унинг жисмию хулқини, оиласию яқинларини камситмаслиги зарур. Зеро, бу мусулмон одобига мутлақо тўғри келмайди.

– Эр хотинини яхши кўрса, уни ҳурматлаши, қадрлаши лозим, ёмон кўрса, зулм қилмаслиги керак. Истаса, чидаб яшасин, ёки яхшиликча ажрашсин. Аёлни фақат мардлар қадрлайди, пастлар хорлайди.

Булардан ташқари, эр одобига кирувчи жуда кўп вазифалар ҳам борки, қуйида буларни ҳам келтириб ўтамиз:

– Эр аҳли-аёлининг ҳузурига кўчадан салом бериб киради ва уларнинг аҳволини ва кайфиятини сўрайди.

– Аёли ёлғиз, кайфияти яхши бўлса, унинг сочларини силаб, суйиб, турли илтифотлар кўрсатади.

– Хотинини қайғули, хафа ҳолда кўрса, унга раҳм-шафқат кўрсатади, хол сўрайди, яхши сўзлар билан тасалли беради.

– Эр турли ширин сўзлар, дил изҳорлари, тасалли ва ваъдалар билан хотинининг кўнглини кўтариб, дилини хуш қилади. Чунки аёл эрининг хонадонида бошқалардан умидсиз, яхши сўзга муҳтож бўлади. Яна «Аёл киши қулоғидан семиради» деган гап ҳам бор.

– Аёлига бола тарбиясида яқиндан ёрдам беради, бу соҳада унинг ишларини енгиллаштиради. Болаларга иймон-эътиқодни тушунтириш, касб-хунар ўргатиш, жисмонан чиниқтириш кўпроқ оталар зиммасида бўлади.

– Хотинини асло урмайди, дунёвий ишлардаги айрим қусур ва камчиликлари учун сўкиб-тергамайди. Дин ишларида йўл қўйган қусури учун бир кундан ортиқ гина-араз қилмайди, аёли жуда ҳаддан ошганида, исломий танбех чорасини қўллайди.

– Эр аёлининг ёмон қилиқларига сабр қилади, уни тарбиялаш чораларини ахтаради. Аёли ғазабга кирганида, сукут қилади. Аёл киши заифа бўлгани учун, ана шу сукутга таслим бўлади, ғазабига пушаймон чекиб, эридан узр сўрайди.

– Хотини яхши хулқли, ораста бўлиб, хизматларини комил адо этса, унинг ҳаққига дуолар қилади, Яратганга ҳамдлар айтади.

– Тирикчилик ва рўзгор ташвишлари хусусидагина эр аёли билан маслаҳатлашади, бундан бошқа катта иш, масъулиятларни аёлига юкламайди. У аёлига ўзининг қайғу-мусибатлар ва ташвишларини, ишидаги кўнгилсизликларни, душманлари ва зиммасидаги бурчларини айтиб, унинг оромини бузмайди.

– Хотинининг гуноҳ бўлмаган майда-чуйда қусур ва ҳийла-ларига кўз юмиб, уларни билмаганликка олади, унинг бутун сир ва айбларини бошқалардан пинҳон тутиб, яширади.

– Аёлининг номаҳрам, бегона эркаклар билан бирга ўтиришидан, улар билан ёлғиз қолишидан, апоқ-чапоқ бўлиб кетишидан рашқ қилади.

– Эр хотинига Аллоҳ буюрган амалларни, дин одобларини ўргатади.

– Эр аёлининг изнисиз сафарга кетмайди, уни узоқ вақт ҳижронга солмайди, аёли билан бахтли ҳаёт кечиришаётган бўлса, устига уйланмайди.

– Аёлининг кечаю кундуз эр хизматини қилгани, рўзғорининг барча юмушларини бажаргани, фарзандини боқиб-тарбиялагани, оиланинг посбони, хазинабони, мунис ёри бўлгани учун унинг олдидан ҳам, ордидан ҳам фақат яхши дуолар қилади, қарғамайди, миннатдорчилик билдириб туради.

Хотиннинг бурчлари. Ўз уйига боғланган, эрига ҳамиша итоатда бўлган, ўзига қараган, уйини тартибли ва ораста сақлаган, болаларига чиройли тарбия берган, оиласини бахтиёр қила олган аёл хотинларнинг энг яхшисидир. Хотин айниқса эрининг ўзидаги ҳақларини яхши билиб, уларни беками-кўст адо этсагини рафиқалик бурчини бажарган бўлади.

Эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақлари қуйидагилар:

– Хотин эрининг ҳаққини ўзи ва барча яқинларининг ҳаққидан ҳам олдинга қўйиши керак, чунки зиммасидаги эрининг ҳаққини адо қилмаслик унга қарши исён ва бўйсунмаслик саналади.

– Ҳайз ва нифос кунларидан бошқа пайтларда эри ундан ором ва лаззат олишни истаган пайтда ҳеч қандай баҳонасиз тайёр бўлиши лозим. Бу борада эрига тўскинлик қилиши, эрининг у билан қўшилиш истагини ҳар қандай вақтда қайтариши мумкин эмас. Агар эрининг рағбатига жавоб бермаса, гуноҳкор бўлади, фаришталарнинг лаънатига учрайди. Бу эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақларидан, икковлари бахтли бўлишларининг асосий омилларидан саналади.

– Хотин эридан рухсат олмай нафл рўзаси тутиши мумкин эмас, чунки рўза баҳра олишга тўсиқдир.

– Хотин эрининг рухсатсиз унинг бирор нарчасини ўзининг яқинларига бера олмайди. Агар берса, хотинга гуноҳ, эрга эса савоб бўлади. Фақат таомидан маъруф билан садақа қилса бўлади.

– Хотин эрининг ижозатсиз уйдан чиқиши, уйдан бошқа жойда ишлаши яхши эмас. Эри рухсат берса, ишлаши мумкин. Агар эри хоҳламаса, бошқа аёлларга ҳам аралашмаслиги лозим.

– Хотин Аллоҳ берган ризқ-насибага рози бўлиши, ҳадеб инжиқлик қилиб, эрига норозилигини бидиравермаслиги даркор. Маишат кийинчилиги, ночор аҳволга тушгани учун газабланмаслиги, дод-вой қилмаслиги зарур. Балки қаноат ва хушнудлик кўрсатиб, эрининг ризқ топишдаги машаққатларини қадрлаши, ҳаром касбга ўтишидан кўркиб, ундан ҳожатдан ортигини талаб қилмаслиги керак. Эрини ҳам сабр-қаноатга ундаб, ҳаром пул топишдан огоҳлантириши лозим. Илгари момоларимиз эрларини ишга кузатаётиб: «Ҳаром касбдан сақланинг, биз очлик ва кийинчиликка чидаймиз, аммо оташга чидай олмаймиз», дейишар экан.

– Хотин баданининг яширилиши лозим бўлган жойларини беркитиши, рухсор ҳамда зийнатларини эри ва махрамларидан бошқаларга кўрсатмаслиги керак. Аёлнинг яланғочланиши, кийимларини эридан бошқага ечиши, калта, тор ва шаффоф кийимлар кийиши ҳаромдир.

– Хотин эрининг дўстига ҳам ўзини нотанишдек тутиши лозим. Эри йўқлигида унинг дўсти эшик қоқса, ўзи ва эрига рашк

қилиб, у билан сўзлашмаслиги керак. Зеро, киши дўстининг хотини билан танишар экан, бу нарса рашк ва фитнага сабаб бўлади.

– Хотин ҳусни билан эрига фахрланмаслиги, эри хунук бўлса, ёмон кўрмаслиги, агар ўзи бой бўлса, бу билан ғурурланмаслиги, эрини бошқа эрларга солиштирмаслиги лозим.

– Хотин фарзандларига раҳм қилиши, уларни урушиб-лаънатлашдан, эрига юзсизлик билан мурожаат қилишдан тилини тийиши, унинг яхшиликлари ва хизматларини инкор этмаслиги лозим. Булар жуда кам аёллар риоя қиладиган чиройли хислатлардир. Зеро, кўплаб аёллар болаларини лаънатлаш, эридан озгина ёмонлик ёки камчилик содир бўлганида, унинг ҳамма яхшиликларини инкор қилиб юборишлари билан машҳур бўлишган.

Қуйида эса хотинларнинг одобига кирувчи муҳим вазифаларни эслатиб ўтамиз:

– Эр уйга кириб келганида, хотин уни ўрнидан туриб, очик юз ва табассум билан, «Марҳабо, хуш келдингиз, бегим» (афандим, хўжайин, дадаси) каби сўзлар билан қарши олади.

– Эрининг устки кийимини ечиб олади, қўлидаги нарсаси ёки юкини олади, чанқаган бўлса, яхна чой ёки сув тутади.

– Хотин эрининг ҳар бир амрига итоатда туради, унинг гуноҳ бўлмаган ишларини ва топшириқларини сўзсиз бажаради.

– Эр ётоғига таклиф этса, турли баҳоналарни рўқач қилиб бўйин товламайди, раддини ўч олиш қуролига айлантирмайди, нафсини эрининг истакларига таслим этади.

– Эрининг ижозатсиз бирор жойга, ҳатто ота-онасини кўргани ҳам бормайди.

– Хотин эрининг кийимларини ювиб-тозалайди, йиртиғини тикади, буюм ва ашёларини авайлаб, асрайди.

– Эрининг ош-нонини пиширади, дастурхонини тузайди, меҳмонини кутади.

– Эрининг чироғи ва ўчоғини ёқади, тўшагини ёяди. Эрининг ғусл ва таҳоратига сув тайёрлаб беради, агар у истаса, ғусл ва таҳорат қилишига ёрдамлашади.

– Хотин эрига ўзининг бойлиги, насаби ёки гўзаллиги билан мақтанмайди. Эрини бошқаларга солиштириб, бойлик, мансаб, рўзғор тутиш кабиларда уларга ўхшашни талаб қилмайди.

– Кийим-кечак, озиқ-овқат масалаларида эрига бирон ғам-ташвиш келтирмайди, эхтиёжидан ортиқ нарсаларни буюриб, уни кийин аҳволга солмайди.

– Овозини эриникидан баландлатиб, беҳаёлик ва бадахлоқлик кўрсатмайди, сўзидан ёки хулқидан унга азият етказиб, жонидан тўйдирмайди.

– Эри борлигида ҳам, йўқлигида ҳам уни дуо килади, Аллоҳдан тақво ва инсоф, икковларига тотувлик ва саодат тилайди.

– Фақат эри учун безаниб, кийинади, иффат ва номусини ўзгалардан асрайди, номаҳрам кишиларга рўпара бўлмаслик чораларини кўради, эри ва хонадони шаъни ва обрўсини пок тутади.

– Эрининг уй-жойи, мол-мулкни авайлаб-асрайди, унинг рухсатсиз бирор нарсасини бошқаларга бермайди.

– Эрининг ночор, фақир ёки муҳтож бўлиб қолган кунларида бунини юзига солмай, камситмай, тасалли-далда беради, булар бир имтиҳон эканини, тезда ўтиб кетишини айтиб, кўнглини кўтаради.

ОВҚАТЛАНИШ ОДОБЛАРИ

Исломда инсоннинг фақат руҳига эмас, балки жисмига ҳам ўзига яраша алоҳида аҳамият берилган. Инсон жисмига берилган бу аҳамиятни Ислом унга ўз ҳаётини сақлаш ва ўзидан ҳалокатни даф қилиш учун зарур бўлган таом ва шаробни истеъмол қилишни вожибга айлантирганида кўрамыз. Зарур бўлган миқдордаги таом ва шаробни исроф даражасига етказмай тановул қилиш мубоҳ саналади. Исрофгарчилик билан истеъмол қилинган таом ва шароб жисм учун зарарли ва хатарли бўлгани учун таомнинг керагидан ортиқчаси ҳаромдир.

Барча нарсалардаги каби еб-ичишда ҳам Ислом мўътадилликни тавсия этади. Албатта, гап фақат Аллоҳ таоло ҳалол қилган таом ва шароблар ҳақида бормоқда.

Инсон тановул қиладиган таомлар ўз аслига қараб иккига: наботот ва ҳайвонот таомларига бўлинади.

Набототдан бўлган таомлар нажас, зарарли ва маст қилувчи бўлмаса, барчаси ҳалолдир. Набототлардан турли мева ва дон маҳсулотларига ўхшаш зарар етказмайдиган нарсалар ҳалол қилинган.

Нажас таом ёки нажас аралашган таом ҳаром бўлади. «Нажас» деганда ифлос нарса тушунилади. Мисол учун, чўчка гўшти ва ёғи, ўлимтик каби нарсалар нажасдир. Сичқон тушиб қолган суюк ёғ ҳам нажас аралашгани учун, ҳаромга айланади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ҳолатда ёғни тўкиб ташлашга амр қилганлар. Агар сичқон тушиши билан ёғ ҳаром бўлмаса, уни тўкиб ташлашга амр қилмас эдилар.

Маст қилувчи нарсаларнинг ҳаромлиги ҳаммага маълум, буни такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шунингдек, заҳар, мишиқ, маний, тупрок, тош каби еса инсонга зарар етказадиган нарсалар ҳам шариятимизда ҳаром қилинган.

Ҳайвонлар уч қисмга тақсимланади: сув ҳайвонлари, қуруқлик ҳайвонлари ва сув ҳамда қуруқликда яшовчи ҳайвонлар. Сув ҳайвонларининг барчаси жумҳур уламо наздида ҳалолдир. Ҳанафийлар эса сув ҳайвонларидан фақат балиқ ҳалол, дейишган.

Қуруқлик ҳайвонларига келганда улардан ўзи ўлиб қолгани, оққан қон, чўчка гўшти ва Аллоҳнинг номи айтиб сўйилмаганини еб бўлмайди, буларнинг барчаси ҳаромдир.

Бўғилиб ўлган, сузилиб ўлган, уриб ўлдирилган, юкоридан йиқилиб ўлган, йиртқич ҳайвон ёриб кетган ҳайвонларни жони бор вақтида сўйиб олса, ҳалол бўлади, агар сўйишга улгурилмаса, ҳаромдир.

Қуш ва ҳайвонлардан бўри, шер, йўлбарс, бургут, лочин, қирғий каби йиртқичлар ҳаромдир. Уй ҳайвонларидан ит, эшак ва ҳачирлар ҳам ҳаром саналади.

Ер юзида юрадиган чаён, илон, сичкон, чумоли, суварак, ўргимчак, ари каби ҳашаротларни ейиш ҳаромдир.

Ҳалол ва ҳаром ҳайвоннинг қўшилишидан туғилган ҳайвонлар ҳам ҳаром ҳисобланади. Мисол учун, от ва эшакнинг қўшилишидан туғилган ҳачир ҳаромдир. Шофеъий, ханбалий ва ханафийлардан икки имомнинг наздида от ҳалолдир.

Ҳанафийлар наздида зобб, чиябўри, тулки каби ҳайвонлар ҳам ҳаромдир.

Жумҳур уламо чорва ҳайвонларидан туя, сигир, қўй, эчкилар ҳалоллигини айтишган. Шунингдек, кўтос, жирафа, зебралар ҳам ҳалолдир.

Йиртқич бўлмаган кабутар, мусича, чумчук, бедана, ўрдак, ғоз, товук, туяқуш, булбул каби қушлар ҳалол саналади, шунингдек, йиртқич бўлмаган кийик, тоғ эчкиси, буғу, куён каби ёввойи ҳайвонлар ҳам ҳалол.

Меваларга, донларга, таомга ва сиркага тушган қуртлар ҳам ҳалолдир. Қурт тушган егуликларни емасдан ташлаб юборилмайди.

Ҳам курукликда, ҳам сувда яшайдиган тимсоҳ ва бақага ўхшаш ҳайвонлар ҳаром. Бир сўз билан Қуръон ва Суннатда ҳаромлиги баён қилинган ҳайвонларнинг барчаси ҳаром, ҳалоллиги баён қилинганларининг барчаси ҳалол ҳисобланади.

Қуръон ва Суннатда ҳалол ёки ҳаромлиги ҳақида бирор нарса дейилмаган ҳайвонлар ҳақида ўтмишдаги уламолар: «Ақли расо кишилар пок деб юрганлари ҳалол, нопок деб юрганлари ҳаром», дейишган.

Аммо замондош уламолар: «Қуръон ва Суннатда ҳалол ёки ҳаромлиги ҳақида бирор нарса дейилмаган ҳайвонлар ҳалол-ҳаромлиги баён қилинган ҳайвонларга солиштириб кўрилади, агар ҳалол ҳайвонларда бор сифатлари бўлса, ҳалол, ҳаром ҳайвонларда бўладиган сифатлари бўлса, ҳаром», дейишган.

Энг муҳими, мусулмонлар ўзларининг ҳар бир лукма таомлари, ҳар бир томчи шароблари ҳалол меҳнат ила топилиши фарз эканини тушуниб етишлари зарур. Яъни озиқ-овқатнинг жисми ҳалол бўлиши билан бирга, улар ишлаб топилган касб ҳам ҳалол бўлиши шарт. Қароқчилик, ўғрилик, порахўрлик, зўравонлик, алдамчилик каби шариат ҳаром қилган йўллар билан топилган пулга сотиб олинган озиқ-овқатларнинг барчаси айни ҳаромдир.

Бундан келиб чиқадики, ҳаром икки хил – моддий ва маънавий бўлади. Мусулмон инсон ҳар икки ҳаромдан, ҳам моддий ҳаромдан, ҳам маънавий ҳаромдан ўзини сақлаши фарздир.

«Ҳаром» сўзи луғатда ман қилишни англатади. Шариатда эса, ҳеч қандай шубҳасиз, очиқ-ойдин равишда ман қилинган нарса ҳаромдир. Буни билиб олиш учун алоҳида тайёргарлик кўришнинг кераги йўқ. Ароқ ҳамда бошқа маст қилувчи ва нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчка гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти кабилар ҳаромдир.

Шу билан бирга, ўзи ҳалол бўлган нарсаларга шариатда ман қилинган йўл билан эга бўлса, улар ҳам ҳаромга айланиб қолади. Мисол учун, зулм, ўғрилик, рибохўрлик, алдамчилик, порахўрлик йўли билан топилган ҳар бир нарса, ўзи қанчалик пок бўлса ҳам, топувчига ҳаромдир. Шунинг учун ҳам уламоларимиз мутлақ ҳаромни ўзида ҳаромлик сифати бор ёки ман қилинган йўл билан топилган нарсадир, деб таъриф қилишади.

Илмий равишда собит бўлишига қараганда, Ислом шариатида ҳаром қилинган нарсаларни таом сифатида тановул қилган одам хасталикка чалинади. Чунки Ислом зарарли нарсаларни ҳаром қилган. Ҳаром нарса истеъмол қилингандан сўнг танада қонга айланади. Юрак эса қон ҳайдайдиган аъзодир. Зарарли нарсалардан пайдо бўлган зарарли қон юракнинг хасталанишига сабаб бўлиши эса илмий ҳақиқатдир. Юрак хаста бўлганидан кейин эса, ҳадиси шарифда айтилганидек, жисмнинг ҳаммаси бузилади, хасталанади.

Худди шу ҳолатни ботиний қалбга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ўғрилик, порахўрлик, рибохўрлик, алдамчилик, босқинчилик каби ҳаром йўллар билан ўзига мол-мулк топган одамлар гуноҳкор бўлишади. Мазкур гуноҳларнинг зарари эса уларнинг ботиний қалбларини хаста қилади. Ҳаромхўрлик давом этаверса, маънавий хасталик бора-бора маънавий ҳалокатга айланади.

Шунинг учун ҳам қалб жисмга нисбатан подшоҳ кабидир, дейилади. Подшоҳдан яхши фармон чиқса, фуқароларга яхши бўлганидек, юракдан яхши ниятлар чиқса, жисмнинг бошқа аъзоларига яхши бўлади.

Ҳар доим бўлганидек, ҳозирда ҳам ушбу буюк ҳақиқатни яхшилаб тушунишга, унга яхши амал қилишга жуда муҳтожмиз. Ҳалол нима эканини билиб олиб, доимо ҳалолга етишиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Ҳаром нима эканини яхшилаб билиб олиб, доимо ундан ҳазар қилишимиз лозим.

Исломий таълимотларда айтилишича, мўмин-мусулмон инсон яшаш учун ейди, ейиш учун яшамайди. Ким овқатланиш масаласида мўътадил бўлса, одоб-ахлоқли бўлса, таомни яшаш эҳтиёжларидан бири деб билса, мусулмонларнинг бу борадаги сифатини ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Уламолар таом борасидаги барча далил ва ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқиб, уларни солиштириб, усули фикр ва бошқа қондаларни ишлаб чиқишган ва жумладан, қуйидаги хулосаларни тақдим қилишган:

ТАОМЛАНИШ ҲАҚИДАГИ ҲУКМЛАР

Таом емоқ гоҳида фарз бўлади.

Бу ишни фарз бўлганида қилгани учун инсон савоб олади ва уни қилмагани учун гуноҳкор бўлади. Ҳалокатни даф қилиш учун таом ейишнинг ҳукми шудир. Чунки Исломда инсон ўз жонини ҳалокатга ташламайди, балки уни сақлаш учун ҳаракат қилиши фарздир.

Таом емоқ гоҳида вожиб бўлади.

Фарз намозни тик туриб ўқишга қодир бўлгудек ва фарз рўзани тутишга қодир бўлгудек миқдорда таом ейиш вожибдир. Шариат қондаси бўйича вожибни адо этиш учун керак бўлган нарса ҳам вожиб ҳисобланади.

Таом емоқ гоҳида мандуб бўлади.

Ризқ касб қилишга, илм олишга ва нафл ибодатларни адо этишга қодир бўлгудек миқдорда таом ейиш мандубдир.

Таом емоқ гоҳида мубоҳ бўлади.

Зарар етадиган бўлмагудек тўйиб таом тановул қилиш мубоҳдир.

Таом емоқ гоҳида ҳаром бўлади.

Ортикча тўйиб, ўзига зарар етказадиган даражагача таом емоқ ҳаромдир.

Таом емоқ гоҳида макруҳ бўлади.

Бунга тўйганидан ортикча таом ейиш киради.

Ўзи қилган қурбонлик гўштидан емоқ мустаҳабдир.

Ақиқанинг ҳукми ҳам қурбонликнинг ҳукмига ўхшаши.

Каффорат ва фидя учун сўйилган ҳайвоннинг гўштидан ўша каффорат ва фидя вожиб бўлган одам ейиши мумкин эмас.

Тўй ва зиёфат таомидан емоқ мустаҳабдир.

Нотаниш жойда таом емоқчи бўлган одам у ердаги таомнинг қандай бўлишини билмагани учун унинг ҳақида суриштирмай туриб емаслиги керак.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом доимо аввал суриштириб олиб, кейин таомга қўл узатар эдилар.

ТАОМ ЕЙИШ ОДОБЛАРИ

• *Таом тановул қилишдан олдин икки қўл ювилади.*

Ислонда таомдан олдин икки қўлни ювиш диний таълимотлар орасига кўшилган ва у «барака» деб аталган.

عَنْ سَلْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بِرَكَّةِ الطَّعَامِ الْوُضُوءُ قَبْلَهُ وَالْوُضُوءُ بَعْدَهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таомнинг баракаси ундан олдин (икки қўлни) ювишдир ва ундан кейин (икки қўлни) ювишдир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• *Олим ва катта ёшдаги кишилар таом тановул қилишини бошламагунларича, бошқаларнинг кутиб туришин юксак одоб намуналаридандир.*

Бу одобни бошқа одоблар қатори, болаларга ҳам ёшликларидан ўргатиб бориш керак. Баъзи халқларда ушбу одоб аллақачон унутилиб колган. Бизда унга амал қилиш ҳозир яхши даражада, дея оламиз. Фақат бу одобга амал қилишда бардавом бўлиш керак.

عَنْ حَدِيثِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ قَالَ: كُنَّا إِذَا حَضَرْنَا مَعَ النَّبِيِّ ﷺ طَعَامًا، لَمْ نَضَعْ أَيْدِينَا حَتَّى يَبْدَأَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَيَضَعُ يَدَهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Хузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан таомга ҳозир бўлсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлама-гунларича, қўлларимизни узатмас эдик».

Муслим ривоят қилган.

• **Таом тановул қилишни бошлашда «бисмиллаҳ» айтилади.**

Динимизда барча яхши амаллар тасмия («бисмиллаҳ») билан бошлангани каби таом истеъмол қилиш ҳам Аллоҳнинг номи ила бошланади.

• **Таом ўнг қўл билан ейлади.**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом барча ишларни ўнгдан бошлашни яхши кўрар, жумладан, таомни ҳам ўнг қўллари билан ер эдилар.

• **Ҳар ким ўз олдидан ейди.**

Таом лаган каби идишда келтирилса, ҳар ким ўз олдидан ейди, бировнинг олдидаги таомга қўл узатмайди. Чунки бировнинг олдидаги таомга қўл узатиш ғирт беодобликдир.

عَنْ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ ﷺ قَالَ: كُنْتُ عَلَامًا فِي حَجْرِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، وَكَانَتْ يَدِي تَطِيشُ فِي الصَّحْفَةِ، فَقَالَ لِي النَّبِيُّ ﷺ: «يَا عَلَامُ، سَمِعَ اللَّهُ، وَكُلَّ يَمِينِكَ، وَكُلَّ مِمَّا يَلِيكَ»، فَمَا زَالَتْ تِلْكَ طِعْمَتِي بَعْدُ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Умар ибн Абу Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарамоғидаги бола эдим. Қўлим товоқда бориб-келар эди. Шунда у зот менга: «Эй ғулом! «Бисмиллаҳ», дегин, ўнг қўлинг билан егин, ўз олдингдан егин!» дедилар. Шундан сўнг ейишим шундай бўлди».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоят қилган.

• **Қўл билан еганда, таом учта бармоқ билан олинади.**

Бундан кўп бармоғини ишга солиш очкўзликдир.

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم يَأْكُلُ بِثَلَاثِ أَصَابِعٍ، وَيَلْعَقُ يَدَهُ قَبْلَ أَنْ يَمْسَحَهَا. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا الْبُحَارِيَّ.

Каъб ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам таомни учта бармоқлари билан ер эдилар, қўлларини артишдан олдин уларни ялар эдилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

• *Таом суяниб, ёнбошлаган ҳолда ейилмайди.*

Аввало, бу иш беодоблик, маданиятсизликдир. Қолаверса, ёнбошлаб ётган одамнинг таом юрадиган аъзолари – ичаклари, қорни, ошқозони нокулай ҳолга келиб, фаолияти сустлашади. Бинобарин, у еган таомнинг ошқозонда қайта ишланиши, ҳазм бўлиши қийинлашади. Оқибатда инсон соғлиғига зарар етади.

عَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِنِّي لَا أَكُلُ مُتَكِنًا». رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

Абу Жухайфа розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Мен суянган ҳолимда емайман», дедилар».

Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Насайй ривоят қилган.

• *Қўлдан тушган ва дастурхонга тўкилган таом олиб ейлади. Қўлда ва идишларда қолган таом юқларининг исроф бўлишига ҳам йўл қўйилмайди.*

عَنْ جَابِرِ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِنَّ الشَّيْطَانَ يَحْضُرُ أَحَدَكُمْ عِنْدَ كُلِّ شَيْءٍ مِنْ شَأْنِهِ، حَتَّى يَحْضُرَهُ عِنْدَ طَعَامِهِ، فَإِذَا سَقَطَتْ مِنْ أَحَدِكُمْ اللَّقْمَةُ فَلْيَمِطْ مَا كَانَ يَمَانِي مِنْ أَدَى، ثُمَّ لِيَأْكُلْهَا، وَلَا يَدْعُهَا لِلشَّيْطَانِ، فَإِذَا فَرَغَ فَلْيَلْعَقْ أَصَابِعَهُ، فَإِنَّهُ لَا يَدْرِي فِي أَيِّ طَعَامِهِ تَكُونُ الْبَرَكَةُ». رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا الْبُحَارِيَّ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: «Шайтон ҳар бирингизнинг ҳар бир ишида ҳозир бўлади; таомига ҳам ҳозир бўлади. Бирортангиз бирор луқмани тўкса, ундаги нопокликни кетказиб, кейин есин, уни шайтонга қолдирмасин. Еб бўлгач, бармоқларини яласин, чунки у барака таомининг қаерида бўлишини билмайди», дедилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• *Таом еб бўлинганидан сўнг Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, дуо қилинади.*

Еб-ичгандан кейин шукр қилиб, ҳамд айтишда Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзи ризқ берувчи Зот эканини эътироф қилиш бор. Шу билан бирга, бу ишда Аллоҳ таолога шукрни доимий янгилаб туриш маъноси ҳам бор. Шукр қилган бандага эса Аллоҳнинг Ўзи неъматларини зиёда қилиб беришни ваъда қилган.

Диёримизда овқатланишдан кейин қилинадиган дуолардан «Алҳамдулиллаҳиллазий атъаманаа ва сақонаа ва жаъаланаа минал муслимийн» («Бизни едирган, ичирган ва мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин») деган дуо кенг тарқалган.

وَلَأَصْحَابِ السُّنَنِ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا فَرَعَ مِنْ طَعَامِهِ قَالَ: «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا، وَسَقَانَا، وَجَعَلَنَا مُسْلِمِينَ».

«Сунан» соҳибларининг ривоятида:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам таом еб бўлсалар, «Бизни едирган, ичирган ва мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дер эдилар», дейилган.

• *Таомдан кейин икки қўл ювилади.*

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай қилганлар. Таомдан қолган юкларини ювиб, кетказиш юксак одоб намуна-сидир.

• *Таомдан кейин аввал тиш тозалагич ила тиш тозала-ниб, чиққан овқат қолдиқлари туфлаб ташланади.*

Сўнгра оғиз чайилади. Агар тиш чўткаси ила ювилса, яна ҳам яхши бўлади.

وَقَالَ سُؤَيْدُ بْنُ النُّعْمَانِ رضي الله عنه: خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم إِلَى خَيْبَرَ، فَلَمَّا كُنَّا بِالصَّهْبَاءِ دَعَا بِطَعَامٍ، فَمَا أُبِي إِلَّا بِسَوِيْقٍ فَأَكَلْنَا، فَقَامَ إِلَى الصَّلَاةِ فَتَمَضَّضَ وَمَضَّمَضْنَا. رَوَاهُ البُخَارِيُّ.

«Сувайд ибн Нуъмон розияллоху анху деди: «Набий соллаллоху алайхи васаллам билан Хайбарга чиқдик. Сахбога етганимизда, у зот таом опкелтирдилар. Толқондан бошқа ҳеч нарса келтирилмади. (Ўшани) едик. Сўнг у зот намозга тураётиб, оғизларини яхшилаб чайдилар. Биз ҳам чайдик».

Бухорий ривоят қилган.

Овқатланишнинг исломий маданиятига кўра ҳар бир муслмондан таомдан кейин оғзини яхшилаб чайиши талаб қилинади. Бу ишни Набий соллаллоху алайхи васаллам қилганлари ҳақида ривоятлар кўп. Муслмонлар оғизнинг тоза-пок бўлишига доимо катта эътибор берганлар. Оғиз билан Қуръони Карим, ибодат дуолари ўқилади, Аллоҳ таолонинг зикри қилинади, шунинг учун у доимо пок бўлиши, турли нохуш ҳидлар чиқмаслиги керак.

• *Таомни ёмонлаш мутлақо мумкин эмас.*

Ҳар қандай ҳалол таом банда учун Аллоҳ таолонинг неъматини ҳисобланади. Ҳар қандай неъмат учун банда Аллоҳ таолога шукр қилиши лозим. Фақат онкўр инсонгина шукр ўрнига таомни айблашга ўтади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: مَا عَابَ النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم طَعَامًا قَطُّ، إِنْ اشْتَهَاهُ أَكَلَهُ، وَإِنْ كَرِهَهُ تَرَكَهُ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоху анху деди:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам ҳеч қачон бирор таомни айбламасдилар: иштаҳалари тортса ердилар, кўнгиллари тусамаса, емас эдилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилган.

• *Мусулмонлик одоби ҳар қандай таом тановул қилганда уни мақташни, айбламасликни ва таом тайёрлаган шахсга ташаккур изҳор қилишни тақозо қилади.*

Таом тайёрлаган шахс таом тановул қилган кишига яхшилик қилган шахсдир. Яхшилик қилган кишига эса ташаккур айтиш лозим. Зотан, умумий қоида шуки: «Одамларга ташаккур қилмаган Аллоҳ таолога ҳам шукр қилмайди».

• *Таомни дастурхонда тартиб билан тановул қилиш юксак одобдир.*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо шундай қилганлар. Саҳобаларни, сиз билан биз умматларини ҳам шундай қилишга ундаганлар.

• *Таомланишдан Аллоҳ таолонинг ибодатига, тақвосига тайёрланиш ният қилинади.*

Овқат ейиш лаззатланиш ва фахрланиш учун бўлмаслиги зарур. Шундагина инсон қилган нияти туфайли овқатланганига ҳам савоб олади.

• *Дастурхон устида камтарлик ила ўтирилади.*

Кибр ва манманлик барча жойларда ҳам мусулмон инсонга тўғри келмаганидек, дастурхон устида ҳам тўғри келмайди.

• *Таом тановул қилишда шошилмаслик керак.*

Таом аста, яхшилаб чайналади, бунда беўхшов овозлар чиқишига йўл қўйилмайди. Шошилиб овқатланиш беодоблик ва очқўзлик аломати бўлиши билан бирга, соғлиққа зарар ҳам келтиради.

• *Таомни керагидан ортиқча емаслик зарур.*

Чунки бу нарса энг аввало исрофдир, қолаверса, кўп таом еган киши ланж, лоқайд, ибодатларга бепарк бўлиб қолади, яна кўп таом ейиш оқибатида одам семириб, турли касалликларга чалиниши ҳам мумкин.

عَنْ مِقْدَامِ بْنِ مَعْدِيكَرِبَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا مَلَأَ آدَمِيَّ وَعَاءٌ شَرًّا مِنْ بَطْنِهِ، بِحَسْبِ ابْنِ آدَمَ أَكْلَاتِ يُعْمَنُ صَلْبُهُ، فَإِنْ كَانَ لَا مَحَالَةَ فَتَلْتُ إِطْعَامِهِ، وَتَلْتُ لِشْرَابِهِ، وَتَلْتُ لِنَفْسِهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Миқдом ибн Маъдийкариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Одам боласи тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони қориндир. Одам боласига қаддини тутадиган емаклар кифоядир. Агар жуда лозим бўлса, таоми учун учдан бир, шароби учун учдан бир ва нафаси учун учдан бир», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган.

• *Таомнинг бориға шукр ва қаноат қилиш, яхшисини ахтариб, ўзини овора қилмаслик мусулмоннинг юксак одобидандир.*

Мусулмон киши турмушини яхши таъмин қилиш учун имкониятидаги барча ҳалол воситаларни ишга солиб, ҳаракат қилаверади. Аммо ризқ бериш Аллоҳдан эканини ҳеч қачон унутмайди. Шунинг учун ўзига берилган ризқ-насиба Аллоҳнинг иродаси ила бўлган, деб билади. Оз бўлса, норози бўлмайди, кўп бўлса, ҳовлиқиб кетмайди. Чунки Аллоҳнинг иродасига қарши чиқиш мусулмон одам учун тўғри келмайди.

• *Таомни якка-якка емай, жамланиб емоқда барака борлигини унутмаслик зарур.*

«Устида кўп қўл бўлган овқат Аллоҳ хузурида овқатларнинг сеvimлисидир», деганлар Пайғамбар алайҳиссалом.

وَقَالَ جَمَاعَةٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا نَأْكُلُ وَلَا نَشْبَعُ، قَالَ: «فَلَعَلَّكُمْ تَفْتَرُونَ؟»، قَالُوا: نَعَمْ، قَالَ: «فَاجْتَمِعُوا عَلَى طَعَامِكُمْ، وَادْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ يُبَارِكْ لَكُمْ فِيهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

«Бир жамоа одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз овқат еймиз, лекин тўймаймиз», дейишди. «Эҳтимол, тарқоқ ўтириб ерсизлар?» дедилар у зот. «Ҳа», дейишди. «Таомни биргаликда енглар, Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар, шунда унга барака берилади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

• *Таом иссиқ бўлса, унинг совушини кутиб туриш ҳам таомланиш одобларидандир.*

Таом иссиқ ёки жуда совуқ ҳолда ейилмайди, унга пуфланмайди, хидлаб кўрилмайди, хўриллатиб ёки чапиллатиб истеъмол қилинмайди.

عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رضي الله عنه، أَنَّهَا كَانَتْ إِذَا أُتِيَتْ بِشَرِيدٍ، أَمَرَتْ بِهِ فَعُطِيَ حَتَّى يَذْهَبَ قُوْرَةُ دُخَانِهِ، وَتَقُولُ: إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «هُوَ أَعْظَمُ لِلْبَرَكَةِ». رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ.

Асмо бинти Абу Бакр розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«У кишига сарийд (таом) келтирилса, ҳовури босилгунча устини ёпиб қўйишга буюрар ва: «Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг «Шунда катта барака бор», деяётганларини эшитганман», дер эди».

Доримий ривоят қилган.

• **Таомни пуфламаслик юксак исломий одобдандир.**

Таом устида нафас олинмайди, агар у иссик бўлса, пуфлаб совутилмайди. Лукмани олиб бораётганда оғиз катта очилмайди. Таом ейиляётган қўл коса ёки товоққа, дастурхонга силкитилмайди.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنِ النَّفْخِ فِي الطَّعَامِ وَالشَّرَابِ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам таом ва шаробга пуфлашдан қайтардилар».

Аҳмад ривоят қилган.

• **Таомни четидан еб бориш одобдандир, ўртасидан ва устидан ейиш беодобликдир.**

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا أَكَلَ أَحَدُكُمْ طَعَامًا فَلَا يَأْكُلُ مِنْ أَعْلَى الصَّخْفَةِ، وَلَكِنْ يَأْكُلُ مِنْ أَسْفَلِهَا، فَإِنَّ الْبَرَكَةَ تَنْزِلُ مِنْ أَعْلَاهَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَلَفْظُهُ: «الْبَرَكَةُ تَنْزِلُ وَسَطَ الطَّعَامِ فَكُلُوا مِنْ خَافَتِيهِ وَلَا تَأْكُلُوا مِنْ وَسْطِهِ».

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Қай бирингиз таом еса, товоқнинг устидан емасин, балки паст томонидан есин, чунки барака унинг устидан нозил бўлади», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган. Термизийнинг лафзида «Барака таомнинг ўртасидан нозил бўлади, унинг атрофидан енглар, ўртасидан еманглар», дейилган.

• *Таомни ўтириб ейиш одобдандир, тик туриб ёки юрган ҳолда ейиш беодобликдир.*

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنِ الشُّرْبِ قَائِمًا، فَقِيلَ: الْأَكْلُ؟ قَالَ: «ذَلِكَ أَشَدُّ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَمُسْلِمٌ وَلَفْظُهُ: «ذَلِكَ أَشْرُّ أَوْ أَحَبُّ».

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам тик туриб ичишдан қайтардилар. Шунда: «Ейиш-чи?» дейилди. «У яна ҳам оғирроқ», дедилар».

Термизий ва Муслим ривоят қилган.

Муслимнинг лафзида: «У яна ҳам ёмонроқ ёки чиркинроқ», дейилган.

• *Яқинда турган кишиларни, ходимларни ҳам бирга овқатланишига чорлаш юксак одоб намунасидир.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا كَفَى أَحَدُكُمْ خَادِمُهُ طَعَامَهُ حَرَهُ وَدُخَانَهُ فَلْيَأْخُذْ بِيَدِهِ فَلْيُقْعِدْهُ مَعَهُ، فَإِنْ أَبَى فَلْيَأْخُذْ لُقْمَةً فَلْيُطْعِمْهَا إِيَّاهُ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Бирортангизнинг ходими унинг таомига, (таомининг) иссиғи ва тутунига кифоя қилса, қўлидан ушлаб, ўзи билан бирга ўтиргизсин. Агар кўнмаса, бир лукма олиб, унга едириб қўйсин», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• *Дастурхон устида гаплашиб ўтириши мустаҳабдир.*

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ва саҳобан киромлар шундай қилганлар.

• **Таомланиш охирига етганда, ҳамма бирга дуо қилиб, ўр-
нидан туриши юксак одобдир.**

Шунда ҳамма охиригача таомланиб, ҳеч ким хижолат бўл-
май, барча баравар турган бўлади.

وَأَكَلَ النَّبِيُّ ﷺ عِنْدَ سَعْدِ بْنِ عُبَادَةَ بِخُبْزٍ وَزَيْتٍ، فَلَمَّا فَرَغَ قَالَ: «أَفْطَرَ عِنْدَكُمْ
الصَّائِمُونَ، وَأَكَلَ طَعَامَكُمْ الْأَبْرَارُ، وَصَلَّتْ عَلَيْكُمْ الْمَلَائِكَةُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Убоданики-
да нон ва ёғ едилар. Фориғ бўлган чоғларида: «Хузурингизда
рўзадорлар ифтор қилсин. Таомингизни аброрлар есин. Фа-
ришталар сизга истиғфор айтсин», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Ичимлик ичишнинг ҳукмлари

Уламолар ичимликлар ичиш одоби ва унга боғлиқ барча да-
лил ва ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чикқанларидан кейин
бу борада куйидаги мулоҳазаларни айтишган:

– харомлигига далил қоим бўлмаган барча ичимликларни
ичиш жоиздир;

– инсоннинг ўзи ёки баъзи аъзоси ҳалок бўлишининг олдини
олишга ва вожиб амалларни адо этишга зарур бўлган ичимлик-
ни ичиш вожибдир;

– ҳожатини ва чанқоғини қондирадиган даражада ичиш ман-
дубдир;

– ҳожатидан зиёда ичиш гоҳида макрух, гоҳида харом бўлади.

Ичимлик ичиш одоблари

Таомланишнинг бир қисми бўлмиш ичимлик ичиш ҳам инсон-
нинг доимо ҳожати тушиб турадиган ишлардан биридир. Ичимлик
ичишда одам боласининг маданияти, одоби намоён бўлади. Ис-
ломда бошқа нарсалар қатори, ичимлик ичиш бўйича ҳам юксак
одоб намуналари жорий қилинган. Мазкур одобларга ният орқа-
ли амал қилган мусулмонлар ичимлик ила нафсларини қондириш
билан бирга ажр ва савоблар ҳам оладилар. Қуйида сиз, азийларга
ичимлик ичиш одобларидан баъзилари тақдим қилинади:

• **Ичимлик ичишдан олдин «бисмиллаҳ» айтилади.**

Бу муборак лафзни айтиш барча ишларда муҳим бўлгани каби, мусулмон инсон учун ичимлик ичишдан олдин ҳам жуда зарурдир.

• **Ўнг қўл билан ичилади.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам барча яхшилик, эҳтиром, хайр маъносидаги бир нарсани олиш ёки бериш, ичиш, ейиш, кийиш, ювиш каби ишларни ўнг қўл билан қилар ва ўнгидан бошлар эдилар.

Умуман, Исломда яхшилик маъноси ўнг томонга боғлаб қўйилган. Аҳли жаннатлар «ўнг томон соҳиблари» дейилади. Бу дунёда яхши амаллар билан ўтган кишиларнинг номаи аъмоллари Қиёмат куни ўнг томонидан берилади. Ҳатто намоздаги сафда имомнинг ўнг томонида туриш афзал ҳисобланади. Қолаверса, ҳадисда зикр қилинганидек, ҳар бир шарафли, яхшилик, поклик ва зийнат ишларини ўнг қўл билан қилиб, ўнгдан бошлашга тарғиб этилади.

Аксинча, чап тараф нохуш, нопок ишларга хос қилинган. Аҳли дўзахлар «чап томон соҳиблари» дейилади. Бу дунёда ёмон ишлар билан ўтган кишиларнинг номаи аъмоллари охирада чап қўлларида (томонларидан) берилади.

Нопокликдан тозаланиш, масалан, истинжо, аъзолардаги нопокликни кетказиш, бурун қоқиш каби ишлар чап қўл билан қилинади.

Бу кўрсатмаларга риоя қилиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига риоя қилишдир, Ислом маданиятининг рамзларидандир. Кўпчилигимиз бу нарсаларнинг фаркига бормаймиз. Ҳамма нарсани аралаш-куралаш қилаверамиз. Бу билан аввало Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига, исломий одобларга хилоф иш қилган бўламиз. Қолаверса, Ислом маданиятидан хабардор кишилар ҳузурда ким эканимизни ошкор қилиб қўямиз.

Бу одобларга мунтазам амал қилиш лозим. Агар айтиш жоиз бўлса, бу нарсалар мусулмон маданиятининг белгилари, мусулмонларни бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятлардандир.

• **Уч марта бўлиб-бўлиб, нафас олиб ичилади.**

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَنَفَّسُ فِي الشَّرَابِ ثَلَاثًا وَيَقُولُ: «إِنَّهُ أَرْوَى وَأَبْرَأُ وَأَمْرًا»، قَالَ أَنَسٌ: فَأَنَا أَتَنَفَّسُ فِي الشَّرَابِ ثَلَاثًا.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ичимлик ичганда уч марта нафас олар эдилар ва: «Мана шу кондирувчироқ, безарарроқ ва сингувчироқ», дер эдилар».

Анас: «Мен ҳам ичимлик ичганда уч марта нафас оламан», деди».

• *Идишининг ичига нафасини урмайди.*

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا شَرِبَ أَحَدُكُمْ فَلَا يَتَنَفَّسُ فِي الْإِنَاءِ».

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Бирортангиз сув ичса, идиш ичига нафас олмасин», дедилар».

Ичимлик ичаётган одам нафас олмоқчи бўлса, ичишдан тўхтаб, идишни оғзидан узоқлаштириб туриб, кейин нафас олади. Сўнгра яна ичишни давом эттиради.

• *Ичимлик ўтирган ҳолда ичилади.*

Чунки Расуллуллох соллаллоху алайҳи васаллам тик туриб ичимлик ичишдан қайтарганлар. Фақат замзам сувини қиблага юзланган ҳолда тик туриб ичса бўлади.

• *Ичимлик симириб ичилади.*

Бир нафас билан сипқориш, хўриллатиб, турли овозлар чиқариб ичиш беодобликдир.

• *Ичимлик ўта тўйиб кетадиган даражада кўп ичилмайди, идишининг оғзидан ичилмайди.*

Чунки бу нарса одобга мутлақо тўғри келмайди.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ احْتِنَاثِ الْأَسْقِيَةِ. رَوَى هَذِهِ الثَّلَاثَةَ الْأَرْبَعَةَ.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мешнинг оғзидан ичишдан қайтардилар».

Ушбу уч ҳадисни Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Ичимлик ичмоқчи бўлган одам ичимлик сақланадиган идишдан қадаҳга (пиёлага) куйиб олиб, сўнг ичиши лозим. Ҳар кимнинг умумий идишга оғзини қўйиб ичавериши табиатга ҳам, одобга ҳам, тиббий кўрсатмаларга ҳам тўғри келмайди.

• **Идишнинг учган жойидан ҳам ичилмайди.**

Чунки у жойга кир тўпланган бўлади.

• **Ичимликни ичиб бўлгандан кейин Аллоҳга ҳамд айтилади.**

Шунда инсонларга мазали, покиза, шўр бўлмаган, зилол ва чанқовни босадиган сувни ато этиб қўйган Аллоҳга шукр айтган бўлади.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا تَشْرَبُوا وَاحِدًا كَشْرَبِ الْبَعِيرِ، وَلَكِنْ اشْرَبُوا مَثْنَى وَثَلَاثَ، وَسَمُّوْا إِذَا أَنْتُمْ شَرِبْتُمْ، وَاحْمَدُوا إِذَا أَنْتُمْ رَفَعْتُمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Туянинг ичишига ўхшаб, бир мартада ичманглар. Икки марта, уч мартада ичинглар. Сув ичишдан олдин тасмия айтинг, ичиб бўлсангиз, ҳамд айтинг», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

• **Ичимликни ичиб бўлган одам бошқа кишига бермоқчи бўлса, ўнг тарафидаги одамга узатади.**

عَنْ أَنَسٍ رضي الله عنه: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ أُتِيَ بِلَبَنٍ قَدْ شِيبَ بِمَاءٍ، وَعَنْ يَمِينِهِ أَعْرَابِيٌّ، وَعَنْ شِمَالِهِ أَبُو بَكْرٍ، فَشَرِبَ، ثُمَّ أُعْطِيَ الْأَعْرَابِيَّ، وَقَالَ: «الْأَيْمَنُ الْأَيْمَنُ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламга сув аралаштирилган сут келтирилди. У зотнинг ўнг томонларида бир аъробий, чап томонларида Абу Бакр бор эди. Шунда у зот ўзлари ичиб, сўнгра аъробийга бердилар ва: «Ўнг тарафдан, ўнг тарафдан», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• *Тилла ва кумуш идишда таом еб, ичимлик ичиб бўлмайди.*

عَنْ حَدِيثِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا تَشْرَبُوا فِي آيَةِ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ، وَلَا تَلْبَسُوا الْحَرِيرَ وَالْدِّيْبَاجَ، فَإِنَّهَا لَهُمْ فِي الدُّنْيَا، وَلَكُمْ فِي الْآخِرَةِ».

رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Ҳузайфа розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Тилла ва кумуш идишларда ичманглар. Ипак ва дебожни кийманглар. Чунки ўшалар бу дунёда улар учун, охиратда сизлар учун», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

Тилла ва кумуш идишларда таом ейиш, ичимлик ичиш, мой ёки хушбўй суртиш эркак ва аёллар учун харомдир. Шунингдек, тилла ёки кумуш қошиқда таом ейиш, шундай қадахда ичимлик ичиш, тилла ойна, қалам, сиёҳдон кабиларни ишлатиш ҳам мумкин эмас. Тилла ёки кумуш идишга солинган таомни чинни идишга ўтказиб олиб еса бўлади.

Шариатимизда тилла ва кумушни идиш сифатида ва шунингдек, бошқа турмуш асбоблари сифатида ишлатишнинг харом қилингани бир неча ҳикматларга биноан бўлганини уламолар алоҳида таъкидлайдилар:

– Тилла ва кумуш қадимда ҳам, ҳозирда ҳам пул бирлиги, гоҳида муомаладаги, гоҳида эҳтиётдаги давлат мулки сифатида ишлатиб келингани ҳаммага маълум. Агар тилла ва кумушни идиш ёки шунга ўхшаш нарсаларга ишлатиш йўлга қўйиладиган бўлса, мазкур соҳага, яъни хазина бойлиги соҳасига зарар етиши мумкин бўлиб қолади.

– Тилла ва кумушдан идиш-товоқ, тароқ, қошиқ ва шунга ўхшаш нарсалар тутишга изн берилса, бойлар орасида манмансираш, мутакаббирлик, ҳамма нарсасини тилладан қилишга уришиш кучайиб кетиб, жамиятда ноқулай ҳолат вужудга келади. Дунёни ларзага солган кўпгина салтанатларнинг (империяларнинг) таназулга юз тутишларига айнан шунга ўхшаш ҳолатлар сабаб бўлгани ҳаммага маълум.

– Тилла ва кумушдан турли асбоб-анжомлар тутишга рухсат бўлса, бойлар бу борада ўзаро кимўзарга мусобақа қилган бир пайтда камбағалларнинг кўнгли синиб, паришонҳол бўлишлари юзага келади. Ислом эса бу ҳолатга ҳеч қачон йўл қўймайди.

• *Ичимлик қўйиб берган кишининг ўзи охирида ичади.*

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سَأَى الْقَوْمَ آخِرُهُمْ شُرْبًا». زَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَصَحَّحَهُ.

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қавмнинг соқийси ичишда уларнинг охиргисидир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган. Термизий саҳиҳ, деган.

Одоб бўйича бир қавмга соқийлик қилиб, сув ва бошқа чанковбосди ичимликлар тарқатиб турган киши ўзи охирида ичади. Олдин меҳмонларнинг хизматини қилиб, савобни тўлиқ олгач, сўнгра бемалол ўзи ичса бўлаверади. Таом улашини билан машгул дастурхончи ҳам шундай қилади.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ОДОБЛАРИ

Меҳмонга зиёфат бериш макоримул ахлоқ, Иброҳим алай-хиссалом ва барча анбиёларнинг суннатлари, Исломда тарғиб қилинган ва иймоннинг содиқлиги аломатидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Аллохга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Меҳмоннинг иззат-икромини жойига кўйишда мусулмонларга тенг кела оладиган миллат йўқлигига дўст ҳам, душман ҳам тан беради. Мусулмонларнинг бу фазилатлари тилларда дoston бўлиб кетган. Ислом адабиётига кўз ташласак, бу ҳақиқатни яна ҳам равшанроқ англаб етамиз. Бу нарсаларнинг ҳаммасига динимиз таълимотлари, ушбу ва келажакда ўрганадиган ҳадиси шарифларимизга ўхшаш кўплаб ҳадислар сабаб бўлган. «Меҳмон – атои Худо», «Меҳмон отангдай азиз» каби ҳикматли сўзлар ҳам ана ўша таълимотлар таъсирида айтилган. Биз, мусулмонларнинг кейинги авлодлари ҳам бу улкан фазилатни ўзимизга сингдириб, унга оғишмай амал қилиб боришимиз лозим.

Зиёфат мусулмон кишининг ўз биродари зиммасидаги ҳаққидир. Ҳанафий, моликий ва шофеъий мазҳаблари зиёфатни суннат, ханбалийлар вожиб дейишган.

Халқимиз меҳмондўстлиги, меҳмоннавозлиги билан шухрат қозонган. Бирор ўзбек хонадони, оиласи йўқки, меҳмонни хурсандчилик билан кутиб олмаган, уйдаги бор неъматларни унинг дастурхонига келтириб тўкмаган бўлсин.

Меҳмоннавозлик одобимизнинг, хулқимизнинг энг муҳим кўринишларидандир. Хабарда: «Меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди», деб келган.

Анас ибн Молик эса: «Меҳмон кирмаган уйга фаришталар ҳам кирмайди», деганлар. Пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломни меҳмонларнинг отаси деб аташарди. У кишининг уйида тўртта эшик бўлиб, қайси эшикдан бирор меҳмон кириб келаркин, деб қараб ўтирар эдилар.

Ҳикоя қилишларича, бир пайтлар уч юз асирни амир Мўъмин ибн Зоиднинг олдига келтиришди. Амир асирларнинг барини ўлимга ҳукм қилди. Шу пайт асирлар орасидан бир йигит отилиб чиқди-да, амирга: «Эй амирим, сизни Худога топширдик, айтинг, ўлимимиз олдидан сув беришсин», деди. Амир мулозимларига асирларга сув беришни амр қилди. Шунда ўша йигит яна ўрнидан туриб, амирга қуллуқ қилди ва: «Эй улуғ амир, бугун энди сизнинг меҳмонингиз бўлдик, меҳмонга мурувват ва иззат-икром кўрсатиш эса мезбоннинг бурчи. Сиз бурчингизга содиқ бўлинг», деди. «Рост сўзладинг, йигит», деди амир ва барча асирларни озод қилиб юборди.

Ибн Батута деган араб сайёҳи от ва қарвонлари билан Онадўли (Туркия)ни кезиб юрар экан, Денизли шаҳрига қираверишда бир шопмўйлов одам отининг жиловидан тутиб: «Кетдик, юр» дейди. Сайёҳ туркчани, у одам эса арабчани билмас эди. Араб сайёҳининг ўтақаси ёрилади, чунки унинг оту туялари, орқасидаги хачирларда унга совға қилинган ноёб гиламлар, турли-туман ҳадя моллар бор эди. У: «Эвоҳ! Подшоҳлар совға қилган молларим қўлдан кетди», деб кўрқади. Шу ҳолатда турганида, яна бир шопмўйлов одам келиб, жиловни бошқа томонга тортади. Ўрталарида тортишув бошланади. Нима бўлаётганига сайёҳнинг ақли етмайди. Тортишувнинг сабаби бундай эди: жиловни биринчи ушлаган одам: «Меҳмон атоян Худо, уни биринчи бўлиб мен кўрдим, шунинг учун уни мен уйимга олиб бориб, едириб-ичиришим, меҳмон қилишим керак», дейди. Иккинчи тарафдан тутган киши айтадики: «Тўғри, биродар, лекин бу ерлар бизнинг еримиз саналади, бизнинг жойга келган меҳмонни сен бошқа ерга олиб кетсанг, инсофданми, уят бўлмайdimи? Тақдир уни бизга насиб қилибdimи, уни биз меҳмон қиламиз...»

Машхур олимимиз Абу Лайс Самарқандий айтади: «Агар бир меҳмондорчиликка, зиёфатга борсанг-у, шу зиёфат ҳаром бўлмаса, унга фиску фужур аралашмаган бўлса, боришингда

зарар йўк. Агар акси бўлса, норози эканингни билдириб, бормай қўявер. Зиёфатга борсанг-у, аммо у ерда бир ёмон (мункар) ишни кўрсанг, у ердагиларни бу ишдан қайтар, агар кўнишмаса, ўша зиёфатни тарк қил. Бордию сен улар билан ўтираверсанг, улар сени ҳам шу ишга рози экан, деб ўйлашади ва уни давом эттираверишади».

Меҳмонга боришнинг алоҳида одоблари ва тартиблари бор. Энг аввало, чақирилган жойга албатта боринг, чунки айтилган ерга бормасангиз, гуноҳкор бўласиз, таклиф қилган кишига азият етказасиз, жамиятдаги муносабатларга рахна соласиз. Ҳалол касб қиладиганларникига меҳмонга бориш, фосиқ, ўзгалар ҳаққидан ҳазар қилмайдиган кимсаларнинг зиёфатига боришдан тийилиш, шариатга хилоф ишлар бўладиган давралардан ўзни тортиш лозим.

Хусайн Воиз Кошифий меҳмондорчилик одобларини ўн тўртта деб санаган: «Меҳмонга ҳалол ва покиза таом тортиш; меҳмон кутишда бирор ғаразли мақсад ёки риё бўлмаслиги; меҳмонни илтифот билан кутиб олиш ва яхши жойга ўтирғизиш; меҳмон қаршисида очиқ чехра билан хушнуд ўтириш; меҳмон қанча кўп келса ҳам ранжимаслик; чақирилмаган меҳмонни кўпроқ ҳурмат қилиш; бахиллик қилмаслик ва меҳмондан ҳеч нарсани кизганмаслик; ясама илтифот кўрсатмай, қўлдан келганича самимий бўлиш; меҳмондан қайси таомни ёқтиришини сўрамаслик; меҳмон учун ўзи энг яхши кўрган таомни тайёрлаш; овқат ейишга ҳадеб зўрламаслик; меҳмон агар ташқарига чикса, бирга бошлаб чиқиш ва камида етти қадам бирга юриш; ўзини кўрсатиш учун ҳадеб узрхонлик қилмаслик; миннат қилмай, дастурхонидан нон еганига хурсанд бўлган ҳолда шуқр қилиб, миннатдорчилик билдириш».

Меҳмон учун ортикча такаллуф (зиёфат учун ҳаддан зиёд уриниш, дастурхон безаш) одобимизда ман қилинган. Шунингдек, мезбон меҳмон ҳузурида ғазабини, жаҳли чиққанини, бирор нарсадан ҳафалигини ёки ташвишдалигини, ҳатто бошига тушган мусибатни билдирмайди, бўлар-бўлмасга тажанглик қилавермайди.

«Фавокихул жуласо» китобида ёзилишича, меҳмонга борганда уй эгасидан туз ёки сувгина сўраб олинади, бошқа нарса

сўралмайди, ортикча юмушлар буюриб, уни уринтирилмайди. Булар беодоблик саналади.

Маҳмуд ибн Муҳаммад бундай дейди: «Меҳмон келгач, ундан нима ейишини, кўнгли нима тусаётганини сўраса бўлади. Агар унинг истаги инобатга олинса, меҳмоннинг хурсандчилиги зиёда бўлади. Бироқ меҳмондан: «Бирор нарса ейсизми, бирор нарса олиб чиқайми» каби саволларни сўраш ғирт одобсизликдир. Шунинг учун уйда борини унинг олдига қўйиш керак».

Бир улуғ кишини меҳмонга чақиришганида: «Таклифингни уч шарт билангина қабул қиламан. Биринчиси – бозордан атайлаб нарса сотиб олмайсан. Иккинчиси – уйингда борини яширмай, олдимга кўясан. Учинчиси – аёл ва болаларингнинг ҳаққини менга едирмайсан», деган экан.

Меҳмондорчилик тартибларини Қайюм Носирий бундай таърифлайди: «Меҳмонга борсанг, уй эгаси кўрсатган жойга ўтир. Нимани келтирса, индамай е. Мезбон ташқарига чикса, ўрнингдан турма, рухсатсиз нарса қидирма. Гоҳ у нарсани, гоҳ бу нарсани ушлайверма. Аммо хонада китоблар бўлса, кўриш мумкин».

Маҳмуд Қошғарий: «Бефаҳм меҳмон уй эгасини хижолатга кўяди», деган.

Куйида бизда жорий бўлган меҳмондорчилик одоблари билан танишинг:

Меҳмондўстлик яхши одамларнинг ибратли фазилати саналади, меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди.

Бой-камбағал деб ажратмасдан, ҳамма барабар меҳмон қилинади. Бир уйдан меҳмонга таклиф этилса, хонадон соҳибининг катта ўғли ёки меҳмони бўлса, уни ҳам қўшиб чақирилади.

Айтилган жойга, айниқса никоҳ зиёфатига албатта борган маъқул. Мабодо шаръий узри бўлсагина, бормаслиги мумкин.

Меҳмонга таом кечиктирмай олиб келинади. Нон дастурхонга егулик миқдорда қўйилади, синдирилгани бўлса, яна ушатилмайд.

Мезбоннинг баъзида «Олинг, енг», деб туриши савобли иш, бу уч мартагача айтилади. Аммо меҳмонни хижолат қилиб, ҳадеб таомга зўрлайвериш одобсизлик саналади.

Таом келтирилгач, уй соҳиби (мезбон) тановулга изн беради, агар меҳмон бегона бўлса, аввал уй эгасининг ўзи таомга қўл

узатади ва ҳаммадан кейин тортади. Яқинлари ва биродарлари бўлса, ҳурмат юзасидан улардан олдин қўл чўзмайди.

Мезбон лаззатли ва латиф таомни меҳмонига илинади, ўзи бундайроғини сйди. Агар таом оз бўлса ёки меҳмоннинг очлиги сезилса, ўзи камроқ еб, меҳмонга кўпроқ қолдиради. Уйда нима яхши таом, мева-чева ва бошқа неъматлар бўлса, аввало меҳмонга тортилади.

Меҳмон келтирилган таомнинг айбини топмасдан, нима келтирилса мақтаб ейиши зарур. Агар дастурхон атрофида ёши улуғ киши бўлса, ундан олдин таомга қўл узатилмайди. Меҳмоннинг овқат келадиган томонга ҳадеб ўгирилавериши яхши эмас.

Меҳмондорчиликда очкўзлик ва хирс билан таом емаслик учун уйда бир оз тамадди қилиб олган маъқул. «Тўйга борсанг, тўйиб бор», деган мақол бекорга тўқилмаган.

Чақирилмаган жойга меҳмонга борилмайди. Агар икки киши барабар айтган бўлса, яқинроқ қўшничикига борилади. Иккови ҳам яқин бўлса, ошно ва дўстроғиникига борилади.

Мезбон(зиёфат эгаси)нинг изнисиз чақирилмаган одамни бошлаб борилмайди. Мабодо бирор киши эргашиб бориб қолса, мезбоннинг эшигига келганда, ҳолатни тушунтириб, ундан ижозат олинади.

Агар бир жамоани меҳмонга чақирсангиз, улар озчилик бўлса, бирга ўтирсангиз, зарар қилмайди. Чунки уларга дастурхон устида хизмат қилиб туриш керак бўлади. Бордию улар кўпчилик бўлса, ташқарида хизмат қилиб турган маъқул.

Меҳмон мезбоннинг рухсатисиз дастурхондан насиба олмайди, ёнидагиларга лукма узатмайди, гадо, ит-мушукларга таом бермайди.

Меҳмон рия қилиши лозим бўлган одоблардан яна бири шуки, меҳмон мезбонга иш буюрмайди, чунки бу унга малол келиши мумкин. Мезбон қандай овқат қилиш ҳақида сўраса, меҳмон энгил таомни танласин.

Мезбон меҳмони билан узоқ вақт жим ўтирмайди ёки кўп вақтга яқка ташлаб чиқиб кетмайди, кўпроқ муддатга келган меҳмонга ҳожатхона ва таҳорат жойини кўрсатиб, намоз вақтини эслатиб туради.

Ўтмишда келган меҳмоннинг от-уловига ҳам ем беришган, ҳозирда эса унинг машинасига бензин куйиб берсангиз, олий ҳиммат кўрсатган бўласиз.

Меҳмон кетар чоғида мезбон билан «Ассалому алайкум» деб хайрлашади, хонадон ҳаққига дуо қилиб, меҳмондорчилик учун миннатдор бўлганини изҳор қилади.

Уламолар ушбу мавзуни батафсил ўрганиб, унинг одобларини тартибга солишган. Қуйида бундай одобларнинг хулосасини тақдим этишга ижозат бергайсиз.

Мезбоннинг одоблари:

• Мезбон гўзал суҳбат қилиб, холатга мос қиссаларни айтиб туради.

• У очик чехра билан туради.

• Хонага кириб-чиқаётганда хурсандлигини зоҳир қилади.

• Ўзини қийнайдиган тақаллуфни қилмайди.

• Меҳмонни таомга тақлиф қилиб туради. Аммо бу ишда ҳаддидан ошмайди.

• Меҳмон ҳузурида сукутни чўзиб юбормайди.

• Меҳмоннинг олдидан узоқ вақтга ғойиб бўлмайди.

• Меҳмоннинг ҳузурида ходимларини сўкмайди.

• Мезбон меҳмонга ўзи хизмат қилади.

• Мезбон меҳмонни унга ёқмайдиган кишилар билан бирга ўтиргизмайди.

• Меҳмон изн сўраса, унга изн беради.

• У меҳмонни кузатиб чиқади.

• Мезбон меҳмонга уловига минишига ёрдам бериб, кузатиб кўяди.

Меҳмоннинг одоблари:

• Меҳмон ўзига кўрсатилган жойга ўтиради.

• У ўзига тақдим қилинган нарсадан рози бўлади.

• Тақдим қилинган таомдан тезроқ тановул қилиш меҳмоннинг одобидандир. Агар у таомдан емаса, мезбонга ҳурматсизлик бўлади.

• Меҳмон фақат мезбоннинг изни билан ўрнидан туради.

• Меҳмон мезбоннинг ҳаққига дуо қилади.

• Меҳмон мезбонникида уч кундан ортиқ турмайди.

ТЎЙ ВА МАРОСИМ ОДОБЛАРИ

Шариат таълимотларига мувофиқ ўтказиладиган маросимларнинг барчасида кўплаб ижтимоий, ахлоқий, диний ва бошқа фойдалар бордир. Ушбу маросимлар орқали бева-бечоралардан, дўсту ёрлардан, таниш-билиш, маҳалла-кўй ва бошқалардан хабар олинади, мухтожларга ёрдам берилади, ижтимоий алоқалар мустаҳкамланади ва бошқа бир қанча фойдалар олинади.

Таом инсон ҳаётининг давом этиши учун зарурий ҳожат бўлиши билан бирга, уни бошқаларга тақдим қилиш қарам кўрсатишнинг белгиси ҳамдир. Исломда ўзгаларга таом тарқатиш савобли иш, баъзи хато ва гуноҳларнинг каффорати ҳам ҳисобланади. Бошқаларга таом бериш гоҳида фарз, гоҳида вожиб, гоҳида суннат, гоҳида мустаҳаб амалдир.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «اعْبُدُوا الرَّحْمَنَ، وَأَطِعُوا الطَّعَامَ، وَأَفْشُوا السَّلَامَ، تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَصَحَّحَهُ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Роҳманга ибодат қилинг. Таомни едингиз. Саломни ёйинг. Саломатлик-ла жанинатга кирурсиз», дедилар».

Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.

Саломни таратишда маънавий яхшилик бўлса, таомни тарқатишда моддий яхшилик борлиги ҳеч кимга сир эмас. Исломда таом тарқатиш ҳақида сўз кетганида, энг аввало фақир-мискин, бева-бечора ва мухтожларга моддий ёрдам бериш, уларнинг қорнини тўйдириш кўзда тутилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу Ислом дини камбағалпарварлигининг энг муҳим томонларидан биридир.

وَكَانَ أَبُو هُرَيْرَةَ رضي الله عنه يَقُولُ: شَرُّ الطَّعَامِ طَعَامُ الْوَلِيمَةِ، يُدْعَى لَهَا الْأَعْيَاءُ، وَيُتْرَكُ الْفُقَرَاءُ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

«Абу Ҳурайра розияллоҳу анху: «Таомнинг энг ёмони бойлар даъват қилиниб, камбағаллар тарк қилинган валийма (зиёфат) таомидир», дер эди».

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Исломда бировга таом бериш ниятида уюштириладиган маросимлардан асосий мақсад, ҳожатманд кишиларни таомлантириш, уларнинг кўнглини кўтаришдир. Маросим уюштирган одамнинг муҳтож камбағалга қарамай, бойларнинг эшигига бориб: «Менинг маросимимга қадам ранжида қилсангиз, бахтиёр бўлар эдим», деб илтижо қилиши жуда ўринсиз ишдир.

Шунинг учун ҳам бундай маросимнинг таоми «энг ёмон таом» деб сифатланмоқда. Демак, маросим қилувчи кимларни чақиришни ҳам билиши керак. Зиёфат дастурхонига камбағал, бева-бечораларни кўпроқ даъват қилса, улар зиёфатдан қорни тўйиб, қайғуси кетиб, кўнгли кўтарилиб кетса, эҳсон ўз ўрнига тушган бўлади.

Шунингдек, бойларнинг маросимида катнашиб, камбағалнинг маросимига бормаслик ҳам катта беодобликдир. Бу иш мутақаб-бирлар ва риёкорларнинг ишидир. Маросим эгасининг камбағаллиги, обрўси юқори эмаслиги ёки таомининг озлиги, сифати яхши эмаслиги унинг чақириғини қабул қилмасликка сабаб бўлмаслиги керак. Зотан, маросимлар турли табақадаги мусулмонларни бир-бирларига янада яқинлаштириш учун жорий қилинган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْ دُعِيْتُ إِلَى ذِرَاعٍ أَوْ كُرَاعٍ لَأَجَبْتُ، وَلَوْ أُهْدِيَ إِلَيَّ ذِرَاعٌ أَوْ كُرَاعٌ لَقَبِلْتُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар пойча ёки туёққа даъват қилинсам ҳам, албатта қабул қилар эдим. Агар менга пойча ёки туёқ ҳадя қилинса ҳам, албатта қабул қилар эдим», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилган.

Маълумки, сўйилган ҳайвоннинг калла-пойчаси энг охирида пишириладиган, унча эътибор берилмайдиган, назарга ҳам илинмайдиган қисми ҳисобланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи васаллам ушбу ҳадисларида ана шундай оддий нарса билан зиёфат қилиб чақирилса ёки ўша нарса у зотга совға қилинса, албатта қабул қилишларини таъкидламоқдалар. Бу ҳолат у зотнинг ғоят камтарликлари, ўз жамиятларидаги энг фақир, бечора кишилар билан ҳам дўстона алоқа ўрнатишга тайёр эканликларини кўрсатади.

У зотнинг умматлари ҳам ўз Пайғамбарларидан ўрناق олишлари лозим. Ёғли жойга айтилмаса ҳам бориб, бундайроқ жойларга ялинса ҳам бормаслик мусулмон кишига тўғри келмайди.

Ислолда ёр-биродарларни бир дастурхон устига жамлаш мустаҳаб амаллардандир. Унда яхшилик ва барака бордир. Кўпчилик мусулмон жамланадиган жойда барака бўлиши ажаблаларли эмас.

وَقَالَ جَمَاعَةٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا نَأْكُلُ وَلَا نَشْبَعُ، قَالَ: «فَلَعَلَّكُمْ تَفْتَرِقُونَ»، قَالُوا: نَعَمْ، قَالَ: «فَاجْتَمِعُوا عَلَى طَعَامِكُمْ، وَادْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ يُبَارِكْ لَكُمْ فِيهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

«Бир жамоа одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз овқат еймиз, лекин тўймаймиз», дейишди. «Эҳтимол, тарқоқ ўтириб ерсизлар?» дедилар у зот. «Ҳа», дейишди. «Таомни биргаликда енглар, Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар, шунда унга барака берилади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Мусулмон халқларда, жумладан, бизнинг халқимизда ҳам тўй ва шунга ўхшаш маросимлар муносабати билан уламолар жамоатчиликка ваъз-насиҳат қилишган, урушганлар яраштирилган, беморлардан хабар олинган, кексалар зиёрат қилинган, уларга маросим таомларидан насибалар берилган. Умуман, ҳалол-пок, шариятга мувофиқ ўтказиладиган маросимларда якка шахсларга ҳам, жамоатчиликка ҳам кўплаб фойдалар мавжуд.

Шу билан бирга маросимларда шарият кўрсатган чегарадан чиқишнинг зарари бор. Мисол учун, ҳаром-хариш нарсаларни тановул қилиш ва гуноҳ ишларни амалга ошириш, маросимга риёкорлик, кибр, манманлик ва исрофни аралаштириш, ортиқча

сарф-харажат қилиб, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказиш ва ҳоказолар маросим савобини йўқ қилади.

Уламоларимиз маросимлар ҳақида келган шаръий қоидаларни батафсил ўрганиб ва таҳлил қилиб бўлганларидан кейин, қайси маросимлар шариатда борлигини белгилаб беришган. Масалан, «Ал-Инсоф» номли китобда «Одамларни чорлаб, маросим қилиб бериладиган таомлар ўнтадир», дейилган ва қуйида бир оз шарҳлаганимиз маросимлар келтирилган:

• **Валийма – келин тушириши (никоҳ тўйи) маросими.**

Никоҳ тўйини куёв тараф келиннинг шарафига уюштиради. Бу ханафий мазҳаби бўйича суннат амалдир. Ушбу тўй орқали никоҳ эълон қилинади. Тўйга ҳозир бўлган мусулмонлар жамоасининг янги оила, келин-куёв ҳақкига дуолари олинади.

• **Азийра – хатна муносабати ила ўтказиладиган маросим.**

Ўғил болаларни хатна қилдириш суннатдир. Суннат бўлганда ҳам, Исломнинг шиорларидан, хусусиятларидан бири саналган суннатдир. Ўғил болаларни кичиклик чоғида хатна қилдириш мусулмон халқларнинг тарқ қилмайдиган одатига айлангани яхши ишдир. Қолаверса, бу ишнинг инсон соғлиғи учун қанчалик фойдали эканини бугунги замон илми ҳам исботлади. Шунинг ўзи Ислом шариатида буюрилган амалларнинг ҳеч бири беҳикмат эмаслигини тасдиқлайди.

Ўғил болаларни хатна қилдириш муносабати ила камтарона дастурхон ёзиб, меҳмон чорлаш саҳобаи киромлар розияллоху анҳумларнинг даврида ҳам бор эди. Хатна боланинг ҳаётидаги муҳим ҳодисалардан бири бўлгани учун бу маросим унинг ҳақкига дуо олиш нияти билан ўтказилади.

عَنْ سَالِمٍ قَالَ: خَتَنِي ابْنُ عُمَرَ أَنَا وَنُعَيْمًا، فَذَبَحَ عَلَيْنَا كَبْشًا. فَلَقَدْ رَأَيْنَا وَإِنَّا لَنَجْدُلُ بِهِ عَلَى الصَّبِيَّانِ أَنْ ذُبِحَ عَنَّا كَبْشًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Салимдан ривоят қилинади:

«Ибн Умар мени ва Нуъаймни хатна қилдирди. У биз учун қўчқор сўйди. Биз болалар орасида ўзимиз учун қўчқор сўйилганидан мақтаниб юрар эдик».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Демак, хатна муносабати билан жонлиқ сўйиб, зиёфат уюштириш саҳобалардан собит бўлган амал экан.

• **Хурса** – бола туғилиши муносабати ила ўтказиладиган маросим.

Янги фарзанд кўрган онанинг тўлғоқ ва туғишдан халос бўлганига шукрона сифатида ўтказилади. Бу маросим бизда асосан қариндош ва яқин аёллар иштирокида ўтади ва у Тошкентда «қовурдоқ» деб номланади.

• **Вакийра** – янги уй-бино муносабати ила ўтказиладиган маросим.

Бу маросим бизда «Уй тўйи» ёки «Ховли тўйи» деб аталади. Албатта, янги масканга эга бўлиш Аллох таолонинг шукронасига сабаб бўладиган катта неъматдир. Ушбу маросим шукронанинг бир тури сифатида ва янги кўшниларга ўзини танитиш мақсадида ташкил қилинади. У орқали кўпчиликнинг дуосидан умидвор бўлинади.

• **Нақийъа** – бировнинг гойиб бўлганидан кейин сафардан қайтиб келиши муносабати ила ўтказиладиган маросим.

Турли сабабларга кўра оиладан, маҳалладан узоқда бўлган шахс эсон-омон юртига, оиласига қайтиб келгани шукронасига ўтказилади. Бу маросимни сафардан келган одамнинг ўзи ёки бирор яқин кишиси қилиши мумкин. Бунда ҳам бошқа маросимларга ўхшаш хурсандчилик шукронаси, хайр-эҳсон савоби ва дуо умиди мавжуд.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَمَّا قَدِمَ النَّبِيُّ ﷺ الْمَدِينَةَ نَحَرَ جُرُورًا أَوْ بَقْرَةَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ خَرِيظٍ.

Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам (сафардан) Мадинага қайтиб келганларида, туя ёки сигир сўйдилар».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилган.

Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам ҳаждан қайтиб келганларида, Мадинаи Мунавварада иккита кўчқор сўйганлари ҳам хадисларда ривоят қилинган.

• **Ақийқа** – бола етти кунлик бўлганидан кейин ўтказиладиган маросим.

Оилада бола туғилиб, орага янги бош келиб қўшилгани Аллоҳ таолонинг Ўзи мусулмон бандаларига ҳалол қилган ҳайвонлардан бирининг бошини кесиш билан нишонланади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқ, боланинг соғ-омон туғилганига ва уни тукқан онасининг саломат қолганига шукрона келтирилади.

• **Вазийма – мотам муносабати ила қилинадиган маросим.**

Вазийманинг куни, ҳажми, унга пишириладиган таомнинг тури ва бошқа нарсалари белгиланган эмас. Бундай эҳсонни киши ўзидан, оиласидан, қарамоғидагилардан орттирганда, балоғатга етмаган болаларнинг (сағирларнинг) ҳаққини аралаштирмай, кўнгли истаган пайтда қилиши мумкин. Бунда турли бидъат-хурофотларни аралаштирмаслик шарт.

• **Маъдаба – оддий, алоҳида сабабсиз зиёфат.**

Бунда яқин қариндошлар ва дўст кишиларни меҳмон қилиш ниятида дастурхон ёзилади.

• **Ҳизоқ – Қуръонни ёдлаб бўлиш муносабати ила зиёфат бериш.**

Қуръони Каримни устоздан ўтказиб, қондалари ила тўлик ёд олиш катта неъмат ҳисобланади. Шунинг учун бу неъматга сазовор бўлганлик шукронасига маросим ўтказиш раво қўрилган.

• **Тухфа – бирор киши шарафига қилинадиган маросим.**

Бу маросим – бир кишини зиёрат қилиб қелган меҳмоннинг шарафига бериладиган зиёфат бўлиб, яхши кўрганидан ёки яқинроқ танишиш ниятида ёхуд шунга ўхшаш ишлар учун уюштирилади.

Бошқа уламолар қуйидаги икки маросимни ҳам қўшишган.

• **Бало-офатдан қутулгани шукронасига эҳсон қилиш.**

Албатта, банданинг турли бало ва офатлардан қутулиб қолиши ҳам шукронага лойиқ ҳолатдир. Мана шу муносабат ила ўз ихтиёри ила хайр-эҳсон қилса, яхши бўлади.

• **Катта муваффақият ва ютуққа эришгани шукронасига уюштириладиган маросим.**

Ҳаётда катта муваффақият ва ютуққа эришиш шукронани талаб қиладиган ишдир. Бунда мазкур муваффақият ва ютуққа эриштирган Зот – Аллоҳ таолога шукр қилиш рамзи бордир.

Буларнинг валийма – никоҳ тўйидан бошқа барчаси мустаҳабдир. Истаган қилади, истамаган йўқ.

Тўй ва маросимлар ҳақида уламоларимизнинг китобларида керакли маълумотлар тақдим қилинган. Қуйида шундай маълумотлардан баъзиларини келтириб ўтишга ижозат бергайсиз:

- Маросим эгаси ўзи истаган кишиларни оғзаки ёки таклифнома воситасида таклиф қилади.

- Имкони борича кўпроқ тақводор, дуосидан умидворлик бор, қорни тўйса хурсанд бўладиган камбағал кишиларни, кўнгил яқинлари таклиф қилинади.

- Маросим эгаси ўз маросимида исрофга йўл қўймайди ёки жуда ҳам қисиб юбормайди. Имконига қараб ўртача иш тутса, яхши бўлади.

- Маросим эгаси рўза тутиб келганларнинг рўзасини очиришга ҳаракат қилмайди.

- Маросим эгаси тортган таомини мақтамайди.

- Таклиф қилинган маросимга бориш ҳанафий мазҳаби бўйича, агар у никоҳ тўйи бўлса, суннат, бошқа маросим бўлса, мустаҳабдир.

- Маросимда гуноҳ ишлар содир бўлиши аниқ бўлса, унга борилмайди.

- Маросимга бориш имконини топа олмаган киши таклиф учун ташаккур айтиб, эзгу дуолар қилади, бора олмаслиги учун узр айтади.

- Агар маросимга шахсан эмас, умумий таклиф қилинган бўлса, бориш-бормаслик таклиф қилинган одамнинг ихтиёрида.

- Таклиф қилинмаган шахсларнинг маросимга боришлари мумкин эмас.

- Маросимга таклиф қилинган киши ўзи билан таклиф қилинмаган одамни олиб борса, бунинг учун маросим эгасидан рухсат сўрайди.

- Маросимга борувчи маросим эгасининг ҳурматини ният қилиб боради.

- Маросимга белгиланган вақтдан олдин борилмайди.

- Маросимга белгиланган вақтдан кеч ҳам қолинмайди.

- Маросим эгаси меҳмонларни очиқ чехра билан, хурсанд ҳолда самимий кутиб олади.

- Маросим эгаси мухтарам кишиларга ва тортиниб турганларга алоҳида латофатли муомала қилади.
- Маросим эгаси ортиқча такаллуфга, «олинг-олинг»ларга ўтиб кетмайди.
- Маросимга борган меҳмон ўзига кўрсатилган жойга ўтиради.
- Мезбон ўзи таклиф қилмаса, тўрға ўтиши мумкин эмас.
- Меҳмон вожиб рўза тутмаган бўлса, таомдан ўзини олиб қочмайди.
- Меҳмон таом тановул қилишга шошилмайди.
- Меҳмон таом тановул қилишнинг умумий одобларига риоя қилади.
- Мезбон ҳаммадан олдин таом тановул қилишдан қўл тортмайди.
- Меҳмон ўзига алоҳида, дастурхонга қўйилмаган таомни келтиришни сўрамайди.
- Меҳмон ўзига ёққан одамга дастурхондаги таомдан олиб бермайди.
- Маросим таомидан уйига олиб кетилмайди.
- Бошқалар туриб кетгандан кейин ўтириб қолиш ҳам одобдан эмас.
- Маросимга қатнашганлар маросим эгаси, унинг оиласи ҳаққига дуо қилишади.

ЙИҒИН ВА МАЖЛИСЛАР ОДОБИ

Йиғин ва мажлислар кўпчилик йиғиладиган, одамлар бир-бирлари билан учрашиб, ўзаро суҳбатлашадиган тадбирлардир. Мазкур йиғин ва мажлислар дам олиш, улфатлашиш, баҳс-мунозара олиб бориш, маслаҳатлашиш, ахборот алмашиш, зиёфатга тайёрланиш, тўй ёки азада иштирок этиш ёки бошқа мақсадларда ташкил этилади. Ушбу йиғин-мажлислар бировнинг уйида, жамоатчилик жойларида, турли муассасаларда, йиғин ва мажлислар учун махсус тайёрланган жойларда ва бошқа ерларда ўтказилиши мумкин.

Мажлис ва йиғинлар одамларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутгани, уларнинг натижалари шахслар ва жамиятлар ҳаётида ўта аҳамиятли бўлгани учун Исломда уларни тартибга солиш, гўзал тарзда ўтказиш борасида ажойиб ҳикматли кўрсатмалар тақдим қилинган. Албатта, бу кўрсатмалар бошқа соҳалардаги исломий кўрсатмалар каби кенг диний назар, гўзал ахлоқ ва одоб доирасида берилган. Бунда ўша кўрсатмаларга амал қилганларнинг йиғин ва мажлислари олиймақом тарзда ўтиши, уларнинг самарадор бўлиши, ҳамманинг ҳавасини келтириб, турли нуқсонлардан холи бўлиши кўзда тутилган. Қуйида йиғин ва мажлислар одобларидан баъзиларини тақдим қилишга ижозат бергайсиз.

• *Мажлисга яхши кийимларни кийиб, белгиланган вақтда борилади.*

Чунки мусулмон одамнинг кийими, ваъдага вафо қилиб, мажлисга айни вақтида бориши ҳам кишилар орасида хуснга хусн қўшиб турадиган холдек бўлиши керак.

عَنْ سَهْلِ بْنِ الْحَنْظَلِيِّ، قَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّكُمْ قَادِمُونَ عَلَيَّ إِحْوَانِكُمْ، فَأَصْلِحُوا لِبَنَاتِكُمْ، وَأَصْلِحُوا رِحَالَكُمْ، حَتَّى تَكُونُوا كَأَنَّكُمْ شَامَةٌ فِي النَّاسِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَأَبُو دَاوُدَ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالْحَاكِمُ.

Саҳл ибн Ҳанзалиядан ривоят қилинади:

«Бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар биродарларингизнинг хузурига боряпсиз. Либосингизни тузатинг, эгар-юкларингизни тузатинг, одамлар ичида худди холдек бўлинг», дедилар».

Аҳмад, Абу Довуд, Тобароний ва Ҳоким ривоят қилган.

• *Хос мажлисларга келган одам изи сўраш қондаларига амал қилиб киради.*

Мисол учун, бировнинг хонадонида хос одамлар учун йиғин ёки мажлис бўлганда, албатта, у ерга изи сўраш одобларига амал қилган ҳолда кирилади. Агар мажлис умумий бўлиб, ташқарида кутиб олувчилар бўлса, улар билан кўришишнинг ўзи ва улар таклиф қилган жойга бориш билангина кифояланади.

• *Мажлис бўлаётган жойга етиб борганда ва ундан чиқиб кетаётганда ҳам салом берилади.*

Келганда берилган салом уларнинг хузурига саломатлик эълон қилиб кириш бўлади. Бу эса, менда сизларга ёмонлик йўқ, фақат саломат бўлишинглар тарафдориман, деган маънони ифода қилади.

Кетаётганда берилган салом эса ўзи уларнинг хузуридан кетса ҳам, қолганларга саломатлик тилаб кетаётганини билдиради.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا جَاءَ أَحَدُكُمْ الْمَجْلِسِ فَلْيَسَلِمْ، فَإِنْ رَجَعَ فَلْيَسَلِمْ، فَإِنَّ الْأُخْرَى لَيْسَتْ بِأَحَقَّ مِنَ الْأُولَى». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз мажлисга келса, салом берсин. Агар қайтса ҳам, салом берсин. Кейингиси аввалгисидан ҳақли эмас», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Яъни икковининг ажри баробар. Ҳам мажлисга келганда, ҳам мажлисдан турганда салом бериш карамли ахлоқ, лутфи карам ва яхши ниятнинг аломати ҳисобланади. Келганда салом берса-ю, кетаётиб, индамаса, ўтирганлар у ҳақда «Хафа бўлиб қолдимикин?» деб ўйлашлари мумкин.

Бир мажлисга кирган одам ҳаммага умумий битта салом беради. Агар умумий саломдан сўнг баъзиларга алоҳида ва хос салом беради ҳам, зиёни йўқ. Шундай қилиш ҳам мумкин. Улардан баъзилари алик олса, кифоя қилади.

• *Мажлисга кирган одам ўтирганларни обора қилмай, тўғри келган бўш жойга ўтиради.*

Ҳозирги даврда баъзи жойларда йиғин ва мажлис иштирокчиларининг ўринлари олдиндан белгиланиб, исми ёзилган ёки рақам кўйилган бўлади. Шунингдек, ташкилотчилар кимнинг қаерга ўтиришини айтиб ҳам туришади. Бундай пайтларда ўша тартибга риоя қилинади.

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رضي الله عنه قَالَ: كُنَّا إِذَا أَتَيْنَا النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم جَلَسَ أَحَدُنَا حَيْثُ انْتَهَى. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Жобир ибн Самура розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига келсак, қаер тўғри келса, ўша ерга ўтирар эдик».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

• *Мажлисга кирган одам икки кишининг орасига фақатгина уларнинг рухсати билан ўтириши мумкин.*

Чунки мазкур икки кишининг ўзаро муҳаббати, сирли гапи ёки ўзларигагина тааллуқли бошқа ишлари бўлиши мумкин. Кейин келган киши уларнинг орасига ўтириши билан ўша нарсаларни бузган ва икки мўминга озор берган бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رضي الله عنه؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «لَا يَجِلُّ لِرَجُلٍ أَنْ يُفَرِّقَ بَيْنَ اثْنَيْنِ إِلَّا بِإِذْنِهِمَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абдуллох ибн Амр розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Кишига икки кишининг изнисиз уларнинг орасини ажратиш ҳалол бўлмайди», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• **Мажлис ҳалқа шаклида бўлса, унинг ўртасига ўтириш жоиз эмас.**

Чунки ҳалқанинг ўртасига ўтирган одам бу борадаги Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларига хилоф иш қилган ва одамларни бир-биридан тўсган бўлади.

عَنْ أَبِي مِجَلَزٍ؛ أَنَّ رَجُلًا جَلَسَ وَسَطَ حَلَقَةٍ، فَقَالَ حَدِيثُهُ: مَلْعُونٌ عَلَى لِسَانِ مُحَمَّدٍ أَوْ لَعَنَ اللَّهُ عَلَى لِسَانِ مُحَمَّدٍ ﷺ مَنْ قَعَدَ وَسَطَ الْحَلَقَةِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абу Мижлаздан ривоят қилинади:

«Бир киши ҳалқанинг ўртасига ўтирди. Шунда Ҳузайфа: «Ҳалқанинг ўртасига ўтирган Муҳаммаднинг тилида мальундир ёки Аллоҳ уни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тиллари ила лаънатлаган», деди».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган.

• **Ким бўлишидан қатъи назар, бировни турғизиб, унинг ўрнига ўтиришдан четланиш зарур.**

Мажлисида ўтирган бир кишини турғизиб, ўрнига бошқани ўтирғизиш ҳаромдир. Чунки бу ишда аввал келган кишини беҳурмат қилиш бор. Аммо кенгайиб, жой очилса, яхши бўлади.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يُقِيمُ الرَّجُلُ الرَّجُلَ مِنَ مَجْلِسِهِ ثُمَّ يَجْلِسُ فِيهِ، وَلَكِنْ تَفَسَّحُوا وَتَوَسَّعُوا». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ. وَزَادَ مُسْلِمٌ فِي رِوَايَةٍ: وَكَانَ ابْنُ عُمَرَ إِذَا قَامَ لَهُ رَجُلٌ عَنْ مَجْلِسِهِ لَمْ يَجْلِسْ فِيهِ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир киши бошқа бир кишини мажлисидан (ўтирган ўрнидан) турғизиб, сўнг ўзи унинг ўрнига ўтирмасин. Лекин силжинлар ва (жойни) кенгайтиринлар», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Муслим ўз ривоятида «Ибн Умар биров ўрнидан туриб, унга жой бўшатса, ўша ерга ўтирмас эди»ни зиёда қилган.

Ибн Умар розияллоху анхунинг биров ўрнидан туриб, унга жой бўшатганида, ўша ерга ўтирмасликлари ўзларининг ўта камтарликларидандир. Аслида, ўтирган одам бир кишини улуғлаб ва ҳурматлаб, чин кўнгилдан жой бўшатиб берса, ўтирмак жоиз.

• **Мажлисга янги келганларга жой бўшатиб, кенгайиш матлубдир.**

Мўмин-муслмонлар бир жойга тўпланганда тор жойга сиқилишмай, мажлисни кенг олиб, бемалол ўтирганлари афзал.

Аллоҳ таоло Мужодала сурасида марҳамат қилади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قِيلَ لَكُمْ تَفَسَّحُوا فِي الْمَجَالِسِ فَافْسَحُوا
يَفْسَحَ اللَّهُ لَكُمْ

«Эй иймон келтирганлар! Агар мажлисларда сизларга «Жой беринг», дейилса, жой беринг, Аллоҳ сизларга ҳам жой берадир» (11-оят).

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي عَمْرَةَ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ: أُوذِنَ أَبُو سَعِيدٍ الْخُدْرِيُّ بِجَنَازَةٍ. قَالَ: فَكَأَنَّهُ تَخَلَّفَ حَتَّى أَخَذَ الْقَوْمُ بِمَجَالِسِهِمْ، ثُمَّ جَاءَ بَعْدُ، فَلَمَّا رَأَهُ الْقَوْمُ تَسَرَّعُوا عَنْهُ، وَقَامَ بَعْضُهُمْ عَنْهُ لِيَجْلِسَ فِي مَجْلِسِهِ، فَقَالَ: لَا، إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «خَيْرُ الْمَجَالِسِ أَوْسَعُهَا». ثُمَّ تَنَحَّى فَجَلَسَ فِي مَجْلِسٍ وَاسِعٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абдурраҳмон ибн Абу Амра Ансорийдан ривоят қилинади:

«Абу Саъид Худрий жанозага чақирилди. У кеч қолиб, одамлар жойлашиб бўлишганди. Кейин у етиб келгач, одамлар уни кўриб, шошиб қолишди. Баъзиси ўрнидан туриб, уни ўз жойинга ўтирғизмоқчи бўлди. Шунда у: «Йўк! Мен

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Мажлисларнинг яхшиси кенгидир», деганларини эшитганман», деди. Сўнгра кенгроқ жойга ўтирди».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Мажлисдан турган одамнинг яна қайтиб келиши маълум бўлса, унинг ўрни эгалланмайди ва қайтишига шароит яратилади.

Мажлисида ўтирган одам бирор сабаб ила ўрнидан туриб чиқиб кетса-ю, ҳожатини чиқаргандан кейин яна қайтиб келса, ўзининг аввалги жойига ўтиришга энг ҳақли одам бўлади. Унинг ўрнига бошқа бировнинг ўтириб олишга ҳаққи йўқ. Бинобарин, илмий мажлислар, дарслар ва тез-тез такрорланадиган йиғинларда маълум жойга ўтиришни ўзига одат қилган одамларнинг ўша ерга доимий равишда ўтиришга ҳақлари бор.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ قَامَ مِنْ مَجْلِسِهِ ثُمَّ رَجَعَ إِلَيْهِ فَهُوَ أَحَقُّ بِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўз жойидан туриб, яна унга қайтиб келса, у ўшанга ҳақлидир», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• **Мажлисидагилар уч кишидан иборат бўлса, улардан иккитаси ўзаро пичирлашиб гаплашишлари мумкин эмас.**

Уч киши ўтирганда улардан иккитаси пичирлашиб гаплашса, учинчи кишига нокулай бўлади. Худди иккиси уни ёмонлаётгандек ёки унга ишонмаётгандек кўринади. Шунинг учун уч киши ўтирганда иккиталари сирли суҳбат қилишларига изн берилмаган.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا كُنْتُمْ ثَلَاثَةً فَلَا يَتَنَاجَى اثْنَانِ دُونَ صَاحِبَيْهِمَا، فَإِنَّ ذَلِكَ يَحْزَنُهُ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч киши бўлсангиз, икки киши учинчини қўйиб, махфий суҳбат қилмасин, чунки бу уни хафа қилади», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Агар кўпчилик бўлса, икки киши пичирлашиб гаплашса бўлаверади. Уч киши бўлганда учинчи кишининг изни ила икки-таси пичирлашса ҳам жоиз.

• *Мажлисда ўтирганлардан бирортасини камситиши, истехзо қилиш ёки уларга нисбатан кибрли бўлиш мумкин эмас.*

Бундай ишларни қилиш мажлисдан бошқа жойларда ҳам қорланади. Аммо мажлисда бу ишлардан четда бўлишнинг аҳамияти яна ҳам ортади.

• *Мажлисда ўзини йиғиштириб, одоб билан ўтириши керак.*

Кўпчилик билан бўладиган суҳбатларда одам оёқларини узатиб ўтириши, ёнбошлаш каби ҳолатлардан ўзини сақлаши керак. Мажлисда бундай ишларни қилиш ўта беодоблик саналади. Бундай ишлар атрофдаги кишиларни менсимаслик, уларни одам ўрнида кўрмаслик ҳисобланади.

• *Мажлисда ўтириши қондаларига риюя қилиши лозим.*

Йиғинларда оёқларини кучоклаб ўтириши, қўлини бир-бирига кириштириши (гирра қилиши), бармоқларини қисирлатиши, соати, қўл телефонини ўйнаш каби ишлардан четда бўлиши керак. Бу ишларнинг барчаси инсоннинг бошқаларга нисбатан одобсизлиги, маданиятсизлиги аломатларидир. Мусулмон киши юксак одоб ва маданият динининг вакили эканини зинҳор унутмаслиги лозим.

• *Мажлисга кириши ва ундан чиқишда, унда турганда қилинадиган ишларнинг барчасини ўнгдан бошлаш кераклигини унутмаслик лозим.*

Барча ишларни ўнгдан бошлаш мусулмон маданиятининг кўзга кўринган аломатларидан биридир. Буни ҳамма яхши билиши керак. Бу ҳақиқатни билган кишилар назарида унга хилоф иш қилиш жуда ҳам кўнгилсиз ҳолат ҳисобланади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ التَّمِيمَ مَا اسْتَطَاعَ فِي شَأْنِهِ

كُلِّهِ، فِي طَهْوَرِهِ، وَتَرَجُّلِهِ، وَتَنَعُّلِهِ، وَسَوَآكِهِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ишларининг барчасида имкони борича ўнгдан бошлашни яхши кўрар эдилар: таҳоратларида ҳам, соч тарашларида ҳам, оёқ кийим кийишларида ҳам, мисвок қилишларида ҳам».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• *Мажлисда озодаликка алоҳида эътибор бериш керак.*

Мажлис бўлаётган жойнинг озодалигига путур етказадиган ишларнинг яқинига ҳам йўламаслик керак. Афсуски, кўлидаги кераксиз нарсаларни дуч келган жойга ташлаш, бурун қоқиш, туфлаш кабилар мусулмон кишига ярашмайдиган ишлар эканини кўпчилик тушуниб етмайди.

• *Мажлиснинг сирларини фош қилиш ҳам одобдан эмас.*

Балки бу иш хиёнат ҳисобланади. Баъзи мажлисларда, хусусан, хос мажлисларда ҳаммага ҳам айтилиши мумкин бўлмаган гаплар гапирилиши мумкин. Бундай гапларни одамлар ўртасида кўтариб-тарқатиб юриш ҳам мумкин эмас.

• *Ҳаром-ҳариш, гуноҳ, беҳуда ва одобсиз ишлар бўладиган мажлис ва йиғинларда қатнашмаслик керак.*

Бундай ишлар яқка ҳолатда қандай ман қилинса, йиғин ва мажлисларда ҳам шундай тақиқланади. Бу каби ишларнинг кўпчилик тўпланган йиғинларда бўлиши янада ёмонроқдир.

• *Амри маъруф ва наҳйи мункар ила мажлис ва йиғиннинг ҳаққини адо қилиш керак.*

Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш жуда ҳам зарур нарса бўлгани учун, бу ишга алоҳида эътибор берилган. Йиғин ва мажлисларда амри маъруф бўлиши ўша йиғин ва мажлисларнинг ҳаққи эканини зинҳор унутмаслик керак.

عَنْ مَالِكِ بْنِ النَّيَّهَانِ قَالَ: اجْتَمَعَتْ جَمَاعَةٌ مِنَّا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا أَهْلُ سَافِلَةٍ وَأَهْلُ عَالِيَةٍ، نَجْلِسُ هَذِهِ الْمَجَالِسِ، فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: «أَعْطُوا الْمَجَالِسَ حَقَّهَا»، قُلْنَا: وَمَا حَقُّهَا؟ قَالَ: «غَضُّوا

أَبْصَارَكُمْ، وَرُدُّوا السَّلَامَ، وَأَرْشِدُوا الْأَعْمَى، وَأَمُرُوا بِالْمَعْرُوفِ، وَانْتَهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ». رَوَاهُ ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.

Молик ибн Таййихондан ривоят қилинади:

«Биздан бир жамоа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳузурларида тўпланди. Сўнгра:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Биз – паст тараф аҳли ва юқори тараф аҳли ушбу мажлисларда ўтирамыз. Бизга нимани амр қиласиз?» дедик.

У зот: «Мажлиснинг ҳаққини беринглар», дедилар. «Унинг ҳаққи нима?» деган эдик,

«Кўзни тийинглар. Саломга алик олинглар. Кўзи ожизга йўл кўрсатинглар. Амри маъруф ва наҳйи мункар қилинглр», дедилар».

Ибн Абу Шайба ривоят қилган.

• *Мажлисида сўзлаётган кишининг гапига диққат билан қулоқ солиш лозим.*

Бунда жуда кўп манфаатлар бор. Сўзланаётганда гапирувчи-га эътибор бермаслик, сўз кўшиш ёки бошқа гапларни гапириб туриш, кулиш, гапириляётган гапга ва уни эшитаётганларга халакит бериш катта беодобликдир.

• *Мажлис сўнгида Аср сурасини ўқиб, маъносини эсга олиб туриш мажлис одобларидандир.*

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حِصْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ الرَّجُلَانِ مِنَ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ إِذَا التَّمَيُّمُ يَفْتَرِقَا حَتَّى يَفْرَأَ أَحَدُهُمَا عَلَى الْآخَرِ سُورَةَ الْعَصْرِ، ثُمَّ يُسَلِّمُ أَحَدُهُمَا عَلَى الْآخَرِ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Убайдуллоҳ ибн Ҳисн розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг саҳобаларидан икки киши учрашиб қолса, бири иккинчисига Аср сурасини ўқиб бермасдан ажралмас эдилар. Сўнгра бири иккинчисига салом берар эди».

Тобароний ривоят қилган.

Айниқса, илм мажлисларида одобга каттик риоя қилиш, уларда нокерак баҳс-мунозаралардан, илмда устунликни намоӣш қилишдан, сўзамолликдан тийилиш даркор.

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳининг шогирдлари Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳига қилган иршод-васиятларида бундай дейилган: «Кўпчилик ичида фақат сўралган нарсага жавоб бер. Омма ҳузурда турганинда, кўп гапиришдан сақлан. Бундай мажлисларда фақат илму маърифат билан, илмий тилда оммабоп қилиб сўзлагин. Бирон жамоатда ҳозир бўлсанг, овоз чиқариб кулиш, ҳатто табассум қилишдан сақлангин. Чунки сени мутакаббир, мансаби ёки илми билан гердайган деб ўйлашлари мумкин. Турли мажлис ва илмий мунозараларда талашиб-тортишиб, баҳслашма, кўркув ва иккиланиб сўзлашдан сақлан. Дадил, ўзинг ҳам ишониб, пишиқ-пухта гапир. Маъно ва ҳикмат билан тингловчилар калбини забт эт!»

Доно вазир Бузургмехр бундай деган: «Ниҳоятда кўп гапирган кишини кўрсанг, билгинки, у девонадир».

«Махзанул улум»да бундай ёзилган: «Мажлисида бўлаётган музокара ва мунозарага дахлинг бўлмаса, асло аралашма, катталарга кинояли сўз қилма, тушунилиши қийин сўзларни мисоллар билан ойдинлаштир, мунозарада чегарадан ташқари чиқма».

Бир донишманддан: «Нега гапиришдан кўра эшитишни яхши кўрасиз?» деб сўрашганида у: «Чунки менга иккита қулоқ ва битта тил ато қилинган», деб жавоб қайтарган экан.

Шайх Жунайд Бағдодий айтади: «Мажлисларнинг энг шарафлиси ва олийси тавҳид (Аллоҳнинг борлиги ва бирлиги) ҳақида тафаккур қилиб ўтириш, маърифат шамоли билан елпиниш, муҳаббат косасида дўстлик дарёсидан сув ичиш ва Аллоҳга ҳусни зан (яхши ҳаёл билан) назар айлашдир».

Мажлисида ким билан ўтиришга ҳам алоҳида эътибор қилган маъкул. Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий турли тоифадаги кишилар билан ўтирган кишида маълум бир хислат пайдо бўлиши ҳақида айтганлар. Жумладан, бойлар билан ўтирган кишида Аллоҳ дунёга рағбат ва муҳаббатни кучайтиради, фа-

қирлар билан ўтирган одамда шукр ва тақсимотга розиликни зиёда қилади, солиҳлар билан ўтирган одамда тоатга рағбатни зиёда қилади, олимлар билан ўтирган кишида илмни кучайтиради.

«Сахий ва олийжаноб одамлар билан суҳбатдош бўлиш кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилдиради. Ёмон феълли, фасод табиатли кимсалар билан суҳбатда бўлиш ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга етаклайди», дейди Мажиддин Хавофий.

Хожа Самандар Термизий бундай деган: «Жоҳил ва ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч, оқил ва комил кишилар суҳбатига интилингки, фиску фужур аҳлининг суҳбати бир кунни сенга зарар келтиради».

Аллоҳ таоло барчамизни йиғин ва мажлислар одобларига риоя қилиб, улардан кўп манфаатлар ва ажру савоблар олишимизни насиб этсин!

БАЙРАМЛАР ВА ТУРЛИ ТАНТАНАЛАР ОДОБИ

Барча халқларда қадимдан ўтган улуғ кишиларни, машху кунларни, воқеаларни ёки бошқа муносабатларни эслаш, кадрлаш учун байрам қилиш, бу байрамларда одамларнинг хурсандчилик қилишлари одат тусига кирган. Кўпчилик бундай кунларда керагича еб-ичиш, ўйнаб-кулиш, арокхўрлик уюштириш, турли фиску фужур ишларни хоҳлаганча қилишга қулай имконият топишган. Турли халқларда, турли замонларда байрамлар турлича бўлиб, ўзгариб турган. Байрамларни белгилаш ва уларни нишонлаш ҳар бир халқ, миллат ва диннинг ўз таълимоти, дунёқараши ва мафқурасига қараб турлича кечган.

Исломда байрамларга ўзига хос аҳамият берилган. Байрамларни белгилаш ва уларни ўтказиш айнан Ислом таълимотлари асосида жорий қилинган. Байрамларни нишонлаш ва уларда қилинадиган амаллар ҳам умумий Ислом таълимотлари асосида йўлга қўйилган.

Шоду хуррамлик ва хурсандчилик кунлари бўлмиш байрамлар бир неча турли бўлиб, улардан баъзилари шаръий матнларда, асосан ҳадиси шарифларда байрам дея эълон қилинган ва уларда маълум диний амаллар бажариш ҳам жорий қилинган.

Мусулмонларнинг асл диний байрамларидан бири Қурбон байрами (ҳайити) бўлиб, у зулҳижжа ойининг ўнинчи куни нишонланади ва унга шундан кейинги «ташриқ кунлари» номини олган уч кун ҳам қўшилади.

Мусулмонларнинг иккинчи байрами шаввол ойининг биринчи куни нишонланадиган Фитр байрами (ҳайити) бўлиб, бу байрам Рамазон ойи рўзасини тутиш тугагани муносабати ила ўтказилади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَدِمَ النَّبِيُّ ﷺ الْمَدِينَةَ وَهُمْ يَوْمَانِ يَلْعَبُونَ فِيهِمَا، فَقَالَ: «مَا هَذَانِ الْيَوْمَانِ؟» قَالُوا: كُنَّا نَلْعَبُ فِيهِمَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَبْدَلَكُمْ بِهِمَا خَيْرًا مِنْهُمَا، يَوْمَ الْأَضْحَى، وَيَوْمَ الْفِطْرِ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келганларида, уларнинг ўйин-кулги қиладиган икки кунлари бор эди. «Бу икки кун қандай кун?» деб сўрадилар. «Жоҳилиятда ўйнайдиган кунимиз эди», дейишди. Шунда Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллох сизларга у иккиси ўрнига улардан кўра яхши Азҳо ва Фитр кунларини берди», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

Исломдан олдин Мадина аҳлининг икки байрами бор эди. Бу байрамларнинг биринчиси шамсий сананинг биринчи куни ҳисобланар эди. Баҳорда кеча билан кундуз тенглашгани, иссиқ ҳам, совуқ ҳам ўртача бўлгани учун қадимги ҳақимлар бу кунни байрам деб ихтиёр қилишган эди. Иккинчи байрам эса кузда, яъни мезонда – кеча билан кундуз тенг бўлиб, ҳаво мўътадил бўлганда нишонланар эди.

Ислом келиб, бу икки байрам ўрнига икки Ислом байрамини жорий қилди. Шаръий байрамларда ўйнаб-кулиб, хурсандчилик қилган, аҳли аёлига, таниш-билишларига кенгчилик яратганлар савоб оладиган бўлишди. Улардан бири, аввал айтилганидек, Рамазони шариф рўзасини тамомлаш муносабати билан нишонландиган Фитр байрами, иккинчиси эса Байтуллоҳда ҳаж ибодатини тамомлаш муносабати билан ўтказиладиган Қурбон байрамидир.

Мусулмонлар учун бу икки байрам еб-ичиладиган, шодон кайфиятда нишонландиган, ўйнаб-куладиган кунлардир. Ҳар бир миллат ўз байрамига эга бўлгани каби, мусулмон уммати ҳам ўз байрамларига шу тарика эга бўлган. Йил мобайнидаги ушбу икки байрамга ҳафталик байрам сифатида жума куни ҳам қўшилади.

عَنْ أَبِي لُبَابَةَ الْبَدْرِيِّ؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «سَيِّدُ الْأَيَّامِ يَوْمُ الْجُمُعَةِ وَأَعْظَمُهَا عِنْدَهُ، وَأَعْظَمُ عِنْدَ اللَّهِ ﷻ مِنْ يَوْمِ الْفِطْرِ وَيَوْمِ الْأَضْحَى». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي التَّارِيخِ وَأَحْمَدُ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абу Лубоба Бадрийдан ривоят қилинади:

«Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «У Зотнинг хузурда кунларнинг саййиди ва улуғи жума ку-

нидир. У Аллоҳ азза ва жалланинг хузурида Фитр кунидан ҳам, Азҳо кунидан ҳам улуғдир».

Бухорий Тарихда, Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилган.

Жума кунн ҳафталик байрамгина эмас, у кунларнинг саййиди яъни улуғи, фақир-мискинларнинг ҳаж кунн ҳамдир. Бу кун шарафидан қилинган амалларга савоблар кўпайтириб берилади.

Барча халқларда асосий диний байрамлар билан бир қаторда тарихий ҳодисаларга, миллий ва ватаний ҳодисаларга боғлиқ байрамлар ҳам бўлади. Бундай байрамлар «мажозий байрамлар» деб аталади. Даврлар ўтиши билан мусулмонларда ҳам бундай мажозий байрамлар шаклланиб борган. Мисол учун, ҳар хижрий санабошида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хижратларини эслаш, байрам қилиш ва одамлар бир-бирларини табриклаши одат тусига кирган. Шунга ўхшаш, Қадр кечаси, Исро ва Меърож кечаси, Мавлид байрами каби муносабатлар мусулмон халқларида ўзига хос равишда нишонланадиган бўлиб қолган.

ДИНИЙ БАЙРАМЛАРНИ НИШОНЛАШ СУННАТЛАРИ

Тилимиздаги «байрам» (ҳайит) сўзи араб тилида «ийд» сўзи билан ифода қилинади ва «қайтиш» маъносини билдиради. Байрамлар қайта-қайта келгани учун «ийд» деб номланган. Энг муҳими, мўмин-мусулмонларга икки ийд кунлари Аллоҳ таолонинг кўплаб хайру баракаси қайта-қайта келади.

Рўза байрамига хос ишлар.

Фитр кунн таом ейиш, мисвок ва ғусл қилиш, хушбўйлик суртиш ва энг яхши кийимларини кийиш ва фитр садакасини бериш мандубдир.

Юқоридаги жумлада Фитр (Рамазон) байрамига чиқишдан олдин қилинадиган амаллар ҳақида сўз бормокда. Улар қуйидагилардан иборат:

- *Таом ейиш.*

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ لَا يَغْدُو يَوْمَ الْفِطْرِ حَتَّى يَأْكُلَ تَمْرَاتٍ وَيَأْكُلَهُنَّ وَتَرًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

وَفِي رِوَايَةٍ: كَانَ لَا يَخْرُجُ يَوْمَ الْفِطْرِ حَتَّى يَطْعَمَ، وَلَا يَأْكُلُ يَوْمَ الْأَضْحَى حَتَّى يُصَلِّيَ.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Фитр куни бир неча хурмо емай туриб, чиқмас эдилар. Тоқ ер эдилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилган.

Бошиқа бир ривоятда: «Фитр куни таом емасдан олдин чиқмас эдилар. Азҳо куни намозни ўқиб бўлмагунча емас эдилар», дейилган.

• Фитр садақасини бериши.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه قَالَ: فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ زَكَاةَ الْفِطْرِ طَهْرَةً لِلصَّائِمِ مِنَ اللُّغْوِ وَالرَّفَثِ، وَطُعْمَةً لِلْمَسَاكِينِ، مَنْ أَدَّاهَا قَبْلَ الصَّلَاةِ فَهِيَ زَكَاةٌ مَقْبُولَةٌ، وَمَنْ أَدَّاهَا بَعْدَ الصَّلَاةِ فَهِيَ صَدَقَةٌ مِنَ الصَّدَقَاتِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَالحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам фитр закотини рўзадор учун беҳуда гап-сўз ва ҳаракатлардан покланиш ва мискинлар учун таомланиш бўлсин, деб фарз қилдилар. Ким уни намоздан олдин адо қилса, у мақбул закот бўлур. Ким уни намоздан кейин адо қилса, садақалардан бири бўлур».

Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилган. Ҳоким саҳиҳ, деган.

Фитр садақасини ийддан бир неча кун олдин берса ҳам бўлади.

Қурбон байрамига хос ишлар.

Қурбон байрами кунлари риюя этилиши зарур бўлган алоҳида одоблар бор:

- Бу байрам кунлари рўза тутмаслик.

عَنْ عُمَيْرِ بْنِ عَامِرٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «يَوْمُ عَرَفَةَ وَيَوْمُ النَّحْرِ وَأَيَّامُ التَّشْرِيقِ عِيدُنَا أَهْلَ الْإِسْلَامِ، وَهِيَ أَيَّامُ أَكْلٍ وَشُرْبٍ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Уқба ибн Омир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Арафот куни, қурбонлик куни ва ташриқ кунлари биз – аҳли Исломининг байрамимиздир. У кунлар еб-ичиш кунларидир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

Мазкур кунларда рўза тутиш ман қилинган. Булар хурсандчилик, еб-ичиш, ўйин-кулги кунларидир. Шунинг учун ҳам мазкур кунларнинг рўзасини тутишдан қайтарилган.

- Қурбон ийдида ҳеч нарса емасдан, намозга чиқилади.

Ўша куни биринчи таом сифатида ҳар ким ўзи қиладиган қурбонликнинг гўштидан еса, яхши бўлади.

- Йўлда овоз чиқариб такбир айтилади.

Уйдан масжидга етиб боргунча босиб ўтиладиган йўлда овоз чиқариб такбир айтиб борилади. «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар! Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд»ни айтиш вожиб. Яъни ушбу такбир сийғасини бир марта айтиш вожиб, ундан кўп айтиш мустаҳаб ва савоб.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَأذْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَّعْدُودَاتٍ

«Санокли кунларда Аллоҳни зикр қилинг» (203-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло санокли кунларда, яъни ташриқ кунларида Ўзини эслашга, зикр қилишга буюрмоқда.

Икрима розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Аллоҳни санокли кунларда эсланг» дегани «Ташриқ кунларида фарз намозларидан кейин «Аллоҳу акбар», «Аллоҳу акбар» деб такбир айтинг», деганидир».

Бу такбирни айтиш арафа кунининг бомдодидан бошлаб ийднинг аср вақтигача мустаҳабдир. Жамоат ила адо этилган ҳар фарз намозининг ортидан (айтиш) мисрда муқим бўлган кишига (мустаҳаб), эркакка иқтидо қилган аёл ва муқимга иқтидо қилган мусофир учун вожибдир.

Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад: «Ташрик кунларининг охирги асригача», деганлар ва шунга амал қилинади. Агар имом тарк қилса ҳам, муқтадий уни тарк қилмайди. Мазкур такбир бевосита фарз намозидан кейин айтилади. Орага намозни буздиган амаллар тушмаслиги керак.

• *Байрам намозидан кейин қурбонлик сўйиши.*

Зотан, Ийди Қурбон ҳаж ибодатларининг тамом бўлиши муносабати ила ва Аллоҳ йўлида ҳар қандай қурбон беришга тайёрликни изҳор қилиш учун шариатга киритилган байрамдир.

Аллоҳ таоло Кавсар сурасида бундай деган:

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ ۝ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَنْحَرِ ۝

«Биз сенга Кавсарни бердик. Роббингга намоз ўқи ва жонлиқ сўй» (1-2-оятлар).

ИККАЛА БАЙРАМДА ҲАМ БАРАВАР ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР

• *Ийдга бир йўл билан бориб, бошқа йўл билан қайтиш мустаҳабдир.*

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилар эдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا خَرَجَ يَوْمَ الْعِيدِ فِي طَرِيقِ رَجْعٍ فِي غَيْرِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَابْنُ خَالٍ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ийд кунини бир йўл билан чиқсалар, бошқасин билан қайтар эдилар».

Термизий, Абу Довуд ва Бухорийлар ривоят қилган.

• *Мисвок қилиши.*

Ҳар бир намоз учун мисвок қилиш марғуб бўлганидек, Фитр ва Қурбон байрами намозларидан олдин ҳам мисвок қилиш марғубдир.

- Ғусл қилиш.

عَنِ الْفَاكِهِ بْنِ سَعْدٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ يَغْتَسِلُ يَوْمَ الْفِطْرِ وَيَوْمَ النَّحْرِ وَيَوْمَ عَرَفَةَ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Фокиҳ ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Фитр, Азҳо ва Арафа кунлари ғусл қилар эдилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

- Хушбўйлик суртиши.

Кишилар кўп тўпланадиган жойларга хушбўй нарса суртиб бо-риш мандуб бўлгани учун ийд кунни ҳам хушбўйлик суртилади.

- Энг яхши кийимларни кийиши.

Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг жума ва ийд учун алоҳида яхши кийим кийишлари маълум ва машхур.

رَوَى ابْنُ مَاجَةَ مِنْ حَدِيثِ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه: أَنَّهُ كَانَ ﷺ يَلْبَسُ فِي الْعِيدَيْنِ بُرْدَةً حَبْرَةً.

Ибн Можа Ибн Аббос розияллоҳу анҳумонинг ҳадисидан ри-воят қилади:

«У зот соллalloҳу алайҳи васаллам икки ийдда ҳибара чопон кияр эдилар»

(Ҳибара – Яманнинг машхур кийими).

- Икки ийд кечаларини ибодат ила ўтказиши.

Бунда кечанинг ҳаммаси ёки охириги учдан бири зикр, намоз, Куръон тиловати, такбир, тасбеҳ, истиғфор билан ўтказилади.

عَنْ عَبْدِادَةَ بْنِ الصَّامِتِ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ أَحْيَا لَيْلَةَ الْفِطْرِ وَلَيْلَةَ الْأَضْحَى لَمْ يَمُتْ قَلْبُهُ يَوْمَ تَمُوتُ الْقُلُوبُ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «Ким Фитр кечасини ва Азҳо кечасини (савоб умидида) бедор ўтказса, қалб-лар ўладиган кунда унинг қалби ўлмас», дедилар».

Тобароний ривоят қилган.

Икки ийд кечасидаги дуо мустажобдир. Шунинг учун эртага ийд, деган кечада кўп дуо қилишга ҳаракат қилиш зарур.

• *Муқтадий кишилар ийд намозига эртароқ, пиёда, виқор билан, такбир айтган ҳолларида борадилар.*

Намозга қанча кўп интизор бўлинса, савоби шунча кўп бўлади.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مِنْ السُّنَّةِ أَنْ تَخْرُجَ إِلَى الْعِيدِ مَاشِيًا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Алий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Ийдга пиёда чиқиш суннатдир».

Термизий ривоят қилган.

Имом ийдга намозга етиб борадиган бўлиб чиқиши суннатдир. Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васаллам доимо шундай қилганлар.

• *Аҳли аёлга кенгчилик ва серобчиликка шароит яратили.*

Байрам арафасида ва байрам кунлари нафл садақаларни имконига қараб одатдагидан кўпроқ қилиш керак.

• *Кўринган ҳар бир мусулмонга хурсандчилик ва шодлик изҳор қилиши, уларни байрам билан табриклаши. Яқин кишиларни, ёру дўст ва аҳбобларни зиёрат қилиши.*

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: دَخَلَ أَبُو بَكْرٍ وَعِنْدِي جَارِيَتَانِ مِنْ جَوَارِي الْأَنْصَارِ تُغْنِيَانِ بِمَا تَقَاوَلَتِ الْأَنْصَارُ يَوْمَ بُعَاثَ، قَالَتْ: وَلَيْسَتْ بِمُعْتَبِرَيْنِ، فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ: أَمْرَامِيرُ الشَّيْطَانِ فِي بَيْتِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ؟! وَذَلِكَ فِي يَوْمِ عِيدٍ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: يَا أَبَا بَكْرٍ، إِنَّ لِكُلِّ قَوْمٍ عِيدًا، وَهَذَا عِيدُنَا. وَفِي رَوَايَةٍ: إِنَّ أَبَا بَكْرٍ دَخَلَ عَلَيْهَا وَعِنْدَهَا جَارِيَتَانِ فِي أَيَّامٍ مَنِي تَغْنِيَانِ وَتَضْرِبَانِ وَرَسُولُ اللَّهِ ﷺ مُسَجًى بِثَوْبِهِ، فَانْتَهَرَهُمَا أَبُو بَكْرٍ، فَكَشَفَ رَسُولُ اللَّهِ عَنْهُ وَقَالَ: «دَعُوهُمَا يَا أَبَا بَكْرٍ فَإِنَّهَا أَيَّامُ عِيدٍ».

Ошиа розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр кирганида, олдимда ансорийларнинг қизларидан иккитаси Буос кунни ансорлар айтган нарсани қўшиқ қилиб айтаётган эдилар. Икковлари қўшиқчи эмас эдилар. Шунда Абу Бакр: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида шайтоннинг нағмаси бўляптими?!» деди. Ўша кунни ийд кунни эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Абу Бакр, ҳар бир қавмнинг байрами бор. Бу бизнинг байрамимиздир», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Абу Бакр у(Оиша)нинг олдига Мино кунларида кирганида, унинг хузурида икки қизча қўшиқ айтар ва дуфф (доира) чалар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса кийимларига бурканиб, ухлаб ётар эдилар. Абу Бакр ўдағайлаб, иккови(қиз)ни тўхтатди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларини очиб: «Тек қўй уларни, эй Абу Бакр, бу кунлар ийд кунлари», дедилар», дейилган.

• *Бева-бечора, етим-есир ва камбагаллардан хабар олиш.*

Байрам кунлари худди шу тоифадаги инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг қалбига сурур киритиш жуда ҳам муҳимдир. Зотан, рўза байрамида фитр садақаси, Қурбон байрамида қурбонлик қилиш жорий этилишидан кўзланган мақсад ҳам шунинг ўзидир. Мазкур байрам кунлари барча мусулмонлар шоду хурам бўлишлари керак.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ زَكَاةَ الْفِطْرِ وَقَالَ: «أَغْنُوهُمْ فِي هَذَا الْيَوْمِ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَالذَّارِقُطِيُّ.

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр садақасини фарз қилдилар ва: «Уларни бу кунда беҳожат қилинглар», дедилар».

Байҳақий ва Дорақутний ривоят қилган.

Шунинг учун мазкур кишилардан байрам кунни хабар олиб, уларга хайру эҳсон қилиш жуда савобли иш бўлади.

• *Қариндошларга силаи раҳм қилишни кучайтириши.*

Силаи раҳм (қариндошлик ришталарини боғлаш) масаласи маълум ва машҳур. Унинг ҳақидаги ояти карималар ва ҳадиси шарифлардан кўпчилик хабардор. Шу билан бирга, бу масаланинг аҳамияти байрам кунлари яна ҳам ортишини эсдан чиқармаслик зарур.

• *Ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаш ва аразлашиб юрганларни яраштириб қўйишни амалга ошириш.*

Мусулмон кишиларнинг уч кундан ортиқ бир-бирлари билан аразлашиб юришлари мумкин эмас. Байрам кунлари аразлашиб юриш эса гуноҳнинг яна ҳам катталашшига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бундай улуғ кунларда одамлар барча гина ва аразларни йиғиштиришлари, бир-бирлари билан ярашиб, аввал ўтган хатоларни кечириб юборишлари лозим.

ЖУМАНИ ҲАФТАЛИК БАЙРАМ СИФАТИДА НИШОНЛАШ

Жума куни ҳафталик байрам, мусулмонлар жамоаси тўпланадиган маросимдир. Ушбу ҳафталик байрам куни ҳам йиллик байрамлардаги каби ишлар қилинади. Жума оқшоми ибодат билан ўтказилади. Ғусл қилинади, гўзал либослар кийилади, хушбўй нарсалар сепилади ёки суртилади ва ҳоказолар. Йиллик икки байрамдаги каби бу ҳафталик байрамнинг бош маросими ҳам жамоат билан ўқиладиган намоз бўлади.

Жума – ҳафталик байрам, кунларнинг саййиди, мискинларнинг ҳажи кунидир. Бунинг шарафидан шу куни қилинган амалларга ажр-савоблар кўпайтириб берилади.

Шундай улуғ бир кунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга кўп салавот айтиш жуда марғуб амаллардандир. Умнатларнинг айтган салавотлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга арз қилинади, Аллоҳнинг амри ила у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу салавотларни эшитадилар, умнатларидан хурсанд бўладилар.

Жума куни ҳафталик байрам бўлгани учун йиллик байрамларда рўза тутилмагани каби, бу кунда ҳам рўза тутмаган маъқул. Жума кунда дуо қабул бўладиган соат борлиги унинг фазлини яна ҳам оширади.

Бу ҳақда ва жума куни қилинадиган ишлар ва одоблар бора-сида «Жума одоблари» бобида батафсил сўз юритилган.

МАЖОЗИЙ БАЙРАМЛАРНИ НИШОНЛАШ ҲАҚИДА

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, бу турдаги байрамлар дастлабки пайтларда оммавий равишда нишонланмаган ва ўша пайтларда бунга ҳожат ҳам бўлмаган. Кейинчалик, кўплаб халқларнинг Исломни қабул қилиши, мусулмонларнинг араб тилини билмаганлари ва бошқа сабабларга кўра диний таълимотларни етарлича ўзлаштира олмаганлари оқибатида турли ноқулайликлар келиб чиққан. Мазкур камчиликларни бартараф қилиш учун турли восита ва чора-тадбирлар ўйлаб чиқилган. Ана шундай тадбирлар ичида ушбу байрамларни жорий қилиш ва нишонлашни йўлга қўйиш ҳам бор эди. Бу байрамлар орқали мусулмонлар уммасига Ислом умматига ўз тарихидаги муҳим ҳодисаларни эслатиб туриш, уларнинг сабаби ва аҳамиятини англаб етишга ёрдам бериш кўзда тутилган.

Масалан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларини ҳар ҳижрий йил бошида эслаш, байрам қилиш ва бир-бирларини табриклаш одат тусига кирган. Бу билан ҳижрий – камарий йил ҳисобининг аввалида йилбоши байрами йўлга қўйилган. Бунда асосан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратлари тафсилоти ва бу улкан ҳодисанинг мусулмон уммати учун аҳамияти ва ундан бугунги кунда ибрат олиш каби ҳикматлар кўзда тутилган. Ҳозирги кунимизда ҳам бу байрам, асосан, матбуот ва ахборот воситаларида мақола ва маърузалар, турли чиқишлар уюштириш орқали бўлади. Кишилар бир-бирларини табриклайдилар. Охириги пайтларда Ислом давлатлари раҳбарлари ҳам ҳижрий йил бошида бир-бирларига табрик юборишни йўлга қўйганлар.

Аввал ҳам таъкидлаганимиздек, барча халқларда ўтган улуғ кишиларни, машҳур кунлар, воқеалар ёки бошқа муносабатларни байрам қилиш одат тусига кирган. Аммо бу байрамлар кўпроқ еб-ичиш, ўйнаб-қулиш, ароқхўрлик, турли фиску фужур ишлар билан тўлиб-тошган.

Исломда эса байрам ўзига хос бўлади. Илоҳий дастур байрами бўлмиш Қадр кечаси шулар жумласидандир. Чунки худди шу кечада Қуръони Карим нозил этила бошлаган. Бу байрамда қалбни поклаш, виждонни сайқаллаш имкони бор. Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун ҳам бу кечада бедор бўлиб, ухламай ибодат қилинади.

Қадр кечасини нишонлаш ҳам анчадан бери амал қилиб келинаётган ишлардан биридир. Қадр сурасида Аллоҳ таолонинг мусулмонларга берган улкан неъматини – уларни зулматдан нурга олиб чиққан Қуръони Каримни нозил қилганини эслатиши бежиз эмас. Қуръони Карим сураларидан бири ушбу Қадр кечасига бағишланган. Шу эътибордан бу ўринда Қадр сурасининг батафсил шарҳини баён этиш фойдадан холи бўлмас эди.

﴿۱﴾ إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ

«Биз у(Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик» (1-оят).

Бу ояти каримада зикр қилинаётган Қуръони Каримнинг нозил қилиниши унинг Лавҳул Махфуддан бу дунё осмонига туширилишидир. Бу маъно Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда келтирилган. Ана шу ҳодиса Қадр кечасида содир бўлганини ушбу ояти карима очиқ баён этиб турибди.

Қуръони Карим Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга бу дунё осмонидан бўлиб-бўлиб, йигирма уч йил давомида нозил қилинган. Демак, ушбу ояти кариманинг маъноси «Биз Қуръонни Лавҳул Махфуддан бу дунё осмонига Қадр кечасида нозил қилдик», дегани бўлади.

﴿۲﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ

«Қадр кечаси не эканини сенга нима билдирди?» (2-оят).

Яъни «Унинг ҳақиқатини, фазлини тўла тушунишинг қийин. Шунинг учун уни ўзимиз айтиб берамиз».

﴿۳﴾ لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ

«Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир» (3-оят).

Чунки бу кечада Қуръон нозил бўлган ва бу кечадаги ибодатнинг фазли минг ойлик ибодатдан афзал.

Ушбу оят тафсирида аллома Ибн Касир, жумладан, қуйидагиларни ёзганлар: «Бир кишининг қурол-аслаҳа олиб, Аллоҳ йўлида минг ой жиҳод қилгани ривоят этилди. Расулulloҳ сол-

лаллоху алайҳи васаллам ва мусулмонлар бундан ажабландилар. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам умматларига ҳам шундай бўлишини орзу қилиб: «Эй Роббим, менинг умматимни умматлар ичида умри қисқа, амали оз қилдинг!» дедилар. «Лайлатул Қадр сенга ва умматингга ўша одам жиҳод қилган минг ойдан яхшироқдир», деди Аллоҳ таоло».

Қадр кечасининг яна бир фазилати қуйидаги оятда баён қилинади:

نَزَّلَ الْمَلَكَةَ وَالرُّوحَ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِنْ كُلِّ أَمْرٍ ﴿٤﴾

«Унда фаришталар ва Рух Роббларининг изни билан барча ишлар учун тушадир» (4-оят).

Бу оятдаги «Рух»дан мурод Жаброил алайҳиссаломдир. Қадр кечасида Жаброил алайҳиссалом бошчиликларида фаришталар Аллоҳ таоло келаси йилгача тақдир қилган ишлар билан тушадилар. Бу ҳам Қадр кечасининг шарафини оширади.

Қадр кечасининг учинчи фазилати қуйидаги ояти каримада баён қилинади:

سَلِّمْ هِيَ حَتَّىٰ مَطَلَعِ الْفَجْرِ ﴿٥﴾

«У то тонг отгунча салом бўлиб турадир» (5-оят).

Яъни Қадр кечаси тонг отгунча салом ва тинчлик-омонлик кечасидир. Унда фаришталар мўминларга салом берадилар. Унда Аллоҳ таоло инсонларга фақат тинчлик-омонликни тақдир қилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلی الله علیه و آله قَالَ: «مَنْ قَامَ لَيْلَةَ الْقَدْرِ إِيْمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ». رَوَاهُ الْحُمْسِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Лайлатул Қадрни иймон ва савоб умидида қоним бўлиб ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинур», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

«Қоим» лафзи луғатда «тик туриш» маъносини англатади. Истилоҳда эса кечани ибодат билан ухламай ўтказишга айтилади. Қадр кечасини бедор ўтказиш қандай бўлади? Бу саволга уламоларимиз батафсил жавоб беришган. Аввало бу кечани қоим ўтказиш учун ўша кечада хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқиш керак. Чунки бир ҳадисда «Ким хуфтонни жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини бедор ўтказган бўлади», дейилган. Бошқа бир ҳадисда эса «Ким бомдод намозини жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини бедор ўтказган бўлади», дейилган.

Қолаверса, кечанинг қолган қисмида нафл намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш, зикр ва дуо қилиб чиқиш лозим. Ана шунда кечани бедор ўтказган бўлинади ва ҳадисдаги Қадр кечасини иймон ва ихлос билан қоим бўлиб ўтказганларга қилинган ваъда – ўтган гуноҳларнинг мағфират қилинишига эришилади.

Исро ва Меърож кечасини байрам қилиш ҳам кўпчилик мусулмонларни динларига яқинлаштириш мақсадида Ислом миллатининг кейинги даврдаги етакчи олимлари ва раҳбарлари томонидан жорий қилинган.

«Исро» сўзи луғатда кечанинг бир қисмида сайр қилиш, юришни англатади. Шариятда эса Аллоҳ таолонинг кечалардан бирида ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога сайр қилдиришига Исро дейилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаб айтиш лозимки, Исро ҳодисаси туш эмас, рухий сафар ҳам эмас, балки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам жасадлари, ҳам руҳлари ила қилган сафарларидир. Агар туш ёки рухий сафар бўлса, бу воқеанинг мўъжизалиги қолмас эди.

Аллоҳ таоло Исро сурасининг илк оятида шундай марҳамат қилган:

سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ، لَيْلًا مِّنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ، لِنُرِيَهُ، مِنْ آيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

«Ўз бандасини кечаси Масжидул Ҳаромдан атрофини баракали қилганимиз Масжидул Ақсога мўъжизаларимизни кўрсатиш учун сайр қилдирган Зот покдир».

Ояти каримада «бандасини» деб таъкидланиши ҳам Исро ходисасининг ҳам жасад, ҳам рух билан бўлганини кўрсатади. Агар факат рух билан бўлганида, «бандасининг руҳини» деган бўлар эди.

«Меърож» сўзи луғатда «юқорига кўтарилиш» деган маънони англатади. Шариятда эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Байтул Макдисдан Сидратул Мунтаҳога – Аллоҳнинг хузурига кўтарилишларига Меърож дейилади.

Муҳаддислар ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хуфтон намозидан сўнг Умму Ҳоний бинту Абу Толибнинг уйида ухлаб ётганларида, Исро ходисаси бошланади. Ўша кечаси Буроқ номли ҳайвонга миниб, Байтул Макдисга бордилар. Сўнгра у ердаги катта харсангтош устида турганларида, Меърожга кўтарилдилар. Ҳозирда ўша тош устига кубба – гумбаз қурилган.

Меърожда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Жаброил алайҳиссалом ҳам бирга бўлдилар. Ҳар бир осмонга етганларида, у киши эшикни очишни сўраб эдилар. Кўрикчи фаришталар: «Ким?» деб сўрашарди. У киши: «Жаброил», деб жавоб берар эдилар. Улар: «Ёнингдаги ким?» деб сўрашарди. Жаброил алайҳиссалом: «Муҳаммад», десалар, улар эшикни очиб: «Шундайми? У Пайғамбар этиб юборилдими?» дея сўрашар эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир осмонда бир пайғамбар ва кўплаб фаришталар ила кўришдилар. Шунингдек, жаннат ва жаҳаннамнинг ҳолатини кўрдилар. Сидратул Мунтаҳога ўтиб, Аллоҳнинг малакут оламида кўпгина ажойиботларнинг гувоҳи бўлдилар. Ўшанда беш вақт намоз фарз қилинди. Сўнгра ортга қайтдилар.

Исро ва Меърож орқали Аллоҳ таоло Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оддий йўлбошчи эмас, балки анбиёлар жамоасининг аъзоси эканларини эълон қилди. У кишининг баъзи давлат ёки баъзи халқ равнақи учун курашадиган шунчаки бир бошлиқ эмас, балки самовий таълимот орқали бутун дунёни икки олам саодатига бошловчи охириги пайғамбар (хотимул анбиё) эканларини эълон қилди.

Исро ва Меърож Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳзунликдан чиқишлари учун туртки бўлди. У зот бу ходисадан

кейин ўзларини тамоман бошқача тута бошладилар. Шунинг учун ҳам бу ҳодиса мусулмон уммати тарихидаги доимо эслаб турилиши керак бўлган улкан ҳодиса ҳисобланади ва ҳозирги давр мусулмонлари томонидан алоҳида байрам қилинади.

Мавлид байрами ҳам мусулмон халқларида ўзига хос равишда нишонланадиган бўлиб қолган. Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириш, итоат этиш, муҳаббат қилиш ва у зотдан ўрнак олиш вожиб бўлгани учун у зотнинг ҳаётлари, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганиш ҳам вожиб бўлади. Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганмай туриб, у зотга иймон келтириш, итоат этиш, муҳаббат қилиш ва у зотдан ўрнак олиш имкони ҳам йўқ. Бу масалада, бошқа кўпгина ҳолатлардаги каби, «Вожиб амални бажариш учун унга олиб борадиган нарса ҳам вожибдир» қондаси кучга киради.

Шунинг учун ҳам мусулмон уммати ўзининг дастлабки давридан бошлаб Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганишга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тириклик пайтларида саҳобаи киромлар у зотнинг ҳаётларида содир бўладиган ҳар бир нарсани қанчалик аҳамият билан ўрганиб борганлари, ҳар бир сўзлари, ҳаракатлари, имо-ишораларини ҳам яхшилаб ёдлаб борганлари маълум ва машҳур.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рафийқул аълога интиқол қилганларидан кейин, мусулмон уммати у зотга тегишли ҳар бир нарсани кўз қорачиғидек асрашга, ёдлашга ва кадрлашга бекиёс катта аҳамият бериб келди ва келмоқда. Мусулмон уммати Аллоҳ таолонинг каломи Қуръони Каримни саҳифаларга ёзиб бўлганидан кейин, биринчи ўринда ёзган нарсаси ҳабиб пайғамбарларининг сийрати шарифлари бўлди.

Аввалги сийрат китобларининг ёзилишида саҳобалардан Ваҳб ибн Мунаббаҳ (ҳижрий 10–34 йй), Урва ибн Зубайр (ҳижрий 23–94 йй), Абон ибн Усмон ибн Аффон (ҳижрий 22–105 йй) лар ҳаммага ўрнак бўлишди. Кейинроқ Ибн Исҳоқ ва Ибн Ҳишом каби сийрат илми имомлари чиқишди. Мусулмонлар оммаси айнан мазкур сийрат уламолари ёзган китоблардан ўз Пайғамбарлари алайҳиссаломнинг сийратлари, суннатлари, сифат-

Ояти каримада «бандасини» деб таъкидланиши ҳам Исро ҳодисасининг ҳам жасад, ҳам руҳ билан бўлганини кўрсатади. Агар фақат руҳ билан бўлганида, «бандасининг руҳини» деган бўлар эди.

«Меърож» сўзи лугатда «юқорига кўтарилиш» деган маънони англатади. Шариятда эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Байтул Макдисдан Сидратул Мунтаҳога – Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилишларига Меърож дейилади.

Муҳаддислар ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хуфтон намозидан сўнг Умму Ҳониъ бинту Абу Толибнинг уйда ухлаб ётганларида, Исро ҳодисаси бошланади. Ўша кечаси Буроқ номли ҳайвонга миниб, Байтул Макдисга бордилар. Сўнгра у ердаги катта харсангтош устида турганларида, Меърожга кўтарилдилар. Ҳозирда ўша тош устига кубба – гумбаз қурилган.

Меърожда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Жаброил алайҳиссалом ҳам бирга бўлдилар. Ҳар бир осмонга етганларида, у киши эшикни очишни сўраб эдилар. Кўриқчи фаришталар: «Ким?» деб сўрашарди. У киши: «Жаброил», деб жавоб берар эдилар. Улар: «Ёнингдаги ким?» деб сўрашарди. Жаброил алайҳиссалом: «Муҳаммад», десалар, улар эшикни очиб: «Шундайми? У Пайғамбар этиб юборилдими?» дея сўрашар эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир осмонда бир пайғамбар ва кўплаб фаришталар ила кўришдилар. Шунингдек, жаннат ва жаҳаннамнинг ҳолатини кўрдилар. Сидратул Мунтаҳога ўтиб, Аллоҳнинг малакут оламида кўпгина ажойиботларнинг гувоҳи бўлдилар. Ўшанда беш вақт намоз фарз қилинди. Сўнгра ортга қайтдилар.

Исро ва Меърож орқали Аллоҳ таоло Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оддий йўлбошчи эмас, балки анбиёлар жамоасининг аъзоси эканларини эълон қилди. У кишининг баъзи давлат ёки баъзи халқ равнақи учун курашадиган шунчаки бир бошлиқ эмас, балки самовий таълимот орқали бутун дунёни икки олам саодатига бошловчи охирги пайғамбар (хотимул анбиё) эканларини эълон қилди.

Исро ва Меърож Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳзунликдан чиқишлари учун туртки бўлди. У зот бу ҳодисадан

кейин ўзларини тамоман бошқача тута бошладилар. Шунинг учун ҳам бу ҳодиса мусулмон уммати тарихидаги доимо эслаб турилиши керак бўлган улкан ҳодиса ҳисобланади ва ҳозирги давр мусулмонлари томонидан алоҳида байрам қилинади.

Мавлид байрами ҳам мусулмон халқларида ўзига хос равишда нишонланадиган бўлиб қолган. Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламга иймон келтириш, итоат этиш, муҳаббат қилиш ва у зотдан ўрнак олиш вожиб бўлгани учун у зотнинг ҳаётлари, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганиш ҳам вожиб бўлади. Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлари, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганмай туриб, у зотга иймон келтириш, итоат этиш, муҳаббат қилиш ва у зотдан ўрнак олиш имкони ҳам йўқ. Бу масалада, бошқа кўпгина ҳолатлардаги каби, «Вожиб амални бажариш учун унга олиб борадиган нарса ҳам вожибдир» коидаси кучга киради.

Шунинг учун ҳам мусулмон уммати ўзининг дастлабки давридан бошлаб Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлари, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганишга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам тириклик пайтларида саҳобаи киромлар у зотнинг ҳаётларида содир бўладиган ҳар бир нарсани қанчалик аҳамият билан ўрганиб борганлари, ҳар бир сўзлари, ҳаракатлари, имо-ишораларини ҳам яхшилаб ёдлаб борганлари маълум ва машхур.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам рафийкул аълога интикол қилганларидан кейин, мусулмон уммати у зотга тегишли ҳар бир нарсани кўз қорачиғидек асрашга, ёдлашга ва қадрлашга бекиёс катта аҳамият бериб келди ва келмоқда. Мусулмон уммати Аллоҳ таолонинг каломи Куръони Каримни саҳифаларга ёзиб бўлганидан кейин, биринчи ўринда ёзган нарсаси ҳабиб пайғамбарларининг сийрати шарифлари бўлди.

Аввалги сийрат китобларининг ёзилишида саҳобалардан Ваҳб ибн Мунаббах (ҳижрий 10–34 йй), Урва ибн Зубайр (ҳижрий 23–94 йй), Абон ибн Усмон ибн Аффон (ҳижрий 22–105 йй) лар ҳаммага ўрнак бўлишди. Кейинроқ Ибн Исҳоқ ва Ибн Хишом каби сийрат илми имомлари чиқишди. Мусулмонлар оммаси айнан мазкур сийрат уламолари ёзган китоблардан ўз Пайғамбарлари алайҳиссаломнинг сийратлари, суннатлари, сифат-

лари, хулқлари ва хилқатларини ўрганар ва амал қилиб, ўрнак олар эдилар.

Вақт ўтиши билан турли халқлар, миллат ва элатларнинг вакиллари мусулмон бўлди, одамларнинг ташвишлари кўпайиб ровийлар санади билан битилган бир неча жилдли китобларни ўрганишлари қийинлашиб қолди.

Уламолар бу ҳолатни эътиборга олиб, уни муолажа қилишга ўтишди. Керакли уриниш ва изланиш ҳамда илмий ишлардан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида мухтасар сийрат китоблари юзага чиқди. Кишилар улар ёрдамида ўзларининг хабиб Пайғамбарларининг ҳаётлари, сийратлари, суннатлари, сифатлари, хулқлари ва хилқатларини ўрганадиган бўлишди.

Турли сабабларга кўра, вақт ўтиши билан халқ оммаси яна Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларидаги маълумотларни ўрганишда қийналадиган бўлиб қолди. Бу ҳол ўша вақтдаги мусулмон уламолар ва раҳбарларни ташвишга солди. Улар одамларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларидаги керакли маълумотларни осон ва таъсирли услубда етказиш ташвишини қилишди. Охири Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари ва сифатлари ҳақида шеърий услубда қисқа ва жамловчи асарлар тайёрлаб, халқ оммасини тўплаб, ўқиб эшиттириш маъкул кўрилди. Бу ишни амалга ошириш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган кунлари ва ойлари, яъни 12 Робийул аввал танланди.

Ушбу таклиф ҳаммага ёқиб тушди. Ироқда бошланган бу иш зудлик билан Ислом оламининг турли тарафларига тарқалди. Юқорида зикр этилган Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақларидаги шеърий асарлар «Мавлидун-Набий» ёки «Мавлид» деб аталди. Аста-секин мавлид ўқиш ва у зотга салават айтиш одамлар орасида одат тусига кирди. Вақт ўтиши билан бошқа ишлардаги каби, бу ишда ҳам асл мақсаддан оғиш, баъзи бидъат ва хурофотларга берилиш ҳолатлари ҳам содир этилгани сир эмас.

Бизнинг диёрларимизда мавлид маросимларида шомлик олим ва шоир Жаъфар Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳининг «Мавлид» номли асарини ўқиш одат тусига кириб қолган ва хо-

зиргача давом этмоқда. Бошқа юртларда мазкур асардан ташқари, бошқа асарлар ҳам ўқилади. Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Тоиф ва Ҳижознинг бошқа шаҳарларида турли шоирларнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мадҳларида айтган шеърларидан намуналар ўқилади.

Бу улуг санани нишонлашдан кўзланган бош мақсад эса, мусулмон умматига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари, суннатлари, сийратлари, ҳаётлари, ахлоқларини ўргатиш, таништириш ва ибрат ҳамда ўрнак олишларида ёрдам беришдир.

Охири пайтларда бу байрам кўплаб давлатларда ва халқаро миқёсда нишонланадиган бўлди. Кўпчилик мусулмон давлатларда расмий байрам – дам олиш куни деб эълон қилинди.

Ушбу мажозий байрамларни нишонлаш пайтида ҳам катта ва ҳақиқий байрамларнинг одобларига риоя қилинади. Бу тантаналарда ҳам муносабатларни, ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳурмат-эҳтиромни ривожлантириш, муҳтожларга ёрдам бериш, эътиборга сазовор кишилардан хабар олиш каби савобли ишлар қилинади. Одамларга халақит берадиган ва уларга нокулайлик туғдирадиган ишлардан сақланилади. Гуноҳ ва беодобликдан батамом четланилади.

ДАМ ОЛИШ ЖОЙЛАРИ ВА САЙРГОҲЛАР ОДОБИ

Инсон зоти ҳаёт сўқмоқларидан юриб борар экан, чарчаши, асабийлашиши, хориши турган гап. Бундай чарчокларни кундалик дам олиш ила чиқариб бориши ҳам оддий ҳолатга айланган. Аммо гоҳо-гоҳо унинг тузукрок ҳордиқ чиқаргиси, тоза ҳаво, гўзал табиий манзаралардан, тоғ ёки адирлар ҳавосидан, кўл ёки дарё сувидан баҳра олгиси, фарзандларини ўйнатгиси келиб қолади. Ушбу ва яна бошқа сабабларга кўра ҳозирги пайтда дам олиш жойлари ва оромгоҳларга эътибор кучайди. Бу билан баробар мазкур жойларга боғлиқ муаммолар ҳам пайдо бўлди. Бу муаммоларнинг энг асосийларидан бири дам олиш жойлари ва сайргоҳларда одамларнинг одоб-ахлоқлари, ўзларини тутиш маданиятига оид муаммолардир. Баъзи тарбия кўрмаган кишиларнинг мазкур жамоатчилик жойларида ўзларини тута билмасликлари, бир-бирларига озор беришлари, турли беодобликларга йўл қўйишлари кўпчиликни ранжитаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўз-ўзидан: мусулмон одам дам олиш жойлари ва сайргоҳларда қандай одобларга риоя қилиши керак, деган савол пайдо бўлади. Қуйида ана шундай саволларга жавоб излашга ҳаракат қилинади.

Турли мавсумларда дам олиш жойлари ва сайргоҳларга бориш йўлга қўйиладиган бўлса, бу иш аста-секин одатга айланиб қолиши турган гап. Бу ҳолат кўпчиликка тарқалганида эса, ижтимоий одатга айланади ва унинг ўзига хос одоблари юзага чиқади, уларга риоя қилиш эса барчага баробар лозим бўлади.

• *Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одобларидан бири муносиб жой танлашдир.*

Мусулмон инсон ўзининг дам олиши ва сайр қилиши учун аввало муносиб жой танлашга ҳаракат қилади. Жой танланаётганида, албатта, унинг ҳаром-ҳариш ва гуноҳ ишлардан холи жой бўлишига алоҳида эътибор берилади.

• *Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одобларидан бири ибодат ва одобларни унутмасликдир.*

Дам олиш чарчок, асабийлик ва бошқа кўнгилсизликларни кетказиш ишларига боғлиқ бўлади. Аммо дам олишда Аллоҳ таоло фарз қилган ибодатларни ва риоя қилиниши лозим бўл-

ган одобларни унутиб қўймаслик зарур бўлади. Дам оламан, деб ҳамма нарсани, ҳатто фарз бўлган ибодатларни ҳам унутиб қўйиш асло мумкин эмас.

• *Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одобларидан бири барча билан, хусусан, ўзларига хизмат қиладиган шахслар билан хуш муомалада бўлишидир.*

Баъзи дам олувчилар ва сайр қилувчилар ўзларига керагидан ортиқ эрк бериб, мазкур жойларнинг хизматчилари ва аҳолиси-га нисбатан қўпол муомалада бўлишни ўзларига эп кўришади. Бундай қилиш мутлақо мумкин эмас. Балки мазкур шахслар билан гўзал муомалада бўлиш ва уларга гўзал ахлоқ ила ўрнак бўлиш керак.

• *Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одобларидан бири ўша жойларда кўрган ажойиботлардан ибрат олишидир.*

Албатта, дам олиш ва сайр қилиш учун йўлга чиққан одам ер юзида юрар экан, кўплаб ажойиботларни кўради. Тоғу тошлар, дарёлар, дов-дарахтлар, экин-тикинлар, ранг-баранг гуллар ва ҳоказолардан завқ олади. Яхшилаб тафаккур қилиб кўрган одам учун мазкур нарсаларда жуда кўп ибратлар бор. Мусулмон инсон ер юзида сайр қилиб юрар экан, буларнинг барчасидан ибрат олиши керак.

Аллоҳ таоло Анкабут сурасида марҳамат қилади:

قُلْ سِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ بَدَأَ الْخَلْقَ ثُمَّ اللَّهُ يُنشِئُ النَّشْأَةَ

الْآخِرَةَ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٠﴾

«Ер юзида юриб, У Зот махлуқотларни қандай яратганига назар солинглар. Сўнгра Аллоҳ охират ҳаётини пайдо қилади. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир», деб айт» (20-оят).

Сайр қилиш мулоҳазали одамга катта манфаатлар келтиради. Инсон ер юзида кезиб юраркан, атрофига ибрат билан назар солганида, кўплаб ажойиботларни кўради. Жумладан, инсон ўзи яшаб турган жойда кўзига ўрнашиб қолган манзараларни тарк этиб, ер юзини кезса, зехни чархланиб-янгиланади, Аллоҳ махлуқотларни аввал бошда қандай яратишини ҳам осонлик билан англаб олади. Ҳа, ибрат назарини ишга солган инсонлар

бу ҳақиқатни дарҳол пайқайдилар. Буни пайқаган одам Аллоҳ таоло охиратда, Қиёмат кунда махлуқотларни яна қайта пайдо қилишига ҳеч шубҳаланмайдиган бўлади. Чунки «Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир».

Сайр килиб юриш жараёнида инсон кўзига кўринадиган ва ибратга сабаб бўладиган нарсалар ҳақида Куръони Каримдаги баъзи оятларда сўз кетган.

Аллоҳ таоло Нозийот сурасида марҳамат қилади:

وَالْأَرْضَ بَعْدَ ذَلِكَ دَحَاهَا ﴿٣٠﴾

«Ва ундан сўнг ерни тухум шаклида қилди» (30-оят).

Ерни яратган, шундай улкан нарсани турли шаклларга солган Зот – Аллоҳнинг қудратига қойил қолиш керак.

أَخْرَجَ مِنْهَا مَاءَهَا وَمَرْعَاهَا ﴿٣١﴾

«Ундан сувни, ўт-ўланларни чиқарди» (31-оят).

Ернинг ўзи жонсиз тупроқдан иборат, бир ўлик нарса. Аммо Аллоҳ таоло Ўз қудрати ила ўша ўлик нарсадан ҳаёт манбаи бўлган сувни ва вужуди униб-ўсиб турадиган ўт-ўланларни чиқаради. Бунга ҳам инсон фарзанди тан бериши, қойил қолиши керак.

وَالْجِبَالَ أَرْسَاهَا ﴿٣٢﴾

«Ва тоғларни барқарор қилди» (32-оят).

Улкан тоғларни собит қилган Зот – Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига ҳам инсон фарзанди қойил қолиши керак.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ ثَمَرَاتٍ مُخْتَلِفًا أَلْوَانُهَا
وَمِنَ الْجِبَالِ جُدَدٌ بَيضٌ وَحُمْرٌ مُخْتَلِفٌ أَلْوَانُهَا وَغَرَابِيبُ سُودٌ ﴿٣٧﴾

«Аллоҳнинг осмондан сув туширганини кўрмадингми? У ила турли ранглардаги меваларни ва тоғлардан турли ранглардаги – оқ, қизил ва қоп-қора сўкмоқларни чиқардик» (27-оят).

Бу оятда Аллоҳ таоло Ўзи яратган табиатдаги ажойиботларига эътиборни тортмоқда. У Зот ҳар бир ақлли бандасига хитобан, Ўзининг ажойиботларига эътибор беришни таклиф этмоқда.

«Аллоҳнинг осмондан сув туширганини кўрмадингми?»

Осмондан сув тушишининг ўзи Аллоҳнинг чексиз қудратига ёрқин далил бўлади. Ҳамма сувларни Аллоҳ таоло осмондан туширгандир. Баъзан бевосита ёмғир ёки қор кўринишида, баъзан эса муз шаклида ёғдиради. Улардан булоқлар, кудуқлар, кўллар, анҳор ва дарёлар ўз сувини олади. Бу сувдан ҳамма жонзотлар, ҳатто ўсимликлар ҳам фойдаланади.

«У ила турли ранглардаги меваларни...» чиқаради.

Ер ҳам, сув ҳам битта, аммо уларнинг ҳосили бўлмиш мевалар турли рангда, турли шакл ва турли таъмга эга бўлади. Шунинг ўзи Аллоҳ таолонинг чексиз қудрати далили эмасми? Аммо одам боласи бу улкан мўъжизага кўпинча эътибор беравермайди. Унга ибрат кўзи билан қарамайди. Масалан, инсон Аллоҳ яратган турли рангдаги ўша ўсимлик ва мевалар расмини Аллоҳ берган ақл, истеъдод ва кўл билан Аллоҳ берган рангларда чизган рассомга тасаннолар ўқийди, унинг расмлари учун кўргазмалар уюштиради, бунга одамлар эътиборини тортишга ҳаракат қилади, рассом маҳоратини кўкларга кўтариб мактайти, мукофотлар беради. Аммо буларни йўқдан бор қилган Зотни инкор этади. Унга куфр келтиради. Ҳолбуки, ранг-баранг меваларнинг ўзигина кишиларнинг иймонга келишлари учун старли далил-ҳужжатдир.

«...ва тоғлардан турли ранглардаги – оқ, қизил ва қоп-қора сўкмоқларни чиқардик».

Турли-туман ранг фақат меваларда эмас, балки улкан ва салябатли тоғларда ҳам бўлади. Тоғларда ҳам ранг-баранг – оқ, қизил, қоп-қора рангли сўкмоқлар бўлади. Шунингдек, тоғларнинг қоп-қоралари ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг биру борлиги ва чексиз қудрат соҳиби эканига далилдир.

Турли набототлар ва тоғларнинг яратилиши ҳақида эмас, ҳозирча фақат уларнинг ранглари ҳақида сўз юритайлик. Уларга Аллоҳ таоло ранг бермаса, ким ранг беради? Бунчалик турли-туман ранглар қаёқдан келади? Шунча нарсани бўяб чиқишга кимнинг қудрати етади?

وَمِنَ النَّاسِ وَالْذَوَابِّ وَالْأَنْعَامِ مُخْتَلِفٌ أَلْوَنُهُ، كَذَلِكَ

«Шунингдек, одамлардан, ҳайвонлардан ва чорвалардан ҳам турли ранглардагиларини (чиқардик)...» (28-оят).

Жамодот ва наботот олаmidан жонзотларнинг рангларига ўтайлик. Одамларнинг ранглари ҳам турлича: оқ, сарик, қора, жигарранг ва ҳоказо. Ҳамма инсонлар ҳам ер юзида яшайди. Ҳаммасининг ҳам жисми, яъни қомати, икки кўли, икки оёғи, боши ва бошқа аъзолари бир хил. Ҳаммаси ҳам сув ичиб, таом ейди. Бир ҳаводан нафас олади. Аммо ранглари турли-туман. Мана шунинг ўзиёқ Аллоҳ таолонинг биру борлигига ва чексиз қудрат соҳиби эканига ёрқин далилдир.

Худди шунингдек, турли жонзотлар ва чорва ҳайвонларининг ранглари ҳам инсонни ҳайратга соладиган даражада хилма-хилдир. Буларнинг ҳаммасининг яратилиши устида эмас, балки фақат ранглари, қай ҳикмат ила ҳозирги ҳолатга келиб қолгани ҳақида фикр юритар экан, инсоф билан ўйлаб кўрган одам мўмин-мусулмон бўлиши керак. Шулардан ибрат олиб, Аллоҳни эслаганларгина эсли-хушли, билимли инсон ҳисобланиши мумкин.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида марҳамат қилади:

وَهُوَ الَّذِي مَدَّ الْأَرْضَ وَجَعَلَ فِيهَا رَوَاسِي وَأَنْهَارًا وَمِن كُلِّ الثَّمَرَاتِ جَعَلَ فِيهَا زَوْجَيْنِ اثْنَيْنِ يُغْشَى اللَّيْلَ النَّهَارَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٣﴾

«У ерни ёйиб, унда барқарор тоғлар ва анҳорлар қилган, барча мевалардан жуфт-жуфт қилган Зотдир. У кечани кундузга қоплайдир. Бунда тафаккур қилувчи қавмлар учун оят(белги)лар бордир» (3-оят).

Ҳа, У Зот кўз ўнгингизда ерни чўзиб қўйгандир. Қаердан қарсангиз, қаршингизда ер чўзилиб ётибди. Буни ким қилган? Албатта, Аллоҳ қилган. Шу билан бирга, Аллоҳ

«...унда барқарор тоғлар ва анҳорлар қилган...»

Ердаги баланд тоғларни ким барпо этган? Ердаги анҳорларни ким оқизиб қўйган? Албатта, Аллоҳ. У

«...барча мевалардан жуфт-жуфт қилган Зотдир».

Агар меваларда жуфтлик – эркак ва урғочилик хусусияти бўлмаганида, мевага айланмас эди. Буни ким қилган? Албатта, Аллоҳ таоло.

«У кечани кундузга қоплайдир».

Кеча ва кундуз ҳам бир жуфтлик бўлиб, бир-бирини ўрайди. Навбат билан кеча кундузни, кундуз кечани ўраб туради. Бу жараён қанча асрлардан буён давом этиб келмоқда. Хўш, буни ким қилмоқда? Албатта, Аллоҳ таоло. Ушбу ҳодисаларни ҳар бир одам ўйлаб кўрмоғи лозим:

«Бунда тафаккур қилувчи қавмлар учун оят-белгилар бордир».

Дам олиш учун сайру саёҳатга чикқан одам мазкур оятлар чақириғига биноан ўзи кўрган ҳар бир нарсадан ибрат олиш пайдан бўлиши лозим. Шунингдек, сайру саёҳат чоғида ўтмишдан қолган осори атиқалар, харобалар ва ёдгорликлардан ҳам ибрат олиш керак.

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида марҳамат қилади:

فَكَأَيُّ مَن قَرِيَةٍ أَهْلَكْنَاهَا وَهِيَ ظَالِمَةٌ فِيهَا خَاوِيَةٌ عَلَى عُرُوشِهِمْ أُيُّرٌ مُّعْطَلَةٌ وَقَصْرٍ مَّشِيدٍ ﴿٤٥﴾

«Қанчадан-қанча шаҳар-кишлоқларни зулм қилувчи бўлган ҳолида ҳалок этдик. Улар (ҳозирда) шифтлари қулаган, ташландиқ қудуқ, (хувиллаган) юксак қаср (ҳолидадир)» (45-оят).

Ўтмишда зулм қилиб, пайғамбарларни ёлғончига чиқарган, куфр келтирган қанчадан-қанча юртларни Аллоҳ таоло вайрон этиб, одамларини ҳалок қилган. Ҳозирда улардан қолган асарларни: томи деворлари устига қулаб тушган уйларни, ташландиқ, фойдаланилмай қолган қудуқларни ва хувиллаган юксак қасрларни кўринг, уларга ибрат назари билан қаранг.

Шифтлари қулаб ётган бу уйларда бир вақтлар ўзига зеб берганлар, молу дунёсига ишонганлар, куч-қуввати ила керилган одамлар дабдабаю асъаса ичида яшар эдилар. Бу уйларда ҳаёт қайнар эди. Бу уйлар турли одамларга, зебу зийнатларга, ҳашам ва бойликларга тўлиб-тошган эди.

Ҳозир ташландиқ бўлиб ётган қудуқларнинг атрофи ҳам бир вақтлар обод, гавжум эди. Одамлар улардан тинмай сув олиб туришар эди. Сувга келганларнинг суҳбати билан у ерлар обод эди. Хувиллаб қолган юксак қасрларда эса ҳокимлар, бой-аслзодалар яшашарди. Минг йилликлар ичида бу қасрларда кимлар яшаб ўтмади, не-не ишлар бўлмади, дейсиз. Лекин уларда яшаганларнинг куфри, зулми туфайли ҳамма нарса барбод бўлди. Ўзлари ҳалокатга учрашди. Юртлари шу ҳолга тушиб, вайрон ва хароба бўлди. Уларнинг бу ҳолати ҳаммага ибрат бўлиши керак. Худди шу каби, ибрат олишлари учун Аллоҳ таоло бандаларини ер юзида сайр қилишга амр этган.

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида марҳамат қилади:

أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَتَكُونَ لَهُمْ قُلُوبٌ يَعْقِلُونَ بِهَا أَوْ آذَانٌ يَسْمَعُونَ
بِهَا فَإِنَّهَا لَا تَعْمَى الْأَبْصَارُ وَلَكِنْ تَعْمَى الْقُلُوبُ الَّتِي فِي الصُّدُورِ ﴿٤٦﴾

«Ер юзида юрмайдиларми, шунда уларда ақл юритадиган қалблар ёки эшитадиган қулоқлар бўларди. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, кўкслардаги қалблар кўр бўлур» (46-оят).

Ўша кофирлар ер юзида айланиб юрганларида, олдинги кофирлардан қолган асоратларни кўришар эди. Уларни кўриб, тафаккур қилганларида, қалблари таъсирланиб, ақллари кирар эди. Шифти кулаб тушган уйлар, ташландиқ қудуқлар, хувиллаб қолган қасрлар уларга яхшигина ибрат бўларди. Кўрганларидан хулоса чиқариб, ақлларини пешлаб олишар эди.

«Ер юзида юрмайдиларми, шунда уларда ақл юритадиган қалблар ёки эшитадиган қулоқлар бўларди».

Шунингдек, кофирлар ер юзида айланиб юрганларида, одамлар билан учрашиб, улардан олдинги золим кофир қавмлар нима учун ва қандай қилиб ҳалокатга учраганлари ҳақидаги ривоятларни эшитар, улардан ибрат олишар эди.

• *Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одобларидан бири ҳаромдан сақланиш ва кўзни тийишдир.*

Зотан, шариатда ҳаром қилинган нарсаларнинг барчаси ҳамма учун ўта зарарли нарсалардир. Мазкур зарарли нарсалардан муқим яшаш жойида ҳазар қилиш қанчалик аҳамиятли бўлса, ўша

нарсалардан сафар жойида ҳазар қилиш ҳам бундан-да аҳамиятлидир. Чунки яшаш жойида ҳаромдан ҳазар қилишда оила аъзолари ва таниш-билишларнинг ҳам ўрни бор. Баъзи одамлар «Оила аъзоларим, таниш-билишларим кўриб қолса, нима бўлади», деган мулоҳаза билан ҳам ўзини ҳаром ишлардан узоқ тутади. Худди мана шу савиядаги кишилар сафарга чиқиб, оила аъзолари, таниш-билишларидан узоқлашганида, мазкур ҳаром ишлардан ўзини сақлашга эътибор бермай кўйишлари мумкин. Шунинг учун ҳам «Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одоблари» бобида ҳаром ишлардан сақланиш алоҳида, қайта-қайта таъкидланади.

Кўзни тийиш масаласи ҳам худди шундай. Кўзни ҳаром нарсалардан тийиш жуда аҳамиятли иш. Чунки кўз ила кўриш орқали хаёл қочади, дил бузилади ва охири ҳаром ишга қўл урилади. Бу нарсага дам олиш ва сайру сафарда алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ذَٰلِكَ أَزْكَىٰ

لَهُمْ إِنَّ اللَّهَ خَيْرٌ مِمَّا يَصْنَعُونَ ﴿٣٠﴾

«Мўминларга айт, кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Ана шу улар учун покдир. Аллоҳ нима хунар қилаётганларидан хабардордир» (30-оят).

Шундай экан, мусулмонлар доимо ҳаром нарсалардан кўзларини тийишлари лозим. Бу ишнинг аҳамияти дам олиш жойлари ва сайргоҳларда ҳам зинҳор камаймайди.

• *Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одобларидан бири покзаликка эътибор беришдир.*

Ислому поклик дини экани, поклик иймондан экани ҳаммага маълум ва машҳур. Мусулмон инсон қайси соҳада бўлмасин, қандай жойда бўлмасин, покликка алоҳида эътибор бериши лозим. Орамизда шундай кишилар борки, ўз уйларида, иш жойларида бу таълимотларга ихлос билан амал қилишади-ю, жамоатчилик жойларида, жумладан, дам олиш ва сайргоҳларда бу нарсага безътибор бўлишади. Қўлларидagi чикиндиларни дуч келган тарафга ташлаб, чиройли жойларни булғатишади, ўтирган жойларини бирпас-

да ифлос қилишади. Бундай масканлардаги баъзи дам олувчилар қайтиб кетишганидан сўнг, ортларидан турли ахлат-чиқиндилар, овқат қолдиқлари сочилиб ётганини кузатиш мумкин.

Аслида эса мазкур дам олиш жойлари ва сайргоҳлар ҳам жамоатчилик жойи, уларнинг поклигига эса барча баробар масъулдир. Ҳар ким ўзи дам олган жойни ва сайр қилган ерини покиза тутиши лозим. Баъзи ҳолатларда тозалашга эҳтиёж туғилиб қолганда, яхшилаб тозалаш ҳам керак.

Зотан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга турар жойларимиз саҳнини, ҳовлиларни тоза, покиза тутишга амр қилганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْإِيمَانُ بِضْعٌ وَسَبْعُونَ أَوْ بِضْعٌ وَسِتُّونَ شُعْبَةً، فَأَفْضَلُهَا قَوْلُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَدْنَاهَا إِمَاطَةُ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ، وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيمَانِ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иймон етмиш нечта ёки олтмиш нечта шубадан иборатдир. Унинг энг афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейиш ва энг кичиги йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё иймоннинг шубасидир», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда ерни бировлар ташлаган нарсадан тозалаш ҳақида сўз кетмоқда. Бундан эса булғатадиган, бошқаларга озор берадиган, кўнгилни нохуш қиладиган нарсаларни ерга ташламаслик лозимлиги келиб чиқади. Мабодо ташланган бўлса ҳам, ташлаган одамнинг ўзи тозалаб кўйиши зарур. Баъзи одобсиз кишилар томонидан шундай нарсалар ташланган бўлса, уларни олиб, тозалаган одам ажр-савобларга эга бўлади. Ушбу таълимотларга амал қилиб, барча жойларимизни, жумладан, дам олиш ва сайр қилиш масканлари каби жамоат жойларини тоза, покиза тутишга эътиборли бўлишимиз лозим.

• **Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одобларидан бири – хизмат кўрсатиш тармоқларига яхши муносабатда бўлиш.**

Дам олиш ва сайр қилиш жойларида кўпчиликка қулайлик яратиш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари мавжуд бўлади. Мисол учун, таҳоратхоналар, ўриндиклар, соябонлар, сув жумраклари, ёритиш асбоблари ва бошқаларнинг узоқ вақт ҳамда иложи борича кўпроқ хизмат қилиши кўзланади. Уларни муҳайё қилиш учун кўплаб маблағ ва меҳнат сарфланади. Дам олувчиларнинг ҳар бири буни зинҳор эсдан чиқармаслиги ва хизмат тармоқларига оид нарсаларга зарар етказмаслиги лозим. Зотан, Иломда ҳеч бир нарсага талофат етказишга рухсат йўқ. Балки ҳар бир нарсани авайлаб-асраш керак. Ўша нарсалар ўзиники бўладими, ўзганики бўладими, фарқи йўқ. Динимиз бизларни бузишга эмас, тузатишга, ислоҳ қилишга, хароб қилишга эмас, обод қилишга буюрган. Аллоҳ таоло Куръони Каримда бузғунчиликни қаттиқ қоралаган.

У Зот Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَإِذَا تَوَلَّى سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهْلِكَ الْحَرْثَ وَالنَّسْلَ
وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْفُسَادَ

«Ва бурилиб кетганда, ер юзида бузғунчилик қилиш ҳамда экин ва наслни ҳалок этиш учун ҳаракат этадир. Аллоҳ эса бузғунчиликни суймас» (205-оят).

Мусулмон инсон ҳеч бир нарсага зарар, талофат етказмасликка ҳаракат қилиши лозим.

عَنِ الْمُغْبِرَةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ كَرِهَ لَكُمْ قَيْلَ وَقَالَ، وَكَثْرَةَ السُّؤَالِ، وَإِضَاعَةَ الْمَالِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ.

Мугйира розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ сизларга қийлу қолни, кўп саволни ва молни зое қилишни ёмон кўрди», дедилар».

Аҳмад ва Тобароний ривоят қилган.

Бас шундай экан, дам олиш ва сайр қилиш жойларидаги ойналарни синдириш, ўриндиқларни пачоқлаш ёки йиртиш, ёриш асбобларига тош отиш, тўсиқларни йиқитиш, гул ва ўсимликларни юлиш, эшикларга турли ёзувлар ёзиш, қулфларни кўчириш, жўмракларни ишдан чиқариш каби зарарли ишларга кўл уриш мусулмон инсон учун мутлақо мумкин эмас.

Хусусан, бу борада ёш болаларга жуда эҳтиёт бўлиш керак. Кўпинча дам олиш жойларида катталарнинг болаларни қаровсиз қолдиришлари оқибатида улар шўхлик килиб, кўп нарсаларга талофат, зарар етказишади. Шунинг учун болаларни доимий равишда кузатиб туриш ва уларни қаровсиз қолдирмаслик чораларини излаш керак бўлади.

• *Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одобларидан бири – ўзгаларнинг зарарли одат ва тушунчаларидан салбий таъсир олмаслик.*

Баъзи ҳолатларда дам олиш ва сайр қилиш давомида кўпчилик билан алоқада бўлишга ҳам тўғри келади. Мана шундай ҳолатларда ўзгаларнинг кийиниши, ўзини тутиши, одатлари ва тушунчаларидан салбий таъсир оладиган кишилар ҳам топилиб қолади. Албатта, бу каби ҳолатлардан эҳтиёт бўлиш керак. Балки бундай ҳолларда яхши ва фойдали ўрнак олишга ҳаракат қилиш зарур.

ЁШЛАР ОДОБИ

Инсон ҳаётининг ҳар бир босқичи муҳимдир. Мазкур муҳим босқичлар ичида умрнинг ёшлик босқичи алоҳида аҳамиятга эгадир. Ёшлик инсон умридаги энг нозик давр ҳисобланади. Ёшлик инсоннинг қувватга тўлган ва ҳаракатчанлиги зиёда бўлган вақтидир. Шу билан бирга, ёшлик даври инсоннинг ҳаёт йўлларининг чорраҳасида турган пайти ҳамдир.

Агар ўша чорраҳада инсон яхши йўлга кириб қолса, ўзи, оиласи, қариндошлари, халқи, ватани учун жуда катта яхшилик сари юз бурган бўлади. Бу уни дунё ва охират бахтига, саодатига эриштиради. Агар, Аллоҳ таоло кўрсатмасин, мазкур чорраҳада ёмон йўлга бурилиб кетса, ўзи, оиласи, қариндошлари, халқи ва ватани учун ўта кўнгилсиз ҳодиса сари қадам қўйган бўлади. Бу билан унинг дунё ва охиратда яхшиликка эришиши кийинлашиб қолади.

Ёшлар ҳар бир миллатнинг келажаги эканини ҳисобга оладиган бўлсак, уларга эътибор беришнинг аҳамияти яна ҳам зиёдалашади. Зотан, ҳар бир шахснинг ким бўлиши ёшлигидан аён бўлади, унинг камолоти айнан ёшликдан бошланади. Ёшлик пайтида шаклланиб қолган сифатлар инсонга умр бўйи ҳамроҳ бўлади. Шунинг учун ҳам ёшларнинг одобли бўлишлари учун ҳаракат қилиш жуда аҳамиятли иш ҳисобланади.

Шу боис ҳам Аллоҳ таолонинг охирги ва мукамал дини, Қиёматгача боқий қолувчи дини, барча замонлар ва маконларда инсониятга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб берувчи дини – Исломда ёшларга алоҳида эътибор қаратилган. Куръони Каримда Аллоҳ таоло содиқ мўмин бандаларини сифатлашда уларнинг ёш эканликларини таъкидлагани ҳам келган.

Аллоҳ таоло Каҳф сурасида марҳамат қилади:

إِنَّهُمْ فَتِيَةٌ آمَنُوا بِرَبِّهِمْ

«Улар Роббларига иймон келтирган йигитлардир» (13-оят).

Ёшлик даври инсон учун берилган илоҳий неъматлардан бири бўлиб, инсон мазкур неъматга шукр қилиши, бунда асло

ношукур бўлмаслиги зарурдир. Ҳар бир неъматнинг шукри эса неъмат берувчи Зотга мақтов сўзларини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш ва энг муҳими, берилган неъматни неъмат берувчи Зотни рози қиладиган тарзда тасарруф қилиш ила юзага чиқади. Демак, ёшлик неъматига шукр қилиш айна ўша ёшликни Аллоҳ таолони рози қиладиган тарзда ўтказиш билан бўлади. Бунинг устига, ёшлик Қиёмат куни ҳисобга олинадиган неъматлардан эканини ҳам унутмаслик керак.

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا تَزُولُ قَدَمَا ابْنِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عِنْدِ رَبِّهِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ حَمْسٍ: عَنْ عُمْرِهِ فِيمَا أَفْنَاهُ، وَعَنْ شَبَابِهِ فِيمَا أَبْلَاهُ، وَمَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ، وَفِيمَ أَنْفَقَهُ، وَمَاذَا عَمِلَ فِيمَا عِلِمَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Қиёмат куни одам боласининг қадами то ундан беш нарса ҳақида: умрини нимага сарфлагани, ёшлигини нимага кетказгани, молини қаердан касб қилгани ва қаерга сарфлагани, билганига қандай амал қилгани ҳақида сўралмагунича, Робби ҳузуридан узилмайди».

Термизий ривоят қилган.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам ёшликнинг инсон боласи ғанимат билиши лозим бўлган беш нарсадан бири эканини таъкидлаганлар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لِرَجُلٍ وَهُوَ يَعْظُهُ: «اغْتَنِمْ خَمْسًا قَبْلَ حَمْسٍ: شَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمِكَ، وَصِحَّتَكَ قَبْلَ سَقَمِكَ، وَغِنَاءَكَ قَبْلَ فُقْرِكَ، وَفِرَاعَكَ قَبْلَ شُغْلِكَ، وَحَيَاتَكَ قَبْلَ مَوْتِكَ». رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Беш нарсани беш нарсадан олдин ғанимат бил: ёшлигинини қа-

рилигиндан олдин, соғлигингни беморлигиндан олдин, бойлигингни камбағаллигиндан олдин, бўшлигингни машғуллигиндан олдин ва ҳаётингни ўлимидан олдин».

Ҳоким ва Байҳақий ривоят қилган.

Исломнинг ёшликка берган бу каби олиймақом аҳамияти бизларни унинг қадрига етишга чорлайди. Ёшликнинг қадрига етиш, уни ғанимат билиш ва ундан унумли фойдаланиш эса динимизда белгиланган ёшлик одобларига амал қилиш ила юзага чиқади.

• **Ёшлик одобларидан энг муҳими ота-онага яхшилик қилишидир.**

Қуръони Каримда ота-онага яхшилик қилиш қанчалар олийжаноб иш эканини баён этувчи оятлар кўплигини ҳозирги кунда мусулмон бўлмаган кишилар ҳам яхши биладиган бўлиб кетишди.

Агар мазкур оятлар тўла келтириб ўтилганида, яхши бўлур эди. Аммо гапни чўзмаслик мақсадида факат имом Бухорий ўшбу бобга сарлавҳа қилиб олган оят бўлагини ва унинг қисқа тафсирини тақдим этиш билан кифояланамиз.

Аллоҳ таоло Анкабут сурасида марҳамат қилади:

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حُسْنًا

«**Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик**» (8-оят).

Ота-она ҳар бир инсон учун жуда мўътабар, эъзозли, алоҳида эҳтиромга лойиқ кишилардир. Ислом дини ота-она ким бўлишидан қатъи назар, уларни хурмат-эҳтиром қилишга буюради. Дунёда Исломчалик ота-онанинг хурматини юқори қўйган бошқа бирор таълимот, тузум йўқдир.

Ота-она мўмин бўлса ҳам, кофир бўлса ҳам, ким бўлишларидан қатъи назар, уларга яхшилик қилиш мусулмон фарзанднинг бурчидир. Уларнинг амрини бажариш ҳам фарзандликнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِنْدَكَ
الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا آفٍ وَلَا نَهْرُهُمَا وَقُلْ لَهُمَا
قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар хузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, уларга «Уфф», дема, уларга зажр қилма ва уларга карамли сўз айт!» (23-оят).

Ушбу ояти каримада ягона маъбудга – Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга амр этилмоқда. Шундан сўнг бевосита ота-онага яхшилик қилиш буюрилмоқда.

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди».

Бу Аллоҳнинг бандаларига амри, буйруғи, фармонидир. Бу бандалар ихтиёрига ташлаб қўйилган шунчаки иш эмас. Хоҳласа қилиб, хоҳламаса қилмайдиган ҳаваскорлик машғулоту ҳам эмас. Қариб, ҳеч нарсага ярамай қолганда юзланадиган кўнгилхушлик ҳам эмас. Бу амр Аллоҳ таолонинг қатъий ва ўзгармас буйруғидир. Бу буйруқни бажариш ҳар бир банданинг бурчидир.

Аллоҳнинг ибодатидан кейин келадиган иш ота-онага яхшилик қилишдир. Бу ҳам Аллоҳнинг амри. Аллоҳ таоло Ўзига ибодат қилишга чақирганидан кейин шу жумланинг давомида ота-онага яхшилик қилишни таъкидламоқда. Бу икки ҳукм бир оятдаги бир жумлада баён қилинишининг ўзиёқ Исломда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улуғ эканини кўрсатади.

«Агар хузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, уларга «Уфф», дема».

Бу жумланинг «уфф» сўзига боғлиқ икки хил маъноси бор. Бир маъноси – ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилма, дегани бўлса, иккинчи маъноси – ота-онанг олдида «Уфф», дема, улар «Болам оғир ҳолга тушибди», деб озорланадилар, деганидир.

«...уларга зажр қилма ва уларга яхши сўз айт!»

Ота-онангга ҳеч бир озорни раво кўрма! Қандай яхши сўз бўлса, ўшани ота-онангга раво кўр!

Демак, ёшлар ота-оналарига шариат кўрсатмаси доирасида қўлларидан келган барча яхшиликларни қилишга интилишлари лозим.

• **Ёшлик одобларидан бири ёши улуғларни эҳтиром қилиши ва уларнинг таърибасидан фойдаланишидир.**

Ёшлар ўзидан катта ёшдаги ҳар бир кишини, хусусан, қари ёшдаги отахон ва онахонларни эҳтиром қилиши зарурлиги динимизда катта аҳамият берилган одоблардан биридир. Ушбу ҳақиқат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қанча ҳадиси шарифларида ўз ифодасини топгандир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا، وَيَعْرِفْ حَقَّ كَبِيرَنَا، فَلَيْسَ مِنَّا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким кичигимизга раҳм қилмаса ва каттаимизнинг ҳаққини билмаса, биздан эмас», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Барча мусулмонлар, хусусан, ёшлар катталарнинг ҳурмати-ни, эъзозини жойига қўйишлари лозим. Бу иш мўминликнинг рамзи, Ислоҳ жамияти аъзосининг белгисидир. Катта ёшдагиларга ҳурмат кўрсатмаган одам ана шу муборак рамзни йўқотади. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бундай одам биздан эмас», деяптилар. Буни яхши англаб, амал қилишимиз, катталарга ҳамиша ҳурматда бўлишимиз керак.

عَنِ الْأَشْعَرِيِّ قَالَ: إِنَّ مِنْ إِجْلَالِ اللَّهِ إِكْرَامَ ذِي الشَّيْبَةِ الْمُسْلِمِ، وَحَامِلِ الْقُرْآنِ غَيْرِ الْعَالِي فِيهِ وَلَا الْجَانِي عَنْهُ، وَإِكْرَامَ ذِي السُّلْطَانِ الْمُقْسِطِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Ашъарий айтади:

«Соч-соқоли оқарган мусулмонни, Куръонни ёд олган, унда ғулувга кетмаган ҳамда унга жафо қилмаганини ва адолатли ҳукмдорни икром қилиш Аллоҳни улуғлашдандир».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Демак, соч-соқоли оқарган мусулмон кишини икром қилиш, хурматини жойига қўйиш Аллоҳ таолони улуғлашнинг бир кўриниши экан. Ҳар бир ёш бу ҳақиқатни зинҳор унутмаслиги ва кекса кишиларнинг эҳтиромини жойига қўйиши зарур.

Шу билан бирга, уларнинг тажрибаларидан фойдаланишга ҳаркат қилиш ҳам лозим. Чунки кекса кишилар ҳаётнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини татиган, кўплаб воқеа-ҳодисаларни бошдан кечирган бўлишади. Уларнинг тажрибаларини ўрганган кишилар катта фойдага эга бўлишлари табиий. Кексаларнинг тажрибасини ўрганиш жараёнида ёшлар улар йўл қўйган ҳатоларни такрорлашмайди ва улар қийналиб эришган ютуқларга осонлик билан эришадилар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшларнинг кексалардан тажриба ўрганиши туфайли ёшликнинг қуввати билан кексаликнинг ҳикмати қоришиб, катта манфаатлар қўлга киритилади.

• Ёшлик одобларидан бири олийжаноб ахлоқларга аҳамият бериб, улар билан хулқланишидир.

Мусулмон ёшлар гўзал ахлоқ билан хулқланиш борасидаги барча зарур ишларни амалга оширишга тинимсиз ҳаракат қилишлари лозим. Зотан, яхши хулқ ҳар бир инсоннинг зийнатидир. Динларнинг мукаррами ва мукаммали бўлмиш Ислом ёшларни гўзал ахлоқ асосида тарбиялашни энг муҳим вазифа даражасида кўради. Чунки жамият аъзоларининг яхши хулқи, ҳалол ва пок бўлишини орзу қилсагу, аммо ўша жамиятнинг келажаги бўлмиш ёшлар тарбияси ҳақида қайғурмасак, ниятларимиз сароблигича қолаверади.

Аллоҳ таоло Қалам сурасида марҳамат қилади:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ ﴿١﴾

«Сен буюк хулқдасан» (4-оят).

Ушбу хитоб ила Аллоҳ таоло Ўзининг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нақадар чиройли ахлоқ эгаси эканларини таъкидламоқда. Демак, у зотга уммат бўлган ёшлар бу борада ўз Набийлари соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишлари лозим.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўзларининг қарамли, гўзал ахлоқлар ила юборилганларини таъкидлаганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам дедилар: «Мен карамли ахлоқларни комил қилиш учун юборилганман».

Байҳақий ривоят қилган.

Шунинг учун ҳам мусулмон ёшлар доимо карамли ахлоқлар ила хулқланиш пайида бўлишлари лозим. Улар барча бадхулқликлардан, одобсизликлардан, иллат ва қусурлардан узокда бўлишлари талаб этилади.

• *Ёшлик одобларидан бири шайтоннинг игвосидан ва ноқобил улфатлардан ҳазир бўлишидир.*

Мусулмон ёшлар шайтоннинг игвосига учиб қолмаслик чораларини кўриб юришлари лозим. Зотан, лаънати шайтон айнан ёшларни йўлдан уришга жуда ўч бўлади. Шайтон ёшларга ҳавойи нафсга эргашишни чиройли кўрсатади. Уларга ўзининг доимий чакириғи бўлмиш «Ёшлигингда ўйнаб қол, гуноҳ нима қилади» деган гаплар билан васваса қилади. Бу ҳақда Куръони Каримда шайтоннинг тилидан очик-ойдин айтиб кўйилган.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

قَالَ فِيمَا آغْوَيْتَنِي لأَقْعُدَنَّ لَهُمْ صِرَاطَكَ الْمَسْتَقِيمَ ﴿١٦﴾ ثُمَّ لَاتَبْنَهُنَّ مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ وَمِنْ خَلْفِهِمْ وَعَنْ أَيْمَانِهِمْ وَعَنْ شَمَائِلِهِمْ

«У деди: «Мени йўлдан оздирганинг сабабли, уларга тўғри йўлингда албатта тўғаноқ бўламан. Сўнгра уларга олдиларидан, орқаларидан, ўнг томонларидан ва чап томонларидан келаман» (16-17-оятлар).

Иблис ушбу ваъдасини доимо бажариб келмоқда. Айниқса, сўнги вақтларда унинг лашкарлари ҳаддан зиёд кўпайди. Инсон қаерга юз бурмасин, ҳар кадамда уларга дуч келади. Аллоҳ таоло инсонга ақл ва дин бериб, уни синашни ирода қилгани учун, Иблисни эмин-эркин кўйиб қўйган. Инсон ақлига бўйсу-

ниб, Аллоҳга итоат этса, шайтонга қарши исён қилса, ўзидаги ёвузликдан ғолиб келса, фариштадан ҳам устун бўлади. Аммо аклини ишга солмай, Раҳмон ҳукмини бажармай, нотўғри, залолат йўлларидан юрса, иблисдан ҳам баттар бўлади.

Шайтон ёшларни йўлдан уриш учун ўзининг барча аскарларини ишга солади. Унинг аскарлари эса жуда кўп. Шулардан куйидаги учтаси айниқса бугунги кунда ўта хавфлидир:

• *Ёшларни игвога соладиган шайтон малайларидан энг ашаддийси нафс шаҳватидир.*

Бу шаҳват ёшларга бошқа жинсдаги шахслар билан: йигитларга қизлар билан, қизларга йигитлар билан ҳаром-ҳариш алоқалар ўрнатиш йўлида игво қилади.

Бу шаҳват ёшларни кашандалик, ароқхўрлик, нашавандлик каби ҳалокатли иллатлар сари чорлайди.

Бу шаҳват ёшларни киморбоз, бузғунчи ва текинтомоқ бўлишга чорлайди. Демак, барча ёшларимиз, йигит ва қизларимиз лаънати шайтоннинг «нафс шаҳвати» номли малайидан эҳтиёт бўлишлари лозим.

• *Ёшларни игвога соладиган шайтон малайларидан яна бири ёмон дўстлардир.*

Шайтонга малай бўлган бундай дўстлар бирга ўқиётган синфдошлари ёки курсдошларидан, маҳалладан, қавму қариндош ичидан ҳам бўлиши мумкин. Шайтоннинг ушбу турдаги малайларидан ҳам ҳар бир йигит-қиз ниҳоятда эҳтиёт бўлиши, уларнинг игвосига учиб, ёмон йўлга кириб кетмасликка ҳаракат қилиши лозим.

Ёшларимиз ўзларига дўст танлашда жуда эҳтиёт бўлишлари, ўйлаб иш тутишлари даркор. Улар билиб-билмай ароқхўр, қиморбоз, бузук кимсалар билан дўстлашиб қолишмасин. Акс ҳолда, «Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади», деганларидек, ёмон дўстнинг касофати уриб қолиши турган гап.

• *Ёшларни игвога соладиган шайтон малайларидан яна бири бузук йўлларга чақирувчи динлар, фирқалар, оқим, ҳизб ва гуруҳлардир.*

Ҳозирги кунларда шайтоннинг бу турдаги малайлари ҳам жуда кўпайган. Улар турли давлатлар, ўлкалар ва юртларга ҳар томон-

дан турли ялтироқ номлар ва чақириқлар билан сукилиб кириб келмоқда. Баъзи содда ёшлар уларнинг тўрига тушиб қолиб, ўзларининг, ота-оналари, оила аъзолари, қавму қариндош ва яқинларининг хижолатда қолишларига сабаб бўлишмоқда. Бундай ёвуз кучлардан ёшларимиз ҳар лаҳзада огоҳ бўлиб туришлари, ўзликларини, динлари, мазҳаблари, миллатларини унутмасликлари лозим.

Барча ёшларимиз лаънати шайтондан ва унинг турли-туман малайларидан ҳазир бўлишлари, уларга зинҳор яқинлашмасликлари керак. Уларнинг ўзларига ашаддий душман эканини бир лаҳза ҳам унутмасликлари лозим.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمْ عَدُوٌّ فَاتَّخِذُوهُ عَدُوًّا إِنَّمَا يَدْعُوا حِزْبَهُ لِيَكُونُوا مِنْ أَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿٦﴾

«Шайтон сизга душмандир. Уни душман деб билинг. У ўз гуруҳини фақат ловуллаган олов сохиблари бўлишларига чақиради, холос» (6-оят).

Ҳар бир ёш ушбу ояти каримадаги маънони яхши тушуниб етиши, шайтонни ўзига душман тутиши ҳамда унинг ва малайларининг иғвосига учиб колмаслик учун барча керакли чоратадбирларни кўриб юриши лозим.

• **Ёшлик одобларидан бири келажакка умид билан қараш ва етук инсон бўлиш учун ҳаракат қилишдир.**

Ҳар бир ёш йигит-қиз ўз келажаги ҳақида тўла ва мукамал тушунчага эга бўлиши ҳамда ҳаётдан кўзлаган мақсадини аниқ белгилаб олиши керак. Албатта, аниқ ва равшан мақсадга эга бўлиш химматни оширади ҳамда ўз эгасини олий мақомларга эришишга чорлайди. Шу омиллар туфайли ёшлар Аллоҳ таолонинг ёрдами ила ўзлари, оилалари, халқлари ва бутун инсоният учун яхшилик келтирадиган инсон бўлиб етишадилар.

Атрофдагилар билан гўзал тарзда яшашга интилган одобли мусулмон дўстга ҳам, душманга ҳам ўзини хор тутмасдан, уларнинг ҳайбатидан чўчимасдан, кибрдан йироқ ўлароқ, эҳтиром ва тавозе ила муомала қилади. Барча ишларида мўътадил бўлишга ҳаракат қилиб, бир тарафга оғиб кетмайди.

Одобли киши жамоатчилик ичида бўлганида, атрофга алангламайди, ўтирганида, бўлар-бўлмасга ҳадеб типирчиламайди. Бармоқларини бир-бирининг ичига киритмайди, соколини ва узугини ўйнамайди. Тишларини кавламайди бармоқларини бурнига сукмайди. Атрофига тупурмайди, томоқ киравермайди, керишмайди ва одамларнинг юзига қараб эснамайди.

У сокин, вазминлик билан ўтиради. Шошилмасдан, тартибли ва аниқ гапирди. Сўзловчининг гапига диққат билан қулоқ осадди, унинг гапидан ўта ажабланиб кетганини изҳор қилмайди, гапини такрорлашини сўрамайди. Беодобларча ҳаёсиз, шалоқ гапларни гапирмайди. Ўзининг боласи, ходими, шеъри каби шахсий нарсаларини мақтамайди.

Кийиниш борасида ясанишга ўч бўлмайди. Шунингдек, ўта хароб, хунук даражада кийинмайди. Хушбўйлик ишлатишда хаддидан ошмайди.

Мусулмон киши молини обрўсидан устун кўймайди. Молининг миқдорини бировга билдирмайди. Чунки бошқалар молининг озлигини билсалар, паст санашлари, агар кўплигини билсалар, тама қилишлари мумкин.

Кишилар ҳузуридаги виқори кўполлик, мулойимлиги заифлик даражасига етмайди. Ўзидан паст даражадагилар билан ҳазиллашмайди. Чунки бу нарса унинг виқорини туширади. Ҳожатини чиқаришда ўзини пастга урадиган даражада ўта ялинчоқ бўлмайди. Ҳеч кимни зулмга чорламайди.

Бирор киши билан тортишиб қолганда, виқор билан туради. Жаҳлни четга суради, шошилмайди. Гапига хужжати ни яхшилаб ўйлаб олиб, сўнг гапирди. Сухбат асносида қўл силташни кўпайтирмайди, орқасидагиларга қарайвермайди. Тиззалаб ўтирмайди. Аччиғидан тушганидан кейин, оҳиста гапирди.

Мансабдор шахс уни ўзига яқин олса, у билан худди найзанинг учида тургандек, эҳтиёткорлик ила муомалада бўлади. У бирор гапи ёки хатти-ҳаракати ўзининг зиддига бўлиб қолиши ҳам мумкинлигини унутмайди. Мансабдорга худди ёш болага мулойимлик кўрсатгандек муомалада бўлади. Маъсият аралаштирмасдан, унга ёқадиган гапларни гапирди.

Фақат хурсандчиликларида, мансаби ёки бойлиги бўлганидагина, дўст тутинадиганлардан эҳтиёт бўлади. Чунки бундай кишилар душманларнинг душмани бўлади.

Бирор мажлисга кирганда, олдин салом беради ва ўтирганларнинг орасини ёриб ўтмайди. Қаерда бўш жой бўлса, ўша ерга ўтиради. Тавозе кўрсатади. Ўтираётиб, ўзига яқиндагилар билан алоҳида сўрашади.

Йўл устида ўтирмайди. Агар ўтиришга мухтож бўлиб қолса, кўзни тийиш, мазлумга, заифга ва фалокатга учраганга ёрдам бериш, адашганга йўл кўрсатиш, саломга алик олиш, тиланчига ато бериш, лозим бўлганда амру маъруф, наҳйи мункар қилиш каби йўл одобларини жойига қўяди.

Қиблага ва ўнг тарафига қараб туфламайди, балки чап тарафига ёки оёғи остига туфлайди.

Улуғ ва шарафли кишилар суҳбатида ўтирганда, ғийбат ва ёлғондан мутлақо четда бўлади. Суҳбатдаги сирларни саклайди. Хожатини кўп гапирмайди. Сўзларни танлаб, эҳтиёт бўлиб гапиради. Доимо хушёр бўлиб ўтиради.

Авомуннос – оми одамлар билан ўтирганда уларнинг гапига шўнғиб кетмайди. Уларнинг миш-миш ва уйдирмаларига унча эътибор бермайди. Беодоб лафзларига нисбатан ўзини билмаганга солади.

Ноўрин ҳазил ва мазахдан эҳтиёт бўлади. Ақлли одамни мазах қилса, унинг нафратига учрайди, эсипастни мазах қилса, уни ўзи билан тенг кўрган бўлади. Мазах кишидан ҳайбатни кетказди ва юзни шувут қилади. Шунингдек, у ҳикду ҳасадга ва дўстлик ҳаловатининг кетишига сабаб бўлади.

БОШҚА ДИНДАГИЛАР БИЛАН МУОМАЛА ОДОБИ

Мусулмон шахснинг бошқа дин вакиллари билан алоқаси ҳам ўз динининг таълимотлари асосида бўлади. Бу алоқалар Қуръони Карим ва Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатлари ва сийратларида ўз аксини топган. Ислom самовий динларнинг барчаси асли бир, ҳаммаси Аллоҳдан, деб эълон қилади.

Аллоҳ таоло Шуру сурасида марҳамат қилади:

شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّى بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ

«У Зот сизларга дин этиб, Ўзи Нухга васият қилган ва сенга ваҳий қилган ҳамда Иброҳим, Мусо ва Ийсога васият этган нарсамизни шариат қилди: «Динни барпо қилингиз ва унда тафрикага тушмангиз!» (13-оят).

Ҳа, Нух, Иброҳим, Мусо ва Ийсо алайҳиссаломларга дин юборган Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам Ислom динини юборган. Уларни набий сифатида танлаб олган. Шу билан бирга, Аллоҳ томонидан юборилган мазкур набийларга бир хил фармон ҳам бўлган. Бу фармон «Динни барпо қилинглр, унда тафрикага тушманглр», деган илоҳий амрдир.

• Мусулмон инсон Аллоҳ таоло томонидан юборилган набийларнинг барчасига, уларга нозил қилинган китоб ва саҳифаларга бирдек иймон келтириши, улардан бирортасини фарқлаб, четга чиқариб қўймаслиги лозим.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

قُولُوا ءَامَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا مِنْ رَبِّهِمْ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَى وَعِيسَى وَمَا أُوتِيَ النَّبِيُّونَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴿١٣٦﴾

«Айтингиз: «Аллоҳга ва бизга нозил қилинган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодига нозил

қилинган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва набийларга Роббларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз ва биз Унга мусулмонлармиз» (136-оят).

Ушбу ояти каримага биноан, ҳар бир мусулмон одам Аллоҳ таоло томонидан юборилган ҳамма набийларга Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтиргандек иймон келтириши, Аллоҳ таоло томонидан туширилган китобларга Куръони Каримга иймон келтиргандек иймон келтириши лозим. Агар улардан бирортасига иймон келтирмаса ёки уларни беҳурмат қилса, мусулмонлиги қолмайди.

Аммо бу таълимотларни, баъзи билимсиз кишилар ҳозирда таъкидлаётганидек, «ҳамма дин ҳам бир, қай бирига эргашса ҳам бўлаверади» кабилида тушунмаслик лозим. Аллоҳ таоло Исломдан бошқа динни қабул қилмаслигини Ўз Китобида эълон қилиб қўйган.

Исломда мусулмонларга бошқа дин вакилларига яхши муомала қилиш топширилган ва уларнинг динига кириб кетишларига рухсат берилмаган. Ислом мусулмонларнинг бошқа динлар вакиллари билан яхши алоқалар олиб боришлари Аллоҳ таолонинг кўрсатмалари асосида бўлишини таъкидлаган. Ушбу мавзудаги барча рухсат ва кенгчиликлар Ислом ва мусулмонларга зарар етмаслиги ва шариат қоидаларига хилоф иш бўлмаслиги шarti билан жорий этилгандир.

• *Мусулмон киши бошқа динларга эътиқод қилувчи кишиларга ёмонлик қилмаслиги керак, улар билан яхши муомалада бўлиши, муносиб алоқалар ўрнатиши мумкин.*

Аллоҳ таоло Мумтаҳана сурасида марҳамат қилади:

لَا يَنْهَى كُرْهُ اللَّهِ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقَدِّلُواكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوكُمْ مِنْ دِينِكُمْ أَنْ تَبَرُّوهُمْ
وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ﴿٨﴾

«Аллоҳ сизлар билан дин борасида уруш қилмаган ва сизларни диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолат қилишдан сизларни қайтармас. Аллоҳ адолат қилувчиларни севадир» (8-оят).

Аллоҳ таоло бу ояти каримада мўмин-мусулмонларни бошқа миллат ва диёнат вакиллари билан, агар улар мусулмонларга диний адоват ила уруш қилмаса ва уларни сикувга олиб, ўз диёрларидан чиқариб юборишга уринмаса, яхши алоқада бўлишга буюрмоқда ва уларга нисбатан адолатли бўлиш лозимлигини таъкидламоқда.

«Аллоҳ сизлар билан дин борасида уруш қилмаган ва сизларни диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолат қилишдан сизларни қайтармас». Ушбу ҳукм Ислом дини нақадар инсонпарвар ва кенгбағир дин эканининг ёрқин далилидир.

«Аллоҳ адолат қилувчиларни севадир».

Чунки бу дин бошқа диндагиларга яхшилик ва адолат қилишдан ҳеч кимни тўсмайди, қайтармайди.

• *Мусулмон киши бошқа дин вакиллариининг ибодатхоналарини ҳурмат қилади, уларнинг диний-ақийдавий масалаларига аралашмайди, уларга ноҳақ жабр қилмайди.*

عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ، عَنْ رَجُلٍ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ قَتَلَ رَجُلًا مِنْ أَهْلِ الدِّمَةِ لَمْ يَجِدْ رِيحَ الْجَنَّةِ، وَإِنَّ رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ سَبْعِينَ عَامًا». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

Қосим ибн Муҳаймара Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳобларининг биридан ривоят қилади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким аҳли зиммадан бир кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам хидламайди. Унинг ҳиди етмиш йиллик масофадан келиб туради», дедилар».

Насайй ривоят қилган.

عَنْ عِدَّةٍ مِنْ أَوْلِيَاءِ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، عَنْ آبَائِهِمْ ذُنَيْبًا، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «أَلَا مَنْ ظَلَمَ مُعَاهِدًا أَوْ انْتَقَصَهُ أَوْ كَلَّفَهُ فَوْقَ طَاقَتِهِ أَوْ أَخَذَ مِنْهُ شَيْئًا بَغَيْرِ طَيْبِ نَفْسٍ فَأَنَا حَاجِبُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларининг бир неча ўғилларидан, улар оталаридан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир аҳдлашган (ғайридин) кишига зулм қилса, ёки унинг ҳаққини поймол этса, ёхуд уни тоқати етмайдиган нарсага мажбур қилса, ёки ундан ўз розилигисиз бир нарса олса, Қиёмат куни мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Набий алайҳиссалом Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг, у ердаги яҳудийлар билан аҳднома туздилар, улар билан тинч-тотув ва жамият манфаати учун ҳамкорликда яшаш асосларини белгилаб, унга амал қилиб яшадилар.

• *Мусулмон одам бошқа дин вакиллари билан яхши алоқада бўлади, уларга ҳадялар бериб, улардан ҳадялар олиши мумкин.*

Муҳаммад алайҳиссалом бошқа дин вакиллари билан шахсан яхши алоқада бўлар, уларга гўзал муомала қилар эдилар. Жумладан, уларга ҳадялар бериб, улар томонидан қилинган ҳадяларни ҳам қабул қилар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа дин вакиллари томонидан ҳадя қилинган кийимларни кийиб юрганлари маълум ва машҳур.

عَنْ سَعْدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ: أَنَّ الْمُقَوْسَ أَهْدَى إِلَى النَّبِيِّ ﷺ هَدِيَّةً فَقَبِلَهَا.
رَوَاهُ ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.

Саъд ибн Иброҳимдан ривоят қилинади:

«Муқавқис Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳадя юборган эди, у зот уни қабул қилдилар».

Ибн Абу Шайба ривоят қилган.

Муқавқис Мисрнинг подшоҳи бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга мактуб юборганларида, ҳурмат билан қабул қилган, Исломга кирмаганига қарамай, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга совғалар юборган. У зот унинг совғаларини қабул қилганлар.

Имом Сарахсий «Мабсут»да қуйидаги ривоятни келтирган:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг Муқавқис ҳадя қилган чопонлари бор эди. У зот уни ҳайит ва жума кунлари ҳамда ҳузурларига ҳайъатлар келганида кияр эдилар».

Шунингдек, бошқа дин вакилларига совға бериш ҳам мумкин. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳам уларга совға берганлар.

• *Мусулмон киши бошқа дин вакилларини меҳмон қилиши ва уларга меҳмон бўлиши ҳам жоиз.*

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Ҳабашистондан келган насроний меҳмонларни ўз масжидларига туширганлар ва: «Улар бизнинг соҳибларимизни ҳурмат қилган эди, мен уларни ўзим икром қилишни хуш кўраман», деб шахсан ўзлари уларга хизмат қилганлар. Шунингдек, у зот соллаллоху алайҳи васаллам Нажрон насролари гуруҳини ҳам ўз масжидларига туширганлар ва у ерда ибодатларини қилишларига рухсат берганлар.

• *Мусулмон киши бошқа дин вакилларида бўлган қўшнисига гўзал муомалада бўлади.*

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رضي الله عنه: أَنَّهُ ذُبِحَتْ لَهُ شَاةٌ، فَجَعَلَ يَقُولُ لِغَلَامِهِ: أَهْدَيْتَ لِحَارِنَا الْيَهُودِيَّ؟ أَهْدَيْتَ لِحَارِنَا الْيَهُودِيَّ؟ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «مَا زَالَ جِبْرِيلُ يُوصِينِي بِالْجَارِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورَثُهُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

«Абдуллоҳ ибн Амр бир қўйини сўйди. Сўнг хизматкор йигитига: «Яхудий қўшнимизга ҳам ҳадя бердингми? Яхудий қўшнимизга ҳам ҳадя бердингми?» деб ҳадеб сўрайверди. Сўнг: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Жаброил менга қўшни ҳақида шу қадар кўп тавсия бердики, уни ҳам меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим», деганларини эшитганман», деди».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Бошқа диндаги қўшнига алоҳида яхши эътиборда бўлган мусулмон киши ўзининг бошқа эътиқоддаги қўшнисига Ислонинг гўзаллигини намоён қилади. Бу эса ўзига хос Ислонга чакирик бўлади.

• *Мусулмон киши бошқа дин вакилларида бемор бўлганларини кўргани бориши жоиз.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа дин вакилларида ўзларига таниш кишилар бемор бўлса, уларни кўргани борганлар.

وَكَانَ غُلَامٌ لِيَهُودٍ يَخُدُّمُ النَّبِيَّ ﷺ، فَمَرِضَ فَأَتَاهُ النَّبِيُّ ﷺ يَعُودُهُ، فَقَالَ: «أَسْلِمٌ»، فَأَسْلَمَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ. وَلَفْظُهُ: فَقَعَدَ عِنْدَ رَأْسِهِ فَقَالَ لَهُ: «أَسْلِمٌ»، فَنَظَرَ الْغُلَامُ إِلَى أَبِيهِ، فَقَالَ لَهُ: أَطْعَمَ أَبَا الْقَاسِمِ، فَأَسْلَمَ، فَقَامَ النَّبِيُّ ﷺ وَهُوَ يَقُولُ: «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْقَذَهُ مِنَ النَّارِ».

«Яҳудларнинг бир ғуломи Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хизмат қилар эди. У бемор бўлиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўргани келдилар ва: «Мусулмон бўл», деган эдилар, у мусулмон бўлди.

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилган.

Абу Довуднинг лафзида:

«Унинг бош томонига ўтирдилар ва унга: «Мусулмон бўл», дедилар. Ғулом отасига қаради. Унга (отаси): «Абул Қосимга итоат қил», деган эди, мусулмон бўлди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни дўзахдан қутқарган Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб, ўринларидан турдилар», деб келган.

• *Мусулмон одам бошқа диндаги танишининг яқин кишиси вафот этганда, таъзияга бориши жоиз.*

Фақат у ерда уларнинг диний ишларидан йироқда бўлади. Мусулмонларга қилинадиган дуоларни қилмайди. Танишига кариндошининг вафоти муносабати ила сабр тилайди, унга кўнглини кўтарадиган гаплар айтади.

• *Мусулмон инсон мусулмон бўлмаганларнинг ишида ишласа ёки уларни ўз ишида ишлатса бўлади.*

Бу ҳолатда ҳам бошқа барча ҳолатлардаги каби, мазкур фаолиятдан Исломга ва мусулмонларга зарар келмаслиги ва иш шариат ҳаром санамаган ишлардан бўлиши шарт.

• *Мусулмон киши мусулмон бўлмаган одамлар билан савдо-сотик, ижара ва бошқа молиявий муомалаларни олиб бориши жоиз.*

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اشْتَرَى طَعَامًا مِنْ يَهُودِيٍّ إِلَى أَجْلِ
وَرَهْنَهُ دِرْعًا مِنْ حَدِيدٍ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتَّنَائِيُّ.

Ошиа розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир яхудийдан нарҳини кейин беришга таом сотиб олдилар ва темир совутни гаровга қўйдилар».

Бухорий, Муслим ва Насайй ривоят қилган.

Албатта, бу иш барча молиявий муомалаларда бўлгани каби, шарият ҳаром қилган нарсаларга қўл урмаслик шарти ила амалга оширилади.

• **Мусулмон киши мусулмон бўлмаган одамлар билан шарият ҳалол қилган доирада ширкатлар тузиши мумкин.**

Бунда икки тараф ҳам шеригининг хабарисиз, ўзича тасаруф қилиш ҳаққига эга бўлмайди.

• **Мусулмон киши мусулмон бўлмаган одамлар билан қарз олди-берди қилиши жоиз.**

Бунда ҳам аввалги шартларга амал қилиш лозим.

• **Мусулмон киши мусулмон бўлмаган одамларни молиявий ишларда вакил қилиши ёки ўзи уларга вакил бўлиши жоиз.**

• **Мусулмон киши мусулмон бўлмаган одамлар билан омонат олиш ва омонат қўйиши муомаласини қилиши жоиз.**

• **Мусулмон киши ҳарбий ҳолатда бўлмаган гайримусулмон одамларнинг шарият муҳтарам санаган молларига талофат етказиши мумкин эмас.**

• **Мусулмон киши мусулмон бўлмаган одамларнинг топиб олинган молларига ҳам худди мусулмонларнинг топиб олинган молларига бўлгани каби масъулиятда бўлиши зарур.**

КИЙИНИШ ОДОБЛАРИ

Ислом Аллоҳ таолонинг мукаммал, барча замон ва маконларга салоҳиятли дини ўлароқ, инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Шу билан бирга, кийиниш ҳам инсон ҳаётининг муҳим соҳаси экани ҳаммамизга яхши маълум. Ислом бошқа ҳамма соҳаларда ўз кўрсатмаларини берса-ю, кийиниш борасини тарқатса, унинг мукаммаллигига путур етган бўлар эди.

Шунинг учун ҳам Исломда бу масала ҳам бошқалари қатори, етарли даражада муолажа қилинган. Бу эса мусулмонлар учун катта бахтдир. Чунки улар ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби кийиниш масаласида ҳам тайёр таълимотларга амал қилиб, икки дунё саодатига эришиш учун яна бир илоҳий ёрдам ола биладилар.

Баъзилар кийиниш масаласига бунчалик катта эътибор беришнинг боиси нима, ахир бу арзимаган нарса-ку, дейишлари мумкин. Аввало, кийиниш арзимаган нарса эмас. Қолаверса, Исломда инсон ҳаётининг арзимайдиган томонлари йўқ, балки динимизда инсон ҳаётининг барча соҳалари баравар эътиборга сазовордир.

Инсоннинг кийиниши унинг ички-маънавий дунёсининг сиртда акс этишидир, дейишимиз мумкин. Қайси инсонда уят, ҳаё, орномус каби тушунчалар бўлса, ўша инсон ўз обрўсини саклайдиган, бошқаларнинг нафратини кўзитмайдиган ҳолатда кийинади.

Бунинг устига, кийим-бош инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлгани учун, унга таъсир қилиши турган гап. Мисол келтирадиган бўлсак, аскарларга ўзига хос кийим кийдириш ҳамма халқларда қадимдан одат бўлиб келган. Бу аввало, аскарларга ўз вазифасини адо этишда қулайлик туғдирса, иккинчидан, махсус кийим уларга таъсир қилиб, аскарлик руҳини тутиб туришда, кучайтиришда иш беради. Ҳатто оддий одам аскар кийимини кийиб олса, аскарларга ўхшаб шахдам юришга интилиб қолиши ҳам шундан.

Мана шу ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина мулоҳазаларга кўра, Исломда кийим-бошга алоҳида эътибор берилган. Дикқат билан қарайдиган бўлсак, Ислом динининг батафсил ҳукмлари баён этилган барча китобларимизда алоҳида «Либос китоби» бор. Айниқса, ҳадис, тасаввуф ва фикҳ китобларимизда бунга алоҳида эътибор берилган.

Исломдан олдинги даврларда дунё кийиниш, уй тутиш, умуман, маиший маданият бўйича инсон номига доғ бўлиб тушади-ган бир ҳолатда эди. Ҳеч ким бу соҳа бўйича ҳалол-ҳаром ёки савоб-гуноҳ деган нарсани билмас эди. Шахсий ва умумий озодалик ҳақида-ку, гапирмасак ҳам бўлади.

Мана шундай бир пайтда Ислом ҳаётнинг бошқа соҳалари катори, бу соҳани ҳам тағ-туғи билан илоҳий таълимотлар асосида ислоҳ қилишни бошлади. Аста-секин маиший соҳаларда ҳам инсониятни жоҳилият зулматларидан Ислом нурига олиб чиқди.

Жоҳилият даврида бошқалар ҳузурда авратни кўрсатиб юриш инсон эҳтиромига ва жамоатчилик одобига зид бўлган ишлардан бири эди. Бу иш ўта ахлоқсизлик бўлиб, жамият аъзолари ичида фасод тарқалишига сабаб бўларди.

Исломнинг инсонни мукаррам қилиш бўйича кўрган чоралари ичида либос масаласи ҳам бор. Бу масалада инсоннинг кийиниш маданиятига риоя қилиши ўзи учун обрў ва мартабалиги, гўзаллик ва зийнатлиги, жамиятнинг бошқа аъзоларини эса ҳурматлаш экани тушунтирилди.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

يَبْنِيْٓءَ اٰدَمَ فَاَنْزَلْنَا عَلَيْكُمْ لِيَاسًا يُورِيْ سَوَءَ تَكْوِمٍ وَرِيْشًا وَّلِيَّاسَ التَّقْوٰى
ذٰلِكَ خَيْرٌ ذٰلِكَ مِّنْ ءَايٰتِ اللّٰهِ لَعَلَّهُمْ يَذَّكَّرُوْنَ ﴿٦٦﴾

«Эй Одам болалари! Сизларга авратингизни тўсадиган либос ва зийнат либосини туширдик. Такво либоси – ана ўша яхшидир. Ана ўшалар Аллоҳнинг оят(белги)ларидандир. Шоядки, эслатма олсалар» (26-оят).

Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган аломатлардан бири ҳам либосдир. Одамнинг аврати – айбини беркитиб туриши учун Аллоҳ таоло унга либос ато қилган. Либоснинг зарурияти киши авратини ўзгалардан пинҳон тутишидадир. Лекин Аллоҳ инсоннинг авратдан бошқа аъзоларини ҳам тўсиш эҳтиёжи борлигини инобатга олиб, либосни зийнат тарзида нозил қилди. Шу боис либосни ўз ўрнида, яъни шариатга мувофиқ кийган инсонгина зийнатли ҳисобланади. Аммо энг асосий либос, асл либос такво либосидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятда:

«Тақво либоси – ана ўша яхшидир», демоқда.

Агар оддий либос баданнинг аврат жойларини тўсиб, жисми зийнатласа, тақво либоси маънавий авратларни тўсиб, инсон қалбини зийнатлайди. Агар инсоннинг кийим-боши жисмидаги авратларини пинҳон тутиб, унга зийнат бағишласа-ю, тақво либоси йиртилиб, маънавий авратлари очилиб турса, бундан ёмони йўқ. Ҳозирги кунда кўпчилик ўз тақво либоси башанглигини даъво қилиб, устки авратларининг очилиб қолганига эътибор бермасликка чақиради. Бу жоҳилликдан ўзга нарса эмас. Агар кимнинг тақво либоси ўрнида бўлса, албатта, жисмоний либоси ҳам дуруст бўлади. Зеро, ҳар икки либос – ҳиссий авратни тўсайдиган либос ҳам, тақво либоси ҳам:

«Ана ўшалар Аллоҳнинг оят(белги)ларидандир».

Яъни кийим-бош, молу мулк ҳам, ўрни келганда, Аллоҳнинг оят-белгиси ҳисобланади. Ундан ибрат олиш эса шарт саналади. Шунинг учун Аллоҳ таоло оятнинг сўнгида:

«Шоядки, эслатма олсалар», демоқда.

Юқорида айтганимиздек, Аллоҳ таоло кийим-бошни инсонга авратини тўссин, ўзини тузатсин, деб берган. Аммо бошқа соҳаларда ҳаддида турмаган одам бу ўринда ҳам турли бузукликларга йўл қўйди. Баъзилари кийим-бошни фахр ва ғурур воситаси, иккинчилари уни ҳаётдаги асосий мақсад қилиб олди. Қадрийматни ҳам кийим-бош билан ўлчай бошлашди. Учинчилари кийимни тор ва юпка кийиб, ундан кўзланган асосий мақсадни суистеъмол қилишга киришди. Хусусан, тарбиясиз аёллар либосни айни авратни бўрттириб кўрсатиш учунгина кийдилар. Бу хол юксак инсоний шарафни ерга уради. Шунинг учун ҳам Ислом бу ишларда ўз таълимотларини жорий қилди.

Ривоят қилинишича, бир куни саҳобийлар жангдан сўнг дам олиш учун бир дарахт остига тўпланиб, тамадди қилишга киришишди. Уларнинг орасида Пайғамбар алайҳиссалом ҳам бор эдилар. Шу пайт туясини боқиб юрган бир саҳобий уларнинг олдига келиб қолди. У эскириб, тўзиб кетган либосда эди. Пайғамбар алайҳиссалом унинг аҳволини кўриб, Жобир ибн Абдуллоҳдан: «Унинг бошқа кийими йўқми?» деб сўрадилар. У киши: «Тўрвасида яна иккита кийими бор», дедилар. Фаҳри коинот: «Уларни кийса бўлмайдими?» дедилар. Жобир бояги кишини

чакириб, у зотнинг гапларини етказдилар. У дарров кийимларини алмаштириб олди ва нари кетди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Мана шуниси яхши эмасми?» дедилар.

Абу Ҳомид Ғаззолий «Қалб ажойиботлари» номли китобид кўркам ва қимматбаҳо кийимларга ўчлик шайтоннинг инсон қалбини забт этиш учун кирадиган эшикларидан бири экани ҳақида ёзган. Дарҳақиқат, шайтон инсонни умр бўйи олийнав ва фахрли кийимлар билан зийнатланишга чорлаб, шу йўл билан ҳам ўзига бўйсундиришга, нафсининг кулига айлантиришга ҳаракат қилади.

Шайх Шайбий айтади: «Аҳмоқлар устингдан кулмайдиган ва факихлар (шариат билимдонлари) айбламайдиган кийимни кий». Муҳаммад ибн Сирийн: «Шухрат олдин кийимни узун кийишда эди, сўнг уни янгилашга ўтди», деган. Умар ибн Хаттоб: «Кийимнинг дағал ва эскирганини кийинглар», деганлар. Бу зот масжид минбарида хутба ўқиётганларида, устиларида етита ямок солинган кўйлак бор эди.

Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб» асарида бундай ёзган: «Эркакларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши хотинларнинг оройиш учун безанишлари кабидир. Аммо бу каби безанмоқ ҳар иккаласи учун ҳам номуносиб, хусусан, эркаклар учун кўпроқ шармандалиқдир».

Одобимизда айниқса аёлларнинг кийинишига катта эътибор билан қаралган. Уларнинг юзи, икки қўл кафтидан бошқа ҳамма жойи уятли (аврат) бўлгани учун, у бегона назарлардан яширилиши ва кийиниш ҳам шунга муносиб бўлиши лозим. Ҳозирги пайтда айрим қиз-жувонлар ўртасида урф бўлганидай, энги ва этаги калта, кўкси очик кийимлар, гавда ва аъзоларини «кўз-кўз» қилиб турувчи тор ва юпқа-харир кўйлақлар, энг ачинарлиси, кўкрак, киндик ва болдирларини очиб, ҳаммага намойиш қилиб юришлар одобимизга мутлақо зиддир.

Америка тери касалликлари мутахассислари ўтказган тадқиқотлар натижасида ғарблик аёллар ёш бўла туриб хусн ва жозибаларини тез йўқотаётганлари, барвақт ажин тушаётгани ва унинг тез кўпайиб кетаётгани, аксинча, муслима аёлларнинг етмиш-саксон ёшда ҳам юзлари чиройли, ажинсиз ва нурли экани, уларда ғарб аёлларида кўп учрайдиган тери саратони (раки) хасталиги деярли кузатилмаётгани аён бўлди.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби, кийиниш борасида ҳам му- сулмон инсон аввало ҳалол-ҳаромга эътибор бериши лозим бў- лади. Унинг киядиган кийими ҳалол касб билан топилган бўли- ши ва уни кийиш шаръан ҳаром бўлмаслиги керак.

КИЙИМ ҲАҚИДА ШАРЪИЙ ҲУКМЛАР

Фуқаҳоларимиз (барчаларига Аллоҳ таолонинг раҳмати бўл- син) кийим масаласи бўйича келган барча хужжат-далилларни ўрганиб чиққанларидан кейин, қуйидаги хулосага келганлар:

«Кийимнинг ҳукми бир нечтадир:

• *Фарз.*

Бу авратни беркитадиган ва иссиқ-совуқни қайтарадиган ки- йимдир. У пахта ёки канождан, ўта нафиси билан ўта ёмонининг ўртасида бўлиши керак.

• *Мустаҳаб.*

Бу авратни тўсиб, зийнатни зоҳир қиладиган кийимдир.

• *Мубоҳ.*

Бу жума, ҳайит ва одамлар жамланадиган кунлари ясаниш учун кийиладиган чиройли кийимлардир.

• *Макруҳ.*

Бу такаббурлик ва манманлик учун кийиладиган кийим.

• *Ҳаром.*

Бу авратни тўсмайдиган ҳамда эркаклар учун шойи-ипак ки- йимлардир.

ЛИБОСГА ОИД УМУМИЙ ҲУКМЛАР

• Либос учун ишлатилган мато ипакка ўхшаб, шариатда ҳа- ром қилинмаган бўлса, ҳалолдир.

• Шаръий йўл билан сўйилмаган, ўзи ўлиб қолган ҳайвон- ларнинг терисини ошлагач, кийим қилиб кийса бўлади.

• Гўшти ҳалол ҳайвонларнинг жуни, қили ва момиғидан қилинган кийимлар покдир. Унинг тирик ёки ўлик ҳайвондан олинганининг фарқи йўқ.

• Жумхур фуқаҳолар йиртқич ҳайвонларнинг терисини ош- лаб, кийим қилса жоиздир, дейишган.

• Модомики, ҳаром нарсадан бўлмаса, чиройли кийимларни кийиш мубоҳдир.

- Жума, ийд (хайит) ва одамлар жамланадиган йиғинлар учун манманлик ва кибрдан узок бўлган ҳолда ясаниш мустаҳабдир.
- Ким имкони бўлатуриб, мазкур ясанишни қасддан тарк этса, хато қилган бўлади.
- Оқ рангли кийим мустаҳабдир.
- Қип-кизил рангли кийим эркакларга макруҳдир.
- Қора рангли кийим жоиздир (мумкин).
- Яшил рангли кийим жаннат аҳлининг кийими бўлгани учун, мустаҳабдир.
- Турли рангли чизиклардан иборат матодан бўлган кийим жоиздир.
- Ҳайвонлар сурати солинган кийим эркаклар ва аёллар учун харомдир.
- Хоч (крест) сурати бор кийим кийиш ҳам харомдир.
- Жонли бўлмаган нарсаларнинг сурати бор кийимнинг ҳеч-қиси йўқ.
- Терининг рангини билдирадиган даражада шаффоф кийим кийиш жоиз эмас. Имом Байҳақий Алқамадан қилган ривоятда айтилишича, Ҳафса бинти Абдурраҳмон Оиша розияллоху анхонинг олдиларига шаффоф рўмол ўраб кирганида, Оиша онамиз йиртиб ташлаб, қалин рўмол ўратиб қўйганлар.
- Одамларнинг одатига хилоф кийим ҳам макруҳдир. Одатда бу каби кийимлар шуҳрат учун кийилади. Бундай кийим кийганларни бошқалар ғийбат қилади ва гуноҳларига у ҳам шерик бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ الشُّهْرَتَيْنِ، فَقِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا الشُّهْرَتَانِ؟ قَالَ: «رِقَّةُ الثِّيَابِ وَعِغْلُهَا، وَلِينُهَا وَحُشُونَتُهَا، وَطُولُهَا وَقَصْرُهَا، وَلَكِنْ سَدَادٌ فِيمَا بَيْنَ ذَلِكَ وَاقْتِصَادٌ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам икки шуҳратдан қайгардилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, икки шуҳрат нима?»

дейишди. «Кийимнинг юпқалиги ёки қалинлиги, юмшоқлиги ва қаттиқлиги, узунлиги ва қисқалиги. Ўшанинг ўртачаси ва тежамлиси бўлсин», дедилар».

Байҳақий «Шуъабул иймон»да ривоят қилган.

• Абулфараж куйидагиларни айтади: «Ўтган солихлар ўртача кийим кийишар эди. Жуда юқорисини ҳам эмас, жуда пастини ҳам эмас. Кийимнинг яхшисини жума, икки ийд ва биродарлар билан учрашувга ихтиёр қилишар эди. Уларнинг одати бўйича, яхши кийим танлаш қабиҳ эмас эди».

• Имкони бўлатуриб, зоҳидликни ва тақвони кўрсатиш учун, қасддан хароб кийимларни кийиш мумкин эмас.

• Ҳанафий ва шофеъий мазҳаби уламолари олим кишиларнинг кийими жуда яхши бўлиши мандубдир, дейишган. Шу билан бирга, улар кенг ва кўзга ташланадиган кийимларни кийишлари лозим. Бу билан илмнинг макоми зоҳир бўлади. Одамлар уларни дарҳол таниб, саволларини беришади.

• Мусулмон инсон учун бошқа диндаги қавмларнинг рамзи (шиори) ва белгиси бўлган кийимларини кийиш ҳаромдир.

КИЙИНИШНИНГ УМУМИЙ ОДОБЛАРИ

• Мусулмон киши, эркак бўлсин, аёл бўлсин, кийим Аллоҳ таолонинг неъматларидан бири эканини доимо эсга олиб, бу неъматга шуқр қилиб туриши лозим.

• Кийим кийишда «бисмиллаҳ» айтилади ва кийинишнинг дуолари ўқилади.

عَنْ سَهْلِ بْنِ مُعَاذِ بْنِ أَنَسٍ عَنْ أَبِيهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَمَنْ لَبَسَ ثَوْبًا فَقَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي كَسَانِي هَذَا الثَّوْبَ وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ حَوْلٍ مِنِّي وَلَا قُوَّةٍ، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ وَمَا تَأَخَّرَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Саҳл ибн Муъоз ибн Анасдан, у отаси розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким кийим кийганидан кейин: «Менга ушбу кийимни кийдирган ва менинг куч-қувватимсиз уни менга ризқ қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин», деса, унинг аввалги-ю, кейинги гуноҳлари мағфират қилинур», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• Мусулмон инсон янги кийим кийганда, алоҳида шуқр қилади ва дуо ўқийди.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اسْتَجَدَّ ثَوْبًا سَمَّاهُ بِاسْمِهِ إِمَّا قَمِيصًا أَوْ عِمَامَةً ثُمَّ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ أَنْتَ كَسَوْتَنِيهِ، أَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِهِ وَخَيْرِ مَا صُنِعَ لَهُ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهِ وَشَرِّ مَا صُنِعَ لَهُ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абу Саъид розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам янги кийим кийдиган бўлсалар, «кўйлак» ёки «салла», деб унинг номини

айтиб туриб: «Аллоҳим! Сенга ҳамд бўлсин! Сен буни менга кийдирдинг. Сендан унинг яхшилигини ва унинг учун қилинган нарсанинг яхшилигини сўрайман. Сендан унинг ёмонлигидан ва унинг учун қилинган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман», дер эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

• *Мусулмон инсон ўзининг биродари янги кийим кийганини кўрса, уни бу неъмат ила табриклайди.*

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: وَكَانَ أَصْحَابُ النَّبِيِّ ﷺ إِذَا لَبَسَ أَحَدُهُمْ ثَوْبًا جَدِيدًا قِيلَ لَهُ: تَبْلِي وَخُلِفُ اللَّهُ تَعَالَى. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бири янги кийим кийса, унга: «Эскиртиргин. Аллоҳ таоло ўрнига бошқасини берсин», дейишарди».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

• *Мусулмон инсон қай бир кийимни кийса ҳам ўнг томонидан бошлаши суннатдир. Ечишда эса чап томонидан ечади.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا لَبَسْتُمْ وَإِذَا تَوَضَّأْتُمْ فَأَبْدُوا بِمَيَامِينِكُمْ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кийим кийсангиз, таҳорат қилсангиз, ўнг томонингиздан бошланг», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

Исломиий кийиниш маданиятининг энг машҳур кўринишларидан бири шудир. Қайси кийим кийилса ҳам, ўнг томонидан бошлаш керак. Кўйлак бўлса, олдин ўнг енги, оёқ кийими бўлса, олдин ўнг оёқдан кийилади.

• *Мусулмон инсон кийим кияётганида, Аллоҳ таолонинг авратни беркитиш ҳақидаги амрини бажараётганини ният қилади.*

Бундан одамлар орасида кийимини кўз-кўз қилишни ва чиroyли, кимматбаҳо кийими билан фахрланишни кўзламайди.

• **Мусулмон эркак ва аёллар кийимнинг мўътадилини танлашади.**

Жуда ошириб ҳам юборишмайди ва жуда хароб ҳолга ҳам тушишмайди.

• **Мусулмон инсон кийимнинг озода ва пок бўлишига алоҳида эътибор беради.**

Зотан, поклик иймондандир. Поклик ибодатнинг асосий шартларидан биридир. Аллоҳ таоло Муддассир сурасида:

«Ва кийимнингни покла!» деган.

• **Мусулмон инсон кийими ила гердаймайди, кибр учун кийимини ерга судраб юрмайди.**

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «مَنْ جَرَّ ثَوْبَهُ خِيَلَاءَ لَمْ يَنْظُرِ اللَّهُ إِلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَصَاحِبَاهُ.

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким манманлик ила кийимини судраб юрса, Қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмас», дедилар».

Термизий ва унинг икки соҳиби ривоят қилган.

• **Мусулмон инсон кийимларининг доимо яхши ва гўзал ҳолда бўлиши учун ҳаракат қилади.**

Кир бўлса, ювади, йиртилса, тикади, бужмайса, дазмоллайди, тугмаси узилса, қадайди ва ҳоказо.

عَنْ سَهْلِ بْنِ الْحُنَظَلِيِّ رضي الله عنه، قَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم: «إِنَّكُمْ قَادِمُونَ عَلَى إِخْوَانِكُمْ، فَأَصْلِحُوا لِبَاسِكُمْ، وَأَصْلِحُوا رِحَالَكُمْ، حَتَّى تَكُونُوا كَأَنَّكُمْ شَامَةٌ فِي النَّاسِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَأَبُو دَاوُدَ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالْحَاكِمُ.

Саҳл ибн Ханзалия розияллоху анхундан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга: «Сизлар биродарларингиз ҳузурига боряпсиз. Либосингизни тузатинг, эгар-юкларингизни тузатинг, одамлар ичида худди холдек бўлинг», дедилар».

Аҳмад, Абу Довуд, Тобароний ва Ҳоким ривоят қилган.

• **Ҳар бир кийимни, ҳатто пайпоққача олдин бир силки-тиб, текшириб олиб, кейин кийилади.**

Ичига чақадиган хашаротлар ёки санчиладиган ва озор берадиган нарсалар кириб қолган бўлиши мумкин.

• **Кийимларни ечганда, тартиб билан саранжом қилинади, илинади ёки тахлаб, жавонга қўйилади.**

Пала-партиш ҳолда дуч келган жойга ташлаб қўйилмайди.

ЭРКАКЛАРГА ХОС КИЙИНИШ ОДОБЛАРИ

• *Балогатга етган мусулмон эркак учун авратини тўсадиган кийим кийиши фарздир.*

«Аврат» сўзи луғатда «нуқсон», «айб» деган маъноларни билдиради. Шариятда, беркитилиши вожиб ва унга назар солиш харом бўлган жойлар авратдир.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

حُدُوا زِينَتَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ

«Хар бир ибодатда зийнатиңизни олинг» (31-оят).

Яъни «Кийимингизни кийинг, авратингизни тўсинг».

Эркак кишининг аврати киндиги остидан то икки тиззасининг остигачадир. Эркак киши баданидаги ўша аврат жойини тўсадиган кийим кийиши фарздир.

• *Мусулмон эркакка ипак кийим кийиши ва тилла тақими харомдир.*

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ نَبِيَّ اللَّهِ أَخَذَ حَرِيرًا فَجَعَلَهُ فِي يَمِينِهِ، وَأَخَذَ ذَهَبًا فَجَعَلَهُ فِي شِمَالِهِ، ثُمَّ قَالَ: «إِنَّ هَذَيْنِ حَرَامٌ عَلَى ذُكُورِ أُمَّتِي». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аллоҳнинг Набийси ипакни олиб, ўнг қўллари ила тутдилар, тиллани олиб, чап қўллари ила тутдилар, сўнгра: «Мана бу иккиси умматимнинг эркаклари учун харомдир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

Исломда эркак кишига ипак кийимларни кийиши ман этилгани улкан ҳикмат боисидандир. Ипак юмшоқ ва нозик нарса бўлиб, у билан муомалада бўлган шахсдан юмшоқлик ва нозикликни талаб қилади. Бинобарин, ипак кийим кийишга ўрганган шахс юмшоқ ва нозик бўлиб қолади. Бу эса ҳақиқий эркак кишига

мутлақо тўғри келмайди. Мусулмон эркак доимо турли оғирликларни кўтаришга шай турадиган, нозиклик ва зеб-зийнатни ўзига эп кўрмайдиган забардаст, ҳайбатли кишидир. Шу боисдан ҳам шарият аёлларга хос қилган ва нозиклик ҳамда зеб-зийнат рамзи бўлган ипак мусулмон эркак учун ҳаром қилинган.

Мусулмон эркакларга тилла ва қумушнинг ҳаром қилиниши ҳикмати «овқатланиш одоблари»да айтиб ўтилди.

• **Мусулмон эркак қумуш узук тақишии жоиз.**

Эркак киши битта қумуш узук тақиши мумкинлигига қуйидаги ҳадиси шариф далилдир.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ اخْتَذَ حَاتِمًا مِنْ فِضَّةٍ، وَنَقَشَ فِيهِ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қумушдан узук тутдилар ва унга «Муҳаммадун Расулаллоҳ» деб нақш қилдилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилган.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг номсиз бармоққа узук такканлари маълум ва машҳур. Шунинг учун узук тақишни истаган эркак кишилар ушбу суннатга амал қилсалар, яхши бўлади.

• **Эркаклар аёллар кийимини кийишлари ва уларга ўхшашга уринишлари мумкин эмас.**

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: لَعَنَ النَّبِيُّ ﷺ الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ بِالنِّسَاءِ، وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинчалиш эркакларни ва эркаксифат аёлларни ланъатладилар».

Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилган.

Бу бобдаги эркакларнинг аёлларга ўхшашга уриниши юриштиришда, гап-сўзда ва кийимда бўлади.

АЁЛЛАРНИНГ КИЙИНИШ ОДОБЛАРИ

• *Балогатга етган муслима аёлга авратини тўсадиган ва тана тузилишини билинтирмай турадиган кийим кийиш фарздир.*

• *Аёл кишининг номаҳрам эркакларга нисбатан аврати – юзи ва икки кафтидан ташқари бутун баданидир.*

Маълумки, муслима аёлларга баданларини номаҳрам эркаклардан тўсиб юриш Аллоҳ томонидан буюрилгандир. Мўмина-муслима аёллар ўз шарафларини сақлашлари учун, Аллоҳнинг амрига итоат этиб, авратларини номаҳрам эркаклардан беркитиб юришлари шарт. Шунингдек, муслималарнинг кийимлари юпка, баданларига ёпишиб турадиган, тор бўлмаслиги, номаҳрам эркакларнинг эътиборини жалб қилмайдиган даражада бўлиши керак.

• *Аёлниинг аёлга нисбатан аврати киндигидан тиззасигачадир.*

Аёл киши аёл кишининг тиззалари ва киндиги орасидаги жойдан бошқа жойига назар солса бўлади. Аёлларнинг ўзаро назарларидан шаҳват кўзиши хавфи бўлмагани учун бунга рухсат берилган.

• *Эркак киши ўзига маҳрам бўлган аёллар танасининг орқа ва қорин тарафи ҳамда сонидан бошқа ерига назар солиши мумкин.*

«Маҳрам аёллар» деганда туғиш, эмиш ва қудачилик туфайли эркакка никохи ҳаром бўлган аёллар тушунилади.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

وَلَا يَبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَى
جُوهِهِنَّ وَلَا يَبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ أَوْ آبَائِهِنَّ أَوْ
أَبَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ أَبْنَاءِ أَوْ أَبْنَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ إِخْوَانِهِنَّ
أَوْ بَنِي إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي أَخَوَاتِهِنَّ أَوْ نِسَائِهِنَّ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ

أَوِ التَّبَعِيكَ غَيْرِ أَوْلِيِ الْإِرْبَةِ مِنَ الرِّجَالِ أَوْ الطِّفْلِ الذَّيْبِ لَمْ
يُظْهَرُوا عَلَى عَوْرَاتِ النِّسَاءِ

«Эрларидан, ё оталаридан, ё эрларининг оталаридан, ё ўғилларидан, ё эрларининг ўғилларидан, ё ака-укаларидан, ё ака-укаларининг ўғилларидан, ё опа-сингилларининг ўғилларидан, ё аёлларидан, ё ўз қўлларидан мулк бўлганлардан, ё (аёлларга) беҳожат эркак хизматчилардан, ё аёллар авратининг фарқига бормаидиган ёш болалардан бошқаларга зийнатларини кўрсатмасинлар» (31-оят).

Мўмина аёллар қасддан ёки бепарволик билан зийнатларини, яъни зийнат ҳисобланадиган аъзоларини кўрсатиб юришлари мутлақо мумкин эмас.

Қуйида аёллар эркаклардан қайси тоифаларидан бошқаларга зийнатларини кўрсатишлари мумкин эмаслиги зикр этилади.

«Эрларидан,..»

Муслима аёлнинг зийнатларини кўришга энг ҳақли одам унинг эридир. Шунингдек, эр аёл танасининг ҳамма жойини кўришга ҳақлидир.

«...ё оталаридан,..»

Мўмина-муслима аёлга унинг отаси энг бош маҳрам бўлади. Шунинг учун унга зийнатини кўрсатиши ҳалол. Ота ва ундан кейин зикр қилинадиган маҳрамлари учун аёлнинг никоҳи ҳаромдир, улар унга уйланишни, умуман, шахват билан қарашни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун мўмина аёл ушбу маҳрамларга зийнатини кўрсатса бўлади. Юзини, қўлини, оёғини ва уй ичида очиб юришга мажбур бўладиган баъзи аъзоларини, жумладан, хамир қилаётганда билагини, уй супураётганда болдирини кўрсатсалар, гуноҳи йўқ. Эҳтиёж юзасидан руҳсат берилган.

«Оталари» дейилганда, катта ота, бобо ва боболарининг оталари ҳам кўзда тутилади.

«...ё эрларининг оталаридан,..»

Яъни қайноталаридан. Бунга қайнотаниннг оталари ва катта қайноталарнинг оталари ҳам қиради. Улар ҳам ота ўрнида. Улар

ҳам келинларига маҳрам, ўртадаги муносабатда уйланиш ёки шаҳват назари деган нарсалар бўлиши мумкин эмас.

«...ё ўғилларидан...»

Бунга ўз ўғиллари, ўғилларидан ва қизларидан бўлган ўғил набиралар, эвара ва чеваралар киради. Буларнинг ҳаммаси ҳам аёл киши учун маҳрам, улар орасида оила қуриш ёки шаҳват билан қараш умуман мумкин бўлмаган иш. Шунинг учун ҳам муслима аёлнинг уларга зийнатини кўрсатишига рухсат берилган.

«...ё эрларининг ўғилларидан...»

Яъни эрларининг бошқа хотинидан бўлган ўғиллари. Булар ҳам мўмина-муслима аёл учун маҳрам саналади. Ораларида никоҳ бўлиши мутлақо мумкин эмас. Чунки ўртада она-болалик алоқаси бор. Шунинг учун зебу зийнат ва чирой ўртада шаҳватни уйғотмайди.

«...ё ака-укаларидан...»

Бунда туғишган ака-укалар, ота бир ака-укалар ва она бир ака-укалар ҳаммаси баробардирлар. Уларнинг барчаси маҳрам ҳисобланади, сингилларининг зийнатини кўрсалар, зарари йўқ.

«...ё ака-укаларининг ўғилларидан...»

Бунда ҳам туғишган, ота бир ва она бир ака-укаларнинг ўғиллари кўзда тутилган. Аёл ака-укаларнинг фарзандларига амма бўлади. Ўртада маҳрамлик бор, уйланиш ёки шаҳват билан қараш умуман бўлиши мумкин эмас. Бошқа маҳрамлар қатори, буларнинг ҳам ҳаёт тақозоси ила доимо бир-бирлари билан кўришиб, аралашиб туришга эҳтиёжлари бор. Шунинг учун ҳам жиянларига аммаларининг зийнатларига қарашларига рухсат берилган.

«...ё опа-сингилларининг ўғилларидан...»

Бу ҳолатда ҳам туғишган, ота бир ёки она бир опа-сингилларининг ўғиллари кўзда тутилган. Аёл уларга хола бўлади. Ўртада маҳрамлик бор. Шунинг учун мўмина аёл зийнатларини уларга кўрсатса бўлади.

Аmmo мўмина-муслима аёлнинг эркак маҳрамлари бу билан тугамайди. Оятда зикри келмаган маҳрамлар ҳам бор. Мисол учун, амакилар, тоғалар ва куёвлар. Шунингдек, эмиқдошлик орқали маҳрам бўлганлар бор. Улар ҳақида ояти каримада бирор нарса дейилмаган бўлса ҳам, ҳадисларда келган ҳукмлардан киёс қилиб, мўмина-муслима аёл уларга зийнатини кўрсатса, гуноҳ йўқ, деб фатво берилган.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Оиша онамиз розияллоху анҳога эмикдошлик орқали амакиси ва тоғаси бўлган эркаклардан қочиб, тўсинишга рухсат бермаганлар. Шундай экан, насаб орқали бўлган амаки ва тоғаларга, албатта, зийнати-ни кўрсатишга рухсат бор.

Юқорида зикр қилинган маҳрамларнинг ҳаммаси абадий маҳрам ҳисобланади. Яъни уларнинг мазкур мўмина аёлга уйланишлари абадий ҳаром қилингандир.

Аммо маҳрамлиги вақтинчалик шахслар ҳам бўлади. Мисол учун, опа-сингилларнинг эрлари вақтинчалик маҳрам саналади, яъни опа билан никоҳда турган эркакка унинг синглисига уйланиш ҳаром саналади. Опа билан ажрашгандан кейингина сингилни никоҳига олиш ҳалол бўлади.

Уларга нисбатан қандай муомалада бўлиш керак? Бу ҳукм шариатда алоҳида чегаралаб қўйилмаган. Уламоларимизнинг айтишларича, буни чегаралашнинг имкони ҳам йўқ. Чунки бундай қариндошлик алоқалари турлича бўлади. Шунинг учун ҳукми ҳам турлича. Бунда қариндошлик нисбати, ёш, ҳолатлар, бир жойда яшайдиларми ёки айричами ва бошқа омиллар ҳам эътиборга олинади.

Масалан, Оиша онамизнинг опалари Асмо бинти Абу Бакр розияллоху анҳо Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг қайнсингиллари бўлади ва у зотдан қочмаганлар. Уйларига бемалол кириб юрганлар. Ҳолбуки, икковлари орасидаги никоҳнинг ҳаромлиги вақтинчалик бўлган.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг амакиларининг қизи Умму Ҳониъ розияллоху анҳо ҳам у зот соллаллоху алайҳи васалламдан қочмаганлар. Ҳолбуки, икковларининг ораларида никоҳ дуруст бўлган.

Шу билан бирга, Зайнаб бинти Жаҳш онамиз Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида Фазл ибн Аббосдан қочганлар. Ҳолбуки, Зайнаб бинти Жаҳш онамиз Фазл ибн Аббоснинг аммаларининг қизи бўлган.

«...ё аёлларидан...»

Яъни мўмина аёллар аёлларга зийнатларини кўрсатсалар бўлади. Уламоларимиз бу ҳақда турли фикрларни айтганлар. Баъзилари, «аёллари»дан мурод ҳамма хотинлар, деган бўлса, баъ-

зилари бу ерда мусулмон аёллар назарда тутилган, дейишган. Бошқа бирлари эса, бу ерда ўзларига тегишли хотинлар назарда тутилган, деб айтишган. Чунки фосиқа, фожира аёллар муслима аёлнинг авратини, зийнاتини кўрса, унга яқинлашса, фиску фу-журга бошлаши, фитна чиқариши мумкин, дейишган.

«...ё ўз қўлларида мулк бўлганлардан...»

Бу иборадан кул ва чўриларига зийнатларини кўрсатсалар бў-лаверади, деган маъно чиқади. Аммо уламоларимиз бу ҳақда ҳам икки хил фикр айтганлар. Биринчи тоифа уламоларимиз «Бун-дан мурод фақат чўрилар, қуллар эмас, чунки кул ҳам номаҳрам эркак, шаҳвати бор, озод бўлганидан кейин ўз аёл хўжайинига уйланиши мумкин», дейдилар. «Ундай бўлса, аввал «аёллари-дан» деб туриб, кейин «чўриларидан» дейишнинг нима ҳожати бор? Чўри ҳам аёл-ку» деган эътирозга «Аввал ҳур аёллар зикр қилинди, кейин чўриларга мумкин эмас экан-да, деган гумон уй-фонмаслиги учун улар ҳам санаб ўтилди», деб жавоб берадилар.

«...ё (аёлларга) беҳожат эркак хизматчилардан...»

Булар табиий, жисмоний жиҳатдан эркакликлари ўлган ким-салар бўлиб, корин тўйдириш учун одамларнинг хизматини ки-либ юрадилар. Уларда умуман шаҳват, аёлларга кизикиш деган нарсанинг ўзи бўлмайди. Муслима аёл мана шундай одамларга ҳам зийнاتини кўрсатса бўлади.

«...ё аёллар авратининг фаркига бормаидиган ёш бола-лардан бошқаларга зийнатларини кўрсатмасинлар»

Чунки кичкина болалар аврат нима, шаҳват нима – билиш-майди.

Аёл кишига эркакларга ҳаром қилинган тилла, кумуш ва шойи ипаклар ҳалолдир. Ислолда аёл кишига зебу зийнат ҳа-лол қилинган.

Чунки чиройли бўлишга уриниш ҳар бир аёлнинг табиатида бор. Аллоҳ уларни шундай қилиб яратган. Замон ўтиши билан зийнат ўзгариши мумкин, аммо аёл кишининг зийнатга бўлган рағбати ўзгармайди. «Агар ер юзида битта аёл қолса ҳам, заргар-га иш топилади», деган мақол бежизга тўқилмаган. Ислол аёл кишидаги ушбу рағбатни эътиборга олиб, аёл кишига зийнат-ланишга рухсат беради. Лекин Ислолда ушбу зебу зийнатнинг

таъсир доираси тартибга солинган. Аёлларнинг зеб-зийнатлари номаҳрам – бегона эркакларнинг кўзини ўйнатишга, шахвоний хисларини кўзғашга, фитна чиқишига ва зинога йўл очилишига сабаб бўлмаслиги керак.

• *Аёллар эркаклар кийимини кийиши ва уларга ўхшашига ҳаракат қилиши мумкин эмас.*

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه قَالَ: لَعَنَ النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ بِالنِّسَاءِ،
وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинчалиш эркакларни ва эркаксифат аёлларни лаънатладилар».

Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилган.

Эркак ҳам, аёл ҳам кийинишда, юриш-туришда ҳамиша ҳаёли бўлиши, иффатини асраши лозим. Бу эса гўзал исломий одоблардан саналиб, уларга амал қилиш ҳар бир мусулмондан талаб этилади.

ШАХСИЙ ОЗОДАЛИК ОДОБЛАРИ

Исломда поклик иймондан ҳисобланади. Ислом поклик ва покланиш ишларига ўта жиддий қарайди. Дунёда Исломдан бошқа ҳеч бир дин, тузум ёки фалсафа покликни ва озодаликни иймонга тегишли даражага кўтармаган.

Исломда эса бу иймон иши бўлиши билан бирга, поклик бўл-маса, банданинг ибодати ҳам қабул бўлмайди. Исломда барча ибодатларнинг қабул бўлиши учун аввало, банданинг қалби, нияти пок бўлиши керак.

Қолаверса, ибодатларнинг қабул бўлиши учун инсоннинг бутун танаси, кийим-боши ва ҳатто ибодат жойи ҳам пок бўлиши шарт. Пок бўлганда ҳам, катгаю кичик, кўзга кўринадигану, кўрин-майдиган барча нопокликлардан холи бўлиши керак. Ана шундай покликка эга бўлмаган банда Аллоҳга ибодат қила олмайди. Яъни намоз ҳам ўқий олмайди, Қуръон ҳам ушлай олмайди.

Исломда ибодатларнинг қабул бўлиши уларнинг поклик асо-сида адо этилишига боғлиқ. Бизда поклик йўлида қилинган ҳар бир иш юқори баҳоланади ва уни қилган кишига улкан ажр-са-воблар, олий мартабалар бор.

Қуръони Каримда покизаликка катга эътибор берилган. Ал-лоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

فِيهِ رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَّخِذُوا اللَّهَ مَحِبَّةً الْمَظْهَرِينَ ﴿١٠٨﴾

«Унда покланишни севадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севадир» (108-оят).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу ояти каримада покликни ва пок кишиларни мадҳ этмоқда. Пок кишиларни яхши кўришини эълон қилмоқда. Бу эса Аллоҳ таоло томонидан покликка қан-чалик эътибор берилишини кўрсатиб турибди. Бу ояти карима-нинг ўзи барча инсонларнинг поклик учун интилиб, бутун дунё-нинг покланиш сари юз тутиши учун етарли.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари покиза зот бўлганлар ва кўплаб ҳадисларида покизаликка тарғиб қилганлар.

عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ، عَنْ أَبِيهِ، أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ يُحِبُّ الطَّيِّبَ، نَظِيفٌ يُحِبُّ النَّظَافَةَ، كَرِيمٌ يُحِبُّ الْكَرَمَ، جَوَادٌ يُحِبُّ الْجُودَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْبَزَّازُ وَأَبُو يَعْلَى.

Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққос отаси розияллоху анхудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам дедилар: «Аллох покдир, покликни суяди; покизадир, покизаликни суяди; карамлидир, карамлиликни суяди; сахийдир, сахийликни суяди», дедилар».

Термизий, Баззор ва Абу Яъло ривоят қилган.

Фикҳга доир ва ҳадисларни жамловчи барча китобларимизда «Поклик китоби» номли алоҳида боблар (китоблар) мавжуд. Шуларнинг ўзи Исломда покликка қанчалар аҳамият берилишини яққол кўрсатиб туради.

Исломда инсоннинг қалби ва нияти поклиги биринчи ўринда туриши маълум. Бу поклик ҳақидаги таълимотлар рухий тарбияга оид илмда ўрганилади. Биз бу китобимизда ижтимоий одобларни ўрганишга ҳаракат қилаётганимиз учун ташки поклик ҳақида сўз юритамиз.

БАДАН ПОКЛИГИ ОДОБЛАРИ

Исломда бадан поклиги бўйича бир қанча ҳукмлар жорий этилган бўлиб, уларга амал қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Бадан поклиги борасидаги диний таълимотларга ихлос билан амал қилган мусулмонлар учун уларнинг бу борадаги амаллари ибодат даражасига кўтарилади. Улар бадан поклиги йўлидаги қилган ҳар бир ҳаракатларига ажр ва савоблар оладилар.

Мусулмон инсоннинг бадан поклиги ҳақидаги Ислом таълимотлари қазои ҳожатдан кейин покланишни ҳам ўз ичига олади. Бу эса Ислом дини хало одоби масалаларига жиддий қараганидан далолат беради. Аввал айтганимиздек, инсоният тарихида Ислом биринчи бўлиб бу ишларни тартибга солишни бошлаган. Масаланинг жиддийлигидан бу иш одобига Ислом шарна-

тининг иккинчи манбаси бўлмиш Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларида алоҳида эътибор берилган. Энг мўътабар ҳадис, фикх ва одоб китобларида албатта «Хало одоблари» боби ҳам бўлган.

Имом Муслим ва Имом Аҳмадлар Салмон Форсий розияллоху анҳудан қилган ривоятда у киши қуйидагиларни айтадилар: «Мушриклардан баъзилари истехзо қилиб: «Оғайнилариингизнинг сизларга қандай қилиб бўшанишни ҳам ўргатаётганини кўряпман», деди. Мен: «Тўғри, у киши бизга қиблага юзланмасликни, ўнг қўлларимиз билан тозаланмасликни, учтадан кам тош ишлатмасликни ва чиқинди ишлатмасликни амр қилганлар», дедим».

Ҳа, Ислом бу ишларни жиддият билан бошлаганда, бошқалар масхара қилар эди. Кейинчалик мусулмонлар бошқа юртларга борганларида, бу ишларни ўша юртларнинг одамларига ўргата бошладилар. Кўплаб мусулмон саёҳатчилар, тожирлар бошқа юртларда тозалик, поклик, шахсий гигиенага амал қилинмаслигини кўриб, бу ҳақда ажабланиб ёзганлар.

Хало одоблари

• Қазои ҳожат қилмоқчи бўлган шахс Аллоҳ таолонинг исми ёзилган, шунингдек, малоиқалар, Азиз, Карим, Муҳаммад, Аҳмадга ўхшаш улуғ исмлар ёзилган нарсаларни ўзи билан бирга олмаслиги керак.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ نَزَعَ حُائِمَهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَحَسَنَهُ.

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам халога кирсалар, узукларини ечиб кўяр эдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган. Термизий ҳасан, деган.

Маълумки, Расули Акрам соллаллоху алайҳи васалламнинг узукларида «Муҳаммадун Расулуллоҳ» деган ёзув бор эди. Подшоҳларга мактуб юборсалар, ўша узукни муҳр қилиб босар эдилар. Узукда Аллоҳнинг исми ёзилган бўлгани учун ҳам халога

кирганларида уни ечиб кўяр эдилар. Шунга биноан, Аллоҳнинг исми ёзилган нарса билан, айникса, Куръон билан халога мутлақо кириб бўлмайти.

- Халога истинжо қиладиган нарсаси ва сувини тайёрлаб олиб, оёқ ва бош кийимини кийган ҳолда кириш керак.

- Халога кирганда, ичкарига аввал чап оёқ кўйилади ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадисларида келган дуо ўқилади:

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ قَالَ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам халога кирсалар: «Аллоҳумма инни аъзузу бика минал хубуси вал хобаиси» («Аллоҳим, Сендан эркак ва урғочи ифлослар(шайтонлар)дан паноҳ тилайман»), дер эдилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

Ушбу дуони хало очик жойда бўлса, қазои ҳожатга тайёрланаётган вақтда, махсус жойда бўлса, унга киришдан олдин ўқиш лозим. Чунки бу Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар доим амал қилган суннатларидир.

Эркак ва урғочи шайтонлардан паноҳ тилашнинг ҳикмати шуки, одатда, хало жойида Аллоҳ таолонинг номи зикр этилмагани учун, эркак-урғочи шайтонлар у жойни ўзига қароргоҳ қилиб олган бўлади. Аллоҳ таолодан паноҳ сўрамай кирган одамга улар зарар етказишлари мумкин. Шунинг учун ушбу ҳадисдаги дуони ёдлаб олиб, халога киришдан олдин ўқишни одатга айлантириш ҳар бир киши учун зарурдир.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «سِتْرُ مَا بَيْنَ أَعْيُنِ الْجِنَّ وَعَوْرَاتِ بَنِي آدَمَ إِذَا دَخَلَ أَحَدُهُمُ الْخَلَاءَ أَنْ يَقُولَ: بِاسْمِ اللَّهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Жинларнинг кўзи билан одам боласининг аврати ўртасидаги тўсиқ – улардан бирининг халога киришда «Бисмиллаҳи», демоғидир», дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилган.

Одам боласи халога киришдан олдин «бисмиллаҳ»ни айтса, бу унинг авратини жинларга кўрсатмайдиган тўсиқ бўлар экан. Уламоларимиз иккала ҳадисни жамлаб: «Халога кираётган одам: «Бисмиллаҳи, Аллоҳумма иннии аъзузу бика минал хубуси вал хобанси», дейиши керак», дейдилар.

• Халодан чиқаётганда эса, қуйидаги ҳадисга биноан, «Алҳамду лиллаҳиллазий азхаба анний ал-азаа ва аъфаний» дейди.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا حَرَجَ مِنَ الْخَلَاءِ قَالَ:
الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنِّي الْأَذَى وَعَافَانِي. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам халодан чиқсалар: «Алҳамду лиллаҳиллазий азхаба анний ал-аза ва аъфаний», дер эдилар».

Ибн Можж ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Мендан озорни кетказган ва менга офият берган Аллоҳга ҳамд бўлсин!»

• Халода ўтирганда оғирлигини чап оёғига солиб, икки оёғининг орасини кериб, кенг қилиб ўтиради. Шундай қилинса, чиқадиған нарса осон чиқади.

عَنْ سُرَاقَةَ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ نَتَوَكَّأَ عَلَى الْيُسْرَى
وَأَنْ نَنْصِبَ الْيُمْنَى. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Сууроқа ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бизларни чап оёққа суяниб, ўнгини тик тутмоққа амр қилдилар».

Тобароний ривоят қилган.

• Халода заруратсиз гапирилмайди.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «لَا يَخْرُجُ الرَّجُلَانِ يَضْرِبَانِ الْعَايِطَ كَاشِفَيْنِ عَنْ عَوْرَتَيْهِمَا يَتَحَدَّثَانِ، فَإِنَّ اللَّهَ عز وجل يَمْقُتُ عَلَى ذَلِكَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абу Саъид розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Икки киши қазон ҳожатни прода қилиб чиқиб, авратларини очиб гаплашавермасин. Чунки Аллоҳ азза ва жалла бундан ғазабга келади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه قَالَ: مَرَّ رَجُلٌ عَلَى النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم وَهُوَ يَبُولُ، فَسَلَّمَ عَلَيْهِ، فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ.

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам таҳорат ушатаётганларида, бир киши яқинларидан ўтаётиб, салом берган эди, алик олмадилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

Таҳорат ушатаётган одамга салом бериб бўлмаслиги, салом берган одамга таҳорат ушатаётган одам алик олмаслигини ушбу ҳадисдан билиб оламиз. Бундан олдинги ҳадисда эса қазон ҳожат пайтида оддий гапни ҳам гапириб бўлмаслиги айtilган эди.

- Ҳожатдан ташқари қолиб кетмайди. Чунки халода кўп қолиш бавосир ва жигар хасталигига сабаб бўлиши мумкин.

- Ўтириб бавл қилади.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам доимо ўтириб бавл қилганлар. Саҳобаларни ҳам тик туриб бавл қилишдан қайтарганлар.

رَوَى التِّرْمِذِيُّ عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ: رَأَيْتِ النَّبِيَّ ﷺ وَأَنَا أَبُولُ قَائِمًا، فَقَالَ: «يَا عُمَرُ، لَا تَبُلْ قَائِمًا». فَمَا بُلْتُ قَائِمًا بَعْدُ.

Термизий қилган ривоятда ҳазрати Умар ибн Хаттоб:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг тик туриб бавл қилаётганимни кўриб, «Эй Умар, тик туриб бавл қилма», дедилар. Шундан кейин ҳеч тик туриб бавл қилмадим», деганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رضي الله عنها قَالَتْ: مَنْ حَدَّثَكُمْ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ كَانَ يَبُولُ قَائِمًا فَلَا تُصَدِّقُوهُ، مَا كَانَ يَبُولُ إِلَّا قَاعِدًا. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Ким сизга «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тик туриб бавл қилар эдилар», деса, тасдиқ қилманглар. У киши фақат ўтириб бавл қилар эдилар».

Аҳмад, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

• Шамол турган тарафга, сувга, кабрстонга, йўлга, одамлар дам оладиган жойларга, ердаги ёриқ ва тешиқларга, меваси бор дарахтнинг тагига ва ғусл қиладиган жойига бавл қилиб бўлмайди.

• Қазои ҳожатни қиблага олдини ёки орқасини тўғрилаб қилиб бўлмайди.

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: «إِذَا أَتَيْتُمُ الْعَائِطَ فَلَا تَسْتَقْبِلُوا الْقِبْلَةَ وَلَا تَسْتَدْبِرُوهَا». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қазои ҳожатга борганда, қиблага юзланманг ва унга ортингизни ҳам ўгирманг», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

• Қазои ҳожат қилаётган шахс осмонга, фаржига ва ўзидан чиқаётган нарсага назар солмайди. Қўли билан ҳар нарсаларни ушламайди. Уннга ва чапга алангламайди, мисвок қилмайди.

Истинжо одоблари

«Истинжо» сўзи луғатда «ахлат кетказиш» деган маънони билдиради. Фуқаҳолар истилоҳида эса нажосатни сув ва шунга ўхшаш нарса ила кетказиш ёки тошга ўхшаш нарса билан артишга «истинжо» дейилади.

– Уйқу ва елдан бошқа ҳар бир таҳоратни кетказувчи нарсадан тошга ўхшаш нарса ила истинжо қилиш суннатдир.

– Уйқу ва ел, хушдан кетиш, жиннилик, мастлик каби таҳоратни кетказувчи нарсалардан ҳам истинжо қилинмайди.

– Қолганларидан, агар нажас бир дирҳам миқдоридан кам бўлса, истинжо қилиш суннатдир.

– Суяк, тезак, таом, кўмир, шиша, латта, дарахт баргига ўхшаш нарсалар ва ўнг қўл билан истинжо қилиш мумкин эмас.

– Умуман, фойдали нарсалар билан истинжо қилиб бўлмайди.

– Фойдаланиладиган қоғоз билан, хусусан, ёзуви бор қоғоз билан истинжо қилишга рухсат берилмаган.

– Истинжо учун алоҳида тайёрланган қоғоз билан истинжо қилишга барча уламолар рухсат беришган. Чунки бу шу мақсад учун махсус тайёрланган қоғоздир.

– Артиб тозалангач, аъзони ювиш мустаҳаб амалдир.

– Агар нажосат махраждан бир дирҳамдан кўпроқ тарқалган бўлса, истинжо қилиш вожибдир.

– Аввал қўлини ювганидан кейин нажосатни бармоқларининг ич тарафи ила махражини тўла бўшаштирган ҳолда ювади.

– Кейин қўлга теккан нажосат ва ноқулай ҳидларни кетказиш учун қўлни яхшилаб ювилади.

Таҳорат қилиш одоблари

Бизда таҳорат деб ўрганиб қолинган маълум ва машҳур амал араб тилида «вузуъ» дейилади. «Вузуъ» сўзи луғатда «гўзаллик» ва «ялтираш» деган маъноларни билдиради. Шариятда эса Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш нияти билан баъзи аъзоларни ювиш «вузуъ» деб айтилади.

Таҳорат энг аввало, Аллоҳ таоло томонидан амр қилинган ибодатдир. У мусулмон инсоннинг гуноҳлари мағфират қилинишига сабаб бўлади. Таҳорат поклик демакдир. У инсонни гўзал қилади, соғлом бўлишини таъминлайди ва яна бошқа кўп-лаб фойдалар келтиради.

Аллоҳ таоло мусулмонларни ҳар бир ибодатга таҳоратли ҳолда киришишга буюрган. Таҳоратсиз намоз қабул бўлмайди. Бир кунда беш вақт намоз ўқиш фарз бўлганидан кейин доимо таҳорат билан покланиб юрилса, ҳақиқий исломий одобга риоя қилинган бўлади.

Аллоҳ таоло Моида сурасида марҳамат қилади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ
وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ

«Эй иймон келтирганлар! Намозга турсангиз, юзларингизни ва қўлларингизни чиғаноқлари ила, бошларингизга масҳ тортиб, оёқларингизни тўпиклари ила ювинглар» (6-оят).

Ҳанафий мазҳаби уламолари таҳоратда тўртта фарз борлигини ушбу ояти каримадан олишган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Юзни ювиш.
2. Қўлларни чиғаноқлари билан кўшиб ювиш.
3. Бошга масҳ тортиш.
4. Оёқларни тўпиклари билан кўшиб ювиш.

Уламоларимиз таҳорат борасида келган ҳамма ҳадис ва бошқа манбаларни ўрганган ҳолда ишлаб чиққан таҳорат одобларига, бу борадаги қоидаларга назар соладиган бўлсак, бу ҳақиқатни яна ҳам тўлароқ тушуниб етамиз.

Таҳорат одоблари қуйидагилар:

• Қиблага қараб ўтириб таҳорат қилиш зарур. Таҳорат ибодат бўлгани учун, уни қиблага қараб қилиш керак бўлади.

• Баланд жойда ўтириб таҳорат қилиш лозим. Ишлатилган сувлар бадан ёки кийимларга сачрамаслиги учун, шундай ва бундан бошқа қулайликларга эга бўлиш талаб этилади. Мисол учун, совуқ ўлкаларда офтобда таҳорат қилиш қулай бўлса, ўта иссиқ ўлкаларда офтобда таҳорат қилиш кўп ноқулайлик ва қи-

йинчиликлар туғдиради. Шунинг учун таҳорат қиладиган жой ва шароитлар қулай қилиб олинса, яхши бўлади.

• Таҳорат қилишда узри бўлмаса, бировнинг ёрдамидан фойдаланмаслик керак. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам аксар ҳолларда шундай қилганлар. Ибодатда мутавозелик, ҳамма нарсани ўзи бажариши афзал саналади.

• Таҳорат пайтида гапирмаслик лозим. Балки Аллохнинг зикри ва дуо билан машғул бўлиш мақбулдир.

• Узуги бор одамлар уни бир қимирлатиб, остига сув етказиши керак.

• Оғзига ва бурнига ўнг қўл билан сув олиб, бурунни эса чап қўл билан тозалаб қоқиш зарур.

• Шошилиб қолмаслик учун намоз вақти кирмасидан таҳорат қилишни бошлаш керак.

• Сувни исроф қилмаслик талаб этилади.

• Ишлатиш осон бўлиши учун таҳорат суви солинган идишни ўнг томонга қўйиб олинса, қулай бўлади.

• Қалбдаги ният билан тилдаги гапни бирлаштириш.

• Ҳар бир аъзони ювганда, «бисмиллаҳ»ни айтиб, дуо ўқиш.

• Таҳорат қилиб бўлгандан кейин «калимаи шаҳодат»ни ва ривоятда келган дуони ўқиш.

• Таҳорат қилиб бўлгач, икки ракъат намоз ўқиш.

Мусулмон инсон кундалик ҳаётида доимо баданининг маълум қисмлари пок ҳолда юриши учун таҳорат етарлидир. Ислонда таҳоратнинг ўзи билан кифояланиб қолинмайди. Балки мусулмон инсонга бутун баданини пок тутиш учун Аллох таоло ғуслни ҳам фарз қилган.

Ғусл қилиш одоблари

Ғусл ҳам таҳоратга ўхшаш инсон жисмини поклаш ва зийнатлаш воситасидир. У ҳам худди таҳоратга ўхшаб гоҳида фарз, гоҳида вожиб, гоҳида мастахаб бўлади.

Ғуслнинг шариатга киритилишининг ҳикматлари кўп. Аввало, у ибодат, Аллохга қурбат ҳосил қилиш учун зарур нарсидир. Иккинчидан, поклик, озодалик ва соғлик учун ўта муҳим омил саналади. Қолаверса, ғуслни вожиб қилувчи нарсалар туфайли инсон вужудида пайдо бўладиган баъзи нопокликларни кетказиш, маний

кетиши ила жисм йўқотган нарсаларни қайта тиклашдир. Жинсий яқинлик ва эҳтиломдан кейин ғусл қилган одамда қон юриши яхшиланади ва тетиклик тикланади. Шунингдек, ният билан қилинган ғусл туфайли гуноҳлар ҳам ювилади.

Аллох таоло Монда сурасида марҳамат қилади:

وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَأَطَهَّرُوا

«Агар жунуб бўлсангиз, покланинглар» (6-оят).

Ғусл куйидаги ҳолатларда фарз бўлади:

- Шаҳват билан отилиб келадиган маний тушганида;
- Жинсий алоқа қилганда;
- Уйғонган киши ўзида маний ёки мазийни кўрганида;
- Аёлларда ҳайз ва нифос тўхтаганида;
- Жума, икки ийд намози, эҳром ва Арафа учун эса ғусл қилиш суннатдир.

Барча хужжат-далилларни синчиклаб ўрганиб чиққан фуқароларимиз ғуслни аввалидан-охиригача куйидаги тарзда баён қиладилар:

Дастлаб ғусл қилувчи киши тасмия айтади ва ният қилади. Кейин икки қўлини ювади. Кейин орқа, олд фаржини ювади. Баданида нажосат бўлса, ювиб кетказади. Кейин худди намозга қилгандек таҳорат олади. Албатта, бунда оғиз-бурунни муболага билан (маромига етказиб) чайқаш зарур. Агар турган жойида сув жамланадиган бўлса, оёқларини ювишни кейинга суради. Сўнгра бошига сув қуйиб, ишқалаб ювади. Баданига уч марта, ўнг елкасидан бошлаб сув қуяди, кейин чап елкасига қуяди. Қўли билан баданини ишқайди. Икки қулоғи, киндиги, қўлтиқ ости каби сув етиши қийин жойларига алоҳида эътибор беради. Ғуслнинг охирида бошқа тарафга ўтиб, оёқларини ювади. Сув тўпланмайдиган жой бўлса, оёқларини ўша ерда ювиб олаверади.

Ғуслнинг одоблари ҳам худди таҳоратнинг одобларига ўхшайди. Аммо ғуслда қиблага қараш йўқ.

Ғуслда куйидаги нарсалар макруҳдир:

- Сувни исроф қилиш.
- Сувни ўта оз ишлатиш.
- Сувни юзга уриб, сачратиш.
- Дунёвий гапларни гапириш.

- Узрсиз бошқадан ёрдам олиш.

- Дуо қилиш.

Ҳеч шубҳа йўқки, таҳорат ва ғуслдаги оғиз ва бурунни тозалаш ва баданни ишқалаб ювиш ила поклашда инсонни кир, тер ва турли нохуш ҳидлардан поклашнинг доимий омили бордир.

Оғиз ва тишни тоза тутиши.

Исломда юқорида зикр қилинган озодалик ишларига қўшимча равишда оғиз ва тишни тоза тутишга алоҳида эътибор берилган. Фақат ғусл ва таҳорат пайтида эмас, овқатлангандан кейин, Куръони Каримни ўқишдан олдин, уйқудан турганда ва бошқа ҳолатларда ҳам оғизни тозалаб туриш тавсия қилинган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «السِّوَاكُ مَطَهْرَةٌ لِلْفَمِ مَرْضَاءٌ لِلرَّبِّ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالشَّافِعِيُّ وَالتَّنْسَائِيُّ.

Оша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мисвок оғизни покловчи ва Роббни рози қилувчидир», дедилар».

Бухорий, Шофеъий ва Насаий ривоят қилган.

Оғизни пок тутиш инсон соғлиги учун қанчалик зарур эканини ҳамма эндигина тушунди. Таом еган, турли ичимликлар ичган одамнинг оғзида, тишларида қолган чиқиндилар ўз вақтида тозалаб турилмаса, беморликка ва танага зарар етишига сабаб бўлиши энди ҳаммага маълум.

Бадан ва кийимга хушбўйлик сепиш ёки суртиб туриш.

Хушбўйликнинг соф инсон табиати учун маҳбублиги барчага аён. Ҳамма жойда, ҳамма вақтда хушбўйлик бўлишига нима етсин.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَتْ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَكَّةٌ يَتَطَيَّبُ مِنْهَا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суккалари бор эди. У зот ўша билан хушбўйланар эдилар».


Абу Довуд ривоят қилган.

«Сукка» – хушбўй нарсаининг идиши, дейишади уламолар. Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хушбўйлик ишлатишни ўзларининг доимий одатлари қилиб олганларидан махсус идиш ҳам қилиб қўйганлар. Ҳозирги мусулмонлар ҳам шундай қилсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кийим-бошини покиза тутиши мусулмон инсоннинг бурчларидан биридир.

Ислолда инсоннинг ичи, таши, танаси пок бўлишига аҳамият бериш билан бирга, унинг кийим-боши покиза бўлишига ҳам катта эътибор берилган. Кийимни пок тутишнинг аҳамияти бу ишнинг Куръони Каримда буюрилган ишлардан бири бўлиши билан янада ортади.

Аллоҳ таоло Муддассир сурасида марҳамат қилади:



«Ва кийимингни покла!» (4-оят).

Аллоҳ таоло Ўзи мўмин бандаларига буюрган ибодатларнинг қабул бўлишига кийимнинг пок бўлишини ҳам шарт қилган.

Алоҳида эътиборга сазовор шахсий озодалик ва оройиши ишларидан бири соч парваришидир.

Чунки соч инсон хусни-гўзаллигининг бир кўриниши бўлиши билан бирга, ҳамиша эътибор ва парвариш талаб этадиган нарсадир.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَأَى رَجُلًا شَعْتًا قَدْ تَفَرَّقَ شَعْرُهُ، فَقَالَ: «أَمَا كَانَ هَذَا يَجِدُ مَا يُسْكِنُ بِهِ شَعْرُهُ؟» رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Хузуримизга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. Сочлари тўзиб кетган, пала-партиш бир одамни кўриб қолиб: «Мана бу сочини сокин қиладиган нарса топса бўлмасмиди!?» дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Уламолар соч ҳақидаги ҳужжат-далилларни жамлаб ва таҳлил қилиб чиқиб, қуйидаги хулосани айтишган:

– Инсоннинг сочи ўзида турганида ҳам, олинганидан кейин ҳам покдир.

– Инсоннинг сочини сотиб ёки ундан бирор нарса учун фойдаланиб бўлмайди.

– Киши ўз сочини яхшилаб парваришлаб юриши лозим.

– Сочнинг ҳаммасини ўстириб ёки ҳаммасини олдириб юриш жоиз. Баъзисини олдириб, баъзисини қолдириш жоиз эмас.

– Кокил қўйиш жоиз эмас.

– Соч қўйган одамлар уни ювиб, тараб, мойлаб юриш билан икром қилишлари лозим.

– Сочнинг оқини юлиш макрух.

– Сочни қоп-қора рангдан бошқа рангга бўяш жоиз.

– Улама соч қилиш ҳаром.

Фитрат (соф табиат) суннатлари

Биз «соф табиат» дея таржима қилган маъно араб тилида «фитрат» дейилади. «Фитрат» сўзи эса Аллоҳ таоло одамларни яратгандаги соф табиат, Аллоҳ таолонинг соф дини маъноларини билдиради. «Фитрат суннатлари» деганда эса, табиати бузилмаган инсон зоти шахсий озодалик доирасида қилиш лозим деб биладиган ва Аллоҳ таоло юборган ҳақиқий, соф динларда барча расулларга, набийларга ва уларнинг умматларига амр қилинган ишлар англанади.

Соф табиат суннатлари қуйидагилардан иборат:

• *Мўйлабнинг лаб устига ўсиб тушган қисми қирқилиб, лабнинг қизғин қисми яхшилаб очилиши, унга мўйлабнинг туклари тушмаслиги.*

Шунингдек, бошқа тарафларга қараб ўсган, тартибсиз бўлиб кетадиган туклар ҳам қирқиб турилади.

• *Тиш ва оғизни тозалаб юриш.*

• *Бурунга сув олиб тозалаш.*

• *Тирноқларни қисқартириш.*

Бу ҳам инсоннинг соф табиати талаб қиладиган нарса. Тирноқлар вақти-вақти билан қисқартириб турилмаса бўлмайди. Тирноқ ўсганда, тагига кир тўпланади. Бу нарса турли касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, тирноқни ўстириб юришнинг бошқа зарарлари ҳам бор. Олинган тирноқ ва соч-

ларни кўмиб ташлаш тавсия қилинади. Бирор овлоқроқ жойга ташланса ҳам бўлади. Лекин таҳоратхона ёки ғусл қилинадиган жойга ташлаб бўлмайди.

• **Баданинг букиладиган жойларини яхшилаб ювиш.**

Бундан инсон баданининг кир тўпланиб қоладиган бўғимлар, киндик, қўлтиқ каби жойлари кўзда тутилган. Албатта, бундай жойлар яхшилаб ювилмаса, кир тўпланиб, одамдан нохуш хид чиқиши, тўпланган ифлосликлар касаллик келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

• **Қўлтиқдаги юнглари юлиш.**

Ҳар бир инсон боласининг қўлтиғи остида юнг ўсиши бор нарса. Шу билан бирга, қўлтиқ энг кўп терлайдиган ва энг кўп кирланадиган жой ҳам саналади. Шунинг учун шахсий озодалик масаласида бу жойга алоҳида эътибор берилади. Мусулмон одам қўлтиғи остидаги юнгни тез-тез тозалаб туриши лозим. Бу шариятнинг амридир. Биргина Пайғамбаримизнинг эмас, барча анбиё ва расулларнинг суннатларидир. Бу нарса Аллоҳ таоло яратган асл хилқатнинг суннати, Аллоҳ таоло юборган самовий динларнинг суннатидир. Қўлтиқ юнгини фақат юлиш билан эмас, балки кириш ёки бирор юнг туширадиган модда билан тозаласа ҳам бўлади. Яқинда матбуотда Чехия олимларининг бу борадаги тадқиқотлари натижаси эълон қилинди. Олимларнинг хулосасига кўра, юнги тозаланмайдиган қўлтиқдан чиққан тернинг хиди тозаланганидагига қараганда бадбўйроқ бўлар экан.

• **Қовуқдаги юнгни қириш.**

Бунда инсоннинг жинсий аъзоси атрофидаги юнглари кетказиш кўзда тутилган. Бунда ҳам ўша ҳаром юнглари фақат қириш шарт эмас, балки ҳар қандай қулай услуб билан кетказилса бўлаверади. Мазкур жойларни озода тутиш ҳар бир эркагу аёлнинг соғлиги, ҳаёти учун нақадар муҳим эканидан динимизда бу масалага алоҳида эътибор берилган.

• **Сув ила истинжо қилиш.**

• **Ўғил болаларни хатна қилдириш.**

Хатна Исломнинг шиорларидан, хусусиятларидан бири саналган суннатдир. Ўғил болаларни кичиклик чоғида хатна қилдириш мусулмон халқларнинг тарқ қилмайдиган одатига айлангани яхши маълум. Хатнада закарнинг уч қисмини коплаб турган юмшоқ тери кесилади. Бу тери араб тилида «қалафа» дейилади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича боланинг ҳолига қараб хатнани кў-
тарадиган бўлганда қилинади. Етти кунлик болани хатна қилди-
риш шарт эмас.

Атроф муҳит поклиги

Исломда инсоннинг вужуди, кийими ва унга хос нарсалар
поклиги билан бирга, унинг атрофидаги барча нарсалар ҳам пок
бўлишига катта аҳамият берилган. Турар жой, кўча-кўй, май-
донлар, ишхоналар, таълим муассасалари, масжидлар, наклиёт
воситалари, дам олиш жойлари, ҳамма-ҳаммаси пок бўлиши та-
лаб қилинган.

عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الطُّهُورُ شَطْرُ
الإِيمَانِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Поклик иймон-
нинг ярмидир», дедилар».

Муслим, Насаий ва Термизий ривоят қилган.

Поклик иймоннинг ярми, дейилиши бежизга эмас. Бу ҳадис
иймонсиз ибодат асло қабул қилинмаслиги ва барча савоби бе-
ҳуда кетиши эътиборидан келиб чиқиб айтилган ва поклик ий-
моннинг ярмига тенглаштирилган.

Исломда иймоннинг аҳамияти ва қадр-қиммати қанчалик
юқори эканини яхши биламиз. Поклик иймоннинг ярмига тенг-
лаштирилганидан ҳам Ислом дини озодалик, поклик ва тозалик-
ка қанчалар эътибор берганини билиб олса бўлаверади.

عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ، عَنْ أَبِيهِ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ يُحِبُّ
الطَّيِّبَ، تَطَيِّفٌ يُحِبُّ النَّظَافَةَ، كَرِيمٌ يُحِبُّ الْكَرَمَ، جَوَادٌ يُحِبُّ الْجُودَ، فَتَطَيَّفُوا
أَفْنِيَتَكُمْ، وَلَا تَشَبَّهُوا بِالْيَهُودِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Омир ибн Саъддан, у отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қи-
линади:*

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ покдир, покликни суяди; покизадир, покизаликни суяди; карамлидир, карамлиликни суяди; сахийдир, сахийликни суяди. Ҳовлиларингизни озода тутинглар, яхудийларга ўхшаманг!» дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳ покдир, покликни суяди», деганлари «Эй умматим, сизлар ҳам хушхол бўлинглар» деганларидир. Шунингдек, Аллоҳ таоло «покизадир, покизаликни суяди». Бинобарин, мусулмон киши доимо озода бўлмоғи даркор.

«Ҳовлиларингизни озода тутинглар, яхудийларга ўхшаманг!»

Ҳовли-жойларимиз, кўча-кўйларимиз, турар жой ва майдонларимиз, ҳамма жойимизни озода тутишимиз лозим. Токи кўрган одам ҳавас қилсин. Бошқалар озода жойни кўрса, бу жой мусулмонларнинг жойи экан, дейдиган бўлсин.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْإِيمَانُ بِضْعٌ وَسَبْعُونَ أَوْ بِضْعٌ وَسِتُّونَ شُعْبَةً، فَأَفْضَلُهَا قَوْلُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَدْنَاهَا إِمَاطَةُ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Иймон етмиш нечта ёки олтмиш нечта шуъбадан иборатдир. Унинг энг афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейиш ва энг кичиги – йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

Мусулмонларнинг озор берадиган нарсаларни йўлдан олиб ташлашини иймон шуъбаси даражасига кўтарган Исломи дини уларни атроф муҳитдаги барча нарсаларни пок тутишга, бунинг учун зарур бўлган барча чораларни кўришга ҳам чақирган.

ЙЎЛ ОДОБЛАРИ

Йўл жамият аъзоларининг бир-бирлари билан боғланишлари, муносабат ўрнатишлари, мунтазам алоқаларни жорий этишлари воситасидир. Кишилар йўллар орқали уйдан уйга, маҳалладан маҳаллага, бир юртдан иккинчисига бориб-келишади. Инсонлар йўллар воситасида ҳаётлари учун керак бўлган юкларини ташийдилар. Ибтидоий жамият давридан бошлаб, ҳозиргача йўллар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаб келган. Йўлларнинг инсоний жамият учун катта аҳамиятга эга омил эканини улар ҳақида Қуръони Каримда бир неча ояти карималар нозил бўлганидан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида марҳамат қилади:

وَجَعَلْنَا فِي الْأَرْضِ رَوَاسِيَ أَنْ تَمِيدَ بِهِمْ وَجَعَلْنَا فِيهَا فِجَاجًا سُبُلًا
لَعَلَّهُمْ يَهْتَدُونَ ﴿٣١﴾

«Ерда уларни тебратмаслиги учун тоғлар қилдик ва шоядки, тўғри йўл топсалар, деб унда даралар, йўллар қилдик» (31-оят).

Бу оярдан тоғлар ер мувозанатини сақлаб туриш вазифасини ўташини, тоғлар орасидаги даралар, ер юзидаги йўллар ҳам Аллоҳ томонидан бандаларга яратиб берилган қулайликлар эканини билиб оламиз.

Аллоҳ таолонинг Ўз бандаларига ер юзида йўллар қилиш фикрини, амалини беришининг ўзи бандалар учун улкан неъматдир. Бу неъматнинг қадрини билиш учун ер юзини йўллардан холи холда тасаввур қилиб кўришнинг ўзи кифоя. Хусусан, биз яшаб турган даврга келиб, йўлларнинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти ва қадри яна ҳам ўсди. Ҳаётнинг барча соҳасида тараккиёт, осонлик, қулайлик учун йўллар ўта зарур омилга айланиб қолди. Шунинг учун ҳам Исломда йўллар масаласига ўзига яраша алоҳида эътибор қаратилган. Йўлга ва йўл хизматларига оид ўзига хос қонун-қоидалар, одоб-ахлоқлар жорий қилинган.

Йўл кўпчиликлари хизмат қиладиган тармоқлардан биридир. Ундан барча баробар фойдаланади. Йўлда инсон ҳам, ҳайвон ҳам, турли нақлиёт воситалари ҳам юради. Шунинг учун ҳам йўл алоҳида эътиборга сазовор тармоқ ҳисобланади. Демак, бу тармоққа оид қоида ва одобларни ўрганиб, уларга амал қилиш юксак маданият, катта одоб ҳисобланади. Фикҳ, ҳадис ва одоб китобларимизда йўл ҳаққи ва одоблари ҳақида жуда гўзал маълумотлар тақдим этилгани бизларнинг нақадар саодатли уммат эканимиздандир. Қуйидаги сатрларда Аллоҳ таолодан ёрдам сўраган ҳолда мазкур одоблардан баъзиларини эътиборингизга тақдим этамиз:

• **Йўлга яхши ният билан, керакли дуоларни ўқиб чиқиш.**

Яхши ният – ярим мол. Мусулмон киши доимо яхши ниятли бўлади. Бинобарин, йўлга чиққанда ҳам яхши ният билан чиқади. Ривоятларда келган йўлга чиқиш олдидан ўқиладиган дуоларда ҳам айнан яхши ният ифода қилинган.

• **Йўлнинг ўнг тарафида юриб, ўнг тарафида тўхташ.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча нарсаларни ўнг тарафдан бошлашлари кўп ривоятларда келган. Уламоларимиз: «Йўлнинг ўнг тарафидан юриш мустаҳабдир», деганлар.

• **Йўлда юришда тавозели бўлиш.**

• Йўл одамлар бир-бирлари билан учрашадиган ва улар кўп катнайдиган жойдир. Бундай жойларда шайтон одам боласини васвасага солиши ҳам мумкин. У лаънати баъзи одамларнинг кўнглига: «Шунча одамнинг ичида энг афзали сенсан, шакли-шамойилинг, қадди-қоматинг, мансабинг, бойлигинг ҳамма-кидан устун», дея иғво қилиши турган гап. Шайтоннинг бу каби иғвосига учган айрим кишилар кибру ҳавога берилиб, тавозени унутишлари мумкин. Шунинг учун йўлда юрган одам қуйидаги оятни эслаши ва унга амал қилган ҳолда Аллоҳ таолонинг солиҳ бандаларидан бўлишга ҳаракат қилиши лозим.

Аллоҳ таоло Фурқон сурасида марҳамат қилади:

وَعِبَادُ الرَّحْمَنِ الَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى الْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ
الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا ﴿٦٢﴾

«Раҳмоннинг бандалари ер юзида тавозе ила юрадиган ва жоҳиллар хитоб қилганларида «Салом», дейдиганлардир» (63-оят).

Раҳмон сифатли Аллоҳ таолонинг суюкли бандаси бўлиш учун инсон бир неча сифатларга эга бўлиши лозим экан. Ўша сифатлардан биринчиси:

«...Ер юзида тавозе ила юрадиган...»

Раҳмоннинг суюкли бандаси бўлиш шарафига эришган инсон ер юзида камтарлик, ҳокисорлик ва мулойимлик билан юради. Унда такаббурлик, манманлик, ваҳшату даҳшат, турли сохта кўринишлардан асар ҳам бўлмаслиги керак. Шу билан бирга, бўшанглик, иродасизлик, беҳуда қисилиб-кимтиниш, ўзини пастга уриш ҳам бўлмайди. Раҳмоннинг энг суюкли бандаси, Ҳабибур-Раҳмон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юришлари бунинг татбиғидир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан гўзалроқ ҳеч нарсани кўрмадик. Гўё қуёш у зотнинг юзларида юргандек эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тезроқ юрадиган бирор одамни ҳам кўрмадик. Худди ер у киши томон ўралиб келаётганга ўхшарди. Биз чарчаб қолардик, у киши эса чарчамасдилар».

Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳудан ривоят қилинган ҳадисда эса: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам худди тепаликдан тушиб келаётган одамдек ғоз юрар эдилар», дейилган.

Оятнинг давомида Раҳмоннинг суюкли бандалари ер юзида юриб кетаётганларидаги баъзи муаммолари ҳам зикр этилган:

«...жоҳиллар хитоб қилганида «Салом», дейдиганлардир».

Жоҳиллар доимо Раҳмоннинг суюкли бандаларига гап отиб, турли машмашалар чиқаришга ҳаракат қилади. Аммо Раҳмоннинг суюкли бандаларининг улар билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтлари йўқ. Улар бефойда гап-сўзни ўзларига ортиқча деб билишади. Шунинг учун жоҳиллардан кўрқадиган жойлари бўлмаса ҳам, уларнинг хитобига «Салом» («Омон бўл») деб жавоб қайтаришади. Ёки ўзларига саломатлик келтирадиган бирор гап-сўз айтиб қўйиб, парво ҳам қилмай кетаверишади.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّكَ لَنْ تَخْرِقَ الْأَرْضَ وَلَنْ تَبْلُغَ الْجِبَالَ
طُولًا

«Ер юзида кибру ҳаво ила юрма! Зинҳор ерни тешиб юбора олмайсан, зинҳор баландликда тоғларга ета олмайсан!» (37-оят).

Куръони Карим кишиларни тавозели, камтар бўлишга чакиради. Шунинг учун ҳам ер юзида, йўлда юрганда ҳам тавозели бўлишга чакиради. Кибру ҳаво, мутакаббирлик мусулмон одамга тўғри келмайди. Бу сифатлар иймонли, Аллоҳнинг улуғлигини ҳис этган ҳар бир инсон учун мутлақо ётдир. Ўзининг ожиз бандалигини унутган шахсгина ер юзида кибру ҳаво ила юради. Лекин кибру ҳаво билан қаерга ҳам борарди? Унинг қўлидан нима ҳам келарди? Куръони Карим таъбири билан айтганда, ерни тешиб юборармиди ёки бўйи тоғларга етиб қолармиди? Ҳеч нарса бўлмайди. Бекорга овора бўлгани қолади, холос.

Ислому таълимоти шундай бўлганидан кейин, мусулмонлар барча жойларда бўлгани каби, йўлларда ҳам бошқаларга камтарлик ва юксак одоб ила муомала қилишлари керак. Кўринишлари ҳам гўзал бўлиши лозим.

• *Мусулмон киши йўлда виқор билан, ўртача юриши ва овозини баланд кўтармаслиги одобдандир.*

Аллоҳ таоло Лукмон сурасида марҳамат қилади:

وَأَقْصِدْ فِي مَشْيِكَ وَاعْضُضْ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ

«Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» (19-оят).

Яъни, юришинг ўртача ва мақсадли бўлсин. Бекорчи, сохта ҳаракатлар билан куч-қувватни исроф қилиб, кибру ҳаво билан ҳам юрма, жуда лапашанг бўлиб, судралма ҳам

«...ва овозингни пасайтир».

Ҳанграган каби хунук овозда ҳамма ёқни бошингга кўтарма. Бақир-чақир қилиш ёмон нарса. Билиб қўй:

«...овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир».

Эшак бекордан-бекорга бор овози билан ханграб туради. Хеч бир сабабсиз баланд кўтарилган овознинг эшакникага ўхшатилишининг ўзи етарли. Оятда бу овоз энг ёмон экани ҳам таъкидланмоқда.

• **Йўлда юриб бораётган мусулмон кишининг барчага табассум билан боқishi одобдандир.**

عَنْ جَرِيرٍ قَالَ: مَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ مُنْذُ أَسْلَمْتُ إِلَّا تَبَسَّمَ فِي وَجْهِهِ. وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «يَدْخُلُ مِنْ هَذَا الْبَابِ رَجُلٌ مِنْ خَيْرِ ذِي يَمَنِ، عَلَى وَجْهِهِ مَسْحَةٌ مَلِكٍ. فَدَخَلَ جَرِيرٌ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Жарирдан ривоят қилинади:

«Мусулмон бўлганимдан кейин қачон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган бўлсам, юзимга албатта табассум билан қараганлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳозир мана шу эшикдан яманликларнинг энг яхшиси кириб келади. Унинг юзида подшоҳлик сиймоси бор», дедилар». Шунда Жарир кирди».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Демак, одамлар билан кўришганда, ковок солмасдан, ғамгин ҳолатда бўлмай, кўрган одамнинг юзига табассум билан қараб, чиройли муомала қилиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари экан.

Йўлда юриб бораётган мусулмон инсон ўзидан бошқалар ҳам йўлга у каби ҳақли эканларини унутмайди. Уларга йўлда нокулайлик туғдирмасликка, уларга нисбатан хурмат билан қараб, одоб билан муомала қилишга ҳаракат қилади. Йўлда кибру ҳавога берилиш, ўзини бошқалардан устун қўйиш, дабдаба ва асъаса билан юриш динимизда қаттиқ қораланади.

• **Йўлда кетаётган мусулмон киши Аллоҳ таолонинг зикрини мунтазам қилиб бориши йўл одобларидандир.**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَا مِنْ قَوْمٍ جَلَسُوا مَجْلِسًا لَمْ يَذْكُرُوا اللَّهَ ﷻ فِيهِ إِلَّا كَانَتْ عَلَيْهِمْ تِرَةٌ، وَمَا سَلَكَ رَجُلٌ طَرِيقًا لَمْ يَذْكُرِ اللَّهَ ﷻ فِيهِ إِلَّا كَانَتْ عَلَيْهِ تِرَةٌ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Қай бир қавм мажлисда ўтириб, унда Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилмасалар, бу нарса улар учун ҳасрат бўлур. Киши йўлда юриб, унда Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилмаса, бу унинг учун ҳасрат бўлур».

Байҳақий ривоят қилган.

• *Йўлда кетаётган мусулмон одам ўз зиммасида йўл ҳаққини адо этиши бурчи борлигини зинҳор унутмаслиги керак.*

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رضي الله عنه: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالْجُلُوسَ فِي الطَّرِيقَاتِ». قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَا لَنَا بُدٌّ مِنْ مَجَالِسِنَا نَتَحَدَّثُ فِيهَا. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَمَّا إِذْ أَبَيْتُمْ، فَأَعْطُوا الطَّرِيقَ حَقَّهُ». قَالُوا: وَمَا حَقُّ الطَّرِيقِ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «غَضُّ الْبَصَرِ، وَكَفُّ الْأَذَى، وَالْأَمْرُ بِالْمَعْرُوفِ، وَالنَّهْيُ عَنِ الْمُنْكَرِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўлларда ўтиришдан эҳтиёт бўлинглар», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, биз гаплашиб ўтиришга мажбур бўламиз», дейишди. «Агар ўтирсангиз, йўлнинг ҳаққини адо қилинг», дедилар. «Йўлнинг ҳаққи нима, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. «Кўзни тийиш, озор бермаслик, амру маъруф ва наҳйи мункар», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Демак, йўлда кўзни нолойиқ нарсалардан тийиб, бировга озор бермасдан, бошқа йўловчилар билан салом-алик қилиб, кези келганда яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтариш лозим бўлади.

• *Мусулмон инсон йўлда эканида номаҳрамларга кўз тикмаслиги, ношаръий нарсаларга назар солмаслиги керак.*

Агар беихтиёр мазкур нарсаларга кўзи тушиб қолса ҳам, дархол бошқа тарафга қараши ва ўзини кўрмаганга олиши зарур.

• *Мусулмон одам ҳамма жойда, жумладан, йўлда ҳам ҳеч кимга озор бермаслиги матлуб.*

Албатта, бундан фақат бировни ушлаб олиб уриш ёки сўкишгина англашилмайди. Балки йўловчиларга озор берадиган барча нарсалар ирода қилинади.

Мисол учун, қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

• **Йўлга уни ифлос қилувчи чиқиндилар, пўчоқлар, папирос қолдиқлари, турли қогозлар ва шуларга ўхшаш нарсаларни ташламаслик.**

Бир сўз билан айтганда, йўлни ифлос қилмаслик. Зотан, бизнинг динимиз таълимотида поклик иймондан экани қатъий таъкидланган.

عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ، عَنْ أَبِيهِ؛ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ يُحِبُّ الطَّيِّبَ، نَظِيفٌ يُحِبُّ النَّظَافَةَ، كَرِيمٌ يُحِبُّ الْكِرَمَ، جَوَادٌ يُحِبُّ الْجُودَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ أَبِي عَسَى.

Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққосдан, у эса отасидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ покдир, покликни севади; покизадир, покизаликни севади; карамлидир, карамлиликни севади; сахийдир, сахийликни севади».

Термизий, Баззор ва Абу Яъло ривоят қилган.

• **Мусулмон инсон йўлга қазои ҳожат қилинишига ва бавл қилинишига мутлақо йўл қўймайди.**

Чунки бундай қилиш ўта беодоблик бўлгани учун динимиз йўлларга бавл қилиш ва ҳожат ушатишдан қайтаради.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «اتَّقُوا اللَّاعِنِينَ» قَالُوا: وَمَا اللَّاعِنَانِ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «الَّذِي يَتَحَلَّى فِي طَرِيقِ النَّاسِ أَوْ فِي ظِلِّهِمْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَتُسَلِّمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки лаънат келтирувчидан сақланинглар», дедилар. Одамлар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, икки лаънат келтирувчи нима?» дедилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам: «Одамларнинг йўлига ёки соя жойига хало қилган», дедилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда кўпчилик фойда оладиган жойларни эҳтиром қилиш, бундай жамоатчилик жойларини озода сақлаш ҳақида сўз бормокда.

Йўл – кўпчилик фойдаланадиган тармоқ экани олдин ҳам айтиб ўтилди. Унда кишиларга озор берадиган, кўнгилларини ғаш қиладиган нарсалар бўлмаслиги керак. Агар бирор киши йўлга қазои ҳожат қилиб қўйса, ўтган-кетган одам унга лаънат айтади. Одамлар ўтириб, дам оладиган, салкинлаб, нафасини ростлайдиган жойлар ҳам худди шундай! Бундай жойлар ҳам доимо озода сақланиши лозим, у ерларга қазои ҳожат қилиб қўйган кишини ҳам одамлар лаънатлайди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу икки ишни «**икки лаънат келтирувчи**» деб атамоқдалар.

• *Муслмон киши одамларга зарар етказадиган ва озор берадиган нарсаларни йўлда ўзи билан олиб юрмайди.*

Бундан инсоннинг баданига, кийимига, соғлигига ва мол-мулкига зарар етказадиган нарсалар кўзда тутилган. Мисол учун, турли тиғи бор нарсалар, куроллар, кийимга тегса, йиртадиган ёки ифлос қиладиган нарсалар, итга ўхшаш одамни кўрkitувчи, бадбўй нарсалар каби ҳавони бузувчи нарсаларни йўлда олиб юриш одобдан эмас.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ مَرَّ فِي شَيْءٍ مِنْ مَسَاجِدِنَا أَوْ أَسْوَاقِنَا بِنَبَلٍ فَلْيَأْخُذْ عَلَيَّ نِصَالَهَا بِكَفِّهِ لَا يَغْفِرُ مُسْلِمًا». رَوَاهُ الثَّالِثِيُّ.

Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким масжидларимиздан ёки бозорларимиздан камон ўқи ила ўтса, унинг тиғини кафти билан тутиб ўтсин, муслмон одамни кесиб қўймасин», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Бу ҳадисда моддий-жисмоний зарар етказишдан қайтарилаётган бўлса-да, маънавий-руҳий зарар бундан ҳам каттиқроқ саналгани учун, бу ҳолат ҳам мазкур ҳадис мавзусига киради.

Ислом таълимоти бўйича йўлга кишиларга зарар ва озор берувчи нарсаларни ташлашдан четланиб қолиш билан кифояланилмайди. Балки ўша зарар ва озор берувчи нарсалар йўлда пайдо бўлганида, уларни олиб ташлаш талаб қилинади. Динимизда бундай ишларга кенг тарғиб қилинади ва кишиларга озор берувчи нарсаларни йўлдан олиб ташлаш иймон шўъбаларидан бири, деб баҳоланади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي بِطَرِيقٍ وَجَدَ غُصْنَ شَوْكٍ عَلَى الطَّرِيقِ فَأَخْرَعَهُ، فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَعَفَرَ لَهُ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Бир одам йўлда юриб кетаётиб, тиканли шохни кўриб қолибди ва уни йўлдан олиб ташлабди. Аллоҳ унга шукр айтибди ва уни мағфират қилибди», дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

Битта тиканли шохни йўлдан олиб ташлашнинг мукофоти қанчалар улуғ эканини кўрдингизми? Агар йўлнинг озодалиги учун, йўловчиларга озор берадиган нарсаларни йўлдан олиб ташлаш учун шох олиб ташлашдан ҳам каттароқ ишлар қилинса, мукофотлар ҳам катталашиб бораверади. Ҳозирги кунда майда-чуйда нарсаларни йўлдан олиб, махсус ахлат идишларига солиб қўйиш билан бирга, йўлдаги ноқулайликлар ҳақида йўл хизмати ишчилари ёки муассасаларига хабар бериб қўйиш ҳам шундай савобли ишлардан ҳисобланади.

• *Йўл одобларидан бири ёрдамга муҳтож йўловчиларга ёрдам беришидир.*

Йўл тасодиқларга тўла, баъзи йўловчилар бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолишади. Мана шундай вазиятларнинг устидан чиқиб қолган кишилар, агар эҳтиёжи бор одамнинг ўзи ёрдам сўрамаса ҳам, ёрдам беришга шошилишлари керак.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «...وَتُعِينُ الرَّجُلَ فِي ذَاتَيْهِ، تَحْمِلُهُ عَلَيْهَا أَوْ تَرْفَعُ لَهُ عَلَيْهَا مَتَاعَهُ صَدَقَةٌ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишига уловига минишига ёрдам беришинг ёки унинг устига анжомини олиб беришинг ҳам садақадир», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Йўлни кесиб ўтолмай турган кекса ёки ногирон кишиларга бу ишда кўмаклашиш каби ишлар ҳам савоблидир.

• *Йўл одобларининг энг муҳимларидан бири йўл ва унинг ёрдамчи тармоқларидан тўғри фойдаланиш ва бунда ўз фойдасига сунистеъмол қилмаслик.*

Мазкур нарсаларни сунистеъмол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Масалан, бирорта одам йўлдан бирор қаричини ҳам ўзига хослаб, ўзиники қилиб олиши мумкин эмас. Бундай қилиш кўпчиликнинг ҳаққига хиёнат қилиш бўлади. Умуман, йўлни торайтиришга ва унда ноқулайликлар пайдо бўлишига сабабчи бўлиб қолмаслик керак. Бу каби масалалар фикҳ китобларимизда икир-чикирларигача батафсил баён қилинган. Маълумот учун «Кифоя» номли китобимиздан иқтибос келтирамиз:

«...Биров омманинг йўлига соябон, тарнов, минора ёки дўкон қилиб зарар етказадиган бўлса, ҳукуматнинг рухсати бўлса ҳам, жоиз эмас. Йўлда савдо қилиш ҳам шулар жумласига киради. Ҳар бир одам бунга қарши чиқишга ҳақлидир. Ҳатто ҳукуматнинг рухсати бўлса ҳам. Чунки йўл – барчаники. Ўша нарсаларни бино қилишга қарши чиқишга омманинг тўла ҳаққи бор. Тор кўчага бундай нарсаларни шерикларнинг изнисиз қилиш жоиз эмас. Чунки бу ҳолатда санокли одамлардан рухсат сўрашнинг имкони бор. Улардан сўрамай, ўзича йўлни тор қиладиган нарсаларни қуриб олиш яхши эмас.

Мазкур нарсаларнинг қулаши, бузилиб кетиши туфайли ўлган одамнинг хунини қурганининг ота тараф қариндошлари тўлайди. Бу худди йўлга қўйган тоши ёки қазиган қудуғи сабабли инсон нобуд бўлгандагига ўхшайди. Чунки у ўша одамнинг дунёдан кетишига сабабчи бўлди.

Ҳовли эгаси йўлга дахли бор қурилиш қилаётиб, уста ишлатаётганида, ўша нарса йиқилиб, бировни ўлдирса, хунини усталар тўлайди. Қурилиш битгунча улар жавобгар бўлишади. Ўша нарсадан ҳайвон нобуд бўлса ва мазкур нарса ҳукуматнинг изнисиз қилинган бўлса, унинг эгаси тўлайди, ота тараф қариндошлари эмас.

Одам ўлдирилганда, оқила – ота тараф қариндошлар хун тўлайдилар. Аммо ҳайвонларга ва одамнинг баъзи аъзоларига етказилган зарарларнинг тўловини жиноятчининг ўзи тўлайди.

Омманинг йўлига оғиб қолган ва қарши чиқиш ҳуқуқига эга бўлган мусулмон ёки зиммий бузишни талаб қилган деворни унинг эгаси ва унга эга бўлган боланинг валийси, отаси, васийси бузиш имкони бор муддатда бузмаган бўлса, бунинг сабабидан нобуд бўлган нарсани тўлаб беради. Жоннинг хунини оқила (ота тараф қариндошлар) тўлайди...»

Ҳозирги пайтда баъзи кишилар ўзбошимчалик билан йўлларга автоуловларнинг тезлигини пасайтириш учун махсус ғовлар (йўлни бир оз баландлатиб кўтарилган тўсиқлар) қуриб қўйишмоқда. Тез юрган нақлиёт воситалари кишиларни, хусусан, болаларни уриб кетиши эҳтимоли борлиги уларни мана шу ишни қилишга мажбур қилмоқда. Лекин бу ишни ҳар ким ўзича қилиши мумкин эмас. Бундай муаммоларни махсус идораларга мурожаат қилиб ҳал этиш керак. Бу каби ишлар ўша идораларнинг масъулияти ва ҳаққи ҳамдир.

• **Йўл одобларидан бири кўзни тийишдир.**

Йўловчи шарият ҳаром қилган нарсалардан кўзини тийиши лозим. Бунда аёл-қизларга, авратларга, уйларнинг дераза ва очиқ эшикларидан ичкарига ўғринча назар солиш кабилар кўзда тутилган. Аёл-қизларнинг, агар ўзларини одоб доирасидан ташқари тутсалар ҳам, йўлда ҳақлари бор. Демак, уларга назар солиш, тегажоғлик қилиш, гап отиш каби ишлар шариятда ҳаром қилингандир.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يَا عَلِيُّ لَا تُتَبِعِ النَّظْرَةَ النَّظْرَةَ، فَإِنَّ لَكَ الْأُولَى، وَلَيْسَتْ لَكَ الْآخِرَةُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Али, назарга назарни эргаштирма. Биринчиси сен учун безарар бўлса ҳам, бошқаси ундай эмас», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Ушбу таълимотлар ҳам Ислоҳ жамиятини пок сақлаш, йигит-қиз ва эркак-аёлларни турли ношаръий ишлардан, булардан келиб чиқадиган нохуш оқибатлардан асраш учун келгандир. Ислоҳ шариати ҳукми бўйича, эркак кишининг аёллар йўлини тўсиши, тегажўғлик қилиши, гап отиши у ёқда турсин, пинҳона назар солиши ҳам ҳаром ҳисобланади. Бу катта хиёнат ва ўта одобсизликдир.

Агар бир киши уйланмоқчи бўлса, шариат кўрсатмаси бўйича назар солсин. Бу гуноҳ ҳам бўлмайди, биров маломат ҳам қилмайди. Ўз хотинига хоҳлаганича назар солсин, ундан лаззат олсин, савоб бўлади. Аммо бировнинг хотинига ёки бировга хотин бўладиган одамга шахват назари билан қарамасин. Акс ҳолда зино содир бўлмаган чоғда ҳам, кўз зиноси, хиёнат содир бўлади. Шунинг учун Аллоҳдан ва Қиёмат кунидан умиди бор эркаклар номаҳрам назарлардан ўзларини сақлашсин, аёллар, қизлар эса ўзларини кўз-кўз қилишмасин, эркакларни жалб қилишга сабабчи бўлишмасин.

• Йўл одобларининг энг муҳимларидан бири йўл қоидаларига риоя қилишидир.

Ҳар бир жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тўғри йўлга солиш, инсонларни турли зарар ва кўнгилсизликлардан сақлаш мақсадида йўл қоидалари жорий қилинади. Ҳозирги пайтда булар халқаро қоидалар даражасига етган. Ушбу қоидаларга амал қилиш ҳамма учун зарур ва мажбурийдир. Мазкур қоидалар шариатимиз таълимотларига ҳам тўғри келади. Демак, мусулмонлар бу қоидаларга ҳаммадан кўра яхшироқ амал қилишлари керак.

Агар барчамиз ушбу йўл одобларига ва қоидаларига оғишмай амал қилсак, жуда катта ва савобли ишни амалга оширган бўламиз. Ҳаммамиз йўлларнинг моддий ва маънавий ободлиги, показалиги, гўзаллиги учун ҳаракат қилайлик!

• Йўл одобларидан бири аҳли фаъл ва кекса кишиларнинг ҳурматини эсойига қўйишидир.

Бу одобга барча жойларда риоя қилинади. Аммо йўлда ушбу одобнинг аҳамияти яна ҳам ошади.

• **Йўл одобларидан бири ҳар томонга алангламай, тўғрига қараб юришидир.**

Улуғларимиз йўлда ҳар томонга аланглаб қарашни беодобликнинг катталаридан деб билишган.

Йўл одоблари доирасига диний адабиётимизда «йўл ҳақлари» деб аталган қуйидаги одоблар ҳам киради:

• **Йўл ҳақларидан бири йўловчилар билан саломлашишидир.**

Хусусан, салом берганларга алик олишидир. Зотан, Иломда таниган ва танимаган ҳар бир киши билан саломлашишга катта эътибор берилгани ҳаммага маълум.

• **Йўл ҳақларидан яна бири кишиларни яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтаришидир.**

Бу иш доимо қилиниши лозим бўлган ишлардан эканини яхши биламиз. Жумладан, йўлда жамият аъзоларини яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтаришга эҳтиёж жуда ҳам кучли бўлади.

• **Йўл ҳақларидан бири адашган йўловчига йўл кўрсатишидир.**

Йўлда борадиган жойини топа олмай, ёрдамга муҳтож бўлиб юрган кишилар тез-тез учраб туради. Уларга йўл кўрсатиб қўйиш бошқаларнинг бурчидир.

НАКЛИЁТ ВОСИТАЛАРИ ОДОБЛАРИ

Наклиёт (транспорт) воситалари Аллоҳ таолонинг бандаларига берган неъматларидан ҳисобланади. Аллоҳ таолонинг каломи Куръони Каримда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида ва шариатимиз таълимотларида бу мавзуга оид бир қанча маълумотлар келгани динимизда бу воситаларга қанчалар эътибор берилганининг далилидир.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ﴿٧٠﴾

«Бану Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни куруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризклантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик» (70-оят).

Аллоҳ таоло куруқликда ҳам, денгизда ҳам инсон боласи учун турли уловларни яратиб, шунга биноан қонун-қоидаларни жорий қилиб қўйди. Инсон куруқликда турли ҳайвонлар ва наклиёт воситаларида юриб, оғир ишларини енгиллик билан бажаради. Одамларни кўтариб, уларга улов сифатида хизмат қиладиган маркаблар Аллоҳ таолонинг махлуқлари бўлиб, улар Жаноби Ҳақ жорий этган қонун-қоида асосида ўз вазифасини бажаради. Бу эса Аллоҳ таоло Одам боласини азизу мукаррам қилганидандир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло инсон учун сувда чўкмайдиган турли воситаларни яратиб, уларга маълум шаклларни беришни одамларга илҳом этиб, денгизларда сузиб юрадиган кемаларни Ўзи жорий қилган қонун-қоидалар асосида ҳаракатланидиган этиб қўйди. Бу ҳам Аллоҳнинг Одам боласини азизу мукаррам қилганидандир.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

رَبُّكُمُ الَّذِي يُرْسِدُ لَكُمْ الْفَلَكَ فِي الْبَحْرِ لِتَبْتَغُوا مِنْ فَضْلِهِ إِنَّهُ كَانَتْ بِكُمْ رَحِيمًا ﴿١٦﴾

«Роббингиз Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун денгизда кемани юргизиб қўйган Зотдир. У сизларга раҳмдир» (66-оят).

Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон, раҳмли бўлгани учун ҳам уларга турмуш ўтказишни осонлаштириб беради. Масалан, денгизда кемаларни юргизиб қўяди. Бу иш ҳам Аллоҳнинг бандаларига меҳрибонлик ила ато қилган улкан неъматларидандир.

Аллоҳ таоло Зухруф сурасида марҳамат қилади:

وَالَّذِي خَلَقَ الْأَزْوَاجَ كُلَّهَا وَجَعَلَ لَكُم مِّنَ الْفُلْكِ وَالْأَنْعَامِ مَا تَرْكَبُونَ ﴿١٢﴾

«У барча жуфтларни яратган ва сизга кемалар ҳамда чорва ҳайвонларидан минадиган нарсаларингизни қилган Зотдир» (12-оят).

Қадимги замонлардан буён одамлар улов сифатида ушбу икки хил наклиёт воситасидан фойдаланиб келадилар. Бу нарса Аллоҳ таоло томонидан берилган улкан неъмат эди. Инсофли, ўзини билган инсон ўзига миниш уловини бериб, хизмат қилдириб қўйган Зотни доимо яхшилик билан эслаб, Унга шукр этиши керак.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида марҳамат қилади:

وَالْأَنْعَامَ خَلَقَهَا لَكُمْ فِيهَا دِفْءٌ وَمَنْفَعٌ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٥﴾

«У Зот чорва ҳайвонларини ҳам яратди. Уларда сиз учун иссиқлик, манфаатлар бор ва улардан ейсизлар ҳам» (5-оят).

Чорва ҳайвонлари инсоният учун катта неъмат. Албатта, уларни инсонларнинг ўзлари яратишмаган, ярата олмайдилар ҳам. Ҳайвонларнинг ўз-ўзидан дунёга келиб қолишини ақли бор одам тасдиқламайди. Демак, уларни фақат Аллоҳ таоло инсонларнинг фойдаси учун яратган. Инсон бу ҳайвонларнинг жуни ва териларидан ўзига иссиқ кийимлар тикиб кияди. Шунингдек, яна энг катта фойдаларидан бири – инсонлар уларнинг гўштидан таом пишириб, истеъмол қилишади.

وَلَكُمْ فِيهَا جَمَالٌ حِينَ تُرْمَحُونَ وَحِينَ تَسْرَحُونَ ﴿٦﴾

«Ва сиз учун уларда кечки пайт (ўтлоқдан) қайтаётганларида ва эрталаб (ўтлоққа) кетаётганларида, чирой бор» (6-оят).

Бу жамолни, бу чиройни чорвачилик билан машғул бўлганлар яхши хис этадилар. Айниқса, ушбу ояти карималар нозил бўлган жойда ва вақтда бу гўзалликнинг ўзига яраша аҳамияти бор эди. Мазкур ояти каримадан чорва ҳайвонларида нафақат моддий, балки маънавий манфаатлар ҳам борлигига ишора килинаётганини тушуниб оламиз.

وَتَحْمِلُ أَثْقَالَكُمْ إِلَىٰ بَلَدٍ لَّمْ تَكُونُوا بَلَغِيهِ إِلَّا إِسْقِ الْأَنْفُسِ ۗ
 إِنَّ رَبَّكُمْ لَرءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٧﴾

«Ва улар юкларингизни сиз жон машаққатсиз ета олмайдиган юртларга кўтариб боради. Роббингиз шафқатлидир, раҳмлидир» (7-оят).

Бу оятда мол ва туя каби баъзи чорва ҳайвонларининг яна бир хусусияти, яъни юк ташиш манфаати ҳақида гап кетмоқда. Асрлар давомида бу ҳам катта неъмат эди. Узоқ-яқин жойларга юк ташишда инсоннинг оғирини енгил қиладиган асосий восита, улов ўша даврларда туя эди. Унинг ёрдамида одамлар оғирдан-оғир юкларини узоқ-узоқларга осонлик билан етказишар эди. Бу ишларни инсон ўзи яратиб қўйган ёки ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолган нарса билан эмас, балки Аллоҳ яратиб берган туя воситасида амалга оширар эди. Бу ҳолат Аллоҳнинг бандаларига ниҳоятда меҳрибонлиги ва раҳмлилигидандир.

وَالْخَيْلَ وَالْبِغَالَ وَالْحَمِيرَ لِتَرْكَبُوهَا وَزِينَةً وَيَخْلُقُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٨﴾

«Отлар, хачирлар ва эшакларни миншингиз ва зийнат учун (яратди) ва сиз билмайдиган нарсаларни яратур» (8-оят).

Ўша пайтларда улов, яъни нақлиёт (транспорт) воситаси сифатида туядан ташқари ушбу оятда зикр қилинган от, хачир ва эшаклардан ҳам фойдаланилар эди. Шу билан бирга, бу ҳайвонлар эгалари учун зийнат ҳам ҳисобланган. Яъни уларни миниб юрган кишиларга бошқалар ҳавас билан қарашар эди. Мазкур уловга эга бўлиш жамият ичида ўзига яраша обрў ва зийнат саналарди. Булар ҳам Аллоҳнинг инсонга яратиб берган ўзига хос неъматла-

ридир. Инсоф билан тафаккур қилган одам мазкур неъматларни ато этган Зотга шукр қилиши, Унга доимо ҳамду санолар айтиб, иймон келтириши, ибодат қилиб ўтиши лозим.

Ояти кариманинг сўнгида:

«...ва сиз билмайдиган нарсаларни яратур», дейилмоқда. Яъни Аллоҳ таоло келажакда сизлар учун туя, от, хачир ва эшакдан бошқа сиз билмайдиган нақлиёт (транспорт) воситаларини яратади. Дархақиқат, шундай ҳам бўлди. Ушбу оятлар нозил бўлган даврда мавжуд бўлмаган, ҳавода учадиган, сувда сузадиган ва ерда юрадиган кўплаб нақлиёт воситалари вужудга келди.

Бу эса ўз навбатида Куръони Карим мазкур «ва сиз билмайдиган нарсаларни яратур» жумласи ила мўмин-мусулмонларни келажак янгиликларидан хабардор қилаётганига далилдир.

عَنْ نَافِعِ بْنِ عَبْدِ الْحَارِثِ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مِنْ سَعَادَةِ الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ الْمَسْكَنُ الْوَاسِعُ، وَالْجَارُ الصَّالِحُ، وَالْمَرْكَبُ الْهَيِّءُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Нофеъ ибн Абдулҳорисдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кенг маскан, солиҳ кўшни ва яхши маркаб мусулмон кишининг саодатидандир», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифдан яхши маркаб (улов) инсон саодатига омил бўладиган энг муҳим нарсалардан бири эканини билиб оламиз. Исломда ҳаётнинг барча жабҳаларидаги каби, улов ва ундан фойдаланишга боғлиқ тартиб-қоидалар ва одоб-ахлоқлар ҳам жорий этилган.

Авваллари улов асосан туя, от, хачир, эшак каби ҳайвонлардан иборат бўлган. Шунингдек, елканли кемалар ҳам бўлган. Вақт ўтиши билан уловлар тури кўпайиб, ҳайвонлар, гоҳида инсонлар тортиб юрғизадиган аравалар пайдо бўлди. Кейинроқ эса буғ ва турли ёнилғи қуввати ила ўзи юрадиган маркаблар ихтиро қилинди. Замон ўтиши билан нафақат ерда юрадиган, балки сувда сузадиган ва осмонда учадиган турли-туман улов турлари пайдо бўлди. Аммо бу маркаблар қанчалик кўпайиб, такомиллашмасин, уларни инсон бошқариши шарт. Мазкур янги

турдаги маркабларни асосан мусулмонларнинг илмий изла-нишларидан таъсирланган ва фойдаланган ғарблик номусулмон халкларнинг вакиллари ихтиро қилишди ва қилмоқдалар. Улар турли нақлиёт воситаларини ихтиро қилиш, ишлаб чиқариш би-лан бирга уларга оид йўл ҳаракати тартиб ва қоидаларини ҳам йўлга қўйишди.

Аmmo кўпинча қонун шаклида бўладиган мазкур кўрсат-маларда масаланинг моддий томони, кишиларга етиши эҳти-моли бўлган жисмоний ва молиявий талофатларнинг олдини олиш кўзлангандир. Мусулмонларда эса биринчи ўринга маъ-навий ва ахлоқий масалалар қўйилади. Маркаблар, улардан фойдаланиш каби ишларга оид одоблар мажмуаси уламолар томонидан тақдим қилинганига анча бўлган. Аммо улар тар-қоқ ҳолда бўлган. Бунинг устига, техникавий тараққиёт сама-раси бўлган нақлиёт воситаларига оид одоблар ҳақида тафси-лотлар бўлмаган. Бу борада эндигина ҳаракат бошланмоқда. Қуйида мазкур масалага оид одоблардан баъзиларини тақдим қилишга ижозат бергайсиз.

Нақлиёт воситаларидан фойдаланиш одоблари бир неча қисмга бўлинади. Бу одобларнинг биринчи қисми нақлиёт во-ситаларини бошқариш, ҳайдовчилик қилиш ҳаққини берадиган қуйидаги шартлардан иборатдир:

• *Нақлиёт воситаси ҳалол йўл билан қўлга киритилган бўлиши керак.*

Бошқача қилиб айтганда, улов ўз пулига сотиб олинган, эга-си рози бўлиб берган ёки уни ҳайдовчилик ишига олган шахс ёки муассаса рухсат берган бўлиши лозим.

• *Нақлиёт воситасини ҳайдашдан мақсад шарият рухсат берган иш бўлиши лозим.*

Бунда харом-хариш, душманчилик, бузгунчилик, гуноҳ иш-ларни қилиш нияти бўлмаслиги керак.

• *Нақлиёт воситаси расмий техник кўрикдан ўтган бўли-ши лозим.*

Бу иш ҳайдовчининг ўзи ва бошқа инсонлар саломатлиги ҳамда нақлиёт воситаси талофатга учрамаслиги учун зарурдир.

• *Нақлиёт воситасини бошқаришда йўл ҳаракати қоида-ларига риоя қилиши.*

Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик кишиларга, молу мулкка зарар етказиши мумкин. Ўзига ва ўзгаларга зарар етказиш эса Исломда ҳаром қилинган.

• **Нақлиёт воситасини сотиб олишда ниятни яхши қилиш.**

Бунда мазкур воситани сотиб олишда Аллоҳ таолонинг ибодатига, яхши, савобли ишларга, оила ва яқинларнинг хизматига ишлатаман, деган гўзал ниятни қилиш керак. Шунда нақлиёт сотиб олган киши савоб ҳам олади, мақсадига ҳам эришади.

Нақлиёт воситасини сотиб олаётганда фойдалисини, яхшисини, тежамлисини сотиб олиш керак.

Манманлик, мақтаниш ва одамларга кўз-кўз қилиш каби шариатга хилоф ният ва амалларни кўзламаслик лозим.

• **Нақлиёт воситасини Аллоҳ таолонинг неъматидеб билиш ва унинг шукрини қилиш зарур.**

Зотан, мусулмон инсонга етган ҳар бир яхши нарса Аллоҳ таолонинг неъматидир. Нақлиёт воситаси ҳам ўша неъматлардан биридир. Бу неъматнинг шукри уни тўғри йўлда ишлатиш билан юзага келади.

Нақлиёт воситасини покиза, яроқли ва бўлар-бўлмасга уринтирмаган ҳолда туттиш.

Шунда мазкур восита кўпга етади, унинг хизматидан унумли фойдаланилади. Акс ҳолда, у тезда яроқсиз ҳолга келиши, эгаси ундан маҳрум бўлиши мумкин.

• **Нақлиёт воситасидан фойдаланиш давомида унга нисбатан авайлаб, эҳтиёткорона муносабатда бўлиш керак.**

Масалан, эшикларини очиб-ёпишда, ҳайдаш давомида, сақлаш, техник қаров ва ҳоказоларда шундай йўл тutilади.

• **Нақлиёт воситасини минишда кўрсатилган дуони ўқишни зинҳор унутмаслик керак.**

Чунки инсон бошқа барча ҳолатларда бўлгани каби, нақлиёт воситасини минишда ҳам Парвардигорининг мадади ва химоясига ҳамиша муҳтождир.

Аллоҳ таоло Зухруф сурасида марҳамат қилади:

وَالَّذِي خَلَقَ الْأَزْوَاجَ كُلَّهَا وَجَعَلَ لَكُم مِّنَ الْفَلَائِكِ وَالْأَنْعَامِ مَا تَرَكُونَ ﴿١٢﴾ لِيَسْتَوُوا عَلَىٰ ظُهُورِهِ ثُمَّ تَذْكُرُوا نِعْمَةَ رَبِّكُمْ إِذَا اسْتَوَيْتُمْ

عَلَيْهِ وَقُولُوا سُبْحَانَ الَّذِي سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ ﴿١٣﴾
وَإِنَّا إِلَىٰ رَبِّنَا لَمُنْقَلِبُونَ ﴿١٤﴾

«У барча жуфтларни яратган ва сизга кемалар ҳамда чорва хайвонларидан минадиган нарсаларингизни қилган Зотдир. Токи, сиз улар устига ўрнашгайсизлар, сўнгра, уларнинг устига ўрнашиб олгач, Роббингизнинг неъматини эслаб: «Бизга буни хизматкор қилиб қўйган Зот покдир. Бунга қодир эмас эдик. Биз Роббимизга қайттувчилардир-миз», дегайсиз» (12-14-оятлар).

Инсон маркабга минганда, ўзида аллақандай бир кўтаринкилик, ғурур ва манманлик пайдо бўлганини сезади. Ана шундай ҳолатда дарҳол унга маркаб миниш имконини берган Зотни, яъни Аллоҳ таолони эсласа, Унга шукрона ўлароқ юкоридаги оятда келган дуони ўқиса, ҳамма нарса ўрнига тушади.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ إِذَا اسْتَوَىٰ عَلَىٰ بَعِيرِهِ حَارِجًا إِلَىٰ سَفَرٍ كَبَّرَ ثَلَاثًا ثُمَّ قَالَ: «سُبْحَانَ الَّذِي سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ ﴿١٣﴾ وَإِنَّا إِلَىٰ رَبِّنَا لَمُنْقَلِبُونَ ﴿١٤﴾»، اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ فِي سَفَرِنَا هَذَا الْبِرَّ وَالتَّقْوَىٰ، وَمِنَ الْعَمَلِ مَا تَرْضَىٰ، اللَّهُمَّ هَوِّنْ عَلَيْنَا سَفَرَنَا هَذَا، اللَّهُمَّ وَاطْوِ عَنَّا بُعْدَهُ، اللَّهُمَّ أَنْتَ الصَّاحِبُ فِي السَّفَرِ، وَالْخَلِيفَةُ فِي الْأَهْلِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ وَعَثَاءِ السَّفَرِ، وَكَآبَةِ الْمَنْظَرِ، وَسُوءِ الْمُنْقَلَبِ فِي الْمَالِ وَالْأَهْلِ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллалллоху алайҳи васаллам сафарга чиқиб, туяларига минганларида уч марта такбир айтар ва: «Субханаллазми саххоро ланаа хааза. Ва маа куннаа лаху муқринийн ва иннаа ила роббинаа ламунқалибун. Аллоҳумма! Ин-

наа насъалука фии сафаринаа хааза ал-бирра ват-таква ва минал амали маа тарзо. Аллоҳумма! Хаввин алайнаа сафарана хааза ватвиъ аннаа буъдаху. Аллоҳумма! Антас-сохибу фиё-сафар вал халифату фил ахл. Аллоҳумма! Иннини аъузу бика мин ваъсаис сафари ва каобатил манзари ва суъил мун-қалаби фил мали вал ахли», дер эдилар.

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Бизга буни бўйсундирган Зот покдир. Биз бунга қодир эмас эдик. Биз Роббимизга қайтгувчилардир-миз». Аллоҳим! Биз ушбу сафаримизда яхшиликни, таквони ва Ўзинг рози бўладиган амални сўраймиз. Бизларга бу сафаримизни осон қилгин. Аллоҳим! Сен сафарда сохибсан ва ахлда халифа – ўринбосарсан. Аллоҳим! Сендан сафарнинг машаққатидан, ахл ва молда маҳзун бўлиб қайтишдан ҳамда ёмон манзара бўлишидан паноҳ сўрайман!»

• **Нақлиёт воситасини миниб бораётган киши Аллоҳ таолонинг зикрини қилиб бориши юксак одобдир.**

Аллоҳ таолони зикр қилишни ҳеч қачон тарк этмаслик керак. Аммо нақлиёт воситаларида кетаётган кишилар учун зикр алоҳида аҳамият касб этади.

عَنْ عُمَبَةَ بْنِ عَامِرٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَا مِنْ رَاكِبٍ يَخْلُو فِي مَسِيرِهِ بِاللَّهِ وَدِكْرِهِ إِلَّا كَانَ رِدْفَهُ مَلَكٌ، وَلَا يَخْلُو بِشِعْرِ وَنَحْوِهِ إِلَّا كَانَ رِدْفَهُ شَيْطَانٌ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар: «Қай бир улов минган киши Аллоҳ ва Унинг зикри ила машғул бўлса, унга фаришта мингашади, шеър ва шунга ўхшаш нарса ила машғул бўлса, шайтон мингашади».

Тобароний ривоят қилган.

• **Нақлиёт воситасининг эгаси уни лаёқатсиз кишиларга ва ёш болаларга бермаслиги керак.**

Нақлиёт воситасини мазкур тоифадаги кишиларга бериш оқиба-тида жон ёки мол талофатига учраб қолиш эҳтимоли ва хавфи кўп.

• **Нақлиёт воситасига юк ортганда, бошқаларга зиён етмаслиги чорасини кўриш лозим.**

Агар бу маънода йўл кўйилган эътиборсизлик оқибатида бирор кишига ва нарсага зарар етса, нақлиёт воситасининг эгаси тўлаб беради.

• **Нақлиёт воситасини ҳайдовчи киши белгиланган тезликка риоя қилиши лозим.**

Зотан, ноўрин шошилиш шайтондандир. Бундай ҳолатларда шошилиб, тезликни ошириш кўпчиликка зарар етказиши, одамларнинг асабини бузиши, Аллоҳ кўрсатмасин, ҳатто бахтсиз ҳодисаларга, йўл фалокатларига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

• **Нақлиёт воситасини ҳайдовчи ўзидан бошқаларга ҳалал бермаслиги одобдандир.**

Баъзи ҳайдовчилар ўз ҳамкасбларига ҳалал берадиган ишларни ўйламай-нетмай қилаверишади, бу ғирт беодобликдир. Бошқаларнинг йўлини тўсиш, қизил чироқда ўтиб кетиш, уловни бепарволик ва кўполлик билан бошқариш, ўзга ҳайдовчиларнинг юришига ҳалал берувчи бошқа ҳаракатларни қилишдан сақланиш лозим.

• **Нақлиёт воситасини ҳайдовчи киши оғоҳлантирувчи овоз чиқарувчи мосламани иложи борича чалмасликка ҳаракат қилиши зарур.**

Баланд ва кутилмаган овоз кўпчиликка озор бериши, асабини бузиши, йўлдан чалғитишини унутмаслик керак. Бундай овоз воситалари билан автоуловларни жиҳозлашдан мақсад, зарурат юзасидан ишлатиш учундир. Бировларни безовта қилиш, чўчитиш ва норозилик уйғотиш учун эмас.

Нақлиёт воситасини ҳайдовчидан доимо хушёр бўлиши талаб этилади.

Албатта, бусиз мумкин ҳам эмас. Аллоҳ таоло кўрсатмасин, эҳтиёткорлик бир зум унутилса, эътибордан четда бўлинса, бирор кор-хол бўлиши эҳтимоли кучаяди. Шунинг учун ҳайдовчининг ҳар тарафлама эҳтиёт чораларини кўриб бориши жуда муҳим.

• **Нақлиёт воситасини ҳайдовчи бошқа ҳайдовчилар билан ҳам, йўловчилар билан ҳам хушмуомалада бўлишга ҳаракат қилади.**

Бу иш юксак одобдир. Муслмон одам доимо хушмуома-ла бўлиши керак. Аммо бу сифат ҳайдовчилар учун айниқса жуда зарур. Баъзи тажанг ҳайдовчиларнинг ўз ҳамкасблари билан ҳам, йўловчилар билан ҳам ғижиллашиб туриши, бў-лар-бўлмасга асабийлашавериши ҳеч кимга зийнат ҳам, одоб-дан ҳам эмас.

• Нақлиёт воситасини ҳайдовчи ўз маркабини тақиқлан-ган жойларда тўхтатмаслиги ҳам юксак одобдир.

Бу иш жамоатчилик одобларининг кўзга кўринганларидан биридир. Зотан, тўхташ тақиқланган жойга автоуловни тўхта-тиш катта беодоблик, бошқаларга ҳурматсизликдир. Бу иш би-лан ҳайдовчи кўпчиликни беҳурмат қилган ва уларга нокулай-лик туғдирган бўлади.

Нақлиёт воситасини ҳайдовчи автоуловни руҳсат берил-ган жойга ҳам бошқаларга халақит бермайдиган қилиб тўх-татиши лозим.

Баъзи ҳолатларда бошқа нақлиёт воситалари ўта олмай қоладиган даражада тўхтатиб қўйилган автоуловлар кўпчи-лик учун нокулайлик туғдиради, бундан кўчалар тўсилиб қолиши, иши зарур киши юмушига кечикиши каби ҳолатлар ҳам вужудга келади. Бу эса мазкур халақит бераётган автоу-лов эгасининг беодоблиги сабабидан вужудга келади. Мусл-мон инсон учун бу каби беодобликка йўл қўйиш катта айб ҳисобланади.

• Нақлиёт воситасини ҳайдовчи бирор иш билан автоуло-вини қолдириб кетадиган бўлса, уни яхшилаб қулфлаб, барча эҳтиёт чораларини қўриб кетиши керак.

Аксинча, пала-партишлик ва эҳтиётсизлик қилса, ўзига зар-рар етиши мумкин бўлади. Кўча тасодифларга тўла, ўзини бил-маганлар автоуловни олиб қочиши ёки бирор жойига зарар ет-казиши, унинг ичидаги нарсаларни, эҳтиёт қисмларини ўғирлаб кетиши мумкин.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ؛ أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَعْقَلُهَا وَأَتَوَكَّلُ أَوْ أَطْلُقُهَا
وَأَتَوَكَّلُ؟ قَالَ: «أَعْقَلُهَا وَتَوَكَّلْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, (уловимни) тушовлаб туриб таваккал қилайми ёки қўйвориб таваккал қилайми?» деди. Шунда у зот:

«Уни тушовлаб туриб, кейин таваккал қил», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

ЙЎЛОВЧИНИНГ ОДОБЛАРИ

Ҳайдовчининг ўзига яраша одоблари бўлгани каби, нақлиёт воситаларидан фойдаланувчи йўловчининг ҳам ўзига яраша одоблари бор. Улар, жумладан, қуйидагилардан иборат:

Йўловчи шахсий ёки жамоат фойдаланадиган нақлиёт воситасига чиқишда яхши ният билан «бисмиллаҳ»ни айтиб, ўнг оёғини олдин босиб чиқиши одобдандир.

Зотан, мусулмон инсон ўзининг барча ишларида «бисмиллаҳ»ни айтади ва ўнг тараф билан иш бошлайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар.

• ***Йўловчининг жамоатчилик нақлиёт воситасига чиқишда тартибга риоя қилиши юксак одобдир.***

Бунда бекатга етиб келиш асосидаги тартибга биноан чиқилади. Яъни бекатга аввал етиб келган одам олдин чиқади.

• ***Йўловчи нақлиёт воситасига чиқишдан олдин оёқ кийимининг тозалигини йўлга қўйиши ҳам одобдандир.***

Оёқ кийимидаги нопок нарса, лой ва бошқалар билан нақлиёт воситасига чикса, худди бировнинг уйига ёки жамоатчилик жойига тозаланмаган оёқ кийими билан кирганга баробар бўлади. Бу эса мусулмон инсонга мутлақо тўғри келмайди.

• ***Йўловчи нақлиёт воситасига чиқаётиб, ундаги кишиларга салом беради.***

Саломлашиш одоби шуни тақозо қилади. Бирор жойга кирувчи киши ундаги шахсларга, озчилик кўпчиликка салом беради.

• ***Йўловчи нақлиёт воситасига чиққанда, ўтириш жойи аввалдан (чиптада) белгиланган бўлса, ўша жойга ўтиради.***

Баъзи жамоат нақлиёт воситаларида йўловчининг ўтириш жойи аввалдан белгилаб қўйилади. Йўловчининг ўша белгилаб қўйилган жойига ўтириши одобдандир. Бошқа бировнинг жойига ўтириб олиш беодоблик ва ўтакетган маданиятсизликдир.

• **Йўловчи нақлиёт воситасига чиққанда, ўтириши жойи аввалдан белгиланмаган бўлса, биринчи дуч келган бўш жойга ўтириши одобдандир.**

Бу барча жамоатчилик жойларида ҳам риоя қилинадиган ишлардандир. Чунки бўш жой турса-да, одамларни безовта қилиб, ўзига алоҳида жой ахтариш кўпчиликка малол келиши мумкин.

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: كُنَّا إِذَا أَتَيْنَا النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم جَلَسَ أَحَدُنَا حَيْثُ يَنْتَهِي. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Жобир ибн Самура розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига келсак, ҳар биримиз ўзимиз етиб келган жойга ўтирар эдик».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

• **Йўловчи нақлиёт воситасига минганда, «миниш дуоси»ни ўқиши лозим.**

Бу дуо юкорида келтирилди ва уни ёдлаб олиш ҳар бир йўловчи учун зарур. Ҳозирда бу дуони нақлиёт воситаларига илиб кўйиш ҳам урф бўлиб бормокда. Албатта, бу жуда яхши иш саналади.

• **Йўловчи чиққан нақлиёт воситасида ўзини худди бировнинг уйида ёки жамоат жойида ўтиргандек тутиши керак.**

Бировнинг шахсий маркабига минган одам худди унинг уйига кирган кабидир. Бировнинг уйига кирган одам қандай одобларга риоя қилса, маркабига минган одам ҳам ўшандай одобларга риоя қилиши керак. Одоб билан ўтириш, уловда мавжуд нарсаларга кўл узатмаслик, ҳайдовчининг изнисиз бирор нарсадан фойдаланмаслик ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Шунингдек, жамоатчилик маркабига минган одам ҳам худди жамоатчилик биноларига кирган кишидек бўлади. У ҳам ўзига яраша одобларга риоя қилиши лозим.

• **Йўловчи ўзи чиққан нақлиёт воситасида озодаликка риоя қилиши жуда ҳам муҳим.**

Бунда нақлиёт воситаси шахсийми, жамоат фойдаланадиганими, фарқи йўқ. Зотан, мусулмонларнинг кўзга кўринган шиорларидан бири: «Поклик иймондандир». Афсуски, баъзи кишилар бу ҳақиқатни унутиб, ўзлари фойдаланаётган нақлиёт

воситаларида тозаликка риоя қилишмайди. Турли чиқиндиларни, қоғоз ва озиқ-овқат қолдиқларини нақлиёт воситаларига ташлаб кетиш ҳоллари ҳар қадамда учраб туради.

• *Йўловчидан ўзи минган нақлиёт воситасига ҳеч қандай зарар етказмаслик талаб этилади.*

Бу одобга риоя қилмай, нақлиёт воситасига зарар етказган йўловчи бировнинг ёки жамоатчиликнинг мулкига талофат етказган ҳисобланади ва уни тўлаб бериши вожиб бўлади.

• *Йўловчининг жамоат нақлиёт воситасида ҳақдор кишиларга жой бериши юксак одоб намунасидир.*

Ҳақли кишилар деганда қари, бемор, заифҳол кишилар, хомиладор ва болали аёл кабилар киради. Бу каби шахсларни барча жойларда авайлаш керак бўлганидек, нақлиёт воситаларида ҳам жой бериш, ёрдам кўрсатиш ҳаммининг бурчидир.

قَالَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ: وَجَاءَ شَيْخٌ كَبِيرٌ يُرِيدُ النَّبِيَّ ﷺ، فَأَبْطَأَ الْقَوْمُ عَنْهُ أَنْ يُوسِعُوا لَهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا وَيُوَقِّرْ كَبِيرَنَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

«Анас ибн Молик: «Бир катта ёшдаги қария Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни прода қилиб келди. Қавм унга йўл очишда кечикиб қолди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кичкинамизга раҳм қилмаган, катта-мизни улуғламаган биздан эмас», дедилар», деди».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• *Жамоатчилик марказларида тиқилинч бўлса, янги чиққанларга жой бериш юксак одобдир.*

Жамоатчилик нақлиёт воситалари ҳам худди мажлислар каби-дир. Уларда ҳам мажлислар одобига риоя қилиш лозим бўлади.

Аллоҳ таоло Мужодала сурасида марҳамат қилади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قِيلَ لَكُمْ تَفَسَّحُوا فِي الْمَجَالِسِ فَافْسَحُوا
بِفَسْحِ اللَّهِ لَكُمْ

«Эй пймон келтирганлар! Агар мажлисларда сизларга «Жой беринг», дейилса, жой беринг, Аллоҳ сизларга ҳам жой берадир» (11-оят).

• *Йўловчининг жамоатчилик нақлиёт воситасида бақир-чақир қилмаслиги ҳам одобдандир.*

Афсуски, баъзи бир одобга риоя қилмайдиган шахслар жамоатчилик нақлиёт воситасида баланд овозда гапириб, хохолаб, сўкиниб, кўпчиликнинг тинчини бузадилар. Бундай ҳолатлар мусулмон кишиларга мутлақо ярашмайди.

• *Йўловчи жамоатчилик нақлиёт воситасида манзилига етиб борганидан кейин, ҳайдовчига ташақкур айтади, гарчи йўлқира тўлаган бўлса ҳам.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللَّهَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Одамларга шукр қилмаган Аллоҳга шукр қилмайди», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

• *Йўловчи нақлиёт воситасидан тушаётганида, бошқаларга хайрлашув саломини бериб, «бисмиллаҳ»ни айтиб, ўнг оёғи билан тушади.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا انْتَهَى أَحَدُكُمْ إِلَى الْمَجْلِسِ فَلْيُسَلِّمْ، فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَقُومَ فَلْيُسَلِّمْ، فَلَيْسَتْ الْأُولَى بِأَحَقَّ مِنَ الْآخِرَةِ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз бир мажлисга кириб борса, салом берсин. Ўрнидан турмокчи бўлса ҳам салом берсин. Биринчиси кейингисидан ҳақли эмас», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

Ушбу «Наклиёт воситалари одоблари» сарлавҳаси остида келган маълумотлар олдинги китобларимизда топилмайди. Зотан, янги пайдо бўлган наклиёт воситаларига оид одоблар улардан олдинги ёзилган китобларда бўлиши мумкин ҳам эмас. Қадимги наклиёт воситаларига оид одоблар эса ўз ҳолича баён қилинган бўлиб, улар алоҳида жамланмаган эди. Шунинг учун бўлса керак, ҳозир бу борадаги одобларга риоя қилиш кўнгилдагидек эмас. Камина ходимингизга бу ҳақда одамлар шикоят қилиб туришади. Уларнинг гапларига қараганда, кўпчилик йўл ҳаракати қоидаларига ҳам, улов минишдаги одоб-ахлоқ меъёрларига ҳам амал қилмайди. Кўпгина хайдовчилар бир-бирларига озор беришади, сўкишиб-уришади ва ҳоказо.

Бир таниш кишининг айтишича, ёши ўтиб қолгани сабабидан у автоуловини секинроқ ҳайдар экан. Ёш хайдовчилар у кишининг ортидан «тезроқ ҳайда» деган маънода овоз чикариш асбоби (сигнал) билан шовкин кўтаришар, у кишидан олдинга ўтиб олгач, уят гаплар билан сўкиб кетишар экан. Мазкур танишимиз бу гапларни алам билан айтди ва одамларга бу борада уламолар тушунча беришса, яхши бўлишини ҳам таъкидлади. Бунга ўхшаш гап-сўз ва фикр-мулоҳазалар тез-тез учраб турибди.

Мазкур автоулов беодоблари пиёда юрганларида, суҳбат ва бошқа муомалада юқорида айтиб ўтилган беодобликларини қилмасликлари мумкин. Чунки бу ҳолатларда кўз кўзга тушиб туради. Аммо ушбу ҳолатдан йироқлашиб, ўз уловига миниб олгач, инсоннинг илиқ нафасини сезмай, кўзи кўзига тушмай турганда, истаган номаъқулчилигини ўзига эп кўриб қолади.

Аслида бу ҳолат ўша инсонларнинг умумий одоб-ахлоқлари даражаси пастлигидан келиб чиққан бўлади. Уларнинг кўз кўзга тушиб турганда одоблироқ бўлишлари риёкорликдан иборат бўлади. Одоб ва ахлоқ меъёрлари уларнинг асосий сифатига айланмагани учун, мазкур беодобликларни қилишни ўзларига раво кўришади. Ҳақиқий мўмин-мусулмон кишиларнинг одоб ва ахлоқ меъёрлари уларнинг доимий сифатларига айланиб қолгани учун, қаерда, қачон, кимнинг

олдида бўлишидан қатъи назар, ўзларини юксак одоб доирасида тутишади.

Ушбу мулоҳазалар туртки бўлиб, анчадан буён умумий тарзда ижтимоий одоблар ҳақида, хусусан, янги пайдо бўлган нақлиёт, сўзлашув воситалари ва бошқа нарсаларга оид одобларни халққа етказиш маслаҳатини қилиб юрар эдик. Ёш олимларимиздан баъзиларига илтимос қилиб, улар бу мавзуларда рисо­лалар ҳам ёзишган, булар интернетдаги саҳифамизда нашр ҳам қилинган эди. Ўша битиклардан фойдаланиб, ушбу китобга ҳам янги мавзуга оид маълумотлар сифатида бир неча бобларни ки­ритишни маъкул кўрдик.

УЯЛИ ТЕЛЕФОН ОДОБЛАРИ

Ажнабий тилдан олинган «телефон» сўзи овозни узоқ масофага узатиш маъносини билдиради. Авваллари бу мақсадга мўлжалланган асбоблар бўлмаган. Кейинчалик илмнинг ривожланиши натижасида овоз узатиш асбоблари ихтиро қилинди ва улардан бошқалар қатори мусулмонлар ҳам фойдалана бошладилар. Телефон алоқаси ва техникаси ривожлана бориб, бу соҳада мисли кўрилмаган тараққиётга эришилди. Охири келиб бизда «уяли телефон» деб номланаётган, бошқа халқларда «чўнтак телефони», «кўл телефони», «ҳаракатланувчи телефон» каби турли номлар билан аталаётган телефон тури кенг тарқалди. Ҳозирга келиб, мослама нафақат овозни узоқ масофага узатиш воситаси, балки сурат ва видеотасвирга тушириш, уларни бошқаларга юбориш, овоз ёзиш, қисқа мактублар (СМС) юбориш, интернетга кириш каби бир қанча ишларни амалга ошириш воситасига айланиб қолди.

Албатта, бу нарсаларни тартибга солиш, телефон орқали бўладиган алоқаларнинг меъёри ва одобларини баён қилиш зарурати туғилди. Аммо бу иш билан деярли ҳеч бир одам ёки гуруҳ жиддий шуғулланмаётир. Муаммолар эса борган сари кўпайиб бормоқда.

Фойдали нарсаларнинг ўзига яраша зиён тарафи ҳам бўлганидек, уяли алоқа воситасининг ҳам манфаатли ва зарарли тарафлари бор. Агар уни манфаат йўлида ишлатиб, зарарли тарафларидан сакланилмаса, неъматга нисбатан ношукрлик бўлади, киши ўзининг дунёси учун ҳам, охирати учун ҳам зиёнга ишлайди.

...Масжидда маъруза қилишга тайёрланаётган эдим. Шунда бир гуруҳ ёшлар мендан олдин қўлларига телефонларини олиб, суратга олишни бошлаб юборишди. Улардан баъзилари бошқа намозхонларнинг елкалари оша, туртиб-суртиб олдинга ўтишга интилишмоқда. Бошқа бирлари чўккалаб олишган. Учинчи тоифаси эса ўтирган жойида бўйнини чўзиб, қўлидаги телефонини баланд кўтариб туришибди. Отахонлар безовта бўлишмоқда, асабийлашишмоқда. Баъзилари ҳалиги йигитларни тартибга чакириб, ўтиришга чорлашди. Энг асосийси, сурат ва овозни ёз-

моқчи бўлаётган ёшлар на масжид имомидан, на мендан рухсат сўрашни хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Уларнинг фикрича, суратга ёки овоз ёзишга шайланган киши ҳаммадан юкори туради, унга биров халақит бермаслиги ҳам фарз, ҳам вожиб...

Мусулмонларга, намозхон кишиларга шу иш муносибми? Йўқ! Бу иш мусулмонларга мутлақо ярашмайдиган ўта одобсизликдир! Мусулмон инсон Аллоҳ таолонинг уйи бўлмиш масжидда суратга олиш, овоз ёзиш билан овора бўлмаслиги, одоб билан маъруза эшитиши керак. Бошқа намозхонларга, маърузачига халақит бермаслиги лозим.

...Бир одамнинг маросимидамиз. Тўйга келганлар учун кенг жойга дастурхон тузалган. Биз ўтирган чорпоя атрофини кўп сонли «телефончилар» ўраб олиб, сурат олишни ва овоз ёзишни бошлаб юборган. Бошқа меҳмонлар тўсилиб қолганлари сабабли, тик туриб, бўйин чўзишмоқда ёки «телефончилар»ни «Ўтир-ўтир», деб тартибга чақиришмоқда. «Телефончилар» эса бунга парво ҳам қилмай, ўз фаолиятларини давом эттириш, бир-бирларини итариш-туртиш билан оворалар. Уларнинг фикри-зикри – беодоблик билан ёзган нарсаларини телефон орқали тезроқ бошқаларга юбориб, шуҳрат қозониш, мактаниш...

Мусулмон меҳмонларга шу иш муносибми? Йўқ! Бу иш меҳмонларга мутлақо муносиб эмас. Меҳмон деган одам ўзи учун кўрсатилган жойда одоб билан ўтириши лозим. Изн сўрамасдан, бировни суратга олмаслиги ва овозини ёзмаслиги керак. Энг асосийси, бошқа меҳмонларни безовта қилмаслик лозим.

...Кимдир аёллар ҳаммомидан сурат олиб, телефонда ҳаммага тарқатиб юборибди. Хиёнаткорона сурати туширилган аёллардан бировининг оиласи бузилибди, яна бири шармандаликдан кўпчиликка аралаша олмай қолибди...

Шу иш мусулмон инсонга тўғри келадими? Йўқ! Бу иш мусулмон инсонга мутлақо тўғри келмайди. Мусулмон инсон бошқа инсонларни, хусусан, аёлларни яширинча суратга олмайди. Ҳатто бировни ўзига билдириб бўлса-да, рухсатсиз суратга туширмайди. Мусулмон инсон аёл кишини яширинча (ошқора ҳам) суратга олиш у ёқда турсин, кўчада тасодифан кўзи тушиб қолса, назарини бошқа тарафга қаратиши шарт.

...Бир одам эрталаб ишга кетаётса, йўлда фалокат содир бўлиб, бир кичик автоулов каттасининг остига кириб кетибди. Буни томоша қилиб турган одамларни кўриб тўхтабди, суратга олибди. Сўнгра ўзича ҳамкасбларига нодир суратни кўрсатиб, макта-нишни режалаштириб, ишхонасига кирса, у ердагилар бошқалар томонидан ўзларининг қўл телефонларига аллақачон юбориб бўлинган мазкур ҳалокатни томоша қилиб ўтиришганмиш...

Шу иш мусулмон инсонга тўғри келадими? Йўқ! Бу иш мусулмон инсонга мутлақо тўғри келмайди. Мусулмон киши бошқа инсонларнинг мусибатга учраганини кўрганда, дарҳол ўша вазиятда ўқилиши керак бўлган дуони қилади. Мусибатга учраганларга ёрдам беришга шошилади. Ўзини ва бошқаларни бунга ўхшаш ҳолатлардан сақлашини Аллоҳ таолодан сўраб илтижо қилади.

...Қабулимга келган баъзи кишилар ўзларининг оила аъзолари, хотини ёки келинининг номахрам эркак билан уяли телефонда гаплашгач, учрашувга борганини пойлаб бориб, ушлаб олишганини, кейин уяли алоқа марказидан аёлнинг мазкур телефон эгаси билан қачондан буён ва неча марта учрашганини аниқлашганини айтиб, шикоят қилишди... Қайси аёл эри ва боласи бўлатуриб, бегона эркак билан бу каби иш тутиши мумкин?! Унинг бу нобакорлигига айнан уяли телефон хизмат қилмаяптими?

...Интернетдаги савол-жавоб саҳифамизга «Агар бир киши аёлига уяли алоқа воситасидаги хат (СМС) орқали талок берса, талок тушадими?» деган маънодаги саволлар тез-тез келадиган бўлиб қолди... Оиласидан узоқдаги эр учун уяли телефон оила аъзоларини, хусусан, хотинини яқинлаштириб турадиган восита бўлиши керак эди. Аммо бу неъматнинг қадрига етмаган эр яхшиликдан юз ўгириб, ёмонликка юз тутибди ва хотинини уяли телефон орқали талок қилибди.

«...Ёш-ёш болалардан кўпчилигининг қўлида ҳам уяли телефон», дея шикоят қилди бир танишим. Уларнинг ўқиб таълим олиш ўрнига телефон ўйнаб, унда турли беҳаё сурат ва сахналарни томоша қилишларига қандай чидаш мумкин?! Куни кеча телевизорда ҳам ушбу муаммо муҳокама қилинди. Мактаб болаларига уяли телефонни ман қилиш ҳақида гап-сўзлар юрибди... Болаларни, ёшларни илм олишдан, ҳақиқий маърифатли ва

маданиятли бўлишдан бошқа тарафга бураётган нарсалар ичида уяли телефоннинг ҳам борлиги ниҳоятда ачинарли ҳолдир!

Юқорида зикр қилинганига ўхшаш афсусланарли ҳолатлар анчагина бор. Буларни тўғрилашимиз керак. Бу каби муаммоларни ҳал этишда ман қилиш, тақиқлаш каби мажбурий чоралар қисман ва вақтинча фойдали бўлишини яхши англашимиз лозим. Ман қилиш ва тақиқлашлар аввало четлаб ўтиладиган нарсалар, қолаверса, улар йўқ бўлиши билан кўпчилик яна ман қилинган нарсага ўзини уриши турган гап.

Бу муаммони ҳал қилиш учун асосан, одоб-ахлоқни, таълим-тарбияни йўлга қўйишимиз керак. Тарбияли ва одобли инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам гуноҳ ва беодобликни ўзига эп кўрмайди. Иймони ва ахлоқи қаерда ва қачон бўлса ҳам, қандай ҳолатда бўлса ҳам, уни фақат яхшиликка чорлайди. Агар одамларимизнинг ахлоқий тарбиясини яхшилаб йўлга қўйсақ, улар барча соҳалардаги каби, уяли алоқа соҳасида ҳам фақат яхшиликка амал қилиб, барча ёмонликлардан четда бўлишади.

Келгуси сатрларда зикр қилинадиган маълумотларни ана шу орзу қилинаётган уринишлар йўлидаги камтарона ва ожизона қадамлардан бири дея қабул қиласиз, деган умиддамиз.

Уяли алоқа воситасига оид одоблар

Олдинлари оддий телефон, ҳозирда эса уяли алоқа воситаси (телефони) сотиб олишда одамлар турли меъёрларга асосланишлари ҳаммага маълум. Кимдир яхши ният билан, кимдир бошқа мақсад ва ниятлар билан сотиб олади. Ислом дини қондаси бўйича, барча амаллар ниятга қараб баҳоланади. Шунинг учун ҳам:

• *Телефон сотиб олишда уни яхшиликларга, дунё ва охираат учун манфаатли нарсаларга ишлатиш ниятини қилиш керак.*

Ана ўшанда ундан барча нарсалар баробарида фойдаланилади ва унга қўшимча равишда яхши ният учун савоб ҳам олинади.

Бу борадаги яхши ниятдан силаи раҳмни тиклаш, яқин кишиларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, уларга яхши сўз ва тилакларни тақдим этиш, ўз ҳолатини тезроқ битириш орқали вақтни тежаш ёки сўзлашув воситасининг имкониятларидан фойдаланиб, Қуръони Карим тиловатлари, панд-насихатларни тинглаш,

ибратли кўрсатувларни томоша қилиш, фойдали матнларни мутолаа қилиш каби хайрли ишлар кўзда тутилган бўлади.

• *Уяли алоқа жиҳозининг ўз эҳтиёжига ярашасини олиши керак.*

Чунки эҳтиёждан ташқари нарсага мол-пул сарф қилиш исрофдир. Исрофгарчилик эса ҳаромдир.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

وَكُلُوا وَاشْرَبُوا وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ ﴿٣١﴾

«Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас» (31-оят).

Бу ишда ҳам Исломининг барча ишлардаги шиори бўлмиш мўътадилликка амал қилиб, ўртача иш тутган афзалдир.

• *Уяли алоқа воситаси ойнасига Аллоҳ лафзини ва Қуръони Карим оятларини қўймаслик одобдандир.*

Бу ишни қилиш эса мазкур нарсаларга нисбатан беҳурматликка олиб бориши мумкин. Чунки ушбу муқаддас лафзлар ойнада очик турган ҳолда телефонни бетаҳорат ушлаш, у билан нолойиқ жойларга кириш жоиз саналмайди. Унинг ойнаси қопқоғи ёпилгачгина, жиҳозни бетаҳорат ушлаш мумкин. Ўша муқаддас нарсалар телефон ойнасида кўриниб турган ҳолатда қоғозда турганидек ҳукмда бўлади. Демак, у билан таҳоратхона ёки ҳаммом каби жойларга кириш мумкин эмас.

• *Уяли алоқа жиҳозининг қўнғироқ товушларига Қуръон ояти, азон ёки Аллоҳнинг зикрларини қўйиши мумкин эмас.*

Зеро, Қуръон уни ўқиш, бутун вужуд билан тинглаш, маъноларини тафаккур қилиб, кўрсатмаларига амал қилиш учун Аллоҳ таоло тарафидан нозил қилинган муқаддас Каломдир. Шундай экан, унга шу мақсадларга мувофиқ тарзда муносабатда бўлиш вожибдир. Қуръон мусика ёки қўнғироқ ўрнида ишлатилиши учун нозил қилинган эмас. Азон эса Исломининг шиор-нишонларидандир. У мусулмонларни ибодатга чорлаш учун жорий қилинган ибодатдир. Азон каби, бошқа зикрларни ҳам қўнғироқ ўрнида ишлатиш мумкин эмас.

• *Уяли алоқа жиҳозига Исломда тинглаш ёки томоша қилиш ман қилинган нарсаларни жойлаштириши ҳаромдир.*

Агар бундай нарсаларни жиҳозни ишлаб чиқарувчи корхона-ташкилот киритиб қўйган бўлса, уларни дарҳол ўчириб ташлаш лозим. Зотан, ўша тараф шу усул билан ҳам одамларни бузишга, улар орасида бузуқликни таркатишга ҳаракат қилади.

• Уяли алоқа воситаси ўзгага тегишли бўлса, унинг рухсатсиз олиш, ундан бировга қўнгироқ қилиш, унинг ичидаги нарсаларни очиб кўриш мутлақо мумкин эмас.

Бундай қилинганда, ўзгаларнинг сирларига, яширилиши лозим бўлган нарсаларига тажовуз қилинган бўлади. Бу албатта, катта хиёнатдир. Хиёнат эса ҳаромдир. Мазкур нарсалар жиҳоз эгасининг аврати – бировлардан беркитишни, яширишни истаган нарсаси бўлади. Бировнинг авратига назар солиш эса ҳаромдир.

عَنْ أَبِي بَرْزَةَ الْأَسْلَمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «يَا مَعْشَرَ مَنْ آمَنَ بِلِسَانِهِ وَلَمْ يَدْخُلِ الْإِيمَانُ قَلْبَهُ، لَا تَعْتَابُوا الْمُسْلِمِينَ وَلَا تَتَّبِعُوا عَوْرَاتِهِمْ، فَإِنَّهُ مَنِ اتَّبَعَ عَوْرَاتِهِمْ يَتَّبِعِ اللَّهُ عَوْرَتَهُ، وَمَنْ يَتَّبِعِ اللَّهُ عَوْرَتَهُ يَفْضَحْهُ فِي بَيْتِهِ».

رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Барза Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй тили билан иймон келтириб, қалбига иймон кирмаганлар жамоаси! Муулмонларни ғийбат қилманглар ва уларнинг айбларини ахтарманглар! Ким уларнинг айбини ахтарса, Аллоҳ унинг айбларини ахтаради. Аллоҳ кимнинг айбларини ахтарса, уни уйининг ичида шарманда қилади», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• Уяли алоқа жиҳози билан ўзининг рухсатсиз бировни суратга олиш ёки овозини ёзиш мутлақо мумкин эмас.

Чунки бу жосусликдир, хиёнатдир. Агар ўша нарса бошқаларга ҳам тарқатилса, бундан-да улкан хиёнат, гуноҳ азим бўлиши муқаррар.

Шунингдек, уяли алоқа жиҳозидан бошқа асбоблар билан ҳам ўзларининг рухсатсиз одамларнинг суратларини олиш ва овозларини ёзиш мумкин эмас. Сурати олиниши, овози ёзилиши керак бўлган одамдан изн сўраб, огоҳлантириб қўйилса, у

Ўзини тартибга солиши, гапини ўнглаб гапириш учун тайёргарлик кўриши мумкин. Ҳар бир инсон бошқаларга гўзал тарзда кўринишни ва маъноли гапиришни истайди. Тайёргарлик кўрмаган, суратга олинаётганини ва овози ёзилаётганини билмаган одам жуда ноқулай ҳолатда қолиши турган гап.

Бизнинг тажрибамизда бундай ҳолатлар тез-тез такрорланиб туради. Маросимларда эсдалик учун сурат олиш ва овоз ёзиш одат тусига кириб қолган. Бу ишларни амалга оширувчилар эса хаваскор суратчилар бўлади. Улар ўзлари қилаётган ишнинг сирасрорларини ҳам, одобларини ҳам билишмайди. Хаёлига нима келса, шуни қилади. Шу билан бирга, ўзлари қилаётган ўша ишга ҳақли эканини, биров унга қарши гап айтиши мумкин эмаслигини ҳам даъво қилишади. Улар сурат олиш жихозининг ўткир нузли чироғини ёқиб олиб, истаган кишининг кўзига қаратиб, истаган муддатда суратга олишга уринишади. Маросимга келган меҳмонларнинг оғзига таом солишини суратга туширишни ўзларининг «муқаддас бурчлари» деб билишади. Камина ходимингизга ўхшаш маърузачилар уларнинг чинакам қурбонига айланишади. Уларга «Чироғингни ўчир», деган одам балога қолади. Чироқни ўчирса, тасвир яхши чикмаслигини баҳона қилишади. Аммо «Сен истаганча бўлса, буёқдаги одамнинг кўзи оғрийдику, унда нима бўлади», дейилса, бақрайиб, кўзини олайтиради, жаҳл қилади. Бу каби беодобликларга чек қўйилиши лозим. Ҳамма нарса одоб доирасида, бошқаларга азият етказмаган, ҳақлари поймол қилинмаган тарзда амалга оширилиши керак.

• Болаларга уяли алоқа жихозини олиб беришга ишмаслик, олиб берганда ҳам, фақат зарурат юзасидан ишлатилишини йўлга қўйиш лозим.

Кўпроқ болаларнинг каердалигини билиб туриш, баъзи ишларга чорлаш мақсадида уяли алоқа жихози уларда ҳам заруратга айланиб қолиши мумкин. Бу ҳолда уларга фақат гаплашиш имконини берадиган жихоз олиб бериш керак. Бошқа амалиётларни бажариш, мисол учун, қисқа мактуб юбориш ва қабул қилиш, сурат олиш, овоз ёзиш, интернетга кириш кабиларни аралаштирмаслик мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, болаларнинг жихозларини назорат қилиб, ичидагиларини тез-тез текшириб туриш керак.

Жамоатчиликка нисбатан одоблар

• *Масжидлар, жамоат йиғинлари ва қабул чоғлари ҳамда илмий мажлисга ўхшаш жойларда уяли алоқа жиҳозини ўчириб қўйиш талаб этилади.*

Чунки кўнғироқ овози масжидларда намозхонларнинг ибодатига путур етказди, намознинг асоси бўлган хушў-хузуъни барбод қилади, мажлисларда сўзловчига ҳам, тингловчига ҳам ҳалақит беради, илмдан чалғитишга, мухтарам кишиларни беҳурмат қилишга сабаб бўлади.

Ушбу одобга амал қилинмагани туфайли масжидларда расмий огоҳлантириш эълонлари туришига қарамай, намоз пайтида турли телефонларнинг кўнғироқ овозлари намозхонларни безовта қилмоқда. Турли йиғин ва мажлисларда ҳам бунга боғлиқ нокулайликлар туғилмоқда. Маросим ва йиғинларда бошқалар билан гаплашиб ёки тўпланганларга гапириб ўтирган кишиларнинг телефони жиринглаб қолса, дарҳол унда гаплашишга ўтишади ёки телефонни қулоғига тутиб гаплашган ҳолда бир йўла ташқарига чиқиб кетишади.

Бундай ҳолатни ўша одам билан мажлис куриб, кўзи кўзига тушиб суҳатлашиб ўтирган азиз инсонларга нисбатан ҳурмат деб бўладими? Бу ўтакетган ҳурматсизликдир! Бундай кишиларни одобли, дейиш ҳам қийин. Бир одам билан гаплашиб турган кишининг иккинчи одам билан муомала қилиши одобдан эмас. Қандай қилиб биров билан гаплашиб турган одам телефонда кўнғироқ бўлгани учун ўша одамнинг гапини оғзида қолдириб, бошқа тарафга кетиб қолиши мумкин?

• *Жамоатчилик йиғинларида ва қабул чоғлари ҳамда илмий мажлисга ўхшаш жойларда уяли алоқа жиҳозини ўйнаб ёки қўлда айлантириб ўтириш беодобликдир.*

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумо: «Менинг учун энг ардоқли шахс суҳбатдошимдир. Унинг юзига пашша кўнса ҳам, менга озор беради», деганлар.

Суҳбат ва мажлисларда бировга кўнғироқ қилиш, бировларнинг кўнғироқларини қабул қилиш одобдан эмас.

Зарурат бўлган тақдирда, суҳбатдагилардан узр сўраган ҳолда, имкони бўлса, ташқарига чиқиб гаплашиш керак. Ташқарига

чиқишда ҳам мажлисдошлардан рухсат сўраш лозим. Аммо ара-лаш суҳбат ўринларида, бемалол жойларда бўлса, бошқа гап.

• *Уяли алоқа телефонда суҳбатлашишида овозни керагидан ортиқ кўтармаслик зарур.*

Хусусан, кўпчилик орасида бўлганда бу одобга қаттиқ риоя қилиш лозим.

Аллоҳ таоло Луқмон сурасида марҳамат қилади:

وَأَعِضْ مِنْ صَوْتِكَ إِنْ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتِ الْحَمِيرِ ﴿١١﴾

«...ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» (19-оят).

Баъзилар эътиборсизлик оқибатида телефонда гаплашганда, овозини баланд кўтаришга ўрганиб қолишган. Бу кўпчиликка, ҳатто телефонда у билан гаплашаётган шахсга ҳам малол келишини эсдан чиқармаслик керак.

• *Уяли алоқа жиҳозида чалинганда атрофдаги кишиларга малоллик келтирадиган муסיқа ёки товушларни кўнғироқ сифатида ўрнатмаслик одобдандир.*

Баъзи кишилар одамларни ажаблантириш, ўзини кўрсатиш мақсадида кишиларни чўчитиб юборадиган, кўпол, ёмон таъсир қиладиган ва малол келадиган овозларни ўрнатиб олишади. Албатта, бундай иш обрў келтирмайди. Кўл телефонларидаги кўнғироқ ўрнида хизмат қиладиган овозлар телефон эгасининг диди, маданияти ва одобининг ўлчовидир десак, муболаға қилмаган бўламиз.

• *Уяли алоқа воситасида имкон қадар суҳбатни тезроқ тамомлашга ҳаракат қилиш ҳам одобдандир.*

Акс ҳолда, субатдошга озор берилган, вақти ўғирланган бўлади. У шошилиб турган ёки бошқа бирор иши бўлиши мумкин.

• *Уяли алоқа воситаси орқали суҳбатлашаётганда ҳурматли ва эъозлаш лозим бўлган киши келиб қолса, суҳбатдошга узр айтиб, ҳалиги инсонга юзланишингиз зарур.*

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, кўзи кўзига тушиб турган киши узоқда турган кишидан кўра муомалага ҳақлидир.

Суҳбатдошга нисбатан одоблар

• *Бировга кўнғироқ қилишдан, қисқа хат ёзишдан олдин унинг рақамини аниқлаб олиш лозим.*

Синаш учун айрим рақамларни териб, ўйнаш жоиз эмас. Ким билан муомала қилаётганини аниқ билиш керак. Бўлмаса, ўзгани ноўрин безовта қилиши, ўзини хижолатга қўйиши юзага келади.

• Кўнгироқ қилишдан олдин кўнгироқ қилинаётган шахс истироҳат қилаётган ёки қилмаётгани, банд ёки банд эмаслигини аниқлаб олиш керак.

Хусусан, масжидлардаги мусулмон кишига намоз вақтида кўнгироқ қилиш жоиз эмас. Айниқса, аҳли илмлар, ҳурматли кишилар, катта ёшдаги одамларга нисбатан бу маънода ўта эҳтиёткор бўлиш лозим. Баъзи кишилар мулоҳаза қилмай, жуда эрта ёки ўта кеч пайтларда ҳам, одамлар уйкуга кетадиган вақтларда ҳам телефонга чақиришаверади. Яна ортидан «Безовта қилмадимми?» деб сўраб ҳам қўйишади.

• Бир марта кўнгироқ қилганда жавоб берилмаса, орадан бир оз муддат ўтказмай туриб, кўнгироқни қайтариш беодобликдир.

Бу худди бировнинг дарвозасини тинимсиз қоқиб, ҳадеб чакираверишга ўхшайди. Уламоларимиз: «Мусулмон киши бировни уйдан чақирганда, ўша одам эшитадиган тарзда бир марта чақирсин, жавоб қилмаса, бир оз кутиб, кейин қайта чақирсин, чунки уй эгаси таҳорат қилаётган ёки намоз ўқиётган ёки бошқа бир зарурий ҳолатларда банд бўлиши мумкин», дейишади. Унга ҳадеб кўнгироқ қилавериш дарвозасини тинимсиз тақиллатиш билан баробар.

• Уч марта кўнгироқ қилингандан кейин ҳам жавоб бўлма-са, кўнгироқ қилишни тўхтатиш лозим.

Бировни чақириш одоби шуни тақозо қилади. Биринчи чақириш ила ҳожати борлиги билдирилади. Иккинчи чақириш билан истагини яна бир бор таъкидлайди. Учинчиси эса охириги чақириш бўлади. Шундан кейин ҳам жавоб бўлмаса, чақирилаётган киши ўта банд экани ёки чақирувчига жавоб бериш истаги йўқлиги аломати бўлади.

• Чақирилган одам алоқага чиққанда, чақирувчи биринчи бўлиб салом бериши керак.

Мусулмонлик одоби шуни тақозо қилади. Каломдан олдин салом берилади.

عَنْ جَابِرٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «السَّلَامُ قَبْلَ الْكَلَامِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Салом каломдан аввалдир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

• **Кўнгироқ келганда, гўшақни олгач, «Лаббай» ёки шу каби гўзал ибора билан сўз бошлаш одобдандир.**

Агар суҳбатдош олдин салом берса, унга алик қайтариш зарур. Зеро, салом бериш суннат, жавоб қайтариш эса вожибдир. Аликни ҳеч бўлмаганда саломга яраша қайтариш вожиб.

• **Уяли алоқа воситасида узоқроқ гаплашмоқчи бўлган одам суҳбатдошидан изи сўраши лозим.**

Чунки унинг бунга имконияти бўлмаслиги, машаққатга тушиб қолиши ёки ҳисобида пули кам қолган бўлиши мумкин.

• **Уяли алоқа воситасида сўзлашиш давомида кавиштириб туриш ўтакетган беодобликдир.**

Бу беодоблик бўлиши билан бирга, суҳбатдошга нисбатан ҳурматсизлик ҳамдир. Қолаверса, бу иш суҳбатдошнинг кўнглига оғир ботиши, асабига тегиб, озор бериши аниқ.

• **Телефонда овозини сохталаштириб гапириш ёки ёлгон хатлар ёзиб, ўзгаларни масҳара қилиш мумкин эмас.**

Бу каби хатти-ҳаракатлар, кишиларни масҳара қилиш мусулмон инсонга мутлақо тўғри келмайди.

• **Ўзаро сўзлашувни тамомлагач, гўзал сўзлар ва эзгу тиллақлар билан хайрлашиш керак.**

Зотан, ҳар бир мулоқотдан кейин гўзал тарзда хайрлашиш мусулмон миллатининг одатидир.

• **Бировнинг телефон рақамини ўзининг руҳсатисиз бошқаларга бермаслик талаб этилади.**

Чунки бу ҳам омонатга хиёнатдир. Бунинг устига, билмай рақамни эгасига душман бўлган ёки ёқмайдиган одамга бериб қўйиш мумкин.

• **Чиқимдан қочиб, бировнинг телефонига рақамини чиқариб қўйиш ва унинг жавоб қайтаришини қутиш беодобликдир.**

Агар ўша одамнинг ўзи шуни таклиф қилган бўлса, жонз. Чунки инсоннинг ўз ҳожати учун ўзини аяб, ўзгани тангликка солиши бахилликнинг энг хунук кўринишидир.

• **Кўнгироқ бўлган пайтда жавоб бера олмаган киши имкон топган заҳоти унга жавоб қайтариши лозим.**

Чунки боғланмоқчи бўлган одам бирор зарур хожат билан кўнғироқ қилган ёки бирор мушкулотга тушган бўлиши мумкин.

• *Узига келган ҳар қандай хатни бошқаларга тарқатавериши мумкин эмас.*

Баъзан исломий иборалар аралашган мактуб келади. Унда «Бу хатни шу кечанинг ўзида фалонча кишига тарқатишингиз керак, шунда ундок бўлади, бундок бўлади, агар қилмасангиз, бундай бўлади, ундай бўлади», каби гаплар ёзилган бўлади. Аллохнинг ҳузуридаги фалонча савобни сизга ўзларича ваъда қилишади. Аслида, бу нарсаларнинг бари ёлғон бўлади. Бу сиз аъзо бўлган уяли алоқа ташкилотидан бошқага фойда келтирмайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكَلِمَةٍ مَا سَمِعَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمُسْلِمٌ. وَفِي لَفْظِ مُسْلِمٍ: «كَفَى بِالْمَرْءِ كَذِبًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكَلِمَةٍ مَا سَمِعَ».

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Кишига гуноҳ учун эшитган ҳар нарсасини гапирмоқнинг ўзи кифоя қилади», дедилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилган.

Муслимнинг лафзида:

«**Ҳар бир эшитган нарсасини гапиравериш кишининг ёлғончилигига кифоя қилади**», дейилган.

• *Кишиларга уяли алоқа воситаси орқали хат ёзишда ҳам одоб-ахлоқ, шариат чегараларига риоа қилиш лозим.*

Уятли, беҳуда, ношаръий гап-сўзлар ёзилса, гуноҳ бўлишини унутмаслик керак. Зеро, оғзаки нутқ билан ёзма нутқнинг ҳукми баробардир. Номаҳрам шахсларга заруратсиз хат ёзиш ҳукми ҳам шундай. Бу ҳозир кўпчилик мубтало бўлган офатдир. Аммо мусулмон киши кўпчиликка эмас, ҳаққа қараб иш кўради. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху: «Жамоат ҳаққа мувофиқ келган нарсадир, гарчи бир ўзинг бўлсанг ҳам», деганлар.

ИНТЕРНЕТ ОДОБЛАРИ

«Интернет» сўзи ажнабий тилдаги кискартирилган жумла бўлиб, тилимизда «халқаро маълумотлар тўри» деган маънони англатади. Аммо бу ном ихтиёр килинганидан кейин интернетнинг тинмай ривожланиши оқибатида у фақат маълумотлар тақдим ва қабул қилиш билан чекланиб қолмай, бундан ҳам катта ҳажмдаги ишларни олиб боришга хизмат қиладиган бўлиб кетди. Ҳаётнинг барча соҳаларида интернет ёрдамида осонлик, арзонлик ва тезлик фойдалари кўзланадиган бўлди.

Тасаввур қилиш учун биргина мисол келтиришнинг ўзи кифоя қилади, деб ўйлайман. Ҳаво йўли билан сафарга чикмоқчи бўлган инсон оддийгина чипта олиш учун чиптахонага бориши, навбатда туриб, чипта олиши, агар чипта у истаган кунга топилмаса, ортига қайтиб кетишига тўғри келади. Худди шу иш интернет орқали амалга оширилса, жуда кўп фойда кўрилади, яъни уйда ўтириб, чипта сотиб олинади. Вақти келганда, аэропортда учишдан олдин автоматдан электрон чиптасини олади. Бу иш аввалгисига солиштириб кўрилса, вазият аён бўлади. Чиптахонага бориб, овора бўлинмайди. Навбатга турилмайди. Устига-устак, арзонга тушади. Чунки чиптахона биноти, чиптачи, биноти иситиш, совутиш, ёритиш учун кетадиган, йўлқира ва шунга ўхшаш харажатлар тежаб қолинади.

Бунга ўхшаш фойдалар жуда кўп бўлиб, биз келтирганимиз оддий бир мисол эди. Шунинг учун ҳозирда ҳамма халқлар интернетни ривожлантириш борасида қўлидан келган барча чораларни кўрмоқда. Бу ишга тўғаноқ бўлувчи омиллардан халос бўлиш йўллари ахтармоқда. Интернетдан фойдаланувчилар кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳамма ушбу осонлик ва қулайликдан баҳраманд бўлишга ошиқмоқда.

Аммо шу билан бирга, интернетга боғлиқ муаммолар ҳам кўпайиб ва жиддийлашиб бормоқда. Барча соҳалардаги каби, интернетнинг фойдалари муқобилида зарарлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Интернетда фойдали маълумотлар билан бир қаторда зарарли, бузук маълумотлар ҳам тарқалмоқда. Ақийдага путур етказувчи, фоҳишабозлик ва беҳаёликни тарғиб қилувчи, ахлоқсизликни

тарқатувчи ва шунга ўхшаш инсон зотига ор келтирувчи ишларни тарғиб қиладиган сайтлар кўпайиб бормоқда. Баъзи одамлар интернет орқали бир-бирига тухмат қилмоқда, ҳақоратлаб, сўкишмоқда, бир-бирини шарманда қилмоқда ва ҳоказо. Айнан интернет орқали нафақат ахлоқий бузуқликлар, балки сиёсий, ижтимоий, молиявий, илмий ва бошқа кўпгина соҳаларда ҳам жиноятлар содир этилмоқда. Кўпол қилиб айтганимизда, интернет мазкур қабоҳатларни амалга оширишни осонлаштирмоқда.

Айтиб ўтилган ушбу гаплардан кўриниб турибдики, интернет ҳам икки тарафлама – ҳам яхшиликка, ҳам ёмонликка хизмат қилиши мумкин нарсага айланди. Бизнинг вазифамиз уни яхшиликка хизмат қилдириб, ёмонликка бошламаслиги чораларини кўриш, унинг зарарларидан четланишга ҳаракат қилишдир. Бунинг учун эса динимизнинг умумий таълимотлари асосида интернетдан фойдаланиш одобларини йўлга қўйишимиз керак бўлади.

Албатта, интернет нисбатан яқинда пайдо бўлган восита бўлгани учун олдинлари мусулмон уламолар бу масалани ҳаёлларига келтиришлари ҳам мумкин эмасди. Ҳозирга келиб эса интернет ва унга боғлиқ масалалар замонамизнинг мусулмон уламолари олдига тегишли муаммоларни кўндаланг қилмоқда. Бу масалалар қанчалик тез ҳал қилинса, шунчалик яхши бўлиши ойдин бўлиб турибди. Қуйидаги саҳифаларда эътиборингизга тақдим этилаётган маълумотлар мазкур соҳадаги изланишларда камтарона бир уриниш бўлишидан умид қиламиз.

Интернетдан фойдаланиш одоблари

Қуйида халқаро замонавий алоқа ва ахборот воситаси бўлмиш интернетдан фойдаланишнинг баъзи умумий одоблари ҳақида қисқача сўз юритамиз:

• Интернетдан фойдаланмоқчи бўлган одам ниятни яхши қилган бўлиши керак.

Албатта, мусулмон инсон ҳар бир нарсада бўлгани каби, интернетдан фойдаланишда ҳам фақат яхшиликни, шариятда руҳсат берилган нарсаларга мувофиқ иш қилишни ният қилиши лозимдир. Ана шундагина бу ишидан фойда топади, кўзлаган мақсадига эришади. Интернетдан олган фойдасига қўшимча равишда, динининг таълимотларига амал қилгани учун савоб ҳам

олади. Агар диний таълимотга амал қилмай, ниятини яхшила-са-ю, интернетдан фақат яхшилик йўлида фойдаланса, ўша ол-ган фойдаси қолади, аммо савоб олмайди. Чунки бу ишига ди-ний таълимот асосида яхши ниятни аралаштирмади. Мусулмон киши бир яхшиликни ният билан қилса, бир савоб олади, ўша ниятига амал қилганида эса, савоби ўн марта кўпаяди.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم فِيمَا يَرَوِي عَنْ رَبِّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى قَالَ: إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ الْحَسَنَاتِ وَالسَّيِّئَاتِ ثُمَّ بَيَّنَّ ذَلِكَ، فَمَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ حَسَنَةً كَامِلَةً، وَإِنْ هَمَّ بِهَا فَعَمَلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَكَ عِنْدَهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِمِائَةٍ ضِعْفٍ إِلَى أَضْعَافٍ كَثِيرَةٍ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Ўз Робблари та-борака ва таолодан ривоят қилиб айтадилар: «Аллох ях-шиликлар ва ёмонликларни ёзиб қўйди. Сўнгра ўшани баён қилди. Ким бир яхшиликни қасд қилса-ю, уни амалга оширмаса, Аллох буни Ўз ҳузурда комил бир яхшилик қи-либ ёзиб қўйди. Агар уни қасд этиб, амал ҳам қилса, Аллох азза ва жалла уни Ўз ҳузурда ўнтадан етти юз яхшиликка-ча, ундан ҳам бир неча марта кўп қилиб ёзади», дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• *Интернетга киришдан олдин вақтни зое қилмаслик учун умрининг қадрини эсга олиш, унинг ҳар лаҳзаси ҳисобли экани-ни, Қиёмат кунинда ҳисоб-китоб бўлишини эсга олиш зарур.*

Айнан ушбу хис-гуйғу бўлмагани учун кўпчилик интернетда соатлаб вақтини, азиз умрининг ғанимат кунларини зое қилишни ўзига эп кўрмоқда. Узок вақт давомида, саккиз-ўн соатлаб интер-нетда ўтирганлар ўзига хос хасталикларга чалинганлари ҳақида-ги хабарлар беҳуда тарқалмаган бўлса керак. Мусулмон инсон эса доимо, жумладан, интернетдан фойдаланишда ҳам умрининг ҳар лаҳзаси борасида охиратда сўралишини зинҳор унутмайди.

عَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «لَا تَزُولُ قَدَمَا ابْنِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عِنْدِ رَبِّهِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ خُمْسٍ: عَنْ عُمْرِهِ فِيهِمْ أَفْنَاهُ، وَعَنْ شَبَابِهِ فِيهِمْ أَبْلَاهُ، وَمَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ وَفِيهِمْ أَنْفَقَهُ، وَمَاذَا عَمِلَ فِيهِمْ عِلْمٌ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Қиёмат кунини одам боласининг қадами то ундан беш нарса ҳақида: умрини нимага сарфлагани, ёшлигини нимага кетказгани, молини қаердан касб қилгани ва нимага сарфлагани, билганига қандай амал қилгани ҳақида сўралмагунича, Роббининг ҳузуридан узилмайди».

Термизий ривоят қилган.

• **Интернетга киришдан олдин иш режасини яхшилаб тузиб олиш керак.**

Ҳар бир ишдаги каби, интернетдан фойдаланишда ҳам яхшилаб тузилган режа асосида иш юритиш лозим. Мақсад ва қўзланган фойда аниқ бўлсин. Кириш ният қилиб турилган сайтнинг номи тайёр бўлсин. Шунга ўхшаш барча керакли нарсалар, маълумотларни олдиндан аниқлаб олиш зарур. Ўтириб олиб, «нима қилсам экан», деган хаёлларни суриш вақтнинг заволидир.

• **Интернетда ишлашни «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» билан бошлаш ва иш бошлашда ўқиладиган дуолардан билганича ўқиш керак.**

Мусулмон кишининг ҳар бир ишни бошлаганда албатта «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» дейиши кераклиги кўплаб ҳадисларда таъкидланган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «كُلُّ أَمْرٍ ذِي بَالٍ لَا يَبْدَأُ فِيهِ بِبِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ أَقْطَعُ». رَوَاهُ عَبْدُ الْقَادِرِ الرَّهَآوِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Эътиборли ҳар бир иш «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» билан бошланмас экан, у кесикдир», дедилар».

Абдулқодир Раҳовий ривоят қилган.

• **Интернетда кўриладиган, ўқиладиган ва эшитиладиган нарсаларнинг барчаси шариат рухсат берган нарсалар бўлиши шарт.**

Зотан, мусулмон инсоннинг ҳамма ерда, барча замонларда ва барча вазиятларда қиладиган гап-сўзларию, иш ва фаолияти шариатга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Аммо, минг афсуслар бўлсинки, сайтга кирадиган баъзи одамлар ҳаётда ўзларига раво кўрмайдиган нарсаларни сайтда бемалол эп кўришади. Улар ўзларича, «бу иш ҳаётдаги савияда эмаску», деган ҳаёлга боришлари мумкин. Аслида эса бу ношаръий ишларни сайтда ўзига раво кўрганларнинг ахлоқий савиясида нуқсон бор. Ҳаётда одамлар уни кўриб-билиб тургани учун, ўзгалар гапирмасин дея ўзини ёмонликдан тийган бўлади. Сайтда эса одамлар кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Бунинг устига, сайтда исмини ҳам ўзгартириб, тамоман бирор киши танимайдиган бўлиб олади. Демак, унинг шариат талабларига амал қилиши хўжақўрсинга, тўғрироқ айтганда, мунофиқликка асосланган бўлади.

Шунинг учун ҳам сайтга кирган ҳар бир инсон ўзининг мусулмонлик бурчини унутмаслиги керак. Одамлар кўрмаса ҳам, Аллоҳ таоло кўриб турганини эсдан чиқармаслик лозим. Одамлар билмаса ҳам, Аллоҳ таоло билиб турганини мунтазам ҳис этиб туриш зарур.

Аллоҳ таоло Ғофир сурасида марҳамат қилади:

يَعْلَمُ حَايَةَ الْأَعْيُنِ وَمَا تُخْفِي الصُّدُورُ ﴿١٩﴾

«У Зот кўзларнинг хиёнатини ҳам, кўкслар яширган нарсаларни ҳам билур» (19-оят).

Аллоҳ таоло билмайдиган ҳеч нарса йўқ. У Зот ҳамма нарсани билади. Ҳатто

«У Зот кўзларнинг хиёнатини ҳам...» билади. Яъни кимнингдир бировга билдирмасдан, ўғринча кўз қирини ташлаганини ҳам билади, ҳисобга олиб қўяди. У Зот

«...кўкслар яширган нарсаларни ҳам билур».

Ҳеч кимга билдирмасдан, дилда тугиб қўйилган нарсаларни ҳам Аллоҳ таоло жуда яхши билади. Шундай бўлганидан кейин, бошқа нарсаларни билишида асло шак-шубҳа йўқдир. Одамлар

бундан огоҳ бўлсинлар. Демак, фаҳш ва беодобликни тарғиб қилувчи, бефойда машғулотларга, вақтни беҳуда ўтказадиган нарсаларга ихтисослашган сайтларга кирмаслик талаб этилади.

• Сайт эгаларининг маънавий-маърифий ҳуқуқларига тўла роя қилиш чин мусулмонлик бурчидир.

Бунга пул тўлаб кириш лозим бўлган сайтларга ҳақ тўламадан, ўғринча кириш, кўчириб олишга рухсат берилмаган нарсаларни кўчириб олиш, кўчириб олинганда манба кўрсатилиши лозим бўлганида, кўрсатмаслик каби ишлар киради. Бу каби ишларнинг барчаси гуноҳдир. Чунки бу бировнинг маърифий-маънавий мулкини талон-тарож қилишдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, маърифий-маънавий ўғрилик ва қарокчиликдир. Бундай ишлар ҳаром эканига уламолар бир овоздан фатволар чиқаришган.

• Ишхона ёки бошқа бирор шахснинг интернетдан рухсатсиз фойдаланиши мумкин эмас.

Баъзи кишилар ишхонанинг интернетдан ўз шахсий манфаатлари учун фойдаланишни ўзларига эп кўришади. Бунда икки тарафлама мулоҳаза қилинадиган иш содир бўлади. Бир тарафдан – ишхонанинг интернетга тўлайдиган маблағи шахсий манфаат учун сарфланади. Иккинчи тарафдан – ишхонанинг ишини бажариш ўрнига иш вақтида ўз манфаатини кўзлаб, масъулиятдан қочиш юз беради. Бошқа одамнинг интернетдан фойдаланиш борасида ҳам шунга ўхшаш гапни айтиш мумкин. Шунинг учун улардан фақат ҳақ эгасининг рухсати билан ва зарурат юзасидангина фойдаланиш мумкин. Дам олиш танаффусида керакли маълумотни олиш, электрон почтани текшириб кўриш кабиларга рухсат берилади.

• Болаларнинг интернет ва компьютердан фойдаланишини оқилона ва эътибор билан йўлга қўйиш керак.

Аввало, бола ота-онаси ва катталарнинг рухсатсиз интернет ва компьютердан фойдаланмасин. Болаларни бундай пайтларда қаровсиз қолдирмаслик, назардан қочирмаслик лозим. Улар фойдаланадиган жихозлар ҳамманинг кўз ўнгида турадиган бўлсин. Йўкса, кўзни шамғалат қилиб, исталмаган, бузук ёки бефойда нарсаларга ўзларини уришлари мумкин. Болаларнинг интернет ва компьютерда ўйнайдиган ўйинлари зехни чарқлайдиган, маърифий фойда берадиган, одоб-ахлоққа чорлайдиган бўлиши

чорасини кўриш лозим. Болаларнинг вақти зое бўлмаслиги ҳақида мунтазам бош қотириш ҳам эсдан чиқмаслиги лозим.

Юқорида ўтган мулоҳазаларда бир кишининг сайтга кириб, ундан фойдаланиши ҳақида сўз борди. Аммо интернетда бошқа хизматлар, турли тармоқлар ва фаолиятлар ҳам бор. Албатта, булар ҳақида ҳам батафсил сўз юритилиши жуда зарур.

Интернетдаги алоқа одоблари

Интернетда чат, форум, фейсбук, твиттер каби ўзаро алоқа олиб боришга хизмат қилувчи воситалар орқали кишилар бир-бирлари билан ёзишма, сўзлашма, суратли мулоқотлар олиб бориш имкониятларига эга бўлишган. Улар ушбу имкониятларни ишга солиб, кўпгина ҳожатларини рўёбга чиқариш, маълумот алмашиш, билмаганини сўраб ўрганиш, янги дўст ва шериклар орттириш каби кўпгина манфаатларга эга бўлишмоқда.

Аммо шу билан бирга, бошқа соҳаларда бўлгани каби, бу соҳада ҳам ўзига яраша муаммолар, мушкулотлар ва кўнгилсиз воқеалар пайдо бўлмоқда.

Масалан, бегоналарнинг бир-бирлари билан ушбу воситалар орқали олиб борган алоқалари натижаси ўлароқ, никоҳга ваъда бериш, бировга тухмат қилиш, кимнидир зинода айблаш, сўқиш каби ишлар келиб чиқмоқда. Шунингдек, эр-хотинларнинг ушбу воситалар орқали олиб борган алоқалари натижаси ўлароқ талоқ, бир-бирини зинода айблаш, насабни инкор қилиш каби ўта аҳамиятли ҳукмлар ҳам собит бўлмоқда.

Ушбу воситалар орқали бир неча тарафларнинг олиб борган мулоқотларидан сўнг бир-бирини оммавий равишда кофир, фосиқ, фожир дея ҳукм чиқариш, фахш ишларга чақириш, сеҳр ва фолбинликка чорлаш, пора ваъда қилиш, видео орқали авратларни намойиш қилиш, шахсий, диний, ижтимоий ҳолатларни масхара қилиш каби ўта жиддий ҳолатлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Интернетдаги ушбу тармоқлар орқали вақтни зое қилувчи кўнгилхушликларга оид нарсалар, овозли ва суратли ёзувлар тарқатилмоқда. Турли ўйинлар ва мусобақалар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари жорий қилинмоқда. Шунингдек, интернетдаги ушбу тармоқлар орқали илмий ва молиявий муомалалар ҳам кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Афсуски, мазкур алоқаларнинг барчасида шариятга хилоф бўлган, қонунбузарлик ҳисобланган ишлар тўлиб-тошиб ётибди. Турли ахлоқий, моддий, маънавий жиноятлар содир этилмоқда.

Буларнинг ҳаммасини тартибга солиш, кишиларни тўғри йўлга солиб, нотўғрисида қайтариш лозим бўлмоқда. Бу борада ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва бошқалар етарли ишлар олиб боришмоқда. Шу билан бирга, мусулмонларга бу борадаги шаръий одобларни ҳам баён қилиб бориш заруратга айланди. Қуйида интернетдаги алоқа одобларига доир айрим фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Бу борада олдин айтиб ўтилган ҳар бир амал-ишдаги каби яхши ният қилиш, Аллоҳ таолонинг исми ила иш бошлаш, умрни беҳуда зое қилмаслик каби нарсаларни такрорлаб ўтирмаймиз.

• *Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда ўзига танлаган исмнинг гўзаллигига эътибор бериш лозим.*

Интернетдаги ўзаро алоқаларда ҳар бир киши ўзига маълум таҳаллус қўйиб олиши одат тусига кирган. Аслида ўзининг асл исми бўлгани яхши. Лекин турли сабабларга кўра, таҳаллус танлаб олса ҳам бўлади. Фақат таҳаллус танлашда ўзининг беодобона гап ва ишларига парда қилиш нияти бўлмаслиги шарт. Таҳаллус танлаганда чиройли ва завқ бағишлайдиган исмларни танлаш керак. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам мусулмонларнинг исмлари умидбахш, эзгуликни ифода қиладиган бўлишига катта эътибор берганлар.

• *Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда шарият руҳсат берган нарсаларга амал қилиб, ман қилган нарсалардан четда бўлиш асосий қоида бўлиши зарур.*

Бу қоида мусулмон инсоннинг барча қиладиган ишларига ҳам татбиқ қилинади. Жумладан, интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишида ҳам шундай бўлиши талаб этилади. Баъзи кишилар муомала ҳолати бир оз ўзгаргани туфайли интернетдаги муомалаларга енгил-елпи қарашади, бу эса мутлақо нотўғридир.

• *Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишдан яхшилик ва тақвода ҳамкорлик қилиш ҳамда ёмонлик ва душманликда ҳамкорлик қилмаслик шиор қилиб олиниши зарур.*

Зотан, мусулмон инсон ҳаётининг барча соҳаларида ушбу шийорга доимо амал қилиб яшашга интилади.

Аллоҳ таоло Моида сурасида марҳамат қилади:

وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالتَّقْوَىٰ وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِثْمِ وَالْعُدْوَانِ

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг» (2-оят).

Ушбу мўъжазгина жумла дунёдаги барча ҳамкорликлар учун асосий қоида ҳисобланади. Исломда ҳамкорликнинг бош шарти яхшилик ва тақводир. Агар шу шарт вужудга келса, ҳамма билан ҳамкорлик қилинаверади. Аммо қаерда гуноҳ ва ёмонлик бўлса, ким бўлишидан қатъи назар, ҳамкорлик қилинмайди.

«Islom.uz» портали танловининг ғолибларини тақдирлаш маросимида мазкур портал форуми иштирокчилари сўз сўрашди. Уларнинг вакили сўзга чикиб, форумда ўзлари намоз ҳақида ички мусобақа ўтказганлари ва ғолиблар аниқлангани ҳақида хабар берди. Биринчи ва иккинчи ўринларни қизлар эгаллашибди. Бу нарса интернетнинг ижтимоий тармоқларида «яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик»нинг энг гўзал намунасиدير.

• **Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишдан фойдали мақсадни кўзлаш ва бефойда ишлардан четда бўлиш лозим.**

Мусулмон инсон ўзига берилган умр неъматини азиз эканини, ундан унумли фойдаланиш ўзининг муқаддас бурчи эканини, охиратда унинг ҳар бир лаҳзасидан сўралиш борлигини бир зум ҳам унутмаслиги даркор. Шу эътибордан интернетга кириб олиб, беҳуда нарсаларга соатлаб вақт сарфлаш қаттиқ қораланади.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ حُسَيْنٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِنَّ مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَغْنِيهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Али ибн Хусайн розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишининг ўзи учун бефойда нарсаларни тарк қилиши Исломининг хуснидандир», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган.

Ҳаётимизга дикқат билан назар соладиган бўлсак, кишиларнинг кўп вақти, зеҳн-заковати, ақл-идроки ва имкониятлари беҳуда нарсаларга сарф қилинаётганини кўрамиз. Беҳуда нарсалардан четда бўлган киши фақат фойдали иш билан машғул бўлаётганини яхши англаб етишимиз лозим. Бинобарин, бефойда ишлардан ўзимизни ҳамиша четда тутишимиз керак бўлади. Муслмон инсондан вақти, кучи, ақли ва зеҳн-заковатини фақат фойдали нарсаларга сарфлаши талаб этилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَحْرَصُ عَلَيَّ مَا يَنْفَعُكَ وَاسْتَعِينِ بِاللَّهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Сенга манфаат берадиган нарсага иштиёқманд бўл ва Аллоҳдан ёрдам сўра!»

Муслим ривоят қилган.

Интернетдаги ўзаро алоқалардан жуда кўп манфаат ва фойдалар олиш мумкин. Чунки кўпчиликнинг ичида турли нарсаларни биладиган, тажрибасидан ўтказган кишилар бўлиши мумкин. Масалан, яқинда овоз ёзиш студиясини ташкил қилаётган йигитларда бир муаммо пайдо бўлди. Ҳамма шартлар жойига келтирилишига қарамай, овоз тиниқ ёзилмас эди. Бир неча мутахассис таклиф қилинди. Энг катта мутахассислар ҳам келиб, муаммони ҳал эта олишмади. Шундан рус тилидаги интернет тармоқларга кириб, муаммонинг ечимини излашга қарор қилинди. Бу ишни тажрибада кўрган бир киши маълум қўшимча жиҳозни қўйишни таклиф этди ва жиҳоз ҳақида маълумот берди. Ўша киши айтган нарса олиб келиб қўйилган эди, овоз ёзиш студияси кутилганидан ҳам яхши тарзда ишлай бошлади.

• *Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда муслмон инсоннинг ўзига тақвони, яхшиликни ва гўзал хулқни лозим тутиши талаб этилади.*

عَنْ أَبِي دَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اتَّقِ اللَّهَ حَيْثُمَا كُنْتَ، وَاتَّبِعِ السَّبِيلَةَ الْحَسَنَةَ تَمَحُّهَا، وَخَالِقِ النَّاسَ بِحُلُقِي حَسَنٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга: «Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил. Ёмонликка яхшиликни эргашитир. Бу уни ўчиради. Одамларга ҳусни хулқ ила муомала қил», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу хадииси шарифларида учта улкан ишни лозим тутишни насиҳат қилмоқдалар:

1. *«Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил».*

Банда қай маконда бўлса ҳам, қандай ҳолда бўлса ҳам доимо Аллоҳга тақво қилишни тарк этмаслиги лозим.

2. *«Ёмонликка яхшиликни эргашитир. Бу уни ўчиради».*

Банда билмасдан бирор ёмонликни қилиб қўйса, дарҳол ўша ёмонлик кетидан яхшилик қилиб, мазкур ёмонликни ўчириб юбориши зарур.

3. *«Одамларга ҳусни хулқ ила муомала қил».*

Мўмин-мусулмон банда барча одамлар билан ҳусни хулқ ила муомалада бўлиши керак.

• ***Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда номаҳрамлар масаласида жуда эҳтиёт бўлиш керак.***

Бу нарсада эҳтиёт бўлинмагани учун, жуда кўп муаммолар келиб чиқмоқда. Айрим йигит-қизларнинг интернет орқали мулокотда ношаръий алоқаларга ўтиб кетаётганлари кузатишмоқда. Шунингдек, интернет алоқасидаги тушунмовчиликлар ёки одобдан чекинишлар оқибатида оилали кишилар орасида ажралишгача етиб борилмоқда. Ушбу сатрлар соҳибига аёллардан келган мактубларда эри номаҳрам аёллар билан интернет орқали топишиб, бузилиб кетгани ҳақида шикоят қилинса, эркалардан келган ёзувларда хотинининг худди шунга ўхшаш ишни қилганда, қўлга тушгани баён этилган. Мусулмон кишиларга бу иш мутлақо тўғри келмайди.

Номаҳрамлар бир-бирлари билан шариат бўйича оддий ҳолатларда ўзларини қандай тутишса, интернетда ҳам шундай йўл тутишлари керак. Шариат қоидаларига амал қилган ҳолда илмий маълумотлар алмашишса, билмаган нарсаларини сўраб жавоб олишса, шунга ўхшаш бошқа бегараз мақсадларини амалга

оширишса, ҳечкиси йўқ, бундан фақат фойда бўлади. Аммо ўзаро «электрон муҳаббат» алоқаларини ўрнатишлари ҳаромдир. Мабодо бундай алоқа ўрнатиш нияти туғилиб қолса, аввал оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, сўраб-суриштириб, шарият қондалари асосида жиддий иш кўриш лозим бўлади. Бўлмаса, икки ёш интернет орқали бир-бирини алдаши, устарағи соддароғини йўлдан уриши ва оқибатда умр савдоси бўлмиш никоҳда умр бўйи армонга айланадиган ишлар содир бўлиши турган гап.

• Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда иш айнан интернет орқали никоҳланишгача етиб бормаслиги керак.

Баъзи одамлар турли сабабларга кўра, телефон ёки интернет орқали шаръий ақди никоҳ қилишни (биздаги никоҳ ўқитишни) ўзларига раво кўришмоқда. Баъзилар эса бу ишнинг шариятда жоиз ёки жоиз эмаслигини сўрашади. Яна бирлари бу ишни амалга оширганлари ҳақида хабар беришади. Ушбу масалада уламолар орасида ҳам бир оз ихтилоф бор. Аммо кўпчилик янги алоқа воситалари, жумладан, интернет орқали никоҳланишга руҳсат бермайди. Улар бунда никоҳнинг шартлари, жумладан, гувоҳлар мавжуд бўлмаслигини далил қилишади. Яна ҳам чуқурроқ кетганлар эса: «Ҳамма шартлар мавжуд бўлса ҳам, мазкур воситалар ила никоҳ ўқитиш дуруст эмас, чунки бу иш никоҳнинг муқаддаслигига путур еткази», дейишади. Улар Аллоҳ таоло ийжоб ва қабулни, гувоҳлар ҳозир бўлишини ва бошқа шартларни бежизга жорий қилмаганини айтишади.

• Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда ёлгон ишлатмаслик, сохтакорлик ила уйдирма хабарлар, суратлар ва видеолавҳалар тарқатмаслик талаб этилади.

Интернетдаги имкониятлар кўпайиб кетганини баъзилар суниистеъмол қилишга ўтишган, ёлғон хабарлар, суратлар ва видеолавҳалар тарқатишга одатланишган. Бунда ўз мақсадига эришиш ҳам, одамларни майна қилиш ҳам, яхшиликка чакириш нияти ҳам бўлиши мумкин. Аммо нима бўлганда ҳам, буни қилмаслик керак. Исломда бу каби ишлар қаттиқ қораланади.

Мисол учун, Қуръони Каримни беҳурмат қилгани учун киёфаси ўта жирканч ҳолатга ўзгариб қолди, дея бир қизнинг сурати эълон қилинди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Эҳтимол, бу

нарса содда одамларга таъсир қилиши мумкин. Лекин Куръони Карим бу каби «ёрдам»ларга муҳтож эмас. Шунинг учун ҳам сохтакорлик ила тўқилган мазкур хабар уламолар томонидан қораланди. Куръони Каримни эхтиром қилиш кераклигини ўз йўли билан тушунтириш лозим.

Шунингдек, интернет орқали гўё Каъбаи Муаззама устида учиб юрган фаришталарнинг видеолавҳаси ҳам тарқатилди. Бу ҳам ёлғондан, сохтакорлик билан тўқилган нарса. Фаришталар доимо ҳамма ерда мавжудлигига барча мусулмон уммати иймон келтиради. Аммо уларни видеога олишга иймон келтиришмаган. Бу шарт ҳам эмас. Агар ушбу нарсанинг кераги ва фойдаси бўлганида, аввалдан айтилган бўларди. Фаришталарга ғайбдан иймон келтиришнинг ўзига хос ҳикмати бўлгани учун, Аллох таоло бандаларидан айнан шуни талаб қилган.

Учинчи мисол: АҚШнинг собиқ президенти Ж.Буш минбарда гапираётиб, Исломга ва мусулмонларга қарши гапини айта олмай, тутилиб қолгани ҳақидаги видеолавҳа намойиш этилди. Бу ҳам кераги йўқ нарса. Аввало, бу нарса ҳақиқат бўлганида, барча оммавий ахборот воситалари ҳамма ёққа тарқатган бўларди. Қолаверса, динимизда ҳар қанча душман бўлмасин, бирор кимсага нисбатан адолатсизлик қилиш, ёлғон тўқиш, одамларга сохта хабар тарқатишга рухсат йўқ.

• Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда худди кўз кўзга тушиб тургандек, ўзини одоб ва ахлоқ ила тутуш лозим.

Бу хилдаги алоқа кўпчилик билан бўлаётганини зинҳор унутмаслик керак. Мазкур алоқа ёзишма орқали бўлса, ёзув қоидаларига тўлиқ амал қилиб, ўзининг юксак маданиятини кўрсатиш керак. Ёзувларининг беҳато эканини текшириб кўриши лозим. Агар алоқа овозли ёки суратли бўлса, бунинг ҳам риоясини қилиш керак. Мусулмон кишидан чиройли ва маданиятли бўлиб кўриниш ва сўзлаш талаб этилади.

• Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда нотаниш кишиларни «сиз»лаб, уларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш керак.

Воқеъликда ҳам шундай бўлади. Нотаниш киши билан алоқа киришганда, ҳурматини жойига қўйиб, алоҳида аҳамият ва эътибор билан муомала қилинади.

• Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда баҳс-мунозара ҳар қанча қизиса ҳам, бировга озор беришга бормаслик керак.

Баъзи одамлар ҳаддидан ошса ҳам, мусулмон одам ўзини босиши ва ўзидан кетганларга эътибор бермаслиги ва уларга насиҳат қилиши лозим. Мингта бақир-чақирдан кўра битта ҳикматли сўз устун туришини бирор дақиқа ҳам унутмаслик зарур.

• Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда беҳуда тортишувларга йўл қўймаслик, беодобликларга қарши курашиши яхши ишдир.

Баъзи одамлар беҳуда тортишишга ўч бўлади. Тортишиш учунгина баҳс-мунозаралар кўзғайди. Бошқаларнинг жиғига тегишни яхши кўради. Биз, мусулмонлар ана шундай кишилар тоифасидан бўлмаслигимиз ва уларга қарши курашишимиз лозим.

«Islom.uz» форумида ҳам дастлаб шу қабилдаги ишлар содир бўлиб турди. Кейин ўзимга берилган саволларга жавоб бериш давомида форум нималигини, ундан кўзланган мақсадларни тунтирдим. Форумдаги мулоқотларда ҳам одобга риоя қилиш кераклиги, агар бу нарсалар бўлмаса, форумни ёпиб қўйиш афзаллигини айтдим. Аста-секин ҳолат яхшиланиб борди. Форум иштирокчилари бир-бирларига насиҳат қилишди. Бундай ҳолатни истамаганларнинг форумдан чиқишини талаб этишди ва бунга эришишди ҳам. Ҳозир, менимча, мазкур форумда жуда яхши руҳият, одобли муносабатлар ҳукм сурмоқда.

• Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда савдо ишлари олиб борилса, олдин бунинг тафсилотини яхши ўрганиб олиш шартдир.

Интернет орқали савдо қилишда оддий ҳолатдаги савдонинг шаръий қоидалари билан бирга, қўшимча қоидалар ҳам бор. Интернетда тилла ва кумушнинг, пулларнинг савдосини қилиб бўлмайди. Чунки бу хил савдоларда қўлма-қўл айирбошлаш шартдир. Интернет орқали эса бу ишларни амалга оширишнинг имкони йўқ.

Шу билан бирга, интернет каллоблари одамларни алдаш учун ўзига хос «интернет-савдолари»ни ўйлаб топишган. Биргина мисол тариқасида quest.net номли интернет бозорини олишимиз мумкин. Сиртдан қараганда, бу нарса одамларга қулайлик туғдириш, савдо молини арзонлаштириш учун тузилганга ўхшайди. Тармоқли савдо номини олган бу иш аслида каллобликдан бошқа нарса эмас. Аммо содда одамларни алдашга жуда ҳам қулай. Қабулимга баъзи кишилар келиб, мазкур савдо ҳақида саволлар бера

бошлашди. Кишиларнинг тақдим қилаётган маълумотлари узук-юлук эди. Аммо уларнинг барча ахборотларини қўшиб, умумлаштирилганда, тўларок тасаввур ҳосил бўлди. Шунинг эътиборидан, бу савдо жоиз эмас, деган жавоб берилди.

Бу гап одамлар орасида тарқалиб, сўровчилар яна кўпайди. Охири шу ишни юритаётганлар келиб, ўзлари тушунтириб бермоқчиликларини айтишди. Уларга ўхшаганларнинг кимлигини билганим учун, ёзма равишда мурожаат қилишларини сўрадим. Анча вақт ўтганидан кейин ёзма тушунтириш ва мурожаат олиб келишди. Сўнгра уларга жавоб бердим. Улар эса бошқа шайхдан олган нарсасини кўрсатиб, одамларни алдашда давом этаверишди. Кишиларда иккиланиш пайдо бўлиб қолди. Баъзиларнинг ҳалиги «шайх»ни мен билан адаштирганлари маълум ҳам бўлди. Шунда биз интернетда бор ҳақиқатни эълон қилдик. Охири мазкур quest.net ташкилотчилари каллобликда айбланиб, маҳкамага тортилди.

Шунинг учун бунга ўхшаш ишлардан жуда эҳтиёт бўлиш керак. Олдин ҳар бир нарсанинг, ишнинг ҳалол ёки ҳаромлигини, диндаги ҳукмини яхшилаб ўрганиб олиб, кейин унга қўл уриш керак.

Қуйида интернет тармоғида ақдномалар тузишга оид Ислоҳ Хамкорлиги ташкилотининг Ислоҳ Фикҳи академияси томонидан қабул қилинган қарорнинг таржимасини эътиборингизга тақдим қиламиз:

*«Ислоҳ ҳамкорлиги ташкилотининг
Ислоҳ Фикҳи академияси*

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ислоҳ Фикҳи академиясининг кенгаши Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳрида 1410 ҳижрий йилнинг 17–23 шаъбон – 1990 милодий йилнинг 14–20 мартада бўлиб ўтган анжуманида академияга янги алоқа воситалари орқали тузилган ақдномалар хусусида тақдим этилган илмий баҳсларни кўриб чикди. Бунда алоқа воситаларида эришилган тараққиёт, улар орқали иш юритилганда молиявий муомалалар ва тасарруфотларни тезликда олиб бориш ва ақдномалар тузиш эътиборга олинди. Шунингдек, фақиҳлар гап-сўз, ёзишма, ишора ва хабарчи орқали ақднома тузиш ҳақида айтган гаплар, ҳозир бўлган-

лар орасида ақднома тузишда – васият, вакиллик ва васийликдан бошқаларда – мажлис бир бўлиши шартлиги, ийжоб ва қабул ўхшаш бўлиши, икки ақд тузувчидан бирининг ақдномадан юз ўтirmaган бўлиши, ийжоб ва қабулнинг урфга биноан кетма-кет бўлишини ёдда тутган ҳолда қуйидагиларга қарор қилди:

Биринчидан: бир жойда бўлмаган, бири иккинчисини кўзи билан кўрмайдиган ва сўзини эшитмайдиган икки ғойибнинг орасида ёзишма, хабар юбориш ёки элчи орқали ақднома тузиладиган бўлса (телеграмма, телекс, факс, компьютер экрани ҳам шунга киради), ушбу ҳолатда ийжоб етиб борган одам уни қабул қилса, ақднома тузилган бўлади.

Иккинчидан: бир-биридан узоқда турган икки тараф орасида бир вақтнинг ўзида телефон ёки телеграф орқали ақднома тузилса, икки ҳозир бўлган киши орасида тузилган каби бўлади. Ушбу ҳолатга дебочада ишора қилинган, фақиҳлар қилган асл қарорларнинг ҳукми ўтади.

Учинчидан: эътироз билдирувчи ушбу воситалар ила чегараланган муддатга ийжоб содир қилса, у ўша муддат асносида ийжобида қолиши лозимдир. Унинг бундан қайтишга ҳаққи йўқ.

Тўртинчидан: юқорида ўтган коидалардан никоҳ (унда гувоҳлар шарт қилингани учун), саррофлик (қўлма-қўл бўлиши шартлиги учун), салам савдоси (сармоёни олдиндан бериш шартлиги учун) мустаснодир.

Бешинчидан: сохтакорлик, алдамчилик ва хатога йўл қўйиш кабиларни исбот қилишда умумий коидаларга амал қилинади (Аллоҳ билувчидир)».

Электрон почта одоблари

Интернетда йўлга қўйилган хизматлардан бири электрон почтадир. Бу хизмат орқали кишилар асосан бир-бирларига мактублар ва турли маълумотлар юборишади. Илгаридан бу маънода хизмат қилиб келаётган оддий почта билан электрон почта орасида жуда катта фарқ борлиги ҳаммага маълум. Оддий почта орқали бирор мактуб ёки китобни юборсангиз, ҳаво йўли орқали энг тез тарзда етказишга катта миқдорда пул тўласангиз ҳам кўзлаган одамнингизга бир неча кунда етиб боради. Электрон почтада эса уйингиздан чиқмай исталган ҳажмдаги мактуб ёки китобни дунёнинг энг олис бурчагига ҳам бир зумда етказиш мумкин.

Албатта, электрон почта жуда катта қулайлик, бу ҳақда фикр юритган киши учун Аллоҳ таолонинг улкан неъматидир. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, ушбу неъматнинг каддини билмаган баъзи ношукрлар мазкур электрон почтадан фойдаланишда суниестемолга йўл қўйишапти. Унда ношаръий, одоб-ахлоққа зид фаолиятлар олиб боришмоқда. Баъзилар кишиларни алдаб, катта миқдордаги маблағни айтиб, «Сизга катта ютуқ чиқди, уни шахсан ўзингиз келиб, қабул қилиб олишингиз керак. Сиз фақат чипта сотиб олишингиз учун пулни бизга юборсангиз бўлди, сизга чиптани ўзимиз жўнатамиз», деган мазмунда мактуб ёзишади. Оқибатда алдов йўли билан чиптага кетадиган пулга эга бўлиб олишади. Яна бир тоифа алдоқчилар каердандир аёл-кизларнинг манзилларини олиб, уларга шилқимлик билан ҳар хил мактублар ёзишади. Бундай нобакорлик туфайли тинч оилалар бузилмоқда, иффатли аёллар тухматга қолишмоқда. Учинчилари эса бировни ҳақорат қилиб, турли бўхтонлар уюштиришни йўлга қўйишади. Ҳақиқий исмларини яшириб, сувдан куруқ чиқишга уринишади ва ҳоказо.

Албатта, бундай ишларга чек қўйиш, кишиларни, айниқса ёшларни тўғри йўналишга йўллаш зарур. Бу соҳадаги ишлар эса кишиларни электрон алоқа тизимидан фойдаланишда ва ўзаро муомалада одобли бўлишга чақириш билан бўлади. Қуйида бу ила баҳам кўрмоқчимиз:

• *Электрон почта ва у орқали муомала қилишни худди жсонли мулоқот каби ҳис этиш керак.*

Электрон почта орқали қилинадиган муомаланинг осонлиги, унда ўзининг кимлигини яшириш қулайлиги кишини алдаб қўймаслиги керак. Мусулмон киши кўз кўзга тушиб турмаган пайтда ўзига турли беодобликларни раво кўрмаслиги лозим. Унинг бундай номаъқул ишини одамлар кўрмагани билан уларнинг Робби кўриб-билиб, ҳисобини қилиб турганини унутмаслиги керак.

• *Электрон почта орқали шариат ман қилган ишлардан бирортасига қўл урмаслик керак.*

Бунга бировларни алданган ҳолатлар ҳаққига хиёнат қилиш, ёлғон хабарлар тарқатиш, уларнинг ҳақларини гапларни ёзиш, номаҳрамларга рўқса берилмаган ишларни қилиш, жўнатиш, турли суратлар ва лавҳалар тарқатиш ва бошқалар ман қилган.

• **Электрон почта орқали нотаниш одамларга турли хабарларни тарқатиш ҳам одобдан эмас.**

Ҳозирда электрон почтани очсангиз, турли нотаниш шахсларнинг кераксиз мактублари бирин-кетин чиқиб келишини кўрасиз. Булар почта эгасининг дилини хира, ўзини овора қилади. Уларни ўчиришга вақт кетади. Мазкур сурбетлардан кутулиш учун турли техник мосламалар излашга тушади. Улар ҳам истганидек ёрдам бера олмайди. Ҳатто баъзи одамлар маҳкамаларга (судга) муурожаат қилишгача бордилар.

• **Бировнинг электрон почтадаги унвонини (манзилини) ўзининг рухсатсиз бировга бериш ман этилади.**

Унвон билмасдан унинг эгаси ёқтирмайдиган ёки унга душман бўлган одамга бериб қўйилиши мумкин. Бунинг оқибатида турли кўнгилсизликлар келиб чиқиши эҳтимоли кучаяди.

• **Электрон почта орқали номахрам кишилар билан шариятда рухсат берилмаган ёзишмалар олиб бориш ҳаромдир.**

Бу гап икки жинсдаги шахсларга баробар жорийдир. Ушбу одобга риоя қилмаслик оқибатида оилаларда катта муаммолар келиб чиқаётгани кўпчиликка сир эмас.

• **Электрон почта орқали муомалани юксак даражадаги Ислоҳ одобини асосида олиб бориш талаб этилади.**

Мусулмон инсон ҳамма жойда, ҳамма вақтда, барча билан фақат гўзал муомала қилишга одатланиши керак. Ўзи билан муомалада бўлган ҳар қандай шахсда фақат ўта гўзал таассурот қолдириши лозим. Бу нарса электрон почтадаги муомаласида ҳам барқ уриб туриши керак.

• **Электрон почта орқали талоқ ва шунга ўхшаш бошқа масъулиятли ишларни ҳал қилишга шошилмаслик лозим.**

Баъзи одамлар шошилиб бу каби ишларни содир этиб қўйишади-да, кейин «Электрон почта орқали хотинига «Талоқ», деса, талоқ тушадими?» деб сўраб-суриштириб юришади. Бунга ўхшаш ишларда мутлақо шошилмаслик, етти ўлчаб, бир келиш керак бўлади.

САФАР ОДОБЛАРИ

Сафар инсоннинг ватанидан ёки яшаб турган жойидан чиқиб, узок масофани босиб ўтишидир. Аслида бу мубоҳ иш, аммо ният билан ибодат даражасига кўтарилиши мумкин.

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳи: «Сафар яхши, ёмон ва мубоҳга тақсимланади», деган. Яхши сафар ҳажга ва илм талабига ўхшаш сафар бўлса, фарз бўлади. Шунингдек, уламоларнинг зиёратига ўхшаш ишлар бўлса, мандуб бўлади. Ёмон сафар ота-онасига оқ бўлиш ила бўлса, ҳаром, вабо тарқалган жойдан чиқиш бўлса, макруҳ бўлади.

Сафарнинг мубоҳлиги ниятга боғлиқ бўлади. Мисол учун, бир киши сафарга чиқди. Унинг нияти – тиланчиликдан сақланиш, аҳли-аёлига мурувватли бўлиш, хожатидан ортиғини садақа қилиш. Бундай сафар мазкур ният ила охират ишига айланади. Бир одам ҳаж сафарига чиқди. Нияти – риёкорлик билан ва хўжақўрсинга ҳаж қилиш. Бундай сафарда охират учун, деган ният йўқ. Зотан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир», деганлар.

Азалдан ажодларимиз сафар қилишга тарғиб этишган. Чунки сафарнинг саломатликка, кўнгилдаги ғуборларни кетказишга фойдаси бор. Хабарларда: «Сафар қилинг, саломат бўласиз», дейилган. Сафар асосан ҳаж-умра қилиш, илм олиш, тижорат, нафс риёзати, кўнгил ёзиш, сайр-томоша, устозлар ва улуғларни зиёрат қилиш ва бошқа мақсадларда қилинади.

Хожа Самандар Термизий бундай деган: «Сафардан кўпгина тажрибалар, беҳад фойдалар кўзланади. Кўрмайсанми, осмон доимо айланиб тургани учун, ҳамма нарсдан юкори, ер эса бир жойда тургани учун, ҳар қандай ноқаснинг оёғи остида хор. Дарё тинимсиз юргани учун, суви тоза ва ардоқли, кўлмак бир жойда қолгани учун, суви сасиб-бижғиб ётур».

Сафарнинг фойдаси кўп. Хусайн Воиз Кошифий булардан ўн биттасини келтиради:

Биринчидан, таннинг сихатига фойдали, чунки сафарда ҳаво алмашади ва аъзолар чиникади, зеро ҳаракат бадандаги рутубатни кетказади, қон айланишини яхшилайти;

Иккинчидан, улуғ инсонлар, атоқли олимлар, азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилишнинг савоби бор;

Учинчидан, сафар танбаллик, дангасаликни бартараф этади, чунки бир одам бир мақомда истиқомат қилса, сустлик ва касаллик кучаяди, баданнинг озуқалари (модда алмашинуви) ва суви юришмай қолади;

Тўртинчидан, ғам ва маҳзунликни (хафаликни) кетказди, негаки киши қанчалик ғамга ботмасин, сафарга чиқса, кўнгил чигили ёзилади, ташвишларини унутади;

Бешинчидан, сафарда нафс тарбияланади, кийинчилик ва машаққатлар одамни сабрли, чидамли, кенгфёъл бўлишга ўргатади;

Олтинчидан, сафарда умр осойишта ўтади, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги фикрлар тиниқлашади;

Еттинчидан, сафарда илм ўрганиш имкониятлари кенгайди, ўзга юртдаги устозлардан кўп нарса ўрганиш мумкин;

Саккизинчидан, турли тоифа одамлардан турли касб-хунарлар ва одоб-ахлоқ ўрганиш йўллари очилади;

Тўккизинчидан, улуғларнинг, аҳли донишнинг суҳбатига эришилади;

Ўнинчидан, ота-она, яқинлар ва дўстлардан ажралиб, уларни соғиниш ҳисси туюлади, одамлар қадри, ватан қадри ортади;

Ўн биринчидан, ғариб-мусофирларнинг қадрига етилади, кўнгилда раҳм-шафқат ортади.

Сафарга чиқиш олдидан нима мақсадда сафарга чиқиляётгани кўпчилик билан кенгашиб аниқланади, яхши ахлоқли ҳамроҳ (йўлдош, ҳамсафар) танланади, йўлда унга мурувват кўрсатиб, ҳаққи адо этилади.

Узоқ йўл ва манзилларни босиб ўтиш осон бўлиши учун кўпроқ кечаси юрилади, аммо уйку ғолиблик қилса, тўхтаб, бир-икки соат ором олиш шарт. Йўл устида кечаси зарар қиладиган жониворлар бўлиши сабабидан четроқда тўхтаган маъқул.

Агар кўпчилик сафарга чиқса, тарқалиб юрилмайди, бир жойга жам бўлиб кўнилади, ҳамиша бирга бўлинади. Сафардошларнинг қилиқларига, феъл-атворига чидаш, улар билан хушмуомалада бўлиш, сафар озуқасини бирга баҳам кўриш ҳам сафар одобларига киради. Кишиларга малол келмайдиган ва гуноҳ бўлмайдиган даражада ҳазил-мутойиба қилиб туриш сафар машаққатларини енгиллаштиради.

Кўпчилик ёки бир жамоа сафарга чиққанида, ҳамсафарлар ичларидан фазилатли, олим кишини, бундай одам бўлмаса, ҳимматли ва тадбирли кишини ўзларига раҳбар қилиб сайлаб олишади ва бутун сафар давомида унга бўйсунушади. Ҳамроҳларига шафқатли бўлиб, хизматларини қилиш, уларга буйруқбозлик қилмаслик ва ҳукмини ўтказмаслик ана шу раҳбарнинг одобидир.

Йўлда заиф, нотавон, бемор кишиларга ёрдам кўрсатилади, ҳолидан, нон-сувидан хабардор бўлиб турилади, хизматга буюрса, дарров бажарилади, уларни йўлда ташлаб кетилмайди.

Агар машина ёки аравада йўлга чиқиладиган бўлса, ҳайдовчи билан келишилганидан ортиқча юк олинмайди, юк унинг иштирокида ортилади, киракашларнинг кўполлиги ва ёмон феълига сабр қилинади, яхши уловга минганда кеккайиб кетилмайди.

Сафарга заруратдан ортиқча нарса олинмайди. Улуғларнинг айтишича, сафарга чиқаётган одам баданини беркитадиган ва мавсумга жавоб берадиган кийим-бош, жойнамоз, сув учун идиш, оёққа шиппак, сочик, тиш тозалаш воситалари, қайчи, игна-ип, тарок, қоғоз-қалам каби зарурий нарсаларнигина олади.

Сафарга бориладиган шаҳарда ўлат (эпидемия), уруш ёки бошқа фитналар пайдо бўлгани билинса, у ерга кирилмайди. Агар шаҳарга кирилгандан кейин ўлат пайдо бўлса, у ердан қочилмайди.

Уламолар қадимдан сафар одобларига катта эътибор берганлар. Улар сафарнинг қисмларини, фойда ва зарарларини, сафарда нима қилиш керагу, нима қилмаслик кераклигини батафсил баён қилиб беришган.

Авалло сафарга беҳуда чиқилмаслиги, балки у аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Аслида сафар унинг табиати ва боисига қараб, бир нарсадан қочиб ёки бир нарсани истаб қилинади.

Бир нарсадан қочиш учун бўладиган сафар вабодан, хавфдан, хусуматчининг хусуматидан, қимматчиликдан қочиш каби дунёвий ишлар учун бўлади. Ёки бидъатга мажбурланаётган, ҳаром ишга зўрланаётган кишининг улардан қочиши каби диний ишлар учун сафар бўлади.

Шунингдек, бирор нарсани истаб қилинадиган сафар ҳам диний ёки дунёвий ишларга боғлиқ бўлади. Мисол учун, ҳаж сафари дин учун бўлади. Мол топиш учун қилинадиган сафар дунё учун бўлади.

Умуман айтганда, сафар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда бўлиши керак. Мақсадининг тайини йўқ, беҳудага вақт, мол ва куч сарфлаш учун бўладиган сафарнинг боридан йўғи яхши. Сафардан кўзланган ният аниқ бўлиб, уни амалга оширишга қарор қилинганидан кейин, сафарга ҳозирлик кўриш бошланади. Сафар одобларини баён қилувчи аввалги битикларда доимо оддий сафарга ҳаж сафари қўшиб зикр қилинган. Зотан, ўша вақтларда ҳаж сафари асосий сафар бўлган. Сафар деганда кўпчилик ҳажни тушунган.

САФАР ОДОБЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

• *Маслаҳат қилиш.*

Сафарни ният қилган кишининг бу борада илми ва тажрибаси бор кишиларнинг фойдали маслаҳатларини олиши ўта муҳимдир. Кимдан маслаҳат сўралса, керакли маслаҳат ва насиҳатларни тақдим қилиши талаб этилади.

• *Истихора қилиш.*

Сафарни ният қилган киши икки ракъат истихора намози ўқиб, охирида унинг дуосини қилади. Бу намознинг биринчи ракъатида Кафирун сурасини, иккинчи ракъатида Ихлос сурасини ўқиш тавсия этилади. Кейин нимага ишора бўлса, ўшани қилинади. Яъни сафарга ишора бўлса, сафар қилади, бўлмаса йўлга чикмайди.

• *Тавба қилиш.*

Сафарни ният қилган киши барча гуноҳларидан тавба қилади. Шунда сафари яхши, кўнгилли бўлади. Кўнгли равшан ҳолатда сафар қилади. Хусусан, ҳаж сафарида бунга алоҳида аҳамият бериш лозим.

• *Зулм қилган нарсаларини ўрнига қайтариш.*

Бировга зулм қилган бўлса, уни ўрнига қайтаришга ҳаракат қилиб, кўнгли жам бўлади. Бировнинг дилини оғритган бўлса, узр сўрайди.

• *Қарзларини узиш.*

Сафарда қутилмаган ҳолатлар бўлиши эҳтимолидан сафарни ният қилган киши бировлардан олган қарзини узиб, сўнг отлаши зарур. Агар ўзи қарзни узиш имконини топа олмаса, бу ишга вакил тайин қилади.

• **Ота-оналарни рози қилиши.**

Сафарни ният қилган киши ота-онасини рози қилиши ҳам сафар одобларидандир. Ота-она эса боласини фарз ҳажни адо этиш сафаридан ман қилиши мумкин эмас.

• **Жуфти ҳалоли ва оила аъзоларини рози қилиши.**

Сафарни ният қилган эркак аёлини, фарзандлари ва қарамоғидагиларни рози қилиш билан бирга, уларга етарли нафакани ҳам таъминлаб кетади. Аёл эрининг розилиги билангина сафарга чиқади. Эрнинг аёли билан ҳажга бориши мустаҳабдир.

• **Сафарни ният қилган киши харажатиининг ҳалолдан бўлишини таъминлайди.**

Сафарни ният қилганлар сарф-харажатларига мўлжалланган маблағнинг ҳалолдан бўлишини таъминлашлари керак. Хусусан, ҳаж сафарига бунга алоҳида эътибор бериш лозим.

• **Сафарни ният қилган киши кетадиган маблағ ва нарсаларни кўпроқ олиши яхшидир.**

Сафарда турли қутилмаган ҳодисалар бўлиши эҳтимоли бор. Ўздан ортиб қолганини эҳсон қилиш ҳам мумкин.

• **Сафарни ният қилган киши маблағ, озиқ-овқат ва бошқа керакли нарсаларда шерик бўлмагани яхши.**

Чунки шериклик нарса борасида сафар давомида низо чиқиб қолгудай бўлса, дилхираликка сабаб бўлади.

• **Сафарни ният қилган киши керакли нарсаларни, хусусан, ҳаж сафарини кўзлаган мусофир ҳаж амалларини яхшилаб ўрганиб олиши керак.**

Керакли нарсаларни билмаса, сафаридан кўзланган мақсадга эришиши қийин бўлиши ёки умуман мақсад ҳосил бўлмаслиги хавфи бор.

• **Сафарни ният қилган киши ўзи билан ҳамроҳ (рафиқ) олиши яхшидир.**

Ҳамроҳнинг яхшисини танлаш керак. Яхши ҳамроҳ унутганни эслатади. Сафар машаққатларида ёрдам беради. Сафар давомида ҳамроҳининг розилигини топишга ҳаракат қилади. Ўз ҳамроҳида содир бўлган баъзи ноқулайликларга чидайдди. «Ҳамроҳимнинг менда ҳақки бор», дейди. «Менинг ҳамроҳимда ҳақким бор», демайди. Агар сафардаги ҳамроҳлар уч киши ва ундан зиёд бўлса, бири раҳбар қилиб сайланади. Қолганлари унга итоат қилишади.

• **Имкони бўлса, пайшанба куни сафарга чиқиш мустаҳабдир.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар. Душанба куни сафарга чиқиш ҳам яхши. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратга душанба куни чиққанлар. Сафар эр-талаб бошлангани афзал, чунки тонг чоғида барака бор.

• **Сафарни ният қилган киши сафарга чиқишдан олдин икки ракъат суннат намози ўқийди.**

Бу намознинг биринчи ракъатида Кафирун сурасини, иккинчи ракъатида Ихлос сурасини ўқийди. Кейин Курсий оятини, Қурайш, Ихлос, Фалақ ва Нас сураларини ўқиб, ихлос ва қалб ҳозирлиги ила сафарида яхшилик ва осонлик сўраб дуо қилади.

• **Сафарга чиқаётган киши кузатувчилар билан видолашади.**

Ахли-аёли, оила аъзолари, кўни-кўшни, ёр-дўстлар билан сафардан олдин видолашиш, уларнинг дуосини олиш мусулмонлар қадимдан мустаҳаб санаб келган амаллардандир. Мусофир сўнгра видолашув дуосини ўқийди.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا؛ أَنَّهُ كَانَ يَقُولُ لِلرَّجُلِ إِذَا أَرَادَ سَفَرًا: اذُنْ مِنِّي أَوْدِعْكَ كَمَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يُودِعُنَا، فَيَقُولُ: «أَسْتَوْدِعُ اللَّهَ دِينَكَ وَأَمَانَتَكَ وَخَوَاتِمَ عَمَلِكَ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«У киши сафарни ирода қилган одамга: «Менга яқин кел, сен билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз ила видолашганларидек видолашиб кўяй. У зот: «Аставдидуллоҳа дийнака ва аманатака ва ховатийма аъмалика», деб айтардилар», дер эди».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

Сафарга жўнаб кетаётган одам билан видолашиш мустаҳабдир. Ушбу ривоятдаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган сўзларнинг маъноси «Аллоҳдан динингни, аҳли аёлингни, молу мулкингни ва ишларингнинг охирини муҳофаза қилишни сўрайман»дир.

• Уйдан чиқаётиб, ҳадисда келган чиқиш дуоси ўқилади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا خَرَجَ الرَّجُلُ مِنْ بَيْتِهِ فَقَالَ: بِسْمِ اللَّهِ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ، لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، قَالَ: يُعَالُ حِينِيذٍ: هُدَيْتَ وَكُفَيْتَ وَوُقِيْتَ، فَيَتَنَحَّى لَهُ الشَّيْطَانُ، فَيَقُولُ لَهُ شَيْطَانُ آخَرَ: كَيْفَ لَكَ بِرَجُلٍ قَدْ هُدِيَ وَكُفِيَ وَوُقِيَ؟»! رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши уйдан чиқаётганда: «Бисмиллаҳи, таваккалту алаллоҳи, ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи», деса, ўша пайтда унга: «Ҳидоят қилиндинг, кифоя қилиндинг ва сақландинг», дейилади. Шайтон ундан четланади. Унга бошқа бир шайтон: «Ҳидоят қилинган, кифоя қилинган ва сақланган одамни қандай (тойдира оласан)?!» дейди», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

• Мусофир маркабга минаётиб, «бисмиллаҳ»ни айтади ва миниб бўлгач, «миниш дуоси»ни ўқийди.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا اسْتَوَى عَلَى بَعِيرِهِ خَارِجًا إِلَى سَفَرٍ كَبَّرَ ثَلَاثًا ثُمَّ قَالَ: «سُبْحَانَ الَّذِي سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ ﴿١٣﴾ وَإِنَّا إِلَى رَبِّنَا لَمُنْقَلِبُونَ ﴿١٤﴾»، اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ فِي سَفَرِنَا هَذَا الْبِرَّ وَالتَّقْوَى، وَمِنَ الْعَمَلِ مَا تَرْضَى، اللَّهُمَّ هَوِّنْ عَلَيْنَا سَفَرَنَا هَذَا، اللَّهُمَّ واطْوِ عَنَّا بُعْدَهُ، اللَّهُمَّ أَنْتَ الصَّاحِبُ فِي السَّفَرِ، وَالْخَلِيفَةُ فِي الْأَهْلِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ وَعْثَاءِ السَّفَرِ، وَكَآبَةِ الْمَنْظَرِ، وَسُوءِ الْمُنْقَلَبِ فِي الْمَالِ وَالْأَهْلِ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам сафарга чиқиб, туяларига минганларида, уч марта такбир айтар ва: «Субаҳаналлази саххоро лана ҳаза. Ва ма кунна лаху мукринийн ва инна ила роббина ламунқолибун. Аллоҳумма! Инна насъалука фи сафарина ҳаза ал-бирро ват-тақва ва минал амали ма тарзо. Аллоҳумма! Ҳаввин алайна сафарана ҳаза ватвиъ анна буъдаҳу. Аллоҳумма! Антас-сохибу фис-сафар вал халифату фил аҳл. Аллоҳумма! Инни аъзузу бика мин ваъсаис-сафари ва каобатил манзари ва суъил мунқалаби фил мали вал аҳли», дер эдилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Бизга буни бўйсундирган Зот покдир. Биз бунга қодир эмас эдик. Биз Роббимизга қайтгувчилардирмиз. Аллоҳим! Биз ушбу сафаримизда яхшиликни, тақвони ва Ўзинг рози бўладиган амални сўраймиз. Бизларга бу сафаримизни осон қилгин. Аллоҳим! Сен сафарда соҳибсан ва аҳлда халифа – ўринбосарсан. Аллоҳим! Сендан сафарнинг машаққатидан, аҳл ва молда маҳзун бўлиб қайтишдан ҳамда ёмон манзара бўлишидан паноҳ сўрайман».

• *Сафардаги киши минадиган уловига яхши қарашини, уни қаровсиз қолдирмаслигини алоҳида таъкидланади.*

Чунки сафарнинг қийинчиликсиз, яхши ўтиши ва ундан кўзланган мақсадга эришиш кўп жиҳатдан уловга (маркабга) боғлиқ.

• *Сафарда ҳою-ҳавасга, маишатбозликка берилмаслик ҳам тарғиб қилинган одоблардандир.*

Мусофир одам камтарликни янада ошириши лозим. Ортиқча тўйиб кетмаслиги, овқатнинг яхшиси кетидан қувмаслиги, даб-дабага берилмаслиги, дуч келган дўкон ёки ошхонага бош суқавермаслиги керак.

• *Мусофир киши муомалада мулоийм ва хусни хулқли бўлиши лозим.*

Мусофирнинг кўпол бўлиши, кишилар билан таллашиб-тортишиши, жанжал қилиши тўғри келмайди. Хусусан, ҳаж сафаридан бунга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

• *Мусофир йўл давомида баландликка кўтарилаётганда такбир айтиб, пастликка тушаётганда эса, овозини кўтармай тасбеҳ айтиб боради.*

Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам шундай қилганлар.

• *Мусофир бирор қишлоқ ёки шаҳарни кўрганда, «Аллоҳим! Сендан унинг яхшилигини ва унинг учун қилинган нарсанинг яхшилигини сўрайман. Сендан унинг ёмонлигидан ва унинг учун қилинган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман», деган дуони ўқийди.*

Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай қилар эдилар.

• *Мусофир бир манзилга тушганда, «Аллоҳнинг тугал калималари ила У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман» деган дуони ўқийди.*

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўз ҳадисларида шуни тавсия қилганлар.

• *Мусофир юкни тушираётганда ҳам тасбеҳ айтади.*

Саҳобаи киромлар шундай қилганлар.

• *Мусофир турли ҳолатларга хос дуоларни, умумий дуоларни қилиши яхшидир.*

Чунки мусофирнинг дуоси мустажобдир (мақбулдир).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «ثَلَاثُ دَعَوَاتٍ مُسْتَجَابَاتٌ لَا شَكَّ فِيهِنَّ: دَعْوَةُ الْوَالِدِ، وَدَعْوَةُ الْمُسَافِرِ، وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Уч дуо мустажобдир, уларда шак йўқ: ота-онанинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва мазлумнинг дуоси», дедилар».

Абу Довуд, Аҳмад ва Термизий ривоят қилган.

• *Мусофир доимо таҳоратли юришга, намозларни вақтида адо этишга ҳаракат қилади.*

Тўрт рақъатли фарз намозларни қаср қилиб, икки рақъатдан ўқийди. Ҳанафий мазхабида пешин ва асрни, шом ва хуфтонни жамлаб ўқишга рухсат йўқ. Пешин ва шомни охирги вақтига суриб ўқигач, салом бергандан кейин аср ва хуфтоннинг вақти кирадиган бўлса, уларни энг аввалги вақтида ўқиб олса бўлади. Суннатларни юриб турилганда ўқимаса ҳам, масканга жойлашиб олганда ўқийди.

• *Мусофир сафардан қайтиб, ватанига яқинлашганда, «Ла илаҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр. Ойибуна, таибуна, абидуна, сажидуна ва лироббина ҳамидун. Содақаллоҳу ваҳдаҳу ва насара абдаҳу ва ҳазамал аҳзаба ваҳдаҳу», деган дуони ўқийди.*

Дуонинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У ягонадир. Унинг шериги йўқ. Мулк фақат Уникидир. Ҳамд Унга хосдир. У ҳар бир нарсага қодирдир. Қайтувчилармиз, тавба килувчилармиз, ибодат килувчилармиз, сажда килувчилармиз, Роббимизга ҳамд айтувчилармиз. Аллоҳ ваъдасини ростга чиқарди, бандасига нусрат берди ва барча гуруҳларни бир Ўзи тор-мор қилди».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилар эдилар.

• *Мусофир ўзининг етиб бориши ҳақида аҳли аёлига олдиндан хабар юборади.*

Уларнинг тайёргарлик кўриб, муносиб кутиб олишлари учун шундай қилинади.

• *Мусофир ўзи яшайдиган шаҳар ёки қишлоққа кираётиб, «Аллоҳим, Сендан унинг яхшилигини, унинг аҳлининг яхшилигини ва ундаги нарсанинг яхшилигини сўрайман. Сендан унинг ёмонлигидан ва ундаги нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман», деган дуони ўқийди.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шуни тавсия қилганлар.

• *Ўйга киришдан олдин маҳалла масжидида икки рақъат намоз ўқиш ҳам яхши амал.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилар эдилар.

• *Мусофир ўз уйига киришда, «Тавбан, тавбан, лироббина авбан, ла югодиру ҳавбан» деган дуони ўқийди.*

• *Мусофир одам сафардан қўзланган мақсад ҳосил бўлиши билан дарҳол оиласи ҳузурига қайтишига шошилиши керак.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «السَّفَرُ قِطْعَةٌ مِنَ الْعَذَابِ،

يَمْنَعُ أَحَدَكُمْ نَوْمَهُ وَطَعَامَهُ وَشَرَابَهُ، فَإِذَا قَضَى أَحَدُكُمْ نَهْمَتَهُ فَلْيَعَجِلْ إِلَى

أَهْلِهِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар: «Сафар азобдан бир бўлакдир. Бировингизнинг уйқусини, таомини, шаробини ман қилади. Бирингиз мақсадига эришса, аҳли томон шошилсин».

Бухорий ривоят қилган.

Ушбу одобларга риоя қилган ҳолда ўтказилган сафар солиҳ амаллар сирасига киришидан умидворлик бордир.

МАТБУОТ ВА АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОДОБЛАРИ

Ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири матбуот ва ахборот воситаларининг мислсиз ривожланиб, инсонлар ҳаётида ўта муҳим ўрин эгаллаганидир. Матбуот ва ахборот воситалари инсон ҳаётига таъсир ўтказадиган омилларнинг энг кучлисига айланиб қолди. Бу воситалар кишиларга турли маълумотлар, хабарлар ва ҳақиқатларни етказиш орқали маълум ҳодиса ёки муаммога нисбатан баҳо берадиган ва чора кўришга йўналтирадиган куч сифатида майдонга чиқди.

Бошқача қилиб айтганда, матбуот ва ахборот воситалари тарбиянинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Уларнинг иккаласи ҳам инсон дунёқарашини шакллантиради, кези келганда ўзгартиради. Уларнинг иккиси ҳам кишиларга ҳаёт воқеълигига мосланишда ёрдам беради. Уларнинг иккиси ҳам инсон ҳаётининг барча соҳаларига кучли таъсир ўтказади.

Ҳозирда матбуот ва ахборот воситалари турли-туман ва хилма-хил бўлиб кетди. Радио, телевизор, кундалик, ҳафталик, ойлик ва мавсумий газета-журналлар, ранг-баранг савиядаги китоблар, тасмалар ва дисклар, компьютер ва қўл телефонлари, интернет ва унинг турлари – ҳамма-ҳаммаси матбуот ва ахборот воситаларидир. Шу билан бирга, матбуот ва ахборот воситалари фақат хабар ёки маълумотни етказиш билан кифояланиб қолмайди, балки уларни таҳлил ва танқид қилади. Уларни касб ва тижоратга, агар истаса, таълим ва тарбияга ҳам айлантиради.

Матбуот ва ахборот воситалари дунёда бўлаётган ҳодисалар ҳақидаги хабар ва маълумотларни кимнидир машҳур қилишга ишлатса, кимнидир шарманда қилишда фойдаланиши ҳам мумкин. Матбуот ва ахборот воситалари мазкур нарсаларни ҳақиқат ҳимоясига ҳам, ботил тарқалишига ҳам, ҳодисаларни бузиб кўрсатишга ҳам ишлатиши мумкин. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, матбуот ва ахборот воситалари бугунги кунда хоҳлаган тарафи билан хоҳлаган нарсасини кесадиган икки тигли ханжарга ўхшаб қолди. Шунинг учун ҳам матбуот ва ахборот воситаларини тўғри йўлга солиб турадиган омилга эҳтиёж кучайди. Ушбу воситалар-

нинг ва улардаги ходимларнинг юксак сифатлар билан сифатланиши зарурати кучайди. Бунинг учун турли қонунлар, тартиб ва низомлар, бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

• **Матбуот ва ахборот воситалари ходимларининг ҳар бири таъсир кўрсатувчи шахсдир.**

Ким бўлишидан қатъи назар, матбуот ва ахборот воситалари соҳасида хизмат қиладиган шахслар жамият ва унинг аъзоларига таъсир ўтказувчилардир. Шунинг учун уларнинг барчаси яхшилик тарафдори ва ёмонлик душмани бўлишлари лозим. Улар одамларга яхшиликни раво кўриб, ёмонликни раво кўрмасликлари керак. Улар яхшилик йўлида курашиб, ёмонликни рад қилиш ҳаракатида бўлишлари зарур.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ رَأَى مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيَعْبِرْهُ بِيَدِهِ، فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِلِسَانِهِ، فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِقَلْبِهِ، وَذَلِكَ أَضْعَفُ الْإِيمَانِ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

Абу Саъид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Сиздан ким бир мункарни кўрса, ўшани қўли билан ўзгартирсин, агар қудрати етмаса, тили билан, агар бунга ҳам қудрати етмаса, дили билан. Аммо буниси иймоннинг энг заифидир», дедилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

«Мункар иш» деганда дин, шариат томонидан инкор қилинган ёмон иш тушунилади. Чин мўмин инсон ўз жамиятида бўлаётган мункар ишни кўриб-билиб туриб, бефарқ қола олмайди. Мункар ишни тили билан қайтариш матбуот ва ахборот воситаларида хизмат қиладиган шахсларнинг ҳам ишидир. Улар тили билан гапириб, қўли билан ёзиб, мункар ишнинг ёмонлигини баён этади, уни қилмасликка чақиради. Бу иш ҳар бир имкони бор мўминга вожибдир, иймони тақозо қилган бурчдир.

• **Матбуот ва ахборот воситалари яхшиликка чақириш воситаларидир.**

Бугунги кунимизда матбуот ва ахборот воситалари ўта таъсирли ташвиқот куроли ўларок, кенг жамоатчиликни, каттаю кичикни яхшиликка, халқни бирдамликка чақириш воситаси

бўлиши керак. Шунингдек, овоз ва сурат, ёзув ва кўрсатув ҳамда бошқа воситалар орқали илм-маърифат, одоб-ахлоқ тарқатиш омили бўлиши лозим. Худди шу ўринда яхшиликка чакирувчи матбуот ва ахборот воситалари ходимларининг ишлари ўта савобли эканининг далили сифатида бир ҳадиси шарифни келтиришга ижозат бергайсиз.

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ الْأَنْصَارِيِّ رضي الله عنه؛ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ دَلَّ عَلَى خَيْرٍ فَلَهُ مِثْلُ أَجْرِ فَاعِلِهِ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Масъуд Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким бир яхшиликка далолат қилса, унга қилувчининг ажри мислича (ажр) бор», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Яхшилик қилиш жуда савобли иш. Шу билан бирга, ана шундай яхшиликка далолат қилиш, ишора қилиш, унга йўллаб кўйиш ҳам ниҳоятда яхши ишдир. Ўша яхшиликни қилган одам қанча савоб олса, мазкур яхшиликка далолат қилган одам ҳам ўшанча савоб, ажр олади.

• *Матбуот ва ахборот воситалари ёмонлик ва разолат воситаси бўлмаслиги керак.*

Матбуот ва ахборот воситаларининг ҳар бир вакилидан одамларни залолатга, ёмонликка, разолатга ва гуноҳ ишларга чақирмаслик талаб этилади. У залолатга, ёмонликка даъват қилаётганлардан узоқда бўлсин, уларга хайрихоҳлик кўрсатмасин, одамларни ҳам улардан эҳтиёт бўлишга чақирсин. Бўлмаса, оқибати яхши бўлмаслиги муқаррар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ دَعَا إِلَى هُدًى كَانَ لَهُ مِنَ الْأَجْرِ مِثْلُ أُجُورِ مَنْ تَبِعَهُ لَا يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ أُجُورِهِمْ شَيْئًا، وَمَنْ دَعَا إِلَى ضَلَالَةٍ كَانَ عَلَيْهِ مِنَ الْإِثْمِ مِثْلُ آثَامِ مَنْ تَبِعَهُ لَا يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ آثَامِهِمْ شَيْئًا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир ҳидоятга чақирса, унга ўзига эргашганларнинг ажрларича ажр бўлади. Бу эса уларнинг ажрларидан ҳеч нарсани камайтирмайди. Ким бир залолатга чақирса, унга ўзига эргашганларнинг гуноҳларича гуноҳ бўлади. Бу эса уларнинг гуноҳларидан ҳеч нарсани камайтирмайди», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Матбуот ва ахборот воситалари вакили кишиларни залолатга чақирса, улар унинг ёмон чақириғи боис адашиб, залолатга кетишлари, ёмонлик ва гуноҳ ишлар қилишлари мумкин. Ана шунда ёмонлик ва разолатга ундаган матбуот ва ахборот вакилига одамларни ёмонлик ва разолатга чақиргани учун оладиган гуноҳи устига унинг чақириғи ила ёмонлик ва разолатга кетганларнинг амалларига берилган гуноҳларнинг барчаси юкланар экан. Шу билан бирга, ёмон амал қилганларнинг гуноҳи камайиб ҳам қолмас экан.

• *Матбуот ва ахборот воситалари вакили одамларга тақдим қиладиган нарсасининг оқибати қандай бўлишини яхшилаб тафаккур қилиши лозим.*

У кўринган ва қўлига тушган нарсани орқа-олдига қарамай тарқатиб юборавериши мумкин эмас. Балки ҳар бир нарсани чуқур ўйлаши, ақл, одоб-ахлоқ, шариат тарозисига солиб кўриши зарур. Ҳар бир хабарни накл қилишдан олдин уни яхшилаб текшириб, аниқлаб олиши керак.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишига эшитган ҳар нарсасини гапирмоқнинг ўзи гуноҳ учун кифоя қилади», дедилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилган.

Одамлардан эшитган нарсасини суриштирмай бошқаларга накл қилавериш гуноҳ бўлади. Чунки бу нарса кишилар ўртасида турли асоссиз гапларнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади.

Уларнинг кўпи ёлғон бўлади. Эшитган гапини одамларга гапирвериш ёлғончиликка олиб бориши шундан. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг хузурида гуноҳкор бўлишдан қўрққан матбуот ва ахборот воситаси ходими эшитган гапини текширмай тарқатавермаслиги лозим.

• *Матбуот ва ахборот воситалари вакили турли бўлмағур миш-мишлар, қабоҳатлар ва беҳаё нарсаларни тарқатишдан ўзини сақлаши керак.*

Бундай нарсаларни одамлар ичида тарқатиш жуда ёмон иш ҳисобланади. Бу фаолият шахсларга ва жамиятларга катта зарар етказди. Шунинг учун ҳам бу нарса Куръони Каримда қаттиқ қораланган.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ الَّذِينَ يُحِبُّونَ أَنْ تَشِيعَ الْفَاحِشَةُ فِي الَّذِينَ ءَامَنُوا لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ
 فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿١٩﴾

«Иймон келтирганлар ичида фаҳш тарқалишини яхши кўрадиганларга бу дунёю охиратда аламли азоб бордир. Аллоҳ биладир, сиз эса билмассиз» (19-оят).

Кишилар орасида бўлмағур миш-мишлар, қабоҳат ва фаҳш, уят, одобсиз гапларни тарқатиш нақадар катта гуноҳ эканини ушбу оятдан ҳам билиб олиш мумкин. Мазкур ишлар ҳақида миш-миш тарқатиш ўша ишнинг ўзига баробардир. Фаҳш гапларни гапириш, унга тааллуқли бошқа воситаларни тарқатиш, тарғибот қилиш, тарқалишига сабабчи бўлиш – ҳамма-ҳаммаси аламли азобга лойиқ улкан гуноҳ экани турган гап. Ислом фаҳш, бузук ишни ман қилар экан, унга олиб борадиган барча сабабларни ҳам ман этади.

Ушбу мавзудаги бўлмағур гапларни жамият аъзолари орасида тарқатиш кишиларнинг одоб-ахлоқини бузади, шундай гуноҳ ишларга чорлайди, жамиятни одобсизлар, ахлоқсизлар, бузуклар жамиятига айлантиради. Шунинг учун ҳам бузук гапларни гапириш динимизда ман қилинади. Бордию, шундай гапга хужжат-далили бўлса, жиддиятни кўзласа, керакли жойга бориб гапириб, гувоҳ келтирсин, айбдорларни

жазолашни йўлга қўйишда хизматини адо этсин, шунда мусулмонлар жамиятини поклашга ҳиссасини қўшган бўлади. Аммо бекордан-бекорга, кишиларда шаҳватни кўзгатадиган, беодоб хаёлларни уйғотадиган гапларни одамларга турли воситалар орқали сўзламасин, ёзмасин, кўрсатмасин, бундай бемаза ишларни тарғиб қилмасин. Йўқса, аламли азобга дучор бўлади.

• *Оила аъзоларини матбуот ва ахборот воситаларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш.*

Мусулмон инсон матбуот ва ахборот воситаларининг ўз оиласига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирини яхши билиб, унинг олдини олиш учун барча чораларни кўради. Албатта, мазкур воситаларнинг одоб-ахлоқни, фикрни ва ҳис-туйғуларни бузиши биринчи ўринда туради. Аммо шу билан бирга, бу воситаларга берилиб, умрни беҳуда ўтказиш балосидан ҳам асраниш лозим. Ҳозирда болалар, аёллар, ҳатто эркаклар ҳам керакли ишлар билан машғул бўлмай, эртадан кечгача телевизор тагида, компьютер олдида, бошқа матбуот ва ахборот воситалари исканжасида азиз умрларни беҳуда ўтказишга одатланганлари сир эмас. Бунда болалар дарсидан, аёллар уй юмушидан, катталар аҳамиятли ишларидан қолишлари жуда афсусланарли. Бундай беҳуда ишларни иш жойларида ҳам давом эттирадиганлар йўқ эмас.

Албатта, ҳар бир нарсанинг маълум меъёри бор. Жумладан, матбуот ва ахборот воситаларидан фойдаланишнинг ҳам меъёри бўлиши керак. Улардан ўзига, оиласига, халқига ва ватанига фойдали бўладиган нарсалар ҳақида маълумот олиш мумкин. Бунинг учун режали иш юритиш керак бўлади. Маълум соатларда маълум нарсани кўриш, ўқиш ёки эшитиш мумкин.

Ҳозирда матбуот ва ахборот воситалари жуда қўпайиб кетди. Улар тақдим қилаётган нарсаларнинг фойдалиси ҳам бор, зарарлиси ҳам бор. Мусулмон киши уларнинг фойдалисидан меъёрида фойдаланишга ва зарарлисидан бутунлай четланишга одатланиши, оила аъзолари ва фарзандларини ҳам шунга ўргатиши керак. Бу ишда эса таълим ва тарбия алоҳида муҳим ўрин тутди.

Ўзини, оила аъзоларини, фарзандларини матбуот ва ахборот воситаларининг салбий таъсиридан сақлаш учун ман қилиш воситаси энг осон услуб ҳисобланади. Лекин бу кўзланган натижани бериши қийин бўлади. Мисол учун, уйда ман қилинса, кўчада, таниш-билишниқида ва бошқа жойларда тақиклаш қийинлашади. Шунинг учун ман қилишни ҳам ўз йўлида амалга ошириш билан бирга, инсоннинг ўзини тарбиялаш орқали маънавий ман қилувчи малакани ҳосил қилишга уриниш лозим бўлади. Ҳар бир инсон, ота-она, бола матбуот ва ахборот воситалари кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирдан ўзидаги мустаҳкам тушунча кучи ила четланадиган малакага эга бўлиши лозим. Бунинг учун эса мазкур нарсаларга вақт, куч, мол сарфлаш гуноҳ эканини, охиратда ҳисобкитоб бўлишини доимо эсда сақлашни уларнинг онгига етказиш зарур бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизга матбуот ва ахборот воситаларидан эзгулик йўлида манфаат олишимизни ва уларнинг зараридан омон бўлишимизни насиб айласин!

МОЛ-ДУНЁ ВА БОЙЛИК ОДОБЛАРИ

Бойлик инсоннинг ўз эҳтиёжидан ва оиласи эҳтиёжидан орт-тиқ пул, маскан, улов, асбоб-анжом ва турли неъматларга эга бўлишидир. У камбағалликнинг зиддидир.

«Мол» сўзи арабча «мола – ямийлу» феълининг ўзаги бўлиб, кийматга эга ва кўнгил майли тортадиган нарсани англатади. Кўнгил майли тортадиган қимматли нарсаларнинг ҳаммаси – пул, тилла, кумуш, кўчмас ва кўчар мулк ва бошқалар мол дейилаверади. Бу нарсалар кўнгил тортиши, иштаҳа қилиши дейилади. Иштаҳа эса шаҳват маъносини англатади. Шунинг учун Қуръони Каримда бундай нарсаларнинг барчаси «шаҳватлар» деб аталган.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида марҳамат қилади:

زُيِّنَ لِلنَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ وَالْقَنَاطِيرِ الْمُقَنْطَرَةِ
مِنَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَالْخَيْلِ الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَامِ وَالْحَرْثِ ذَلِكَ
مَتَاعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَعَابِ ﴿١٤﴾

«Одамларга аёллардан, фарзандлардан, тўп-тўп тилла ва кумушдан, боқилган отлардан, чорвалардан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати чиройли кўрсатилди. Булар дунё ҳаётининг матоҳидир. Ва Аллоҳ – хузурида гўзал қайтар жой бор Зотдир» (14-оят).

Ушбу ояти каримада одамларнинг кўнглига муҳаббати зийнатланган, иштаҳалари доим тортиб турадиган нарсалар ҳақида сўз кетмоқда:

«Одамларга аёллардан, фарзандлардан, тўп-тўп тилла ва кумушдан, боқилган отлардан, чорвалардан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати чиройли кўрсатилди».

Бу ояти каримада аёллар, улардан туғиладиган болалардан сўнг тўп-тўп тилла ва кумушнинг зикри келмоқда. Молу дунё шаҳвати жуда кучли шаҳват. Инсон фақат моли бўлишинигина эмас, балки моли тўп-тўп бўлишини хоҳлайди. Молни кўпайти-

ришнинг ўзи катта шаҳватдандир. Шунинг учун ҳам моли кўплар молсизлардан кўра кўпроқ бойлик тўплашга уринаётганини кўрамиз. Молга бўлган кучли шаҳватнинг сабаби – у бошқа шаҳватларга ҳам эриштирувчи восита эканлигидадир.

Ундан кейин гўзал отларнинг зикри келмоқда. От ўзида муҳаббатга сабаб бўлувчи кўпгина сифатларни жамлаган ҳайвондир. Кишилар доимо яхши отга эга бўлишни ўзларига обрў деб билганлар. (Ҳатто ҳозирги техника замонида ҳам миллионлаб долларга савдо бўлаётган отлар бор.) Аммо бу ерда умуман, улов (автомашина) маъносида ҳам тушунилади. Атрофимизга бир назар солайлик: бирор киши йўқки, уловни орзу қилмаган бўлсин, бирор киши йўқки, улов харид қилиш мақсадида ўзини ҳар томонга урмаётган бўлсин.

Шунингдек, одамларда туя, сигир, қўй каби чорва ҳайвонлари ва экин-тикинларга ҳам муҳаббат кучли. Улар ушбу нарсаларни ўзларига мулк қилишга доимо интилишади.

Ояти каримада ушбу нарсаларнинг муҳаббати чиройли кўрсатилди, дейилмоқда. Демак, бу муҳаббат инсоннинг асл табиатида бор экан. Бундай ҳолатнинг бўлиши табиий бир ҳол экан. Модомики, ушбу рағбатлар инсон табиатида бор экан, Аллоҳнинг Ўзи инсонни шундай яратган экан, бу нарсалар инсон ҳаётини муҳофаза қилишда, унинг гўзал ва завқли кечишида хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун Ислом дини мазкур нарсаларни ҳаром қилган эмас, балки мубоҳ деган. Бу нарсаларни ман қилишни эмас, тартибга солишни йўлга қўйган. Ислом кишиларни тарбия қилиб, шаҳват дарёсида ҳалок бўлмасликка чақиради. Инсон мазкур шаҳватларнинг қули бўлиб қолмаслиги керак, балки уларнинг хожаси бўлиб, ўз тасарруфига олиши даркор.

Юқорида зикр этилган нарсалар ояти карима тушган вақт ва муҳитнинг шаҳватларидан намуналар, холос. Улардан ташқари яна кўп нарсалар бор. Лекин қанча бўлса ҳам,

«Булар дунё ҳаётининг матоҳидир».

Охиратники эмас, абадий ҳаётники эмас, шу дунёники.

«Ва Аллоҳ – гўзал қайтар жой Унинг ҳузурда бўлган Зотдир».

Бу жой жаннати наъиймдир. Унда киши нимани иштаҳа қилса, ўша муҳайёдир.

Шунинг учун ҳам баъзи хадиси шарифларда яхши тасарруф қилинган мол мақталгандир.

عَنْ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ قَالَ: بَعَثَ إِلَيَّ النَّبِيُّ ﷺ فَأَمَرَنِي أَنْ آخُذَ عَلَيَّ ثِيَابِي وَسِلَاحِي ثُمَّ آتَيْتُهُ، فَفَعَلْتُ، فَأَتَيْتُهُ وَهُوَ يَتَوَضَّأُ، فَصَعَدَ إِلَيَّ الْبَصْرَ ثُمَّ طَاطَأَ، ثُمَّ قَالَ: «يَا عَمْرُو، إِنِّي أُرِيدُ أَنْ أَبْعَثَكَ عَلَى جَيْشٍ فَيُعْنِمَكَ اللَّهُ، وَأُرْعَبُ لَكَ رَغَبَةً مِنَ الْمَالِ صَالِحَةٍ»، قُلْتُ: إِنِّي لَمْ أُسَلِّمْ رَغَبَةً فِي الْمَالِ، إِنَّمَا أَسَلَّمْتُ رَغَبَةً فِي الْإِسْلَامِ، فَأَكُونُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ: «يَا عَمْرُو، نِعْمَ الْمَالُ الصَّالِحُ لِلْمَرْءِ الصَّالِحِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Амр ибн Осс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам менга одам юбориб, кийимларимни ва қурол-аслаҳаларимни олиб боришимни тайинладилар. Борсам, таҳорат қилаётган эканлар. Менга бошдан-оёқ разм солдилар. Сўнг: «Эй Амр, сени бир лашкарга бош қилиб юбормоқчиман. Шояд, Аллоҳ таоло сенга ўлжа берса. Шу нарсадан сенга солиҳ мол насиб бўлса, деган рағбатим бор», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, мен мол учун эмас, Ислому учун мусулмон бўлганман. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга бўлиш учун мусулмон бўлганман», дедим. «Эй Амр, солиҳ одамнинг қўлидаги солиҳ мол қандай яхши!» дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Ушбу хадиси шарифдан солиҳ инсонда солиҳ йўл билан топилган мол бўлиши яхши эканини, ушбу молнинг эгаси уни тўғри йўлга сарфласа, бунда ҳеч қандай ёмонлик йўқлигини билиб оламиз.

Мол-дунёни фақат ёмонлайвериш нотўғри. Фақат мол-дунё ҳам-ҳаришдан топилган бўлса ёки у нопок, ҳаромхўр одамнинг қўлига тушиб колган бўлса, мазаммат қилинади, ёмонланади, ҳоҳишсизлик бўлади. Чунки бундай одам молни ёмонликка сарфлайди, ироф қилмайди. Шунинг учун шариатта мувофиқ топилган ва шундай сарфланган мол ҳеч қандай ёмон ҳаёлга бормаслик керак.

• **Мол жамлаш одобларига риоя қилиш.**

Ислом инсондаги молга бўлган муҳаббатни жиловлайди ва уни бу борада тўғри йўлга йўллайди. Бу билан мол-дунё яхшиликка ишлатиладиган ва охиратда манфаат берадиган омилга айланади.

• **Мол Аллоҳ таолоникидир.**

Ислом таълимоти бўйича мол аслида Аллоҳ таолонинг молдир, уни қўлида тутиб турган одамники эмас. Агар дунёда бирор кимса мулкка эгалик қилаётган бўлса, ҳақиқий мулк эгаси (Молик) Аллоҳ таоло унга Ўзи ирода қилган ҳикмат бўйича вақтинчалик, арзимаган мулкни бериб қўйган бўлади. Бинобарин, Аллоҳ хоҳлаган пайтида ундан мулкни тортиб олиб қўйиши мумкин. Мулкни вақтинчалик қарзга олган одам ҳақиқий Моликнинг шартига мувофиқ тасарруф қилса, бахт-саодатга эришади. Агар ҳақиқий Моликнинг шартига хилоф иш тутса, молдан ажраб қолиши устига гуноҳга ҳам ботади.

Одатда қўлига бирдан мол-дунё тушган одамда агар диндорлик, такво бўлмаса, ҳовлиқиб кетади, дарров бузгунчилик қилишга киришади. Фиръавн аҳлидан бўлган Қорун ҳам шундай нафси бузук, насихат кор қилмайдиган, бойлик кутуртирган кимсалардан эди. У ўз қавмининг насихатларини кулоққа олмади, бойлиги туғёнга кетказди ва охири ҳалокатга учради.

Аллоҳ таоло Қасас сурасида марҳамат қилади:

قَالَ إِنَّمَا أُوتِيْتُهُ عَلَىٰ عِلْمٍ عِنْدِي ۗ أَوَلَمْ يَعْلَم أَنَّ اللَّهَ قَدْ أَهْلَكَ مِن قَبْلِهِ
مِنَ الْقُرُونِ مَنْ هُوَ أَشَدُّ مِنْهُ قُوَّةً وَأَكْثَرُ جَمْعًا وَلَا يُسْئَلُ عَن ذُنُوبِهِمْ

الْمَجْرُمُونَ ﴿٧٨﴾

«У (Қорун): «Менга у фақат ўзимдаги илм туфайлигина берилгандир», деди. Аллоҳ ундан олдинги авлодлардан ундан кўра қувватлироқ, ундан кўра кўпроқ (мол) жамлаганларни ҳалок этганини у билмасмиди?! Жиноятчилардан гуноҳлари ҳақида сўраб ўтирилмас» (78-оят).

Дунёдаги кўшлаб мол-дунё соҳиблари каби, Қорун ҳам бойлигига ўз билганича, ўз ақлича қарар эди. «Бу мол-мулк менга илмим туфайли берилди, ўзимдаги қобилиятни, илмни ишга со-

либ мол топдим, энди қандай қилиб сарфлашни ҳам ўзим биламан», деб ўйлар эди. Мусулмон бўлмаган бойларнинг барчаси хамиша худди шундай фикр юритади. Шунинг учун ҳам улар туғенга кетади, бошқалар олдида такаббурлик қилади, ер юзида бузғунчиликлар содир этади.

Ислом хусусий мулкчиликка кенг йўл очиб беради, кишилардаги мол-мулк топиш рағбатини қўллаб-қувватлайди. Аммо мол-мулк доимо ҳалол-пок йўл билан топилишини таъкидлайди, назорат қилади, текширади. Шунингдек, топилган мол-мулкни ҳалол-пок йўлда сарфлаш зарурлигини ҳам қаттиқ тайинлайди. Мол-мулк эгасини туғендан, такаббурликдан ва ер юзида бузғунчилик қилишдан қайтаради.

• *Аллоҳ таолонинг розилиги учун мол неъматига шукр келтириш шартдир.*

Инсон ўзига кўпроқ яхшилик етишини истар экан, жумладан, мол неъматига рағбат қилар экан, берилган ҳар бир неъматга, жумладан, мол неъматига ҳам шукр келтириши лозим бўлади. Куръони Карим неъматга сазовор бўлган бандаларни Аллоҳ таолога шукр қилишга чорлайди.

Аллоҳ таоло Иброҳим сурасида марҳамат қилади:

وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِن كَفَرْتُمْ

إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ ﴿٧﴾

«Роббингизнинг «Қасамки, агар шукр қилсангиз, зиёда қиламан. Агар куфр келтирсангиз, азобим шиддатлидир», деб эълон қилганини ҳам эсланг» (7-оят).

Шукр – неъмат берувчи Зотга тил билан мақтов сўзларни айтиш, дил билан ўша мақтовни тасдиқлаш ва бу неъматни Аллоҳ розилиги йўлида сарфлашдан иборатдир. Берилган неъматга шукр этиш инсоннинг тўғри йўлда эканини кўрсатади. Шукр қилувчи инсон Аллоҳ таоло ўзини доим кузатиб туришини ҳис этади ва неъмат етганда пайдо бўладиган манманлик, исроф ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлардан холи бўлади. Натижада ўзига берилган неъматлардан тежаб-тергаб фойдаланиб, яхши амалларни кўпайтиради.

Неъматга ношукр бўлиш эса унинг Аллоҳ томонидан берилишини тан олмаслик, Унга ҳамду сано айтмаслик ва неъматни номаъкул йўлларда ишлатишдан иборатдир. Етган неъматга шукр қилмаслик, куфрони неъмат бўлиш уни берган Зотга – Аллоҳга куфр келтиришдир. Бундай одамлар «Неъматни менга Аллоҳ берди», демайди, балки «Унга ўз илмим, ҳаракатим ва усталигим, тадбиркорлигим туфайли эришдим», дейди. Шу сабабдан бундайлар ўзларидаги моддий имкониятларни ҳаром-ҳариш, манманлик, шуҳратпарастлик ва шунга ўхшаш салбий йўлларга ишлатишади. Оқибатда қаттиқ азобга учрайдилар. Қолбуки, шукрона банданинг ўзига фойда келтиради, холос, Аллоҳ таоло бунга эҳтиёжманд эмас.

• **Мулкдор бўлиш оғир масъулиятдир.**

Тўпланган мол-мулкнинг ҳисоб-китоби ўта қаттиқ, шиддатли бўлади. Аллоҳ таоло мол-дунёга эга қилган инсонлар ҳаром йўллар билан қўлга киритилган мулк ва бойликнинг қаттиқ азоби, ҳалол топилганининг эса ҳисоби борлигини асло унутмасликлари лозим. Зотан, мол-дунё бир вақтнинг ўзида ҳам неъмат, ҳам масъулият, ҳам роҳат, ҳам азобдир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «إِنَّ ثَلَاثَةً فِي بَنِي إِسْرَائِيلَ، أَبْرَصَ وَأَفْرَعَ وَأَعْمَى، فَأَزَادَ اللَّهُ أَنْ يَنْتَلِيَهُمْ، فَبَعَثَ إِلَيْهِمْ مَلَكًا، فَأَتَى الْأَبْرَصَ فَقَالَ: أَيُّ شَيْءٍ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: لَوْ نَحَسَنُ، وَجِلْدٌ حَسَنٌ، وَيَذْهَبُ عَنِّي الَّذِي قَدْ قَدِرْتَنِي النَّاسُ، فَمَسَحَهُ فَذَهَبَ عَنْهُ قَدْرُهُ، وَأُعْطِيَ لَوْ نَا حَسَنًا وَجِلْدًا حَسَنًا، قَالَ: فَأَيُّ الْمَالِ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: الْإِبِلُ أَوْ قَالَ الْبَقَرُ، (شَكََّ إِسْحَاقُ فِي الْأَبْرَصِ وَالْأَفْرَعِ، قَالَ أَحَدُهُمَا الْإِبِلُ وَقَالَ الْآخَرُ الْبَقَرُ)، قَالَ: فَأُعْطِيَ نَاقَةً عُشْرَاءَ، فَقَالَ: بَارَكَ اللَّهُ لَكَ فِيهَا، قَالَ: فَأَتَى الْأَفْرَعَ، فَقَالَ: أَيُّ شَيْءٍ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: شَعْرٌ حَسَنٌ، وَيَذْهَبُ عَنِّي هَذَا الَّذِي قَدْ قَدِرْتَنِي النَّاسُ، قَالَ: فَمَسَحَهُ فَذَهَبَ عَنْهُ، وَأُعْطِيَ شَعْرًا حَسَنًا،

قَالَ: فَأَيُّ الْمَالِ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: الْبَقْرُ، فَأَعْطِي بَقْرَةً حَامِلًا، فَقَالَ: بَارَكَ
 اللَّهُ لَكَ فِيهَا، قَالَ: فَأَتَى الْأَعْمَى، فَقَالَ: أَيُّ شَيْءٍ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: أَنْ
 يَرُدَّ اللَّهُ إِلَيَّ بَصْرِي فَأُبْصِرَ بِهِ النَّاسَ، قَالَ: فَمَسَحَهُ فَرَدَّ اللَّهُ إِلَيْهِ بَصْرَهُ، قَالَ:
 فَأَيُّ الْمَالِ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: الْغَنَمُ، فَأَعْطِي شَاةً وَالِدًا، فَأَنْتِجَ هَذَا وَوَلَدٌ
 هَذَا، فَكَانَ لِهَذَا وَاِدٍ مِنَ الْإِبِلِ، وَلِهَذَا وَاِدٍ مِنَ الْبَقَرِ، وَلِهَذَا وَاِدٍ مِنَ الْغَنَمِ، قَالَ:
 ثُمَّ إِنَّهُ أَتَى الْأَبْرَصَ فِي صُورَتِهِ وَهَيْئَتِهِ، فَقَالَ: رَجُلٌ مِسْكِينٌ، قَدْ انْقَطَعَتْ
 بِي الْحَيَالُ فِي سَفَرِي، فَلَا بَلَاغَ لِي الْيَوْمَ إِلَّا بِاللَّهِ ثُمَّ بِكَ، أَسْأَلُكَ بِالَّذِي
 أَعْطَاكَ اللَّوْنَ الْحَسَنَ وَالْجِلْدَ الْحَسَنَ وَالْمَالِ بَعِيرًا أَتَبْلُغُ عَلَيْهِ فِي سَفَرِي، فَقَالَ:
 الْحَقُوقُ كَثِيرَةٌ، فَقَالَ لَهُ: كَأَنِّي أَعْرِفُكَ، أَلَمْ تَكُنْ أَبْرَصَ يَقْدِرُكَ النَّاسُ، فَقِيرًا
 فَأَعْطَاكَ اللَّهُ، فَقَالَ: إِنَّمَا وَرِثْتُ هَذَا الْمَالِ كَابِرًا عَنْ كَابِرٍ، فَقَالَ: إِنْ كُنْتُ
 كَاذِبًا فَصَيِّرْكَ اللَّهُ إِلَى مَا كُنْتُ، قَالَ: وَأَتَى الْأَفْرَعَ فِي صُورَتِهِ، فَقَالَ لَهُ مِثْلُ
 مَا قَالَ لِهَذَا، وَرَدَّ عَلَيْهِ مِثْلَ مَا رَدَّ عَلَيْهِ هَذَا، فَقَالَ: إِنْ كُنْتُ كَاذِبًا فَصَيِّرْكَ
 اللَّهُ إِلَى مَا كُنْتُ، قَالَ: وَأَتَى الْأَعْمَى فِي صُورَتِهِ وَهَيْئَتِهِ، فَقَالَ: رَجُلٌ مِسْكِينٌ
 وَابْنُ سَبِيلٍ، انْقَطَعَتْ بِي الْحَيَالُ فِي سَفَرِي، فَلَا بَلَاغَ لِي الْيَوْمَ إِلَّا بِاللَّهِ ثُمَّ
 بِكَ، أَسْأَلُكَ بِالَّذِي رَدَّ عَلَيْكَ بَصْرَكَ شَاةً أَتَبْلُغُ بِهَا فِي سَفَرِي، فَقَالَ: قَدْ
 كُنْتُ أَعْمَى فَرَدَّ اللَّهُ إِلَيَّ بَصْرِي، فَخُذْ مَا شِئْتَ وَدَعْ مَا شِئْتَ، فَوَاللَّهِ لَا
 أَجْهَدُكَ الْيَوْمَ شَيْئًا أَحَدْتَهُ لِلَّهِ، فَقَالَ: أَمْسِكْ مَالَكَ، فَإِنَّمَا ابْتُلَيْتُمْ، فَقَدْ رَضِيَ
 عَنْكَ، وَسُخِطَ عَلَى صَاحِبَيْكَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (куйидагиларни) айтганларини эшитдим: «Бану Исроилда уч киши: пес, кал ва кўр бор эди. Аллоҳ уларни синамоқчи бўлиб, уларга бир фариштани юборди. У песнинг олдига бориб: «Сен учун қайси нарса энг маҳбуб (севимли)?» деди. «Гўзал ранг, гўзал тери ва одамлар мендан ҳазар қилаётган нарсанинг кетиши», деди пес. Шунда уни силаган эди, унинг ҳазар қилинадиган нарсалари кетди. Унга гўзал ранг ва гўзал тери берилди. «Сенга қайси мол энг маҳбуброқ?» деди. «Туя» ёки «Сигир», деди пес. (Исҳоқ пес билан калнинг гапида шак қилди. Улардан бири «Туя», деди, бошқаси «Сигир», деди). Унга ўн ойлик хомиласи бор туя берилди. Сўнгра у (фаришта): «Аллоҳ бунда сенга барака берсин», деди.

У калнинг олдига бориб: «Сен учун қайси нарса энг маҳбуб?» деди. «Гўзал соч ва одамлар мендан ҳазар қилаётган нарсанинг кетиши», деди кал. Шунда уни силаган эди, ҳалиги нарса ундан кетди ва унга гўзал соч берилди. «Сенга қайси мол энг маҳбуброқ?» деди. «Сигир», деди кал. Унга хомиладор сигир берилди. Сўнгра у (фаришта): «Аллоҳ бунда сенга барака берсин», деди.

У кўрнинг олдига бориб: «Сен учун қайси нарса энг маҳбуб?» деди. «Аллоҳ менга кўзимни қайтармоғи ва мен у билан одамларни кўришим», деди. Шунда уни силаган эди, Аллоҳ унга кўзини қайтарди. «Сенга қайси мол энг маҳбуброқ?» деди. «Кўй», деди кўр. Унга бўғоз совлиқ берилди.

Ҳалиги иккови болалади. Бу ҳам қўзилади. Бунисида водий тўла туя бўлди. Унисиди водий тўла сигир бўлди. Наригисиди водий тўла кўй бўлди.

Сўнгра у (фаришта) песнинг олдига унинг аввалги сурати ва ҳайъатида бориб: «Бир мискин одамман. Сафарим кесилиб қолди. Бугунги кунда аввало Аллоҳ, қолаверса, сенигина манзилимга етиб олишимга ёрдам беришинг мумкин. Сенга гўзал ранг, гўзал тери ва шунча мулк берган Зотнинг ҳурмати, сафаримни давом эттиришим учун бир туя беришингни сўрайман», деди. Пес эса: «Ҳақ-ҳуқуқлар кўп», деб жавоб берди. «Сени танигандек бўлипман, аввал пес бўл-

маганмидинг? Одамлар сендан ҳазар қилмасмиди? Фақир эмасмидинг? Сўнгра Аллоҳ сенга ато бермаганмиди?» деди фаришта. «Бу мол менга ота-боболаримдан мерос қолган», деди пес. «Агар ёлғон гапирган бўлсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга қайтарсин!» деди.

Калнинг олдига ҳам унинг аввалги суратида борди. Унга ҳам анавинга айтганларини айтди. У ҳам анави рад қилгани каби рад қилди. Шунда унга ҳам: «Агар ёлғон гапирган бўлсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга қайтарсин!» деди.

Кўрнинг олдига ҳам унинг аввалги сурати ва хайъатида бориб: «Бир мискин одамман. Сафарим кесилиб қолди. Бугунги кунда аввало Аллоҳ, қолаверса, сенгина манзилимга етиб олишимга ёрдам беришинг мумкин. Сенга кўзингни қайтариб берган Зотнинг ҳурмати, сафаримни давом эттиришим учун бир қўй беришингни сўрайман», деди. «Дарҳақиқат, кўр эдим, Аллоҳ менга кўзимни қайтариб берди. Хоҳлаганингни ол, хоҳлаганингни қўй. Аллоҳга қасамки, бугунги кунда Аллоҳ учун олган ҳеч бир нарсангга сени машаққатга қўймайман», деди кўр. «Молинг ўзингга! Сизлар фақат синалдингиз, ҳолос. Сендан рози бўлинди ва икки соҳибингдан норози бўлинди», деди.

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Ўтган умматлардан бирида бўлиб ўтган бу қисса ҳамма учун ўрнак бўлиши лозим. Банда ўзи муҳтож бўлганда яхшилик ҳақида ўйлаб, бой ва беҳожат бўлганда яхшиликни унутиб қўймаслиги керак.

Бойлик, соғлик ва чирой ҳар бир одам боласига синов учун, яъни бу нарсаларнинг шукрини қиладими ёки йўқми, деб синаш мақсадида берилган бўлиши мумкин. Банда бу каби неъматларни ўзига берилган омонат деб билиши ва уларга Аллоҳ таолонинг динида кўрсатилганидек, шукр келтириши ва тасарруф қилиши лозим. Акс ҳолда мазкур нарсалардан маҳрум бўлиши ёки ўша нарсалар унинг бошига бало келтириши мумкин.

Демак, ҳеч ким ўз ўтмишини унутмаслиги лозим. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло берган неъматлардан муҳтожларга беришни эсдан чиқариб, бахиллик йўлига ҳам ўтмаслиги лозим.

Мол-дунёни яхши ёки ёмон деб сифатлаш мумкин эмас. Аввало, уни ишлатиш йўлига қараш лозим бўлади. Бу ҳолатни қароқчининг қўлидаги қуролнинг хизмати билан аскарнинг қўлидаги қуролнинг хизматига қиёслаш мумкин: бири қароқчилик учун, иккинчиси ватан ҳимояси йўлида ишлатилади.

Шунингдек, мол-дунёнинг ҳам ўзига қараб эмас, уни қандай сарфланишига қараб баҳо берилади. Бундан эса мол-мулк одобларининг энг гўзалларидан бири юзага келади. Бу ҳам бўлса уни Аллоҳ таолонинг розилиги, яхшилик ва тоат йўлида сарфлашдир. Худди шу маъно Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам ўз ифодасини топган.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْمَسَاوِرِ قَالَ: سَمِعْتُ ابْنَ عَبَّاسٍ يُخْبِرُ ابْنَ الرَّبِيعِ يَقُولُ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ ﷺ يَقُولُ: «لَيْسَ الْمُؤْمِنُ الَّذِي يَشْبَعُ وَجَارُهُ جَائِعٌ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абдуллоҳ ибн Мусавирдан ривоят қилинади:

«Ибн Аббос Ибн Зубайрга шундай деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ўзи тўқ бўлиб, қўшниси оч қолган одам мўмин эмас», деганларини эшитганман».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Бу маънода имом Ғаззолий куйидаги хикояни келтирадилар: «Бир киши дўстининг уйига келиб, эшигини қоқди. Уй эгаси чиқиб, унинг нима ҳожатда келганини сўради. «Тўрт юз дирҳам қарзим бор», деди у. Уй эгаси тўрт юз дирҳам чиқариб берди ва уйига киргач, ўқиниб йиғлай бошлади. Хотини унга: «Истама-сангиз, пулни унга нимага бердингиз?» деди. «Мен уйимга келиб, эшигимни қоқмагунича, унинг ҳолидан хабар олмаганимга йиғлаяпман», деди.

• *Мол-дунё топиш йўллари ва манбаларига аҳамият бериш ўта зарурдир.*

Молу дунё ва бойлик одобларидан бири уни топиш манбага аҳамият беришдир. Ҳар бир инсон мол-дунёни ҳалолдан топяптими ёки ҳаромданми, топганлари шубҳали манбаданми ёхуд шубҳасизиданми – албатта, буларга катта аҳамият бериши ке-

рак. Мол-дунё топишнинг шариат ман қилган барча турларидан: зўравонлик, рибохўрлик, алдамчилик, камбағал ва етимларнинг ҳаққини поймол қилиш, ўғрилик, қиморбозлик, порахўрлик каби барча ҳаром ва шубҳали йўллардан ҳазар қилиш керак.

Абу Нуъайм «Хуля»да Зайд ибн Арқам розияллоху анхудан ривоят қилади: «Абу Бақр Сиддиқ розияллоху анхунинг бир кули бўлиб, у ишлаб, бир нарсалар топиб келар эди. Бир кеча у таом олиб келди. У киши ундан бир луқма тановул қилди. Қул унга: «Сенга нима бўлди? Ҳар кеча мендан (қандай топганимни) сўрар эдинг, бу гал сўрамадинг?» деди. «Бунга мени очлик мажбур қилди. Бун қаердан топдинг?» деди у. «Жоҳилият пайтида бир қавмнинг олдидан ўтиб, уларга дам солган эдим. Ўшанда улар менга бирор нарса беришни ваъда қилишган эди. Бугун уларнинг олдиларидан ўтиб кетаётсам, тўй бўлаётган экан, ўша ваъда қилган нарсаларини беришди», деди қул. Абу Бақр: «Мени ҳалок қилай депсан-ку!» деди ва қўлини халқумига тикиб, қусишга урина бошлади. У нарса чиқмай, туриб қолди. Унга: «Бу нарса фақат сув билан чиқади», дейишди. У бир жомда сув опкелтирди-да, ундан ичиб, қусишга уринди. Охири у нарсани чиқариб ташлади. Шунда унга: «Аллоҳ раҳмингни есин, бир луқмани деб шунчалик қиласанми?!» дейишди. У эса: «Агар бу жоним билан кўшилиб чиқадиган бўлганида ҳам, албатта чиқарар эдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Ҳаромдан ўсган ҳар бир жасадга олов ҳақлидир», деганларини эшитганман. Ушбу луқмадан жасадимда бирор ўсиш бўлиб қолмасин, деб кўрқдим», деди.

عَنْ أَبَانَ بْنِ أَبِي عَيَّاشٍ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، اجْعَلْنِي مُسْتَجَابَ الدَّعْوَةِ. قَالَ: «يَا أَنَسُ، أَطِيبَ كَسْبِكَ تُسْتَجَابُ دَعْوَتُكَ، فَإِنَّ الرَّجُلَ يَرْفَعُ اللَّقْمَةَ إِلَى فِيهِ مِنْ حَرَامٍ فَمَا يُسْتَجَابُ لَهُ دَعْوَةٌ أَرْبَعِينَ يَوْمًا». رَوَاهُ الدَّيْلَمِيُّ.

Абон ибн Абу Айёш розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Анас розияллоху анху қуйидагиларни айтганлар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мени дуоси қабул бўладиганлардан қилиб қўйинг», дедим. У зот: «Эй Анас, касбингни пок қилгин,

дуонинг қабул бўлур. Чунки бир одам оғзига бир лукма ҳаромни солса, қирқ кунгача дуоси ижобат бўлмайди», дедилар».

Дайлабий ривоят қилган.

• *Молу дунё ва бойлик одобларидан бири оила аъзолари ва қарамоғидагиларга нисбатан қизганчиқ бўлмасликдир.*

Мусулмон инсон аҳли-аёли, оила аъзолари ва қарамоғидаги кишиларга кенгчилик яратади. Ўзига Аллоҳ таоло берган неъматларга уларни шерик қилади. Уларнинг нафақа ҳаққи борлигини зинҳор унутмайди.

Аллоҳ таоло Талоқ сурасида марҳамат қилади:

لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ

«Ризқи кенг кенглигидан нафақа қилсин» (7-оят).

Бой-бадавлат, «ризқи кенг» киши оила аъзолари, фарзандлари ва қарамоғидагиларга нафақани каттароқ қилади.

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «إِنَّ اللَّهَ إِذَا أَنْعَمَ عَلَى عَبْدٍ نِعْمَةً يُحِبُّ أَنْ يَرَى أَثَرَ نِعْمَتِهِ عَلَى عَبْدِهِ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Имрон ибн Ҳусоин розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Агар Аллоҳ бир бандага неъмат берса, унинг асари ўша бандада зоҳир бўлишини яхши кўради», дедилар».

Тобароний ривоят қилган.

Мусулмон инсон Аллоҳ таоло унга берган неъматни ўзида зоҳир қилиш учун ўзи, бола-чақаси, аҳли-аёли ва қарамоғидагиларнинг кийим-боши, турар жойи, озик-овқати ва бошқа маишатларига керакли нарсаларни шариат кўрсатмаларига биноан таъминлаб, нафақасини яхшилаб қўйиши зарур. Шу билан бирга, нафақада барчага баравар ҳолда адолатли бўлиш ҳам талаб этилади.

عَنِ التُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: انْطَلَقَ بِي أَبِي يَحْمِلُنِي إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، اشْهَدْ أَبِي قَدْ نَحَلْتُ التُّعْمَانَ كَذَا وَكَذَا مِنْ

مَا لِي، فَقَالَ: «أَكَلَّ بَيْتِكَ قَدْ نَحَلْتِ مِثْلَ هَذَا؟» قَالَ: لَا، قَالَ: «فَأَشْهَدُ عَلَى هَذَا غَيْرِي»، ثُمَّ قَالَ: «أَبْسُرُكَ أَنْ يَكُونُوا إِلَيْكَ فِي الْبِرِّ سَوَاءً؟» قَالَ: بَلَى، قَالَ: «فَلَا إِذَا». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ. وَفِي رِوَايَةٍ: «اتَّقُوا اللَّهَ، وَاعْدِلُوا فِي أَوْلَادِكُمْ».

Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Отам мени кўтариб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига олиб бордилар ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, гувоҳ бўлинг, мен Нуъмонга ўз молимдан буни-буни, бердим», деди. «Ҳамма ўғилларингга шунга ўхшаш бердингми?» дедилар у зот. «Йўқ», деди. «Унда бунга мендан бошқани гувоҳ қил, – дедилар ва сўнгга: – Уларнинг барчаси сенга бирдек яхшилик қилиши сени хурсанд қиладими?» дедилар. «Ҳа», деди. «Ундай бўлса, йўқ!» дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоятлари.

Бошқа бир ривоятда:

«Аллоҳга тақво қилинглари ва фарзандларингиз орасида адолатли бўлинглари», дейилган.

• **Давлатманд кишиларнинг зийнати сахийлик ва яхшилик қилишдир.**

Бахиллик ва қизғанчиқлик мусулмон инсонга мутлақо тўғри келмайди. Бахиллик ва қизғанчиқлик бойларнинг заволи, бадавлатларнинг ҳалокати ва мол-дунё эгаларининг фалокатидир. Аксинча, сахийлик фазилати – бойларнинг зийнати, карамлик – бадавлатларнинг кўрки ва серхаражат бўлиш мол-дунё эгаларининг гўзал сиймосидир.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ لِلَّهِ قَوْمًا يَخْتَصُّهُمْ بِالْبِرِّ لِمَنَافِعِ الْعِبَادِ، وَيُقَرِّهَا فِيهِمْ مَا بَدَلُوهَا، فَإِذَا مَنَعُوهَا نَزَعَهَا مِنْهُمْ، فَحَوَّلَهَا إِلَى غَيْرِهِمْ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам дедилар: «Аллоҳнинг бир қавми бор. У Зот бандаларнинг манфаати учун уларни неъматлар билан хослаган. Модомики, улар ўша неъматларни сарфлашар экан, уларда неъматлар барқарор қолур. Уларни ман қилсалар, У Зот уларни тортиб олиб, улардан бошқаларга кўчирур».

Тобароний ривоят қилган.

عَنْ مُعَاذٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَا عَظَمْتُ نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَى عَبْدٍ إِلَّا كَثُرَتْ مَوْوَنَةُ النَّاسِ عَلَيْهِ، فَمَنْ لَمْ يَحْتَمِلْ مَوْوَنَةَ النَّاسِ فَقَدْ عَرَّضَ تِلْكَ النِّعْمَةَ لِلزَّوَالِ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي الشُّعَبِ.

Муъоз розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам дедилар: «Бир бандада Аллоҳнинг неъматни кўп бўлса, унинг зиммасида одамларга беминнат ёрдам ҳам кўпаяди. Ким одамларга беминнат ёрдам беришни кўтармаса, ўша неъматни заволга учратади».

Байҳақий ривоят қилган.

Бу борада мусулмон уммати ичида гўзал ўрناق бўлувчи кишилар кўп бўлган. Бунга бир неча мисол келтириш мумкин: имом Шофъий раҳматуллоҳи алайҳи Санъодан Маккага ўн минг динор билан қайтиб келдилар. Макканинг ташқарисига қапа тикдилар. Динорларни бир кийим устига сочиб қўйдилар. Сўнгра олдиларига ким кирса, бир сиқимдан беравердилар. Пешинни ўкиб бўлиб, кийимни қоқсалар, ҳеч нарса қолмаган экан.

Лайс ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи бадавлат уламолардан эди. Бир кунлик даромади минг динорга етар эди. Шунга қарамай, ҳадя ва нафақаларни кўп берганидан у кишига ҳеч қачон закот фарз бўлмаган.

Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу бир куни каттик йиғладилар. «Сизни нима йиғлатмоқда?» дейишди. «Етти кундан буён меҳмон келмапти, Аллоҳ таоло мени хорладимикан, деб кўркмоқдаман», дедилар.

• *Мол-мулк эгаси зиммасида адо этилиши зарур бўлган кўп ҳақлар бор.*

Улардан баъзиси фарз бўлса, баъзиси мандуб ёки мустахаб бўлади. Аллоҳ таолонинг изни ила мол-мулкка эга бўлиб турган шахслардан ўз кўлларида турган «омонат» моллардаги Аллоҳ таолонинг ҳаққини ва бандаларнинг ҳаққини адо этиб боришлари талаб этилади.

Мол-дунёда Аллоҳ таолонинг бир қанча ҳаққи бор:

• *Мазкур ҳақларнинг биринчиси Аллоҳ таолонинг ҳаққаридан бўлмиш закотдир.*

«Закот – махсус молдан, махсус жузни махсус шахсга Аллоҳнинг розилиги учун шариатда тайин қилинганидек мулк қилиб беришдир».

Мусулмон бой одам вақтида закотини чиқариб бермаса, қолган моли ҳам ҳаром бўлишини ва ҳалоқатга учрашини яхши билади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан бирида: «Қачон бир молга закот аралашса, албатта уни ҳалок қилади», деганлар.

Шу билан бирга, закот молнинг ўсишига, кўпайишига, энг муҳими, баракали бўлишига ва турли бало-офатлардан сақланишига ҳам сабаб бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Молларингизни закот ила ўраб, ҳимоялангиз», деганлар.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٥٦﴾

«Ва намозни тўқис адо этинглар, закот беринглар ва Расулга итоат қилинглар, шоядки, раҳм қилинсангиз» (56-оят).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رضي الله عنه قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامِ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ، وَالْحَجِّ، وَصَوْمِ رَمَضَانَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ислom беш нарсага бино қилингандир: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ», деб шаҳодат келтириш, намозни тўқис адо

этиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш», дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

Исломот таълимоти бўйича, мол нисобга (закот берадиган миқдорга) етганидан кейин, унинг ичида закотга ҳақдорларнинг моли пайдо бўлади. Яъни бировнинг ҳаққи аралашади. Ўша бировнинг ҳаққи чиқариб берилмагунча, мазкур мол пок ҳисобланмайди. Ўзининг ҳалол молига бировнинг ҳаққини – ҳаром молни қўшиб олгандек бўлади. Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, закоти чиқариб берилсагина, ўша мол покланади.

• *Молу мулкдаги Аллоҳ таолонинг ҳаққларидан бири фитр садақасидир.*

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه قَالَ: فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ زَكَاةَ الْفِطْرِ طَهْرَةً لِلصَّائِمِ مِنَ اللَّعْوِ وَالرَّفَثِ، وَطَعْمَةً لِلْمَسَاكِينِ، مَنْ أَدَّاهَا قَبْلَ الصَّلَاةِ فَهِيَ زَكَاةٌ مَقْبُولَةٌ، وَمَنْ أَدَّاهَا بَعْدَ الصَّلَاةِ فَهِيَ صَدَقَةٌ مِنَ الصَّدَقَاتِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр закотини рўзадор учун беҳуда гап-сўз ва ҳаракатлардан покланиш ва мискинлар учун таомланиш бўлсин, деб фарз қилдилар. Ким уни намоздан олдин адо қилса, у мақбул закот бўлур. Ким уни намоздан кейин адо қилса, садақалардан бир садақа бўлур».

Абу Довуд, Ибн Можжа ва Ҳоким ривоят қилган. Ҳоким саҳиҳ деган.

Ҳанафий мазҳабида садақаи фитр вожиб ҳисобланади.

• *Мол-мулкдаги Аллоҳ таолонинг ҳаққари ичида турли каффоратлар ҳам бор.*

Булар қасам, зиҳор, Рамазонда кундузи жинсий яқинлик қилиб кўйиш, хато тарзда одам ўлдириш, эҳромда ҳаром қилинган нарсани қилиш каффоратларидир.

• *Мол-мулкдаги Аллоҳ таолонинг ҳаққларидан бири назрлардир.*

«Назр» сўзи луғатда яхшилик ёки ёмонлик ваъда қилишни англатади. Шариат истилоҳида эса аслида шариат бўйича лозим

бўлмаган, курбат ҳосил қиладиган ишни ўша маънони англагучи лафз ила ўзига лозим қилиб олиш «назр» деб аталади. Мисол учун, «Аллоҳ учун минг сўм садақа қиламан» ёки «Аллоҳ учун уч кун рўза тутаман» кабилар.

Аллоҳ таоло Инсон сурасида марҳамат қилади:

يُوفُونَ بِالَّذَرِّ وَيَخَافُونَ يَوْمًا كَانَ شَرُّهُ مُسْتَطِيرًا ﴿٧﴾

«Улар назрга вафо қиларлар ва ёмонлиги кенг тарқаладиган Кундан кўрқарлар» (7-оят).

• Молу мулкдаги Аллоҳ таолонинг ҳақларидан бири ҳажж ибодатининг сарф-харажати дур.

Ҳаж ҳам жисмоний, ҳам молиявий ибодат дур.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида марҳамат қилади:

وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ ﴿١٧﴾

«Одамлардан йўлга қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурч дур. Кимки куфр келтирса, Аллоҳ оламлардан беҳожат дур» (97-оят).

Бандаларнинг қўлидаги Аллоҳ таоло уларга синов учун бериб қўйган мол-дунёда бошқа бандаларнинг ҳам ҳақлари бор:

• Мол-мулкдаги бандаларнинг ҳаққига оила аъзоларининг, ота-онасининг, опа-синглисининг ва қўл остидагиларнинг вожиб нафақаси ҳам киради.

• Мол-мулкда камбағалларнинг ҳам мустаҳаб ҳақлари бор.

Аллоҳ таоло Маъориж сурасида марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ فِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَعْلُومٌ ﴿٢٤﴾ لِلسَّائِلِ وَالْمَحْرُومِ ﴿٢٥﴾

«Уларнинг мол-мулкларида маълум ҳақ бор дур. Сўровчи ва бечоралар учун дур» (24-25-оят).

Мўминлар бу ҳақни Аллоҳ тайин қилганини яхши билган ҳолда ҳақдорларнинг насибасини камайтирмай беришади. Қуръони Карим ўша ҳақни, яъни закотни «соил» – бечоралиги-

дан одамлардан сўрайдиганларга ва «фақир» – ҳожатманд бўлса ҳам, уялиб сўролмайд юрган камбағалларга беришга ундайди.

• *Молу мулкдаги бандаларнинг ҳақларидан бири қарз эгасининг ҳаққини қайтариб беришидир.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «مَنْ أَخَذَ أَمْوَالَ النَّاسِ يُرِيدُ أَدَاءَهَا أَدَّى اللَّهُ عَنْهُ، وَمَنْ أَخَذَ يُرِيدُ إِتْلَاقَهَا أَتْلَفَهُ اللَّهُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким одамларнинг молларини (қарзга) олиб, уни адо этишни ирода қилса, Аллоҳ ундан (ёрдами ила) адо этади. Ким йўқ қилишни ният қилиб олса, Аллоҳ уни йўқ қилади», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифда қарз олувчининг қарз олаётган пайтида ниятни яхши қилиши лозимлиги уқдирилмоқда. Агар у ниятини яхши қилиб, олган қарзимни албатта қайтариб бераман, деб ҳаракат қилса, Аллоҳ таоло унга бу ишда Ўзи ёрдамчи бўлади. Аммо қарз олувчининг нияти бузук бўлса, бировни алдаб, молини еб кетиш, ўзлаштиришни мақсад қилган бўлса, Аллоҳ таоло унинг ўзини йўқ қилади.

• *Мол-дунёдаги бандаларнинг ҳақларидан бири бировга молиявий талофат етказилганида, ўша етказилган талофатни тўлаб беришидир.*

• *Молу дунёдаги бандаларнинг ҳақларидан бири бировларга берган ваъдага вафо қилишидир.*

Бунда мол эгаси кимга молиявий ёрдам беришни ваъда қилган бўлса, ўшанинг устидан чиқиши кўзда тутилади.

• *Сахийлик, муруват кўрсатиш ва хайр-эҳсон маъносидан савоб умидида мол сарфлаш ҳам бандаларнинг мол-дунёдаги ҳақларидандир.*

Бунга зиёфат бериш, турли муносабат ила молиявий ёрдамга муҳтож бўлганларга ёрдам бериш киради.

• *Мол-мулк эгаларининг энг юксак одобларидан бири тавозели бўлиш ва берганини миннат қилмасликдир.*

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّنْ صَدَقَةٍ يَتْبَعُهَا أَذَىٰ ۗ وَاللَّهُ غَنِيٌّ حَلِيمٌ ﴿١٧٢﴾

«Маъруф сўз ва кечирим ортидан озор келадиган садақадан кўра яхшироқдир. Аллоҳ беҳожатдир, ҳалимдир» (263-оят).

«Ортидан озор келадиган садақа»нинг кераги йўқ. Ундан кўра бир оғиз ширин сўз ва кечиримли бўлиш яхшироқ. Бир оғиз бўлса ҳам, ширин сўз қалбнинг жароҳатига малҳам бўлади, кишининг кўнглини кўтаради. Кечириш эса ҳасад ва ёмонликни ювиб ташлаб, ўрнига муҳаббат ва дўстлик туйғуларини солади. Шундай экан, албатта, бу ишлар ортидан озор келадиган садақадан кўра яхшироқдир.

Бой-бадавлат киши ўзгаларга ёрдам берганида, миннат ёки фазлини кўрсатиш учун эмас, балки Аллоҳнинг амрини адо этиш, Аллоҳ белгилаган ҳақни бериш вазифасини адо этган бўлади. Шунингдек, ночор киши бой-бадавлат кишидан бирор нарса олганида, унинг олдида хор-зор бўлмай, ўзини ерга урмай ва тортинмай, Аллоҳ унга белгилаган ҳақни олаётганини тушуниб, ўзини эркин тутган ҳолда олади.

Бадавлат кишилар қуйидаги ояти каримани мунтазам ўқиб, унинг маъносини бутун вужудларига сингдириб юришлари лозим.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَنْتُمُ الْفُقَرَاءُ إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ ﴿١٥﴾

«Эй одамлар! Барчангиз Аллоҳга муҳтожсиз, Аллоҳ эса беҳожатдир, мақсталгандир» (15-оят).

Бадавлат кишилар доимо мол-дунё ҳақидаги қуйидаги ислоний таълимотларни ёдларида тутишлари лозим:

- Мол-дунё ва унга боғлиқ турли дабдаба-шуҳратлар инсон қадрининг ўлчови бўлолмайди.

Аллоҳнинг наздида дунё ва унинг жамики зебу зийнатлари сариқ чақачалик турмайди. Мол-дунёни Аллоҳ таоло ҳаммага, ҳатто кофир, осий ва мунофиқларга ҳам бераверади.

- Инсоннинг ихтиёридаги мол-дунё – омонат, инсон бир халифа (вакил), холос.

- Тақводор мўмин-мусулмон одамнинг эътиқоди бўйича унинг қўлидаги мол-дунё Аллоҳ берган ризқдир, ўзи яратган нарса эмас.

Шунинг учун ҳам тақводор инсон Аллоҳ берган ризқдан ўзининг бечора, муҳтож ва фақир биродарларига садақа қилади.

• *Ислom дини таълимоти бўйича, инсоннинг қўлидаги мол унга Аллоҳ Ўз фазлидан берган омонатдир.*

Шунинг учун у мазкур молни унинг ҳақиқий Эгаси бўлмиш Аллоҳнинг розилиги йўлида сарфлаши керак. Аммо бахиллик қилиб, молни сарфламай, тўплайверса, моли кўзига яхши бўлиб кўрингани билан, аслида фойда бермайди. Ким бахиллик билан тўплаган молини яхшилик деб ҳисобласа, нотўғри ўйлаган бўлади.

• *Якка мусулмонлар қўлидаги мол-мулк айни вақтда мусулмон жамоасининг ҳам мол-мулки ҳисобланади.*

Ўша мол бекордан-бекорга совурилмаслиги учун жамоат ҳам жавобгардир. Чунки мол-мулк ҳам якка шахслар, ҳам жамоалар ҳаётида улкан қийматга эга. Шунинг учун ҳам мол-мулк бир оятда: «Аллоҳ сизларга (ҳаёт) тиргаги қилиб қўйган», деб таърифланган.

Ҳа, Ислom мол-мулкка шундай назар билан қарайди. Мусулмонлардан ҳар бири қўлидаги молнинг муҳофазасини жамоа аъзоларига топширади. Агар эсипастларга топшириб қўйса, ўзининг молимни сарф қиляпман-ку, деб жамоатни ҳам кўпгина яхшиликлардан маҳрум қилиши мумкин.

ТИЖОРАТ ОДОБЛАРИ

«Тижорат» сўзи арабча сўз бўлиб, луғатда олди-сотди маъносини англатади. Уламолар тижоратнинг таърифида бир-бирига яқин бир неча маъноларни айтишган: «Тижорат – бир нарса-ни савдога қўйиб, фойда олиш учун сотиб олишдир»; «Тижорат – олди-сотди ила фойда излашдир»; «Тижорат – фойда кўриш мақсадида молни айлантиришдир» ва ҳоказо.

Тилимизда эса тижорат – савдо, тожир – савдогар шаклида ишлатилиши кўпроқ учрайди. Биздаги «савдо» сўзи арабча «байъ» сўзига ҳам тўғри келади. «Байъ» сўзи луғатда «ўзаро бир нарса-ни алмаштириш»ни англатади. Шариатда эса бир молни иккинчи бир мол муқобилига рози бўлиб қабул қилиб олишга «байъ» деб айтилади. Қисқа қилиб айтганда, «савдо» сўзи «тижорат» сўзидан умумийроқ бўлиб, бугунги куннинг истилоҳидаги «бозор муомалалари» маъносига яқинроқ келади.

Тижоратнинг шариатга киритилишига Қуръони Карим оятларидан, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан бир қанча далиллар бор.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

يَتَابِعُهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ
إِلَّا أَنْ تَكُونُ بَحْرَةً عَنْ تَرَاضٍ مِنْكُمْ وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ
بِكُمْ رَحِيمًا

«Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг, магар ўзаро розилик ила тижорат бўлса, майли. Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Аллоҳ сизларга раҳмлидир» (29-оят).

Бировнинг молини ботил йўл билан ейишга рибо, қимор, порахўрлик, алдамчилик, нархни сунъий равишда кўтариш, ўғрилик, қиморбозлик, товламачилик ва бошқалар қиради.

Ояти қаримада ботил йўл билан бировнинг молини ейишдан «Магар ўзаро розилик ила тижорат бўлса, майли», деб истисно

қилинмоқда. Албатта, ҳалол ризқ топишнинг йўли фақат тижорат эмас. Аммо бу мақомда тижоратнинг зикр қилинишига сабаб, ботил йўл билан мол ейишнинг баъзи турларида тижоратга ўхшашлик бор. Мисол учун, Арабистон ярим оролида рибохўрлик авж олган эди. Аллоҳ таоло бу ишни ҳаром қилганида, мушриклар рибо ҳам тижоратга ўхшаш, деган даъвони илгари суришди. Шунга ўхшаш тушунмовчиликлар ёки ноўрин даъволар бўлмаслиги учун, ўзаро розилик билан бўлган тижорат бундан истисно қилинмоқда. Чунки тижорат – ҳалол меҳнат. Тожир меҳнат қилиб, молу пулини ишга солиб, ишлаб чиқарувчи ва харидор орасида восита бўлади. Бу вазифани бажариш учун орада анча-мунча хизматларни адо этади. Унинг келажақда фойда кўриш-кўрмаслиги, фойданинг оз ёки кўп бўлиши гумон бўлади. У касод бўлиши, синиб, молсиз-пулсиз қолиши эҳтимолларини ҳам бўйнига олиб, бу ишга қўл уради. Энг муҳим омиллардан бири – тижорат икки тарафнинг розилиги билан бўлади. Харидор рози бўлмаса, олиш-олмасликда эркин, бошқа томонга кетаверади.

Оятнинг давомида Аллоҳ таоло мўмин бандаларига хитоб қилиб, «Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг!» демоқда.

Сиртдан қараган одам: бир-бирининг молини ботил йўл билан ейиш ва ўзини ўзи ўлдириш орасида нима алоқа бор, дейиши мумкин. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ҳаётий тажрибага назар солинса, ҳақиқатда, бу икки нарса ўртасида бевосита алоқа борлиги кўрилади. Бир-бирининг молини ботил йўл билан ейиш одати бор жамиятлар ўзини ўзи ҳалокатга олиб боражани ва бораётганини кўрамиз. Умуман, Аллоҳнинг айтганидан чиқиш, Унга маъсият (гуноҳ) қилиш ҳалокатга элтиши аниқ эканида шубҳа йўқ. Жумладан, мазкур ботил йўл билан мол ейиш ҳам катта маъсият сифатида ҳалокатга сабаб бўлади. Бу ишни қилганлар ўзини ўзи ўлдирган бўлади.

«Аллоҳ сизларга раҳмидир».

У мўмин-мусулмонларга раҳм қилгани учун ҳам сизларни ҳалокатга олиб борувчи ишлардан, жумладан, бир-бирингизнинг молингизни ботил йўл билан ейишдан қайтармоқда. Сизни нажотга сабаб бўлувчи ишларга буюрмоқда. Бу ҳол Аллоҳнинг раҳматидир. Агар у раҳм қилиб, тўғри йўлни кўрсатиб бермаганида, нотўғрисида қайтармаганида, катта машаққатда қолган бўлар эдингиз.

Ҳозирги кунда кенг тарқалган рибохўрлик, яъни судхўрлик ҳам инсонни ҳалокатга олиб борувчи гуноҳ ишдир.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай марҳамат қилади:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

«Ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибони эса ҳаром қилган» (275-оят).

Чунки тижоратда фойда кўришнинг ҳам, куйиб қолишнинг ҳам эҳтимоли бор. Тижоратда инсоннинг меҳнати, маҳорати, атрофдаги табиий ҳолатларнинг фойда кўриш ёки зарар топишга таъсири бор. Савдогар фойда кўришга умид қилгани ҳолда, куйиб қолишни ҳам бўйнига олиб иш бошлайди. Пулини сарфлаб, одамларга керакли молларни олиб келади, маълум муддат сақлайди, овоза қилади ва бошқа хизматларни бажаради.

Судхўр-чи? У ҳеч нарса қилмай, жойида ўтиради. Нима бўлишидан қатъи назар, унинг фойда олиши муқаррар. Куйиб қолиш хавфи ҳам йўқ. Мазкур сабабларга ва зикр қилинмаган бошқа сабабларга кўра, тижорат билан шуғулланиш инсон учун ҳалол, судхўрлик эса ҳаром қилинган.

Аллоҳ таолонинг савдони шариятга киритиши, Қуръонда унинг ҳукмини баён қилиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ҳаётга татбиқ қилишлари ва кўплаб ҳадислар айтиб, йўл-йўриқлар кўрсатишлари бежизга эмас. Чунки савдо инсонларнинг бир-бирлари билан муомалаларида бу дунёдаги асосий жабҳалардан бири ҳисобланади. У тўғри низомга солинмаса, инсон ҳаётини тартибга солиб бўлмайди.

Чиндан ҳам инсон ёлғиз ўзи яшай олмайди. У ўзига ўхшаш бошқа инсонлар билан бирга бўлишга, муносабатлар ўрнатишга мажбур. Бошқалар билан яшагач, улар билан муомалада бўлиши, нарсаларини айирбошлаши, олди-берди қилиши керак. Агар бу муомалалар тартибга солинмай, одамларнинг ўзларига ташлаб қўйилса, кучли кучсизни, ақлли беақлни алдаши, ҳаққини поймол қилиши турган гап.

Мўминларнинг барчаси учун мазкур иқтисодий муомалалар одоби уларнинг барчаларини яратган, уларга ризқ бераётган ва

охиратда ҳар бирларини ҳисоб-китоб қилиб, қилмишига яраша жазо ёки мукофот берадиган Зот – Аллоҳ таоло томонидан жорий қилингандагина, айна адолат бўлади, бировга заррача зулм қилинмайди. Ана шу илоҳий кўрсатмаларга амал қилиш орқали ҳалоллик, осонлик ва адолат билан муродга етилади. Энг муҳими, бу муомалалар ибодатга айланади, бу дунёда топилган ризқнинг ҳалол ва баракали бўлиши таъминланади. У дунёда эса шунга яраша ажру савоб, мақому мартабага эришилади, иншааллоҳ.

Ҳа, тожирлик ҳам шариат кўрсатган йўл билан амалга оширилса, ибодат бўлади. Чунки тожирлар тижоратлари орқали ўзларига фойда топишдан ташқари, жамиятлари учун катта аҳамиятга эга бўлган ишни амалга оширишади. Кўпчиликнинг оғирини енгил қилишади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Хадича онамизнинг моллари ила тижорат қилганлар.

Уламоларимиз «Тижорат, зироат ва саноатдан қайси бири афзал?» деб савол берганларга баъзи ҳолларда тижорат афзал эканини таъкидлаганлар. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу: «Аллоҳ таолонинг йўлидаги ўлимдан кейин, мен учун энг афзал ўлим савдо моллари ичида ўлишдир», деганлар.

Шунинг учун ҳам уламоларимиз тижорат ва унинг одобларига ҳамиша алоҳида аҳамият бериб келишмоқда. Кўпгина ҳадис ва фикҳ китобларида тижоратга бағишланган махсус боблар мавжуд. Бир қанча уламолар эса тижорат борасида алоҳида китоблар ҳам битишган. Буюк фақиҳларимиздан имом Сарахсийнинг «Ал-Иқтисоб фир-ризқил мустатоб», Абу Бакр Халлолнинг «Тижорат», Восибий Хубайшийнинг «Ал-Барака фис-саъйи вал ҳарака» каби китоблари шулар жумласидандир.

Бугунги кунимизнинг тожирлари ичида ҳам тижорат одобларига қўлдан келганича амал қиладиганлар мавжуд. Уларга ёрдам сифатида бу борадаги баъзи тавсияларни тақдим қилмоқчимиз:

• Тижоратнинг энг муҳим ва дастлабки одобларидан бири савдо ва унинг турларига оид шаръий ҳукмларни яхшилаб ўрганишдир.

Мусулмон савдогар хатога йўл қўйиб, гуноҳкор бўлмаслик, ҳаромга аралашиб, охирати куймаслиги, ҳалол ризқ топиб, фароғатда яшаш ва икки дунёнинг саодатига эришиш учун савдо ва унга боғлиқ масалаларни яхшилаб ўрганади. Умар ибн Хат-

тоб розияллоҳу анху: «Бозоримизда динда факих бўлмаган одам савдо қилмасин», деганлар.

• **Тожир савдо молини мақташ учун ёлгон гапириш ҳаром эканини зинҳор унутмаслиги зарур.**

Шунингдек, ваъдага вафо қилмай, сўнг ёлгон гапириш, нарсаларнинг баҳосини баён қилишда ёлгон сўзлаш ҳам ҳаромдир.

عَنْ رِفَاعَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ خَرَجَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْمُصَلَّى، فَرَأَى النَّاسَ يَتَبَايَعُونَ، فَقَالَ: «يَا مَعْشَرَ التَّجَارِ، فَرَفَعُوا أَعْنَاقَهُمْ وَأَبْصَارَهُمْ إِلَيْهِ إِجَابَةً لَهُ، فَقَالَ: إِنَّ التَّجَارَ يُبْعَثُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فُجَّارًا إِلَّا مَنْ اتَّقَى اللَّهَ وَبَرَّ وَصَدَقَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Рифоъа розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намозгоҳга чиққан эдим. У зот савдо қилаётган одамларни кўриб, «Эй тожирлар!» дедилар. Улар бошларини кўтариб, чакирикка жавобан у зотга қарашди. Шунда у зот: «Тожирлар Қиёмат кунини фожир аҳволда тирилади, фақат Аллоҳга тақво қилган, яхшилик ва ростгўйлик қилганлар бундан мустасно», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

• **Савдо молини ўтказиш учун ёлгон қасам ичши энг катта гуноҳлардан биридир.**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْحَلْفُ مُنْفَقَةٌ لِلسَّلْعَةِ مُنْحَقَةٌ لِلْبَرَكَةِ». رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ. وَلِمُسْلِمٍ: «إِيَّاكُمْ وَكَثْرَةَ الْحَلْفِ فِي الْبَيْعِ فَإِنَّهُ يُنْفِقُ ثُمَّ يَمْحَقُ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қасам молни ўтказди, лекин баракани кетказди», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Муслимнинг ривоятида:

«Савдода кўп қасам ичишдан эҳтиёт бўлинглар, чунки у ўтказди, лекин ўчиради», дейилган.

• *Савдогарнинг ростгўй бўлмоғи унинг бу дунёси ва охира-ти учун шарафли унвондир.*

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم: «التَّاجِرُ الصَّدُوقُ الْأَمِينُ مَعَ النَّبِيِّينَ وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ростгўй, омонатли тожир набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

• *Савдода одамларнинг кўзини бўяш, алдамчилик каби ишлар ҳам ҳаромдир.*

وَمَرَّ النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم بِرَجُلٍ يَبِيعُ طَعَامًا فَسَأَلَهُ كَيْفَ تَبِيعُ؟ فَأَخْبَرَهُ، فَأَوْحَى إِلَيْهِ أَنْ أَدْخِلْ يَدَكَ فِيهِ فَأَدْخَلَ يَدَهُ فَإِذَا هُوَ مَبْلُورٌ، فَقَالَ النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم: «لَيْسَ مِنَّا مَنْ عَشَّ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَلَفْظُهُمَا: فَقَالَ: «مَا هَذَا يَا صَاحِبَ الطَّعَامِ؟» قَالَ: أَصَابَتْهُ السَّمَاءُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «أَفَلَا جَعَلْتَهُ فَوْقَ الطَّعَامِ كَمَا يَرَاهُ النَّاسُ»، ثُمَّ قَالَ: «مَنْ عَشَّ فَلَيْسَ مِنِّي».

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам егулик (дон) сотаётган одамнинг олдидан ўтаётиб, «Қандай сотаясан?» деб сўрадилар. У жавоб берди. Шу пайт у зотга «Қўлингни унинг ичига тик», деб ваҳий қилинди. У зот қўлларини тиксалар, ҳўл экан. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким алдаса, биздан эмас», дедилар».

Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилган.

Муслим ва Термизийнинг лафзида:

«У зот: «Эй егулик эгаси, бу нимаси?!» дедилар. «Ёмғир теккан эди, эй Аллоҳнинг Расули», деди. «Одамлар кўриши

учун ҳўл текканини ҳам устига чиқарсанг бўлмасмиди?! Ким алдаса, мендан эмас!» дедилар», дейилган.

• *Тарозидан ва ўлчовдан уриб қолиш мутлақо ҳаромдир.*
Аллоҳ таоло Мутоффифун сурасида марҳамат қилади:

وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ ﴿١﴾ الَّذِينَ إِذَا أَكَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ ﴿٢﴾ وَإِذَا كَالُوهُمْ
أَوْ وُزِنُوا يُخْسِرُونَ ﴿٢﴾

«Ўлчовдан уриб қолувчиларга вайл бўлсин! Одамлардан бирон нарса ўлчаб олишса, тўлиқ олишади, уларга ўлчаб ёки тортиб беришса, уриб қолишади» (1-3-оятлар).

«Вайл» сўзининг икки хил маъноси бор. Бири – «Вой бўлсин»; иккинчиси – дўзахнинг номларидан бири. Демак, бу – ўлчовдан уриб қолувчиларга «Вайл дўзахи бўлсин», дегани.

Ҳоким ва Тобароний Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда у зот соллаллоху алайҳи васаллам: «Қай бир қавм тарозидан уриб қолса, албатта курғоқчилик бўлиб, қаҳатчиликка дучор бўлган», деганлар. Бу – тарозида бировнинг ҳаққидан уриб қолиш билан машғул бўлган қавмнинг юртидан барака кўтарилиб, очарчиликка дучор бўлади, деганидир.

• *Савдода ҳаром қилинган ишлардан бири эҳтикор(монополия)дир.*

«Эҳтикор» (монополия) турли йўллар билан бир хил савдо молини эгаллаб олиб ёки босиб қўйиб, нархни оширишга уришидир.

عَنْ مَعْمَرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ اخْتَكَرَ فَهُوَ خَاطِئٌ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Маъмар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким эҳтикор қилса, хатокордир», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• *Савдода ҳаром қилинган нарсалардан яна бири рибонинг барча турлари ва кўринишларидир.*

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿٢٧٨﴾

«Эй иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга такво қилинг ва рибонинг саркитини ҳам ташланг» (278-оят).

عَنْ جَابِرٍ رضي الله عنه قَالَ: لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم أَكِلَ الرِّبَا، وَمُؤَكِّلَهُ، وَكَاتِبَهُ، وَشَاهِدِيَهُ، وَقَالَ: هُمْ سَوَاءٌ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рибохўрни, унинг едирувчисини, котибини ҳамда икки шоҳидини лаънатладилар ва: «Улар (гуноҳда) баробардирлар», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• Савдода ҳаром қилинган ишлардан бири бозорга келтирилаётган савдо молининг олдини тўсиб чиқиб, арзонга олиб, қимматга сотишидир.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه: أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم نَهَى عَنْ تَلْقَى السِّبَعِ حَتَّى يُهْبَطَ بِهَا الْأَسْوَاقُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам савдо молларини бозорларга тушмасидан олдин тўсиб чиқишдан қайтардилар».

Аҳмад ривоят қилган.

• Савдода ҳаром қилинган ишлардан бири бировнинг савдо-си устига, у баҳолашишини тугатмай туриб савдо қилишидир.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «لَا يَبِعُ الرَّجُلُ عَلَى بَيْعِ أَخِيهِ، وَلَا يَخْطُبُ عَلَى خِطْبَةِ أَخِيهِ إِلَّا أَنْ يَأْذَنَ لَهُ». وَفِي رِوَايَةٍ: «لَا يَسُمُّ الْمُسْلِمُ عَلَى سَوْمِ أَخِيهِ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Киши ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин, ўз биродари совчилиги устига совчилик қилмасин. Фақат унга ўзи изи берса, майли», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган. Бошқа бир ривоятда:

«Мусулмон ўз биродарининг савдолашиши устига савдолашмасин», дейилган.

• *Савдода ҳаром қилинган ишлардан бири шариятда ҳаром қилинган нарсаларнинг савдосидир.*

Ислом шариятида қиймати йўқ ёки ҳаром дейилган нарсаларнинг савдоси билан шуғулланиш мутлақо мумкин эмас. Умуман, савдо билан шуғулланмоқчи бўлган одам дастлаб бу борадаги ҳалол-ҳаромни, мумкин ва мумкин бўлмаган нарсаларни, бу борадаги тижорат одобларини яхшилаб ўрганиб олиши шарт. Шундан кейин яхши ният билан иш бошлайди.

• *Савдо одобларидан бири ниятни яхшилаш ва Аллоҳ таолони зикр қилишдир.*

Исломда ҳар бир нарса ниятга боғлиқ экани маълум ва машхур. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби тижоратда ҳам яхши ният шартдир. Ҳалол касб қилиш, топгани ўзига насиб қилиши, топганини яхшилиқка сарфлаш, хайр-эҳсон қилиш каби яхши ниятлар қилинса, ишда ва молда барака бўлади.

Аллоҳ таолонинг зикри ибодатдир, шу билан бирга, ёмонликдан тўсувчи ва яхшилиқка ундовчи кучли омилдир. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўзларининг баъзи ҳадисларида бозорга кирганда Аллоҳ таолонинг зикрини қилишга ундаганлар.

• *Савдогарларнинг муҳим одобларидан бири саҳархезлик ва шини эрта бошлашдир.*

عَنْ صَحْرٍ الْغَامِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اللَّهُمَّ بَارِكْ لِأُمَّتِي فِي بُكُورِهَا»، قَالَ: وَكَانَ إِذَا بَعَثَ سَرِيَّةً أَوْ جَيْشًا بَعَثَهُمْ أَوَّلَ النَّهَارِ، وَكَانَ صَحْرٌ رَجُلًا تَاجِرًا، وَكَانَ إِذَا بَعَثَ تِجَارَةً بَعَثَ أَوَّلَ النَّهَارِ، فَأَثَرِي وَكَثْرَ مَالِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَحَسَنَهُ.

Соҳр ал-Ғомидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим, умматим-га саҳарини баракали қилгин!» дедилар. У зот лашкар ёки «сарийя» юборадиган бўлсалар, эрта тонгда юборар эдилар. Соҳр тожир одам эди. Қачон тижорат (қарвони) юборадиган бўлса, эрта тонгда юборар эди. У бой бўлиб, моли кўпайиб кетди».

Термизий ривоят қилди ва ҳасан, деди.

• *Савдогарларнинг одобларидан бири бақир-чақир қилмаслик ва одобларга риоя қилишга интилишдир.*

Мусулмон киши бозорда бўлганида, сокинликни ўзига лозим тутиши керак. Турли баҳоналар билан овозни баланд кўтариш, бақир-чақир қилиш мусулмон одобига мутлақо тўғри келмайди. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари зикрида: «Бадхулқ ҳам, кўпол ҳам, бозорларда шовқин солувчи ҳам эмас» деган сўзлар келган. Мусулмон киши бозорда ва бозор муносабатларида барча одобларга риоя қилишга уринади, ҳалоллик ва тозалikka риоя қилади.

• *Мусулмон савдогар бағрикеллик билан қилмайдиган, баъзи нарсаларни ўтиб қўлади.*

اللَّهُ رَجُلًا سَمَحًا إِذَا بَاعَ وَإِذَا

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олганда ва ҳаққини талаб қилганда Аллоҳ раҳм қилсин», деди.

Бухорий ва Термизий ривоят қилди.

«تَلَقَّتِ الْمَلَائِكَةُ رُوحَ رَجُلٍ مِمَّنْ

يُنْتَأَمَّرُونَ؟ قَالَتْ: نَعَمْ، قَالَ:

رَأَى عَنِ الْمَوْسِرِ.

وَفِي رِوَايَةٍ: «إِلَّا أَنِّي كُنْتُ رَجُلًا ذَا مَالٍ، وَكُنْتُ أَدَايِنُ النَّاسِ، فَكُنْتُ أَقْبَلُ الْمَيْسُورَ وَأَبْتَاوُزُ عَنِ الْمَعْسُورِ، فَقَالَ اللَّهُ: بَجَاوُزُوا عَنِّي عَبْدِي». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Фаришталар сизлардан олдин ўтганлардан бир кишининг руҳини қабул қилиб олишди. Сўнгра унга: «Бирор яхшилик амал қилганмисан?» дейишди. «Йўқ», деди у. «Эсла», дейишди. «Одамларга қарз берар эдим. Йигитларимга камбағалга муҳлат беришни, бойга енгиллик беришни амр қилар эдим», деди. Аллоҳ таоло: «Унинг ҳам (ишини) осонлаштириб юборинглар», деди».

Бошқа ривоятда:

«Лекин мен молдор одам эдим ва одамларга қарз берар эдим. Бойдан қабул қилар, камбағалдан кечиб юборар эдим» (деди). Шунда Аллоҳ таоло: «Бандамни кечиб юборинглар», деди», дейилган.

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилган.

• **Муслмон савдогар нархни ҳаддан таиқари қиммат қилиб юбормаслиги ҳам юксак одобдир.**

Уламоларимиз маслаҳат тариқасида савдо моли таннархининг учдан бирини фойдага кўйса, одоб ва инсоф юзасидан яхши бўлади, дейишган.

• **Савдогар киши шубҳали нарсалардан йироқда бўлиши мусуда ҳам зарурдир.**

Тижоратда кўп учраб турадиган ноаниқ нарсалар, аслини олиб бўлмайдиган ва шубҳали нарсалардан узоқда бўлиш жир учун ўта муҳимдир. Баъзи нарсалар борки, уларнинг шариатдаги ҳукмини билиш тожир учун қийин бўлиши мумкин. Муслмон тожир бундай нарсаларнинг ҳукмини билади-олимлардан сўраб олиб, кейин сотса, ҳаромдан сақланган ади.

عَنِ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِنَّ الْحَلَالَ بَيْنَ، وَإِنَّ الْحَرَامَ بَيْنَ، وَبَيْنَهُمَا مُشْتَبِهَاتٌ لَا يَعْلَمُهُنَّ كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ، فَمَنْ اتَّقَى الشُّبُهَاتِ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعَرْضِهِ، وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ وَقَعَ فِي الْحَرَامِ». رَوَاهُ الْحُمْسِيُّ.

Нужмон ибн Башир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳалол очик-ойдиндир. Харом очик-ойдиндир. Ва икковлари орасида шубҳали нарсалар бордир. Уларни одамларнинг кўплари билмаслар. Ким шубҳалардан сақланса, дини ва обрўси учун покланган бўлади. Ким шубҳаларга тушса, харомга тушади», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• *Савдогарларнинг одобларидан бири савдо молидан хайр-эхсон қилиб туришидир.*

عَنْ قَيْسِ بْنِ أَبِي عَزْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: كُنَّا فِي عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم نُسَمَّى السَّمَاوِيَّةَ، فَمَرَّ بِنَا النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم فَسَمَّانَا بِاسْمِ هُوَ أَحْسَنُ مِنْهُ، فَقَالَ: «يَا مَعْشَرَ التُّجَّارِ، إِنَّ الْبَيْعَ يَخْضُرُهُ اللَّغْوُ وَالْحَلْفُ، فَشُوبُوهُ بِالصَّدَقَةِ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Қайс ибн Абу Фарза розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида даллол деб номланар эдик. Набий соллаллоху алайҳи васаллам бизнинг олдимиздан ўтдилар ва бизларни ундан яхшироқ исм билан номладилар: «Эй тожирлар жамоаси! Савдода беҳуда нарса ва қасам бўлиб туради, уни садақа ила аралаштиринглар», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

Мусулмон тожирлар орасида иш давомида турли беҳуда гап-сўзларни айтиб ёки ишларни қилиб қўядиганлари, хатто беҳуда-

га қасам ичадиганлари ҳам учраб туради. Булар динимизда қайтарилган, мусулмон кишига мутлако ярашмайдиган ишлардир. Тез-тез садақа қилиб туриш эса баъзан билиб-билмай қилинган хатоларнинг ўчирилишига сабаб бўлади.

• *Савдогар киши тижорат молларидан закот фарзлигини зинҳор унутмаслиги ва бу молиявий ибодатни вақтида адо этиб туриши лозим.*

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طِبَابَتِ مَا كَسَبْتُمْ

«Эй иймон келтирганлар, касб қилган нарсаларингизнинг покизаларидан... нафақа қилинглр» (267-оят).

قَالَ مُجَاهِدٌ: نَزَلَتْ فِي التِّجَارَةِ.

Мужоҳид: «Ушбу оят тижорат ҳақида тушган», деган. Бу ояти қарима тижорат молларидан закот бериш вожиб эканига далилдир.

عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ رضي الله عنه قَالَ: أَمَّا بَعْدُ فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ يَأْمُرُنَا أَنْ نُخْرِجَ الصَّدَقَةَ مِنَ الَّذِي نَعُدُّ لِلْبَيْعِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аммо баъду, шубҳа йўкки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни савдо учун тайёрлаб қўйган нарсаларимиздан садақа чиқаришимизга амр қилар эдилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амр қилишлари ҳам савдо молларидан закот бериш фарз эканига далилдир.

• *Мусулмон савдогар ўзининг ҳамкасблари билан яхши алоқада бўлади.*

Бу ҳам тижорат одобларининг энг муҳимларидан биридир. Мусулмон савдогар бошқа савдогарлар билан доимо яхши алоқада бўлади. Бир савдо моли ўзида йўқ бўлса, харидорларни шундай моли бор савдогарларга йўллаб қўяди. Асл савдогар

ҳамкасбларининг муваффақиятидан хурсанд, уларнинг ташвишига эса шерик бўлади. Бошқа савдогарларга келган фойдадан ўзига фойда келгандек мамнун бўлади.

• **Савдогарларнинг муҳим одобларидан бири золим харидорга ёрдам бермасликдир.**

«Золим харидор» сотиб олган нарсасини ҳаром ва гуноҳга ишлатадиган харидордир. Бунга мисол қилиб маст қилувчи ичимлик тайёрлаш учун узум сотиб оладиган одамни кўрсатиш мумкин. Харидорнинг шу ва шунга ўхшаш ҳаром, гуноҳ ишларга нарса сотиб олиши маълум бўлса, билатуриб, унга мол сотган савдогар гуноҳкор бўлади.

• **Савдогарларнинг муҳим одобларидан бири харидор билан гўзал муомалада бўлиш.**

Бунга харидорни яхши сўз ва муомала билан кутиб олиш, уларга ширинсухан бўлиш, нархини келишишда бағрикенг, ҳимматли бўлиш, баҳони талаб қилишда ҳам одобли бўлиш кабилар киради. Мусулмон одам доимо карамли, саховатли бўлиши керак. Айниқса, олди-сотди ва ҳақни талаб қилиш пайтида. Бундай пайтда мум-сиклик қилиб, тийиннинг устида етти думалаб туриб олиш барака келтирмайди. Балки сахийлик, очиклик, баҳосидан бир оз ўтиб бериш Аллоҳнинг раҳматига, хайру баракага сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَإِنْ كَانَتْ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

«Агар ночор бўлса, бойингунича кутишдир. Садақа қилмо-гингиз, агар билсангиз, ўзингиз учун яхшидир» (280-оят).

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «رَحِمَ اللَّهُ رَجُلًا سَمِعًا إِذَا بَاعَ وَإِذَا اشْتَرَى وَإِذَا افْتَضَى». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда карамли бўлган одамни Аллоҳ раҳм қилсин», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилган.

• **Савдогарларнинг алоҳида аҳамият беришлари лозим бўлган ишларидан бири қалбаки пулларни муомалага киритмасликдир.**

Гоҳида савдогарнинг қўлига қалбаки, ишлатилиши бекор килинган, бошқа юртнинг кераксиз пулига ўхшашлар тушиб қолади. Ҳалол-пок тожир бундай пулларни муомалага киритиб юбормаслиги вожибдир. Агар у ушбу ишни қилса, бошқаларга зарар келтирган бўлади. Модомики, ўша пул одамлар орасида юрар экан, тожирнинг гуноҳи кўпайиб бораверади.

• **Савдодан айниб қолган харидорга ёрдам бериш ҳам савдогарларнинг гўзал одобларидандир.**

Баъзан харидор бир нарсани сотиб олганидан кейин турли сабабларга кўра айниб, савдогарга савдо молини қайтариб бериб, пулини олишни истаб қолиши мумкин. Бу каби ҳолатларда мазкур харидорга ёрдам бериш савобли иш ҳисобланади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَقَالَ مُسْلِمًا أَقَالَهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмоннинг (савдодаги) қайтишини кечирса, Аллоҳ унинг қоқилишини кечиради», дедилар».**

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилган.

Савдогарлик (тожирлик) касбларнинг энг яхшиси, энг шарафлиси саналади. Фақат савдо одобларига риоя қилгандагина, савдонинг ҳалол бўлишига эришилгандагина, у хайрли ва баракали бўлади. Одобимиздаги барча тартиб-қоидалар кишилар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низо-келишмовчиликларнинг олдини олишга, уларни баргараф қилишга қаратилган.

Сотувчи ва олувчи молнинг (ёки хизматнинг) нарҳига келишганларидан сўнг, сотувчининг «Сотдим», олувчининг «Олдим» сўзлари каби ҳар икки томоннинг розилигини ифодаловчи барча мувофиқ сўзлар билан савдо амалга ошган ҳисобланади. Агар тафлардан бирортаси рози бўлмаса, савдо ҳалол бўлмайди.

Сотувчи ҳам, олувчи ҳам ақлли бўлишлари керак, телба-жинни кишилар ва фойда-зарарни билмайдиган ёш болалар билан савдо қилинмайди.

Сотувчи «Сотдим» деса-ю, аммо харидор ҳали «Олдим», демаган бўлса, сотувчи «Йўқ, сотмайман», дейишга ҳақли. Олувчи ҳам молнинг сифати қониқтирмай қолса ёки нархи ёқмаса, савдони бузиш ҳуқуқига эга.

Сотилаётган нарса мавжуд ва олувчига уни топшириш мумкин бўлиши керак. Йўқ нарсани, йўқ бўлиши хавфи бор нарсани (масалан, етилмаган мева ёки дон, овланмаган қуш ёки балиқни) сотиб бўлмайди.

Сотилаётган нарса сотувчининг мулки бўлиши ёки уни сотишга сотувчининг ваколати бўлиши керак. Бировнинг мулкени унинг рухсатисиз сотиш мумкин эмас.

Сотилаётган нарса ва унга тўланадиган пул миқдори аниқ бўлиши, савдони бузувчи шартлар кўйилмаслиги, савдога икки тараф ҳам рози бўлиши, мол насияга сотилганида пулини тўлаш куни аниқ белгиланиши, кўчмас мулкдан бошқа молларни харидор қабул қилиб олиши лозим. Агар юқорида саналган шартлардан бирортаси бўлмаса, бу савдо тўғри ва дуруст бўлмайди.

Сотувчи молнинг нави, жинси, масдари, харажатлари ҳақида ёлғон аралаштирмай, ҳақиқий сифати билан харидорларга айтиши керак. Сотувчи ҳам, олувчи ҳам ўзаро муомалада бағрикенг бўлишлари лозим. Яъни сотувчи молнинг нарихидан тушиб бериши, олувчи ошиқроқ тўлаб, химмат кўрса-тиши лозим.

Савдода ҳатто гапи рост бўлса ҳам, қасам ичишдан, айниқса Аллоҳ номи билан қасам ичишдан тийилган маъқул. «Қасам молни бозоргир қилса-да, баракасини кетказди».

Қарз олди-бердисида, насияга мол берганда, қарзни ёзиб кўйиш, қарз олди-бердисида гувоҳларни шохид қилиш ҳам савдо одобларидандир.

Сотувчиларнинг тарозидан (метр ва бошқа ўлчовлардан) уриб қолишлари катта хато – гуноҳ ҳисобланади. Унинг кам тортиб ёки ўлчаб бераётганини кўриб қолган харидор «Тўғри тортинг», деб танбеҳ бериши керак. Агар кўнмаса, бошқа ҳалол

сотувчидан харид қилади. Танбехни қабул қилиб, тўғри тортиб берса, пулини тўлаб, молни олиш мумкин. Агар харидор молни сотиб олгандан кейин кам тортилганини билиб қолса, етмаган миқдорнинг ҳақини сотувчидан талаб қилишга ҳақлидир. Агар истаса, молини бериб, тўлаган пулининг ҳаммасини қайтариб олиши ҳам мумкин.

Қуйидаги нарсаларнинг савдоси дуруст (ҳалол) бўлмайди:

- Ҳаром ўлган ва истеъмоли тақиқланган нарсалар (кон, ҳаром ўлган ҳайвон гўшти, ҳамр, яъни маст қилувчи ичимлик ва моддалар, чўчка ва унинг гўшти кабилар) савдоси;

- Савдоси мумкин бўлган молни мумкин бўлмаган молга қўшиб сотиш, масалан, ҳалол сўйилган молнинг гўштини ҳаром ўлган мол гўштига қўшиб сотиш (бунда ҳар иккаласининг ҳам савдоси бузилади);

- Ҳалол молни ҳаром мол эвазига сотиш ёки айирбошлаш, масалан, газмол бериб, чўчка гўшти олиш ёки аксинча;

- Сувдаги балиқни, осмонда учиб юрган парранда-қушларни тутиб олмай туриб, тоғдаги ўтинни териб-тўпламасдан олдин сотиш;

- Савдо қилинганда харидорга топширишга қодир бўлмаган нарсаларни сотиш, масалан, тутиб, ҳовузга ташлаб қўйилган балиқ каби;

- Харидорга берганда ўзи зарар кўрадиган нарсаларни (масалан, уйининг тўсин-хариларини) сотиш;

- Алданиш эҳтимоли бор нарсаларни (масалан, она қорнидаги болани) сотиш;

- Аниқ бўлмаганидан жанжалга сабаб бўладиган нарсани (масалан, қўй устидаги жунни қирқмай туриб) сотиш;

- Дарахтдаги мевани ундан узиб олиб, қуритиб қўйилган мевага чамалаб сотиш;

- Одам аъзоларини (масалан, сочи, сути кабиларни) сотиш;

- Ҳаром ўлган мол-қўйларнинг терисини ошламай (хўлини кетказмай) сотиш;

- Насияга сотган нарсасининг пулини тўлиқ олмай туриб, сотган нархидан арзонга сотиб олиш;

- Савдо тақозо қилмаган, аммо сотувчи ё олувчидан биригагина фойдали бўлган шарт билан сотиш мумкин эмас.

Турли жинсли молларни айирбошлашда бир-бирига тенг килиб, нақд (яъни бир жойда) айирбошлаш лозим. Агар бири иккинчисидан ошиқ ёки насия бўлса, рибо (судхўрлик) бўлади. Масалан, юз килограмм гуручни бир юз ўн килограмм гуручга, рўпарада турган арпани насия буғдойга алмаштириб бўлмайди, бу рибо ҳисобланади.

Харидорга дағаллик қилмай, мулойим гапириш, молни ҳадеб мақтамаслик, молнинг айбини яшириб, қалбаки-сифатсизини сотмаслик, агар харидор молни қайтариб келса, унга зарар етмаган бўлса, савдо битимини бузиш, харидор ҳақидан уриб қолмаслик, мўътабар одамнинг пули етмай қолса, насияга бериш, бозор талабидан ошириб сотмаслик нарса сотишнинг одобларидандир.

Молни ҳалол пулга сотиб олиш, бозор нархидан камга олмаслик, сотувчига кўпол муомала қилмаслик, уни «Молни қаердан келтирдинг, қанчага сотиб олдинг?» каби саволлар билан овора қилмаслик, сотиб олган нарсасини сотувчига қайтармаслик, сотувчидан тортилган (ўлчанган) нарса устига яна озгина кўпайтириб қўйишни талаб қилмаслик, харид қилган нарсасини идишга солиб, ўраб олиш нарса сотиб олишнинг одобларига кирди.

МАСЖИД ОДОБЛАРИ

«Масжид» сўзи луғатда «сажда жойи, макони» маъносини англатади. Уламолар истилоҳида эса беш вақт намоз адо этиладиган макон масжиддир.

Масжидларни эҳтиром юзасидан «байтуллоҳ» – Аллоҳнинг уйи дейилади. Аллоҳ таоло Куръони Каримда масжидларни Ўз Зоти олийсига нисбат берган.

Аллоҳ таоло Жин сурасида марҳамат қилади:

وَأَنَّ الْمَسَاجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا ﴿١٨﴾

«Масжидлар Аллоҳникидир. Аллоҳдан бошқага дуо қилманг» (18-оят).

Ер юзида энг олдин қурилган масжид Маккаи Мукаррамадаги Масжидул Ҳаромдир.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي بِبَكَّةَ مُبَارَكًا وَهُدًى لِّلْعَالَمِينَ ﴿١١﴾

«Одамлар учун қўйилган биринчи уй – Баккадаги муборақ ва оламларга хидоят қилинган(уй)дир» (96-оят).

Байтуллоҳ Қиёмат қоим бўлгунича, ер юзидаги масжидларнинг энг шарафлисидир.

Масжид куриш ва уни обод қилиш

Масжид куриш дунёдаги энг шарафли ва савобли ишлардан бири ҳисобланади.

عَنْ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «مَنْ بَنَى مَسْجِدًا يَبْتَغِي بِهِ وَجْهَ اللَّهِ بَنَى اللَّهُ لَهُ مِثْلَهُ فِي الْجَنَّةِ». وَفِي رِوَايَةٍ: «بَيْنَا فِي الْجَنَّةِ». رَوَاهُ الْحُمْسِيُّ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Усмон розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Жим Аллоҳнинг розилигини тилаб бир масжид қурса, Аллоҳ жаннатда унга ўшанинг мислини қуриб беради», деганларини эшитганман».

Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий ривоят қилган.

Бошқа бир ривоятда:

«Жаннатда бир уй», дейилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَحَبُّ الْبِلَادِ إِلَى اللَّهِ مَسَاجِدُهَا، وَأَبْغَضُ الْبِلَادِ إِلَى اللَّهِ أَسْوَاقُهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга энг маҳбуб маконлар масжидлардир. Аллоҳнинг энг кўп ғазабига учраган маконлар бозорлардир», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Одатда масжидларда Аллоҳга ибодат қилинади, тиловату зикр, ваъз-насихатлар бўлади, илм ўрганилади. Мусулмонларнинг ахлоқ-одоби, тарбияси, руҳий-маънавий ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилади. Умуман, масжидда икки дунё фойдасига оид ишлар бўлади.

Шунинг учун ҳам масжидлар Аллоҳ таоло энг яхши кўрган масканлардир. Шунинг учун ҳам масжид Аллоҳнинг уйи дейилади. Ҳар бир нарсанинг шарафи унинг эгаси шарафига қараб бўлади. Аллоҳнинг уйи бўлишдан ортиқ шараф бўлиши мумкинми?!

Ҳадиси кудсийда Аллоҳ таоло қуйидагиларни айтади: «Еримдаги уйларим масжидлардир. Ундаги Менинг зиёратчиларим масжидларни обод қилувчилардир. Ўз уйида таҳорат қилиб, Мени Ўз уйимда зиёрат қилган бандага хушхоллик бўлсин. Зиёрат қилинганнинг зиёрат қилувчини икром этиши ҳақдир».

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا يَعْمُرُ مَسْجِدَ اللَّهِ مَنَ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَأَقَامَ
الصَّلَاةَ وَآتَى الزَّكَاةَ وَلَمْ يَخْشَ إِلَّا اللَّهَ فَعَسَىٰ أُولَٰئِكَ أَن يَكُونُوا
مِنَ الْمُهْتَدِينَ ﴿١٨﴾

«Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар, намозни тўқис адо этганлар, закот берганлар ва Аллоҳдан бошқадан кўркмаганларгина обод қилурлар. Ажаб эмаски, ана ўшалар хидоят топувчилардан бўлсалар» (18-оят).

Аллоҳнинг масжидларини обод қилиш фазилатли ишдир. Бу ишга ҳақиқий мўмин-мусулмонларгина ҳаракат қиладилар. Масжидларнинг ободлиги ҳақида сўз борганда, аввало маънавий ободлик, кейин моддий ободлик назарда тутилади. Маънавий ободлик – масжидларда намоз ўқиш, илм ўрганиш, тиловат ва зикр билан машғул бўлишдир. Моддий ободлик эса масжидларни қуриш, ислоҳ қилиш, керакли жиҳозлар билан таъминлаш ва покиза тутиш каби ишларни ўз ичига олади.

Ушбу ишларнинг барчасини эса Аллоҳга ва охират кунига ҳақиқий иймони бор, Аллоҳнинг амрига таслим бўлган, намозини вақтида ўқиган, закотини жойида бериб юрган такводорлар ҳамда фақат Аллоҳ таолонинг Ўзидангина кўркиб, бошқадан кўркмайдиган кишиларгина қилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا مَرَرْتُمْ بِرِيَاضِ الْجَنَّةِ فَارْتَعَوْا»، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا رِيَاضُ الْجَنَّةِ؟ قَالَ: «الْمَسَاجِدُ»، قُلْتُ: وَمَا الرَّتْعُ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Жаннат боғлари ёнидан ўтсангиз, сайил қилинглар», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, жаннат боғлари нима?» дедим. У зот: «Масжидлар», дедилар. «Сайил нима, эй Аллоҳнинг Расули?» дедим. «Субҳааналлоҳи вал ҳамдулиллааҳи ва лаа илааҳа иллаллоху валлоху акбар», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Демак, ким ёруғ дунёда масжидга кирса, жаннат боғига кирган бўлади. Ким масжидга кириб, юқоридаги зикрни қилса, жаннат боғида сайил қилган бўлади.

МАСЖИДДАГИ ОДОБЛАР

• *Масжидга борадиган одам масжид Аллоҳ таолонинг уйи эканини доимо ёдда тутсин.*

Масжидга бориши Аллоҳ таолонинг уйига бориши эканини унутмасин. Маконнинг қадри макон эгасининг қадрига боғлиқдир. Масжид Аллоҳ таолонинг уйи бўлганидан кейин масжидга борувчи Аллоҳ таолонинг зиёратига бораётганини ёддан чиқармаслиги лозим.

• *Масжид одобларидан бири масжидга муҳаббат қўйиш, уни эҳтиром қилиш ва эъзозлашдир.*

Зотан, масжид Аллоҳ таолонинг уйидир.

Масжид куриш, уни таъмир қилиш, моддий ободлиги учун зарур бўлган иш ёки молиявий ёрдамларга катта аҳамият билан қараш ва уларда қўлдан келганича иштирок этиш фазилятли амаллардандир.

• *Намозларни масжидда жамоат билан ўқишни ўзига одат қилиб олиш ўта савобли ишдир.*

Мўмин банда масжид томон ташлаган ҳар бир қадами учун катта мукофот олиши оят ва ҳадисларда зикр этилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ تَطَهَّرَ فِي بَيْتِهِ ثُمَّ مَشَى إِلَى بَيْتِ مَنْ يُؤْتِي اللَّهُ لِيَقْضِيَ فَرِيضَةً مِنْ فَرَائِضِ اللَّهِ كَانَتْ حَطَوَاتُهُ إِحْدَاهُمَا حُطُ حَطِيئَةٍ وَالْأُخْرَى تَرْفَعُ دَرَجَةً». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўз уйида таҳорат қилиб, Аллоҳнинг уйларида бирига Аллоҳнинг фарзларидан бирини адо этиш учун юриб борса, унинг икки қадамидан бири ила хатоси ўчади, бошқаси ила даражаси кўтарилади», дедилар».

Муслим, Термизий ва Насай ривоят қилган.

• *Масжидга боришдан олдин таҳорат қилиб, ўзига оро бериб, яхши ва покиза кийимларни кийиб, гўзал ҳолга келиб олиш юксак одобдандир.*

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

يَبْنَىْ ءَادَمَ خُذُوا زِينَتَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ

«Эй Одам болалари! Ҳар бир ибодатда зийнатингизни олинг» (31-оят).

Роббингиз ила бўладиган мулоқот чоғи гўзал кўринишда бўлганингиз афзал. Ўтган баъзи азизларимиз ушбу амрга итоат маъносида намоз учун алоҳида чиройли кийим тайёрлаб кўйишган.

• *Масжидга боришга тайёргарлик жараёнида jisмдан ва кийимдан ноҳуш ҳидлар чиқмаслиги чораларини кўриш керак.*

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَكَلَ الْبَصَلَ وَالثُّومَ وَالْكَرْبَاثَ فَلَا يَقْرَبَنَّ مَسْجِدَنَا، فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَتَأَذَى مِمَّا يَتَأَذَى مِنْهُ بَنُو آدَمَ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким пиёз, саримсоқ пиёз ва ёввойи пиёз еса, масжидимизга асло яқин келмасин. Чунки фаришталар одам болалари озор топадиган нарсалардан озор топадилар», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилган.

• *Масжидга намоз ўқиш учун кетаётганда виқор ва сокинлик билан, шошмасдан, бачкана ҳаракатлар қилмай, қалбда хушӯ билан борилади.*

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَيْنَمَا نَحْنُ نُصَلِّي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذْ سَمِعَ جَلْبَةً رِجَالٍ، فَلَمَّا صَلَّى قَالَ: «مَا سَأَلْتُمْ؟» قَالُوا: اسْتَعْجَلْنَا إِلَى الصَّلَاةِ، قَالَ: «فَلَا تَفْعَلُوا، إِذَا أَتَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَعَلَيْكُمْ بِالسَّكِينَةِ، فَمَا أَدْرَكْتُمْ فَصَلُّوا وَمَا فَاتَكُمْ فَأْتُمُوا». رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқиётган эдик. У зот бирдан одамларнинг тапир-тупури-

ни эшитиб қолдилар ва намозни ўқиб бўлиб: «Сизга нима бўлди?» дедилар. «Намозга шошилдик», дейишди. «Ундай қилманглар. Намозга келганингизда ўзингизга охисталикни лозим тутинглар. Етганингизни ўқиб, ўтганини тўлатиб ўқинглар», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

• *Масжидга етиб келгандан кейин оёқ кийимини ечиб, тозалаб, махсус жойга тартиб билан қўйиш керак.*

• *Масжидга кираётиб, ўнг оёқ олдин босилади ва «Ассаламу алайка йа Расулаллоҳ», «Аллоҳумма ифтаҳ ли абваба роҳматика» – «Сизга салом бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули», «Аллоҳим, менга раҳматинг эшикларини очгин» деган дуолар ўқилади.*

عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ أَوْ أَبِي أُسَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلْيُسَلِّمْ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ لِيُقَلِّ: اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Хумайд ёки Абу Усайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қай бирингиз масжидга кирса, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берсин. Сўнгра: «Аллоҳумма ифтаҳ лий абваба роҳматик», десин», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Насаий ривоят қилган.

• *Масжидга кирган одам ундаги покизаликка қаттиқ риоя қилиши, ўзидаги бирор хас-чўп ёки нопок нарса масжидга тушмаслигига аҳамият бериши лозим.*

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Масжидларда манави пешоб ва ифлос нарсалар дуруст эмас. Масжид фақат Аллоҳнинг зикри, намоз ва Куръон қироати учун», деганлар.

• *Масжидга кирган одам тупурмаслиги, бурнини тозаласлиги ва балгам ташламаслиги керак.*

Бир қанча ҳадисларда масжидда бу ишларни қилишдан қаттиқ қайтарилган.

• Масжидга киргандан кейин фарз намоз ўқилмаётган бўлса ва бошиқа шаръий монеъликлар бўлмаса, икки ракъат «таҳиятул масжид» намози ўқилади.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رضي الله عنه؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلْيَرْكِعْ رَكَعَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يَجْلِسَ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз масжидга кирса, ўтиришдан олдин икки ракъат намоз ўқисин», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

Бу икки ракъатли намоз «таҳийяти масжид» (масжид саломи) намози дейилади.

• Масжидда беҳуда гаплар, юришлар, овозни баланд кўтариш катта беодобликдир.

عَنِ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ رضي الله عنه قَالَ: كُنْتُ قَائِمًا فِي الْمَسْجِدِ فَخَصَّبَنِي رَجُلٌ، فَتَنَطَّرْتُ فَإِذَا عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ فَقَالَ: اذْهَبْ فَاتِنِي بِهَذَيْنِ، فَجِئْتُهُ بِهِمَا فَقَالَ: مِنْ أَيْنَ أَنْتُمَا؟ قَالَا: مِنْ أَهْلِ الطَّائِفِ، قَالَ: لَوْ كُنْتُمَا مِنْ أَهْلِ الْبَلَدِ لَأَوْجَعْتُكُمَا، تَرْفَعَانِ أَصْوَاتَكُمَا فِي مَسْجِدِ النَّبِيِّ ﷺ؟! رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Соиб ибн Язийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Масжидда турган эдим. Биров менга тош отиб қолди. Қарасам, Умар ибн Хаттоб экан. У менга: «Бориб, ҳов анави икковини олдимга олиб кел», деди. Мен бориб, икковини олиб келдим. Шунда у: «Икковингиз қаерликсиз?!» деди. «Тоифликлардан», дейишди. «Агар шу ерлик бўлганингизда, кунингизни кўрсатар эдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида овозингизни кўтарасизлар-а!» деди».

Бухорий ривоят қилган.

• Масжидда овоз чиқарган ҳолда қироат қилиб, бошқаларга халақит бериш ҳам мумкин эмас. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан қайтарганлар.

• Масжидда хусуматлашиш, дунёвий ишлар билан машғул бўлиш, олди-сотди қилиш, йўқолган нарсани излаш, ҳикматсиз шеърлар айтиш мумкин эмас.

وَلِلرَّمْزِيِّ وَالنَّسَائِيِّ: نَهَى النَّبِيُّ ﷺ عَنْ تَنَاشُدِ الْأَشْعَارِ فِي الْمَسْجِدِ، وَعَنِ الْبَيْعِ وَالْإِشْتِرَاءِ فِيهِ، وَأَنْ يَتَحَلَّقَ النَّاسُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ قَبْلَ الصَّلَاةِ.

Термизий ва Насоийнинг ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда шеър айтишдан, олди-сотдидан ва жума куни намоздан олдин халқа бўлиб ўтиришдан наҳий қилдилар», дейилган.

• Масжидда бармоқларни гирра қилиш (бир-бирига кириштириш), қисирлатиш, ўйнаш ва оёқларни кучоқлаб ўтириш беодобликдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай ишлардан қайтарганлар.

• Азон айтилганда масжидда бўлган одам фарз намозни ўқимай чиқиб кетиши мумкин эмас.

عَنْ أَبِي الشَّعْنَاءِ قَالَ: كُنَّا مَعَ أَبِي هُرَيْرَةَ فِي الْمَسْجِدِ فَخَرَجَ رَجُلٌ حِينَ أَذَّنَ الْمُؤَدِّنُ لِلْعَصْرِ، فَقَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: أَمَا هَذَا فَقَدْ عَصَى أَبَا الْقَاسِمِ ﷺ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Абу Шаъсоадан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу билан масжидда бирга эдик. Муаззин Асрга азон айтганидан кейин бир одам чиқиб кетди. Шунда Абу Ҳурайра: «Мана бу кимса Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлди», деди».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилган.

• Азонни эшитган одам азон сўзларини қайтариш билан унга жавоб беради.

عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رضي الله عنه، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ قَالَ مِثْلَ مَا يَقُولُ الْمُؤَدَّنُ إِلَّا فِي الْحَيْعَلَتَيْنِ، فَقَالَ: لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ، مِنْ قَلْبِهِ دَخَلَ الْجَنَّةَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким чин қалбдан муаззин айтган нарсани айтиб турса-ю, магар «Хайя ыала» жумлаларида «Ла ҳавла ва ла қуввата» деса, жаннатга киради», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

• *Азонни эшитиб бўлгандан кейин унинг дуоси қилинади.*

عَنْ جَابِرٍ رضي الله عنه؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ قَالَ حِينَ يَسْمَعُ الْبِدَاءَ: اللَّهُمَّ رَبِّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ، وَالصَّلَاةِ الْقَائِمَةِ، آتِ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ، وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتَهُ، حَلَّتْ لَهُ شَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким азонни эшитгандан кейин: «Аллоҳумма, Робба ҳазиҳид даъватит тааммати вас-солатил қоимати ати Муҳаммаданил василата вал фазилата ваъасху мақомам маҳмудан аллазий ваъадтах» деса, Қиёмат куни унга шафоатим вожиб бўлур», дедилар».

Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилган.

Дуонинг маъноси куйидагича: «Аллоҳим! Эй ушбу тугал даъватнинг ва коим бўладиган намознинг Робби! Муҳаммадга василани ва фазилатни бергин. Ҳамда уни Ўзинг ваъда қилган мақоми Маҳмудда қайта тирилтиргин».

• *Масжиддан чиқаётганда «Аллоҳумма инни ас-алука мин фазлика» – «Аллоҳим, мен Сендан фазлингни сўрайман» деган дуони ўқийди ва чап оёғини олдин босиб чиқади.*

Масжидда жамоат намози ўқишнинг аҳамияти

Мусулмон киши намозини иложи борича масжидларда жамоат билан адо этишга ҳаракат қилади. Бу жуда муҳим амал ҳисобланади. Намозни жамоат билан адо этиш масжидга боғлиқ одобларнинг энг улуғларидан бири сифатида таъкидланади.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

فِي بُيُوتٍ أَذِنَ اللَّهُ أَنْ تُرْفَعَ وَيُذْكَرَ فِيهَا اسْمُهُ يُسَبِّحُ لَهُ فِيهَا بِالْغُدُوِّ
وَالْآصَالِ ﴿٣٦﴾ رِجَالٌ لَا لُتْهِمِهِمْ تَحْرُجُهُمْ وَلَا يَبِيعُ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ
الزَّكَاةِ يَخَافُونَ يَوْمًا تَلْقَاوْنَ لَتُنْقَلَبُ فِيهِ الْقُلُوبُ وَالْأَبْصَارُ ﴿٣٧﴾

«У бир уйлардаки, Аллоҳ уларнинг кўтарилишига ва уларда Ўз исми зикр қилинишига изн бергандир. Уларда Унга эртаю кеч тасбеҳ айтурлар... бир кишиларки, уларни тижорат ҳам, олди-сотди ҳам Аллоҳнинг зикридан, намозни тўқис адо этишдан ва закот беришдан машғул қила олмас. Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган Кундан кўр-қарлар» (36-37-оятлар).

Бу ерда Аллоҳнинг нуруни идрок этишга ва Унинг файзидан баҳраманд бўлишга ҳақли кишиларнинг сифатлари келтирилмоқда. Ана шу инсонларнинг сифатларидан бири Аллоҳ таолони масжидларда эртаю кеч поклаб ёд этиш – тасбеҳ айтиш бўлса, яна бир сифати тижоратга ҳам, олди-сотдига ҳам машғул бўлмасдан, Аллоҳни зикр этишларидир.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضُلُ صَلَاةِ
الْفَدْلِ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً». رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир», дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

ЖАМОАТ НАМОЗИ ОДОБЛАРИ

• *Жамоат намози ўқиш учун масжидга кирган киши намозни кутиб ўтирган намозхонларга салом беради.*

• *Жамоат намозига борган киши биринчи сафдан жой олишига ҳаракат қилади.*

Албатта, бунинг учун эртароқ ҳаракат қилиш керак. Биринчи сафга энг ҳақли одам аввал келган одамдир. Катта олимлар ва кекса кишилар бундан мустасно. Кеч қолган одамнинг биринчи сафга ўтаман деб, намозхонларни безовта қилиши одобдан эмас.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْ يَعْلَمُ النَّاسُ مَا فِي النِّدَاءِ وَالصَّفِّ الْأَوَّلِ ثُمَّ لَمْ يَجِدُوا إِلَّا أَنْ يَسْتَهْمُوا عَلَيْهِ لَأَسْتَهْمُوا». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар одамлар азонда ва биринчи сафда нима (савоб) борлигини билганларида, сўнгра қуръа ташлашдан бошқа илож топа олмаганларида, қуръа ташлаган бўлур эдилар», дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насай ривоят қилган.

• *Жамоат намози ўқиш учун масжидга келган одам сафлар орасида у ёқ-бу ёққа юриши, одамларнинг елкаларини туртиб ўтиши мумкин эмас.*

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ يَتَخَطَّى رِقَابَ النَّاسِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ، فَقَالَ لَهُ: «اجْلِسْ، فَقَدْ آذَيْتَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ. وَلِلَّتِّرْمِذِيِّ: «مَنْ تَخَطَّى رِقَابَ النَّاسِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ اتَّخَذَ جِسْرًا إِلَى جَهَنَّمَ».

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам жума куни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилаётганларида келиб, одамларнинг елкалари-

ни туртиб ўтди. Шунда у зот унга: «Ўтир, уларга озор бердинг-ку!» дедилар».

Абу Довуд, Насаий ва Ҳоким ривоят қилган. Ҳоким саҳиҳ, деган. Термизийнинг ривоятида:

«Ким жума куни одамларнинг елкасидан хатлаб ўтса, жаҳаннамга кўприк солган бўлади», дейилган.

• *Намоз ўқиётган одамнинг олдини кесиб ўтиш мутлақо мумкин эмас.*

وَلِلَّتِمِذْيِ وَابْنِ حِبَّانَ: «لَأَنْ يَقِفَ أَحَدُكُمْ مِائَةَ عَامٍ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَمُرَّ بَيْنَ يَدَيْ أَخِيهِ وَهُوَ يُصَلِّي».

Термизий ва Ибн Ҳиббон қилган ривоятда:

«Бирингизнинг юз йил тўхтаб (кутиб) турмоғи унинг учун намоз ўқиётган биродарининг олдидан ўтишидан кўра яхшидир», дейилган.

• *Киши суннат намози ўқиётганида, фарз намозга иқома айтилиб қолса, агар рукуъга бормаган бўлса, турган ҳолида салом бериб, жамоатга қўшилади.*

Рукуъга борган бўлса, тезда икки ракъатни тугатиб, сўнг жамоатга қўшилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلی الله علیه و آله قَالَ: «إِذَا أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَلَا صَلَاةَ إِلَّا الْمَكْتُوبَةُ». رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Намозга такбир айтилгач, фарз намоздан бошқа намоз бўлмас», дедилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• *Жамоат намозидан барча амалларда имомга эргашилади. Ҳеч қандай амални имомдан олдин бажариш мумкин эмас.*

عَنْ أَنَسٍ رضي الله عنه قَالَ: صَلَّى بِنَا رَسُولِ اللَّهِ صلی الله علیه و آله ذَاتَ يَوْمٍ، فَلَمَّا قَضَى الصَّلَاةَ أَقْبَلَ عَلَيْنَا بِوَجْهِهِ، فَقَالَ: «أَيُّهَا النَّاسُ، إِنِّي إِمَامُكُمْ، فَلَا تَسْبِقُونِي

بِالرُّكُوعِ، وَلَا بِالسُّجُودِ، وَلَا بِالْقِيَامِ، وَلَا بِالْإِنْصِرَافِ؛ فَإِنِّي أَرَأَيْكُمْ أَمَامِي وَمِنْ خَلْفِي». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир куни бизга намозга ўтдилар. Намозни адо этиб бўлганларидан кейин бизга юзларини буриб: «Эй одамлар, мен сизнинг имомингизман, мендан олдин рукуъ ҳам, сажда ҳам, киём ҳам, чиқиш ҳам қилманг. Мен сизларни олдимдан ҳам, ортимдан ҳам кўрурман», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Ким имомдан олдин такбири таҳрима айтса ёки салом берса, намози намоз бўлмайди. Бошқа амалларни имомдан олдин қилганлар эса гуноҳкор бўлишади, намозларининг савоби кетади, ammo намози ботил (яроқсиз) бўлмайди.

• *Агар имомга иқтидо қилувчи бир киши бўлса, у имомнинг ўнг томонида, бир оз кейинроқда туриши керак.*

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه قَالَ: بَثُّ عِنْدَ خَالَتِي مَيْمُونَةٌ، فَقَامَ النَّبِيُّ ﷺ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ، فَقُمْتُ أُصَلِّي مَعَهُ عَنْ يَسَارِهِ، فَأَخَذَنِي بِرَأْسِي فَأَقَامَنِي عَنْ يَمِينِهِ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Холам Маймунанинг хузурларида тунаб қолдим. Набий соллаллоху алайҳи васаллам кечаси туриб, намоз ўқий бошладилар. Мен ҳам у зотнинг чап томонларида туриб намоз ўқий бошладим. У зот бошимдан ушлаб, мени ўнг тарафларига турғизиб қўйдилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насайий ривоят қилган.

• *Имом битта иқтидо қилувчи билан намоз ўқийганда бошқа намозхон келса, имомнинг ёнида турганга ишора қилиб, орқага туради ва икковлари имомнинг ортига ўтиб туришади.*

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه قَالَ: قَامَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لِيُصَلِّيَ، فَجِئْتُ فَقُمْتُ عَنْ يَسَارِهِ، فَأَخَذَ بِيَدِي فَأَدَارَنِي حَتَّى أَقَامَنِي عَنْ يَمِينِهِ، ثُمَّ جَاءَ جَبَّارُ بْنُ صَخْرٍ فَقَامَ عَنْ يَسَارِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَأَخَذَ بِأَيْدِينَا جَمِيعًا، فَدَفَعَنَا حَتَّى أَقَامَنَا خَلْفَهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам намозга турдилар. Мен келиб, чап томонларида турдим. У зот қўлимдан ушлаб айлантриб, ўнг тарафларига турғиздилар. Сўнг Жаббор ибн Соҳр келиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг чапларига турди. Шунда у зот қўлимиздан ушлаб, итариб, бизни ортларига турғиздилар».

Муслим ривоят қилган.

• *Жамоат намози ўқимоқчи бўлганлар уч киши бўлса, бирлари имом бўлиб, икки киши унинг орқасида саф бўлади.*

عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ رضي الله عنه قَالَ: أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا كُنَّا ثَلَاثَةً أَنْ نَتَقَدَّمَ مِنَّا أَحَدُنَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Самура ибн Жундуб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Уч киши бўлсак, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам биримизнинг олдинга ўтишимизни амр қилардилар».

Термизий ривоят қилган.

• *Сафга тизилиш имомнинг орқасидан бошланади.*

Кейин ўнг ва чап тарафига баробар равишда туриб, саф тўлдирилади. Аввалги саф тўлгандан сўнг кейингисини ҳам худди олдингидек тўлдириш бошланади.

• *Жамоат намозига келган намозхонларнинг сафларни тўғри олишлари ва ораларида очиқ жой қолдирмай жипслашишлари талаб этилади.*

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «رُصُّوا صُفُوفَكُمْ، وَقَارِبُوا بَيْنَهَا، وَخَادُوا بِالْأَعْنَاقِ، فَوَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ إِنِّي لَأَرَى الشَّيَاطِينَ يَدْخُلُ مِنْ خَلْلِ الصَّفِّ كَأَنَّهَا الْحَذَفُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّنَسَائِيُّ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сафларингизни жипслаштиринглар, уларнинг орасини яқинлаштириб, бўйинларни баробарлаштиринглар! Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, мен сафдаги оралиқлардан шайтонларнинг худди қора қўзичоқлар каби кираётганини кўраман», дедилар».

Абу Довуд ва Насаий ривоят қилган.

• Масжидга жамоат намозини адо этгани келган киши биринчи такбирни ўтказиб юбормасликка ва иложси борича олдинги сафларда туришига ҳаракат қилиши керак.

عَنِ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى الَّذِينَ يَصِلُونَ الصُّفُوفَ الْأُولَى، وَمَا مِنْ خُطْوَةٍ أَحَبَّ إِلَى اللَّهِ مِنْ خُطْوَةٍ يَمْشِيهَا الْعَبْدُ يَصِلُ بِهَا صَفًّا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّنَسَائِيُّ.

Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло ва Унинг фаришталари биринчи сафларни тўлдирувчиларга салават айтадилар. Аллоҳ таоло учун банданинг сафни тўлдириш учун босган қадамидан кўра маҳбуброқ қадам йўқдир», дедилар».

Абу Довуд ва Насаий ривоят қилган.

• Жамоат намозидаги биринчи сафга ва имомнинг ортига туришига лойиқ кишилар аҳли илмлар, қорилар, ёши улуглар ва обрўли кишилардир.

Уларни олдинги сафга, имомнинг ортига ўтказиш юксак одобдандир.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَيْلِي مِنْكُمْ أَوْلُو الْأَحْلَامِ وَالنَّهْيِ، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ»، ثَلَاثًا. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Абдуллоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Менга сизлардан етуклик ва ақл эгалари яқин турсин, – (дедилар ва:) – Сўнгра уларга яқин келадиганлар», деб уч марта айтдилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• **Имомнинг намозни мукамал ва энгил қилиб ўқиши мақбулдир.**

Чунки намозхонлари ичида беморлар, кексалар, заифлар, шошилиб турганлар ва бошқа ҳожатмандлар бўлади.

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ ﷺ؛ أَنَّ رَجُلًا قَالَ: وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي لَأَتَأَخَّرُ عَنْ صَلَاةِ الْعَدَاةِ مِنْ أَجْلِ فُلَانٍ مِمَّا يُطِيلُ بِنَا، فَمَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فِي مَوْعِظَةٍ أَشَدَّ غَضَبًا مِنْهُ يَوْمَئِذٍ، ثُمَّ قَالَ: «إِنَّ مِنْكُمْ مُنْفِرِينَ، فَأَيُّكُمْ مَا صَلَّى بِالنَّاسِ فَلْيَتَجَوَّزْ، فَإِنَّ فِيهِمُ الضَّعِيفَ وَالْكَبِيرَ وَذَا الْحَاجَةِ، وَإِذَا صَلَّى لِنَفْسِهِ فَلْيُطَوَّلْ مَا شَاءَ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

Абу Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам: «Аллоҳга қасамки, эй Аллоҳнинг Расули, мен фалончининг бизга (намозни) чўзиб юборганидан бомдод намозидан орқада қоламан», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг мавъизада ўша кундагидек қаттиқ ғазабланганларини кўрмадим. У зот: «Орангизда нафрат қилдирувчилар бор. Қай бирингиз одамларга намоз ўқиб берса, энгил ўтказсин, чунки улар ичида заифи, ёши улуғи ва ҳожатманди бор. Ўзи намоз ўқиганида хоҳлаганича чўзсин», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• **Жамоат намози тамом бўлганидан кейин ташқарига чиқишга шошилиб, тиқилинч қилиш одобдан эмас.**

Хар намоздан кейин зикрлар қилиб, дуоларни охирига етказиб, масжиддан шошилмай чиқиш афзалдир.

ЖУМА ОДОБЛАРИ

«Жумъа» сўзи арабча бўлиб, «жамлаш» деган маънони англатади. Чунки бу кунда мусулмонлар жамланиб, жума намозини ўқийдилар. Жума куни инсоният тарихида ўта муҳим ходисалар бўлиб ўтган. Буларни эслаш, улуғлаш, улуғ неъмат деб билиш учун ҳам бу кун байрам қилинади, тўпланиб ибодат, дуо, зикр ва илтижолар адо этилади.

Аллоҳ таоло Жума сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٩﴾

«Эй иймон келтирганлар! Жума куни, намозга нидо қилинган пайтда Аллоҳнинг зикрига шошилиш ва савдонини қўйиш. Агар билсангиз, ана шу ўзингиз учун яхшидир» (9-оят).

Бу оятни карима жума намозининг фарзлигини таъкидлаб келгандир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «خَيْرُ يَوْمٍ طَلَعَتْ عَلَيْهِ الشَّمْسُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، فِيهِ خَلِقَ آدَمُ، وَفِيهِ أُدْخِلَ الْجَنَّةَ، وَفِيهِ أُخْرِجَ مِنْهَا، وَلَا تَقُومُ السَّاعَةُ إِلَّا فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ. وَرَأَى أَبُو دَاوُدَ: «وَفِيهِ تَيْبٌ عَلَيْهِ، وَفِيهِ مَاتَ، وَفِيهِ تَقُومُ السَّاعَةُ، وَمَا مِنْ دَائِبَةٍ إِلَّا وَهِيَ مُسِيخَةٌ يَوْمَ الْجُمُعَةِ مِنْ حِينَ تُصْبِحُ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ شَفَقًا مِنَ السَّاعَةِ إِلَّا الْجِنَّ وَالْإِنْسَ».

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Куёш чикқан куннинг энг яхшиси жума кунидир. Унда Одам халқ қилин-

ди. Унда у жаннатга киритилди. Унда у жаннатдан чиқарилди. Қиёмат ҳам фақат жума куни қоим бўлур», дедилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

Абу Довуд қуйидагиларни зиёда қилган:

«Унда унинг (Одамнинг) тавбаси қабул қилинди. Унда у вафот килди. Унда Қиёмат қоим бўлур. Жума куни ҳамма жониворлар тонг отгандан то куёш чиққунча (Қиёмат) соатини кўркинч ила кутиб турурлар. Фақат жин ва инс бундан мустасно».

Ҳафта кунларининг улуғи, мискинларнинг ҳажи бўлмиш жума кунининг одоблари, жумладан, қуйидагилардан иборат:

• *Жумага тайёрланиш олдиндан, пайшанба кунидан бошланади.*

Покиза кийимлар ва сепиладиган хушбўйликлар тайёрланади. Қалб дунё ташвишларидан фориғ қилиниб, зикр ва ибодатга ҳозирланади. Жума кечаси (яъни пайшанба кунги кечада) зикр, тиловат, тавба ва истиғфорлар қилиниб, нафл намозлар адо этилади.

• *Жума куни ният билан гусл қилинади.*

عَنْ حَفْصَةَ رضي الله عنها، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «عَلَى كُلِّ مُحْتَلِمٍ رَوْاحُ الْجُمُعَةِ، وَعَلَى كُلِّ مَنْ رَاحَ الْجُمُعَةَ الْغُسْلُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

Ҳафса розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳар бир эҳтилом бўлувчига жумага бориш лозимдир. Ҳар бир жумага борувчига гусл лозимдир», дедилар».

Абу Довуд ва Насаий ривоят қилган.

• *Жумага борувчи ҳар бир киши гусл қилиб бориши лозим.*

Чунки кўпчилик жамланадиган, бирга ваъз-насихат эшитиб, намоз ўқийдиган жойга ҳамма гусл қилиб-покланиб бормаса, турли хидлар тарқаб, нохуш ҳолат юзага келади.

• *Жума учун умумий шахсий озодалиқ ишлари ўрнига қўйилади.*

Соч олдирилади, тирноқлар қисқартирилади, хушбўйликлар сепилади ёки суртилади ва энг яхши, тоза кийимлар кийилади.

عَنْ سَلْمَانَ الْفَارِسِيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يَغْتَسِلُ رَجُلٌ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، وَيَتَطَهَّرُ مَا اسْتَطَاعَ مِنْ طَهْرٍ، وَيَدَّهِنُ مِنْ دُهْنِهِ، وَيَمَسُّ مِنْ طِيبِ بَيْتِهِ، ثُمَّ يَخْرُجُ فَلَا يَفْرُقُ بَيْنَ اثْنَيْنِ، ثُمَّ يُصَلِّي مَا كَتَبَ لَهُ، ثُمَّ يُنْصِتُ إِذَا تَكَلَّمَ الْإِمَامُ إِلَّا غَضِبَ لَهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجُمُعَةِ الْأُخْرَى». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Салмон Форсий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким жума куни ғусл қилиб, иложи борича покланиб, ўз мойидан, уйидаги хушбўйлардан суртиб, сўнгра чиқиб, икки кишининг орасини ёрмай (жой топиб) ўзига битилган намозни ўқиса ва имом гапирганда жим туриб қулоқ солса, унинг ўтган жумадан бунисигача бўлган нарсалари мағфират қилинади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

• *Жумага эртароқ, соқинлик ва виқор билан, тавозе ва хушуъ билан, Аллоҳ таолонинг амрини адо этиши ниятида, мағфирати ва розилигига эришиши орзусида борилади.*

عَنْ أَوْسِ بْنِ أَوْسٍ التَّقْفِيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ غَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَاعْتَسَلَ، ثُمَّ بَكَرَ وَابْتَكَّرَ، وَمَشَى وَلَمْ يَرْكَبْ، وَدَنَا مِنَ الْإِمَامِ فَاسْتَمَعَ وَلَمْ يَلْغُ، كَانَ لَهُ بِكُلِّ خُطْوَةٍ عَمَلٌ سَنَةٍ، أَجْرُ صِيَامِهَا وَقِيَامِهَا». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Авс ибн Авс ас-Сақафий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким жума куни жимоъ қилса ва ғусл қилса, сўнгра эрта борса, улов минмай, пиёда юрса, имомга яқинроқ ўтирса ва тингласа, беҳуда ҳаркат қилмаса, унинг ҳар бир қадамига бир йилнинг амали берилур, унинг рўзаси ва бедорлиги ажри берилур», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

• *Жума намозига борган шаҳс масжидга одоб билан қиради. Ўтирган одамларнинг елкасини туртмайди, олдидан ўт-*

майди, қаерда бўш жой топса, ўша ерга жойлашади. Имкони борича маърузачига яқинроқ бўлишга ҳаракат қилади.

• Жим ўтириб маърузачига қулоқ тутади. Маърузани диққат билан эшитиб, ундан ибрат ва фойда олишга ҳаракат қилади. Ҳеч ким билан гаплашмайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قُلْتَ لِصَاحِبِكَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ أَنْصِتْ وَالْإِمَامُ يَخْطُبُ فَقَدْ لَعَوْتُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Жума куни имом хутба қилаётганида, ўз шеригингга «Жим тур!» десанг, беҳудда иш қилган бўласан», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• Маъруза бўлаётганда қўлларни қимирлатиши, тасбеҳни ўйнаш, жойнамозни тўзгилаш каби ҳаракатларни қилиш мумкин эмас.

• Маъруза бўлаётганда ҳадеб қимирлаш, оёқларни кучоқлаб ўтириши, эснаш каби ҳолатларга йўл қўймаслик керак.

• Жуманинг фарзидан олдин ва кейин тўрт рақъатдан суннат намоз ўқилади.

• Жума куни ният билан Каҳф сурасини тиловат қилишга одатланиши керак.

Хофиз Абу Бакр ибн Мурдавайх Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким «Каҳф» сурасини жума куни ўқиса, Қиёмат куни унинг қадами остидан нур чиқиб, осмону фалакни ёритади ва унинг икки жума орасидаги хатолари кечирилади», деганлар.

• Жума куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга савоват айтиши кўпайтирилади.

• Жума куни илм мажлисларида ҳозир бўлиш ҳам жуда фазилатли амалдир.

• Жума куни Аллоҳ таолонинг зикрини қилиш, турли нафл ибодатларни адо этиш ва савобли ишларни қилиш яхшидир.

• *Жума кунни дуо қабул бўладиган вақт борлигини унутмай, ўша соатда кўпроқ дуода бўлишига ҳаракат қилиш лозим.*

Бунинг учун дуони кўпайтириш керак. Ушбу соат ва унинг пайти ҳақида ҳам турли мулоҳазалар бор. Баъзилар бу соат олтиш дақиқа вақтни ўз ичига олган табиий соатдир, дейдилар. Бошқалар эса, уларга хилоф равишда, бу соатдан мурод озрок вақтдир, дейишади. Ўша соатда қайси бир мусулмон намоз ўқиб, дуо қилиб турган бўлса, Аллоҳ таоло ўша банданинг сўраган нарсасини албатта беради. Шунинг учун жума кунни доимо ибодат ва дуо билан машғул бўлиш керак.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ ذَكَرَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَقَالَ: «فِيهِ سَاعَةٌ لَا يُوَافِقُهَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ وَهُوَ قَائِمٌ يُصَلِّي يَسْأَلُ اللَّهَ تَعَالَى شَيْئًا إِلَّا آتَاهُ إِيَّاهُ» وَأَشَارَ بِيَدِهِ يُقَلِّلُهَا. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулудллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам жума кунини зикр қилиб, «Унда шундай пайт борки, қай бир мусулмон банда туриб, намоз ўқиса-ю, Аллоҳдан бирор нарса сўраган ҳолида ўша пайтга тўғри келса, У Зот унга ўшани беради», дедилар ва қўллари билан ўша пайтнинг қисқалигини кўрсатдилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

- *Жума намози ўқиб бўлингунча сафарга чиқиш макруҳдир.*
- *Жума кунни ёлғиз ўша куннинг рўзасини тутуш макруҳдир.*

ҚЎШНИЧИЛИК ОДОБЛАРИ

«Қўшни» деганда уйи-маскани, боғи ёки дўкони яқин кишилар кўзда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳовли қўшни, боғ қўшни ва дўкон қўшни ҳамда бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин. Шариатнинг яхшилик қилиш, ёмонлик қилмаслик ҳақидаги кўрсатмаларида кўзда тутилган қўшнилар кимлар, деган савол бўлиши ҳам табиий. Бу саволга ушбу масала бўйича келган далил-ҳужжатларни диққат билан ўрганиб чиққан уламоларимиз бир неча хил жавоб берганлар. Мазкур жавоблар ўрганиб чиқилганидан кейин кўпчилик, қирқ уйгача бўлган қўшнилар қўшнилик ҳаққи соҳибларидир, деган хулосага келган.

Исломда ижтимоий алоқалар ҳақида сўз кетганда, қўшничилик алоқаларига катта аҳамият берилади. Ушбу алоқаларни гўзал тарзда олиб бориш ҳақидаги таълимотлар тақдим этилади. Бу таълимотлар эса Исломнинг ижтимоий алоқаларни иймон ва гўзал ахлоқ асосида олиб боришга берган аҳамиятидан келиб чиқади.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَالْجَارِ
ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا
مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ

«Ота-онага, яқин қариндошга, етимларга, мискинларга, яқин қўшнига, ён қўшнига, ёндаги соҳибга, йўқсил йўлчига ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглар» (36-оят).

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло бир неча тоифа одамларга, жумладан, яқин қўшнилар ва ён қўшниларга яхшилик қилишга амр қилмоқда. Тафсирчи уламоларимиз ояти каримада зикр қилинган «яқин қўшни»ни қариндош қўшни, яъни яқинлиги бор қўшни, «ён қўшни»ни эса оддий, яқинлиги йўқ қўшни, деб тунтиришган.

Қўшнига яхшилик қилиш ҳақидаги исломий таълимотлар ҳам дунёда мисли кўрилмаган таълимотдир. Инсон боласи ўз

кундалик ҳаётида, истайдими-истамайдами, доимий равишда алоқада бўлиб турадиган тоифалардан бири кўшнилари. Киши ҳаётининг осойишталиги, бахти, кувончи кўпинча кўшни ила кечадиган алоқаларига ҳам боғлиқ бўлади.

Агар Аллоҳ таоло бандага яхши кўшни ато қилса, кўпгина хайр-яхшиликларга сабаб бўлади. Аксинча, ёмон кўшнидан турли ёмонликлар кутилишининг ўзи турмуш ҳаловати ва осойишталигини кетказди.

Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа мулоҳазалар асосида Исломда кўшничилик алоқасига алоҳида эътибор берилган. Кўшнининг ҳаққи юқори кўтарилган. Унга яхшилиқ қилиш ҳақида кўплаб тавсиялар берилган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا زَالَ جِبْرِيلُ يُوصِينِي بِالْجَارِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورَثُهُ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Ошиа розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жабронил менга кўшни ҳақида шу қадар кўп тавсия бердики, уни меросга ҳам шерик қилармикан, деб ўйлаб қолдим», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

عَنْ أَبِي شُرَيْحٍ الْخَزَاعِيِّ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ فَلْيُحْسِنْ إِلَى جَارِهِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Шурайх Хузоеъийдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охираат кунига иймон келтирган бўлса, кўшнисига яхшилиқ қилсин», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Кўшнисига яхшилиқ қилиш Аллоҳга ва Қиёмат кунига иймон келтирган кишининг сифати, белгиси, аломати экан. Ким Аллоҳга иймон келтирган бўлса, Қиёмат кунидан умидвор бўлса, кўшнисига яхшилиқ қилиши лозим экан.

Бу ҳамда шунга ўхшаш жойларда Аллоҳга ва Қиёмат кунига иймонни зикр қилиш ушбу ишларга тарғиб нақадар аҳамиятли эканини таъкидлаш учундир. Аллоҳга бўлган иймон кишиларни доимо У Зотга муҳаббат ила итоат қилишга чорлайди. Охиратга бўлган иймон эса савоб ва гуноҳларимизни эслаб туришнинг асосидир. Кимнинг охиратга иймони бўлса, яхшилик қилади ва ёмонликдан қайтади. Демак, Аллоҳга ва охиратга иймон кўшнига яхшилик қилишни, ҳатто ундан етган озорларга сабр қилишни тақозо этади.

Кўшнилар уч тоифадан иборат: мусулмон қариндош кўшни, мусулмон қариндошмас кўшни ва мусулмонмас кўшни. Мусулмон қариндош кўшнининг мусулмонлик, қариндошлик ва кўшнилик ҳаққи бўлади. Мусулмон кўшнининг мусулмонлик ва кўшнилик ҳаққи бўлади. Мусулмонмас кўшнининг фақат кўшнилик ҳаққи бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو؛ أَنَّهُ دُيِّحَتْ لَهُ شَاةٌ، فَجَعَلَ يَقُولُ لِغُلَامِهِ: أَهْدَيْتَ لِحَارِنَا الْيَهُودِيَّ؟ أَهْدَيْتَ لِحَارِنَا الْيَهُودِيَّ؟ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «مَا زَالَ جَبْرِيلُ يُوصِينِي بِالْحَارِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورْتُهُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

дан ривоят қилинади:
«Абдуллоҳ ибн Амр бир қўй сўйди. У хизматкор йиғитига: «Яҳудий кўшнимизга ҳам ҳадя бердингми? Яҳудий кўшнимизга ҳам ҳадя бердингми?» деб ҳадеб сўрайверди. Сўнг: «Мен Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Жаброил ҳам менга кўшни ҳақида шу қадар кўп тавсия бердики, уни ҳам меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим», деганлигини эшитганман», деди».

Бухарий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.
Яҳудийми, насронийми, мажусийми, ким бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай динга яхшилик қилиш керак. Чунки кўшнининг ҳаққи тайинлангандир. Бу ҳақни поймол қилиш

عَنِ الْمُقَدَّادِ بْنِ الْأَسْوَدِ قَالَ: سَأَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَصْحَابَهُ عَنِ الزَّيْنَاءِ، قَالُوا: حَرَامٌ حَرَّمَهُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ. فَقَالَ: «لَأَنْ يَزِيَنِي الرَّجُلُ بِعَشْرَةِ نِسْوَةٍ أَيْسُرَ عَلَيْهِ مِنْ أَنْ يَزِيَنِي بِامْرَأَةٍ جَارِهِ». وَسَأَلَهُمْ عَنِ السَّرِقَةِ، قَالُوا: حَرَامٌ حَرَّمَهَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ. فَقَالَ: «لَأَنْ يَسْرِقَ مِنْ عَشْرَةِ أَهْلِ أَيْبَاتٍ أَيْسُرَ عَلَيْهِ مِنْ أَنْ يَسْرِقَ مِنْ بَيْتِ جَارِهِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Миқдод ибн Асваддан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам саҳобала-
ридан зино ҳақида сўрадилар. «У ҳаромдир, уни Аллоҳ ва
Унинг Расули ҳаром қилган», дейишди. «Қўшнисининг хо-
тини билан зино қилиш ўнта бегона хотин билан зино қил-
гандан ёмонроқ», дедилар. Сўнг ўғрилик ҳақида сўрадилар.
«У ҳаромдир, уни Аллоҳ ва Унинг Расули ҳаром қилган»,
дейишди. «Унта уйга ўғриликка тушиш қўшнининг уйига
ўғриликка тушишдан енгилроқ», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Қўшнининг ҳаққи нақадар катта эканини ушбу ҳадисдан
билиб олиш кийин эмас. Қўни-қўшничилик алоқалари бузи-
лишининг бош сабабларидан бири ҳам номаҳрам қўшниларга
кўз олайтиришдир. Бундан қўшнининг бошқа нарсаларига кўз
олайтиришнинг ҳукми ҳам шундай экани келиб чиқади.

Ҳадиснинг иккинчи ярмида қўшнининг уйини ўғирлаш бе-
гона уйни ўғирлашдан ёмонроқ гуноҳ экани айтилган. Чунки
қўни-қўшничилик алоқаларининг яхши бўлиши бутун жамият-
нинг ислоҳ бўлишига олиб келади. Бир қўшни иккинчисига хиё-
нат қилдими, униси ҳам бунга хиёнат қилади. Бора-бора ҳамма
бир-бирига хиёнат қилишга ўтиб кетади. Чунки жамият қўшни-
ларнинг улкан йиғиндисидан иборат.

Бир одам Аллоҳ таолодан кўрқиб, қўшнининг ҳаққига роя
этса, уни ҳурмат қилса, унинг аҳли-аёлига, мол-мулкига кўз
олайтирмаса, бундай қилишни хаёлига ҳам келтирмаса, қўшни-
си ҳам унга худди шундай муносабатда бўлади. Бундан бошқа

кўшниллар ҳам ўрнак оладилар. Шу тариқа, бутун жамият бири-бирга яхши муносабатда бўлади, юқоридаги гуноҳ ишларга ўрин қолмайди, охир-оқибат у бахтли-саодатли, тинч-тотув яшайдиган жамиятга айланади.

Яхши кўшни инсон саодати омилларида бири эканини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз хадиси шарифларида баралла эълон қилганлар.

عَنْ نَافِعِ بْنِ عَبْدِ الْحَارِثِ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مِنْ سَعَادَةِ الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ الْمَسْكَنُ الْوَاسِعُ، وَالْجَارُ الصَّالِحُ، وَالْمَرْكَبُ الْهَيِّئُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Нофеъ ибн Абдулҳорисдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кенг маскан, солиқ кўшни ва яхши маркаб мусулмон кишининг саодатидандир», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Шунинг учун ҳам Ислолда кўшничиликка жамиятдаги энг муҳим алоқалардан бири сифатида қаралади. Шу боис ҳам кўшничилик алоқаларига Қуръони Каримда, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида, шариат таълимотларида, мужтахид уламоларимизнинг ижтиҳодларида, тасаввуф ва адабиётларда катта эътибор берилган. Қуйида эътиборингизга мазкур таълимотлардан чиқарилган хулосаларни тақдим этамиз.

Кўшнининг ҳақлари:

• **Кўшнининг шуфъа ҳаққи бордир.**

«Шуфъа» луғатда «кўшиш» ва «жуфтлаш» маъносини англатади. Шариатда эса эски шерикка шериклик нарсани сотиб олиш имтиёзи мажбуран берилишини англатади. Ана шу ҳақ кўшнига ҳам берилади. Яъни уйини сотмоқчи бўлган одам аввал бу ҳақда кўшнисини хабардор қилади. Кўшнисини сотиб олмас, кейин бошқаларга сотишга ўтади.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «الْجَارُ أَحَقُّ بِشُفْعَةِ جَارِهِ يُنْتَظَرُ بِهَا وَإِنْ كَانَ غَائِبًا إِذَا كَانَ طَرِيقَهُمَا وَاحِدًا». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қўшни ўз қўшни-сининг шуфъасига ҳақлидир. Агар йўллари битта бўлиб, у гойиб (йўқ) бўлса, кутиб турилади», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

• Киши ўз қўшнисини деворига ёғоч, тўсин ўрнатишига ҳақли. Девор эгаси уни бундан қайтара олмайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَمْنَعُ جَارٌ جَارَهُ أَنْ يَغْرِزَ حَشْبَهُ فِي جِدَارِهِ»، ثُمَّ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: مَا لِي أَرَاكُمْ عَنْهَا مُعْرِضِينَ، وَاللَّهِ لَأَرْمِينَ بِهَا بَيْنَ أَكْتافِكُمْ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қўшни ўз қўш-нисининг деворига ёғочини ўрнатишига монелий қилмай-ди», деганлар. Не бўлдики, сизлар бундан юз ўгирыяпсиз? Аллоҳга қасамки, мен у билан сизнинг елкаларингизга ураман».

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Қўшнининг қўшнида ҳаққи борлиги учун, уни ўзининг дево-рига ёғочини ўрнатишидан ҳам қайтара олмас экан.

Қўшниларнинг муомала одоблари:

• Қўшнига яхшилик қилиш уни кўрганда салом бериш ва ҳолини сўрашдан бошланади.

• Қўшнига яхшилик қилиш унинг ҳождати тушган ишлар-ида ёрдам бериш ва ундан ёмонликларни даф қилиш билан бўлади.

• Қўшнига зинҳор озор берилмайди, унга фақат яхшилик қилинади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قِيلَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ فُلَانَةَ تَقُومُ اللَّيْلَ، وَتَصُومُ النَّهَارَ، وَتَفْعَلُ وَتُصَدِّقُ، وَتُوذِي جِيرَانَهَا بِلِسَانِهَا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا حَيْرَ فِيهَا، هِيَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ». قَالُوا: وَفُلَانَةٌ تُصَلِّي الْمَكْتُوبَةَ،

وَصَدِّقُ بِأَثْوَارٍ، وَلَا تُؤْذِي أَحَدًا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «هِيَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламга «Эй Аллохнинг Расули! Фалон аёл кечаси билан намозда қоим бўлади, кундузи нафл рўзалар тутади, яна бошқа фалон-фалон яхшиликларни қилади, садақа беради, лекин тили билан қўшниларига озор етказади», дейишди. Расулulloх соллаллох алайҳи васаллам: «У аёлда яхшилик йўқ, у дўзах аҳлидан», дедилар. (Бояги кишилар): «Фалончи аёл бўлса фарз намозларини ўқийди, бир бўлаккина қурут садақа қилади, лекин бирор кишига озор бермайди», дейишди. Расулulloх соллаллох алайҳи васаллам: «Ана шу аёл аҳли жаннатдан», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда кўни-қўшниларга озор бермаслик, уларни беҳурмат қилмаслик нақадар зарур иш экани таъкидланмоқда. Кўни-қўшниларга ёмон муносабатда бўлиш, уларга озор бериш ўқилган нафл намозлар, тутилган нафл рўзаларни ҳам ювиб кетиб, уларни фойдасиз ҳолга келтириб қўяди.

• *Кўшига очиқ юзли ва ширинсўз бўлиш, таом бериш каби ишлар билан икром кўрсатилади.*

عَنْ أَبِي ذَرٍّ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «يَا أَبَا ذَرٍّ، إِذَا طَبَخْتَ مَرْقَةً فَأَكْثِرْ مَاءَ الْمَرْقَةِ وَتَعَاهَدْ جِيرَانَكَ أَوْ اقْسِمْ فِي جِيرَانِكَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Зарр розияллоху анхудан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй Абу Зарр, шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ қилиб, қўшниларингдан хабар ол ёки қўшниларингга ҳам тақсимлаб бер», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда қўшничилик алоқаларини яхшилашнинг энг халқчил омилларидан бири ҳақида сўз юритилмоқда. Қўшничилик муносабатларида катта ё кичик, арзийди ёки арзимай-

ди деган нарса бўлмайди, бунда кўп нарса талаб қилинмайди. Шўрванинг сувини мўлроқ қилиб, ундан кўшнига ҳам бериш ҳам кўшнига яхшилик қилишдир.

Гап таомда эмас, кўшнига бўлган эътибордадир. Бу муомаладан кўшни хурсанд бўлади. У ҳам жавоб тарикасида яхшилик қилишга ўтади. Оқибатда жамият аъзолари орасида ижтимоий алоқалар мустаҳкамланади. Бу эса ҳар бир жамият учун жуда керакли омилдир.

- Яхши кўшничилик аломатларидан бири муҳтож бўлганида, унга қарз беришдир. Бу ҳам кўшнининг ҳожатини чиқариш, ҳам унинг ишончини қозонишга хизмат қилади.

- Яхши кўшничилик аломатларидан бири бемор бўлса, уни бориб кўришдир.

- Яхши кўшничилик аломатларидан яна бири унинг таъзиясида иштирок этишдир.

- Яхши кўшничилик аломатларидан яна бири хурсандчилигини табриклашдир.

- Яхши кўшничилик аломатларидан яна бири у тарафдаги деворни баланд қилиб юбормасликдир.

- Кўшнига яхшилик қилиш унинг хато ва камчиликларини кечириш билан ҳам бўлади.

- Кўшнига яхшилик қилиш унинг фарзандларига лутф кўрсатиш, яхшилик ва насиҳат қилиш ҳамда меҳрибон бўлиш билан ҳам юзага чиқади.

- Кўшнига яхшилик қилиш унинг маҳрамларидан, аҳли аёлидан, келин-қизларидан кўзни тийиш билан ҳам бўлади.

- Кўшнига яхшилик қилиш унинг сирларини пойламаслик ва ошкор қилмасликдир.

- Кўшнига яхшилик қилиш унинг йўқлигида уйи, ховли-ҳарамини муҳофаза қилиш билан ҳам бўлади.

- Кўшнига яхшилик қилиш уни турли баланд овозлар – бакир-чакир, радио-телевизор шовқини, такир-тукир кабилар билан безовта қилмаслик билан ҳам бўлади.

- Кўшнига яхшилик қилиш унинг йўлини торайтирмаслик, йўлига ахлат ташламаслик, булғатмаслик билан ҳам бўлади.

- Кўшнига яхшилик қилиш унинг чегарасига тажовуз қилмаслик билан ҳам бўлади.

- Қўшнига яхшилик қилиш у томонга қуёш ёки ҳавони тўсайдиган, унинг ҳовли-жойига назар тушадиган даражада баланд иморат қурмаслик билан ҳам бўлади.

- Қўшнига яхшилик қилиш унга керакли насихатни қилиш, билмаган нарсасини ўргатиш билан ҳам юзага чиқади.

- Қўшнига яхшилик қилиш ундан содир этиладиган озорлар, беодобликлар ва жафоларга сабр қилиш билан ҳам бўлади.

- Қўшнига яхшилик қилиш унга шахсан ёки молиявий ёрдам бериш билан бўлади.

- Қўшнига яхшилик қилиш унга таом ва мевалар ҳадя қилиш билан бўлади.

- Қўшнига яхшилик қилиш ҳожати тушганда унга ёрдам бериш билан бўлади.

ИЛМ ОДОБЛАРИ

«Илм» сўзи луғатда бир нарсани воқеъликдагидек идрок этишни билдиради. Шаръий истилоҳда эса маънавий ишларда нарсаларни тескариси йўқ даражада аниқ билиш сифатига «илм» дейилади.

Ислом диничалик илмни улуғлаган дин, тузум ёки фалсафа йўқ. Ҳар бир шахсга илм талаб этишни фарз (мажбурий) қилиш ҳам фақат Исломда бор, холос.

Қуръони Каримда илм ва уламолар энг олий мақомга қўйилган. Ҳадиси шарифда ҳам илм, уни талаб қилиш, уламолар ҳақида кўплаб маълумотлар келган. Буларнинг ҳаммасини жамлаб, Исломнинг илмга бўлган муносабати ҳақида тасаввур ва шунга яраша аҳкомлар чиқарилган.

Мусулмонлар ўз ҳаётларида Қуръон ва Суннат таълимотларига амал қилиб яшаган пайтларида илм нурина бутун оламга тарқатганлар. Ёшу қари, эркагу аёл бешикдан то қабргача илм талаб қилишнинг ўзи учун фарз эканини тўла ҳис қилган ҳолда умр бўйи ўзини толиби илм ҳисоблаб яшаган. Ўша даврни яхшилаб ўрганган ғарблик инсофли шарқшунослардан бири Ислом умматини «тўлалигича мадрасага қатнайдиған уммат» деб сифатлаган.

Бу жуда тўғри сифатдир. Ҳамма тўлалигича Ислом шарияти асосида ҳаёт кечирган ўша вақтда Ислом нуридан баҳраманд бўлган ҳар бир юрт, ҳар бир ўлкада илм-фан, маърифат ва маданият гуллаб-яшнаган. Илмнинг ҳар бир соҳасида оламшумул кашфиётлар қилинган, улкан уламолар етишиб чиққан.

Илмни ва олимларни Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мадҳ этган. Аллоҳ таоло Мужодала сурасида марҳамат қилади:

يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларни, хусусан, илмга берилганларни даражаларга кўтарур» (11-оят).

Ушбу ояти каримада бандаларнинг олий даражаларга эришишлари учун иймон ва илм шарт қилиб қўйилмоқда. Инсон зотининг Аллоҳ таоло хузурида даражаси кўтарилиши омили сифа-

тида олдин иймон, кейин илм зикр қилинмоқда. Бундан инсон зотига иймон билан бирга илм ҳам зарурлиги аён бўлади. Қушнинг учиши учун икки қанот лозим бўлганидек, инсоннинг даражаси кўтарилиши учун ҳам икки қанот – иймон ва илм керак.

Афсуски, атеизм – даҳрийлик ҳукм сурган жойларда мазкур икки қанотнинг бири бўлмиш иймон кесиб ташланди. Иймон ва илм бир-бирига қарама-қарши нарсалар, дея жар солинди. Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида илмли бўлиш учун иймонсиз бўлиш керак, деган бемаъни тушунча пайдо бўлди. Шу туфайли илм ҳам фойда келтирмайдиган нарсага айланиб қолди. Оқибат нима билан тугагани ҳаммага маълум.

Аслида эса иймонсиз илм, илмсиз иймон бўлмаслиги керак. Замонанинг улуғ олимларидан, Нобел мукофоти соҳиби Алберт Эйнштейн: «Динсиз фан ўликдир, фансиз дин чўлоқдир», деган. Инсон зотининг икки дунёдаги саодати учун ушбу икки нарса биргаликда зарурий омил бўлгани учун, Қуръони Каримнинг юкоридаги оятида уларнинг иккови бандаларнинг даражалари кўтарилишига сабаб қилинмоқда. Бу ҳақиқатни барча яхши тушуниб етиши лозим.

Бу борадаги иккинчи англашилмовчилик диний доираларда «илм» деганда фақат диний илмларни тушуниб, бошқа илмларни унутиб қўйиш ҳолатидир. Шунинг учун бўлса керак, илм, олим ва илм ўрганувчилар одобига оид китоб, боб ва мақолаларда фақат диний илм, олим ва илм ўрганувчилар одоби ҳақида сўз юритилганини кўрамиз. Эҳтимол, бундай бўлишига қадимда мазкур илмларнинг барчаси бир бўлгани, илмларни ва уларнинг аҳллари бир-биридан ажратиш йўқлиги сабаб бўлгандир. Ҳа, авваллари илмларни диний ва дунёвийга ажратиш бўлмаган. Ҳаммаси бир хил – «илм» деб аталган ва шунга амал қилинган.

Шунинг учун ҳам қадимги даврда бир гуруҳ фалакиёт илми мутахассислари ўз касбларига оид китобни музокара қилиб ўтиришганида, диний уламолардан баъзилари ўтиб қолиб: «Нима қиялпсизлар?» деб сўрашган. Шунда фалакиётчилар: «Аллоҳ таолонинг «Улар назар солмасмилар туянинг қандай яратилганига... Ва осмоннинг қандай кўтарилганига?!» деган оятининг шарҳини ўрганиямиз», деб жавоб беришган.

Шунинг учун ҳам тиббиёт илми даҳоси Абу Али ибн Сино табибман деб ўтирмай, Ислом фалсафасининг кўзга кўринган арбобларидан бирига айланган, шаръий илмларни яхши билган ва Қуръони Каримнинг баъзи сураларига тафсир ёзган.

Исломда иймон бирламчи ҳисобланади. Ҳамма нарсанинг қабул бўлишига ва савобга сазовор қилишига иймон шарт қилиб қўйилган. Жумладан, илмнинг фойдали бўлишига ва савобга эриштиришига ҳам иймон асосий шартдир. Шу эътибордан диний эътиқод ва амалларга оид илм ҳам бирламчи ҳисобланади. Зотан, Аллоҳ таоло Қуръон оятида ҳам аввал иймонни, кейин илмни зикр қилган.

Исломда илм, унинг савоби ва яхшилиги ҳақида сўз кетганида, иймоннинг ҳамроҳи бўлган илм ҳақида сўз юритилади. Иймонли киши халққа манфаатли илмни ўрганса, илми билан кишиларга, жамиятига хизмат қилса, оят ва ҳадисларда ваъда қилинган даражаларга эришади, ажр-савоб олади.

Ушбу зарурий муқаддимадан сўнг илм ва илм аҳллари ҳақидаги баъзи оят ва ҳадисларни қисқача ўрганиб чиқайлик.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

«Аллоҳдан бандалари ичида фақат олимларигина кўр-карлар» (28-оят).

Аллоҳ таолонинг қудратини ҳис этиб, бу дунёнинг яратув-чиси борлигини англаб етиб, ақли билан Аллоҳни таниган ва Ундан кўрққан одамгина олим ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Зумар сурасида марҳамат қилади:

هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ

«Биладиганлар билмайдиганлар тенг бўларми-ди?!» (9-оят).

Албатта, тенг бўлмайдилар. Биладиганлар иймон келтириб, ибодат қилади, билмайдиганлар эса куфр келтириб, исён этади.

Аллоҳ таоло Анкабут сурасида марҳамат қилади:

وَتِلْكَ الْأَمْثَلُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ وَمَا يَعْقِلُهَا إِلَّا الْعَالِمُونَ

«Ушбу мисолларни Биз одамлар учун келтируرمىз. Лекин уларга фақат олимларнинг ақли етар» (43-оят).

Ушбу оятда келтириладиган мисолларни англаб, улардан ўрнатқ олиш учун ҳам илм зарурлиги таъкидланмоқда. Бу ҳам илмни ва олимни улуғлашдир.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رضي الله عنه قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم يَقُولُ: «مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَبْتَغِي فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ، وَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ لَتَضَعُ أَجْنِبَتَهَا رِضَاءً لِطَالِبِ الْعِلْمِ، وَإِنَّ الْعَالِمَ لَيَسْتَغْفِرُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ حَتَّى الْحَيَاتَانِ فِي الْمَاءِ، وَفَضْلُ الْعَالِمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِ الْقَمَرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ، إِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ، إِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُورَثُوا دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا، إِنَّمَا وَرَثُوا الْعِلْمَ، فَمَنْ أَخَذَ بِهِ أَخَذَ بِحِطِّ وَافِرٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَهُوَ اللَّفْظُ.

Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг шуни айтаётганларини эшитдим: «Ким илм талаб қилиш йўлига юрса, Аллох унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Фаришталар толиби илмни рози қилиш учун қанотларини қўяди. Олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар. Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Олимлар анбиёларнинг меросхўрларидир. Анбиёлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган. Лафз Термизийники.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «الْكَلِمَةُ الْحِكْمَةُ ضَالَّةُ الْمُؤْمِنِ،

فَحَيْثُ وَجَدَهَا فَهُوَ أَحَقُّ بِهَا». وَفِي رِوَايَةٍ: «مَنْ طَلَبَ الْعِلْمَ كَانَ كَفَّارَةً لِمَا مَضَى». رَوَاهُ الرَّمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Хикматли калима мўминнинг йўқотган нарсасидир, уни қаерда топса ҳам унга ҳақлироқдир», деганлар».

Бошқа бир ривоятда:

«Ким талаби илм қилса, ўтган нарсаларга каффорат бўлур», дейилган.

Термизий ривоят қилган.

Ҳадиси шарифдаги «хикматли калима»дан мурод фойдали илмдир. Хикмат – илм экани ҳаммага маълум. Ўша хикмат бир калима бўлса ҳам, мўмин киши уни олишга уриниши лозим.

Талаби илм ибодатдир. Илм талаб қилиш савоб ишдир. Талаби илм баъзи ўтган гуноҳларнинг ювилишига сабабдир. Шунинг учун ҳам мусулмонлар доимо илм талабида бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам шариатда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарз қилинган.

ИЛМ ТАЛАБ ҚИЛИШ ФАРЗДИР

Ислонда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун бешикдан то кабрғача фарз қилинган. Бу маънони кенгрок тушунишга ҳаракат қилайлик. Фарз Аллоҳнинг қатъий амри бўлиб, уни бажариш ҳар бир мўмин учун мажбурийдир. Фарз амални бажармаган одам катта гуноҳ иш қилган бўлади, охиратда иқобга учрайди.

Фарз икки қисмга бўлинади: биринчиси – фарзи айн, иккинчиси – фарзи кифоя.

Фарзи айн – ҳар бир мусулмон шахсан бажариши лозим бўлган иш. Уни биров учун биров адо эта олмайди. Бунга намозни мисол қилиш мумкин. Балоғатга етган ҳар бир мўмин беш вақт намозни ўқиши фарзи айн, ўқимаган одам гуноҳкор бўлади.

Фарзи кифоя эса баъзи бир мусулмонлар адо этса, бошқалар учун ҳам кифоя қиладиган ишдир. Жаноза намози бунга мисол бўла олади. Бир мусулмон вафот этса, уни ювиб-тараб, жаноза-

сини ўқиб, кўмиш ҳамма мусулмонлар учун фарз бўлади. Аммо фарзи кифоя бўлгани учун, баъзи мусулмонлар жанозасини ўқиса, кифоя қилади. Бошқалардан фарз соқит бўлади.

Илм талаб қилиш борасида эса фарзнинг иккала қисми ҳам ишга тушади.

Ҳар бир мусулмон учун ўзига керакли, ҳаёти учун зарур илми, дину диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиш, бунинг учун зарур бўлган нарсаларни ўрганиш фарзи айнди. Ҳар бир мусулмон бу ишни қилиши шарт, қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

Мусулмонлар жамоаси учун керакли бўлган ҳунар ва илмларни талаб қилиш эса фарзи кифоядир. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида етарли мутахассисларни тайёрлаб олиш Исломи жамиятининг барча аъзоларига фарз бўлади. Эҳтиёжни қондирадиган даражада ва ададда мутахассис тайёрлаган жамият аъзолари бўйнидан мазкур умумий масъулият соқит бўлади. Бу фарз энди ўша мутахассислар зиммасига ўтади. Агар жамиятда уларнинг соҳаси бўйича камчилик юзага келса, гуноҳи ўша мутахассисларга бўлади.

ИЛМ ТАЛАБ ҚИЛИШ ОДОБЛАРИ

Исломи адабиётлар ичида илм, таълим, олим, муаллим ва толиби илм одобларига бағишланган асарлар жуда кўп. Уларда ўта фойдали маслаҳатлар тақдим қилинган. Ўтган сатрлардан илм талаб қилиш аҳамиятли ва шарафли иш эканини англаб олдик. Шу билан бирга, ҳар бир талабанинг илм талаб қилиш бўйича одоблари борлигини ҳам билишимиз ва уларга риоя қилишимиз зарур. Илм толибининг одоблари икки қисмга: илмга нисбатан бўладиган одоблар ва муаллимга нисбатан бўладиган одобларга бўлинади.

1. Талабанинг илмга нисбатан бўладиган одоблари қуйидагилардан иборат:

• **Ниятни ҳолис қилиш.**

Исломида илм талаб қилиш, хусусан, динда фақиҳ бўлиш учун илм ўрганиш фақат Аллоҳ таолонинг розилиги учун бўлади. Шундай қилган одам икки дунёнинг бахт-саодатига эришади. Бу дунёда ҳурмат-эҳтиром ила ҳаёт кечиради. Охирада эса жаннати маъводан жой олади. Аммо ким диний илмни дунёнинг ўткинчи матоҳига эришиш учун ўрганса, яъни мансаб

учун, пул-мол учун, риё учун ўрганса, жаннатнинг хидини ҳам топа олмайди.

Бу ерда ниятни поклаш олдинги ўринга қўйилмоқда. Илм талаб қилмоқчи бўлган шахс ниятини яхши қилиши, олган илми билан халққа хизмат қилиб, Ҳақни рози этишни кўзлаши керак. Ўшанда олган илми фойдали бўлади: дунёга ҳам эришади, охира-рат савобига ҳам эга бўлади. Аммо ниятни молу дунёга, риёга боғласа, охира-рат савоби бўлмайди, дунё хаваси ҳам аниқ амалга ошмайди.

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «مَنْ طَلَبَ الْعِلْمَ لِيُجَارِيَ بِهِ الْعُلَمَاءَ أَوْ لِيُمَارِيَ بِهِ السُّفَهَاءَ أَوْ يَصْرِفَ بِهِ وُجُوهَ النَّاسِ إِلَيْهِ أَدْخَلَهُ اللَّهُ النَّارَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ.

Каъб ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким илмни ула-молар билан можаро қилиш учун, эсипастрларга ғолиб ке-лиш учун ёки у билан одамларни ўзига қаратиш учун ўр-ганса, Аллох уни дўзахга киритади», дедилар».

Термизий ва Ибн Можжа ривоят қилган.

Исломда илмни шахсий ғараз, мол-дунё ва арзон манфаатлар учун ўрганилмайди. Балки таълим олишнинг бош унсурлари – инсон, илм ва вақт ҳамма нарсадан қиммат саналади ва устун қўйилади. Уларни мол-дунё ва мансаб каби ўтқинчи орзу-хавас-нинг паст даражасига раво кўрилмайди.

• *Нафси поклаш ва разолатлардан холи қилиш.*

Илм талаби йўлига кирган шахс илм олиш ва унинг марта-баларига эришишдан олдин ўзини турли ёмонлик-гуноҳлардан, нафсини турли разолатлардан ва хулқини эса қораланган си-фатлардан поклаши зарур. Бунга эришиш йўлида илм толибига мол-дунё ва унга тегишли нарсалардан алоқасини узиш, олий ўқувлар босқичида қалби илмга ажраб чиқиши учун ватанидан, аҳлидан узоқда бўлиш фойда беради. Шунинг учун ҳам барча халқларда таълим муассасаларида билим олиш сафар қилиш асосида йўлга қўйилган. Илм учун қалбни поклаш ишлари ичи-

да тавозели бўлиш, такаббурни тарк қилиш кабилар ҳам мавжуд. Қалбни поклаш орқали илм олишга ва ундан фойда топишга кенг йўл очилади.

عَنِ التُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضَغَةً، إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Билиб қўйинглар: жисмда бир парча гўшт борки, у соғ бўлса, жисмнинг ҳаммаси соғ бўлади; у касал бўлса, жисмнинг ҳаммаси касал бўлади. Билиб қўйингларки, ўша нарса – қалбдир», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилган.

• *Илм мажлисларини излаш, уларнинг самарасидан фойдаланиш.*

Бунда илм толибининг ўзи кўзлаган фойдали илмни олиши мумкин бўлган манбалардан унумли фойдаланиши кўзда тутилади.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا مَرَرْتُمْ بِرِيَاضِ الْجَنَّةِ فَارْتَعَوْا»، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا رِيَاضُ الْجَنَّةِ؟ قَالَ: «مَجَالِسُ الْعِلْمِ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннат боғлари ёнидан ўтсангиз, сайил қилинг», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, жаннат боғлари нимадир?» дейишди. «Илм мажлислари», дедилар».

Тобароний ривоят қилган.

• *Илм талабида садоқатли бўлиш, барча вақт ва ҳаракатни таҳсил олишга қаратиш, илмга халақит берадиган барча нарсадан юз ўгириш, ҳаромдан ҳазар қилиш ва маъсиятдан четда бўлиш лозим.*

Бу борада одатда имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳининг куйидаги машҳур байтлари мисол тарзида келтирилади:

Вакийъга дедим: «Хотирам заифдир,

Деди: «Давоси – маъсиятлар таркидир.

Билгинки, илм Аллоҳнинг нуридир.

Аллоҳнинг нури осийдан наридир».

• Илм талабида ихлос қилиш.

Ҳар бир яхшиликка эришиш учун албатта ихлос керак. Ихлоссиз бирор фойдали ишнинг, хоссатан, илм олишнинг амалга ошиши қийин. «Ихлос» сўзи луғатда «тозалаш», «тўғрилаш» маъноларини англатади. «Холис бўлди» дегани «мусаффо бўлди» маъносига тўғри келади. Кафавий: «Ихлос ибодатга сазовор Зотнинг ёлғиз Ўзини ибодат ила қасд қилишдир. Дил, тил ва амалнинг мусаффо бўлиши, дейилгани ҳам бор», деган.

• Динига, дунёсига, охиратига, ватанига, халқига фойдали бўлган илмни талаб қилиш. Бефойда, вақти ўтган ва зарар берадиган илмдан четда бўлиш.

عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَا أَقُولُ لَكُمْ إِلَّا كَمَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «...اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، وَمِنْ قَلْبٍ لَا يَخْشَعُ، وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَسْبَعُ، وَمِنْ دَعْوَةٍ لَا يُسْتَجَابُ لَهَا». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган нарсаларнигина айтаман: «...Аллоҳим, мен Сендан наф бермайдиган илмдан ва кўркмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва ижобат бўлмайдиган дуодан паноҳ тилайман».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

• Гўзал ҳайъатни, тавозуни, сокикликни ва илмнинг виқорини лозим тутиш.

Юриш-туришда, гапиришда ва ўзини тутишда илмнинг ша-рафига хилоф бўлган нарсалардан четда бўлиш.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «تَعَلَّمُوا الْعِلْمَ، وَتَعَلَّمُوا لِلْعِلْمِ السَّكِينَةَ وَالْوَقَارَ، وَتَوَاضَعُوا لِمَنْ تَتَعَلَّمُونَ مِنْهُ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар: «Илмни ўрганинглар. Илм учун сокинлик ва виқорни ўрганинглар. Ўзингиз таълим олаётган зотга тавозели бўлинглар».

Тобароний ривоят қилган.

• *Бехуда талашиб-тортишишни тарк қилиш.*

Чунки бу иш фойда келтирмайди, одамлар орасини бузади, кишиларда ҳикду ҳасадни кўпайтиради, қалбнинг қорайишига сабаб бўлади.

• *Илмни ҳақиқий мутахассис, одобли ва етук олимлардан олиш.*

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِنَّ هَذَا الْعِلْمَ دِينٌ، فَلْيَنْظُرْ أَحَدُكُمْ مِمَّنْ يَأْخُذُ دِينَهُ». رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَابْنُ عَدِيٍّ.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ушбу илм диндир. Ҳар бирингиз динини кимдан олаётганига қарасин».

Ҳоким ва Ибн Адий ривоят қилган.

• *Илм олиш, ёдлаш ва такрор қилишда сабрли бўлиш.*

Вақтдан илмни зиёда қилишда фойдаланиш лозим. Зотан, ушбуларсиз ҳақиқий илм таҳсил қилиш мумкин ҳам эмас.

• *Тушунини қийин бўлган ҳар бир нарсани сўраб ўрганиш.*

Ҳар бир масалани яхшилаб ўзлаштириб олгунча изланишни давом эттириш керак бўлади. Илм талаб қилишда уялмаслик, тортинмаслик зарур. Ибн Аббос розияллоху анхуга: «Бу илмни нима ила ҳосил қилдинг?» дейишганда, «Сўровчи тил ва ақлли дил ила», деганлар. Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳи: «Илмни хаё қилувчи ҳам, мутақаббир ҳам ҳосил қила олмайди», деган.

• *Илм мажлисларига эртaroқ бориш.*

Бунда у ердаги фикрлар ва маъноларга қаттиқ интилиш бўлади. Уларни вақтида ёзиб, қайд қилиб, такрорлаб, ўзлаштириб бориш керак. Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳи: «Илм овдир, уни қайд қилиш ёзувдир, овларингизни пишиқ арқонлар ила қайдлаб боринг», деганлар.

2. Талабанинг муаллимига нисбатан одоблари жумладан, қуйидагилардан иборат:

• *Муаллимга тавозели бўлиш.*

Агар муаллим талабадан кичик ёшда бўлса ҳам, унга алоҳида эҳтиром кўрсатилади. Ибн Аббос розияллоху анхумо: «Талабаликда ўзимни хор тутдим, талаб қилинганимда азиз бўлдим», деганлар.

• *Олимни эҳтиром ва иззат-икром қилиш, қадрини билиш. Унга улуғлаш назари билан қараши.*

وَفِي الْأَنْبَاءِ: لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يُوقِّرْ كَبِيرَنَا، وَيَرْحَمْ صَغِيرَنَا، وَيَعْتَرِفْ لِعَالِمِنَا.

Асарлардан бирида:

«Ким қаттағимизни улуғламаса, кичигимизга раҳм қилмаса, ва уламоларимизни эътироф қилмаса, биздан эмас», дейилган.

• *Муаллим келганда ўрнидан туриб ҳурмат ила қутиб олиши.*

• *Муаллимнинг дарсида одобли бўлиш, жим ўтириб тинглаш ва одоб билан савол бериш.*

• *Дарсдан чиқиб кетмаслик.*

Ўта зарур ҳолатлардагина, шунда ҳам устоздан изн сўраб чиқилади.

• *Толиби илмнинг шогирд тушишига изн сўраши, муаллимдан илм олиши ва унинг итоатида бўлиши талаб этилади.*

Аллох таоло Каҳф сурасида марҳамат қилади:

قَالَ لَهُ مُوسَى هَلْ أَتَيْتُكَ عَلَىٰ أَنْ تَعْلِمَ مِنَّمَا عَلَّمْتَ رُشْدًا ۖ قَالَ

إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ۗ وَكَيْفَ تَصْبِرُ عَلَىٰ مَا لَمْ تُحِطْ بِهِ، خَبْرًا ۗ قَالَ

سَتَجِدُنِي إِنْ شَاءَ اللَّهُ صَابِرًا وَلَا أَعْصِي لَكَ أَمْرًا ۗ

«Мусо унга: «Сенга ўргатилган илмдан менга ҳам ўргатмоғинг учун сенга эргашсам майлими?» деди. «Мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан. Илминг етмаган нарсага қандай сабр қиласан?» деди. «Иншааллоҳ, менинг сабрли эканимни кўурсан, сенга ҳеч бир ишда осий бўлмайман», деди» (66–69-оятлар).

Мусо алайҳиссалом улкан пайғамбар бўлишларига қарамай, ўзларидан кўра илмлироқ, ўзларига устоз бўлиши мумкин бўлган кишига ўта одоб билан мурожаат қилиб, унга шогирд тушишни сўрадилар. Солиҳ банда эса Мусо алайҳиссаломга ўзидаги илм оддий илм эмаслигини, бундай илмларга пайғамбар ҳам сабр қилиши қийинлигини айтди. Бўлаётган ҳодисани иҳота эта олмаган одам унга сабр қилиб, индамай қараб тура олиши қийин эканини эслатди. Мусо алайҳиссалом шогирд сифатида устознинг оғир шартларини ҳам қабул қилдилар ва унга зинҳор осий бўлмасликка ваъда бердилар.

• Муаллимнинг ҳақларини мукамал тарзда адо қилиш.

Ҳазрати Али розияллоху анху муаллимнинг мутаъаллимдаги ҳақлари тўғрисида қуйидагиларни айтганлар: «Қавмга умумий салом бериб, унга алоҳида беришинг. Унинг қаршисида ўтиришинг. Ҳузурда қўлларинг ила ишора қилмаслигинг. Кўзингни ундан бошқага тикмаслигинг. Унинг гапига хилоф гап айтмаслигинг. Унинг олдида бировни ғийбат қилмаслигинг. Унинг қоқилишини истамаслигинг. Агар йўлдан тойса, кечиришинг. Аллоҳ таоло учун уни улуғлашинг. Унинг ҳожати бўлса, бошқалардан кўра олдин хизматига интилишинг. Унинг мажлисида бирор киши билан сирлашмаслигинг. Унинг қийимини ушламаслигинг. Унга малол келтирмаслигинг. Суҳбатининг чўзилиб кетганидан безимаслигинг. У худди хурмо кабидир, ундан тушадиган нарса-ни пойлаб тур».

Илм олишнинг турли босқичларида илм олувчи ўзининг ёши ёки таълим босқичи қай даражада бўлишидан қатъи назар, толиби илм эканини зинҳор ёддан чиқармаслиги ва қуйидаги одобларга мунтазам риоя этиши керак бўлади:

- Дарс бошланишидан бир оз муддат олдин ҳозир бўлиш.**
- Шерикларига ва муаллимларга очиқ юз билан салом бериш.**

- Умумий низомга амал қилиш, ташқи кўринишни ва ўзини тутишни гўзал қилиш.
- Кундалик машғулотлар учун керакли китоб, дафтар, қалам каби нарсаларни камчиликсиз ҳозир қилиш.
- Дарсда диққат билан иштирок этиш.
- Бунда бошқа нарсаларга чалғимай, бутун вужуди билан дарсни қабул қилиб олишга уриниши лозим.
- Дарсда дафтар-қаламларни ўйнамаслик, бошқалар билан гаплашмаслик, атрофга алангласлик.
- Керакли маълумотлар ва топшириқларни унутиб қўймаслик учун махсус дафтарга ёзиб олиш.
- Дарслар орасидаги танаффус пайтларидан унумли фойдаланиш ва ўзини одоб доирасида тутиш.
- Танаффус пайтида қўл ювиш ва шунга ўхшаш инсоний ҳолатларни ўз вақтида бажариб олиш.
- Агар овқатланиш керак бўлса, унинг одобларига риоя қилган ҳолда махсус жойда амалга ошириш.
- Бировнинг нарсасини фақат унинг руҳсати билан олиш.
- Ўша нарсани қайтариб берганда эса ташаккур айтиши керак.
- Ўзгаларни масхара қилмаслик, лақаб тўқимаслик ва озор берадиган ҳазилларни қилмаслик.
- Гўзал ахлоқли, дарсларни яхши ўзлаштирадиган, заковатли ва одобли талабалар билан дўст бўлиш.
- Дарсларни ўз вақтида, кунт билан тайёрлаш.
- Ўқув йилининг аввалидан имтиҳонларга пухта тайёрланиб бориш.
- Бунинг учун дарсларни кунт билан, қолдирмасдан тайёрлаб бориш лозим.
- Имтиҳонларда алдамчилик, бировдан кўчириш, махфий ёрдам олиш ва бошқа тартиббузарликларга йўл қўймаслик.
- Уйга келганда ҳар бир дарсдан берилган вазифани ўз вақтида пухта тайёрлаб қўйиш, ортга сурмаслик.
- Кундалик дарс жадвалининг риоясини қилиб, келаси кунги дарсларни эътибор билан қайтариш, унга керакли китоб ва дафтарларни тайёрлаб қўйиш.
- Дарс учун керак бўлган китоб, дафтар ва бошқа анжамларни ораста тутиш.

- Барча дарсларда пешқадам бўлишга тиришиш, аълочи бўлишга, вақтни зое қилмасликка ҳаракат қилиш.
- Доимо Аллоҳ таолодан манфаатли илм беришини сўраб дуода бўлиб туриш.

ТАЪЛИМ БЕРИШ ВА МУАЛЛИМ ОДОБЛАРИ

«Таълим» бир нарсанинг ҳақиқатини батафсил ва яхшилаб билдириш маъносини англатади. «Таълим бериш», «дарс бериш» ва «ўргатиш» сўзларининг маънолари бир-бирига яқин бўлиб, маълумотларни муаллимдан мутаъаллимга (таълим олувчига) нақл қилишни билдиради. Таълим шарҳлаш, очиқлаш, яқинлаштириш, хужжатлаш, далил келтириш, тарбия бериш ва насихат қилиш каби ишлардан иборатдир.

Таълим бериш билан таълим олиш бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Бирисиз иккинчиси бўлмайди. Шунинг учун ҳам талаба бўлиб илм олишга қанчалик тарғиб қилинган ва бу ишга савоб-мартабалар ваъда қилинган бўлса, олим бўлиб таълим беришга ҳам шунчалар тарғиб қилинган ва бу ишга ҳам савоб-мартабалар ваъда қилинган. Илм талаб қилиш фарз бўлгани каби, таълим бериш ҳам фарз қилинган.

Мўмин-мусулмонлар таълим ишларига доимо катта эътибор бериб келишган. Шунинг учун ҳам Исломга амал қилинган даврларда мусулмон оламида илм кенг миқёсда тарқалган, дунё аҳамиятига молик улуғ алломалар етишиб чиққан. Мусулмонларчалик кўп олим етиштирган миллатни тарих ҳали-ҳануз билмайди. Бу ҳолатни яхшилаб ўрганган ғарблик шарқшунослардан бири инсоф билан: «Мусулмонлар барча-барчалари мадрасага қатнайдиган бутун бошли бир миллат бўлган», деб ёзган.

Ҳа, мусулмонлар бешиқдан то қабргача илм излашган. Ҳар бир эркагу аёлга илм талаб қилиш фарзлиги учун ўз ихтиёрлари билан, иймон ва ихлос ила, мисли кўрилмаган шавку завк билан таълим ишларига шўнғишган.

Мусулмонларнинг таълим борасида қилган саъй-ҳаракатлари туфайли дунёда биринчи тўлақонли дорилфунунларга асос солинди. Мағрибнинг Фас шаҳридаги «Қаравийюн», Тунисдаги «Зайтуна» ва Қоҳирадаги «ал-Азҳар» дорилфунунларининг минг йиллик байрамлари ўтказилганига анча бўлди. Исломнинг таълимга бер-

ган аҳамиятидан таълим ходимлари бўлмиш муаллимларни улуглаш ва уларга бўлган хурмат-эҳтиром юзага келган.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ وَأَهْلَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ حَتَّى النَّمْلَةَ فِي جُحْرِهَا وَحَتَّى الْحُوتَ لَيُصَلُّونَ عَلَى مُعَلِّمِ النَّاسِ الْخَيْرِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Умома Боҳилий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллох, Унинг фаришталари, осмонлару ернинг аҳли, хаттоки уясидаги чумоли ва балиқ ҳам одамларга яхшиликни ўргатувчига салавот айтадилар», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдаги одамларга яхшиликни ўргатувчилар асосан мусулмон муаллимлардир. Бу шарафга муяссар бўладиганларга кичкинтойларга алифбе ҳарфларини ўргатаётган муаллимлардан тортиб, фан докторлиги илмий ишларига раҳбарлик қилаётган устозлар, илмий кашфиётларни бошқараётган раҳбарларгача барчалари кирадилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا مَاتَ ابْنُ آدَمَ انْقَطَعَ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثٍ: صَدَقَةٍ جَارِيَةٍ، أَوْ عِلْمٍ يُنْتَفَعُ بِهِ، أَوْ وَلَدٍ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ». رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Одам боласи ўлганида амали узилади, фақат уч нарса: жорий садақа, манфаат олинадиган илм ёки унинг ҳаққига дуо қиладиган солих фарзанд бундан мустасно», дедилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насай ривоят қилган.

Мўмин одам ўз вафотидан кейин ортидан манфаат берадиган илм қолдирса, савоби узилмайдиган амал қолдирган бўлади. Бу эса илмнинг асари доимий бўлишидир.

Киши қандай қилиб ўзидан кейин манфаат берадиган илм қолдира олади? Бу иш, аввало, бошқаларга илм ўргатиш билан амалга ошади. Модомики, шогирдлар, шогирдларнинг шогирдлари ўша илмни ишлатмоқдами, кишиларга манфаати етмоқдами, устозга савоби ёзилиб тураверади.

Иккинчиси китоб ёзиб қолдириш билан бўлади. Қуръон, ҳадис ва диний илмлар бўйича, мусулмонларга фойда келтирадиган бошқа илмлар бўйича иймон ва ихлос билан китоб ёзиб қолдирган кишига, агар китобидан мусулмонлар фойдаланиб туришса, ўлганидан кейин ҳам унга савоб етиб тураверади.

Учинчиси илм йўлида хизмат қилиш билан бўлади. Мисол учун, имконияти бор одам толиби илмларга, устозларга илм йўлида ёрдам бериб, илм даргоҳи куради, ўз маблағидан китоб чоп эттиради, кутубхона қилади ва ҳоказо. Мана шунга ўхшаш ишлар илм йўлида хизмат қилиш ҳисобланади. Бу ишларни қилган одамлар вафот этиб кетса ҳам, савоблари узилмай бориб туради.

Мўмин-мусулмонлар таълим ишларига доимо катта эътибор бериб келишган. Шунинг учун ҳам маълум даврларда мусулмон оламида илм кенг миқёсда тарқалган, дунё аҳамиятига молик улуг алломалар етишиб чиққан.

Муаллим одоблари қуйидагилар:

Муаллимларнинг шарафли вазифаларини адо этиш жараёнида амал қилишлари лозим бўлган одоблари ҳам мавжуд. Уламолар қадимдан бу мавзуга алоҳида эътибор билан қараб, унинг баённи қилганлар. Қуйидаги сатрларда мазкур одоблардан айримларини келтиришга ҳаракат қиламиз:

• *Илмни лозим тутиш, унга муҳаббат қилиш, унга бутун вужуди билан берилиш ва илмини зиёда қилиш учун доимо ҳаракатда бўлиш.*

Аллоҳ таоло Тоҳо сурасида марҳамат қилади:

وَقُلْ رَبِّ زِدْنِي عِلْمًا

«...Роббим, илмимни зиёда қил», дегин» (114-оят).

• *Илмига амал қилиш.*

Зотан, ҳақиқий олимнинг гапи ишига тескари бўлмайди. Бу гап диний олимларга алоҳида таъкидlidir. Чунки уларнинг

асосий вазибаларидан бири кишиларни тўғри йўлга бошлаш-
дир. Бунда эса уларнинг ўзлари гўзал ўрнак бўлишлари шарт.

Аллоҳ таоло Саф сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٢﴾ كَبُرَ مَقْتًا عِنْدَ
اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٣﴾

«Эй иймон келтирганлар! Нима учун қилмаган нарсаларин-
гизни гапирасиз?! Қилмаган нарсангизни гапиришингиз Ал-
лоҳнинг ҳузурда қаттиқ нафратга қолгандир» (2-3-оятлар).

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган ҳадисда
Набий алайҳиссалом дейдилар: «Қиёмат куни бир киши дўзахга
келтириб ташланади, шунда қорнидаги нарсалар ташқарига оти-
либ чиқади, у дўзахда ўз қорнидан чиккан нарсалар атрофида худ-
ди тегирмонни айлантирадиган эшак сингари айланиб юради. Дў-
захийлар уни ўраб олиб: «Эй Фалончи, сенга нима мусибат етди?
Бизга амри маъруф, наҳйи мункар қилган эдинг-ку?» дейишади.
Шунда у: «Сизларни яхшилиқка чорлар эдим-у, ўзим қилмас эдим,
ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилардим», дейди».

• *Илми зиёда бўлган сари Аллоҳ таолодан қўрқishi ва маъ-
рифати зиёда бўлган сари Аллоҳ таолога хушўси ортиб бо-
риши керак.*

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

«Бандалар ичида Аллоҳдан фақат олимларгина қўрқар-
лар» (28-оят).

Али розияллоху анху дедилар: «Икки киши умуртқамни син-
дирди. Илмига амал қилмаган олим ва ибодатга берилган жоҳил».

• *Таълим берувчининг дунёнинг ҳою ҳавасидан устун ту-
риши.*

وَلَا تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِ أَزْوَاجًا مِنْهُمْ زَهْرَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا لِنَفْتِنَهُمْ
فِيهِ وَرِزْقُ رَبِّكَ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ ﴿١٣١﴾

«Уларни синаш учун дунё ҳаётининг кўрки қилиб, айримларини баҳраманд қилган нарсаларимизга кўзингни тикма. Роббингнинг ризқи яхши ва боқийдир» (Тоҳо сураси, 131-оят).

Ҳасандан ривоят қилинади: «Ким илмни ирода қилса-ю, сўнг дунёга хирси зиёда бўлиб кетса, Аллоҳдан узоқлашиши зиёда бўлур».

• **Барчага бирдай тавозели бўлиш.**

Бунинг учун талабаларга шафқатли бўлиш, уларга таълим беришда шошилмаслик, талабаларга ўз фарзандидек қараш, уларнинг жоҳиллигини ва жафосини кўтариш, уларни жаҳолат зулматидан илм нурига олиб чиқишга уриниш, ҳожатларини фаҳмлаш ва ҳолатларини ҳисобга олиш, саволларига жавоб бериш, юзларига кулиб боқиш, қалбларини улфат қилиш, улар учун вақт сарфлаш каби ишларни бажариш талаб этилади.

Аллоҳ таоло Шуаро сурасида марҳамат қилади:

وَأَخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٢١٥﴾

«Ва сенга эргашган мўминларга қанотингни пастлат» (215-оят).

Яъни «Улар билан юмшоқ муомалада бўл, уларга меҳрибонлик кўрсат, тавозели бўл». Дарҳақиқат, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларга шундай муомалада бўлганлар.

• **Таълим беришга ихлос қилиш.**

Бунда таълимни одамлар фойдасига ишлатишда Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаш керак.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه قَالَ: قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيُّ جُلَسَائِنَا خَيْرٌ؟ قَالَ: «مَنْ ذَكَرَكُمْ اللَّهُ رُؤْيَتُهُ، وَزَادَ فِي عَمَلِكُمْ مَنْطِقَهُ، وَذَكَرَكُمْ فِي الْآخِرَةِ عَمَلُهُ». زَوَّاهُ أَبُو يَعْلَى.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ҳаммажлисларимиздан қай бири яхши?» дейишди. «Кўриниши сизга Аллоҳни эслатадиган,

гапи амалингизни зиёда қиладиган, амали эса сизга охиратни эслатадиган киши», дедилар».

Абу Яъло ривоят қилган.

• **Илми мустаҳкам эгаллаш.**

Унинг нозик жойларигача ва маъзигача етиб бориш. Илминг бир қисми ёки қобиғи билангина кифояланиб қолмаслик зарур.

• **Ҳилм, виқор, шошмаслик ва бағрикенгликни лозим тутиш.**

Зотан, бу сифатлар илминг зийнатидир.

• **Жоҳилларнинг жафосига, ҳасадчиларнинг ҳасадига, бўҳтончиларнинг извосига ва душманларнинг адоватига сабр қилиш.**

Аллоҳ таоло Аҳкоф сурасида марҳамат қилади:

فَاصْبِرْ كَمَا صَبَرَأُولُوا الْعَرْشِ مِنَ الرُّسُلِ وَلَا تَسْتَعْجِلْ لَهُمْ

«Азиймат соҳибни бўлган расуллар сабр қилгандек, сабр қил, уларга (азоб етишига) ошиқма!» (35-оят).

• **Илми талаб қилувчиларга керагича бериш.**

Ундан бирор нарсани беркитиб қолмаслик ҳам таълим берувчининг асосий вазифаларидандир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «مَنْ سُئِلَ عَنْ عِلْمٍ فَكْتَمَهُ أَلْجَمَهُ اللَّهُ بِلِجَامٍ مِنْ نَارٍ يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жимдан бир илм сўрашса-ю, у ўшани яширса, Қиёмат куни Аллоҳ уни оловли юган билан юганлайди», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• **Ҳужжатни эътибор билан тинглаб, қабул қилиш.**

Бунда хусуматчидан бўлса ҳам, ҳаққа бўйин эгиш, хатони тан олмасликдан четда бўлиш талаб этилади.

• **Илми уни талаб қилувчининг фаҳмлаш қобилиятига қараб бериш.**

Устозлар таълим беришда инсоннинг акли етмаган нарсдан четлаб ўтишини ҳисобга олишлари, паст даражадан бошлаб аста юқорилаб боришлари даркор.

• *Ичи ва ташининг гўзал бўлишини таъминлаш.*

Зотан, ҳақиқий илм соҳиби ичи бошқа, таши бошқа бўлмайди.

• *Яхши билмаган, ўзлаштирмаган ва охирига етмаган масалаларда ўзича ҳукм чиқармаслик.*

Бунда билмаган нарсаларини биладиганларга ҳавола қилиш, билмаганини «билмадим» дейишдан тортинмаслик мақбулроқ.

• *Талабаларга берган илмини миннат қилмаслик.*

Зотан, бундай қилиш амални ҳабата қилади. Талабаларга ўз мартабасининг кўтарилишига сабаб бўлувчи шахслар сифатида қарашга интилмаслик лозим.

• *Муаллимнинг одобларидан яна бири ўзи мутахассис бўлган илмдан бошқа илмларни қораламасликдир.*

Ҳақиқий олим талабаларни барча фойдали илмларга тарғиб қилади. Ҳамма дарсларни бирдек ўзлаштиришга чорлайди.

• *Муаллим ўз талабасини қўлига топширилган омонат дея билиши зарур.*

Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир талаба ота-онаси ва жамият томонидан устознинг қўлига топширилган буюк омонатдир. Бу борада устознинг зиммасига улкан масъулият юклатилган бўлади. Устоз талаба шахсиятининг шаклланиши, фикрларининг ўсиши, нафсининг тарбияланиши, илм олиши, маърифат ҳосил қилиши каби бир қанча ўта аҳамиятли нарсаларда масъулдир.

• *Муаллим талабаларига гўзал инсоний сифатларда, одоб-ахлоқда, илм-маърифатда, муомалада, ҳаётнинг барча соҳаларида жонли намуна бўлиши лозим.*

Таълим берувчи устоз риоя қилиши лозим бўлган одобларнинг асосий қисми мана шулардир.

СУҲБАТ ОДОБЛАРИ

Инсон табиатида маданийлик, одамларга аралашиб, улар билан муносабат ўрнатишга мойиллик мавжуддир. У ўзига ўхшаган инсонлар билан учрашиб, дўстлашиб, жамланиб, яхши алоқалар ўрнатиш ва улфат бўлишни истайди. Шу билан бирга, инсон зоти ёлғизликни, барчадан четда бўлишни, одамларга қўшилмасликни ёқтирмаслиги ҳам табиий. Инсонлар бирга бўлганларида, омонликни ҳис қиладилар, бир-бирларидан унс-улфат топадилар.

Умуминсоний алоқалар давомида дин, ватан, касб ва бошқа сабабларга қўра алоҳида алоқа ва муносабатлар шаклланиши ҳам доимий равишда бўлиб келаётган ишлардандир. Жумладан, мусулмонларнинг ўзаро биродарлиги ва мазкур биродарлик асосида бир-бирларидаги ҳақлари борасида шариатнинг тегишли ҳукмлари мавжуд бўлиб, мусулмонлар уларга доимий равишда ихлос билан амал қилиб келадилар.

Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ

«Мўминлар биродардир» (10-оят).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ، لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يُسْلِمُهُ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, унга зулм ҳам қилмайди, уни ташлаб ҳам қўймайди», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Ушбу мусулмонлик асосидаги биродарликка оид ҳукмлар ва одоблар шариатнинг кўпчилик ҳукмларида баён қилингани ҳаммага маълум.

Умуммусулмон биродарлиги ичида кишиларнинг ўзаро алоқалари жорий бўлар экан, баъзилар алоҳида мустаҳкам дўстлик

ришталарини боғлашлари, бир-бирлари билан улфат бўлишлари мумкин. Биринчи биродарлик умумий биродарлик дейилса, кейингиси хос биродарлик дейилади. Бу хос биродарликка ҳам Исломда алоҳида тарғиб қилинган.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келиб, мусулмонларни диндош биродарлар деб эълон қилганларидан кейин, муҳожирлардан бир кишини ансорийларнинг бири билан ака-ука қилиб қўйганлар. Бу диний биродарлик қариндошлик, туғишганлик алоқаларидан устун саналган. Улар ҳамма масалаларда, ҳатто мерос масаласида ҳам мана шу алоқага таяниб иш кўришган. Уларнинг бир-бирларига валийликлари бир-бирларига ёрдам беришда, мерос тақсимлашда, хун тўлашда, қарзларини ўташ ва туғишганлар орасида бўладиган бошқа ҳомийлик ва жавобгарлик масалаларида ўз аксини топган. Ушбу биродарликни Қуръони Карим ҳам мадҳ қилган.

Аллоҳ таоло Ҳашр сурасида марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقِ شُحَّ نَفْسِهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿١﴾

«Улардан аввал бу диёрда ва иймонда қарор топганлар ўзларига хижрат қилиб келганларни севарлар ва уларга берилган нарсаларга қалбларида ҳасад қилмаслар. Ва гар ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, (уларни) ўзларидан устун қўярлар. Ким ўз нафсининг зикналигидан сақланса, ана шуларнинг ўзлари зафар топувчилардир» (9-оят).

Мусулмонларнинг Аллоҳ таоло учун ўзаро хос дўст ва улфат бўлишлари фазилатли ишлардан ҳисобланади. Бундай дўстлик бизда «дўст тутиниш», «улфат бўлиш» иборалари ила ифода қилинади. Араб тилида эса бу нарсa «сухбат» дейилади. Сухбат сўзи «соҳиб бўлди» деган маънодан олингандир. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг тириклик даврларида у зотга иймон келтирган, ўзларини кўрган ва бирга бўлган

мусулмонларнинг «саҳобалар» деб аталиши ҳам шундандир. Аммо бизда «суҳбат» сўзи хато тарзда сўзлашув маъносига айланиб қолган.

Содиқ дўстларни топиш ва улар билан улфат бўлишнинг фазли ҳақида бир қанча шаръий матнлар келган.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اتَّقُوا اللّٰهَ وَكُوْنُوْا مَعَ الصّٰدِقِيْنَ ﴿١١٩﴾

«Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинглр ва содиқлар ила бирга бўлинглар» (119-оят).

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «الْمُؤْمِنُ يَأْلَفُ وَيُؤْلَفُ، وَلَا خَيْرَ فِيمَنْ لَا يَأْلَفُ وَلَا يُؤْلَفُ، وَخَيْرُ النَّاسِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин улфат бўлувчи ва улфатга танланувчидир. Улфат бўлмаган ва улфатга танланмаган кимсада яхшилик йўқ. Одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлироғидир», дедилар».

Тобароний ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: أَيُّنَ الْمُتَحَابِّوْنَ بِجَلَالِي الْيَوْمِ أَظْلَهُمْ فِي ظِلِّي يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلِّي». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَلَقَطُهُ: «قَالَ اللَّهُ ﷻ: الْمُتَحَابِّوْنَ فِي جَلَالِي، لَهُمْ مَنَابِرُ مِنْ نُورٍ، يَغْبِطُهُمُ النَّبِيُّوْنَ وَالشُّهَدَاءُ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллалллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ таоло Қиёмат куни: «Менинг жалолим учун бир-бирларини яхши кўрганлар қани? Бугунги кунда, Ўзимнинг соямдан ўзга соя бўлмаган кунда Мен уларни Ўз соямга олурман», дейди».

Муслим ва Термизий ривоят қилган.

Термизийнинг лафзида:

«Менинг жалалим учун бир-бирларини яхши кўрганларга нурдан минбарлар бордир. Набийлар ва шаҳидлар уларга хавас қилурлар», дейилган.

عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ لَأَنَاسًا مَا هُمْ بِأَنْبِيَاءَ وَلَا شُهَدَاءَ، يَغْبِطُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ وَالشُّهَدَاءُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِمَكَانِهِمْ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، تُخْبِرُنَا مَنْ هُمْ؟ قَالَ: هُمْ قَوْمٌ تَحَابُّوا بِرُوحِ اللَّهِ عَلَى غَيْرِ أَرْحَامٍ بَيْنَهُمْ وَلَا أَمْوَالٍ يَتَعَاطَوْنَهَا، فَوَاللَّهِ إِنَّ وُجُوهَهُمْ لَنُورٌ، وَإِنَّهُمْ لَعَلَى نُورٍ، لَا يَخَافُونَ إِذَا خَافَ النَّاسُ، وَلَا يَحْزَنُونَ إِذَا حَزِنَ النَّاسُ، أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳнинг шундай бандалари борки, улар набий ҳам, шаҳид ҳам эмас, лекин Қиёмат куни набийлар ва шаҳидлар уларнинг Аллоҳ таоло хузуридаги маконига хавас қилурлар», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, улар кимларлигини бизга айтасизми?» дейишди. «Улар – ўзи қариндош бўлмаса ҳам, орасида молиявий олди-берди бўлмаса ҳам, Аллоҳнинг руҳи билан бир-бирини яхши кўрганлардир. Аллоҳга қасамки, уларнинг юзи нурдир, ўзлари ҳам нурдадир. Одамлар хавфда бўлган пайтда улар хавфда бўлмаслар. Одамлар маҳзун бўлганда улар маҳзун бўлмаслар. Билиб қўйингларки, Аллоҳнинг авлиёларига хавф йўқ, улар маҳзун ҳам бўлмаслар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифдаги «Аллоҳнинг руҳи»дан мурод Қуръони Каримдир. Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримда «Шундай қилиб сенга Ўз амримиздан бир руҳни ваҳий қилдик», деган. Шунинг учун гоҳида Қуръони Карим «руҳ» деб ҳам аталади.

Ўзлари қариндош бўлмасалар ҳам, ораларида молиявий олди-бердилари бўлмаса ҳам, Аллоҳнинг руҳи ила муҳаббат

қилган, бир-бири билан дўст бўлган қавмлар Аллоҳ таоло-нинг Куръонига амал қилган одамлардир. Шундай одамлар ушбу ҳадиси шарифда зикр этилган улуғ макомга эришар эканлар.

Содиқ дўстлар тутиш ва улар билан суҳбатда бўлиш инсон-нинг дини учун, ўзи учун, дунёси учун, жамияти учун мафаатли иш бўлганидан, шариатда бу ишга катта аҳамият берилган. Ула-моларимиз Куръони Карим оятлари, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатлари ва шариатимиз аҳкомлари асосида бу муҳим инсоний, ижтимоий алоқа бобида ҳам кўплаб асарлар битишган, боблар очишган. Уларда суҳбат – дўст тутиниш ва улфатчилик одобларини баён қилишган.

Суҳбат одоблари қуйидагилардир:

• *Биров билан дўст тутинишдан аввал уни яхшилаб ўр-ганиш ва сифатларини текшириб кўриш лозим.*

عَنْ يَزِيدَ بْنِ نُعَامَةَ الصَّبِيِّ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا آخَا الرَّجُلُ الرَّجُلَ فَلْيَسْأَلْهُ عَنِ اسْمِهِ وَاسْمِ أَبِيهِ وَمَنْ هُوَ؟ فَإِنَّهُ أَوْصَلَ لِلْمَوَدَّةِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Язийд ибн Нуъома Зоббийдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Бир киши бошқаси билан биродар тутинса, унинг исмини, отасининг исмини ва кимданлигини сўрасин. Бу меҳр-муҳаббатни мус-таҳкамлайди», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Жумладан, дўст тутинишда қуйидаги шартларга қарасин:

- Етук ақл.
- Тўғри диндорлик.
- Гўзал ахлоқ.

Бир сўз билан айтганда, дўстнинг тақводор бўлиши ниҳоят-да исталган ҳолатдир.

Аллоҳ таоло Зухруф сурасида марҳамат қилади:

الْأَخْلَاءُ يَوْمَئِذٍ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ إِلَّا الْمُتَّقِينَ

«Ўша кунда такводорлардан бошқа дўстлар бир-бирларига душмандир» (67-оят).

Қиёмат куни ҳамма ўз оқибатини билгач, гарчи бу дунёда ўзаро яқин дўст бўлса ҳам, бир-бирига душманга айланади. Чунки охират дунёсида бир-бирларини турли қилмишларга ундаган дўстларнинг дўзахга тушиб, жазо тортишлари аниқ бўлиб қолади. Ана шунда ёмон билан дўст бўлганига афсусланиб, инсонлар дўстини ёқтирмай кўяди. Дўстлар душманга айланади. Бир-бирига маломат қилиб, сени деб шундай бўлди, дейишга ўтади.

Фақат такводор дўстларнинг оқибати хайридир, яхшидир. Чунки уларнинг дўстлиги Аллоҳ учун, такво асосига қурилган эди. Бундай дўстлар доимо яхши амалларни қилган бўладилар. Шунинг учун Қиёмат куни бирга жаннатга тушадилар ва дўстликлари яна ҳам ортади.

• Жоҳил, фосиқ, эсипаст, дунёга берилган ва пасткашларни дўст тутмаслик керак.

Аллоҳ таоло Нажм сурасида марҳамат қилади:

فَاعْرِضْ عَنْ مَن تَوَلَّىٰ عَنْ ذِكْرِنَا وَلَوْ يُرِدُ الْآلِ الْأَحْيَوَةَ الدُّنْيَا ﴿٦٩﴾

«Зикримизга орка ўғирган, дунё ҳаётидан бошқани хоҳламайдиганлардан юз ўғир» (29-оят).

Жаъфар Содиқ розияллоху анхудан нақл қилинади: «Қуйидаги беш тоифани асло дўст тутма:

1. Ёлғончи каззобни. Чунки у сени алдаб кўяди. У саробга ўхшайди. Сенга узоқни яқин, яқинни узоқ қилади.

2. Аҳмоқни. Чунки сенинг унда ҳожатинг йўқ. У сенга наф бераман деб, зарар етказди.

3. Бахилни. Чунки у энг муҳтож бўлиб турган нарсангни ҳам сендан кесиб кўяди.

4. Кўрокни. Чунки у қийинчилик пайтида сендан қочади ва сени истаган пайтида сотади.

5. Фосиқни. Чунки у сени бир лукма таомга ҳам сотади».

• Дўстга дунёвий мақсад ва тез келадиган манфаат учун эмас, Аллоҳ таоло учун ихлос қилиш керак.

Аллоҳ таоло учун ихлос қилиш эса дўстнинг илми, гўзал лулки, солиҳ аҳли экани, Аллоҳ таолога яқинлиги ва Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббати учун бўлади.

Аллоҳ таоло Каҳф сурасида марҳамат қилади:

وَأَصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ
وَجْهَهُ، وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَلَا تُطِعْ مَنْ أَغْفَلْنَا
قَلْبَهُ عَن ذِكْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوَاهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فُرُطًا ﴿٢٨﴾

«Эртаю кеч Роббининг юзини прода қилиб, Унга дуо қилувчилар билан бирга бўл. Дунё ҳаётининг зийнати хоҳлаб, улардан кўзингни бурма. Қалбини зикримиздан ғофил қилиб қўйганларимизга, ҳавои нафсига эргашиб, иши издан чиққанларга итоат қилма» (28-оят).

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ بِهِنَّ حَالَوَةً
الْإِيمَانَ: أَنْ يَكُونَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا، وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ
إِلَّا لِلَّهِ تَعَالَى، وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي الْكُفْرِ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُقَدَفَ فِي النَّارِ».
رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Уч нарса борки, улар кимда бўлса, иймон ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковларидан ўзга ҳамма нарсадан маҳбуб бўлиши; бир кишини фақат Аллоҳ учун яхши кўриши; куфрга қайтишни худди оловга ташлашни ёмон кўргандек ёмон кўриш».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насай ривоят қилган.

Мўмин-мусулмонлар орасидаги муҳаббат Аллоҳ учун бўлгандагина, улар комил иймон ҳаловатини топадилар. Бу муҳаббат икки томоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббатидан келиб чиқ-

қан муборак муҳаббатдир. Чунки уларни биродар қилган, дўстлаштирган зот Аллоҳ таолонинг Ўзидир.

• *Дўст тутинган одамига Аллоҳ таоло учун унга муҳаббат кўйгани ҳақида хабар бериш лозим.*

Ўшанда ўзаро боғланишлари янада кучли ва ихлослари чуқур бўлади.

عَنِ الْمِقْدَامِ بْنِ مَعْدِيكَرِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا أَحَبَّ الرَّجُلُ أَخَاهُ فَلْيُحِبِّرْهُ أَنَّهُ يُحِبُّهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Миқдом ибн Маъдийкариб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир киши биродарини яхши кўрса, буни унга билдириб кўйсин», дедилар». Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган.

وَقَالَ أَنَسُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كَانَ رَجُلًا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَمَرَّ بِهِ رَجُلٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي لِأُحِبُّ هَذَا، قَالَ: «أَعْلَمْتَهُ؟» قَالَ: لَا، قَالَ: «أَعْلِمْتَهُ»، فَلَحِقَهُ فَقَالَ لَهُ: إِنِّي أُحِبُّكَ فِي اللَّهِ، فَقَالَ: أَحَبَّكَ الَّذِي أَحْبَبْتَنِي لَهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

«Анас розияллоҳу анху айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир киши бор эди. Унинг олдидан бир одам ўтиб қолди. Шунда у: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен мана буни (Аллоҳ учун) яхши кўраман», деди. «Буни унга билдирганмисан?» деган эдилар, «Йўқ», деди. «Унга билдириб кўйгин», дедилар. У унинг ортидан етиб бориб, «Мен сени Аллоҳ учун яхши кўраман», деди. Шунда бояги одам: «Мени яхши кўришингга сабабчи бўлган Зот сени яхши кўрсин», деди.

Абу Довуд ривоят қилган.

Ким бировни яхши кўрса, дўст бўлмоқчи бўлса, унга буни билдириши керак. Шунда иккинчи тараф ҳам муҳаббатга ўтади ва одамлар ўртасидаги ўзаро алоқалар мустаҳкамланади.

• *Дўстига яхшилик етказиш ва манфаат истишида уни худди ўзидек кўриш керак.*

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ». رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз то ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам раво кўрмагунича мўмин бўла олмайди», дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

• *Алоқани мустаҳкамлаш мақсадида бир-бирини Аллоҳ таоло учун зиёрат қилиб, ҳолидан хабар олиб туриш.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «زَارَ رَجُلٌ أَحَا لَهُ فِي قَرْيَةٍ أُخْرَى، فَأَرَّصَدَ اللَّهُ لَهُ عَلَى مَدْرَجَتِهِ مَلَكًا، فَلَمَّا أَتَى عَلَيْهِ، قَالَ: أَيْنَ تُرِيدُ؟ قَالَ: أُرِيدُ أَحَا لِي فِي هَذِهِ الْقَرْيَةِ، قَالَ: هَلْ لَكَ عَلَيْهِ مِنْ نِعْمَةٍ تَرْتُبُهَا؟ قَالَ: لَا، غَيْرَ أَنِّي أَحْبَبْتُهُ فِي اللَّهِ صلى الله عليه وسلم، قَالَ: فَإِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكَ، بِأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَبَّكَ كَمَا أَحَبَّبْتَهُ فِيهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бир киши бошқа кишлокдаги биродарини кўриб келиш учун йўлга тушди. Аллоҳ унинг йўлига бир фариштани кўйдди. Бояги одам унинг олдига келганда: «Қаёқка кетяпсан?» деган эди, «Мана шу кишлокдаги биродаримни кўришга», деди. «Ундан бирор неъмат олмоқчимисан?» деди. «Йўк. Мен уни фақат Аллоҳ азза ва жалла учун яхши кўраман», деди. Шунда фаришта «Мен Аллоҳнинг элчисиман. Сен уни яхши кўрганингдек, Аллоҳ ҳам сени яхши кўрди», деди».

Муслим ривоят қилган.

• *Дўстига ёрдам беришга, гамини кетказиш, ҳождатини чиқариш, мушуқулнини осон қилишга шонилиш лозим.*

Бунда дўстни ўзидан устун қўйишга ўтиш афзалдир. Аллоҳ таоло бундай дўстларни Куръони Каримда мадҳ қилган.

У Зот Ҳашр сурасида марҳамат қилади:

وَيُؤْتِرُونَكَ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ

«Ва гар ўзларининг хожатлари бўлса ҳам, (уларни) ўзларидан устун қўярлар» (9-оят).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ نَفَسَ عَنْ مُؤْمِنٍ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ الدُّنْيَا نَفَسَ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ. وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. وَمَنْ يَسَّرَ عَلَىٰ مُعْسِرٍ يَسَّرَ اللَّهُ عَلَيْهِ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. وَاللَّهُ فِي عَوْنِ الْعَبْدِ مَا كَانَ الْعَبْدُ فِي عَوْنِ أَخِيهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким бир мўминдан бу дунёнинг бир машаққатини аритса, Аллоҳ таоло Қиёмат куни унинг бир машаққатини аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини дунёю охиратда беркитади. Ким бир камбағалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ унинг ишларини дунёю охиратида енгиллатади. Модомики банда биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлади».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• *Дўстга нисбатан муҳаббат ва мақтовда мўътадил, муомалада инсофли, маишатда ўртача бўлиш, борди-келдида шариатни лозим тутиш зарур.*

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عُبَيْدِ الْكِنْدِيِّ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: سَمِعْتُ عَلِيًّا يَقُولُ لِابْنِ الْكُؤَاءِ: هَلْ تَدْرِي مَا قَالَ الْأَوَّلُ؟ أَحِبِّ حَبِيْبَكَ هَوْنًا مَا، عَسَىٰ أَنْ يَكُونَ بَغِيْضَكَ يَوْمًا مَا. وَأَبْغِضْ بَغِيْضَكَ هَوْنًا مَا، عَسَىٰ أَنْ يَكُونَ حَبِيْبَكَ يَوْمًا مَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Муҳаммад ибн Убайд Киндийдан, у кишининг отасидан ривоят қилинади:

«Алийнинг Ибн Кивога шундай деганини эшитдим: «Авалгилар нима деганини биласанми? Яхши кўрган одамингга бир оз юмшоқ муҳаббат қил, чунки бир кун келиб, ёмон кўрган одамингга айланиб қолиши мумкин. Ёмон кўрган одамингни ҳам бир оз юмшоқ ёмон кўргин, чунки бир кун келиб, яхши кўрган одамингга айланиб қолиши мумкин».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Яъни бировни яхши кўрсанг, ҳаддан ортиқ яхши кўрма, чунки бир кун келиб уни ёмон кўриб қолишинг мумкин. Бировни ёмон кўрсанг ҳам ҳаддан ортиқ ёмон кўрма, чунки бир кун келиб уни яхши кўриб қолишинг мумкин. Демак, ўзаро муносабатларда ҳам ҳаддан ошиб кетиш керак эмас экан. Инсон турли ҳолатларга тушиши, фикри, қарашлари ўзгариши мумкин, шунинг учун ўзаро муносабатларда ҳам мўътадил бўлиш афзал.

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ: لَا يَكُنْ حُبُّكَ كَلْفًا، وَلَا بُغْضُكَ تَلْفًا. فَقُلْتُ: كَيْفَ ذَٰكَ؟ قَالَ: إِذَا أَحْبَبْتَ كَلَفْتَ الصَّيِّ، وَإِذَا أَبْغَضْتَ أَحْبَبْتَ لِصَاحِبِكَ التَّلْفَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинади:

«Муҳаббатинг кулфат келтирадиган бўлмасин, ғазабинг талофат етказадиган бўлмасин», деди. «Бу қандай бўлади?» дейишган эди, «Яхши кўрсанг, ёш бола яхши кўргандек ҳаддан ошасан. Ёмон кўрсанг, унга талофат келишини истайсан», деди».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Демак, ҳар бир нарсада бўлгани каби, яхши ёки ёмон кўришда ҳам маълум меъёр бўлиши керак.

• Дўстларга турли муносабатлар ила ҳадялар тақдим қилиб туриш яхшидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «تَهَادَوْا تَحَابُّوا». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳадялашинглар, шунда бир-бирингизга муҳаббатли бўласиз», дедилар».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Ҳадя бериб туриш мўмин-мусулмонлар ўртасида меҳр-муруватни кучайтиради, натижада бутун жамият аъзолари ўртасида меҳр-окибат, тотувлик, иноқлик пайдо бўлади. Ораларидаги ижтимоий алоқалар, ўзаро дўстлик, биродарлик муносабатлари ниҳоятда мустаҳкамланиб, натижада тинчлик, иттифоқ юқори даражага кўтарилади.

• Дўстининг айблари ҳақида гапириш, уни гийбат қилиш, у билан талашиб-тортишиш ва унинг ҳақида чақимчилик қилиш ҳамда ёмонлиги ҳақида савол беришдан тилни тийиб, сукут сақлаш талаб этилади.

Бу ишни амалга оширишда икки нарса ёрдам беради. Биринчиси: ҳар ким ўзига назар солсин. Агар ўзида камчилик борлигини билса, ўзгани ҳам ўзидек кўрсин ва камчилигини афв этсин. Беайб фақат Ҳақ таоло эканини унутмасин. Иккинчиси: агар айби йўқ инсонни истайдиган бўлсанг, одамлар ичидан бундайини топа олмайсан. Ҳар кимнинг айбини топаверсанг, дўст топиш мумкин бўлмай қолади.

Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳи: «Мусулмонлар ичида Аллоҳ таолога тоат қилиб, маъсият қилмайдиган ва аксинча, маъсият қилиб, тоат қилмайдиган бирорта ҳам одамни топиш қийин. Кимнинг тоати маъсиятидан кўп бўлса, ўша адолатлидир», деганлар.

• Ҳар қандай ҳолатда ҳам дўстининг сирини очмаслик лозим.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَسَرَّ إِلَيَّ النَّبِيُّ ﷺ سِرًّا، فَمَا أَحْبَبْتُ بِهِ أَحَدًا، وَلَقَدْ سَأَلْتَنِي أُمُّ سُلَيْمٍ فَمَا أَحْبَبْتُهَا بِهِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга сир айтдилар. Мен уни ҳеч кимга айтмадим. Ҳатто (онам) Умму Сулайм сўраганида ҳам айтмадим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Абу Саъид Саврий: «Қачон бир киши билан дўст бўлмоқчи бўлсанг, аввал унинг жаҳлини чиқар, сўнгра бошқа бировдан ўзинг ва сиринг ҳақида унинг фикрини сўрашини илтимос қил. Агар у яхши гап айтиб, сирингни сақласа, у билан дўст тутин», деган.

• *Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар бир-бирининг молида ҳам ҳаққи борлигини унутмасликлари лозим.*

Дўстларнинг дўстлиги тугал, мақсадлари бир бўлса, худди бир шахсга ўхшаб қолишади. Бу эса ўз навбатида, хурсандчилик ва хафачиликда, ҳозирда ва келажакда шерик бўлишни тақозо қилади. Бу шериклик молу дунёга ҳам тегишли бўлиб қолади.

Бир киши Абу Хурайра розияллоху анхунинг олдига дўстлик истаб келди: «Дўстликнинг ҳаққини биласанми?!» деди у. «Менга билдир», деди. «Диноринг ва дирҳамингга мендан бошқа ҳақлироқ бўлмасин», деди. «Ҳали бу даражага етганим йўқ», деди. «Ундай бўлса, йўлингдан колма!» деди Абу Хурайра розияллоху анху.

Али ибн Хусайн розияллоху анху бир кишига: «Сизлар бир-бирингизнинг чўнтак ва ҳамёнингизга рухсатсиз қўл солиб, истаган нарсани олаверасизларми?» деди. «Йўқ», деди у. «Ундай бўлса, дўст эмас экансизлар», дедилар Али ибн Хусайн розияллоху анху.

• *Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар бир-бирининг ҳожатини чиқаришда ёрдам беришлари матлуб.*

Ибн Шубрума дўстларидан бирининг муҳим ҳожатини чиқарганида, дўсти унга совға олиб келди. «Бу нима?» деб сўради Ибн Шубрума. «Ҳожатимни чиқарганинг учун», деди. «Ол молнингни, Аллоҳ сенга офият берсин! Агар дўстингдан ҳожатинг да ёрдам сўрасанг-у, у сенга ёрдам бермаса, намозга таҳорат қил-да, уни ўлган санаб, тўрт такбир айтиб, жанозасини ўқиб қўявер», деди Ибн Шубрума.

Солих ўтмишдошлардан баъзилари ўз дўстининг вафотидан кейин қирқ йил унинг болалари ва аҳли аёлидан хабар олиб турган. Ҳар куни уларнинг ҳолидан хабар олиб, ўз молидан уларни таъминлаб турган. Фарзандлар оталаридан кўрмаган баъзи нарсаларни унинг дўстидан кўришган. Илгариги дўстлардан баъ-

зилари эса дўстига билдирмай, унинг оиласидан хабар олиб туришган. «Тузингиз борми, ёгингиз борми, нима камингиз бор?» деб сўраб туришган.

• *Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар бир-бирлари билан таллашиб-тортишишидан тийилишлари зарур.*

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ تَرَكَ الْكُذِبَ وَهُوَ بَاطِلٌ بُنِيَ لَهُ فِي رَيْضِ الْجَنَّةِ، وَمَنْ تَرَكَ الْمِرَاءَ وَهُوَ مُحِقٌّ بُنِيَ لَهُ فِي وَسْطِهَا، وَمَنْ حَسَنَ خُلُقَهُ بُنِيَ لَهُ فِي أَعْلَاهَا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: «Ким ёлғонни тарк қилса, – ҳолбуки у ботилдир – унга жаннатнинг саҳнида бир уй қурилади. Ким ҳақ бўла туриб таллашиб-тортишишни тарк қилса, унга жаннатнинг ўртасидан уй қурилади. Ким хулқини гўзал қилса, унга жаннатнинг юқорисидан уй қурилади», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган.

• *Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар бир-бирларини олди-дан ҳам, орқасидан ҳам фақат унинг ўзига ёқимли бўлган исми билан аташи лозим.*

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّمَا يُصْنَفِي لَكَ وَدَّ أَخِيكَ ثَلَاثًا: أَنْ تَبْدَأَهُ بِالسَّلَامِ إِذَا لَقَيْتَهُ، وَأَنْ تَدْعُوهُ بِأَحَبِّ أَسْمَائِهِ إِلَيْهِ، وَأَنْ تُوسِّعَ لَهُ فِي الْمَجْلِسِ. رَوَاهُ ابْنُ الْمُبَارَكِ وَسَعِيدُ بْنُ مَنْصُورٍ وَالْبَيْهَقِيُّ وَابْنُ عَسَاكِرَ.

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анху шундай деганлар:

«Уч нарса дўстингнинг сенга муҳаббатини мусаффо қилади: уни кўрганда биринчи бўлиб салом беришинг; уни ўзи энг яхши кўрган исм билан чақиритишинг; мажлисда унга жой беришинг».

Ибн Муборак, Саъид ибн Мансур, Байҳақий ва Ибн Асокир ривоят қилган.

• Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар кези келганда дўстининг оила аъзолари, ишлари, яхши сифатлари ва бошқа фазилатларини, ўзига қилган яхшиликларини муболага қилмасдан, меъёрида гапириб турадилар.

Алий розияллоҳу анҳу: «Ким ўз дўстини яхши ният ила мактамаса, уни қилган яхшилиги учун ҳам мактамайди», деганлар.

• Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар дўсти ҳақида ёқимсиз гап эшитганида, дарҳол уни ҳимоя қилишга ўтишлари керак.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ، لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يُسْلِمُهُ. رَوَاهُ الْأَزْبَعَةُ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, унга зулм ҳам қилмайди, уни ташлаб ҳам қўймайди», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар бир-бирларига билмаган нарсаларини ўргатиб боришлари зарур.

Мусулмон одам ўз дўстига у билмайдиган нарсаларни ўргатиб бориши керак. Чунки киши молга мухтож бўлганидек, илмга ҳам мухтож бўлиши мумкин. Бинобарин, ўзи биладиган, дўсти билмайдиган, унинг дини ва дунёси учун зарур бўлган нарсаларни унга ҳам ўргатиши жуда зарурдир.

• Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар бир-бирига насиҳат қилиб туришлари лозим.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْمُؤْمِنُ مِرَاةُ الْمُؤْمِنِ، وَالْمُؤْمِنُ أَخُو الْمُؤْمِنِ، يَكْفُ عَلَيْهِ ضَيْعَتُهُ، وَيَحْوَطُهُ مِنْ وَرَائِهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин мўминнинг кўзгусидир, мўмин мўминнинг биродаридир, унинг зое

бўлган нарсасини топиб беради, уни ортидан беркитиб туради», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Албатта, насихат қилиш бошқаларнинг олдида эмас, ёлғиз ҳолда амалга оширилади. Аслида, бировга унинг айбларини айтиш, йўл кўрсатиб, насихат қилиш яккама-якка бўлади. Бу ишни бошқаларнинг олдида қилиш насихат эмас, дўқ-пўписа бўлади. Агар биродари йўқлигида унинг бирор айби очилиб қолса ҳам, ўша айбини беркитиб, химоя қилади.

• Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар бир-бирининг қоқилиши ва тойилишларини афв қиладилар.

Абу Дардо розияллоху анху: «Дўстинг ўзгариб, аввалгидан бошқача бўлиб қолса, уни шу сабабдан тарк қилма. Чунки дўстинг бир эгри, бир тўғри бўлиши бор», деган.

Иброҳим Нахаъий раҳматуллоҳи алайҳи: «Дўстинг гуноҳ иш қилгани учун, ундан алоқани узма, бугун гуноҳ қилса, эртага уни тарк қилиши бор», деган. Бу ҳолат унинг ўзини ўнглаб, тўғри йўлга тушиб кетишидан умид узилгунча давом этади. Умид узилганда эса, у билан алоқани кесишга тўғри келади.

• Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар бир-бирининг ҳаққиға дуо қилишда бардавом бўладилар.

Киши ўз дўсти ҳаққиға унинг тириклигида ҳам, вафотидан кейин ҳам дуо қилиб туриш масъулиятидадир. Ўзи учун нимани сўраса, дўсти учун ҳам шуни сўраб дуо қилади.

عَنْ صَفْوَانَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَدِمْتُ الشَّامَ، فَأَتَيْتُ أَبَا الدَّرْدَاءِ فِي مَنْزِلِهِ فَلَمْ أَجِدْهُ، وَوَجَدْتُ أُمَّ الدَّرْدَاءِ، فَقَالَتْ: أَتُرِيدُ الْحُجَّ الْعَامَ؟ قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَتْ: فَادْعُ اللَّهَ لَنَا بِخَيْرٍ، فَإِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ: «دَعْوَةُ الْمُسْلِمِ لِأَخِيهِ بِظَهْرِ الْعَيْبِ مُسْتَجَابَةٌ، عِنْدَ رَأْسِهِ مَلَكٌ مُوَكَّلٌ، كُلَّمَا دَعَا لِأَخِيهِ بِخَيْرٍ قَالَ الْمَلَكُ الْمُوَكَّلُ بِهِ: آمِينَ، وَلَكَ بِمِثْلِ»، قَالَ: فَخَرَجْتُ إِلَى السُّوقِ، فَلَقَيْتُ أَبَا الدَّرْدَاءِ، فَقَالَ لِي مِثْلَ ذَلِكَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Сафвон ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Шомга бордим. Абу Дардонинг уйига борсам, йўқ экан, Умму Дардо бор экан. У менга: «Бу йил ҳаж қилмоқчимисан?» деди. «Ҳа», дедим. Шунда у шундай деди: «Бизга яхшилик сўраб, дуо қил. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмоннинг ўз биродарига ғойибдан қилган дуоси муважжабдир. Унинг бошида бир муваккал фаришта туради. У ўз биродарига ҳар сафар яхшилик тилаб дуо қилганда муваккал фаришта: «Омин! Сенга ҳам шундай бўлсин!» деб туради», дер эдилар».

Бозорга чиқиб, Абу Дардон топдим, у ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан худди шу гапни нақл қилди».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

• *Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлардан бир-бирига вафодор бўлиш ва бунга ихлос қилиш талаб этилади.*

Дўстга вафодор бўлиш унинг муҳаббатида то ўлгунча собит туришдан, ўлиmidан кейин унинг фарзандлари ва дўстлари билан бирга бўлишдан иборатдир. Дўстнинг барча қариндошлари, дўстлари ва унга боғлиқ кишиларнинг риоясини қилиш унга вафодорликнинг давомидир.

Дўстнинг фироқига ҳасрат-надомат қилиш ҳам унга бўлган вафодандир. Ибн Уяйна раҳматуллоҳи алайҳи: «Ўттиз йил олдин фироқига учраган дўстларимнинг ҳасрати ҳали ҳам хаёлимдан кўтарилгани йўқ», деган.

• *Аллоҳ таоло учун дўст бўлганлар бир-бирига оғир келадиган нарсани раво кўрмайди.*

Бошқача қилиб айтганда, унга оғирлигини солмаслигини лозим. «Менинг оғиримни енгил қилсин», «мендан хабар олиб турсин», «ёрдамимга доим шай турсин» каби талабларни кўнглига ҳам келтирмагани яхши. Мусулмон киши дўстига Аллоҳ учун муҳаббат кўяди, унинг дуосидан умидвор бўлади, уни кўришдан унс топади, унинг ҳақларини адо қилиш билан Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилади ва динига ёрдам олади.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтадилар: «Дўстларнинг ёмони сени тангликка солгани, муросага мухтож қилгани ва узр айтишга мажбур қилганидир».

Баъзи машойихлар бундай дейишган: «Ким ўзидан талаб қилинмаган нарсани дўстларидан талаб қилса, уларга зулм қилган бўлади. Ким ўзидан сўралмаган нарсани дўстларидан сўраса, уларни заҳматга қўйган бўлади. Ким дўстларидан ҳеч нарса талаб қилмаса, уларга фазл кўрсатган бўлади».

Жунайд раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Икки киши Аллоҳ учун дўст бўлса-ю, улардан бири бошқасидан тортинса ёки уялса, иккисидан бирида албатта иллат бўлади».

Аллоҳ таоло барчамизга содиқ дўст бўлишни ва содиқ дўстларга соҳиб бўлишни насиб этсин! Омин!

КАСБ ВА ИШ БАЖАРУВЧИНИНГ ОДОБЛАРИ

Кўп марта такрорланганидек, инсон ўз ҳаёти давомида доимо ижтимоий алоқаларга муҳтождир. Инсон бу дунё ҳаётида яшар экан, ўзига ўхшаган инсонлар билан ўзаро муомалада бўлишга мажбур. Ҳеч бир инсон ҳаёти давомида ўзига керак бўладиган нарсаларнинг барчасини ёлғиз ўзи муҳайё қила олмайди. Балки бу борада ўзига ўхшаган инсонларнинг меҳнатидан, хунаридан, маҳоратидан ва бошқа хусусиятларидан фойдаланади. Илм ўрганмоқчи бўлган шахс илмли инсоннинг хизматиغا муҳтож бўлади. Даволанмоқчи бўлган одамнинг табибга эҳтиёжи тушади. Маскан қурмоқчи бўлган инсоннинг қурувчи усталарга иши тушади ва ҳоказо.

Ўз навбатида ҳар бир инсон ўз касби билан бошқа инсонларнинг ҳожатини чиқаради. Шундай қилиб, барча инсонлар дунё ҳаётида яшаш давомида ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш борасида бир-бирлари билан узвий алоқада бўлиб турадилар. Ҳар бир инсон бошқасига қилган хизмати эвазига ҳақ олиши табиий ҳолатга айланган. Мазкур табиий ҳолат кишилар орасидаги маиший алоқаларнинг асосларидан биридир, десак муболаға қилмаган бўламиз. Инсоннинг бу дунёда ҳаёт кечириш учун олиб бориши лозим бўлган ишларидан бири ризқ талаб қилишдир. Ризқ талаб қилишда эса ҳар кимга ўзининг билими, иши ва касб-ҳунари қўл келади. Ўша воситаларни ишга солиб, инсон пул, мол топади ва ўша топган мол-мулкни маишати учун сарф қилади.

Исломиий ақийда бўйича, ризқни Аллоҳ таоло яратади ва тақсимлайди, банда эса касб қилиб, уни топади. Яратиш (халқ қилиш) билан касб қилиш ўртасида катта фарқ бор. Банданинг қудрати чегарасида воқе бўлган нарса касбдир. Банданинг қудрати эмас, Аллоҳнинг қудрати чегарасида воқе бўлган нарса халқ қилиш – яратишдир. Демак, ризқни Аллоҳ таоло яратади, инсон эса ўша Аллоҳ таоло яратган нарсадан насиб қилганича касби орқали ризқини топади.

Шу ерда «Касб нима ўзи?» деган ҳақли савол пайдо бўлади. Бу саволнинг жавоби қуйидагича: «касб» сўзи луғатда «бир нар-

сага эришиш» маъносини англатади. Уламолар истилоҳида эса «Манфаат жалб қилишга ёки зарарни даф қилишга олиб борувчи амал касбдир».

Ўзи, бола-чақаси, нафақаси вожиб бўлганларнинг нафақасини ва қарзини узиш учун касб қилиш фарздир.

Ўзи ва оила аъзолари учун заҳира сақлаш мақсадида касб қилиш ҳар кимнинг ихтиёридадир.

Силаи раҳм ва фақирлар учун ўзига керагидан зиёда касб қилиш мустаҳабдир.

Молни зиёда қилиш, обрў, ҳузурланиш, мурувват кўрсатиш ва неъматланиш учун ҳалол касб қилиш мубоҳдир. Чунки бунинг зарари йўқдир.

Фаҳр ва кўпайтириш учун ҳалол молу дунё касб қилиш ҳанафий мазҳаби бўйича макруҳдир.

КАСБ ОДОБЛАРИ

Касб қилиш инсон ҳаётидаги доимий ва зарурий амал бўлгани учун Қуръони Каримда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида ва шариат аҳкомларида бу амалга катта аҳамият берилган.

Аллоҳ таоло Жума сурасида марҳамат қилади:

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِن فَضْلِ اللَّهِ
وَاذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَّعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٠﴾

«Намоз тугагач, ер юзи бўйлаб тарқалинглр, Аллоҳдан фазл сўранглр, Аллоҳни кўп зикр қилинглр. Шоядки, зафар топсангиз» (10-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни ер юзига тарқалиб, ҳалол йўл билан ризқ топишга тарғиб қилмоқда ва бу ишни Аллоҳ таолонинг фазлидан талаб қилиш, деб номламоқда.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «طَلَبُ كَسْبِ الْحَلَالِ فَرِيضَةٌ
بَعْدَ الْفَرِيضَةِ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Абдуллоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳалол касб қилиш фарздан кейинги фарздир», дедилар».

Байҳақий ривоят қилган.

Фарздан кейинги фарз деганда, беш маҳал намоздан кейинги ўринда турувчи фарз, шунингдек, Исломининг беш рукнидан кейинги фарз деган маънони тушуниш мумкин. Бундан ташқари, уламоларимиз буни «Ҳалол касб ҳар доим жорий бўлиб турувчи, фарзлиги доимий бўлган, барча фарзлар адо бўлганидан кейин ҳам фарз бўлиб турувчи фарздир», деб ҳам шарҳлаганлар.

Барча шаръий китобларимизда ҳалол касбга бағишланган боблар ва бўлимлар мавжуд. Қуйида ҳалол касб одобларидан баъзиларини тақдим этишга Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолимизда қўлдан келганича ҳаракат қиламиз.

Абу Лайс Самарқандий айтади: «Ким касби ҳалол бўлишини истаса, беш нарсани маҳкам тутсин. Биринчиси: касб туфайли Аллоҳ таолонинг фарзларидан бирортасини ортга сурмасин ва уларда нуқсонга йўл қўймасин. Иккинчиси: касб туфайли Аллоҳ таолонинг махлуқотларидан бирортасига озор бермасин. Учунчиси: касбида мол жамлаш ва кўпайтиришни эмас, ўзи ва аҳли-аёлининг ифратини сақлашни ният қилсин. Тўртинчиси: касб қиламан деб ўзини ортиқча қийнаб юбормасин. Бешинчиси: ризқни Аллоҳ таолодан деб билсин, касбдан деб эмас, касб – сабаб, холос».

Касб қилувчи ҳар бир мусулмонга ҳалол касб қилиш илмини ўрганиш ҳам вожибдир. Аввалги пайтларда касб ва унга боғлиқ масалалар ҳам содда бўлган. Бу борадаги муомалалар яқка шахслар ва кичик жамоатлар орасида бўлган. Аммо вақт ўтиши билан инсон ҳаёти ривожлангани сайин касб ва унга боғлиқ масалалар ҳам кўпайиб, тараққий этиб бормоқда. Ҳозирга келиб, ризқ касб қилувчилар давлатлар, халқаро ширкатлар, маҳаллий муассасалар билан ишламоқдалар. Шу билан бирга, касб қилиб ризқ толувчилар адо этишлари керак бўлган вазифалар ва ишлар ҳам кўпайиб, турли-туман бўлиб кетди.

Ҳозир иш берувчилар давлатлар, халқаро ташкилот ва ширкатлар, маҳаллий ташкилот, ширкат ва шахсларга ўхшаш тарафлардан иборат бўлиб қолди. Иш бажарувчилар эса ақлий, маърифий, илмий, маданий, жисмоний ва хунар ҳамда маҳоратга

оид ишларни адо этадиган инсонлардан иборат бўлди. Бу икки тараф ўзаро оғзаки ёки ёзма равишда тузилган шартнома асосида иш олиб боради. Иш бажарувчилар шартномада кўрсатилган ишни бажариш эвазига ойлик маош ёки бажарган иши қийматида ҳақ оладилар. Албатта, бу жараёнда иштирок этадиган икки тарафнинг ҳам ўзига яраша масъулиятлари, мажбуриятлари ва ҳақ-хуқуқлари бор. Булар ўзига яраша қонун ва низомномаларда баён қилинган. Биз эса ўша нарсаларнинг исломий одобларини ўрганиш ниятидамиз.

Албатта, инсон бу дунёда яшар экан, касб, хунар ёки бошқа йўллар билан иш қилиб, ҳалол ризқ топишга ҳаракат қилади. Ёки ишга тайёргарлик кўриш мақсадида ўқиш-ўрганиш, тажриба ўрганиш ишларида қатнашиши ҳам мумкин.

Мўмин-мусулмон қандай ишда бўлмасин, энг яхши ишчи, энг яхши косиб, яхши дехқон, яхши муҳандис, яхши хизматчи, яхши табиб, яхши ўқитувчи, хуллас, ҳар бир касбнинг энг мохири, энг омили, энг тадбирлиси бўлишга ҳаракат қилиши лозим.

Бу талабларга жавоб берадиган даражада бўлиши учун шариятда мўмин-мусулмоннинг зиммасига бир неча мажбуриятлар ҳам юкланган. Уларнинг қисқачаси қуйидагилардан иборат:

• **Мусулмон киши ўзи яхши билган ва гўзал тарзда адо эта оладиган ишга қиради.**

Ўзи билмайдиган, яхши адо эта олмайдиган ишга яқинлашмайди. Амал қила олмайдиган нарсани қилиш у ёқда турсин, қилдим ёки қиламан деб гапириши ҳам мумкин эмас.

Аллоҳ таоло Саф сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٢﴾ كَبُرَ مَقْتًا
عِنْدَ اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٢﴾

«Эй иймон келтирганлар! Нима учун қилмаган ишингизни гапирасиз?! Қилмаган ишингизни гапиришингиз Аллоҳнинг ҳузурини қаттиқ нафратга сазовордир» (2-3-оятлар).

Ушбу оятда билмаган ишини биламан, деб, иш берувчи тарафни алдаб ишга кириб олиш ҳам зикр қилинган, яъни бу Ал-

лоҳ таолонинг қаттиқ нафратига сабаб бўладиган ишдир. Ҳар бир мусулмон бу нарсдан эҳтиёт бўлиши зарур.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ

«Ўзинг билмаган нарсага эргашма!» (36-оят).

Билмаган ишини, хунарини биламан, дейиш, иш берувчи тарафни алдаш ҳам билмаган нарсасига эргашишга киради. Ислон шариатида бу каби ишни қилиш катта гуноҳ хисобланади. Билмаган нарсасини биламан, деб уриниб, зарар келтирган одам ўзи келтирган зарарни тўлаб беради.

عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ تَطَبَّبَ وَلَا يُعَلِّمُ مِنْهُ طِبًّا فَهُوَ ضَامِنٌ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ.

Амр ибн Шуъайбдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким ўзича табиблик қилса-ю, унинг табобатдан хабари борлиги билинмаса, у зоминдир», дедилар».

Абу Довуд, Насаий ва Ибн Можжа ривоят қилган.

Тиб илмини билмай, расмий рухсати бўлмай туриб, табиблик қилиб, кишиларга зарар етказган одам етказилган зарарни тўлаб беради. Бошқа касб, хунар ва ишларда ҳам ушбу қоидага амал қилинади.

Ҳар бир киши ўзи мутахассис бўлган, яхшилаб адо эта оладиган ишини топиб, ишга кириши, иш берувчи билан шунга шартнома тузиши керак бўлади.

• Мусулмон ўзига муносиб ишга кирганидан кейин ишни яхши ният билан бошлаши ва унда бардавом бўлиши керак.

Ўзига муносиб, кудрати, илми, маърифати етадиган, рисоладагидек адо этишига ишончи комил ишга кирган мусулмон шахс ҳар куни ишга кетаётиб, яхши ниятини такрорлайди. Ҳалолдан ризқ топиш, элга, ватанга хизмат қилиш, ишни пухта адо этиш, дангасаликка йўл қўймаслик каби нарсаларни ният қилади.

عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ، وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى». رَوَاهُ الْحَمَّصَةُ.

Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Амаллар ниятга боғлиқдир. Ҳар кимга ният қилган нарсаи бўлади», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насаий ривоят қилган.

Яъни ҳар бир амал ниятга қараб баҳоланади. У тил билан бажариладиган амалми, бадан билан адо этиладиганми, фарзми, вожибми, суннатми, нафлми, ишқилиб, ҳаммасининг тўғри бўлиши ниятга боғлиқ.

Ислом шариасти наздида «динимиз менга аҳли-аёлимнинг нафақасини вожиб қилган, ҳалол йўл билан, ҳалол лукма топиб, аҳли аёлимга тутай» деган ният билан далада ишлаётган дехқон, дастгоҳ олдида турган ишчи, ўз касбидан қолмаётган хунарманд, ўз вазифасини адо этаётган идора ходими ёки зиёли ибодат қилаётган бўлади. Бундан бошқа ниятни қилган одам эса мўлжалидаги нарсасига эришиши мумкин, аммо ажру савобга етиша олмайди.

Динимизда ҳайвонларга меҳрибон бўлишга, уларни оч ва сувсиз қолдирмасликка амр қилинган, шу амрга биноан иш тутишим керак, деган ниятдаги одамнинг ҳайвонларни боқиб, парваришлаши ҳам ибодат ҳисобланади. Ўшанга яраша ажру савобини олади. Аммо мол-қўйимни яхшилаб боқсам, гўшти кўп бўлади, сотиб, пул қиламан, деган ниятдаги одам гўштга, молу пулга етишиши мумкин, аммо ажру савобга эришмаслиги аниқ.

Бу қонидани инсон ҳаётига батамом қўллаш мумкин. Шунда киши ҳаётининг ҳар бир дақиқаси, ҳатто уйқуси ҳам ибодатга айланади. Демак, ҳар биримиз яхши ният билан иш қилайлик.

• Иш бажарувчи тараф унга иш берувчи тараф топишир-ган иш омонат эканини зинҳор унутмаслиги зарур.

Мазкур омонатга хиёнат қилмасликка аҳду паймон ва саъй-ҳаракат қилиш иш бажарувчи тарафнинг масъулияти ва бурчидир.

Аллоҳ таоло Қасас сурасида марҳамат қилади:

قَالَتْ إِحْدَاهُمَا يَا أَبَتِ اسْتَجِرْهُ إِنَّ خَيْرَ مَنِ اسْتَجَرْتَ الْقَوِيُّ

الْأَمِينُ ﴿٦٦﴾

«Қизлардан бири: «Отажон, уни ишга ёллаб олинг. Ишга ёлланадиган энг яхши одам – кучли, ишончли одамдир», деди» (26-оят).

Шуъайб алайҳиссаломнинг икки қизидан бири отасига Мусо алайҳиссаломни чўпонликка ёллаб олишни таклиф қилди. Кейин нима учун Мусо алайҳиссаломнинг номзодини кўрсатганини шарҳлаб, «Ишга ёлланадиган энг яхши одам – кучли, ишончли одамдир», деди.

Зотан, хайвонларини суғориш ва оталарининг амри билан Мусо алайҳиссаломни чакириб келиш пайтида у кишининг кучли ва ишончли одам эканини сезишган эди.

Бу оятда ишга ёлланиши кўзланган одамда бўлиши лозим иккита асосий сифат тилга олинмоқда. Биринчиси – кучли бўлиш. Куч деганда, фақат жисмоний кувват эмас, балки ақлий, зехний ва шахсий кувват ҳам кўзда тутилади. Иккинчиси эса ишончли – омонатли бўлишдир.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلَا تَسْتَعْمِلُنِي؟ قَالَ: فَضْرَبَ يَدَهُ عَلَى مَنْكِبِي، ثُمَّ قَالَ: «يَا أَبَا ذَرٍّ، إِنَّكَ ضَعِيفٌ، وَإِنَّهَا أَمَانَةٌ، وَإِنَّهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ خِزْيٌ وَنَدَامَةٌ، إِلَّا مَنْ أَحْذَاهَا بِحَقِّهَا، وَأَدَّى الَّذِي عَلَيْهِ فِيهَا».

رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абу Зарр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мени омил қилмайсизми?» дедим. Шунда у зот елкамга туртиб, «Эй Абу Зарр, сен заифсан, бу (иш) эса омонатдир, Қиёмат куни хорлик ва надомат бўлиши мумкин. Фақат унга ҳақли бўлганларгина, ундаги бурчини адо этганларгина бундан мустасно», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Бу заифлик мансаб масъулиятини ўрнига қўйиб, рисоладагидек адо эта олмасликнинг барча турларини ўз ичига олади. Ўзига юклатилган вазифани уддалай олмаслик, мансабдан фойдаланиб, ўз фойдаси ортидан кувиш, кишиларга зулм ўтказиш ва бошқалар шу жумладандир. Муслмон киши ўзида заифлик сезса, масалан, агар мансабдор бўладиган бўлса, пора олиш орқали заифлик қилишига шубҳаси бўлса, мансабдорликни қабул қилмаслиги керак.

• *Муслмон кишидан ўзига ишониб топширилган ишни яхшилаб ва пухта қилиши талаб этилади.*

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : قَالَ النَّبِيُّ ﷺ : «إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ إِذَا عَمِلَ أَحَدُكُمْ عَمَلًا أَنْ يُتَقَنَهُ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Ошиа розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«**Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам:** «Аллох бир иш қилганда уни яхшилаб қилинишини севади», дедилар».

Байҳақий ривоят қилган.

Муслмон инсон қайси ишга қўл урмасин, уни пухта, чиройли ва мукамал қилиши лозим. Чала, сифатсиз, «биздан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш қилиш муслмон инсонга мутлақо тўғри келмайди. Сифатсиз иш қилган одам ўзича оз иш қилиб, кўп нарса топганга ўхшайди. Аслида эса у ўзига зарар қилган бўлади. Аввало, бировни алдаб олган маблағининг баракаси бўлмайди. Иккинчидан, бир-икки иш берувчини алдаганидан кейин, одамлар орасида унинг сифатсиз иш қилиши, алдамчилиги ҳақида нохуш гап тарқаб, ҳеч ким ишга айтмай қўяди. Охири хижолат ва надоматда қолади. Ишни пухта қилувчи эса сиртдан ютқизганга ўхшаса ҳам, аслида икки дунёда ҳам ютади. Одамлар орасида пухта иш қилиши ҳақида гап тарқалиб, ишга таклиф қилувчилар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетади. Ҳалоллиги учун ажр-савоб олади. Ўзи бой-бадавлат бўлади. Охирада ҳам юзи ёруғ бўлади.

• *Ишда алдамчилик қилмаслик муслмон инсоннинг энг зарур масъулиятларидан биридир.*

Бунга бажармаган ишини бажарган этиб кўрсатиш, сифатсиз ишини сифатли иш сифтида тақдим этиш, хом ашёнинг арзонини ишлатиб, қимматидан фойдаланганлигини даъво қилиш ва бошқалар киради. Бу каби алдамчиликлар бизда «қўшиб ёзиш», «кўзбўямачилик» ва «қаллоблик» дейилади. Ишдаги бошқа салбий сифатлар каби, бу нуқсонни давлат, халқаро ташкилот ва ширкатлар, хусусий ширкат ва шахслар кўлида иш бажараётганлар содир этишади. Бунда масъул хисобчиларнинг бажарилмаган режанинг ортиғи билан бажарилгани ҳақида хисобот тайёрлашларидан тортиб, сувоқчи устанинг сувалган деворнинг ўлчовига йўқ нарсани кўшиб ҳақ олишигача киради. Бундай кўзбўямачиликлар улар амалга оширилаётган пайтда яхши кўринса ҳам, аслида кони зарардир. Бу дунёда ҳам, охирагга ҳам шармандалиқдир. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай алдамчиликни каттиқ қоралаганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ عَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا». رَوَاهُ

مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бизга нисбатан алдамчилик қилса, биздан эмас», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

• *Ишни келишилган ва ваъда қилинган вақтда бажариш ҳам мусулмон шахснинг гўзал одоби ва масъулиятидир.*

Бунга иш берувчига қилинган ваъда билан бирга, иш юзасидан одамлар билан муомала қиладиган ходим ва вазифадорларнинг ваъдалари ҳам киради. Мисол учун, идораларга иш битириш учун борган кишиларга «Эртага кел, индинга кел» кабида ишни ортга суриш ҳам беодоблик ва масъулиятсизликдир. Мусулмон киши ҳар қандай кўринишда ваъдага хилоф қилиш мунофиқлик эканини доимо эсида тутати.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ

كَذَّبَ، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أُؤْتِمِنَ حَانَ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мунофикнинг белгиси учтадир: гапирса ёлғон гапиреди, ваъда берса устидан чиқмайди, омонат ишонилса, унга хиёнат қилади», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

• *Мусулмон инсон қиладиган иш шариат ҳалол қилган амал бўлиши лозим.*

Шариат эса инсонга, жамиятга, ватанга, атроф-муҳитга зарар етказадиган барча нарсаларни ҳаром қилган. Шунинг учун ҳам иш танламоқчи бўлган одам аввал бу борадаги таълимотларни яхшилаб ўрганиб, билмаса, биладиганлардан сўраши, шундан кейингина иш танлаши зарур.

• *Мусулмон инсон бажарадиган иши ҳақида диннинг ҳукмини ўрганиб олиши лозим.*

Ҳаётнинг барча соҳаларидаги каби, Исломининг турли ишлар ҳақидаги таълимот ва кўрсатмалари ҳам кони фойдадир. Фойда бўлганда ҳам, икки дунёга татиғулик фойдадир.

Юсуф алайҳиссалом иш сўраганларида,

قَالَ اجْعَلْنِي عَلَى خَزَائِنِ الْأَرْضِ إِنِّي حَفِيظٌ عَلَيْمُ ﴿٥٥﴾

«Мени ер хазиналарига раҳбар қилиб қўй. Мен омонатдорман, билимлиман», деди» (*Юсуф сураси, 55-оят*).

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: «Динда фақиҳ бўлмаган одам бозоримизда савдо қилмасин», деганлар.

• *Мусулмон инсон ўз ишига жиддий қарайди, ғайрат билан ишлайди.*

Бепарво ва дангаса бўлмайди. Ишга жиддий муносабатда бўлмагунча ва ғайрат билан астойдил ишламагунча, бирор яхши натижага эришиш мумкин эмас. Бепарволик ва дангасалик ҳеч қачон муваффақиятга олиб бормаслиги ҳаммага маълум.

• *Мусулмон инсон ўз ризқига сабаб бўлаётган касбига меҳр қўяди ва унга вафодор бўлади.*

Тажриба инсон ўз касбига меҳр қўймагунича, бирор яхши натижага эришмаслигини такрор-такрор кўрсатган. Аксинча,

касби – хунарига меҳр қўйган ва уни ўзига лозим тутганлар ба-
ракага сазовор бўлганларини ҳам кўпчилик яхши билади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِذَا سَبَبَ اللَّهُ لِأَحَدِكُمْ رِزْقًا مِنْ وَجْهِ فَلَا يَدْعُهُ حَتَّى يَتَغَيَّرَ لَهُ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ مَاجَهَ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ бир бандага бирор тарафдан ризқ жорий қилиб қўйса, ўзи ўзгармагунича ўша нарсани тарк қилмасин», дедилар».

Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилган.

Бундан ўзига ризқ топиш учун сабаб бўлиб турган нарсани то у фойда бермайдиган бўлиб қолмагунича, тарк қилмаслик ке-
раклиги англанади.

عَنْ عُبَيْدِ، أَخْبَرَنِي نَافِعٌ، قَالَ: كُنْتُ أَجْهَرُ إِلَى الشَّامِ وَإِلَى مِصْرَ، فَكَانَ اللَّهُ يَرْزُقُ حَيْرًا كَثِيرًا، فَجَهَّزْتُ إِلَى الْعِرَاقِ، فَلَمْ يَرْجِعْ رَأْسُ مَالِي، فَدَخَلْتُ عَلَى عَائِشَةَ، فَقَالَتْ: يَا بُنَيَّ، الزَّمْ تِجَارَتَكَ؛ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «إِذَا فُتِحَ لِأَحَدِكُمْ رِزْقٌ مِنْ بَابٍ فَلْيَلْزَمْهُ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Убайддан ривоят қилинади:

«Нофъ менга шундай деди: «Шом ва Мисрга тижорат моли юборар эдим. Аллоҳ менга кўп яхшилик насиб қилар эди. Бир сафар Ироққа мол юборган эдим, ҳатто сармоям ҳам қайтмади. Оишанинг ҳузурига кирган эдим, «Болам, тижоратингни давом эттир. Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Кимга бир эшикдан ризқ очилса, ўшани маҳкам тутсин», деганларини эшитганман», деди».

Байҳақий ривоят қилган.

Ҳа, мусулмон инсон ўзига ризқ келиб турган эшикни ёпиб, бошқа эшикка ўзини уришга шошилмайди. Бир хунардан иккинчисига ўтавермайди. Ўзига ризқ келишига сабаб бўлаётган

ишга меҳр кўяди, ихлос қилади ва барака топади. Уламолари-
миз: «Бир нарсага уч марта уриниб, шунда ҳам фойда кўрмаган
одам бошқа ишга уринса бўлади», дейишган.

• *Мусулмон киши ўзининг ишидаги, хизматдаги ва хунар-
даги шериги билан доимо яхши муносабатда бўлади, уларни
эҳтиром қилади, ўзига яхши кўрган нарсаларни уларга ҳам
яхши кўради.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَنَا ثَالِثُ
الشَّرِيكَيْنِ مَا لَمْ يَخُنْ أَحَدُهُمَا صَاحِبَهُ، فَإِذَا حَانَ حَرْجُثُ مِنْ بَيْنَهُمَا». رَوَاهُ
أَبُو دَاوُدَ بِسَنَدٍ صَحِيحٍ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Аллох таоло: «Икки шерикнинг бири бирига хиёнат қилмаса, Мен уларнинг учинчиси бўламан. Лекин унга хиёнат қилса, ора-ларидан чиқаман», дейди».

Абу Довуд саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

• *Мусулмон инсон ўзи адо қилиб турган вазифа ва ишдан
шахсий манфаати йўлида фойдаланмайди.*

Иш берувчи тараф билан шартномада келишилган вақтни аввалидан охиригача зое қилмай, иш учун сарфлайди. Иш вақ-тининг бирор дақиқасини ўзининг манфаати учун сарфламай-ди. Иш учун унинг ихтиёрига берилган иш воситаларини ҳам фақат иш учун хизматга солади. Иш вақтида иш учун берилган автоуловда кўчада сайр қилиб, ўзининг шахсий ишларини амал-га оширмайди. Иш учун берилган компьютерда иш вақтида ёки ундан кейин турли ўйинлар ўйнамайди, интернет саҳифаларида кезмайди ва ҳоказо.

Бу ўринда машҳур тобеъин ва Ислом давлатининг раҳбари Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳини ўрнак қилиб кўр-сатиш мумкин. У киши давлат иши билан машғул бўлганда дав-латнинг пулига келган шамни ёққан. Ўзининг шахсий ишига ўтганда ўз пулига келган шамни ёққан.

• **Мусулмон инсон ўзининг иш, хизмат ва хунардаги устозларини доимо эҳтиром қилади.**

Мусулмон оламида бу ишга қадимдан катта эътибор берилган. Устозларнинг ҳурмати жуда юқори бўлган. Устоздан махсус маросимда дуо олмай туриб, шогирдлари мустақил иш бошлашмаган. Улардан доимо насиҳат ва маслаҳат сўраб туришган. Барча жойлар ва муносабатларда шогирдлар устозларни ўзларидан устун қўйишган.

Ислом хасталикларни асосан тиб оркали, баъзи руҳий муолажага эҳтиёжлари борларни Куръони Карим ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг услублари ила муолажа қилишга амр этган. Икки ҳолатда ҳам устозларидан расмий равишда шаҳодатнома олган мутахассисларга мурожаат қилиш амр этилган. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз яхши англашимиз ва динимиз амрига бўйсунимиз вожиб.

Мусулмонлар томонидан тиб борасида ёзилган сон-саноксиз китоблар ичида бемор, табиб ва беморни зиёрат қилувчилар одоби ҳақида ҳам кўпгина манбалар мавжуд. Келгуси сатрларда ушбу одоблардан баъзи намуналар келтиришга ижозат бергайсиз.

БЕМОРНИНГ ОДОБЛАРИ

• Беморликка йўлиққан киши сабр қилади, савоб умидида бўлади ва ўзига етган хасталикни Аллоҳ таолонинг қазои қадари деб тан олади.

وَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: دَخَلْتُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يُوعَكُ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّكَ تُوعَكُ وَعَكًا شَدِيدًا، قَالَ: «أَجَلْ، إِنِّي أُوَعَكُ كَمَا يُوعَكُ رَجُلَانِ مِنْكُمْ»، قُلْتُ: ذَلِكَ بِأَنَّ لَكَ أَجْرَيْنِ؟ قَالَ: «أَجَلْ، ذَلِكَ كَذَلِكَ، مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُصِيبُهُ أَدَى شَوْكَةٍ فَمَا فَوْقَهَا إِلَّا كَفَّرَ اللَّهُ بِهَا سِتِّمَاتِهِ كَمَا تَحُطُّ الشَّجَرَةُ وَرَفَقَهَا». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига кирсам, беморликдан қийналаётган эканлар. «Эй Аллоҳнинг Расули, беморликдан қаттиқ қийналяпсиз-ку?» дедим. «Шундай. Менга сизлардан икки кишининг мислича дард берилди», дедилар. «Сизга икки хисса ажр бўлиши учун шундайдир-да?» деган эдим, «Шундай. Худди шундай. Қай бир мусулмонга бирор мусибат етса, ҳатто тикан кирса ёки ундан ёмонроқ нарса етса, Аллоҳ унинг сабабидан ўша бан-

данинг ёмонликларини худди дарахт барглари тўқканидек тўқади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Ҳа, беморликни ҳам Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларига гуноҳларни ювиш учун қулай имконият қилиб берган. Фақат улар бу қулай фурсатдан тўғри фойдалана билишлари керак. Бунинг учун эса бемор бўлганларида сабр қилиб, беморлик одобларини ўрнига қўймоқлари лозим. Бу ишда уларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрнақдирлар. Бошқаларга нисбатан беморликни икки ҳисса оғир кечирсалар ҳам, Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор ҳолда сабр қилганлар.

• **Беморликка учраган киши сабрсизлик қилмайди, беморликни ёмон кўрмайди, уни сўкмайди.**

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: دَخَلَ النَّبِيُّ ﷺ عَلَى أُمِّ السَّائِبِ، فَقَالَ: «مَا لَكَ يَا أُمَّ السَّائِبِ تُزْفِرِينَ؟» قَالَتْ: الْحُمَى، لَا بَارَكَ اللَّهُ فِيهَا، فَقَالَ: «لَا تَسِي الْحُمَى، فَإِنَّهَا تُذْهِبُ حَطَايَا بَنِي آدَمَ كَمَا يُذْهِبُ الْكَبِيرُ حَبَثَ الْحَدِيدِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Соибнинг хузурига кириб, «Сенга нима бўлди, Умму Соиб? Қалтираясанми?» дедилар. «Иситма! Аллоҳ уни баракасиз қилсин», деди у. Шунда у зот: «Иситмани қарғамагин. У одам боласининг хатоларини худди босқон темирнинг зангини кетказгандек кетказади», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Мусулмон инсон ўз гуноҳларининг кетишига сабаб бўлаган нарса бўлмиш беморликни қандай ҳам сўкиши мумкин?! Аксинча, бунга фақат кўп шукр қилмоғи керак бўлади.

• **Бемор бўлган инсон ўз беморлиги ва унинг тури ҳақида бошқаларга хабар бериши жоиз.**

• **Бемор бўлган инсон дардига шифо талаб қилиши керак.**

Бу ишни набий алайҳиссаломлар ҳам қилганлар. Мисол учун, Айюб алайҳиссаломнинг дуолари Куръони Каримда келган.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида марҳамат қилади:

وَأَيُّوبَ إِذْ نَادَى رَبَّهُ أَنِّي مَسَّنِيَ الضُّرُّ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ

«Айюб Ўз Роббига нидо қилиб, «Менга зарар етди, раҳм-лиларнинг раҳмиси Ўзингсан!» деганини эсла» (83-оят).

Шунинг учун бемор бўлган инсон доимо ва аввало Аллоҳ таолодан шифо сўраб, дуода бўлиши, хайр-эҳсон қилиши, тавба, зикр ва тазарруни кўпайтириши лозим.

• **Бемор бўлган инсон даволанишни йўлга қўйишга ҳаракат қилади.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари бемор бўлганларида даволанганлар ва биз умматларини ҳам давола-нишга амр этганлар. У зот даволаниш учун қилинадиган ури-ниш ҳам Аллоҳнинг тақдири эканини баён қилдилар. Яъни бе-мор бўлиш Аллоҳнинг тақдири ила бўлади, даволаниш орқали тузалиш ҳам Ўша Зотнинг тақдиридир. Бу ерда Аллоҳнинг бир тақдири иккинчи бир тақдири билан қайтарилади.

• **Бемор бўлган одам шариятда ҳаром қилинган нарсалар билан даволанмаслиги керак.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаром билан даво-ланишдан қайтарганлар.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ الدَّاءَ وَالِدَوَاءَ، وَجَعَلَ لِكُلِّ دَاءٍ دَوَاءً، فَتَدَاوَوْا وَلَا تَدَاوَوْا بِحَرَامٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ дардни ҳам, давони ҳам яратган. Ҳар бир дардга давосини яратиб қўйган. Даволанишлар, фақат ҳаром билан даволанманг-лар», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Умумий қилиб айтганда, ҳаром ва нажас нарса билан давола-ниш мумкин эмас. Агар дардни даволаш учун ҳалол нарсалардан шифо топилмаса ва ҳаром нарса даво бўлиши аниқ бўлса, у би-лан даволанишга истисно тариқасида руҳсат берилади.

• **Бемор бўлган шахс ақийдага путур етказадиган маънавий ҳаром нарсалар билан даволаниши мутлақо мумкин эмас.**

Бунга шариатда ман қилинган тумор осиш, турли дам солинган иплар, баъзи ҳайвонларнинг тирнок ёки тишлари каби нарсаларни ўзи билан олиб юриш кабилар киради. Ушбу ишлар ширкдир, буларни қилиш улкан гуноҳдир. Бундай ишларни қилган одам Аллоҳ таолони кўйиб, бошқадан шифо тиланган бўлади.

عَنْ عِيسَى ابْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى أَبِي مِعْبَدِ الْجُهَنِيِّ أَعُوذُهُ وَبِهِ حُمْرَةٌ، فَقُلْنَا: أَلَا تَعَلِّقُ شَيْئًا؟ قَالَ: الْمَوْتُ أَقْرَبُ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ تَعَلَّقَ شَيْئًا وَكَلَّ إِلَيْهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ийсо ибн Абдурраҳмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Миъбад Жуханийни кўргани унинг олдига кирдим. Унга қизил нарса тошган экан. «Бирор нарса (тумор) осиб олмайсанми?» деган эдим, «Бундан кўра ўлганим яхши. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Ким тумор осиб олса, ўша нарсага ташлаб кўйилади», деганлар», деди».

Термизий ривоят қилган.

Яъни тумор осган одам мана шу осган туморим менга шифо беради ёки бало-офатлардан саклайди, деган эътиқодга бориб қолади.

• **Бемор муслмоннинг фолбин, жинкаш, сеҳргар ва шуларга ўхшаш тиб илмини билмайдиган турли алдамчи кимсаларда даволаниши мутлақо мумкин эмас.**

عَنْ بَعْضِ أُمَّهَاتِ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُنَّ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ أَتَى عَرَّافًا فَسَأَلَهُ عَنْ شَيْءٍ لَمْ تُقْبَلْ لَهُ صَلَاةُ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَلَفْظُهُ: «مَنْ أَتَى عَرَّافًا أَوْ كَاهِنًا فَصَدَّقَهُ بِمَا يَقُولُ فَقَدْ كَفَرَ بِمَا أَنْزَلَ عَلَى مُحَمَّدٍ ﷺ».

Мўминларнинг оналари розияллоҳу анҳуннанинг баъзиларидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким аррофга (фолбинга) келиб, ундан бирор нарса ҳақида сўраса, қирқ кунгача намози қабул бўлмайди».

Муслим ва Аҳмад ривоят қилган.

Аҳмаднинг лафзиди:

«Ким аррофга ёки коҳинга келиб, унинг айтганини тасдиқласа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган нарсага куфр келтирибди» дейилган.

Ким фолбинга бориб, унинг айтганини тасдиқласа, куфрга кетган бўлар экан. Бундан барчамизни Аллоҳнинг Ўзи асрасин.

Мусулмон умматининг шонли тарихи давомида улардан Ибн Синога ўхшаш тиб илмининг моҳирлари чиқиб, машҳур бўлган, аммо фолбин, жинкаш, сеҳргар ва шуларга ўхшашларнинг иши ҳаром ва гуноҳ эканига ҳеч ким хилоф қилмаган.

• Мутахассис табиблар беморнинг тиббий муолажаларга муҳтож эмаслигини тасдиқлаганларидан кейингина, у шаръий дам солиш ила даволанишига ўтиши мумкин.

Бунда бемор ўзи билган Қуръони Карим сураларидан ўқиб, ўзига дам солса яхши бўлади. Шу билан бирга, дуоси қабул бўлишидан умид қилинадиган ибодатли инсондан ўзига дам солиб қўйишини илтимос қилса ҳам бўлади, дам солишни касб қилиб олганлардан эмас.

• Бемор бўлган одамнинг Аллоҳ таолога нисбатан яхши гумонда бўлиши талаб этилади.

Бунда беморнинг Аллоҳ таоло бандаларига фақат яхшиликни раво кўради, бундан кейин У Зот нима қилса ҳам, менга яхшилик бўлади, деган ишончда бўлиши кўзда тутилади.

ТАБИБНИНГ ОДОБЛАРИ

Мусулмон табибнинг энг одобли инсонлардан бўлиши талаб этилади, хусусан, беморларга нисбатан у ўта одоб ва эхтиром кўрсатиши зарур. Беморга қараётган табибнинг исломий одоблари куйидагилардан иборат:

- беморга керакли насихатларни қилиш.
- беморга меҳрибон бўлиш.
- беморнинг кўнглини кўтариб, умидвор қилиш.
- беморда ўлим аломатларини кўрса, йўли билан унга васиятни эслатиш.
- зарурат бўлганда беморнинг авратига қараш.
- қилаётган иши қазо. қадарни қайтара олмаслигига этикод қилиш.
- дардни берган Аллоҳ таоло давони ҳам беришига этикод қилиш.
- беморнинг сирини бошқаларга ошкор қилмаслик.
- касби бўйича қасамига содиқ қолиш.

БЕМОРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ОДОБЛАРИ

Беморни кўргани бориш суннатдир. Бемор мусулмоннинг бошқа мусулмонлар устида ҳаққи бор. У ҳам бўлса, уларнинг беморни зиёрат қилиб, кўнгил сўрашлари, ҳаққига дуо қилиб кетишларидир.

Ислом беморлар ҳолидан хабар олишни муҳим ишга айлантирган. Чунки бу иш бемор учун, шахсий алоқаларни ҳамда жамиятни мустаҳкамлаш учун ғоят зарурдир. Мусулмонлар ана ўша олий мартабага эришиш учун доимо ҳаракат қилиб келишган.

عَنْ ثَوْبَانَ مَوْلَى النَّبِيِّ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ عَادَ مَرِيضًا لَمْ يَزَلْ فِي حُرْفَةِ الْجَنَّةِ حَتَّى يَرْجِعَ»، قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا حُرْفَةُ الْجَنَّةِ؟ قَالَ: «جَنَاهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Савбондан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким бир беморни кўргани борса, қайтиб келгунича жаннатнинг хурфасида бўлур», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, жаннатнинг хурфаси нима?» дейишган эди, «Меваси», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилган.

Беморнинг зиёрати ҳақидаги барча шаръий далилларни пухта ўрганиб чиққан уламоларимиз мазкур ўрганишлар хулосаси ўларок, беморнинг зиёрати одобларини тақдим қилишган. Қуйидаги сатрларда мазкур одоблардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

• *Беморликнинг хабарини эшитиши билан уни кўргани боришига шошилиши керак.*

Аъмаш раҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қилинади: «Мажлис кураб эдик. Бир кишини уч кун кўрмай қолсак, холини сўраб эдик. Бемор бўлса, кўргани борар эдик».

• *Бир марта кўргани бориши билан кифояланмай, бир оз ўтганидан кейин такроран бориши ҳам керак.*

Чунки беморни кўргани бориши, унинг кўнглини кўтариши ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаши билан бирга, ўта савобли иш ҳамдир.

• *Беморни кўргани борадиган шахс қуруқ қўл билан бормаслиги керак.*

Иложи бўлса, беморга қувонч бағишлайдиган нарсалардан олиб боради. Мевалар, гуллар ва шуларга ўхшаш нарсалардан бўлса ҳам яхши.

• *Агар бемор муҳтож бўлса, кўргани борган одамнинг унга хайр-эхсон қилиши жуда яхши.*

Бу иш хайр-эхсон бўлиши билан бирга, беморга сурур бахш этиши ила савоби яна ҳам кўпаяди.

• *Беморнинг бирор таомни истаб турганини билган зиёратчи унга ўша таомни муҳайё қилишига ҳаракат қилади.*

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه؛ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ عَادَ رَجُلًا فَقَالَ لَهُ: «مَا تَسْتَهِي؟» فَقَالَ: أَشْتَهِي حُبْرَ بَرٍّ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «مَنْ كَانَ عِنْدَهُ حُبْرُ بَرٍّ فَلْيَبْعْهُ إِلَى أَخِيهِ»، ثُمَّ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «إِذَا اسْتَهَى مَرِيضٌ أَحَدِكُمْ شَيْئًا فَلْيُطْعِمْهُ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир кишини кўргани бориб, «Кўнглинг нимани тусаяпти?» дедилар. У: «Буғдой нонни», деди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Кимда буғдой нони бўлса, биродарига юборсин», дедилар. Сўнгра Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Беморингиз бирор нарсани егиси келса, унга ўшани едирсин», дедилар».

Ибн Можса ривоят қилган.

• **Зиёратчи беморни у истамаган таомни тановул қилишига мажбурламайди.**

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تُكْرِهُوا مَرْضَاكُمْ عَلَى الطَّعَامِ، فَإِنَّ اللَّهَ يُطْعِمُهُمْ وَيَسْقِيهِمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ بِسَنَدٍ حَسَنٍ.

Уқба ибн Омир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Беморларингизга мажбурлаб таом едирманглар. Уларни Аллоҳ едириб-ичириб туради», дедилар».

Термизий ҳасан санад ила ривоят қилган.

Тиб уламоларининг таъкидлашларича, Аллоҳ таоло инсоннинг жисмини ўзини-ўзи бошқариб турадиган қилиб яратган экан. Нима истеъмол қилиш керак бўлса, танада ўша нарсага талаб кучаяр, нима керак бўлмаса, талаб сусаяр экан. Шунинг учун беморга ўзи истамаган нарсани мажбурлаб едириш ёки ичириш яхши эмас.

• **Бемор хузурида ўтирганда, унга шифо тилаб дуо қилинади.**

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўзлари кўргани борган беморларнинг ҳаққига дуо қилганлар.

عَنْ سَعْدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: اسْتَكَيْتُ بِمَكَّةَ، فَجَاءَنِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعُودُنِي، فَوَضَعَ يَدَهُ عَلَى جَبْهَتِي، ثُمَّ مَسَحَ يَدَهُ عَلَى وَجْهِي وَبَطْنِي، ثُمَّ قَالَ: «اللَّهُمَّ اشْفِ سَعْدًا، وَأْتِمِّمْ لَهُ هِجْرَتَهُ، قَالَ: فَمَا زِلْتُ أَحَدُ بَرَدَةٍ عَلَى كَبِدِي فِيمَا يُخَالُ إِلَيَّ حَتَّى السَّاعَةِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Саъд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Маккада бемор бўлиб қолдим. Набий соллаллоху алайҳи васаллам мени кўргани келдилар-да, қўлларини пешонамга қўйдилар, сўнгра қўллари билан юзимни, қорнимни силаб, «Аллоҳим, Саъдга шифо бергин. Унинг хижратини батамом қилгин», дедилар. Ҳозиргача жигаримда ўшанинг совуғини сезиб тургандекман».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилган.

Барча мусулмонлар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан ўрнак олиб, беморларни зиёрат қилишлари ва уларнинг ҳаққига Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам каби дуо қилишлари лозим.

• **Беморга хасталигини кўп эслатмаслик, бу ҳақда саволни кўпайтирмаслик ва шунга ўхшаш беморликнинг ёмон оқибати ҳақида гапирмаслик лозим.**

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ؛ أَنَّ ابْنَ عَبَّاسٍ أَخْبَرَهُ، أَنَّ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ رضي الله عنه خَرَجَ مِنْ عِنْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فِي وَجَعِهِ الَّذِي تُوفِّيَ فِيهِ، فَقَالَ النَّاسُ: يَا أَبَا الْحَسَنِ، كَيْفَ أَصْبَحَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ؟ قَالَ: أَصْبَحَ بِحَمْدِ اللَّهِ بَارئًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Каъб ибн Моликдан ривоят қилинади:

«Ибн Аббос менга шундай деди: «Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларидан олдинги беморликларида у зотнинг хузурларидан чиққан эди, одамлар: «Эй Абул Ҳасан, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам қандай тонг оттирдилар?» дейишди. «Аллоҳга ҳамд бўлсин, тузалган ҳолда тонг оттирдилар», деди».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Мусулмон халқларда ушбу одобларга риоя қилиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар қандай оғир бемор бўлса ҳам, уни кўргани келганлар: «Аллоҳ таолога шукр, яхшисиз», дейишади.

• **Беморни кўргани келган одам беморнинг кўнглини кўта-ради, унга далда беради, хурсандчилик гаплар айтади.**

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِذَا دَخَلْتُمْ عَلَى الْمَرِيضِ فَنَفَسُوا لَهُ فِي أَجَلِهِ، فَإِنَّ ذَلِكَ لَا يَرُدُّ شَيْئًا، وَيُطَيَّبُ بِنَفْسِهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Беморнинг хузурига кирсангиз, унинг кўнглини кўтаринглар. Бу (қазон қадарда ёзилган) ҳеч нарсани қайтармайди, лекин унинг кўнглини равшан қилади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Албатта, бемор одам кўнгли синик ҳолатда, бир оғиз ширин сўзга мухтож бўлиб ётади. Уни кўргани боришдан асосий мақсад ҳам кўнглини кўтаришдир. Уша кўнгил кўтаришда бир оз муболаға қилиб юбориш ҳам жоиз. Бу маънони кўпчилик яхши ўзлаштириб олган. Лекин шу нарсани Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларига мувофиқ равишда, суннатга амал қилмоқдаман, деган ниятда қилинса, савоби янада кўпроқ бўлади.

• **Беморнинг зиёратига борган одам беморга ўз меҳрини изҳор қилади, хизматига тайёр эканини билдиради ва фақат яхши гапларни гапирди.**

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رضي الله عنها قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم: «إِذَا حَضَرْتُمْ الْمَرِيضَ أَوْ الْمَيِّتَ فَقُولُوا خَيْرًا، فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ يُؤْمِنُونَ عَلَى مَا تَقُولُونَ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

Умму Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бемор ёки ўлим тўшагида ётган одамнинг олдида бўлсангиз, яхши гап айтинглар, чунки фаришталар сиз айтаётган насага «Омин», деб туради».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилган.

• Беморнинг аврати, очик жойлари, дори-дармонлари ва бошиқа нарсаларига назар солмаслик керак.

• Малол келмаслиги учун беморнинг олдида узоқ ўтириб қолмаслик лозим, лекин беморнинг ўзи истаса, бундан мустасно.

• Беморнинг ҳаққига дуо қилгандан кейин унинг ўзидан ҳам дуо сўраш керак, чунки у дуоси қабул бўладиган тоифадандир.

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي النَّبِيُّ ﷺ: «إِذَا دَخَلْتَ عَلَى مَرِيضٍ فَمُرَّهُ أَنْ يَدْعُوَ لَكَ، فَإِنَّ دُعَاءَهُ كَدُعَاءِ الْمَلَائِكَةِ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам менга: «Беморнинг олдига кирсанг, ундан дуо сўрагин, чунки унинг дуоси фаришталарнинг дуосидекдир», дедилар.

Ибн Можжа ривоят қилган.

• Беморга Аллоҳ таолонинг қазои қадарига сабр қилиш ва шифодан ноумид ҳолда ўзига ўлим тилашдан эҳтиёт бўлиш ҳақида насиҳат қилинади.

عَنْ قَيْسِ بْنِ أَبِي حَازِمٍ قَالَ: دَخَلْنَا عَلَى حَبَابٍ نَعُوذُهُ، وَقَدْ اِكْتَوَى سَبْعَ كَيَّاتٍ. فَقَالَ: إِنَّ أَصْحَابَنَا الَّذِينَ سَلَفُوا مَضَوْا، وَمَ تَنْقُصُهُمُ الدُّنْيَا، وَإِنَّا أَصَبْنَا مَا لَا نَحْدُ لَهُ مَوْضِعًا إِلَّا التُّرَابَ، وَلَوْلَا أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَانَا أَنْ نَدْعُوَ بِالْمَوْتِ لَدَعَوْتُ بِهِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Қайс ибн Абу Ҳозимдан ривоят қилинади:

«Хаббоб бетов ётганида уни кўргани кирдик. У ярасига етти марта куйдирма босган экан. У: «Биздан аввалгилар дунёдан ўтиб кетишди, улар учун дунё кам бўлмади. Биз шундай нарсага эришдикки, уни кўйгани тупроқдан бошқа нарса топмадик. Агар Набий соллаллоху алайҳи васаллам ўлим тилаб дуо қилишдан қайтармаганларида, ўлим тилаб дуо қилган бўлардим», деди».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

• Беморнинг аҳлига ва унинг хизматида турганларга унга гўзал муомала қилиш ва ундан содир бўладиган инжиқликларга сабр қилиш ҳақида насиҳат қилинади.

Бу билан ҳам беморга, ҳам унга қараб турганларга яхшилиқ қилинган бўлади.

Бемор кўришнинг яна қуйидаги одоблари ҳам бор:

• Касал бўлган одамни бориб кўришнинг савоби ва фазилати жуда кўп. Беморни зиёрат қилиш, ундан ҳол-аҳвол сўраш, бирор етишмовчилиги бўлса, кўмаклашиб юбориш мусулмон киши зиммасидаги зарур вазифалардандир.

• Беморни зиёрат қилиш Аллоҳ таолони зиёрат қилишга тенглаштирилган, хаста киши гарчи ғайридин бўлса ҳам, ҳол сўраш яхшидир.

• Касал кишининг зиёратига озрок ҳадя олиб, салом билан кирилади, унга яқин, иложи бўлса, бош томонида ўтириб, ахволи сўралади.

• Беморнинг бош-кўзи, манглайи, оёқ-қўлини силаб, ундан ирганмай, ҳазар қилмай, яхши сўзлар билан кўнгли кўтарилади, дард вақтинчалик эканини айтиб, тасалли берилади.

• Касал кўриш чоғида дард, беморлик Аллоҳнинг бир неъматини экани, бунинг шукронасига тавба-тазарру қилиш лозимлиги беморга тушунтирилади.

• Хасталанган кишининг хузурига кирганда очик юз, хуш кўнги, шафқат билан муомала қилинади, унинг юзига синчиклаб қаралмайди, кўп ва қаттиқ овозда гапирилмайди.

• Бемор ётган жойга янги кийимда ҳам, шунингдек, кир, хунук, нопок кийимларда ҳам кириш мақбул эмас.

• Унинг хузурига паст овозда, табассум билан гапирилади, «Кўнглингиз нима тилайди?» деб сўралади, агар у хоҳлаган нарсасини айтса ва бу унга зарар қилмаса, хоҳ ўзи, хоҳ яқинлари орқали топиб беришга ҳаракат қилинади.

• Бемор ётган уйда қулиш, йиғлаш яхши эмас, ҳар хил кинояли, оғир ботадиган, кўнгила келадиган сўзларни айтмаган маъқул.

• Агар зарурати бўлмаса, касал кўргани кечқурун бормаган маъқул, чунки дард одатда кечга бориб кучайиб, беморнинг аҳволи танглашади ёки у чарчаб, оромга шайланган бўлади.

• Касални толиқтириб қўймаслик учун унинг олдида узок ўтириш, хасталик ҳақида эзмаланиб гапириш, билмаган нарса-сини дори сифатида тавсия қилиш ярамайди. Ўзининг розили-ги бўлса, бир оз ўтириб, кўнглини кўтарувчи ибратли ҳикоялар сўзлаб турилади. Гапи совуқ, эзма, бефаросат кишиларни бе-морнинг ёнига йўлатмаган мақбул.

• Хасталикка чалинган киши ҳам ўз навбатида келган-ларга дарди ҳақида гапириб, ҳикоя қилавермаслиги, фақат сўралгандагина жавоб қайтариши керак. У дарди кучайга-нида, ўзига ўлим тиламай, Аллоҳдан шифо сўрайди ва шук-рона айтади.

• Беморнинг хузуридан тураётганда, унинг ҳаққига дуо ки-либ, Аллоҳдан шифо сўралади ҳамда «Худо хоҳласа, тезда туза-либ кетасиз», «Дард ҳам бир меҳмон, ҳали соғайиб, отдай бўлиб кетасиз» каби сўзлар билан тасалли берилади.

ЎЛИМ, ЖАНОЗА, ТАЪЗИЯ ОДОБЛАРИ

Ўлим тирик жонзотнинг албатта йўлиқиши муқаррар бўлган улкан ҳақиқатдир. Ўлим жамики инсон зоти ўзини билмасликка соладиган ва унутишга ҳаракат қиладиган ҳақиқатларнинг энг каттасидир.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида марҳамат қилади:

كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ

«Ҳар бир жон ўлимни татигувчидир» (185-оят).

Бу дунёда ўлмайдиган жон йўқ. Шох ҳам, гадо ҳам, пайгамбар ҳам, уммат ҳам ўлади. Шунинг учун ҳар бир банда дунёда абадий яшайдигандек бўлиб эмас, балки бошига бир куни ўлим келишини, ўлим шарбатини албатта татиш борлигини ҳисобга олиб юриши керак бўлади.

Ислом таълимоти бўйича, инсон ўлиши, қабрга дафн қилинган, танаси чириб, тупрокқа қоришиб кетиши билан йўқ бўлиб ёки унутилиб кетмайди. Унинг танаси асли тупрокдан бўлгани учун ўша нарсага қоришиб кетса ҳам, лекин Аллоҳ таоло тарафидан бўлган руҳи барҳаёт бўлади. Вафот этган бандаларнинг руҳлари таналаридан чиқиб, барзах деган жойда Қиёмат бўлишини кутиб туради. Қиёмат бўлганда эса, барча руҳлар қайта тикланган таналарга киради. Таналар эса чиримайдиган, ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган ва инсоннинг коди эканини ҳозирги замон илми тасдиқлаган «ажбуз-занаб» деб аталадиган суякдан Қиёмат ёмғири ёққанда, худди кузда тўкилган уруғлардан баҳор ёмғири ёрдамида ўсимликлар қайта униб чиққанидек, қайта тикланади. Худди шу эътибордан беш кунлик бу бевафо дунёдаги ҳаёт охиратнинг экинзори ва кимнинг амали яхшироқ эканини синаш муҳлати ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Мулк сурасида марҳамат қилади:

الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا وَهُوَ الْعَزِيزُ الْعَفُورُ

«У Зот ўлим ва ҳаётни қай бирингиз амалда яхшироқ эканингизни синаш учун яратди» (2-оят).

Ўлим бўлмаса, бандалар кимнинг бу дунёдаги амали яхшироқ эканини била олмайдилар. Бандаларга қилган амаллари учун мукофот ёки жазо бериш ҳам амалга ошмайди. Мана шу эътибордан Исломда ўлим беш кунлик бевафо дунёдан абадийлик ҳамда жазо-мукофот дунёси бўлмиш охират дунёсига кўчиб ўтиш ҳисобланади.

Ислом таълимотларидаги ушбу ақийдалардан келиб чиқиб, мусулмонларнинг ўликларга, жанозага ва уларга тегишли амаллар ва одобларга муносабатлари, бурч ҳамда масъулиятлари белгиланган. Мазкур амаллар ва одоблар фикҳ китоблари-мизда, махсус асарларда ва одобларга оид адабиётларда кенг баён қилинган.

Албатта, ўлим ва унга боғлиқ масалалар, жумладан, ўлим олдидаги ҳолат, ўлимдан кейин қилинадиган ишлар, майитни ювиш, дафн қилиш, қабр ва унга оид ҳукмлар каби ҳамма учун ўта муҳим бўлган масалалар кўпчилик билиши лозим бўлган нарсалардир. Аммо кўпчилик ушбу масалалардан яхши хабардор эмас. Бу масалалардан билинганлари ҳам ихтилофлидир. Кўпчилик улар ҳақида ишончли маълумот олишни истайди. Албатта, бу борадаги маълумотларни тақдим қилишда барча далил ва ҳужжатларни жамлаб, таҳлил қилган, тартибга солган фуқоҳоларимизнинг меҳнати самарасидан фойдаланган ҳолда қуйида мазкур одоблар ва амаллардан имконини топганларимизни ўз воқеълигимиздан келиб чиққан ҳолда ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз:

МУҲТАЗАРГА НИСБАТАН ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР

Ўлимга юз тутган шахс «мухтазар» (ҳозир қилинган) дейилади. Бу ҳолат тажрибада кўрилган белгилардан, ҳолатдан билиб олинади.

• *Мухтазар суннатга биноан, ўнг ёнбоши билан қиблага қаратиб ётқизилади. Чунки вафот этганидан кейин худди шу ҳолатда қабрга қўйилади.*

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا قَدِمَ الْمَدِينَةَ سَأَلَ عَنِ الْبِرَاءِ بْنِ مَعْرُورٍ، فَقَالُوا: تُوُفِّيَ وَأَوْصَى بِئُلْتِهِ لَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَأَوْصَى أَنْ يُوجَّهَ إِلَى

الْقِبْلَةَ لَمَّا احْتَضِرَ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَصَابَ الْفِطْرَةَ، وَقَدْ رَدَدْتُ ثُلُثَهُ عَلَى وَلَدِهِ». رَوَاهُ الْحَاكِمُ.

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келиб, Баро ибн Маърур ҳақида сўрадилар. «У вафот қилди. Молининг учдан бирини сизга васият қилди, эй Аллохнинг Расули! Муҳтазар бўлганида «Қиблага юзлантинглар», деб васият қилди», дейишди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Соф табиатни топибди. Меросининг учдан бирини фарзандларига қайтардим», дедилар».

Ҳоким ривоят қилган.

Агар бунинг иложи бўлмаса, уни чалқанча ҳолида юзи ва оёқлари қиблага қаратиб ётқизилади. Чунки бу ҳолда унинг жағини танғиш, кўзини юмдириш осон бўлади, маййит қотганда ҳам букилиб қолмайди.

• *Муҳтазарга «Лаа илаҳа иллаллоху»ни айтиш талқин қилинади.*

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَقِنُوا مَوْتَكُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ». رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Абу Саъид розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Жон таслим қилаётганларга «Лаа илааҳа иллаллоху»ни талқин қилинглар», дедилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

Муҳтазарга шу калимани айт, деб мажбур қилинмайди. Жон аччиғида «Айтмайман», деб юбориши, бундан юз ўғириши ёки бошқа ноқулай ҳолат пайдо бўлиши мумкин. Шу эътибордан ҳозир бўлганлар ўзларича овозларини чиқариб, калимаи шаҳодатни айтиб туришади. Муҳтазар ҳам айтса, тўхташади.

Охирги сўзи калимаи шаҳодат бўлган инсон бахтли бўлади. Муҳтазар калимаи шаҳодатни айтганидан кейин яна бошқа гап

айтса, ҳозир бўлганлар яна калимаи шаҳодатни айта бошлайдилар. Хуллас, нима бўлганда ҳам, муҳтазарнинг ўз ихтиёри билан калимаи шаҳодатни охириги сўз сифатида айтишига эришишга ҳаракат қилинади. Бу ишларни муҳтазарнинг энг яқин ва яхши кўрган кишиси, унга қандай муомала қилишни яхши биладиган одам қилиши керак.

ЖОН УЗИЛГАНИДАН КЕЙИН ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР

• Маййитнинг кўзлари юмдирилади.

Агар бу иш қилинмаса, маййит кўзи очик ҳолда қотиб қолади ва кўрқинчли ҳолат пайдо бўлади.

• Маййитнинг жағи юмшоқ латта билан бошига тортиб тангиб қўйилади.

Шунда унинг кўриниши кўрқинчли бўлмайди ва оғзидан бирор нарса ичига кириб кетишининг олди олинади.

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا حَضَرْتُمْ مَوْتَاكُمْ فَأَغْمِضُوا الْبَصَرَ، فَإِنَّ الْبَصَرَ يَتَّبِعُ الرُّوحَ، وَقُولُوا حَيًّا، فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَوَمِّنُ عَلَيَّ مَا قَالَ أَهْلُ الْبَيْتِ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَالْحَاكِمُ.

Шаддод ибн Авсдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Маййитнинг ёнида бўлсангиз, кўзини юмиб қўйинглар, чунки кўз руҳга эргашиб қолади. Яхши гап айтинглар, чунки фаришталар аҳли байт айтган нарсага «Омин» деб туришади», дедилар».

Ибн Можжа ва Ҳоким ривоят қилган.

Бу ишларни қиладиган шахс «Бисмиллаҳи ва ʼала миллати Расулиллаҳи», дейди.

• Маййитнинг ҳузуридан жунуб, ҳайзли ва нифосли шахслар чиқарилади.

Чунки мазкур шахслар таҳоратсиз бўлишади.

• Маййитнинг яқинига хушбўй нарсалар қўйилади.

Унинг тахтаси ва кафанига тоқ санокда хушбўй нарса тутатилади.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «إِذَا أَجْمَرْتُمُ الْمَيْتَ فَأَوْزُوا. وَفِي رِوَايَةٍ: فَأَجْمِرُوهُ ثَلَاثًا». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْحَاكِمُ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Маййитга хушбўй тутатадиган бўлсангиз, тоқ қилинглар», дедилар.

Бошқа бир ривоятда «Унга уч марта хушбўй тутатинглар», дейилган.

Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилган.

Бу иш турли нохуш ҳидларни кетказади.

• Маййит яхшилаб ётқизилиб, бўгинлари ўрнига тушиши учун ҳаракат қилинади.

Бундай қилинмаса, танаси қийшиқ ҳолда қотиб қолади.

• Унинг устига энгил мато ёпиб қўйилади.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам жон таслим қилганларида, саҳобаи киромлар у зотнинг муборак юзлари ва устиларини Ямадан келган чизикли ҳибара деб аталувчи чопон билан ёпиб қўйишган.

• Шишиб кетмаслиги учун маййитнинг қорнига оғирроқ нарса қўйилади.

Баъзи жойларда маййитнинг қорнига мусҳаф қўйиш одати бор, бундай қилиш мумкин эмас.

• Маййитни сўри каби ердан кўтарилган нарса устига, икки қўлини ёнига қилиб ётқизиш тавсия қилинади.

Шунда уни ювиш ва кафанлаш осон бўлади. Танаси тўғри ҳолда ва ювиш ҳамда кафанлашга осон бўлиб қолади.

• Маййитнинг қўлини кўксига қўйиш мумкин эмас.

Бу бошқа диндагиларнинг иши. Бизнинг ўликни ювишимиз, кафанлашимизга ҳам маййитнинг қўли кўксида туриши тўғри келмайди.

Ҳанафий мазҳаби бўйича маййитни ювиб бўлинмагунча, унинг олдида Қуръон ўқиб бўлмайди.

Чунки ювишдан олдин маййит нажас ҳолда бўлади. Албатта, бу ҳолатда Қуръони Каримни ўқиб бўлмайди. Одатда маййитни ювиб бўлгандан кейин ҳам Қуръони Каримни овоз чиқариб тиловат қилинмайди.

Маййитни ўпиш жоиз.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَقْبَلَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَلَيَّ فَرَسِهَ مِنْ مَسْكِنِهِ بِالسُّنْحِ حَتَّى تَرَلَّ، فَدَخَلَ الْمَسْجِدَ فَلَمْ يُكَلِّمِ النَّاسَ حَتَّى دَخَلَ عَلَيَّ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، فَتَيَمَّمْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ مُسَجَّى بِبُرْدٍ حَبْرَةٍ، فَكَشَفَ عَنِّي وَجْهَهُ، ثُمَّ أَكَبَّ عَلَيَّ فَقَبَّلَهُ، ثُمَّ بَكَى، فَقَالَ: يَا أَبِي أَنْتَ يَا نَبِيَّ اللَّهِ، لَا يَجْمَعُ اللَّهُ عَلَيْكَ مَوْتَيْنِ، أَمَّا الْمَوْتَةُ الَّتِي كُتِبَتْ عَلَيْكَ فَقَدْ مُتَّهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ошиа розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Абу Бакр Сунхдаги уйидан отида етиб келди. Отдан тушиб, масжидга кирди. Одамларга ҳеч нарса демай, тўғри менинг уйимга, Набий соллаллоху алайҳи васалламни кўриш учун кирди. У зот ҳибарага (йўл-йўл яманий чопонига) ўраб қўйилган эдилар. Отам у зотнинг юзларини очди, энгашиб, у зот ўпди. Сўнгра йиғлаб: «Отам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Набийси! Аллоҳ сизга икки ўлимни жам қилмайди. Сизга ёзилган ажалингиз етибди», деди».

Бухорий ва Насаий ривоят қилган.

• *Маййитнинг аҳли уни кўрмоқчи бўлса, ман қилинмайди.*

Бу иш доимо бўлиб келган, буни ҳеч ким ман қилмаган.

• *Маййитнинг ўлгани ҳақида бошқаларга хабар бериш жоиз.*

Ҳанафий уламоларнинг кейинги авлоди олим, зоҳид ва табаррук кишиларнинг жанозаси ҳақида бозорларда эълон қилишни яхши, дейишган.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларга Нажошийнинг, шунингдек, Жаъфар ибн Абу Толиб, Зайд ибн Ҳориса ва Абдуллох ибн Равоҳа розияллоху анхумнинг вафотлари хабарини берганлар. Бундай хабарни беришдан мақсад одамлардан дуо умиди бўлади.

• *Маййитни кўмиш ишларини тезлатиш лозим.*

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَا عَلِيُّ، ثَلَاثٌ لَا تُؤَخَّرُهَا: الصَّلَاةُ

إِذَا أَتَتْ، وَالْجَنَازَةُ إِذَا حَضَرَتْ، وَالْأَيُّمُ إِذَا وَجَدَتْ لَهَا كُفْوًا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй Алий, уч нарсани кечиктирма: вақти кирган намозни, hozир бўлган жанозани ва тенги топилган эрсиз аёлни», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган.

Жанозани узрсиз орқага суриш ҳаром. Узр эса фақат маййитнинг яқин кишиларини, аҳли фазл ва солиҳ кишиларни кутиш бўлиши мумкин, холос.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «أَسْرِعُوا بِالْجَنَازَةِ، فَإِنَّ تَكُ صَالِحَةً فَخَيْرٌ تُقَدِّمُونَهَا إِلَيْهِ، وَإِنْ تَكُ غَيْرَ ذَلِكَ فَشَرٌّ تَضَعُونَهُ عَنْ رِقَابِكُمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Жанозани тезлатинглар. Агар у аҳли солиҳ бўлса, яхши, уни (яхшиликка) етказасизлар. Агар бошқача бўлса, ёмон, уни (тезроқ) елкангиздан қўясиз», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилган.

Жанозани тезлатишда фақат яхшилик кўзда тутилган. Агар маййит аҳли солиҳ, тақводор, яхши одам бўлса, унга ўлими пайтида у дунёдаги жойи ва у ердаги неъматлар, иззат-икром кўрсатилган бўлади. Маййит ўзи учун тайёрланган ўша яхшиликларга тезроқ етишишга интиқ бўлиб, ошикиб туради. Шунинг учун уни тезроқ олиб бориб жойига қўйиш керак.

Агар Аллоҳ кўрсатмасин, маййит ёмон одам бўлса, унинг касофати ҳаммага уради. Унинг касофатидан қутулиш учун ҳам уни тезроқ олиб бориб кўмиш керак бўлади.

• *Маййитнинг қарзини узишга шошилиш керак.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «نَفْسُ الْمُؤْمِنِ مُعَلَّقَةٌ بِدَيْنِهِ حَتَّى يُفْضَى عَنْهُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўминнинг қарзи адо бўлмагунча унинг руҳи қарзига боғланиб тураверди», дедилар».

Термизий, Ибн Можса ва Аҳмад ривоят қилган.

Мўмин киши ўлганидан кейин қарзи бўлса, унга жаннатдаги макони кўрсатилмай турар экан. Ҳақон қарзи узилса, ўшандан кейингина кўрсатилар экан. Бунда эса ўзига яраша қабр азоби бор. Бировнинг ҳаққи шу даражада аҳамиятлидир. Қарзи борларга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жаноза ўқимаган холлари бўлган. Шунинг учун ҳам ким қабрда ноқулай ҳолга тушиб қолмай деса, ўлишидан олдин ўзида бирор кишининг ҳаққи қолмаслиги учун ҳаракат қилиши керак.

• **Майитнинг васиятини амалга оширишга ошиқиш зарур.**

Албатта, васият шариятга тўғри бўлиши шарт. Шариятга тўғри васиятга амал қилишга шошилиш ила майитнинг ҳурмати бажо келтирилади.

ЖАНОЗА ОДОБЛАРИ

«Жаноза» сўзининг луғатдаги маъноси «сатр» – «тўсиш»дир. Тобутга солинган ўлик «жаноза» дейилади. Маййитни дафн қилиш борасида қилинадиган амалларни ҳам «жаноза» дейиш урф бўлган.

Бир мусулмон шахс вафот этса, қолган мусулмонлардан унинг вафотини билганларга тўрт нарса кифоя тарзида фарз бўлади. Яъни ўша нарсаларни улардан баъзилари адо этса, кифоя қилади. Агар бир кишигина билса, ўша бир кишининг ўзига фарз бўлади.

Мазкур тўрт нарса: маййитни ювиш, кафанлаш, намозини ўқиш ва дафн қилишдир.

عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ رضي الله عنه قَالَ: أَنَّ آدَمَ عليه السلام قَبَضَتْهُ الْمَلَائِكَةُ، وَعَسَلُوهُ وَكَفَّنُوهُ وَحَنَطُوهُ، وَحَفَرُوا لَهُ وَأَحَدُوا لَهُ، وَصَلَّوْا عَلَيْهِ، ثُمَّ دَخَلُوا قَبْرَهُ فَوَضَعُوهُ فِي قَبْرِهِ، وَوَضَعُوا عَلَيْهِ اللَّيْنَ، ثُمَّ حَرَجُوا مِنَ الْقَبْرِ، ثُمَّ حَثَّوْا عَلَيْهِ التُّرَابَ، ثُمَّ قَالُوا: يَا بَنِي آدَمَ، هَذِهِ سُنَّتُكُمْ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Одам алайхиссаломнинг жонини фаришталар қабз қилгач, у зотни ювишди, кафанлашди, хушбўй суртишди. Сўнг у зот учун қабр қазиди, лаҳад қилишди, жаноза ўқишди. Сўнгра қабрга қўйиб, устидан ғишт теришди, қабрдан чиққач, тупроқ тортиб, «Эй Бану Одам, мана шулар суннатингиздир», дейишди».

Аҳмад ривоят қилган.

Демак, маййитнинг яқинлари, қариндошлари ва ёру биродарлари қуйидаги тўрт ҳақни адо этишлари фарздир:

1. Ювиш.
2. Кафанлаш.
3. Жаноза намози ўқиш.
4. Жанозасини кўтариб бориб дафн қилиш.

Биринчи фарз – маййитни ювиш.

Маййитни ювиш фарзи кифоядир. Ўлим аён бўлганидан кейин уни ювишни тезлатиш суннатдир.

Маййит ювмасдан кўмилган бўлса, қайта чиқариб, ювилади. Албатта, янги кўмилган вақтида.

Маййит танасининг кўп қисми мавжуд бўлса, ювиб, жаноза ўқилади, бўлмаса, йўқ.

Маййитни ювгани сув топилмаса ёки узрли сабабга кўра ювишнинг иложи бўлмаса, таяммум қилдирилади.

Баъзи ҳолларда вазиятга қараб, масалан, маййитнинг танасига қўл теккизишнинг имкони бўлмаса, ният қилиб, устидан сув куйилса ҳам бўлади.

Эркакни эркак, аёлни аёл ювади. Бир мусулмонни ювиш учун кофир эркак ва бегона муслима ҳозир бўлса, эркак ювади.

Ханафийлар: «Ўлган аёл кишини эри ювса ёки ушласа бўлмайди, чунки уларнинг орасидаги никоҳ кесилган бўлади», дейишади. Кучли қавлга қараганда, эр аёлининг ўлигига назар солса бўлади. Чунки назар – ушлаш ва ювишдан кўра енгил нарса.

Эркак кишини ювишга ҳақлиларнинг тартиби қуйидагича: отаси, бобоси, ўғли, ўғлининг ўғли, ака-укаси, ака-укасининг ўғли, амакиси ва амакисининг ўғли. Маййитни диний ҳукмларни яхши биладиганларнинг ювишлари афзал кўрилади.

Аёл кишини ювишга ҳақлилар ўзига махрамлик алоқаси бор аёллардир. Улар маййитга нисбатан агар бирлари эркак деб тасаввур қилинса, ораларида никоҳ ҳаром бўлишига тўғри келадиган аёллардир.

Агар эркак киши аёлларнинг ичида, аёл киши эркакларнинг ичида ўлиб қолса, агар махрами бўлмаса, номахрам бўлса ҳам, таяммум қилдиради.

Ғассол – ўликни ювувчида лозим бўлган шартлар:

Мўмин-мусулмон маййитни ювадиган ғассолда қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

• Ислом, яъни мусулмон бўлиш.

• Ният. Ханафийлар, ният фарзи кифояни соқит қилиш учун шарт, дейишган.

• Ақл.

Ғассолнинг ишончли, омонатдор, ғусл ҳукмларини яхши биладиган шахс бўлиши мустаҳабдир.

Ғассол ва у билан бирга маййитни ювишда иштирок этади-
ганлар кўзларини тийишлари лозим. Маййит тирик пайтида
одамларга кўрсатмайдиган жойларини беркитишлари керак.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ غَسَلَ مَيِّتًا وَكَفَّنَهُ وَحَنَطَهُ
وَحَمَلَهُ وَصَلَّى عَلَيْهِ وَلَمْ يُفْسِدْ عَلَيْهِ مَا رَأَى خَرَجَ مِنْ حَطِيبَتِهِ مِثْلَ يَوْمِ وَلَدَتْهُ
أُمُّهُ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллалллоху алайхи васаллам: «Ким бир
маййитни ювса, кафанласа, хушбўй суртса, сўнг уни кўтар-
са, унга жаноза ўқиса, кўрган нарчасини фош қилмаса, худ-
ди онадан янги туғилгандек гуноҳларидан пок бўлиб чиқа-
ди», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Маййитни бегона кўзлардан беркитиш лозим, токи унинг
бирор айби бўлса, бошқалар кўриб қолмасин. Маййитни уй
ичида ювиш ва у ерда ғассолга ёрдам берадиган кишилардан
бошқалар бўлмаслиги мустаҳабдир. Ғассол ёрдамга мухтож
бўлмаса, ёлғиз ўзи ювгани афзал. Ғассол маййитни юваётган-
да, хушбўй нарсалар тутатилса, яна ҳам яхши бўлади.

Ғассол ва бошқалар маййитнинг авратига назар солмаслик-
лари лозим. Бунинг учун ювиш пайтида маййитнинг авратига
бирор мато ёпиб кўйилади. Авратни ювганда қўлга латта кийиб
олиб ювиш шарт. Ғассол маййитнинг баданидаги керак бўлма-
ган жойларига назар солмайди.

Ғассолик ва маййитни кафанлаш, унга гўр қазиш каби иш-
ларга ҳақ олмаган афзал. Ғассол маййитни ювиб бўлганидан ке-
йин ўзи ғусл қилиши мустаҳабдир.

Ювилаётган маййитнинг ҳолати:

Маййитни одамлардан холи, тўсилган, шифти бор жойда,
тахтанинг устида ювган афзал.

Маййитнинг боши ёки бошқа аъзолари кесилган бўлса, улар-
ни жойига кўйиб боғлаб, бутун танага ўхшатиб, камчиликлари-
ни беркитиб, оҳиста ювилади. Агар тиши ёки шунга ўхшаш аъ-
золари тушиб кетган бўлса, ювиб, кафанига солиб кўйилади.

Фассол маййитни суяб, орқага мойилроқ қилиб ўтирғизиб, мулойимлик билан ювади. У маййитнинг елкасидан ушлаб, ўз кўксига суяган ҳолда қорнини силаб, ичидаги бор чиқиндини чиқаради. Ҳар сафар кўлини қориннинг устидан ўтказганда, кўпроқ сув қуйиб турилади. Кейин уни чалқанчасига ётқизади.

Маййитнинг авратини беркитиш вожибдир. Кейин маййитнинг кийимлари ечилади.

Маййитни ювишни фарз қилувчи нарсалар:

- Маййитнинг мусулмон бўлиши.

- Чала туғилган болани ювишнинг тафсилоти қуйидагича: агар боланинг кўп қисми чиққанида, унда тириклик аломати бўлса, уни ювиб, намоз ўқилади ва у мерос олиб, мерос қолдиради. Агар ҳаётнинг аломати бўлмаса, уни ювиб, исм қўйиб, кўмилади. Агар тўла одам ҳолати бўлмаса, устидан сув қуйиб, латтага ўраб, исм қўйиб, кўмилади.

- Маййитнинг жасади тўлиқ бўлиши ёки унинг кўпроқ қисми ҳозир бўлиши лозим. Ҳанафий мазҳаби бўйича, тананинг кўп қисми ёки ярми билан боши бўлса, унга жаноза намози ўқиш фарз бўлади.

Маййитни таҳорат қилдириш:

Ҳанафий мазҳаби бўйича, маййит таҳорат қилдирилади. Аввал ундан нажас ва нопок нарсалар кетказилади. Сўнгра олд ва орқа авратлари латта билан ювилади. Оғзига ва бурнига сув олдирилмайди. Таҳоратдаги бошқа амаллар охирига етказилади.

Маййитни ғусл қилдириш:

Таҳорат қилдириб бўлинганидан кейин боши ва соқоли ювилади. Маййитнинг ғусли ҳам худди тирикнинг ғуслига ўхшайди. Маййитнинг оғзини очмасдан, мисвок қилдирилади. Тирноқларининг ости ҳам покланади.

Сўнгра уни чап ёни ила ёнбошлатиб, ўнг томони ювилади. Кейин худди шу тарзда чап тарафи ювилади. Бу вожиб бўлган ювишдир.

Ғуслни уч марта такрорлаш мандубдир. Кейин қуруқ латта билан танаси қуритилади. Бошига ва соқолига хушбўй нарса суртилади. Сажда қиладиган аъзоларига кофур (хушбўй модда) суртилса ҳам бўлади.

Маййитнинг сочи ва тирноғи олинмайди. Аёл кишининг сочи ўриб қўйилади.

Эркак учун кафаннинг суннати изор, кўйлак ва лифофадир.

قَالَ جَابِرُ بْنُ سَمْرَةَ: كُفِّنَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي ثَلَاثَةِ أَثْوَابٍ: قَمِيصٍ، وَإِزَارٍ،
وَلِنْفَاقَةٍ. رَوَاهُ ابْنُ عَدِيٍّ.

Жобир ибн Самура айтади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уч мато: кўйлак, изор ва лифофа билан кафанландилар».

Ибн Адий ривоят қилган.

Аёлга химор – рўмол ва икки кўкраги устидан боғланадиган латта зиёда қилинади. Кафаннинг ёйилиб кетиш хавфи бўлса, у боғланади.

Иккинчи фарз – маййитни кафанлаш.

Маййитни кафанлаш мусулмонлар жамоаси зиммасидаги фарзи кифоядир.

Кафан ва кўмишнинг бошқа сарф-харажатлари маййитнинг ўз маблағидан қилинади. Агар унинг ўз маблағи бўлмаса, аёл кишининг кафани ва бошқа дафн харажатлари эрининг зиммасига тушади. Маййитнинг нафақасини қиладиган одам топилмаса, бунга байтулмол ёки қодир мусулмонлар масъул бўлишади.

Кафаннинг сифати ва миқдори:

Ҳанафий мазҳаби бўйича, кафан уч турга: зарурат кафани, кифоят кафани ва суннат кафанига бўлинади.

1. Зарурат кафани.

Зарурат ва ожизлик бўлганда, эркак ва аёлга имкони бор кафан қилинади. Бунда энг ози баданни тўсадиган нарса бўлиши лозим.

2. Кифоят кафани.

Бунда банда ҳаёт вақтида киядиган энг оз кийими миқдори кафан бўлади.

Эркак киши учун изор (шалвор) ва лифофа. Аёл киши учун изор (лозим), лифофа ва рўмол.

3. Суннат кафани.

Бу кафанларнинг энг мукаммалидир. Эркак учун уч нарса: изор (лозим), қамийс (кўйлак) ва лифофадан, аёл киши учун беш нарса, изор, қамийс (кўйлак), химор (рўмол), сийнабанд ва лифофадан иборатдир.

Эркакнинг кафанини ипак ва бўялган нарсалардан қилиш макрухдир.

Аввал лифофа, кейин изор ёзилиб, сўнгра қамийс кийгизилади. Эркак киши шу кафанликларга ўралади. Аввал изорнинг чап тарафи маййитнинг устига, чап тарафига тортилади. Кейин ўнг тарафи. Охири лифофа ҳам шундай ўралади.

Аёл кишини кафанлашда аввал лифофа ва изор ёзилади. Маййитани изорнинг устига ўтирғизиб, қамийс кийдирилади. Сочини иккита қилиб ўриб, қамийс устидан кўкрагига ташлаб қўйилади. Сўнгра бошига рўмол ўратилади. Кўкси сийнабанд билан боғланади. Охири лифофа билан ўралади.

Кафанларнинг устидан маййитнинг бош ва оёқ томонларидан латта билан боғлаб қўйилади.

Учинчи фарз – маййитга намоз ўқиш.

Мусулмон маййитга жаноза намози ўқиш фарздир.

Жанозага ўтишга ҳақлироқлар қуйидагилар:

• Султон ёки унинг ноибни жанозага ҳозир бўлса, улар намозни ўқишга ҳақлидирлар.

• Улар бўлмаса, қози ҳақли бўлади.

• Ундан кейин маҳалланинг имоми ҳақли бўлади.

• Кейин маййитнинг яқин қариндошлари ҳақли бўлади.

Агар бир киши жанозаси ўқилмай дафн қилинган бўлса, чириш бошланмаган ҳолатда қабри устида жаноза ўқилади.

Бир неча жанозалар жамланганда, уламолар жумҳури бир неча жаноза учун бир намоз жоизлигига иттифоқ қилишган. Имомнинг олдида бир жанозани қўйиб, ундан кейин қибла тарафга бошқаларини ёнма-ён қилиб тизилади ва намоз ўқилади.

Жаноза намозининг ўқилиш тартиби:

Ҳанафий мазҳаби бўйича, жаноза намозининг иккита рукни: тўрт такбир ва қиёми бор. Вожиби битта: икки томонга салом бериш. Шарти битта: ният қилиш.

Жаноза намози қуйидагича ўқилади: «Ният қилингандан сўнг, такбир айтиб, кулоқ қоқилади. Кейин «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика»ни ўқиб, яна такбир айтилади, аммо қўл кўтарилмайди. Сўнгра намоздаги каби салавоглар («Аллоҳумма солли...») ва «Аллоҳумма барик...») ўқилиб, қўл кўтармасдан, яна такбир айтилади. Кейин «Аллоҳуммағфирли ҳай-

йна ва маййитина» дуосини охиригача ўқиб, яна бир такбир айтилгач, салом берилади.

Жаноза намозига кеч келган одам ният қилиб, имомга эргашаверади. Имом салом берганидан кейин, неча такбирга кеч қолган бўлса, ўшаларни ўзи айтиб кўяди. Бошқа нарсаларни ўқимади. Агар у имом тўртинчи такбирни айтиб бўлганидан кейин келса, намоздан қолган бўлади.

Маййитга жаноза ўқишнинг шартлари:

Жаноза ўқувчига худди намоз ўқувчига қўйилган шартлар: ислом, ақл, сатри аврат, таҳоратли бўлиш, бадан, кийим ва маконда нажосат бўлмаслиги, қиблага юзланиш ва ният қабилар шартдир. Шу билан бирга:

- Маййит мусулмон бўлиши шарт.
- Маййитнинг жасади ёки жасадининг аксари қисми мавжуд бўлиши шарт.
- Маййит намоз ўқувчининг олдига қўйилган бўлиши шарт. Ҳанафий мазҳабида ғойибга жаноза ўқиш йўқ. Бирор нарсанинг, мисол учун, уловнинг устидаги маййитга ҳам жаноза ўқилмайди. Имомнинг орқасида турган маййитга ҳам жаноза намози ўқиб бўлмайди.
- Аввал ҳаёт бўлиши шарт. Ўлик туғилган болага жаноза ўқилмайди.
- Маййит пок бўлиши шарт. Ювилмаган ёки таяммум қилдирилмаган маййитга жаноза ўқиб бўлмайди.
- Ҳанафий мазҳабида шаҳидга ҳам жаноза ўқилади.

Жаноза намозининг вақти қатъий чегараланмаган, фақат маййитга кун чиқаётган, кун ботаётган ёки қиёмда турган пайтда намоз ўқиб бўлмайди, яъни бомдод намозидан кейин то қуёш чиқиб бўлгунича ва аср намозидан кейин то қуёш ботиб бўлгунича ҳам жаноза намози ўқиш мумкин эмас.

Тўртинчи фарз – маййитнинг дафни.

Ҳар бир маййитни жон берган еридаги қабристонга дафн қилиш мандубдир. Агар бир ёки икки мил масофага олиб борса ҳам, жоиз.

Маййитни ювиб, қафанлаб бўлгандан кейин тобутга чалқанча қилиб ётқизилади.

Тобутни тўрт тарафидан кўтариш суннатдир. Тобут кўтар-моқчи бўлган одам маййитнинг бош тарафидаги чап дастани ўнг елкасига қўйиб, ўн қадам юради. Кейин орқага ўтиб, тобут-нинг орқа чап дастасини ўнг елкасига олиб, ўн қадам юради. Сўнгра бошқа тарафдан ҳам чап елкаси ила аввалги тартибда кўтаради. Тобут ўта эҳтиром билан кўтарилади.

Жанозадаги суннат амаллар қуйидагилар:

- Жанозани тезлатиш.
- Жанозага эргашиш.

Бу нарса уч амалдан: жаноза намозини ўқиш, қабргача бир-га бориш ва дафндан кейин маййитнинг ҳаққига дуо қилишдан иборатдир.

- Хушуъли бўлиб, ўлимни ўйлаб бориш.

Жанозада иштирок этаётган одам турли гапларни гапириши, кулиши ва дунё ташвишида бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, овоз чиқармай борилади. Ичида зикр қилади ва ибрат олишга ҳаракат қилади.

- Аёл кишининг тобути устидан каттароқ мато билан тўсилади.
- Жанозада иштирок этувчилар тобутнинг орқасида борадилар.
- Жаноза билан борганлар уни елкадан ерга қўйганларидан кейингина ўтирсалар, жоиз.

Жанозадаги макруҳ ишлар қуйидагилар:

- Намоз ва дафнни ортга суриш.

Намозга одам кўпроқ тўплансин, деган ва шунга ўхшаш ба-ҳоналар билан ҳам бу ишларни кечиктириб бўлмайди. Фақат маййитнинг яқин валийсини кутиш мумкин, холос.

- Маййитни кўтариб келганлар тобутни елкаларидан қўйма-гунларича, ўтириб олиш ҳам макруҳ.

Тобут ерга қўйилганидан кейин эса тик туриш макруҳ. Тобут-ни кўтариб ўтаётганларини кўрган одам ҳам ўрnidан турмайди.

- Қабристонга боришда маййит кўтариб борилгудай бўлса, иштирокчиларнинг бирор нарсага миниб боришлари макруҳ. Қай-тишда улов минсалар, жоиз.

- Жанозада иштирок қилувчиларнинг ғала-ғовур қилишлари, зикр, қироат ила овоз кўтаришлари ва бақир-чақир қилишлари жоиз эмас. Жанозада жим туриб, сукут сақланади. Ўлим ҳақида тафаккур қилинади.

• Оловли нарсаларни кўтариб олиш, исирик тутатиш каби ишлар ҳам мумкин эмас.

• Жанозанинг ортидан аёлларнинг бориши ҳам макрухи таҳримийдир.

• Бошқа миллат ва дин вакиллари жанозада қиладиган амалларни, масалан, гулдаста кўтариб олиш каби ишларни қилиш ҳам макруҳдир.

Маййитни дафн қилиш ҳукми ва уни тезлатиш:

Маййитни дафн қилиш фарзи кифоядир. Жон узилиши билан уни дафн қилишга тайёрлашга шошилиш керак. Қабристонга дафн қилиш афзал. Қабристонларнинг афзалига дафн қилиш мустаҳабдир. Кўп аҳли солиҳлар ва шаҳидлар дафн қилинган қабристон афзал ҳисобланади.

Қариндошларни бир жойга қўйиш мустаҳабдир. Бу ишлар уларни зиёрат қилиш ва ҳақларига дуо қилишни осонлаштиради.

Қабрларнинг сифати ва уларни эҳтиром қилиш:

• Қабрларнинг энг саёзи ҳидни ман қиладиган ва жасадни йиртқич ҳайвонлар еб кетишидан саклайдиганидир.

• Қабрни иложи борича чуқур ва кенг қилиш мандубдир.

• Ҳанафий мазҳаби бўйича, қабрнинг чуқурлиги одамнинг кўкрагигача бўлгани афзалдир. Унинг узунлиги маййитнинг узунлигича бўлади. Кенглиги маййит бўйининг ярмича бўлса, яхши.

• Лаҳад қилиб қазилган қабр шаққ(ёрма қабр)дан афзал эканига фуқаҳолар иттифоқ қилишган. Ер қаттиқ бўлса, лаҳад қилиш, юмшоқ бўлса, шаққ қилиш афзал, деганлар ҳам бор.

• Дафнда ҳозир бўлган киши қабрнинг бош томонида туриб, унга уч сиким тупроқ ташлаши мустаҳабдир. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шундай қилганлари ривоят қилинган.

• Қабрнинг усти бир қарич миқдорида кўтарилади.

• Қабрнинг усти туянинг ўркачига ўхшатиб кўтарилади.

• Қабрни гипс билан суваш, устига бино қилиш, ёзув ёзиш, унинг ёнида ётиб қолиш, масжид қилиш, уни ўпиш, тавоф қилиш, унинг ёнида хушбўй нарса тутатиш, унинг тупроғидан шифо тилаш каби ишлар макруҳдир.

• Қабрнинг устига майда тошлар, бир дона каттароқ тош қўйиб белгиланса, жоиз.

- Қабрга чирок қўйиш жоиз эмас.

Қабрларни эҳтиром қилиш тартиби:

Барча фуқаҳолар қабрларни эҳтиром қилиш суннат эканига иттифоқ қилганлар. Қабрларнинг эҳтироми қуйидагилардан иборат:

- Қабрнинг устига ўтириб, устида юриб ёки қазои ҳожат қилиб бўлмайди. Ҳанафийлар: «Зарурат юзасидан, Куръон ўқиш учун ўтирса бўлади», дейишган.

- Қабр ичида майитнинг суяги борлиги гумон қилинса, уни очиб бўлмайди. Қабр қазилаётганда эски суяклар чиқиб қолса, уларни авайлаб кўмиб қўйилади. Зинҳор суяклар синдирилмайди.

Факат зарурат юзасидан қуйидаги ҳолатлардагина қабрни очишга рухсат берилади:

- Майит ювилмасдан ёки кафансиз кўмилган бўлса, ҳолати ўзгармай туриб, очса бўлади.

- Кафан ёки ер зўрлик билан тортиб олинган бўлса-ю, эгалари ҳақини олмай, ўзини берасан, деб туриб олганида.

- Бошқа майитни кўмиш ёки жоме масжидни кенгайтириш учун зарур бўлиб қолса, эски қабрни очиш мумкин. Қабрдаги жасад чириб, тупрокқа айланиб кетган бўлса, унинг ўрнига бино курса ёки экин экса бўлади.

- Майит билан бирга мол, тақинчоқ дафн қилинган бўлса ёки бировнинг моли тушиб кетган бўлса ва у талаб қилса, қабрни очса бўлади.

- Бировнинг гавҳарини ютиб юборган одам ўлса ва гавҳарнинг эгаси талаб қилиб туриб олса, ўликнинг қорнидан унинг гавҳари олиб берилади.

- Ҳомиладор аёл ўлса-ю, ичида боласи кимирлаб турса, унинг қорнини ёриб, бола олинади.

- Дафидан кейин майитни кўчириш мутлақо мумкин эмас.

- Қабрнинг устига сув сепиш мандубдир. Хўл шохларни ва райҳон каби нарсаларни қабр устига қўйиш суннатдир. Қабр устида ўсиб турган майса ва ўсимликларни қуримасдан олдин юлиш макруҳдир. Чунки хўл набототнинг тасбеҳидан майитга фойда етиб туради.

- Зарурат юзасидан бир қабрга биттадан ортиқ майитни қўйиш мумкин. Уларнинг афзали қиблага яқин қилиб қўйилади. Икки майитнинг орасига тупроқдан тўсиқ қилинади.

Маййит чириб, тупроққа айланиб кетган бўлса, унинг қабрига бошқа маййитни қўйиш жоиз. Қабрдаги маййитнинг қай даражада чиригани ернинг хусусиятига боғлиқ бўлади. Бу ҳақда биладиган кишилардан сўралади.

Дафннинг ҳукмлари қуйидагилар:

• Дафннинг кайфияти.

Жаноза (маййит) қабрнинг қибла тарафига қўйилади. Уни қабрга қўювчи ҳам қиблага қараган ҳолда бўлади ва қабрга аста қўяди. Қабр ичига маййит қибла томонидан киритилади. Уни қўювчи «Бисмиллаҳи ва ала миллати Расулиллаҳи» дейди. Маййитни қиблага юзлантирилади.

Маййитнинг бош ва оёқ тарафидаги кафан тарқалиб кетмаслиги учун боғланган боғичлар ечилади. Маййит ўнг тарафи ила юзини қиблага қаратиб ётқизилади.

Эркак кишини эркаклар қабрга қўядилар. Уларнинг адади чегараланган эмас. Энг ҳақли кишилар унга жаноза намозини ўқиш ҳақкига эга бўлган яқинларидир.

Аёлларни фақат махрамлари қабрга қўяди. Бошқалар, жумладан, гўрковлар аёлларни қабрга қўйишлари мутлақо мумкин эмас. Агар махрами бўлмаса, аёл кишилар, улар ҳам бўлмаса, дафнга қодир аҳли солиҳ, қари кишилар қўйишади.

Қабрда маййитнинг тагига бирор нарса солинмайди. Бошқа нарсалар, турли ёзувли нарсалар ҳам қўйилмайди.

Қабрнинг оғзига хом ғишт терилади. Пишган ғишт ва ёғоч қўйиб бўлмайди. Кейин устидан тупроқ тортилади. Қабр яқинида турганлар унга уч сикимдан тупроқ ташлашлари мустахабдир. Бир гуруҳ одамларнинг дафндан кейин туриб, маййитнинг ҳақкига дуо қилишлари мустахабдир.

• Дафн макони.

Аввал айтиб ўтилганидек, маййитни қабристонга дафн қилиш афзалдир. Маййит зиёратчиларнинг дуоларидан фойда олиб туради.

Мусулмон киши ғайримусулмонларнинг қабристонига, ғайримусулмон эса мусулмонларнинг қабристонига дафн қилинмайди.

Денгизда ўлган одамни қирғоққа олиб чиқиш имкони бўлмаса, ювиб, кафанлаб, намозини ўқиб, сувга туширилади.

• **Дафн муддати.**

Майитни кундуз куни, нафл намоз ўқиш макруҳ бўлмаган вақтда дафн қилиш афзалдир. Кечаси дафн қилиш ҳам жоиз.

• **Дафн пайтида айтиладиган нарс.**

Майитни қабрга қўяётган киши: «Бисмиллаҳи ва алаа миллати Расулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейди. Бошқа дуоларни қилса ҳам яхши.

• **Қабрни тўсиш.**

Аёл кишининг дафни пайтида унинг қабри бирор мато билан тўсиб турилади.

• **Тобут ёки сандиқ ила дафн қилиш.**

Ернинг сувли бўлиши, денгизга дафн қилишдан ўзга чора йўқлиги каби узрли ҳолатларда тобут ёки сандиқда дафн қилиш жоиз.

Дафндан сўнг дафн қилинган шахсга мағфират тилаб дуо қилинади. Имом Жалолиддин Суютий «Шарҳис-Судури бишарҳи холил мавта вал кубури» китобларининг «Дафн пайтида айтиладиган нарсалар» бобида, жумладан, қуйидагиларни келтирадилар:

رَوَى الطَّبْرَانِيُّ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْعَلَاءِ بْنِ اللَّجْلَاجِ عَنْ أَبِيهِ، قَالَ:
قَالَ لِي أَبِي اللَّجْلَاجِ أَبُو خَالِدٍ: يَا بُنَيَّ، إِذَا مِتُّ فَأَلْحِدْنِي، فَإِذَا وَضَعْتَنِي
فِي الْحَدِيدِ، فَقُلْ: بِسْمِ اللَّهِ، وَعَلَى مِلَّةِ رَسُولِ اللَّهِ، ثُمَّ شَنَّ عَلَيَّ التُّرَابَ
شَنًّا، ثُمَّ اقْرَأْ عِنْدَ رَأْسِي بِفَاتِحَةِ الْبَقْرَةِ، وَحَاتَمْتَهَا؛ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ
اللَّهِ ﷺ يَقُولُ ذَلِكَ.

Тобароний Абдуorraҳмон ибн Алаа ибн Лажлаждан ривоят қилади:

«Отам менга шундай деди: «Ўғлим! Мен ўлгач, мени лаҳадга қўй, лаҳадга қўйганингдан сўнг, «Бисмиллаҳи ва ʼалаа миллати Росулиллааҳи (соллаллоҳу алайҳи васаллам)», дегин. Сўнгра устимга тупроқ тортгин. Кейин бош тарафимда Бақаранинг аввали ва охирини ўқигин.

Мен Расулulloх солаллоху алайхи васалламнинг шундай деганларини эшитганман».

Жалолиддин Суютий раҳматуллоҳи алайҳи шундай деганлар: «Мусулмонлар барча асрларда ҳеч қандай инкорсиз жамланиб, Куръон ўқиб, савобини ўлганларга бағишлаб келмоқдалар. Демак, бу нарса ижмо бўлади».

Пайғамбар солаллоху алайҳи васаллам: «У (Мулк сураси) тўсувчи, нажот берувчи сурадир. У қабр азобидан нажот беради», деганлар. Шунинг учун бизда дафндан кейин Мулк (Таборақ) сурасини ўқиш одат бўлган.

Қабрларни зиёрат қилиш:

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби бўйича рух, яъни баёнга, нутқ қилишга ва хитобни фаҳмлашга қодир бўлган жон жасаднинг йўқ бўлиши билан йўқ бўлиб кетмайди. У мавжуд ҳолда бўлади. Ўлганларнинг руҳлари тўпланади. Азоб ва савоб ҳам руҳга, ҳам баданга бўлади. Рух бадандан ажраганидан кейин неъматланиши ёки азобланиши давом этади.

Майитлар ўзларининг тирик яқинларининг ҳолини билиб турадилар. Уларнинг яхши ишларидан хурсанд, ёмон ишларидан хафа бўлишади.

Майитлар ўзини зиёрат қилганларни билади ва у маъруф иш қилса, фойда, мункари иш қилса, озор олади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, қабрларни зиёрат қилиш эркак ва аёлларга мандубдир. Бошқа мазҳаблар: аёлларнинг қабрларни зиёрат қилиши жоиз эмас, деган.

Қабр зиёрати жума, шанба, душанба ва пайшанба кунлари бўлгани яхши. Зиёрат ва дуо тик турган ҳолда бўлади. Зиёратчининг Ёсин сурасини ўқиши мандубдир.

عَنْ مَعْقِلِ بْنِ يَسَارٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَقْرَبُهَا عَلَيَّ مَوْتَاكُمْ». يَعْنِي ﴿يَس﴾. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَبُو دَاوُدَ وَالْحَاكِمُ.

Маъқал ибн Ясар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх солаллоху алайҳи васаллам: «Ўлганларнингизга Ёсинни ўқинглар», дедилар».

Аҳмад, Ибн Можа, Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилган.

Шунингдек, Фотиҳа сурасини, Бақара сурасининг аввалидан «муфлиҳун»гача, Курсий оятини, «Аманар-расулу»ни, Таборак сурасини, Такосур сурасини, «Қул аъзузу бироббил фалак» ҳамда «Қул аъзузу бироббин-нас»ни уч мартадан ва Ихлос сурасини уч, етти ёки ўн бир марта ўқиса ҳам яхши бўлади. Қироатнинг савобини ўтганларга бағишлаб дуо қилинади.

Аёлларнинг зиёратига уларга хос йиғи-сиғи, ношаръий ишлар бўлмаслиги шарт қилинган.

Таъзия ва унга боғлиқ нарсалар:

«Таъзия» сўзи сабрга чақириш, тасалли бериш ва кўнгилни кўтариш маъноларини билдиради. Таъзия билдириш май-йит аҳлига тасалли бериш, уларни сабрга чақириш, қазои қадарга рози бўлишга тарғиб қилиш ва ажр олишга ундаш ила бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ عَزَى مُصَابًا فَلَهُ مِثْلُ أَجْرِهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَالْحَاكِمُ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусибат етган одамга таъзия изҳор қилса, унга (мусибатзадага) берилган ажр мислича ажр олади», дедилар».

Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилган.

Суннат бўйича, хоҳ дафндан олдин, хоҳ дафндан кейин бир марта таъзия изҳор қилинса бўлди. Умуман, мусибат етган одамга ҳамдардлик қилиш, таъзия изҳор этиш савобли иш.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ حَرْمٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «مَا مِنْ مُؤْمِنٍ يُعَزِّي أَخَاهُ بِمُصِيبَةٍ إِلَّا كَسَاهُ اللَّهُ سُبْحَانَهُ مِنْ حُلْلِ الْكِرَامَةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм отасидан, у бобосидан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қай бир мўмин мусибат етган биродарига таъзия изҳор қилса, Аллоҳ унга Қиёмат куни каромат либосини кийдиради», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Шунинг учун бошига мусибат тушган кишиларга таъзия билдиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Таъзия дафндан кейин уч кунгача бўлади. Чунки Расулulloх алайҳиссалом мотамнинг уч кун бўлишини таъкидлаганлар. Сафарда бўлган одам уч кундан кейин, келганидан сўнг таъзия билдирса ҳам бўлади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, таъзия учун масжиддан бошқа жойда уч кун ўтирса бўлади. Биринчи куни афзал. Таъзия асосан мусибат етган уйда бўлади.

Таъзияда турганлар ва унга келганлар хафаликни изҳор қилиб, ўлимни ўйлаб, ичларида зикр айтиб туришлари керак. Таъзияга келганлар Куръони Карим оятларидан тиловат қилиб туриб, дуо қилишлари яхши бўлади.

• *Эри ёки яқин қариндоши вафот этган аёл мотам тутади.*

«Мотам» – арабча «хидод» ёки «ихдод» сўзининг таржимаси бўлиб, луғатда «хафалик учун зийнат ва унга ўхшаш нарсалардан ўзини ман қилиш» деганидир. Шаръий истилоҳда эса аёл кишининг махсус муддатда ва махсус ҳолатларда ўзини зийнат ва шунга ўхшаш нарсалардан ҳамда ўз уйдан бошқа жойда тунашдан ўзини ман қилиши мотамдир. Бундан шариятда эркакларга мотам тутиш буюрилмагани келиб чиқади.

Аёл киши эрига тўрт ою ўн кундан, эридан бошқа яқин қариндошларига уч кундан ортиқ мотам тутмайди.

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ نَافِعٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَخْبَرْتَنِي زَيْنَبُ بِنْتُ أَبِي سَلَمَةَ بِهَذِهِ الْأَحَادِيثِ الثَّلَاثَةِ، قَالَتْ: دَخَلْتُ عَلَى أُمِّ حَبِيبَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ تُوُفِّيَ أَبُوهَا أَبُو سَفْيَانَ، فَدَعَتْ بِطَيْبٍ فِيهِ صُفْرَةٌ خُلُقٌ أَوْ غَيْرُهُ، فَدَهَنْتُ مِنْهُ جَارِيَةً، ثُمَّ مَسَّتْ بِعَارِضِيهَا، ثُمَّ قَالَتْ: وَاللَّهِ مَا لِي بِالطَّيْبِ مِنْ حَاجَةٍ، غَيْرَ أَنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ عَلَى الْمِنْبَرِ: «لَا يَحِلُّ لِمَرْأَةٍ تُوْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ تُحَدِّ

Буларнинг устига, никоҳ ҳар бир никоҳланган шахс учун улкан неъматдир. Ана ўша улкан неъматнинг завол бўлиши ҳар қанча мотамга арзийди.

عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كُنَّا نُنْهَى أَنْ نُحِدَّ عَلَى مَيِّتٍ فَوْقَ ثَلَاثِ
إِلَّا عَلَى زَوْجِ أَرْبَعَةِ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا، وَلَا نَكْتَجِلَ وَلَا نَتَطَيَّبَ وَلَا نَلْبَسَ ثَوْبًا
مَصْبُوغًا إِلَّا نَوْبَ عَصَبٍ، وَقَدْ رُحِّصَ لَنَا عِنْدَ الطُّهْرِ إِذَا اغْتَسَلَتْ إِحْدَانَا
مِنْ حَيْضِهَا فِي ثُبْدَةٍ مِنْ كُنْتِ أَطْفَارٍ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيُّ.

Умму Атийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бирор маййитга уч кундан ортиқ мотам тутишдан қайтарилган эдик, фақат эргагина тўрт ою ўн кун мотам тутиш бор эди. Сурма қўймас эдик, хушбўй суртмас эдик, бўялган кийим киймас эдик, лекин асли бўялган бўлса, бўлаверар эди. Хайздан пок бўлганда ғул қилсак, бироз азфор кусти (хушбўй суюқлик) ишлатишга рухсат бор эди».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насаий ривоят қилган.

Бу ривоятда мотам тутаётган аёл қилмаслиги лозим бўлган: сурма қўймаслик, хушбўй нарса суртмаслик ва бўёкли кийим киймаслик каби баъзи амаллар ҳам зикр қилинмоқда. Уламо-ларимиз далил ва ҳужжатларни кунт билан ўрганиб чиқиб, аёл киши мотам тутиш давомида қилиши лозим бўлган қуйидаги амалларни баён этишган:

• *Мотамдаги аёл шарият ва урфда зийнатланиш – яса-ниш дея эътибор қилинадиган ва бошқаларнинг эътиборини ўзига қаратадиган нарсалардан четда бўлади.*

Мазкур нарсалар унинг баданига онд бўладими ёки кийимига ва тақинчоқларига онд бўладими, фарқи йўқ. Шунигиндек, эри-бошқа эрга тегишга онд бирор нарса бўлмаслиги керак. Эрининг уйида тунаши лозим.

• *Мотамдаги аёл баданига хушбўй нарсалар, ҳинно (хина), сурма, уна-элик, турли зийнат малҳамлари (крем-лари) ва ушбуларга ўхшаш нарсаларни суртмайди, сен-майди.*

Факат даво учун суртса бўлади. Хушбўйланмаган, тишларининг ораси очик тароқ билан сочини тараса бўлади.

• *Мотамдаги аёл мотам давомида одатда яسانيшга мўлжалланган кийимларини киймайди.*

Хусусан, гулли ва ранги эътиборни тортадиган кийимларни киймаслиги керак.

«Мотамдаги аёл мотам давомида қора ёки кўк рангдаги кийим кийиши керак» деган гаплар йўқ.

Аввалдан кийиб юрган кўк ёки қора рангли кийими бўлса ва урфда яسانيш ҳисобланмаса, кийса бўлади.

• *Мотамдаги аёл мотам давомида яسانيш учун тақилади-ган барча тақинчоқларни тақиши мумкин эмас.*

• *Мотамдаги аёл мотам давомида юқорида ман қилинганидан бошқа ишларни, шахсий озодаликка оид ювиниш, қўлтиқ ва бошқа жойларини тозалаш, уйни бегаши каби ишларни бемалол қилаверади.*

• *Мотамдаги аёл мотам давомида эри билан бирга яшаган уйда яшайди.*

Уй ўзиникими, ижарага олинганми, бунинг фарқи йўқ.

عَنِ الْفُرَيْعَةِ بِنْتِ مَالِكِ الْحُدْرِيِّ رضي الله عنه: أَنَّهَا جَاءَتْ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم تَسْأَلُ أَنْ تَرْجِعَ إِلَى أَهْلِهَا فِي بَيْتِ خُدْرَةَ، فَإِنَّ زَوْجَهَا خَرَجَ فِي طَلْبِ عَبْدٍ لَهُ أَبْعُوا، حَتَّى إِذَا كَانُوا بِطَرْفِ الْقُدُومِ لِحِقِّهِمْ فَفَقَتُوهُ، فَسَأَلَتْ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم أَنْ أَرْجِعَ إِلَى أَهْلِي، فَإِنَّهُ لَمْ يَتْرُكْنِي فِي مَنْسَكِنٍ يَمْلِكُهُ وَلَا نَفَقَةٍ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم: «نَعَمْ». فَخَرَجْتُ حَتَّى إِذَا كُنْتُ فِي الْحُجْرَةِ أَوْ فِي الْمَسْجِدِ دَعَانِي أَوْ أَمَرَ بِي فِدُوعِيْتُ لَهُ، فَقَالَ: «كَيْفَ قُلْتِ؟» فَرَدَدْتُ عَلَيْهِ الْقِصَّةَ الَّتِي ذَكَرْتُ مِنْ شَأْنِ زَوْجِي، فَقَالَ: «انْكَبِي فِي بَيْتِكَ حَتَّى يَبْلُغَ الْكِتَابُ أَجَلَهُ». قَالَتْ: فَاعْتَدَدْتُ فِيهِ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا، وَأَخْبَرْتُ عُثْمَانَ بِهَذَا فَاتَّبَعَهُ وَقَضَى بِهِ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Фуроийъа бинти Молик ал-Худрий розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб, Бану Худрадаги уйимга қайтиш учун изи сўрадим. Эри қочиб кетган қулларини қувлаб, Қаддум томонда уларга етиб олганида улар уни ўлдиришган эди. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўз уйимга қайтишга изи сўрадим, чунки эримдан уй ҳам, мол-мулк ҳам қолмаган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Майли», дедилар. Мен чикиб, хужрага ёки масжидга етганимда, у зот мени чақирдилар ёки (чақириб келишга) амр қилдилар. Мени у зотнинг хузурларига олиб киришгач, «Боя нима дединг?» дедилар. Мен эрим ҳақидаги гапни у зотга такрорладим. Шунда у зот: «Китобда ёзилган нарса – белгиланган муддат етгунча уйингда ўтиргин», дедилар. Мен у ерда тўрт ою ўн кун идда ўтирдим.

Кейинчалик бу ҳақда Усмонга айтган эдим, ухам шунга эргашиб, шунга қўра ҳукм чиқарди».

«Сунан» эгалари ривоят қилган.

Бу ҳадисда идда ҳақида сўз борган бўлса ҳам, аввал айтганимиздек, идда билан мотам бирга бўлади.

Маййитга йиғлаш ва шунга ўхшаш ишлар:

Маййитга овоз чиқармасдан, нолойиқ гапларни айтмасдан йиғлаш мумкин. Овоз чиқариб йиғлаш, дод-вой қилиш, ўзини уриш, кийимини йиртиш каби ишлар мутлақо мумкин эмас.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَرِيءٌ مِنَ الصَّالِقَةِ وَالْحَالِقَةِ وَالشَّاقِقَةِ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيَّ.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дод солиб йиғловчи, сочини олдириб ташловчи ва кийимини йиртувчи аёллардан юз ўгирганлар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насаий ривоят қилган.

Мушибат етиб, яқин кишиси вафот этганида, юқоридаги ҳадисда айtilган ишларни қилувчи аёллардан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам воз кечганлар. Яъни улар менинг

умматим эмас, деганлар. Чунки мазкур ишларни қилувчилар Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг умматларига хос бўлмаган ишларни қилган ҳисобланади.

عَنِ الْمُغِيرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ نِيحَ عَلَيْهِ يُعَذَّبُ بِمَا نِيحَ عَلَيْهِ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Муғийра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳаққига йиғланган одам унинг ҳаққига йиғланган нарса билан азобланади», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилган.

Ўлган одамнинг орқасидан айтиб йиғлаш ўликка фойда бермайди, балки унинг қабрда азобланишига сабаб бўлади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, майитга шеър ва бошқа услуб билан марсия айтиш мумкин, аммо мақтовни ҳаддан ташқари ошириб юбормаслик шарт. Мусибатзадалар сабр қилишлари, қазои қадарга рози бўлишлари ва ўтганларига дуода бўлишлари лозим.

• *Майитнинг яқинлари унинг вафотини Аллоҳ таолонинг қазои қадари дея таслим бўлиб қабул қилишлари ва мусибатларига сабр қилишлари лозим.*

Мусулмон одам яқин кишиси вафот этиб, мусибат етганида сабр қилади, Аллоҳга дуолар қилади, Аллоҳ таолонинг қазои қадарига рози бўлади. Мусибатга чидамай, бақириб йиғлаш, бидъат-хурфотга берилиб, сочини олдириб ташлаш ёки кийимларини йиртиш эса мушрика, кофира аёлларнинг ишидир.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿١٥٦﴾ أُولَٰئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ ﴿١٥٧﴾

«Улар – ўзларига мусибат етса, «Биз Аллоҳникидирмиз ва биз Аллоҳга қайтувчилармиз», деганлардир. Ана ўша-

ларга Роббларидан салавотлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар хидоят топганлардир» (156-157-оятлар).

Мусибатнинг энг катталаридан бири яқин кишиларнинг ўлимидир. Ким ана шундай мусибатга учраса, сабр қилган ҳолда «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун» дуосини айтса, мазкур даражага эришар экан.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «مَا مِنْ عَبْدٍ نُصِيبَهُ مُصِيبَةً فَيَقُولُ: إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاغِعُونَ، اللَّهُمَّ أَجْرِي فِي مُصِيبَتِي، وَأَخْلَفَ لِي خَيْرًا مِنْهَا، إِلَّا أَجْرَهُ اللَّهُ فِي مُصِيبَتِهِ وَأَخْلَفَ لَهُ خَيْرًا مِنْهَا». قَالَتْ: فَلَمَّا تُوفِّيَ أَبُو سَلَمَةَ قُلْتُ كَمَا أَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، فَأَخْلَفَ اللَّهُ لِي خَيْرًا مِنْهُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ. زَوَّاهُ الْحُمْسَةَ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг «Қай бир бандага мусибат етганда «Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун. Аллоҳумма'журний фии мусийбатии вахлуф ли хойром минҳаа» деса, Аллоҳ унга ажр беради, бунинг ўрнига ундан яхшироғини беради», деганларини эшитган эдим. Абу Салама вафот этганида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг буюрганларини қилдим. Аллоҳ менга унинг ўрнига ундан яхши зотни – Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни ато этди».

Муслим, Термизий, Насаий ва Абу Довуд ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Албатта биз Аллоҳникимиз ва албатта, Унга қайтувчимиз. Аллоҳим, менга мусибатимда ажр бергин ва унинг ўрнига яхшироғини бергин».

Майитнинг аҳлига таом қилиб бериш:

Мусибатзадаларга уларнинг яқинлари ва қўшнилари таом тақдим қилишлари мустаҳабдир.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَعْفَرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَمَّا جَاءَ نَعْيُ جَعْفَرٍ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «اصْنَعُوا

لَأَهْلِ جَعْفَرٍ طَعَامًا، فَإِنَّهُ قَدْ جَاءَهُمْ مَا يَشْعَلُهُمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Жаъфарнинг ўлими ҳақида хабар келганда Набий солаллоху алайҳи васаллам: «Жаъфарнинг аҳлига таом қилиб беринглар, чунки уларга уларни машғул қиладиган иш келиб колди», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган.

Дафндан кейинги биринчи уч кунда маййит аҳлининг бошқаларга таом қилиб бериши макрухдир. Агар меросхўрлар ичида балоғатга етмаган болалар бўлса, бошқаларга таом қилиб бериш харомдир.

Маййитга савоби етадиган нарсалар:

Маййитнинг дуо, истиғфор, садақа ва ҳаж каби баданий-молиявий ибодатлардан манфаат олишига барча уламолар иттифок қилишган.

عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ؛ أَنَّ سَعِيدَ بْنَ الْمُسَيْبِ كَانَ يَقُولُ: إِنَّ الرَّجُلَ لَيُرْفَعُ بِدُعَاءِ وَلَدِهِ مِنْ بَعْدِهِ. وَقَالَ بِيَدَيْهِ نَحْوَ السَّمَاءِ فَرَفَعَهُمَا. رَوَاهُ الْإِمَامُ مَالِكٌ.

Яҳё ибн Саъиддан ривоят қилинади:

«Саъийд ибн Мусаййаб: «Фарзандининг дуоси туфайли кишининг (охиратдаги даражаси) кўтарилади» деб, икки кўлини осмонга кўтариб ишора қилар эди».

Имом Молик ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: تَرْفَعُ لِلْمَيِّتِ بَعْدَ مَوْتِهِ دَرَجَتُهُ، فَيَقُولُ: أَيُّ رَبِّ، أَيُّ شَيْءٍ هَذِهِ؟ فَيَقَالَ: وَلَدُكَ اسْتَعْفَرَ لَكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Маййит ўлганидан кейин унинг даражаси кўтарилади. Шунда у: «Эй Роббим, бу нимадан?» дейди. «Фарзандинг сенга истиғфор айтди», дейилади».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه قَالَ: تُوَفِّتُ أُمَّ سَعْدِ بْنِ عَبَّادَةَ وَهِيَ غَائِبٌ عَنْهَا، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أُمَّي تُوَفِّتُ وَأَنَا غَائِبٌ عَنْهَا، أَيَنْفَعُهَا شَيْءٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ بِهِ عَنْهَا؟ قَالَ: «نَعَمْ»، قَالَ: فَإِنِّي أَشْهَدُكَ أَنَّ حَائِطِي الْمِحْرَافَ صَدَقَةٌ عَنْهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Убоданинг онаси у йўқлигида вафот этди. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, онам мен йўқлигимда вафот этди. Онамнинг номидан бирор нарса садақа қилсам, манфаати бўладими?» деди. У зот: «Ҳа», дедилар. «Сизни гувоҳ қилиб айтаманки, мевали боғим онамга садақа бўлсин», деди».

Бухорий, Термизий ва Насайй ривоят қилган.

Ҳанафийларнинг кучли қавллари бўйича, қорилар қабрининг олдида ўтириб ўкиса бўлади. Бошқа жойлардаги кироатнинг савоби етиши ҳақида ҳам шубҳа йўқ. Чунки Қуръон кироати бўлган жойга раҳмат ва барака нозил бўлади. Қуръон кироатидан кейинги дуонинг қабул бўлиши осон. Тўрт мазҳабнинг барчаси Қуръон кироатининг савоби ўтганларга етишига иттифоқ қилган.

Бизда турли сабабларга кўра, хусусан, ўтган даврда дин таълимотларидан узоқлашиб кетиш оқибатида ўтганларни йўқлаш деганда, «уч», «етти», «йигирма», «кирк», «эллик икки», «йил оши», «пайшанбалик» ва бошқа номлардаги ҳудойи ва маросимлар тушуниладиган бўлиб қолган. Бу каби маросимлар кўзга кўринадиган, бировлар биладиган бўлгани учун, «одамлар гапирмасин», «маҳалла нима дейди» каби мулоҳазалар юзасидан ҳам қилинади. Яна бунда бошқаларга ўзини кўрсатиш имкони ҳам бор. Энг асосий омиллардан бири – осон қутулиш. Шу ишларни қилиб қўйиб, бурчни адо этдим, деган даъво қилинади.

Аслида эса маросим ўтказиш тирикларнинг вафот этганлар учун қиладиган ишлари рўйхатида энг охириги ўринда туради.

«Уч», «йигирма», «кирк», «йил» ва бошқа номлар билан аталадиган маросимлар эса шариатда умуман йўқ. Катта китобларда ҳам, кичикларида ҳам, арабчасида ҳам, ажамчасида ҳам бу номларнинг бирортасини топиб бўлмайди. Китобларда «Мотам муносабати ила қилинадиган таом «вазийма» дейилади» деган гап бор, холос. Лекин ўша вазийманинг куни, ҳажми, унга пишириладиган таомнинг тури ва бошқа нарсалари белгиланган эмас. Бундай эҳсонни киши ўзидан, оиласидан, карамоғидагилардан орттирганида, балоғатга етмаган болаларнинг ҳаққини аралаштирмай, кўнгли истаган пайтда қилиши мумкин. Бунга турли бидъат-хурофотларни аралаштирмаслик шарт.

Ўтганларни, хусусан, ота-оналарни йўқлаш, руҳларини шод қилиш ва ортларидан савоб юбориш ҳақида сўз юритилар экан, қуйидаги ҳадиси шарифни ёдга олиш зарур бўлади.

عَمَّنْ سَمِعَ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «إِنَّ أَعْمَالَكُمْ تُعْرَضُ عَلَى أَقَابِكُمْ وَعَشَائِكُمْ مِنَ الْأَمْوَاتِ، فَإِنْ كَانَ خَيْرًا اسْتَبَشَرُوا بِهِ، وَإِنْ كَانَ غَيْرَ ذَلِكَ قَالُوا: اللَّهُمَّ لَا تُمَتِّهِمْ حَتَّى تَهْدِيَهُمْ كَمَا هَدَيْتَنَا». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Анас ибн Моликдан эшитган кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Амалларингиз ўлган яқинларингиз ва қариндошларингизга кўрсатилади. Агар яхши бўлса, улар башорат оладилар, агар бошқача бўлса, «Аллоҳим, бизни ҳидоят қилганингдек, уларни ҳам ҳидоят қилмай туриб вафот эттирганин», дейишади».

Аҳмад ривоят қилган.

Демак, вафот этган ота-онамиз ва яқинларимизни ёдлашимиз йилда бир ёки икки марта ёзиладиган дастурхон пайтидаги-на эмас, ҳамиша, ҳар лаҳзада бўлиши лозим.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Куръони Карим.
2. Имоуддин Исмоил ибн Касир. «Тафсири Куръони Азим». Дор ихяил кутубил арабийя.
3. Муҳаммад Али Собуний. «Роваъул-баён тафсири Ая-тил-аҳкам минал-Куръон». Дор ихяит-туросил арабий. Байрут.
4. Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафий. «Тафсирун-Насафий». Дорул китабил арабий. Байрут, Ливан. 1982.
5. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарийр Тобарий «Жамъул-баян ан таъвийли аятил-Куръан». Дарул фикр. 1988 м.с. – 1408 ҳ.с.
6. Муҳаммад Амийн ибн Муҳаммад Мухтор Шинқийтий. «Азъаул-баян фии ийзоҳил-Куръани бил-Куръан». Мактабату Ибн Таймия.
7. Шайх Муҳаммад Тохир ибн Ашуур. «Ат-Тахрир ват-танвийр», Дору Сахнун. Тунис.
8. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол».
9. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт».
10. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. «Саҳихул-Бухорий», Дорул фикр. Байрут, Ливан. 1994/1414 й.
11. Муслим ибн Ҳажжож Курайший. «Саҳихул-Муслим», Дорул кутубил илмийя. Байрут, Ливан.
12. Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний Аздий. «Сунани Абу Довуд», Дорул Боз. Марва, Макка.
13. Муҳаммад ибн Исо Термизий. «Сунани Термизий». Дорул кутубил илмийя. Байрут, Ливан. 1987.
14. Аҳмад ибн Шуъайб Насайй. «Сунани Насайй», Мактабут тарбиятил арабий лидувалил халийж, Риёз. 1988.
15. Муҳаммад ибн Язид Қазвиний. «Сунани Ибн Можа», Дор ихяит туросил арабий, Байрут. 1975.
16. Молик ибн Анас Асбаҳий Хумайрий. «Муваттоъ Имоми Молик», Дорун нафаис, Байрут, 1987. 10-нашр.
17. Абдуллоҳ ибн Баҳром Доримий. «Сунани Доримий», Дорул-фикр.
18. Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснади Имом Аҳмад ибн Ҳанбал». Дорул кутубил илмийя. Байрут. 1978. 2-нашр.
19. Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳатим Тамиймий. «Саҳих Ибн Ҳиббон», Муассасатур-рисола. Байрут. 1414/1993 й. 2-нашр.
20. Абу Бакр Байҳақий. «Сунанул-Байҳақий ал-кубро», Мактабату дорул Боз. Маккатул Мукаррама. 1414/1994 й.
21. Абу Муаййид Муҳаммад ибн Маҳмуд Ховаризимий. «Жамъул-масонийд», Дорул кутубил илмийя. Байрут, Ливан.

22. Муҳаммад Шамсулҳакк Азимободий. «Авнул-Маъбуд», Дорул-Кутубил илмийя. Байрут. 1415 х.с. 2-нашр.
23. Али ибн Султон Муҳаммад Қорий. «Мирқотул Мафотийҳ шарху Мишкотил-Масобийҳ», Дорул-ихият-туросил арабий, Байрут.
24. Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. «Фатхул-Борий шарху Саҳихил-Бухорий», Дорул райяни лит-турос, Қоҳира, 1986. 1-нашр.
25. Али ибн Султон Муҳаммад Қорий. «Ан-Никоя шарху Мухтасарил-Викоя», Император университети босмахонаси. Қозон. 1908.
26. Абдураҳмон ибн Муҳаммад Калибулий Шайхизода. «Мажмаъул-Анхур фи Мултақол-Абхур», Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан. 1989.
27. Алауддин ибн Масъуд Косоний Ҳанафий. «Бадаиъус-Санаиъи фии тартийбиш-шароъ», Дорул кутубил илмийя, Байрут. 1997.
28. Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий. «Эълоус-Сунан», Идоратул Куръани вал улумил Исламийя, Карачи, Покистон. 1415 х. й.
29. Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовий Ҳанафий. «Шархи маъоний ал-Осор», Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан. 1987.
30. Муҳаммад Амийн ибн Обидийн. «Раддул-Мухтор ғалад-Дуррил-Мухтор», Дорул кутубил илмийя. 1994 й.
31. Муҳаммад ибн Абу Саҳл Сарахсий. «Ал-Мабсут», Дорул маърифат, Байрут, 1989 м.с. 1409 х.с.
32. Камолиддин Муҳаммад ибн Абдулвоҳид. «Шарху фатхул-Қодийр», Дору ихият-туросул арабий, Байрут, Ливан.
33. Фахруддин Усмон ибн Али Зайлаъий Ҳанафий. «Табйинул-ҳақоик шархи Канзуд-дақоик», Мактабатул имдодия, Покистон.
34. Бурҳонуддин Абулҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Марғиноний. «Ал-Ҳидоя фи шархи бидоятил-мубтадий». Дору ихият-туросул арабий, Байрут, Ливан.
35. Зайнуддин ибн Нужайм Ҳанафий. «Ал-Баҳрур-роик шарху канзуд-дақоик», Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1997 м.с. 1417 х.с. 1-нашр.
36. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Бадриддйн Айний Ҳанафий. «Ал-Биноя шархул Ҳидоя», Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан, 2000 м.с. 1420 х.с. 1-нашр.
37. Фаридуддин Олим ибн Алаа Андиритий Деҳлавий Ҳиндий Ҳанафий, «Фатавои Тагархония», Дорул кутубил илмийя, Байрут, 2005 м.с. 1426 х.с. 1-нашр.
38. «Ихёу ʼлумиддин». Абу Ҳомид Ғазолий. Дорул фаҷр лит-турос. Қоҳира. 1420/1999 й. 1-нашр.
39. «Макоримул-ахлоқ» Ал-Хароитий. Мактабатур-рушд. 2006 м.с.

40. «Одобус-сухба». Абу Абдурахмон ас-Сулмий. Дорус-сахоба лит-турос. Миср. 1410/1990 й. 1-нашр.
41. Афийф Абдулфаттоҳ Таббора. «Рухул Куръан» Дарул илми лил-малайийн.
42. Аҳмад ибн Абдурроҳман Мақдисий «Мухтасару минҳажил қосидийн» Мактабату дорул баян. Дамашк. 1978 м.с.
43. «Аз-зуҳд». Абу Довуд.
44. «Назротун-наъийм фий макарими ахлақир-Расулил Карийм соллаллоху алайҳи васаллам», Муаллифлар гуруҳи. Дорул Васийла, Жидда. 1418-1998 й. 1-нашр.
45. «Ахлоқун-набий фил Куръани вас-сунна», Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Қосим Ҳадод. Дорул ғарбил исламий. Байрут. 1996 й. 1-нашр.
46. «Масалул аъло лил мужтамаъул инсаний кама таҳаддаса анху Куръанул Карийм», Солим Аҳмад Мақурий. Дору иқро. Тароблус. 1985 й. 1-нашр.
47. «Дустурул ахлоқ фил Куръан», Абду Собур Шохин. Муассасату-тур-рисола. 1408-1987 й. 7-нашр.
48. «Инсоф», Алоуддин Абу Ҳасан Али ибн Сулаймон Мардовий. 1375-1956 й. 1-нашр.
49. «Адабул ихтилаф фил Ислам», Тоҳа Жобир Файёз Алвоний. Дору Аламийя лил-китабил исламий. 1412-1991 й. 3-нашр.
50. «Ахлақул Куръан», Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан Ожурий. Дорул кутубил илмийя.
51. «Одобун-нуфус», Абу Абдуллоҳ Ҳорис ибн Асад Муҳасбий. Муассасатул кутубис-сақофийя. Байрут. 1408-1977 й. 1-нашр.
52. «Дустуру одобис-сулуки ила маликил-мулук», Муҳаммад Мози Абул Азоим. Дорул китабус-суфий. 1412-1992 й. 3-нашр.
53. «Мин ахлақин-Набий соллаллоху алайҳи васаллам», Аҳмад Муҳаммад Ҳуфий. Аҳром.
54. «Китобул бирри вас-сила», Ҳусайн ибн Ҳасан Марвазий. Дорул ватан. Риёз. 1419 ҳ.й.
55. «Адабул муфрад», Абу Абдулоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Офсет босмаҳонаси. Тошкент. 1400-1980 й. 1-нашр.
56. «Барийкаи Маҳмудия шарҳи Тарийкаи Муҳаммадия», Абу Саъид Ходимий. Матбаату шарикати саҳофия. 1318 ҳ.й.
57. «Одобул исламия фил ҳаятил ижтимоия», Абдуллоҳ Нажийб Солим.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Одобнинг таърифи	6
Одобнинг аҳамияти	7
Одобнинг манбаи	8
Одобнинг гоёси	14
Ислобий одобларнинг хусусиятлари	18
Одобнинг ватанимиздаги ҳолати	22
Ижтимоий одоблар шiori	25
Калом одоби	28
Каломга оид одоблар	42
Саломлашиш одоблари	49
Маскан одоблари	53
Масканда мўътадил бўлиш ва шароитни яхшилаш	56
Маскандаги моддий одоблар	57
Маскандаги маънавий одоблар	59
Маскан эгаларининг ўзаро одоблари	67
Овқатланиш одоблари	80
Таомланиш ҳақидаги ҳукмлар	83
Таом ейиш одоблари	84
Ичимлик ичишнинг ҳукмлари	93
Ичимлик ичиш одоблари	93
Меҳмондорчилик одоблари	99
Тўй ва маросим одоблари	105
Ўйин ва мажлислар одоби	113
Байрамлар ва турли тантаналар одоби	124
Диний байрамларни нишонлаш суннатлари	126
Рўза байрамига хос ишлар	126
Қурбон байрамига хос ишлар	128
Иккала байрамда ҳам баравар қилинадиган ишлар	129
Жумани ҳафталик байрам сифатида нишонлаш	133
Мажозий байрамларни нишонлаш ҳақида	134
Дам олиш жойлари ва сайргоҳлар одоби	142
Ёшлар одоби	153
Бошқа диндагилар билан муомала одоби	164
Кийиниш одоблари	171
Кийим ҳақида шаръий ҳукмлар	175
Либосга оид умумий ҳукмлар	175
Кийинишнинг умумий одоблари	178
Эркакларга хос кийиниш одоблари	182
Аёлларнинг кийиниш одоблари	184
Шахсий озодлик одоблари	190
Бадан поклиги одоблари	191
Хало одоблари	192

Истинжо одоблари	197
Таҳорат қилиш одоблари	197
Ғусл қилиш одоблари	199
Фитрат (соф табиат) суннатлари	203
Атроф муҳит поклиги	205
Йўл одоблари	207
Наклиёт воситалари одоблари	220
Йўловчининг одоблари	230
Уяли телефон одоблари	236
Уяли алоқа воситасига оид одоблар	239
Жамоатчиликка нисбатан одоблар	243
Сухбатдошга нисбатан одоблар	244
Интернет одоблари	248
Интернетдан фойдаланиш одоблари	249
Интернетдаги алоқа одоблари	254
Электрон почта одоблари	263
Сафар одоблари	266
Матбуот ва ахборот воситалари одоблари	277
Мол-дунё ва бойлик одоблари	284
Тижорат одоблари	305
Масжид одоблари	323
Масжид қуриш ва уни обод қилиш	323
Масжиддаги одоблар	326
Масжидда жамоат намози ўқишнинг аҳамияти	332
Жамоат намози одоблари	333
Жума одоблари	339
Қўшничилик одоблари	344
Илм одоблари	353
Илм талаб қилиш фарздир	357
Илм талаб қилиш одоблари	358
Таълим бериш ва муаллим одоблари	366
Сухбат одоблари	373
Касб ва иш бажарувчининг одоблари	391
Касб одоблари	392
Беморлик ва беморни зиёрат қилиш одоблари	404
Беморнинг одоблари	406
Табибнинг одоблари	411
Беморни зиёрат қилиш одоблари	411
Ўлим, жаноза, таъзия одоблари	419
Мухтазарга нисбатан қилинадиган ишлар	420
Жон узилганидан кейин қилинадиган ишлар	422
Жаноза одоблари	427
Фойдаланилган адабиётлар	451

Шайх
Муҳаммад Содик
Муҳаммад Юсуф

ИЖТИМОИЙ ОДОБЛАР

*Наширёт рухсатисиз нусха кўчиришининг
барча турлари, кўпайтириш ва сотиш
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.*

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент — 2023

Мухаррир: *Барно Саидрахмон*
Техник муҳаррир: *Мансур Қайюмов*
Бадий муҳаррир: *Абдулбосит Қамбаров*
Арабча матн мусаххихи: *Нодирбек Қаршибоев*
Муқова дизайнери: *Беҳзод Вафоев*
Саҳифаловчи: *Илҳом Шукруллоҳ*
Мусаххих: *Саидрасул Саидахмад*

Тасдиқнома рақами: 7798, 11.03.2021 йил.

Босишга рухсат этилди 14.06.2023. Бичими 60x90 1/16.
«Times» гарнитураси. Офсет босма. Босма табоғи 28,5.
Шартли босма т. 24. Адади 5 000 нусха.
Бунортма № 150. Баҳоси келишилган нарҳда.



«Hilol-Nashr» нашриёти босмаҳонаси
100185, Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478
<http://hilolnashr.uz> e-mail: info@hilolnashr.uz

ШАХСИЙ ОЗОДАЛИК
КАЛОМ
 БОШҚА ДИНДАГИЛАР НУСХАЛАСИ ОДОБИ
СУХБАТ МУАЛЛИМ
 ҚУШНИЧИЛИК
 ТҒИ ВА МАРОСИМ
ЕШЛАР
 ОВҚАТЛАНИШ
ҚАСБ
 БОЙЛИК
МАСЖИД
 ЙИГИН ВА МАЖЛИСЛАР
ИЛМ ТАЪЛИМ БЕРИШ МОЛУ ДУНЁ
 ҚАСБ ВА ИШ БАЖАРУВЧИ **ИЖТИМОЙ ҲАЁТ**
ОДОБЛАРИ
 БЕМОРЛИК ВА БЕМОРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ОДОБЛАРИ
МАСКАН **МАТБУОТ**
 ТИЖОРАТ ТАЪЗИЯ ТУРЛИ ОДАМЛАР БИЛАН МУОМАЛА
САФАР **ЙУЛ** АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
 ҚИЙИНИШ
 ЖАНОЗА ВА ХАЛО
 ИШ БАЖАРУВЧИ САМРОТХАЛА



ISBN 978-9943-9428-8-2



9 789943 942882